

Хоризманиш Ал-Бухарий

АБДУЛЛАНОМА



Форс тилидан раҳматлик **СОДИҚ МИРЗАЕВ** ҳамда  
раҳматлик **ЮНУСЖОН ҲАКИМЖОНОВ** таржимаси

Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:  
академик **БҶҮРИБОЙ АҲМЕДОВ**

Тақризчи: Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси профессор  
**АБДУЛАҲАД МУҲАММАДЖОНОВ**

**Ҳофиз Таниш ал-Бухорий.**

Абдуллонома («Шарафномаи шохий»). Иккинчи китоб; Форс тилидан  
С.Мирзаев ва Ю.Ҳақимжонов тарж.; Изоҳлар муаллифи: Б.Аҳмедов. – Т.: «Шарқ»,  
2000. – 288 б.

ББК Ўз1 (И)+63.3(5)

Биринчи китоб тақдимида келтирилганидек, Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё тарихшунослигининг мўътабар манбаларидан бири, йирик муаррих ва нозиктабъ шоир Ҳофиз Таниш ал-Бухорий қаламига мансуб «Абдуллонома» («Шарафномаи шохий») асари асримиз 50-йилларида марҳум шарқшунос таржимон Содиқ Мирзаев ва шарқшуносларнинг залворли меҳнати эвазига халққа таништира бошланган эди. Афсуски, Туркистон тарихининг Шайбонийлар ҳукмронлигида кечган XVI асрини деярли тўлиқ қамраган тароватли асар нашри нихоясига етмай қолганди. Ўзбекистон олимлари ва ноширлари ҳамкорликда ишлаб ушбу тарихий асарни шартли равишда икки жилда, тўрт қисмда Сиз азиз китобхонларга тақдим этишга жазм қилдилар. Кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланади.

«Абдуллонома»нинг иккинчи жилди ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти иштирокида Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасида ҳамкорликда илк мартаба тўла равишда нашрга тайёрланди.



ахволидан хабар олиш қасдида сайду шикорни баҳона қилиб, тумонларда бир ой муддат сайр қилди. Шу ов чоғларида хизматида бирга юрганлар унинг ниҳоятсиз инояти билан фахрландилар. Айниқса шижоатли ва зўр андишали амир Абдуссамадбийга ўн беш минг хоний маблағ билан уч минг ботмон ғалла инъом қилди.

Мовароуннаҳр ахволи Баҳром қахрли давлатлик қоон билан равнақ топиб, айниқса пойтахт Бухоро шу қунларда аъло ҳазрат ватани бўлганидан илму ҳунар манбаи бўлган эди. Онҳазрат бу вилоятнинг ҳамма жойида сиёсати ва ҳукми (далдасида) қийноқ ва уқубатлар билан кучли золимларнинг қўллари мазлумлар ёқасидан айирди ва вилоят ишларини йўлга қўйди. Бунинг устига Бухоро ва жами тегишли солиқларини бутунлай унга бағишлади. Ва ўша вилоятда эскидан қолган бидъатлар ва раъийятга заҳмат етказадиган беҳуда расмларни ўртадан қўтариб ташлашга ҳукм қилди. Подшоҳнинг доим химмати мулку миллатни мустаҳкамлаш, зулму бидъатни йўқотишга сарф этилгани туфайли Ҳақ таоло давлат душманларини йўқ қилишда фатҳу нусрат, иқбол ва саодатни онҳазратнинг байроғи ва муборак фикрига яқин қилган.

#### Н а з м:

Худога шукрки, мулки жаҳон ишларини  
Лутф билан иқболли у Жамшидга берди.  
Нима учунки, адл бонийси адлу омон асосини  
Унга Балхдан то Дашт эшигигача мустаҳкам  
қилди.

Унинг ҳукму амри юрган диёрда  
Замона саодат анжомини бичди.  
Унинг қуёши байроғи кимга соя туширган бўлса,  
Қазо унга икки жаҳон муродини берди.

Ҳазрат *Парвардигор*нинг лутфидан умид шулки, қиёматгача онҳазратнинг адлу инсофидан олам мамлакатларини обод қилсин ва унинг амру тақиқлашларини жаҳонга юргизиб фармонфармо қилсин. Ислому муслмон аҳли кўзларининг нури жаҳонбон шахзоданинг юқори ўринли саронардасини қувват бериши таноби ва устуни билан Сурайё юлдузи тепасигача ва Сидратилмунтаҳо устигача етказсин.

#### Н а з м:

Ҳақ лутфи унга Турондан Эронгача салтанат берди,

Ҳақ йўли қиёматгача унда давом этсин.  
Унинг ғалабаси, иқболи, қадр қиймати ва  
давлати доимий бўлсин.

Бу дуога фаришталар томонидан омин бўлсин,  
вассалом.

Қутли сифатли ҳокон тумонларни сайр қилиб, раъийятини инъому эҳсонлар билан шод қилди ва ўз қароргоҳига қайтиб истироҳат ястуғида ором олди. Онҳазрат хануз овдан қайтгунча ҳам йўқ эдики, Қўшқулоқбий яна Тошкентдан Бухорога элчилик билан келиб, аркони давлат ва ҳазрат аъёнларига учради. Олиб келган сўзининг мазмуни шулки: «Бу ҳамма жиноят ва жарималар гарчи қазою қадардан бўлса ҳам, тавба йўлини тутиб маъзират воситалиги билан иродат этагини ушлаб,

#### Б а й т:

Умидимиз шулки, лутф юзасидан  
Гуноҳ саҳифамизга насх хатини<sup>1</sup> тортсалар,  
Қуллимиз ва ожизлигимизни очик айтамыз.  
Сенинг меҳрингга боғланган аҳдни бузиш  
йўқдир.  
Бизларнинг хотиримизда аҳдни бузиш йўқдир.

Иккинчиси шулки, шу замонларда қозоқ подшолари нифоқдан тўлган диллари билан Дашти Қипчоқдан<sup>2</sup> келиб, вилоятнинг бир тарафини олмоқчи бўлдилар, бизларда уларда рўбарў бўлишга тоб-тоқат йўқ ва улар билан урушмоққа қувват ҳам йўқ. Шариф раъйлари нимани хоҳласа изҳор қилсинлар, токи ўпанга амал қилсин».

Бир куни яна Искандар шиорли шахриёр иккинчи марта ов қилмоқ учун Амударё ва Чоржўй тарафига юзланган эди, Ганжиали шиғовул элчининг хатини арз қилмоқ учун олий остонага етказди. Лекин у ярамаслигидан истакларига Андижон талабини ҳам қўшган экан. Шунинг учун соҳибқирон ҳокон ниҳоятда аччиғланганидан уни Дўстимбий ва Кўзбоғи Бултурукбийлар келгунча сақлашга ва ўз ватанига кетишга йўл қўймасликни буюрди. Аммо Дўстимбий Тошкентга етишидан бурун Бобо султон кучсизликдан қозоқлар билан сулҳ

яжужнишон тоифага суюрғол килди. Бир-бирлари билан учрашгандан кейин шуни муқаррар килдиларки, исён йўлини тутиб Сирдарёдан ўтадилар ва вилоятларни чопадилар. Ул Исқандар мартабали хусрав рамазон ойининг охирида<sup>4</sup> овдан қайтиб,

### М и с р а:

Бахту саодат узангисида, иқболу давлат  
жиловида

давлат қароргоҳига юзлангандан кейин, Бобо султоннинг хабари ва тесқаричилар кенгашлари қиссаси эшитилди. Иттифоқо, шу вақтда Бобо султоннинг қизини келтиришни устларига олган эътимодли кишилардан бир жамоаси қизни Балхдан олиб келдилар. Онҳазрат ундан воқиф бўлиб, ўшандай воқеани эшитиб турган бўлса ҳам, ғоятда марҳамат ва макрумат жиҳатдан бу ходисани бўлмаган ҳисоб қилиб, султоннинг мастурасини ўзига етказишни хотирига келтирди ва «элчига хабар етказишдан бошқа нарса йўқ»<sup>5</sup> мазмунига амал қилиб, Қўшқулоқбийга меҳрибончилик айлаб, Бобо султоннинг қизини унга ҳамроҳ қилди ва қайтишга ижозат берди. Онҳазратнинг хизматида доим бўлиб келган Мирзо Шохмуҳаммад дўрмоннинг отасини Бобо султонга элчи қилиб юборди. Элчилик мазмуни шулки, агар иттифоқликнинг асоси ва дўстликнинг биноси мустаҳкам бўлиб туришини хоҳлар экан, бирлашиш биносини қуриб, ихлос чашмасини фитнаю фасод ғубори билан бекитмасин. Агар қудрати етса, самарқандлик бузуқи султонларни тутиб биз томонга юборсин ва агар унга қучи етмаса, ўз вилоятларидан чиқариб ҳайдасин ва жазм қилсинки, агар бу маънини қабул қилмаганда қаҳру ғазаб шамоли қўзғолиб, унга тамом зарар ва мамлакатига офат етади, вассалом.

Муборак сифатли Исқандаршоир ҳазратнинг зотига неча кун нотоблик пайдо бўлиб, бир оз бедармон бўлиб эди, охирида мавлоно Абдулҳаким табибнинг саъй-ҳаракат билан қилган муолажаси сабабидан, Тангрининг инояти билан, «хар қанча бетоб бўлсам, Тангри таоло менга шифо беради»<sup>6</sup>нинг шифохонасидан ул одил хусрав сихат топди.

Шаханшоҳ мизожи яна эътидол топиб,  
Хурсандлик қуни келди ва ғам кечаси ўтди.

«Садақа умрни зиёда қилади» мазмунига мувофиқ, ўз одати бўйича, Бухоронинг камбағалларига ва талабаларига кўп маблағ садақа қилди. Ўша вақтда рўза ойи тамом бўлиб, рамазон ийди бўлган эди, онҳазрат қуввати камлигидан отга минмасдан, пиёда юриб, бир-тўда катта сипоҳлар ва ҳурматли амирлар билан Бухоронинг олий аркида ийд намозини ўқиди. Ундан кейин айшу шодлик базмларини қуришга буюрди. Лекин ўша кунда хоннинг отга минмагани фитна қўзғолишига сабаб бўлди. Қуйида бу ходисанинг пайдо бўлиш воқеаси ёзилади.

Алқисса, осмон ҳашаматли хоқон ийд базмларидан фориг бўлиб, баракотли зотнинг тузалгани овозаси теварак-атрофга тарқалди. Яна онҳазрат улуғ амирлар ва олийқадр нўён<sup>7</sup>лар билан мамлакат ва давлат тартиби устида кенгаш мажлисини очди. Мажлис маслаҳатсози шу пардада чалдики, неча кун онҳазратда заифлик пайдо бўлгани сабабли отга минмай қўйган эди. Душманларга эшиттириш учун овга чиқиш қасдида хар томонга Баҳромнишон хабарчилар юбориб хабар қилинса, токи зафарли сипоҳлар уруш асбобини тайёрлаб, зийнат билан муборак лашкаргоҳга келиб ором олсалар. Агар адоватнишон фиркалар қаршилиқ қилиб уруш бошламоқчи бўлсалар, наҳанг каби улар томонга чопсалар. Шунинг учун хон ҳазратлари ҳамма тарафдан ёшу қари сипоҳлар ва паҳлавонлар байроқ остига йиғилиб, шаввол ойининг охирларида<sup>8</sup> Дабусий қалъасининг майдонига жамъ бўлишига олий фармон чикарди ва хоннинг ўзи шавволнинг саккизинчиси, шанба қуни<sup>9</sup> Хожа Саъдуддин Абубакр Саъд билан бирликда имом Абубакр Саъднинг<sup>10</sup>, ундан Тангри рози бўлсин, файзасар мазорига бориб зиёрат қилгандан кейин, мазорнинг бир хужрасига кирдилар. Фақат икковлари суҳбатлашдилар. Хожа томонидан фатҳу ғалабага башорат бўлди. Фотиҳадан сўнг пешин вақтида хон хожа билан бирликда Насаф томонга йўналди. Хожа Али Сулаймон кўприги<sup>11</sup> бошигача бирга бориб, иккинчи фатх фотиҳасини бериб, шаҳарга қайтди. Яхши хислатли хон шу сўзни тараннум қилди:

## М а т л а ъ:

Агар сенинг лутфинг бизга йўлбошчилик қилса,  
Осмон бизнинг подшоҳлик хуржунимизни  
елкасига кўтаради.

Кун ботиши олдида тариқатлар кутби,  
хақиқатлар ғавси,

## М а с н а в и й:

Иршод мамлакатининг шаҳриёри,  
Абдоллар бошлиғи ва автодлар йўлбошчиси,

яраклаган шамъи урфон саҳифасининг накш-  
банди, Хожа Накшбанд<sup>12</sup>, замон кутбининг,  
Тангри уни муқаддас қилсин, мазорига тушиб,  
ул хазратнинг муқаддас қабрини зиёрат қилди.  
Иккинчи куни Хожа Даргир<sup>13</sup>га борди, кеча-  
си унда бўлиб, эртаси Сайид Амир Кулол-  
нинг, Тангри уни раҳмат қилсин, қабрига бо-  
риб ул пок ошёна остонасига ниёз юзини сурт-  
гандан сўнг Насаф томонга жиловни бурди.  
Шу орада қутлуғнишон Ибодулла султон<sup>14</sup>дан  
киши келиб айтди: «Душманларнинг сипоҳ-  
лари Сирдарёдан ўтиб, баъзи атроф ва вило-  
ятни талаб кетдилар. Бу ходиса дафъига ни-  
мани мувофиқ топсалар, иноят қилсалар эди».  
Бу воқеанинг сурати шундан иборат: хон хаз-  
ратлари рамазон ийдида отга миниб ташқари  
чиқмаганларини Бобо султон эшитиб, хон то-  
монидан қанча марҳаматлар бўлиб турганига  
қарамасдан, фитначи қозоқларнинг бошлиқ-  
лари билан кенгаш қилиб, шуни муқаррар  
қилдиларки, қозоқ Сорбон султон хон хаз-  
ратга қанча замон чокарлик қилиб, меҳрибон-  
чиликлар кўрган бўлса ҳам, Бухоронинг ши-  
мол томонида бўлган тумонларни талон қил-  
син. Бўзахўр султон бошқа кишилари билан  
Самарқанд вилоятига бориб талон қилсин.  
Олдиндан Бўзахўр султон бирмунча  
муфаттихлар билан Сирдарёдан ўтиб талону  
торож қилиб, Кунбой мавзеигача бориб  
бениҳоят молу ўлжаларни олиб қайтди. Бу  
ходиса хон хазратнинг олий остонасига етиб,  
онхазрат марҳамат юзасидан аҳдни бузиб  
қарши бўлишни муносиб кўрмаса ҳам, лекин  
очиқ маълум бўлдики, бу фитнани қўзғотувчи  
Бобо султон экан. Шунинг учун иккинчи ма-  
ротаба теварак-атрофга киши юборди, токи  
муқаррар қилинган вақтда зафарасар лашкар  
тезлик билан муборак аскаргоҳга келиб жой-

лашсинлар. Олдин ҳукм қилдики, Абулфатҳ  
Исфандиёр султон ва Суюнчмуҳаммад султон<sup>15</sup>  
биродари Саъид Муҳаммад султон билан  
Самарқандга борсинлар. Агар душманларни  
иккинчи марта топсалар, уларни дафъ қил-  
синлар». Шу фармонга мувофиқ қудратли  
амир Жонкелдибий ва низомулмулк Қулбобо  
кўкалтошлар, фармонга мувофиқ, Бухоро  
сипоҳларига бош бўлиб, Кармина вилоятига  
юзландилар ҳамда катта жамият билан у ерда  
ўрнашдилар.

## М а с н а в и й:

Искандаршиор хон хузурига,  
Фаришта рутбали, осмон қадарли хон қошига,  
Хабар бўлдим, ёмонлик ва фасод юзасидан,  
Қарши душман бу томонга юзланди.  
Талону торож учун Сирдарёдан ўтди.  
Гарданкашлик билан байроқ кўтариб,  
Талону торож қилишга қадам кўйди.  
Кунбой атрофларини ғорат қилди.  
Шаҳриёр иккинчи бор буюрди,  
Зафар байрокли, Жамиқтидор шох буюрди:  
Хар жойда бошлик ва сарвар киши бўлса,  
Мардоналик майдонида саф йиртувчи пахлавон  
бўлса,

Уруш ва жанг асбобини тартибга солиб,  
Кина ва жангу жадал қасдида  
Миёнкол томонга келсинлар,  
Урушни ўша жойдан бошлаймиз.  
Хокон фармони билан сайёра сипоҳлар  
Кармина томонга майл қилдилар.

Ва яна шу замонларда Сорбон султон ҳам  
даштликлардан кўп жамият билан,

## М а с н а в и й:

Шиддатли жанг чоғида каттиқ урушардилар,  
Ҳаммалари бўрига ўхшаб тери кийган эди,

бошлари қалқон қаби, юзлари буришган эди,  
кўзлари эса қалин қошлари остига яширинган,  
ҳаракатлари уруш бошлашга қаратилган эди,  
Сирдан ўтиб, Бухорога юзланиб, Бухоронинг  
Туркистон томонида бўлган тумонларидан  
баъзисини талаб, хайвонлардан ҳам олиб  
қайтганлар. Бу хабар иккинчи маротаба  
хоннинг қулоғига етиши билан ғзаб олови  
аланга олиб, янгидан сипоҳ тўплаш учун  
вилоят ва шаҳарларга киши юборди ва ўзи  
зулқаъда ойининг ўртасида<sup>16</sup> Насафдан Миён-

...қанда ва ҳар соатда тудатудад фалак-асар аскарлар келиб, тилларини дуо ва саного очиб, шоҳона эҳсон ва хусравона икромлар билан сарфароз бўдилар.

### М а с н а в и й:

Ҳар мамлакатдан тиф урадиган лашкар,  
Бошлари баланд паҳлавонлар  
Подшоҳ хизмати учун белини маҳкам боғлаб,  
Унинг мактовига тилини очиб,  
Олий даргоҳга шоду хуррамлик билан етдилар.  
Келган сипоҳ биёбон кумидан ҳам кўп эди.

### ХОННИНГ УЛ ФИТНА БОШЛИГИ ЗОЛИМ БОБО ТОМОНИГА ИККИНЧИ МАРОТАБА ЙЎНАЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР

«Қачонки Тангри қазою қадарни унга етишини истаса, оқиллардан ҳам ақлини олади»<sup>17</sup> мазмунининг қуёши тулуъ этади, мулкни берувчи Тангри таоло қудрат ва дастёрлиги остидаги лавҳасида кўрсатишни истаса, олам оқилларидан ва одам болалари фозилларидан ақллари олиб, у саркаш ва гумроҳ тоифанинг басират кўзларидан тўғри йўлни бекитади, чунки улар нафсоний ва шайтоний ҳаёлларга берилиб, бир қанча номуносиб ишларга киришадилар. Натижада тез орада буларнинг қилмишлари ўзларига қайтади.

### Н а з м:

Буюклик эгаси Тангри ўз ҳукмини ўтказишни  
истаса,  
Ақлни ақл эгаларидан тамоман олиб қўяди.  
Ҳар қанча ножўя ишларга юз қўйсалар,  
Яна ўзларига ибратли даражада қайтади.

Ҳазрати Рисолатпаноҳнинг, унга дуо ва салом бўлсин, мўъжизбаён тиллари билан хабар берилган нарса қуйидагича мушк ҳидини берувчи хомадек маъно ҳосил этди: «Мулоҳазасиз тузилган нарсалар воқеъ бўлади»<sup>18</sup>. Ходисаларни улар зоҳир бўлишидан олдин, замона саҳифаларига, кечаю кундузларнинг яраклаган варақларига ёзилган эдиким, Тошкент, Туркистон ва Хўжанд мамлакатлари шу замонда соат ба соат қаҳр майдони ва ўч олиш маъракаси бўлиб турадилар. Шунинг

неча марталаб хоқондан аҳд-паймонни мустаҳкамлашни илтимос қилиб, аҳдни қасам билан таъкид қилди ва: «Ҳеч бир вақт мендан тескарилиқ зоҳир бўлмайди», деб иттифок йўлини туттишни ниҳоясига етказди. Оқиллар олдида аҳду паймонни бузиш давлат ойнасига хиралиқ, мулку миллат қондасига халал келтиришдир. «Қасамларингизни таъкидлагандан сўнг бузманлар»<sup>19</sup> мазмуни шу маънога равшан далил бўлади. Лекин у хотирида онҳазратга, яъни Абдуллахонга нисбатан душманлиги бўлганлиги учун янгидан муҳолифлик ва ғайрилиқ нақшларини ҳаёли саҳифасига ёзди. Зоҳирда бирлик ва дўстлик йўлини тутган бўлса ҳам, лекин маъни юзасидан тамоман яшириниб ётганларнинг ифвosi билан Самарқанд султонларини ва халқнинг молларини нобуд қилди. Лекин ҳашаматли хоқоннинг химмати бандаларнинг ризоси ва вилоятларни обод қилишга қаратилгани учун меҳрибон хон золимларни ўртадан кўтариб ташлашга мойил эди.

### Н а з м:

Олийнасаб, жаҳонгир подшоҳ,  
Бахтиёр, адолатли шоҳ  
Кайхусравлик<sup>20</sup> байроғини кўтарганда,  
Зулмни дафъ қилишдан бошқа иши йўқ эди.

Искандар шукуҳли Ибодулла султон томонидан иккинчи дафъа киши келиб, султоннинг мамлақати агрофидаги талончилик ва ғорат хабарини эшиттирди. Ҳашаматли хоқон душмандан хабар тошгандан сўнг бундан вилоятдагиларнинг сарғардон ва паришон бўлганликлари очик маълум бўлди. Жамшид қудратли подшоҳ иккинчи маротаба лашкар тўплаш учун вилоят ва шаҳарларга киши юбориб, ўзи мазкур йилнинг зулқаъда ойи охирларида<sup>21</sup> нусратли сипоҳ билан Самарқанд томонга йўналди.

### Н а з м:

Иккинчи дафъа подшоҳга хабар етди,  
Душман яна фитна кўтарди, деб.  
Фарёдга етувчи хоқон иккинчи марта  
Лашкар тўплаш учун одам юборди.  
Сипоҳ сарсар шамоли каби  
Белгиланган жойга тўпланди,

Кайвон<sup>22</sup> мадорли хон даргоҳига келди.  
Хар тарафдан номдор лашкар келиб,  
Шоҳ хазина эшигини очиб, зарлар сочиб,  
Душманга қарши юриш учун сипоҳ хозирлади.

Хон Миёнколнинг машхур жойларидан бўлган тароватли Сарипул<sup>23</sup> мавзеига шавкат билан тушиб, ўша жой ҳавосини Чин (ипорининг) рашкини келтирадиган даражада хушбўй қилди. Ўша жойга ҳашаматли амир Жондавлатбий бирмунча саф синдирувчи пахлавонлар билан Шибиргон<sup>24</sup> томонидан келди. Арслон ўша курашчиларнинг аждаҳотана найзаларидан кўрқиб, ўзининг жойи бўлган тўқайни бўшатиб қочар эди.

#### М а с н а в и й:

Хаммалари пўлод кийган, темир чайновчи,  
Дев боғлағувчи ва қалъа олувчи ўжар,  
Хар биттаси ўзига бир арслон,  
Бир иқлимни шамшир билан етаклаб  
юрувчилар

фалакнишон остонасига келди ва ҳоконнинг узангисини ўпиш давлати билан эҳтиром топдилар. Абдуллахон ўша жойдан осмонга суянувчи узангини ҳаракатга келтириб, яхши толеъ билан йўлга тушди. Қанча манзилларни кезиб Қоқлик<sup>25</sup> деган мавзегга яқин бир жойга қўнди. У жонга роҳат берувчи манзилда Айбакшоҳ<sup>26</sup> тарафдан Саъидбий қорлик<sup>27</sup> бир тўда шижоатли, урушга ҳарис пахлавонлар билан,

#### Н а з м:

Шер каби хайкирувчи отликлар,  
Қудратли, чакқон, кўркмас суворийлар,  
Ёш гавдаси урушда чиникқан,  
Бир ўзини банд қилувчи ва қалъа олувчи,

шамшир билан чакмоқ сингари ўйновчи жавлон уришда бошини юқори қилувчи, жаҳонпаноҳнинг ҳузурига келиб зафар дастгоҳли сипоҳга қўшилдилар ва яхши хислатли шахриёрга яқин бўлдилар.

Зулҳижжа ойининг аввалида, душанба куни<sup>28</sup> ул Искандар рутбали шоҳ Кўли Моғиёнга<sup>29</sup> тушди. Ул мавзенинг ҳавоси зафаршиор отлар чангидан Тотоб ипорининг

боғидан ҳам яхшироқ сахро ва хуррамлик ўтловида саропарда ва боргоҳ қуббасини ой манзилга тўғрилаб тикдилар ва ўша биёбон атрофи чодирлар ўрни бўлди.

#### М а с н а в и й:

Ҳамма дашту тоғни чодир ўраб олди,  
Тоғу сахролар лашкарлар билан зич тўлди.

Номдор Ибодулла султон ҳамма улуғлар билан тезликда етиб келиб, ул ҳазратнинг қўлини ўпиб, фахрланишдан боши кўкка етди. Онҳазрат ҳам укасини шоҳона бахшиш ва ваъдалар билан меҳрибончилик кучоғига тортди ва вилоят ҳам лашкар аҳволини сўради. Ул баҳаво, дилни равшан этувчи мавзеда хурсандлик билан шикор ва жонивор учиринишга икки кун машғул бўлди. Балан্দпарвоз қарчиғайлар қанот ва пардаларини ёзиб, энг баланд учувчи қушларга сир айтар эдилар. Тез сайр этувчи Уқоб юлдузи<sup>30</sup> ов қилиш азмида зоғ камонидан отилиб, фалак ўрнини ов қилар эди.

#### Н а з м:

Муборак чехралик, олийнасаб подшоҳ  
Хурсандлик тилағида овга майл қилди.  
Унинг иқбол қарчиғайи қанотини ёзганда,  
Осмон бургутини овлар эди.  
У ов учун тўполок билан чопганда,  
Қарчиғайи ҳам овлашда ўйнади.

Хоннинг хотири равшанлашиб, ов ва жонивор овлашдан қайтгандан сўнг, панжшанба куни<sup>31</sup> уғрук<sup>32</sup>ни Эрам боғи каби чиройлик Боғи майдон<sup>33</sup> томонга жўнатиб, ўзи улуғлар қибласи ва шарифлар Каъбаси Хожа Носириддин Убайдуллоҳнинг, унинг сиррини азиз қилсин, мазори сари юзланиш байроғини кўтарди.

#### ОНҲАЗРАТНИНГ ҲАШАМАТ БИЛАН МАЪРИФАТ ЭГАЛАРИНИНГ КАЪБАСИ БЎЛГАН ХОЖА НОСИРИДДИН УБАЙДУЛЛОҲНИНГ МУҚАДДАС ТУПРОҒИ ЗИЁРАТИГА ЙЎНАЛГАНИ

Дин фозиллари ва илм эгаларининг нурли хотирларига очиқ ва маълумдирки, улуғ валийлар ва буюк шайхларни дўст тўтиш



ларига ва хусусан хожалар, уларга Тангри хмати бўлсин, силсиласининг муқтадоларига лос ва иқтидори бор эди. Шунинг учун зрат, пок мартабалик, арш сифатлик, валоят монининг қутби, хидоят фалакининг офтоби, ингри сирларининг махзани Хожа Носиддин Убайдуллохнинг, ул кишига раҳмат лсин, мазори қасдида ҳожат юзини ўша монга ўгирди.

### М а с н а в и й:

Иззату мартаба осмонининг қуёши,  
Хожалар хожаси Убайдуллохдир.  
Унинг юзи ибодатлар қибласидир,  
Унинг қўчаси саодатлар Каъбасидир.  
Файзли қўли қалам томчиси билан  
Мулк лавхидан зулм ҳарфини ювар эди.  
Қаламининг сурати нажотнинг калиди,  
Хату мактубининг маъноси ҳаёт кафили эди.  
Унинг мактуби ҳар кимга етса,  
Гўёки осмондан тушган бир оят эди.  
Ўша руқъа подшоҳ нишони каби қабул бўлар  
эди.  
Зулмни дафъ қилиб, низони қўтаришга дастмоя  
эди.  
Сўровчиларга эхсон бахшишни қўювчи бўлиб,  
Сўзловчиларга илму камол етказарди.  
Унинг саъй-ҳаракати яхши раъйи билан  
Молдан тамгани, диндан ёмон сиёсат ғуборини  
ювар эди.  
Ҳа, у раҳмат ёғувчи булут эди.  
Албатта, булутнинг иши ювиш бўлади.

Онҳазрат ўша олий остонага ва баланд шгоҳга шундай ихлос ва эътиқод билан таъзим ва тақрим шароитларини ўрнига қўйди; ҳазратнинг соф ботинидан мадад сўраб, ул алак шаклли даргоҳда турган кишиларни қўп ййлаб ва садақалар, ҳисобсиз ҳадялар ва изрлар билан хушвақт ва шодмон қилди. Ул изратнинг авлод ва олийқадр авлодларига оятда таъзим қилди. Айниқса, жаноб хидоят-тисоб, шарият йўлини касб қилган, улуглар лосаси ва буюк машойихлар натижаси, яъни ожа Хошимхожани ҳурматлади. У киши асаб ва ҳасаб зевари ва фазлу адаб зийнати лан безанган, таъб ва фаҳмининг яхшилигидан азилатлар эгаси бўлиб, доим сўз қалами исфнинг баёнида бемонанд ҳол тили билан у мисрани тараннум қилар эди:

Яхшиларда нима бўлса уларнинг барчаси ўзингда бор.

Абдуллахоннинг ул хожадан хотири атри-да бир оз ғубор бор эди, уни сафо суви билан ювиб, иноят эшигини икром ва инъом билан ул ҳазратнинг юзига очди ва ўша файзасар мазорида туришга таклиф қилди. Онҳазрат шу яхши ихлос ва эътиқоди баракотидан фатҳасар лашкарни қайси томонга юборса, Тангри таоло фатҳу зафар махбубини иқбол кажавасига солиб, ул юлдузипштибоҳ сипоҳ пешвозлигига чиқаради ва орзуларини ушатади.

### Б а й т:

Унинг уйғоқ бахти қай томонга юз ўгирса,  
Азалий иноят абадгача унга ёр бўлади.

Хон буюрдики, шайхулисломлик мансаби ва ул олий остонанинг жойнамозида ўлтирув-чилик, ота-бобосининг расмларида, ўша хожаники бўлсин: ул олий ҳимматли хожа ўзини бу улуг ишга машғул қилиб, ибодат этувчилар ишларини интизом йўлида олиб борсин ҳамда малоикпаноҳ боргоҳ ривожига ва равнақли бўлишига киришсин, ул манзилда турувчиларнинг диллари фориғ бўлишига яхши қарасин, шунинг учун мазкур хожа: «Мен сизлар билмайдиган нарсани биламан»<sup>34</sup> олий зеварини насаб шарафи устига «Аниқки, унинг кекса отаси бор»<sup>35</sup>ни илова қилиб, «Ҳар ким берса ва парҳиз қилса ҳамда яхши миллатни бовар қилса»<sup>36</sup>нинг мафҳумига мувофиқ, ўзининг тўғри коматини «Садақалар кам-бағаллар ва мискинларники»<sup>37</sup>нинг яхши хилъати билан зийнат берди. Тангри таоло инояти ва тўлиқ таважжуҳи ила ҳокон ҳар лаҳза ва ҳар кун, умуман ҳожатманд, гадоларга ва хусусан фазлли ва илмли кишиларга эҳсон дастурхонини ёзиб қўйди. Бу улуг инъом ва бахшишлар юз йиллардан бери ўша улуг хонадонда давом этиб келади ва йўловчи сайёҳлар ул олий мартабали тоифанинг зиёфатхонасига борадилар. Шоҳу гадо, каттаю кичиклар ул жаннатмисол манзилларга бориб, ўзларига лойиқ зиёфат топар эдилар. Шу мартабада ундан зиёдини дилга келтириб бўлмас эди.

У малаклар кўриқловчи остонанинг Фаридун мисолли шахриёри хотиржам бўлгандан сўнг, камоли улуглик ва ғоятда истиқлол билан ойнинг бешинчиси, жума кечаси<sup>38</sup> Абдуллахон Зухра юзлик мохпайкар жилвасидан ҳам, роҳат берувчи Чин ниғорхонаси рашк этувчи беҳишт фазосидан ҳам бошқача шаҳар томонга қараб жиловини бурди. Онҳазратнинг шаҳар томонга юрган хабари ўша фирдавсмонанд жойда турувчиларга эшитилди. Ҳазрат Ибодулла султон фармониға мувофик, шаҳардагилар киш ўртасида шодлик билан кўлини енгидан чиқариб, шаҳарни ясадилар ва ҳар тарафга латиф ва ғариб зийнатлар қуриб, унда хушхон ҳофизлар ўлтирдилар.

#### М а с н а в и й:

Жаҳонга шодлик билан оро бериб,  
 Ҳар жойда нағмачи турди.  
 Шаҳарнинг ҳаммаси зевару зийнатдан тўлиб,  
 Сочилган жавохирлардан ер юзи гуҳар кийган  
 эди.

Бутун мамлакат безанди,  
 Эшик, том ва девор ҳам ясанди,  
 Тамоми бозорни бошидан оёғига  
 Ҳунармандлар безаб қўйдилар.

Рух султони бадан мулкиға оройиш бергандек, азиз жонини қалбига қўйгандек, онҳазрат подшоҳлар маркази бўлиб келган Самарқанднинг олий аркиға кириб бахт тахти устида ором олди. Ҳамма сайидлар, қозилар, зодагонлар ва ашрофлар, шунингдек, хосу авом тамом иззи хол билан олий даргоҳға чопдилар ва икром шароити ва хоқоннинг қутлук қадамини муборақбод қилиш маросимини ўрниға қўйиб, кўлини ўпиш саодатини топдилар ва онҳазрат ҳам уларни икром қилиб, ҳар кимнинг мартабасиға муносиб дилжўйлик ва хушмуомалалик билан сўзлади.

Иккинчи куни чин ният ва камоли иродат билан ўша мақомда ётган баракотли мазорларни зиёрат қилди ва махсус кишилар билан ниёз ва ихлос тариқасида ва фаришталар руҳонийларини васила қилиш мақсадида мўминлар амири Қусам ибн Аббос<sup>39</sup>нинг, Оллоҳ алардан рози бўлғай, боргоҳ куббасиға бориб фақиру камбағалларға садакалар бериб хурсанд қилди.

Абдуллахон ўша куни ул вилоятнинг баланд имонатларини сайр қилиб кўрди. Ҳар жойда

тузатишға буюрди. Фирдавсмакон подшоҳ Мирзо Улугбек кўрагоннинг, унга Тангрининг раҳмати бўлсин, олийшон мадрасасидан бир хужраға тушиб, оқил ва фозил кишиларға кўп маблағ инъом қилди ва иноят эшикларини саодат эгалари юзларига очди. Хусусан, олий насабли жаноб, фазл майдонининг суворийси, камоли ва балоғат сифатли, мушкулларни ечувчи мавлоно Исматуллаға, Тангри уни саломат ва боқий қилсин, шоҳона марҳамат изҳор қилди ва яхши хилъат ва кўп инъомлар бериб, унинг фазлу камоли овозасини осмонға кўтарди. Қатъий умид шулки, саодатли кишиларни дўст тутиш дунёда онҳазрат шавкатининг зиёда бўлишиға сабаб бўлгани каби охирида ҳам даражасини кўтаришға боис бўлғай.

#### ИСКАНДАРФАРМОН ИБОДУЛЛА СУЛТОННИНГ БАЗМ ҚУРИШИ ВА ХОННИНГ ТАШРИФ БУЮРИШИ

Жаҳонни ёритувчи хон бир неча кун Самарқанд вилоятида бўлди. Ибодулла султон меҳмондорчилик учун хизмат камарини белга боғлаб, кечаю кундуз шавқу беғамлик мажлисини қурди. Ойнинг еттинчиси, якшанба куни<sup>40</sup> Жамшидроҳ султон зафарогоҳ амирлар, саодатли вазирлар, масалан, Ҳасанхожа хурд нақиб<sup>41</sup> баланд мартабали Хожибий дўрмонға айшу ишрат саронардасини фалак авжига кўтаришни буюрди. Шунинг учун базм мажлисининг мутасаддийлари завқу шавқ билан найшакар каби хизмат камарини белга боғлаб, ул олий базмни саранжом қилиш ва интизомға солишға киришиб, шундай латиф зиёфатға оро бердиларки, ул жаннат латофатидан хикоят қилиб, хурсандлик бисотини ёздилар. Базм сахнини суратли ва зийнатли гиламчалар билан шу даражада безадиларки, у хаёл ҳафсаласиға сифмайди ҳам.

#### Н а з м:

Бир шоҳона базм қурдиларки,  
 Олий жаннат ясадилар, деб ўйлайсан, киши.  
 Фаррош юз турли палос ёзди,  
 Ер зеболикдан арш каби бўлди.

Ул мажлис ва базмға ором бериш ниҳоятига етиши билан олий хазрат кўзининг нури

фарзанди тоифасининг юзига айшу ишрат эшигини очди. Ҳар ким шу жаннатнишон мажлисда ўз мартабасига муносиб ўринда ўтирди. Гулчеҳра сарвқоматлар юзлари ойдек бўлиб, мурассаъ камарини белга боғлаб ва музайян тожларни бошга қўйган, ранг-баранг либосларни нозик танларига кийиб сарву санубар каби оёғ устида турган, ишва билан ошиқлар дилларини асир қилиб, қон тўқувчи кўзлар ғамзаси билан бедилларнинг қонларини тўккан эдилар.

### М а с н а в и й:

Ҳаммалари насрин каби оқ юзли, ёсуман тусли, Бодом кўзли ва анбар мўйли эдилар.  
Ҳаммалари сунбул сочни лолага аралаштириб, Мушк каби зулфни юзга туширган эдилар.  
Ҳаммалари кокилни елгага ташлаб, Бошдан-оёқ офатижон бўлганлар.  
Ҳаммалари ҳуснда замонга машҳур бўлиб, Зеболикда ҳаммага афсона бўлганлар.  
Ҳаммалари анбар бўйли жингалак сочини тараб,  
Мушк исли сиртмоқни ёзган эдилар.  
Атр таратувчи удлар ва унинг исидан Қон жигарда охунинг нофидек боғланар эди.  
Ва унинг исининг насимидан Мушк бозорида уду анбар нархи тушарди.

Мана шундай фирдавс тусли маҳфилда заррин манқални ҳар томонга қўйдилар.

### Н а з м:

Ул нурли, жаннат асарлари базм мажлисининг Рух ёзиши ва рухпарварлиги сабабидан, Сабо абир сочиб, шамол ғолия суртувчи бўлган, Насим мажмарга айлантирувчи, шамол анбар ёғдирувчи бўлган эди.  
Олтин ва кумуш идишларда мевалар, шарбатлар, ширин халволар, Ва ранг-баранг табақларда лаззатли таомлар Дастурхонни ўша хайрли мақомда,

### М а с н а в и й:

Коронғуда тешиқдан тушган нур каби, Ранго-ранг соф шарбатларни Гулоб билан муаттар қилиб,

Турли пивматлар билан чарақлаган эди. Кумуш олтин идишлардан хон тўлган, Гўёки осмон ярақлаган ою қуёшдан тўлган эди. Ҳар бир идишда бир бошқа ранг таом, Турунжу лимую халвоси шакардан эди. Ўша базмда палов табақларидан Неча минг юлдузлар нур қуббаси бўлган эди<sup>42</sup>. Барра ва фоз гўштларининг бирён ва кабоблари қўплигидан Халқда хирснинг суръати қолмади. Музаъфар<sup>43</sup> васфини қандай баён қилишни билмайман, Шуни айта оламанки, табақлар зару зевардан тўла эди.

Чиройлик ва ясалган, нағмагар дилни овозчи овозлари билан диллар саҳифасидан сабру чидам рақамини ўчираар эди. Парданавоз созандалар ва нағмасоз хонандаларнинг хуш овозларидан кўздан қулоққа ҳасад етарди. Қулоқ бўлса офтоб юзли соқийлар дийдорининг нури орзусида кўздан ғам-ғусса тортарди.

### М а с н а в и й:

Ҳазалхон охулар ҳусну ноз билан Ул базмда ҳар тарафдан нағма чалар эдилар. Ҳар бирлари меҳр юзасидан қўлга чирманда олган,  
Ою қуёшни қўлда тутгандек эди. Нағмагар тараб навосини созлаб, Юз айш билан овоз чиқарар эди. Ул базмда узлуксиз қонундан, Ошиқлар дилига шифо етказар эди, Қандай қонунки, фаришта қонуни каби, Садо берадиган зебо фалақдан нишона эди. Ул қонун<sup>44</sup> яхши толега таквим эди. Ундаги хом симдан бўлган торлар таквимнинг чизиги эди.  
Ҳар жойда дилнавоз созанда Маҳбуб бошини энгайтирган чанг билан нағмани соз қилди.  
Ойнинг бир кечаси деб бошланган базм Уч кечаю уч кундуз давом этди. Мутриб етти бандлик найни чалганда Етти қаватли осмон овоздан тўлди. Шундай бир найки, ажиб шамни ёқиб, Ошиқларнинг дилларини қўйдирди.

Алқисса, дастурхончилар ҳисобдан ташқари кўп ранг-баранг таомларни хитойи хонларда

тортдилар ва мажлисга шу қадар оро берган эдиларки, уни кўрганда ақл ҳайрон бўлиб, кўз қарашидан бош айланар эди. Шундай фалак мислини кўрмаган ва эшитмаган базм охирига етди.

Искандарфармон Ибодулла султон ҳар хил матолар ва ҳар жинс мол ва муносиб тортиқларни ҳоқон назаридан ўтказди: суръат билан юришда сабзаранг осмонда туёқларидан нақш қолдирган саборафтор ва югуришда боди сарсарни ҳам думига етказмайдиган отларни жилвага келтириб онҳазратга нисор қилди ва ҳамда жаҳон халқининг маҳдумдозаси ва мардумларнинг нури дийдаси,

#### М а с н а в и й:

Бахтиёрлик боғининг янги бодаси,  
Иқбол боғчасининг сарви

Абулфатх Абдулмўмин султон хизматига, Тангри унинг умрини узок қилсин, у қаромат дарёсининг қимматбаҳо буюк гавҳари ва онҳазрат инояти маъданининг қимматли ёқути ва вужуди шарифи дарёсининг энг нафис дурри ва борлиқ осмонининг шарофатли зурриёди эди, унга ниҳоятсиз иноятлар қилиб, қаддини зарбофт хилъатлар ва олтин нақшли қилич билан беади. Мажлисда ҳозир бўлган олий кадр сипоҳлардан Ҳасанхожа нақиб, нажобатли, Тангри иноятига хос ва иқтидорли амирлардан, масалан, мулк таянчи Қулбобо кўкалтош ва жаноби Кучак ўғлон, Жонкелдибий, Дўстимбий ва Наврўзбий парвоначи, сўлнинг эътиборли амирларидан Жондавлатбий найман, Шоҳ Саъидбий қорлиқ, Турсунбий қушчи, Ганжиали шиғовул ва қолган эпик оқолари<sup>45</sup>, чухра оқолари<sup>46</sup> ва мирзолар Искандар мартабали султоннинг инъомларидан бошлари осмонга етди.

Тангри таоло ҳазратидан умид шулки, ҳоқон ҳамма биродарлари ва фарзандлари билан шодлиги кундан-кунга зиёд бўлиб, ҳам ғубори этакларига ўлтирмасин ва ҳамisha мақсуд жамолини мушоҳада ойнасида кўрсин.

#### БАХТЛИ ҲОҚОН САМАРҚАНДАН ЧИҚИБ КАЙВОНСИФАТ ЎРДУГА ЙЎНАЛИШИ

Бахтли ҳоқон неча кун фирдавсмонанд Самарқандда ғоятда ҳузур ва хурсандлик би-

лан мамнун бўлгандан сўнг, зулҳижжа ойининг саккизинчиси, душанба куни<sup>47</sup> Қулба мавзеида бўлган Кайвонсифат ўрду томонга азимат жилловини бурди. Дунёни ёритувчи ул шахриёр ўша тароватлик манзил ва мақомда қарор ва ором олди ва ўшал жаннатнишон мавзеда чаҳоршанба кечаси ийди қурбон (арафаси бўлиб), жаҳоноро янги ой жамолини одамларга кўрсатди. Онҳазрат яхши толеъ ва саъд бахт билан Жамшид ва Искандарнинг ойинида томм улғулик билан намозгоҳга борди. Подшоҳ ўрдусидан ийд нағорасининг садоси чиқиб, ҳатто осмондагилар қулоғига ҳам эшитилди. Саодатлик байроғининг маҳчаси Жавзо<sup>48</sup> уфқидан чиқиб, Сурайётолеъ бўлди. Ийд намозини ўқилгандан сўнг ҳамма: арқони давлат, султонлар билан бирга табрик учун хон даргоҳига келдилар. Ҳар қайсиси ўз мартабасига муносиб ўринда ўтирди. Ўша ийд муносабати билан катта тўй тартиб бердилар ва фаррошлар палосларни ёзиб, чодирларни қурдилар. Хонсолорлар ҳар турли таомларни тортдилар. Халқ инъом дастурхонидан баҳра олди. Мажлис тугагандан сўнг, ҳамма элатлар, хосу омм ҳоконнинг булут каби қарамли қўлидан тамоман бахшишга етдилар. Ул ҳазратнинг найсон булутини<sup>49</sup> каби гавҳар сочувчи қўли жихатидан бутун Мухит дарёси тер остига ботиши муқаррардир. Ул дарёдил эҳсонининг мавж уришидан коннинг ҳасратли кўзидан чашма-чашма рашик ёши оқди.

#### Н а з м:

Найсон мавсумида булут файзидан томган ҳар бир катрайи обдор  
Унинг қараши жудидан гавҳар бўлади.  
Унинг эҳсон қуёши қайси мавзегга тушса,  
Ўша мавзенинг хама ери зарга, гиёҳи маржонга айланади.  
Ажаб эмаски, унинг неъматига шукр этмоқ учун  
Сабза ўрнига тупроқдан тил кўқарса.

Ўша куни шу жамоадан амир Али Мардон баҳодир Маймана ва Фаржистондан ва Боқибий баҳодир эса Насафдан бир тўда девюррак ва бир гуруҳ темир кийимли пахлавонлар, жанг маърақасида хунхор, уруш майдонида жон овловчи, оловранг қиличидан душман тупроғини куйдирувчи йигитлар билан,

Ва хар бирлари чакмоқ каби тиғидан пуғла  
 чиқарувчи эдилар.  
 Шундай сипоҳки, маҳбублар киприги каби ўткир,  
 Ва турк маҳбубларининг кўзлари каби фитна  
 кўзғотувчи эдилар.  
 Шундай бир гуруҳки, бўйин товловчи,  
 Уруш кунда тез фитна кўзғотувчи эдилар,

зафарасар лашкаргоҳга келиб хизматкорлик ва фармонбардорлик камарини тоғ белига боғладилар.

Алқисса, атроф ва жонибдан кетма-кет Эрон ва Турон лашкарлари гарданкашларидан (кўпи) олий ўрдуга келиб, сайёраиштибоҳ ва нусратлик сипоҳга қўшилдилар. Юз минг номдор отлик зафарнишон байроқ остида қарор топдилар. Куёш Далв буржида<sup>50</sup> бўлиб, қиш совуғи қаттиқ бўлса ҳам, онҳазрат панжшанба кунни салтанат кўзининг нури Абдулмўмин султонга давлат марказига қайтиш учун ижозат берди ва видолашиш вақтида насихат учун марҳамат тилини очди.

### М а с н а в и й :

Душман қасдида шаҳаншоҳи комрон  
 Зафарлик рашк отига минди.  
 Ўзининг икбол қутчасида бўлган  
 Яхши фолли дуррини чиқарди.  
 Уни меҳру муҳаббат оғушига олиб,  
 Меҳр билан юзидан ўпди.  
 Унга меҳру шафқат кўрсатганидан сўнг  
 Насихат учун тил очди:  
 «Эй кўзим равшани, хушингни менга тут,  
 Сўзларимга бирма-бир кулок сол.  
 Қудратинг етганча халққа зулм қилма,  
 Яхши хулқдан бошқа сўзлама.  
 Умрининг узун бўлишини истасанг,  
 Халққа яхшилик қилишдан бошқа ўйини  
 қилма».

Ул давлат кўзи ва салтанат чироғи қулоғини насихат гавҳари билан оро бериб, шафқат қўлтиғига олди. Сўнгра хон у билан видолашиб, Тангри химоясига топшириш билан жўнатди. Шу кун ўзи замон ходисасидан ҳам кўп сипоҳ билан офтоб толелик байроғини фалакка кўтариб отга минди.

Кина юзасидан узангига оёғини қўйди.  
 Узун умрлик ғалабага Хизр йўли билан  
 Шоҳ бошини юқори кўтариб жўнади.  
 Халқ юлдуз сипоҳли шоҳ атрофини  
 Ой кўрғонлагандек ўраб олган эди.  
 Ул юзи ёруғ подшоҳ бошидаги соябон,  
 Гўёки фалак остига кирган куёш эди.  
 Толелик юзи шамъдан ёруғроқ бўлиб,  
 Бошидаги зар тожи олов шуъла каби эди.  
 Якка пари ва талъати соҳир бўлиб,  
 У ийд оyi каби бу ийд куни бахтиёр эди.  
 Туғининг маҳчаси фалакдан баҳраманд бўлиб,  
 Гўёки баланд осмонга осилган эди.  
 Байроғининг ойи жилва қилиб турарди,  
 Гўё «Ваш-шамс» сураси<sup>52</sup> ундан бир оят ва бир  
 нишона эди.  
 Байроғининг бошидаги хилпираб турган қора  
 ипак,  
 Гўёки кокилининг жингалагига юзларча ошуфта  
 диллар осилган  
 Байроғи оининг ойнаси баланд бўлганда,  
 Фалак турки<sup>53</sup> ўзини ойнада кўриш учун  
 кўтарилди.  
 Фалак келини унинг куёш каби маҳчаси  
 рашкидан  
 Олтин панжасини бошга урди.  
 Қизил байроқ жойидан зудлик билан кўзғолиб,  
 Хар томонда ўк-ёй каби аршга тегиб турарди.

Эътиборли ва иктидорли амирлардан бир жамоасини, масалан, Шоҳ Саъидбий қорлик, Шохим кўрчи, Али Мардон баходир ва Жўлтойбий қабиларни, шерлардан ҳам шижоатли, ўлдириш дарёсининг наҳанги, уруш вақтлар силобий тиғларини душманларнинг қони билан кизартирувчи, қон тўқувчи байроғни кўтарган, найзалари хаттотлардек душманлар жисми харфларини ўчираб эди, душман аҳволдан хабар олиш учун Қунбой томонга юборди. Ҳазрат хон ўрдуни Чоршанба мавзеи^га юбориб, ўзи мавлоно Хожаги Косоний^нинг нурга тўлган мазорининг зиёратига кетди. Зиёрат шартини ўрнига қўйгандан кейин, ўша остона мулозимларига назру садақалар бериб, пешин вақтида у ердан қайтди. Шу кунни жаҳонни ёритувчи султонзода,

### Б а й т:

Баланд химматли, кўп билимли  
 Муборак толели, қутли бахтли, хумоюн фолли

Исфандиёр султон, унинг иззати доимий бўлсин, тамом оросталлик билан Шахрисабздан қудратли аскаргоҳга келиб бениҳоят хурмат кўрди. Онҳазрат намози дигарда ҳумоюн аскаргоҳга тушиб, жума куни унда тўхтади.

Ойнинг ўн учинчиси, шанба куни<sup>56</sup> саодат ва иқбол билан фатҳу зафар отини сарсар шамолидак жавлон урдириб, уғрукни ғоятда дилқушо сахро, камоли тароватда жонфизо кишлок Ипор томонга юборди. Ўзи ҳазрат Азизон мулла Худойод, Оллоҳ уни раҳмат қилсин, мазорини<sup>57</sup> зиёрат қилиш мақсадида Ғазира томонга жиловни бурди. Соф ихлос юзасидан ул ҳазрат мазорини зиёрат қилгандан сўнг, садақа тариқида камбағалларга бир қанча зар берди. Намозшом вақтида ўрдуга қайтиб келди. Душанба куни<sup>58</sup> ул адолатшиор шахриёр Яратганнинг инояти билан Ипордан ҳаракат қилиб, Бедана кўриғига<sup>59</sup> тушди. Унинг яхшилик келтирувчи қадами етиши билан у ер мушки тотор рашк этувчи жойга айланди. Ул жойдан муборак оқибатли, уруш ва талаш вақтида ёмон андишали урушқоклар тобу тоқат келтиролмасдан қочиш йўлини тутардилар ва обдор тифларининг дамидан душман поймол бўлиб, яшиндек ер қаърига ботадиған бир қанча паҳлавонларни,

#### Б а й т:

Темир янчадиған гурзи, тош тешадиған найза,  
Қилни ёрадиған ўқ ва арслон йикитувчи қилич  
билан,

масалан, Ёрийбий қорлиқ, Жонтўғон баходир керойит, Ҳасан қурчи дўрмон, Жонмирзо қушчи, Тўшонча баходир жалойирларни Сирдарё яхлагани учун устидан ўтиш мумкинми-йўқми эканлигини маълум қилишга Сирдарё устига юборди ва ўзи шанба куни<sup>60</sup> ул жойда тўхтаб, ойнинг ўн еттинчиси, чахоршанба куни фатҳу нусрат байроғини ҳаракатга келтириб Қўқгумбаз<sup>61</sup>ни чодиргоҳ қилди. Иккинчи куни Илоўтти<sup>62</sup> мавзеига етди. Унинг муборак нузулидан ул жаннатмисол мақомдан биҳиштнинг рашки келадиған бўлди. Эртаси, хамманинг ийди бўлған жума куни шохлик нағораси ва карнайларнинг садосидан

#### М и с р а:

Дашту тоғларга зилзила тушди.

Хон мавкаби ул жойдан кўчиб, Дизах томонга юрди ва унда офтоб ва ой авжидан ҳам ўтадиған баланд чодирлар тикилди. Шу ерда Сирдарё сувини кўрмоқ учун юборилған кишилар бир тўда асирларни ушлаб Дизахга келтирдилар. Улар душман ичидаги воқеаларни баён қилдилар. Воқеа шундан иборат бўлған: паҳлавонлар манзиллар кезиб қун ўртасида Бўрклик қарлуқ бошига<sup>63</sup> етганларида у жойда бир тўп отлиқ кишиларни кўрдилар. Улар Тошкентдан Самарқандга бораётған кишиларни таъкиб этардилар. Ўзлари бир-бирлари билан кенгап қилиб айтдиларки, эҳтимолки, шу тоифа тил олиш учун келған бўлсалар. Муносиби шулки, булар кетидан борайлик, умид шулки, уларни топамиз. Шу маънига қўра, уларнинг кетларидан ўша куни бўйи юриб кечаси, саҳар вақтида ўша фитначиларга етдилар. Шу пайтда душманлар отларига ем бериб ғафлат уйқусида эдилар. Ногаҳон паҳлавон сипоҳлар теварак-атрофдан уларнинг устига чопдилар. У фитначилар саросималик билан уйқудан туриб, буларнинг йўлларини тўсдилар; тўсатдан бир-бирларига муқобил туриб, уруш бошладилар.

#### М а с н а в и й:

Икки томондан киналилар ёпирилиб;  
Уруш учун от қўйдилар.  
Тиф хар бурчакдан бош чиқариб,  
Ўқ махбуби киприги каби очилди.  
Найза ноз билан қаддини қўтариб,  
Алиф каби жон ичига ўзини жойлаган эди.  
Ўқ хар бурчакдан ёрнинг қон тўқувчи  
Ғамзасидан ўтқуррок бўлиб, ишга кирди.

Обдор шамшир ўлдирилғанлар қонлари аксидан қизил ёқут рангини олди. Охирида зафар насими умидга мувофиқ туриб, ҳокон паҳлавонлари Тангри меҳрибончилиги билан ғалаба қилдилар. Душман лапқарлари шуқуҳли қахрамонларнинг ҳамласига тоб келтиролмай, уруш майдонидан қоча бошладилар. Уруш майдонининг мардлари, масалан, Ёрийбий ва бошқа нусратли сипоҳлар ул бадбахт тоифанинг орқасидан бориб, баъзисини мажруҳ ва баъзисини жонсиз қилдилар ва бир қанчаларини тутиб хилофат марказига келтирдилар. Онҳазрат улардан душман аҳволини таҳқиқ қилиб бўлғандан сўнг, уларни ўлдиришга ҳукм қилди. Уруш майдонида шижоат кўрсатиб, ул тоифа устидан ғолиб бўлғанларга шохона сийлашлар

ўша жойда неча кун турди; султонларнинг баъзилари ва бошқа нусратойин сипоҳлар хоннинг олий даргоҳига етиб, аскарга қўшилсалар. Ўша кунларда Самарқанд тарафидан Искандарфаржом Ибодулла султон кўп лашкар билан келдики, тил унинг баёнида лол бўлар эди. Унинг таҳририда ҳар қандай хушхиром қаламнинг ҳам оёғи тошга урилар эди ва камон отувчилар ўлим ўқи захми таъсири билан Наср қушининг фалак авжидан уриб туширар эдилар. Ва шундай тиг тортиш муддатидан Баҳром<sup>64</sup> танидан қон тўкардилар.

#### Н а з м:

Ҳаммалари олов феълли, денгиз шукухли,  
Белларида камар, тоғдек эдилар.  
Ҳаммалари Баҳром ва Зухал каби,  
Кина билан урушга касд қилган ҳолда

олий ўрдуга келиб, учрашиш шарафини топдилар. Шу орада дарвишнишон Дўстмуҳаммад султон бир қанча шержусса ва наҳангмонанд болалари, масалан, Поянда Муҳаммад султон ва Ёрмуҳаммад султон ва бир қанча тиг урувчи лашкаршикан, гўзаллардек ғамзаси қон тўкувчи фитна қўзғотувчи далир сипоҳлар билан,

#### М и с р а:

Ҳам фитна қўзғотувчи эдилар,

аскароҳга келиб етди. От устидан онҳазрат қўлини ўпиш давлати билан шарафланди. Иқболли ҳоқон ҳам укаси аҳволини марҳамат билан сўради.

Эртасига Сирдарё томондан киши келиб олий остонага арз қилдики, Сирдарё шундай яхлабдики, сипоҳлар устидан ўтсалар синмайди. Онҳазрат бу сўзни эшитиб муҳаррам ойи аввалида, душанба куни<sup>65</sup> саодатли амирлардан бир тўдани, масалан, Абдулбокибий дўрмон, Бегибий баҳрин, Жондарвиш оталиқ ва Жўлтойбийларни дарё сувини кўриш учун Қоратол<sup>66</sup> томонга юборди. «Агар арз қилинган сурат воқеъ бўлса, хабар қилсинлар, агар воқеъ бўлмаса қайтиб келсинлар», деди. Шу буйруққа мувофиқ, олийшаън амирлар отга миниб, сув-

ойининг панжшанба кунида“ қайтио келио: «Сув яхламагандек оқиб турибди», дедилар.

Ул ҳазрат воқеани билгандан кейин жума куни ов қилмоқ учун Ёйилма томонга йўналди, об-хавоси дилқушо жойда шахриёр икки кун мажлис қурди ва барқ сифатлик тулпорга миниб, шижоатли паҳлавонлар билан шикор қилиб, ҳар қадамда бир ов қушини отар эди.

#### М а с н а в и й:

Тез учувчи қарчиғайлар ташқари чикиб,  
Чангалларини ов қуши қони билан ўтқир  
қилдилар.  
Лочиннинг чангали торожга киришиб,  
Унинг олдида на тўти қолди ва на қирғовул.  
Ўрдақ йўлини тез касдли қарчиғай олиб,  
Товус парига лочин чанг солар эди.

Баландпарвоз қарчиғай камондан отилган ўқ каби ҳавода учар эди ва ҳилол каби чангали билан<sup>68</sup> фалақдан Насри тойир юлдузини ерга олиб тушар эди.

#### Н а з м:

Шерни йиқитадиган паҳлавонлар шикоридан  
Даштнинг танига ларза тушди.  
Уларнинг бургуту қарчиғайларидан  
Кабутар ва қирғовул уялари торож бўлди.  
Агар қуён уясидан бош чиқарса,  
Паҳлавонлар ўқи парларидан қанот чиқарар эди.

Абдуллахон шарофатли хотири овдан бўшагандан сўнг жиловни буриб, чарчаган аскар бошларига соя туширди; уларнинг ҳар бирини бениҳоят лутф билан эркалади. Нусратли ҳоқон шарофатли ўрнига келгандан сўнг, ўша жойда Ҳасанхожа нақиб ва бошқа амирларни чорлаб сўзлади: «Шахриёрлар давлатининг пояси баланд бўлиши ва орзуларининг юлдузи иқбол меърожида тулуъланиши икки нарсани риоя қилиш билан бўлади: биринчиси, «раъй шижоатлилар шижоатидан олдиндадир»<sup>69</sup> мазмунига мувофиқ, мақбул йўл тадбир ва раъйдир, чунки бир инсон бошига қоронғу кечадек бир ходиса тушса, раъй ва тадбир машғаласи билан: «Тангри ўз нурига хоҳлаган кишисини йўллайди»<sup>70</sup> мазмунига биноан, офат ва хавф дахшатидан нажот топиб, саломатлик уйига етилади. Иккинчиси шижоатким, ҳарб дарёси

мавж уриб турганда қаҳру ғазаб билан оёғини маҳкамлаб туриш. Мартаба юзасидан тадбир ва раъй шижоатдан олдин, фойдаси тиф фойдасидан кўпроқ. Агарда майдон чангидан давлат кўзининг равшанлиги зиёд бўлса ҳам, лекин майдон қоронғулигида ожиз қолганларга тадбир ва раъй куёши дастгирлик қилади.

#### Б а й т:

Тадбир чоғида бир яхши раъй  
Қумдек мавж урган юз сипоҳдан яхшироқдир.

Энди, вақт хоҳишига мувофиқ, бир-бирларингиз билан кенгашинглар ва ходисалар воқеъ бўлишидан бурун фикр билан кенгаш қилинглар».

#### Б а й т:

Ишларни кенгашсиз қилма,  
Чунки кенгашда бениҳоят фойда кўрасан.  
Ҳар нарсани кенгашсиз қилсанг,  
Жазм билки, унда зиён кўрасан.

Кенгаш ва маслаҳатдан сўнг: «Ҳозирда сув лабига бориш тўғрими, ёки тўғри эмасми шуни белгиланглар», деди. Шунинг учун аркони давлат ва ҳазратнинг аёни ҳаммалари бир оғиздан ихлос билан сўзга келиб айтдиларки, бир неча кун шу саҳрода тўхтасалар гоятда муносиб бўларди, чунки ҳали баҳор лашкари келиб, совукни хайдагунча йўқ ва сабза сипоҳлари зийнат бермоқ учун бўстонларга юз тутганларича йўқ. Куёш гоҳо уялгандек юзини булут ниқоби билан беркитиб, гоҳо ой юзликлар каби булут пардасини юзидан олиб ташламоқда эди ва, муқаррарки, шу вақтда дарёнинг суви совуқдир. Сузиб ўтиш қийин. Маслаҳат шулки, хон ҳазратлари қиш тамом бўлгандан сўнг душманларни тағ-томири билан йўқотишга юз қўйсалар ва нусрат байроғини баланд қилиб у томонга юрсалар. Ул жамоанинг сўзлари онҳазратга маъқул тушди. Ҳамма сипоҳни Дизахга қўйиб, андак жамоа билан, масалан, Раҳмонқули чухра оқоси ва Дўстим баковуллар билан, шикор қасдида Соғарж<sup>71</sup> вилоятига етди. Шу вақтда аниқ хабар келди: Бобо султон фарзандлари ва катта-кичик самарқандликлар билан булут ҳаракатли, момақалдиروقдай хужум қилувчи, чақмоқ каби ва ҳатто унинг

сонини ҳеч қандай муҳандис ҳам фикру хаёл хандасасига сиғдиролмайдиган лашкар тортиб, дарё лабига келиб ўрнашдилар. Урушга шай бўлиб, ўзларини халокат чуқурига ташлаш қасдида турдилар. Ул ҳазрат билан бўлган ажрашиш муддатида куёш Далв буржидан Хут буржига ўтган эди. «Хут кирганда совук ўлади», деган маълум ходисанинг тескарисича каттиқ совук бўлди. Хавонинг сипоҳи қиш ва совуқнинг каттиқлигидан, ямо қасдида шундай қор билан ёмғир ёғдики, гулгун либосли оловлар қочиш йўлини тутиб, қалъага яшириндилар.

#### Қ и т ь а:

Совуқнинг талончи лашкари торож учун чиқиб,  
Олов темир деворидан ўзига қўрғон қилди.  
Ернинг ўзида иссиқлик бўлиши қийин экан,  
Унга тушган ўт ҳам совуқнинг каттиқлигидан  
ўчиб қолади.

Самарқанд вилоятининг совуғи машҳур бўлиб, аммо шу замонда одатдан ташқари, кундан-кунга кучаймоқда эди.

#### Б а й т:

Совуқнинг каттиқлиги шундай бўлдики,  
Кимни кўрсанг парвонадек қўлини олов томонга  
узатар эди.  
Ўрдак қаерда Самандар каби олов исини олса,  
Ўзини оловга уриб, кабоб бўлар эди.  
Совуқ шамол дамидан маҳбубларнинг лаблари  
қўқарди,  
Бу шундай совуқки, олов юзидан рангини олади.

Шундай совуқ бўлса ҳам, душманлар макру хийлани илгари суриб санги яда<sup>72</sup> амалига киришдилар. Тангрининг бадий санъати бўлган санги яда хосиятидан шундай кўп ёмғир ёғдики, гўёки хаво сув бўлиб, бир борасига тўкилгандек эди.

#### Б а й т:

Булутлар қайнашида ёмғир рағволаридан  
Ҳамма совут ва қалқонлар сув бўлди.

Ёмғир кўплигидан ўқ осмонда ҳаракат қилолмади. Кайёний<sup>73</sup> камонлар намдан



найза хати ҳам бошини тиззасигача қуйи солди, саборафтор отлар ҳам ҳаракатдан тўхтадилар. Урушувчиларнинг либослари оғир бўлиб бир четда ўтириб қолдилар.

### Н а з м:

Душман лашкари яда қилиб,  
Еру қўк дарё каби бўлди.  
Уруш майдони мурғобийларининг оёқлари  
Ўрдак каби сувда сузар эди.

Замона ўша кунларда тириклик ходисаси билан кўтарилган гарду ғуборни босишни ва ўша вақтда шуълаланган фитна ўтини ўчиришни истарди. Қаттиқ булут кўтарилиб, шундай кўп қору ёмғир ёғдики,

### Н а з м:

Агар совукнинг қаттиклигидан музламаганда,  
Хамма суву селлар оқиб Мухит денгизига  
қўшилар эди.

Алқисса, кечаю кундузи узилмай қору ёмғир ёғганидан, ҳеч кимнинг қўли ишга бормади қолди. Ҳаво совуқлиги авжга чиқиб қадам босиб юриб бўлмади қолди ва кишиларнинг хайвонлар муҳофазатига қудратлари етмай қолди, чунки бу ҳаракат жонга хатарли эди. Шу сабабли оту туя ва кўп хайвонлар ўлди. Мардум захмат остида кун кечирар эди. Қулбобо кўкалтош ва бошқа нойиблар билан биргаликда от ва туялар совуқдан нобуд бўлганини боргоҳга арз қилдилар. Ҳазрат хон арздан воқиф бўлиши билан тўхтовсиз қайтиш жиловини буриб, ойнанинг йигирма саккизинчиси, шанба куни<sup>74</sup> ўрдуга келди. Тангрининг инояти билан совуқдан саломат қолган аркони давлат ва бошқаларни бениҳоят марҳаматлар билан сийлади.

Шу куни Ўратепа томондан Маҳмуд султоннинг одамлари Поянда Мухаммад султон<sup>75</sup> йигитларидан бир жамоани ушлаб, олий даргоҳга келтириб амирлар воситачилиги билан хилофат тахти арзига етказдилар. Фармон бўйича уларни интиқом тифи билан бўлак-ладилар. Бу ходисанинг шарҳи шулки, аъло ҳазратнинг юзланиш хабари душманлар қулониға етиб, Гадоёхон ўғли Поянда Мухаммад

пахлавонларни тил олиб келиш учун<sup>6</sup> маҳсус кечув жойидан ўтказган. У жамоа Ўратепа вилоятига тобе бўлган Хавосга юз қўйдилар. Галла топиш мақсадида ул жой кишиларини қаттиқ қисиб торожга қўл чўздилар. Маҳмуд султон уларнинг ўтганларидан хабар топиб, шижоатли ва фитна кўзготувчи гўзаллар мужгонидек саф ёрувчи ва найзалари бутларнинг қон қилувчи ғамзасидек кишиларни ўлдирувчи ўсмир йигитлардан бир гуруҳни,

### Н а з м:

Шундай гуруҳким хар биттаси уруш вақтида  
Мардлик билан душманларни ҳалок қилади,

ўша тоифа қасдига юборди.

Маҳмуд султоннинг сипоҳлари замонанинг ходисалари янглиғ ҳаводорлик ва ихлос юзасидан Хавос мавзеига бориб, ўша қишлоқда ул гуруҳни ниҳоятда пароканда ва паришон ҳолда топиб, тўхтовсиз диловарлик тифи ва баҳодирлик билан хар тарафдан қаҳр отини уларга чоптирдилар. Душман лашкари қатта жамият бўлса ҳам саросимада қолиб, тездан отга миниб уруш бошладилар.

### М а с н а в и й:

Киналиллар тифни қўлга олиб,  
Мардона қўлларини юкори кўтардилар.  
Ўқни камон зеҳига қўйганларида,  
Осмондан «бер», деган овоз келди.  
Тиф бўйини узишга киришиб,  
У жиҳатдан камон қадди эгилди.  
Қон ва тўфанг уруш замонида  
Базм мастлари учун май ва нукл бўлди.

Охири зафар насими нусратли лашкар томонга эсиб, фатҳ қуёши макрамат уфқидан бош чиқарди. Душман сипоҳлари боди сабодек тезликда қочдилар. Ҳасрат шевази билан чекиниш йўлини тутдилар. Нусратли лашкар у толесизларни таъқиб қилиш учун чопдилар; тифу найзадан саломат қолганларни тутиб жаҳонпаноҳ даргоҳга келтирдилар ва бу хизматлари учун мукофот топдилар.

Шу вақтда Бобо султоннинг биродари Тохир султон Искандарфармон Ибодулла султон даргоҳига илтижо қилиб ариза юборди. Мазму-

ни: «Биродарим Бобо ўз қилган ишидан шармисор ва хижолатманд бўлиб, деди: «Неча марта аҳду паймонни буздим, энди онҳазрат этагига қўл урушга менда юз йўқ. Сен, агар қўлингдан келса, восита бўлиб, Ибодулла султонни онҳазратга васила қилсанг, ул зот хазратдан жинойтларимни кечиришни илтимос қилсалар. Жоним халослигига ва омон қолишимга сабаб бўлса, ғараз шулки, «сулҳ яхши»<sup>77</sup> оятига амал қилиб ярашга қадам қўйсалар, икки томон риоясида ўртада сулҳ қилсалар ва онҳазрат хотиридаги кинани кўтарсалар, мамлакатлар ва йўллар эминлигига сабаб бўлур эдилар». Ушбу ариза Ибодулла султон воситачилиги билан соҳибқирон қулоғига етди. Онҳазрат биродарини риоя қилиб, «Бобо султон ўз биродарини васила қилиб мендан афв сўраган бўлса, мен ҳам унинг аризасини рад қилиш ёки қабул қилишни иним Ибодулла султон ихтиёрига бердим, лекин шу шарт биланки, бурун ҳам айтган эдим, самарқандликларни тутиб менга юборсин, ёки уларни вилоят атрофидан хайдасин ва қабул бармоғини тоат кўзига қўйсин. Менинг буйруқларимдан бошини тобламасин ва бўйсунушига сўз берсин», деди. Онҳазрат инисининг талабини қабул қилгандан сўнг, жаноб Ибодулла султон юборган киписига сарупо берди. Онҳазрат хикояларини бирма-бир ёзиб номани ўша элчидан бериб юборди. Элчи қайтиб нома мазмунини Бобо султонга айтди. Шу ҳолда онҳазратнинг сўзлари хотирида жой олиб, иккинчи марта тавба қилди, узр баён қилиб, итоат оёғини йўлга қўйиб, ваҳшат губорини ўртадан кўтармоқчи бўлса ҳам, лекин амирлар жаҳл юзасидан уни манъ қилдилар.

#### М а с н а в и й:

Подшоҳларга зарар етса,  
Нодон вазирнинг тадбиридан етади.  
Бир кишининг остонасидан давлат кетиши,  
Асли ёмон, беҳунар киши билан ҳамсухбат  
бўлишидандир.

Иккинчи маротаба иқболли ҳазрат душманларининг паришон ҳолларидан хабардор бўлиб, уларнинг нотўғри феълларидан ғоятда аччигланди ва ҳукм қилди: «Сипоҳ ўз жамиятига яраша гупсар<sup>78</sup>, саноч ва машқлар муҳайё қилсин, чунки дарёдан ўтиш шу нарсалар билан осон бўлади».

#### КОБУЛ ВА БАДАХШОНДАН МУҲАММАД ҲАКИМ МИРЗО ВА САОДАТМАНД ШОҲ СУЛАЙМОН ТОМОНИДАН ЭЛЧИЛАР КЕЛИШИ

Тангри таоло инояти мақсудга етиш ёрлигини: «Сени ер юзига халифа қилдим»<sup>79</sup>нинг тавқеи билан зийнатласин. Қуёш каби байроғини: «Хоҳлаган кишимизни юқори даражаларга кўтарамиз»<sup>80</sup> мазмунига мувофиқ Жавзо авжига ва Сурайё чўққисига чиқарсин ва ул давлатманд бу неъматнинг шукронасига ҳар жабҳада яхши бўлишни ўзига шиор қилсин: ўз турмушини (яхшиликка йўғирсин, чунки) «Тангри яхшилиқ қилувчилар мукофотини зое қилмайди»<sup>81</sup>. Тамом ҳимматни такво ва парҳезкорликка сарф қилсин, чунки Тангридан таквода бўлинглар ва билингларки, «Худо такво қилувчилар биландир»<sup>82</sup>. Шундай бўлганда жаҳон сардорлари унга бўйсунадилар ва даврон гарданкашлари тобелик бошини унинг тавқеи остига қўядилар. Бу сўздан мақсад шулки, Бадахшон ҳокими Шох Сулаймон Шохрух мирзонинг ғалабаси туфайли беш йил мамлакатдан қўлини тортиб, салтанатни тарк қилди. Каъба ва Мадина, Оллоҳ ҳар иккови умрини зиёда қилсин, зиёрати, тақрим ва ташрифига ошиқди. Абадий саодат ва муродларини тўлиқ ҳосил қилган ҳолда Кобулга келди; у жойдан марҳум ва мағфур Хумоюн подшоҳнинг ўғли Муҳаммад Ҳаким мирзо иттифоқида, ораларида куёв ва қайиноталиқ алоқаси бўлишига қарамасдан, кўп лашқар билан Бадахшонга борди. Шохрух мирзо<sup>83</sup> ҳам бобосини риоя қилмасдан, уларнинг қаршисида лашқар тортди. Икки томон бир-бирларига яқинлашган эди. Шохрух мирзонинг сипоҳлари бевафолик қилдилар. Шу жихатдан Шохрух мирзо қочди, Зафар қалъаси<sup>84</sup> томонга юз қўйди ва шу ваҳждан иккинчи бор бу вилоят Муҳаммад Ҳаким подшоҳ<sup>85</sup> ёрдами билан Шох Сулаймон қўлига ўтди. Бу воқеа пайдо бўлгандан сўнг, сарфарозлик ва бош юқорилиқ ғоясини Искандарнишон Абдуллаҳон билан бирлашиш ва дўст бўлишда билиб, икковлари — Муҳаммад Ҳаким подшоҳ ва Шох Сулаймон хоннинг осмон янглиғ баланд даргоҳига элчи юбордилар. Сафар ойининг ўн биринчиси, якшанба кунида<sup>86</sup> Сулаймонмакон подшоҳ Шох Сулаймон жонибидан Мехрали кўкалтош, Муҳаммад Ҳаким томонидан қозиаскар мавлоно Нуриддин Муҳаммад хусравона тортиқ ва тухфалари билан Дизах атрофида остона ўпишга келдилар ва Қулбобо кўкалтош воситачилиги билан

дўстлик ва иттифоқлик хабарини етказдилар. Онҳазрат ҳар бирини кўп инъомлар ва саруполар билан сийлаб ва меҳрибончиликлар қилиб, Шох Сулаймоннинг муборак қадами Бадахшонга келиш табриги учун ёзилган мактуби билан жўнатди.

#### ХОҚОННИНГ ДИЗАХДАН ҲАРАКАТ ҚИЛИБ ДУШМАН ТОМОНГА ЗАФАРАСАР БАЙРОҒИНИ КЎТАРИШИ

Киш охирига етди. Совуқ шиддати ниҳоясига етиб, сабзаву райҳонлар сипоҳи табиат фармони билан ҳаракатга келдилар ва юзларини атроф боғу бўстонларига ўгурдилар. Подшоҳнинг нафосатасар қадамидан шавкат ва иқтидорли баҳор лашкари киш устига юрди.

#### Н а з м:

Сабза лашкар тортиб, чаман мушкини олди,  
Боғу данг атрофини суман сипоҳи олди.

Сабза султони ўзининг пок асар сипоҳи райҳонларини ҳамма дашту тоғларга ва лаълранг байроғини сабза бисоти устига қараб кўтарди.

#### М а с н а в и й:

Баҳор подшоҳи байроқ кўтариб,  
Лоладан байроғу қалқон килди.  
Сабза ва гул сипоҳи  
Булбулнинг сайроғиға азм килди.

Толелик хоқон душманни тамоман йўқотиш касдида отни жавлон урдирди. Ойнинг йигирма биринчиси, чаҳоршанба куни<sup>87</sup> дарахт барги каби кўп ва найсон ёмғиридай мўл сипоҳ билан баҳор фаслида Дизахдан кўчиб, қудрат ва иқтидорли юзини душман томонга қаратиб, зарнигор байроғини кўтарди. Адолатли хоқон ўша фатҳу зафарли сафарида бирга бўлган гуруҳ билан юрди. «Унга таваккул қилдим ва унга қайтаман»<sup>88</sup> муқтазосича, таваккул дастасини маҳкам тутиб, фатҳу зафарни қон тўқувчи лашкарнинг кўплигидан ва истеъдодининг кучлигидан эмас, балки Тангри хоҳишидан билиб, ҳар манзилга тушганда ғайбий азон айтувчидан хуш қулоғига шу нағма етар эди.

Қайси томонга юз ўгирсанг, тақдир  
Давлат жиловингни тутиб узангингда бўлсин.

Манзилдан манзилгача кўчганда иқбол  
башорат берувчиси ҳол тили билан арз қилар  
эди.

#### Б а й т:

Ҳар манзил сенинг жилвагоҳинг бўлса,  
Подшоҳлик тожи йўлинг тупроғи бўлсин.  
Осмон қадрли, фаришта сипоҳли шох  
Олий мартаба душманлари кетидан юзланди.  
Қуёш каби юз билан отини ҳаракат қилдирди,  
Гўёки осмон тепасига *Ой* чиқди, дейсан.  
Комёб подшоҳ оёғини ўпиш пайида,  
Узанги каби янги *Ой* фалак устига чиқди.  
Бошига кийган қуёш зарли тож билан,  
Нурли юзи *Ойга* таъна қилди.  
Бошига офтоб каби тилло тожни қўйган,  
Тилло занжир билан унга якка пар боғланган,  
Олий подшоҳ атрофида сипоҳ,  
Гўёки *Ой* атрофидаги ҳоладек кўринди.  
Қуёш нурли шох тепасидаги чодир,  
Гўёки *Ой* бошида осмон чарх ургандек,  
Ҳар томондан байроқ пари каби,  
Жавлон уриш учун қанот қоқадиган бўлди.  
Байроғининг ойи осмондаги *Ойга* қўл етказиб,  
Шапалоқ билан ой юзини қора доғ қилди.  
Байроғи дуо дастидан яна,  
Офтобдек осмондан фатх эшигини очди.

Нусратшиор байроғи Парвардигорнинг инояти ва қувват бериши билан Кўкработдан<sup>89</sup> ўтиб, Ёйилмага<sup>90</sup> тушди. Ўша жойда шахриёр хон Муҳаммад Мўмин султонни подшоҳона марҳаматлар билан эътиборини юқори қилди. Замон хоҳишига қараб, Тошкент мамлакатини ва Хўжандни, тобе ерлари билан қўшиб, унга бериб, Андижон вилоятига қўшди. Улуғ андишали ва шижоатли амир, раъйи ва фикри тўғри Абдуссамадбийни қайтадан оталиқ мансабига тайин қилди. Ҳамма мушқил ишларни хал қилиш ва бошқа фалакиштибоҳ муҳим ишларни ўзининг адолатли ва яхши ақли комили баракотида бажаришни унга топширди. Мўмин султон ҳам ўз оталиғи Абдуссамадбий билан хоқон хизматиға бордилар. Хон уларни бениҳоят ҳурматлади. Улар оёғ устида туриб таъзим бажо келтирдилар. Искандарнишон

шахриёр ўша куни жаноби Бек султонни ниҳоятда эъозлади. Дарвишхон шаходат топгандан сўнг, онҳазрат хизматида бўлган Дарвишхоннинг жамий лашкарини унга қўшди. «Ўша юришда унинг раъйи нимага бўлса, итоат қилинглар ва унинг юрар ва паноҳ элтар жойини тамом эҳтиром билан кўрсатиб, ҳозир бўлсинлар», деб тайин қилди.

Панжшанба куни<sup>91</sup> фатҳ зафар отига жилва бериб, Чингизнинг тартиб ва услуби ҳамда фитна кўзғотиш тариқида ўнгу сўл манғлайларини тартиб бериб, душман томонга йўналди ва Мўмин султонни яровул қилди. Султони комкор ва Искандаршиор Ибодулла султонни лашкар манқилоси қилиб, ғоятда имтиёз берди. Ўнг сипоҳлар сардорлигини дарвишнишон Абдулқуддус султонга берди. Сўл томон лашкарни Хусравнишон Исфандиёр султонга топширди. Шу тартибда шахриёр хон рангбаранг байроқларни жилва қилдириб, савлат билан ўзининг душман касдида юриш овозасини фалак тосига отди.

#### М а с н а в и й:

Шу хашамат билан ул Жамшид шукухли хусрав,  
Тоғ каби отини жойидан кўзғотди.

Шоҳ тескаричи касдига жиловни бурди,  
Узангисида сипоҳ бошлиқлари юрган холда,  
Ҳаммалари уруш кунда шундай фитна  
кўзғотувчики,

Улардан қўрққанидан оининг юзи сарғаяди.

Ҳаммаларининг белларида зафар тиғи,  
Унинг хизматида бел боғлагандир.

Отлар кишнаши ва сипоҳлар хурушини  
Осмондан туриб куёш ва ой эшитдилар.

Карнай дилидан овоз чиқиб,  
У овоз туфайли тоғ каби лашкар жойидан  
кўзғолди.

Карнай овози осмонга шу қадар чиқдики,  
Қари фалак хешлари билан титради.

Байроқлар куёш ва ойга қўтарилиб,  
Туғлар урушувчилар учун йўл аломатлари бўлди.

Туя лашкарлари кўчишни истаганларида,  
Ҳар томондан қўнғироқ овози эшитилди.

Бешикликтепа<sup>92</sup> мавзеига тушганда, хон сипоҳ бошлиқлари ва даргоҳ гарданкашларини чақириб, деди: «Лашкар ҳолидан хабардор бўлиб, бир дақиқани ҳам бекор ўтказманглар ва эҳтиётда бўлиб, ҳеч бир вақт ғафлатда қолманглар. Ҳақимлар айтганлар: ғафлат

пушаймонликка ва надоматга сабаб бўлади, эҳтиёт ва жазм ҳар турли саодатга боис бўлади».

#### М а с н а в и й:

Шоҳ сипоҳ саркардаларига айтдики,

Сипоҳ доимо огоҳ бўлиши зарур.

Чунки ғафлатдан ишнинг равнақи кетади.

Хушёрлик ва эҳтиётдан ҳеч ким озор кўрмайди.

Ақл йўлини кезган киши

Доим яхши ва ёмондан огоҳ бўлади.

Жума ва шанба кунлари ҳам шу жойда туриб, сафар оининг йигирма тўртинчиси, якшанба куни<sup>93</sup> толели шахриёр фатҳу зафар отини жавлон урдириб, Учтепа<sup>94</sup> мавзеига зафар байроғини тикди. Шу куни тил олиб келиш учун Хўжандга кетган Абдуссамадбий томонидан киши келиб, шу хабарни айтди: «Бобо султон ўз болалари Абдуссаттор султон ва Абдулғаффор султонларни, жианлари Наби ва бошқа самарқандлик пароканда султонларни, масалан, Музаффар султон, Махдий султон, Бўзахўр султон ва Поянда Мухаммад султонларни дарё лабига, ҳар жой-ҳар жойга қўйиб, ўзи Тошкент томонга юриш байроғини қўтарди. Агар онҳазрат тезлик билан сарсар шамоли каби жилва кўрсатсалар ва иқбол ҳамда бахтиёрлик юзини бу томонга ўгирсалар, ул хазрат давлатларига муносиб бўлур эди». Онҳазрат бу ариза мазмунидан огоҳ бўлиб, сафар оининг йигирма бешинчиси, душанба куни<sup>95</sup> тўхтовсиз иқболли отига миниб, Зомин тавобеъидан Шовот<sup>96</sup> мавзеига тушиб, чодирларни юлдузлардек тикдилар. Сешанба куни<sup>97</sup> ўша жойда туриб, чаҳоршанба куни<sup>98</sup> Ўратепа кишлоқларидан Жанговар<sup>99</sup>га байроғини тикди ва муборак қадами билан ул жой ғуборини тотор ипорига айлантирди. Панжшанба куни<sup>100</sup> у жойдан кўзғолиб Қизилий мавзеига<sup>101</sup> қўнди. Шу жойда яна зафарли сипоҳ қоровуллари хабар бердилар: сувнинг у тарафида душманлар ҳар жойда тўда-тўда бўлиб урушга тайёр бўлиб турибдилар. Эртаси тонг отипдан бурун олий фармон бўйича Раҳмонқули чухра окоси оловнишон тез тиғларини белларига маҳкам боғлаб, фитна кўзғотувчи найзаларини елкаларига осиб, шамолдек отларини у ерда жавлон урдириб, юришга жазм қилиб уч юз отлик аскар билан душман томонига йўнал-

бош чиқариб, узига зиннат берию, юлдузлар  
сипоҳини паришон ва пароканда қилиб, фарқ  
дарёсига ташлаганда, жума куни<sup>103</sup>

### М а с н а в и й:

Офтоб фалакдан бош чиқариб,  
Юлдузлар лашкари сувга чўмганда,  
Фалак оти чакмоқ каби тезланиб,  
Йўлга тушганда қизиб терлади.  
Юлдузлар шохи кина билан ҳужум қилиб,  
Юлдуз сонли милтиқ ўқларини тўққанда,  
Ёмғир қатралари ва дарёнинг мавжидан ҳам кўп  
сипоҳ билан,  
Уруш ва ор-номус ерида, найза учи билан тошни  
ёрдилар.  
Коронғу кечада, коронғилик сипоҳи ой юзини  
ёпганда,  
Жонни олувчи камон ўқи захми билан ёмонлар  
қонини тўқдилар.  
Тиг тортувчилар покиза унсулар бўлиб,  
Тигларига унсур: «Эй Парвардигорим, ёрдам  
бер», деб ёзган эди,

тескаричилар кўчатини илдизи билан кўпориб  
ташлаш учун йўналиб, Фушбекормон  
мавзеига<sup>104</sup> етиб иқболли хон дарё лабига  
тушди. Бу ерда саропарда қуриб шу жойга  
келганининг овозасини осмонга етказди.

### М а с н а в и й:

Жаҳонтоб қуёш уруш касдида,  
Давлат билан дарё лабига тушди.  
Хар томондан чодирлар тикланиб,  
Иккинчи субҳ каби осмонга суянган бўлди.  
Баландлигидан хар тарафга арш қўтариб,  
Кўк фалак томига соя туширди.

Сувнинг у томонида паст душманлар ўжар  
олов каби ва шаббодадек беқарор, тоғ этагида  
тўп-тўп душманлар хаммалари бошдан-оёқ  
совут ва қалқон ичида тоққа орқа бериб темир  
тоғдек турдилар ва карнай овозини осмонга  
етказиб, уруш ниятида бўлдилар.

Аммо Раҳмонқули чухра оқоси кинали  
урушқоқ кишилар билан, қоронғу кечада  
чумоли кўзини ўқ билан урадиган ва найза  
шуъласи билан осмон айвонига ўт қўядиган уч  
юз шижоатли паҳлавонлар,

### Б а й т:

Урушда тош юракли ва қаттиқ урушувчи,  
Киначиликда қоплон кабилар билан

дарё лабига юзланди. Шижоат майдонининг  
отлиғи Бекойбий бир маслаҳат хусусида  
Хўжандга юборилган эди, Раҳмонқули чухра  
оқосининг у жойга борган хабарини эшитиб, у  
ҳам жиловни буриб бирликда дарё томонга  
юрди. Шу вақт улар дарёдан ўтишни ўйлаб  
турган чоғларида, у томонда душманлар ҳали  
тўплангунча йўқ экан, мана шу маънини  
ғанимат билиб, тўхтовсиз гупсар ва саночга  
қарамасдан, уруш асбобларини кийгизга ўраб  
отларнинг думига боғладилар ва отларни дарёга  
тушириб шундай тўпалон дарёга ширин  
жонларини аямай, ўзларини ҳам ташладилар.  
Баъзилари отнинг думини ва баъзилари ёлини  
ушлаб, баъзилари шундайича ўтдилар. Лекин  
душман билан булар ўртасида бир оз сув бор  
эди. Ундан осонлик билан ўтиб бўлар эди.  
Хушёрлик ва эҳтиёт ридосида онҳазратга киши  
юбориб бундай дедилар: «Тангри таоло  
марҳамати ва соҳибқирон хазратнинг давлати  
билан сувдан ўтдик. Сувнинг у томонида  
душманлар жамияти озгина бўлиб, лекин мавж  
урган дарёдек атроф ва жавонибдан гуруҳ-  
гуруҳ бўлиб келмоқдалар. Мабодо уларнинг  
жамиятлари қувват олса, нима марҳамат  
қиладилар». Искандарнишон хоқон шу сўзга  
биноан фармон қилди: «Мухаммад Мўмин  
султон ўз оталиғи Абдуссамадбий, хусравнишон  
Исфандиёр султон ва тадбирли амир Қулбобо  
кўкалтош билан, нусратпаноҳ сўл сипоҳларга  
бош бўлиб, душман томонга йўналсинлар.  
Қайси йўл билан бўлса-да, дарёдан ўтсинлар».  
Биринчи маротабада Мўмин султон бир тўда  
лашкар билан дарё лабига қараб жўнади.  
Иккинчи бўлиб Исфандиёр султон ёмғир  
қатрасидан ҳам кўп ва оловнишон кишилар  
билан жўнади. Ундан сўнг Аторудга ўхшаш  
амир Қулбобо кўкалтош уч юз урушқоқ

баходирлар билан орқадан йўлга тушди. Унинг кетидан Тинишбий жалойир ишда мардона ва найза санчувчи Термиз лашкари билан урушни жазм қилиб йўналди. Унинг сўнгидан шижоат тоғининг қоплони Али Мардон баходир қанча филтан, бўри хийлали, қоплон йикитувчи сипоҳларга бош бўлиб душман қасдига йўналди. Унинг орқасидан амир Жондавлат бир тўп урушқоқ, шерхамла мардум билан дарёдан ўтиш қасдида йўлга тушди. Шунга ўхшаш бошқа сўл амирлари ва қолган сўл эшик оқолари шамолдек тез чошиб, у лашкар Баҳри аҳзар<sup>105</sup> рашк қилувчи дарё лабига бориб, «икки дарё бир-бирларига йўлиққан ҳолларида»<sup>106</sup> қарор топдилар. Шунингдек, дарёнинг у томонида ҳам қанча самарқандлик султонлар: Абдулғаффор султон ва Абдусаттор султон, гуруҳ-гуруҳ қуролланган лашкар билан, бир-бирларига қўшилиб, сувдан ўтишга монелик қилиш мақсадида тоғ этагида шуқуҳ билан саф тортиб турдилар.

#### М а с н а в и й:

У тарафдан шайтонжуръат душман  
Дарё лабига саф тортиб турди.  
Ўзлари бошдан оёқ санубардек,  
Ҳаммаси фитна қўзғотувчи диловардирлар.  
Ўзига зеб бериб совут кийган ҳолда  
Ов қуши каби тузоққа тушмоқдалар.  
Шер каби пахлавлонлар қалқон ва тиг билан,  
Бир бўлак булутдан чиққан чакмоқ каби шуъла  
таратувчи эдилар.  
Иккинчи томондан номдор сипоҳлар,  
Ёрнинг мижғони каби саф тортган эдилар.  
Кинадилар қўлларига тиг олган ҳолда тўп-тўп  
бўлиб,  
Совут каби бир-бирларига тўкилган мавж  
эдилар.  
Ҳаммалари олов монанд, дарё шуқуҳли бўлиб,  
Албурз тоғи<sup>107</sup> каби белларига тиг боғлаган  
эдилар.  
Лола юзликлар билакка қалқон қўйиб,  
Гўё шохидан бош чиқарган нилуфар эдилар.  
Биттаси елкасига зулфдан каманд ташлаб,  
Дил, ақлу хушлари фитнаси бўлган эдилар.  
Яна бири ипорли пардани безак қилиб,  
Ўрилган кокилни бир-биридан эшган эди.  
Яна биттаси ўз икболдан белига таркаш боғлаган,  
Фаришта унга ўз қанотидан жавшан берган эди.  
Биттаси совут остида кина қилувчи бўлиб,  
Жаҳон овламоқ учун тузоқ қўйган эди.

Душман аскарлари бирдан уруш йўлини илгари суриб: «Мухит дарёсини бир қисм хўл тупроқ билан ва бало селини бир сиқим тупроқ билан боғлайман», деган кишидек мудофаа мақомига келдилар. Зафаршоир сипоҳ сувдан ўтишдан бурун душман томондан Музаффар султон фитначилардан бир гуруҳи билан бирликда Раҳмонқули чухра оқоси ва Бекойбийларнинг жамиятларини озгина кўриб тиғу найзаларни туғ килдилар. Овозни кўкка чиқариб, нусратли сипоҳ қасдида ўзларини дарёга отдилар. Зафарасар лашкар у фитначилар қасдидан огоҳ бўлиб, биринчидан, шижоат майдонининг отлиғи Раҳмонқули баходир шижоатли пахлавлонлардан бир гуруҳи билан тезликда отга миниб, ўткир қиличини қинидан суғириб ва баходирлик қўлига кўтариб ҳамла килдилар. Сўл сипоҳлардан баходирлик тоғининг қоплони Абдуссамадбий ва Бекойбийлар улардан сўнг тўхтовсиз тоғшуқуҳ отларни дарёга солдилар; дарёдан чакмоқдай ўтиб, душманнинг дафъида химмат кўрсатдилар. Таҳамтан<sup>108</sup> каби баходирларнинг хурушлари, нағора ва карнайларнинг овозлари еру осмонни зилзилага келтирди. Тиғу ханжарларнинг ярақлаши чакмоқ ва шаҳоб<sup>109</sup> суратини олди.

#### М а с н а в и й:

Икки томондан най овози ўткир бўлганидан  
Фалак саросимага тушиб, оёқдан тойди.  
Най хушнинг торожига сабаб бўлиб,  
Қулоқ йўлидан дилни ҳам ғорат килди.  
Ҳар тарафдан алам тўплари жилва қилиб,  
Сарвақлар каби қўл ўйнатардилар.  
Бутун жаҳонга овозини эшиттириш учун  
Карнай товуши фалакка чиқди.  
Найнинг такрорий фарёдидан  
Исрофил<sup>110</sup> карнайи ҳам эсдан чиқди.  
Байроқ оғи осмон тепасидан бош чиқариб,  
Ундан қуёш устурлоби<sup>111</sup> кўринди.  
Навоз этувчи булбул ва қумрига ўхшаб,  
Унинг гарданига тавқ тасмадан бўлди.  
Нағоралар ҳар томондан овоз чиқарганидан  
Осмон саросимага тушди.  
Икки томондан от қўйдилар,  
Ва тиг кўтариб бир-бирлари билан тўкнашдилар.  
Тўда-тўда сипоҳлар наҳанг сингари  
Мавж дарёсидан жой олдилар.  
Сув лабида сипоҳнинг қангидан  
Бир қора булут пайдо бўлди.  
Ўша қатрон каби қора булутдан  
Ҳар томонга ўқдан бўлган ёмғир ёғди!

Ундан фалакнинг этаги хўл бўлар эди.  
Ўша мавж устида фалак бир хубобдай бўлиб,  
Сув остида ер бир нукта каби бўлган эди.  
Сипоҳ гарди ва хаданг ўқлари фалакка чикиб,  
Қора булутдан ёккан ёмғирдек тўкилди.  
Ўша қуни ёмғирдан  
Ёшу қари дилидан ҳам гарди ювилди.  
Най ўки кўкраклардан ўтиб,  
Киналар танидан бош чиқарган эди.  
Пахлавонларнинг ёқаси андозадан кўп қон  
бўлди,

Хаммалари ўз қонларига бўялган эдилар.  
Олмосранг ханжардан тан захми ариб,  
Унга қон селидан сув бўлди.  
Найза чакмоғи шуъла ёндириб,  
Кизил байроқдан жаҳон ёнган эди.  
Қоплон йикитувчилар жавлонга келиб,  
Ойнинг юзи найза учи билан мажрух бўлган  
эди.

Кизил байроқ қуёш каби фалакка суйкалиб,  
Осмонга шафақ тусли шуъла сочди.  
Байроқ ёқимли кизил гулнинг шохи бўлиб,  
У гулнинг гунчаси ўқ пайкони бўлди.  
Фитна ва гулгуладан тўлган милтиқ ўқидан  
Фалак чархининг тоси нард каъбатайнидан  
тўлди.

Милтиқ дил боғидан бир гунча эди,  
Ва лекин у гунчадан бўлган ҳосил дилнинг  
доғидир.

Ўша майдонда уруш мастларига  
Қонда тўлган дубулға доларанг кизил пиёла  
эди.

Сувнинг ҳар тарафига қалқонлар тушган,  
Гўё сувнинг ҳар томонидан хубоб бош чиқарган,  
Сувга ҳар томондан тушган дубулғалар  
Ҳар тарафда гирдоб суратини олган эди.  
Ёшлар камон томонга қўл узатиб,  
Гўё камон ҳола бўлиб, унда ёшлар ой бўлган.  
Совут гўзалларнинг ўқидан кўз ёши тўкиб,  
Кўзи юз интизорлик билан йўлда қалқон каби  
эди.

Ўқ совутга безак бўлгани учун,  
Совут ўқни нам кўзига киприк қилиб қўйди.  
Хаданг ўки хўл гул баргидан ўтганидек,  
Шамол қалқондан ўтди.  
Ажал кина кетига тушиб,  
Ўқ ёрдами билан тандан рухни чиқарди.  
Киначилар бошига қон уриб,  
Тоғ тепасидаги чакмоқдек барқ урар эди.  
Пахлавонлар қонининг қатралари кўплигидан  
Найза арғувон гул шохчасидай қиш-кизил бош  
кўтарган эди.

саботи йўқлигидан

Тириклик сувидан қўл ювган эдилар.

Аскарлар, хусусан, амир Қулбобо кўкалтош сувнинг ул томонида ҳам баҳодирларнинг су-рон солишларини буюрди. Тўфангчилар нафт-бозлик<sup>112</sup> ва милтиқ отишга киришдилар. Ҳарб дўмбирасининг овози Исрофил карнайининг намунаси бўлиб, карнай овози осмондагилар қулоғини йиртди. Баҳодирларнинг «ҳой-хуй-лари» еру осмонни зилзилага келтириб, отлар-нинг кишнаши ва ўйнашлари жаҳон устунлари-ни ларзага солди. Зафарасар лашкарга тўда-тўда қўмак етиб турса ҳам, душман сипоҳи уруш майдонидан оёқларини ташқарига қўймай, сабр қилдилар. Охири диловарлик майдони-нинг суворийси Абдуссамадбий, эътиборли амир Бекойбий ва Раҳмонқули баҳодир чухра окоси, бир тўда хон чухралар билан, уруш майдонида ва тан мақомида йигитлик ва баҳодирлик чавго-нини уришда бошқа диловар баҳодирлардан устун эдилар, кина тигини кўтариб, душманни йўқ қаторида қўриб, урушга юз қўйдилар. Икки лашкар Баҳри аҳзар мавжидек жўш уриб ху-ружга кирдилар; ўқ, камон, тиг ва найзага қўл узатдилар; қахрамонларнинг камонларидан ик-кинчи мартаба ўқ лочинлари парвоз қилиб, махтоб офтоб юзини кўк парда тўсиб қолди ва ханжар урувчи мардларнинг обдор пайконлари давра бўлиб, дилларга ёқувчи насихатдек ҳамма катта-кичик қалбидан жой олди.

### М а с н а в и й:

Иккинчи марта киначилар елиб-югуриб,  
Мардлик қўлини юкори кўтардилар.  
Икки тарафдан илон бошлиқ ўқ ёғилиб,  
Жаҳон қатрон сифатида қора бўлди.  
Камон филофдан бошини чиқариб,  
Ўша онда гўё икки бошли илон пўстини  
ташлади.

Камон уруғ сепувчи бўлиб,  
Уруғи пайкон ва жаҳон экинзори бўлди.  
Шундай уруғдан кўқарган экиннинг  
Ичадиган суви қон бўлса, меваси ажал бўлди.  
Ўқ қуши парни парга тикиб,  
У тўпалон майдонда қанот қоқиб учди.  
Ўқ паридан ва хаданг бургутдан,  
Иккинчи марта ҳаво қоронғу бўлди.  
Жаҳонни ёндирувчи ўқ олов ёқувчи бўлиб,

Совут чоки у ўқдан тикилган бўлди.  
Бошига пайкондан буралиш тушиб,  
Мавж ҳубобини бузди.  
Турктоз милтиқ тутунидан қорайиб,  
Милтиқ тойчаси юришдан қолди.  
Хамиша чарх уриб турган осмон бургути  
Осмонда туриб милтиқ чакмоғидан кабоб бўлди.  
Милтиқ чакмоғидан байроқ қочиб,  
Узоқдан оловга қўлини тутар эди.  
Урушдаги баҳодирларнинг наъра ва фарёдлари  
Бошдан хушни, юздан рангни оларди.  
Тирик киши бирор жойдан топилмади,  
Масиходан<sup>113</sup> бошқа тирик қолмади.  
Ўша маърақада бўлган ҳар бир киши жонни

топширди,

Ва ажалдан бошқа киши жонини омонлик  
сохилига элтмади.

Охирда нусрат шуқухли лашкардан  
Душман тоғ каби тўкилди.  
Иккинчи мартаба қочиш йўлида  
Этагига қўли маҳкам боғлади.  
Биттаси қочганда совутни ташлаб,  
Кўз нури кўздан кетгандек тез кетди.  
Биттаси жанговар ўқдонни бўшатиб,  
Парининг сурати каби парвоздан қолган эди.

Ўша куни баҳодирлардан ҳар биттаси қиёмат  
килиб, шамшир зарби ва ўқ захми билан у  
пахлавонларнинг тириклик кемаларини фарқ  
айладилар. Душманлар уруш дарёсидан хусу-  
мат оёғини тортиб, дарёнинг у томонида саро-  
сима ва қўрқинч билан қолдилар. Шишаранг  
осмоннинг яккатози ва тезюрар оти намозшом  
ўзини фалак дарёсига ташлади. Қоронғу кеча-  
нинг сипоҳи кун лашкарини истило қилди ва  
юлдузлар аскарини Баҳри ахзар мавжидай зирх  
кийгизганда,

#### Б а й т:

Намозшом вақтида бу дўлоб сайрли дарё  
мавжидан,  
Заррин қуёшнинг тилло кемаси ботиб, симоб ранг  
тос юзага чиққанда,

яъни шом пайтида икки тараф лашкари  
юлдузлар машғаласи каби ҳар жойда олов ёқиб,  
шовқин-сурон садосини қўкка етказдилар. Шу  
кечаси тонг отгунча кинали диловарлардан икки  
томонда қоровуллар тайин қилиниб, интиқом  
жавшани ва журъат зирхини кийиб, юз-кўз  
билан қараб ва эҳтиёт билан бир дақиқани ҳам  
бепарво ўтказмадилар. Фалак дарёсининг кема-

чиси офтоб томонига қараб юрганда, қайикқа  
ўтирган Рум сипоҳлари қоралик лашкарини  
Мағриб дарёсига солганда, яъни тонг отгандан  
сўнг маълум бўлдики, душман лашкари  
зафарасар сипоҳнинг зарбасига тоқат қилолмай  
чодирларини ҳам ташлаб, ниҳоятда қўрқув  
билан қочибдилар. Нусратпаноҳ сипоҳ бу  
воқеани хилофат тахти ва ходисани хонлик  
шарофати қулоғига етказдилар. Душманнинг  
қочиш воқеасини ҳоконнинг қулоғига  
етказгандан кейин: «Нусратли сипоҳ ва  
шижоатда машҳур лашкар сол боғлаб, қайси  
тарзда бўлса ва қайси жойдан ўтишни тўғри  
топсалар, дарёдан ўтсинлар», деб ҳукм қилди.  
Шунинг учун халқ шу кунгек тўда-тўда бўлган  
холда дарё лабига бориб гупсар ва саноч  
тайёрладилар ва қамиш боғларини бир-бирига  
боғлаб сувга солдилар. Қандай солки, бедум ва  
беканот дарё юзида парвоз қилар эди ва қандай  
кезувчики, оёқсиз пайкон каби чопар эди. Булут  
парчаси чопганда тезюрар фалакдай сайёр эди,  
шиддатли осмон қутби собитдай, гўзалларнинг  
васли орзусида бўлган ошиқларнинг шевасидай  
на ерда ва на осмонда қарор тошган. Ва жиддий  
ҳоллик асхоблар ҳамда уфрон ва камол аҳлининг  
сийрати тариқасида сув юзида кетдилар.

#### М а с н а в и й:

Карим Тангрининг нодир сунъи руҳи юради,  
Лекин ўйдагилар ўтиради.  
Юриш вақтида унинг йўлдоши сув бўлиб,  
Оёғидаги қабочиғи ҳубобдан иборат эди.  
Очиб қўйганда қушдан тезроқ учади,  
Ел кунда елдан олдинроқ юради.

Сув тўлқинлари устида бўлган парча шак-  
лидаги соллар «тўлқин, унинг устида бир бу-  
лут»<sup>114</sup> мазмунини эслатиб, унинг оқишидан  
бўлган хурсандлик «кема денгизида юрганини  
қўрмадингми?»<sup>115</sup>га мувофиқ шавқу хуррамлик  
юзидан нажот эшиқларин очарди ва баъзи умр-  
нинг соли бузилиб шалақ бўлганларнинг ҳаёти  
ва маишат қайиқларини бахту иқбол сохилига  
чиқариб ва «денгизни сизлар билан айиргани-  
мизда сизларни қутқарамиз»<sup>116</sup> башоратини жон  
қулоқларига эшиттирди. Ниҳоят, ҳаётларининг  
тиниқ чашмаси ўлим тўфони билан кудурат  
топган бир тоифанинг ҳоллари «фарқ бўлган-  
лардан бўлди»<sup>117</sup> оятининг мазмунига тўғри кел-  
ди.



Муборактан шохнинг фармони билан  
Шанба куни ул лашкар дарёси,  
Таги-туби йўқ дарёга,  
Сол уловларини солдилар.  
Дарё юзида салланинг кўплигидан,  
Гўёки фалакда юлдузлар пайдо бўлган эди.  
Хар томонда илон танали найзалар  
Кўк осмондан шаҳоб каби кўринар эдилар.  
Кўркишни билмаган, совут кийганлар дастидан  
Сувнинг хар томонида тангали балик кўринарди.  
Кайси томонда тўдаланган сув бўлса,  
Қалқон унга хубоб бўлиб, дубулға гирдоб  
ўрнида эди.  
Магар сол устида хар томон камшизор тўкай  
эдики,

Ўрдак камши пояси орасидан жой килди.  
Дарахтлар акси сувга тушган каби,  
Яхши бахтлилар сув остига кирганлар.  
Дарё юзида тўда-тўда туялар хар томонда,  
Тўлқин устига тўлқин урган сел каби эди.  
Ўшандай ҳайкирувчи, суви кўп,  
Хавфу хатарли дарёдан,  
Хамма лашкар бир кунда ўтиб,  
Уруш қасдида бир-бирларига кўшилиб тўп  
бўлдилар.

Хоннинг ўзи лашкарнинг холини риоя қилиб, саодатга якин ва фирдавмонанд мажлисда доимий хамсухбатларидан бир тўдаси билан дарёнинг нариги томонида тўхтади ва буюрдики, барча сипоҳ иззату иқбол ва форигболлик билан сувдан ўтсинлар. Душманлар билан уришганда онҳазратга, яъни Бобо султонга зарардан бошқа ҳеч нарса йўқлиги аниқ бўлгани учун яна иккинчи марта ночорликдан ва бирлашиш ва муҳолифат ғуборини олиб ташлаб сулҳга толиб бўлдилар. Сулҳ тўғрисида Қўшқулоқбийни ҳамда Абулхайр султон даргоҳида улуғ мартаба тошиб, у ўлдирилганидан сўнг Бобо султон томонига борган Абдулла мирзо манғитни олий даргоҳга юбордилар. Элчилар тўхтовсиз дарёнинг у томонига ўтиб хоконнинг (Абдуллахоннинг) оёғини ўпиш давлатига етдилар. Ҳазрат ҳузурда тизза уриб мискинлик пешонасини хорлик тупроғига суртиб, сулҳ пайғомини арз қилдилар. Онҳазрат Тангри иноятининг яхшилиги ва чексиз кароматининг баракоти билан билардики, элчи аҳлининг сийратида ва баний одамнинг замирида макрунифокнинг сурати нақшланганлиги, низо ва

курсатди.

Онҳазрат фаросат юзасидан билдики, уларнинг тавба қилишлари Фиръавннинг Мусога, унга дуо ва салом бўлсин, қилган яъс имонига<sup>118</sup> ўхшайди. Элчиларга жавоб тариқасида дедики: «Сўз шулки, агар яқинлик ипи узилмасин, вилоят яна оёғ ости бўлмасин ва зафарасар сипоҳдан зарар етмасин деса, Бўзахўр ва бошқа султонларни ўз даргоҳидан қувласин. Агар қўлидан келса уларни тутиб менга юборсин. Агар бунга қаршилиқ қилса, жазм билгинки, газаб доирасининг маркази бўлади», деб Қўшқулоқбийга руҳсат берди ва Абдулла мирзони тутиб қолиб подшоҳона иноят ва хусравона икром билан сийлади.

Якшанба куни<sup>119</sup> пешин вақтида қуёш мисол, Искандар тамкинли хокон сол устида ором олиб сувдан ўтди; дарёнинг у томонида тўхтаб турмасдан отини йўлга солди. Андак масофа йўл юриб яна отдан тушди.

Душанба куни<sup>120</sup> ўша қутлук жойда мавлоно Хожаги Косонийнинг, у кишига Тангрининг раҳматлари бўлсин, улуғ халифаси олий манқабат ва пок манзаатли мавлоно Лутфуллохнинг<sup>121</sup> муридларидан Амин шайх қутли даргоҳга ташриф буюрди. Онҳазрат унинг шарофатли қадамини ғоятда эъзоз ва икром қилди. Жаноби шайх «агар мўминлардан икки тоифа бир-бирлари билан урушсалар, уларни яраштириб қўйинлар»<sup>122</sup> мазмуни риоясида ярашиш бобида бадиъ лафзларни латиф маънилар билан оро бериб афв хикоясини хоннинг муборак қулоғига етказдилар. Онҳазрат яхши ақидаси ва иродатли камоли билан нақшбандияга нисбати бор зотларга ихлос ва эътиқоди кўплигидан, ўша сўзларга ризолик кўрсатиб, қулоқ солиб: «Иншооллох, агар Тангрининг истаги суратлари тақдир суратига мувофиқ бўлса, камол йўлида юз кўрсатади», деди. Сўнг шайхга ҳадялар бериб ўша куни у жойдан ҳаракатга келиб, Чиноқбулоқ томонга юрди; пешин олдида ўша мавзегга тушди. Ўша онда Абдуссамадбий томонидан киши келиб: «Бобо султон Тошкентни ташлаб қочибдир, агар иноят қилиб, фатҳу зафар тизгинини жилвага келтириб, сарсар шамоли каби тезлик билан от чоштириб Тошкентга юзлансалар, ғоятда муносиб кўринади», деган сўзни арз қилди. Онҳазрат шу хабарга кўра тадбирли

амир Қулбобо қўқалтошни Мўмин султон билан ва яна бошқа султонларни зудлик билан Тошкентга юборди ва: «Агар мазкур хабар воқеъ бўлса, нусратли сипоҳ тўхтовсиз шаҳарга кирсин, дарвозаларни маҳкам қилиб, мардумнинг киришини манъ қилсинлар», деди. «Подшоҳлар агар бир қишлоққа кирсалар, ўша қишлоқни вайрон қиладилар»<sup>123</sup> мазмунига мувофиқ, тартибсиз, пароканда лашкар талонга қўл чўзиб, рабийятга захмат етказмасин, деди. Ўзи эса хуфтон намозини ўқиб, уғруқни ҳам юбориб, истироҳат учун бошини ёстукка қўйди. Сепанба куни<sup>124</sup> бомдод намозини ўқиб, отни жавлон урдирди. Неча манзил юриб Пискент мавзеидан ўтган эди, гўё кўп от ва туялар ҳолдан тойган бўлса ҳам, хали бу махшар даштидан дарак берувчи биёбоннинг поёни кўринмас эди, ногоҳ Қулбобо қўқалтош бошқа сипоҳлар билан қайтиб келиб арз қилди: Бобо султон тарафдан Ҳасанхожа ва Арслон оталиқлар<sup>125</sup> ҳам келдилар. Битта ўргатилган шунқор келтириб, дедилар: «Бобо султоннинг Тошкентдан Даштга кетиши ёлғондир. Лекин қачонки бизлардан умидини узиб, қочса бахтсизлик тупроғини ҳаёти пешонасига сочса керак». Онҳазрат бу хикояни эшитгандан кейин Оҳангарон суви<sup>126</sup>дан ўтиб, Бўзқўзибий қўруғига тушди. Бу сўзнинг, баёни шулки, Қўшқулоқбий қайтиб келиб, онҳазрат сўзининг мазмунини Бобо султон қулоғига етказди ва ҳаммага машҳур қилди, Бўзахўр султон бошқа султон билан хийла қилиб, Туркистон йўлини олганлар ва Тошкентнинг бир тарафини талаб қочганлар. Ундан сўнг Бобо султон Ҳасанхожа ва Арслон оталиқларни ўзи учун этиборга эга шунқор тухфаси билан онҳазрат даргоҳига юборган, токи онҳазратга учрагандан кейин Бўзахўрнинг талони ва қочгани қиссасини онҳазратга етказиб, узрларини баён қилсин. Юборилган элчилар шунқорни ва душманнинг қочганлигини восита билан арз қилдилар. Онҳазрат салтанат дастурини риоят қилиб, шунқорни қўлига олди. Аммо подшоҳлик ҳамияти юзасидан илтифот қилмади. Элчиларни, то хабарларининг тўғрилиги маълум бўлгунча, тутиб туришни ҳукм қилди. Чаҳоршанба куни<sup>127</sup> у жойдан ҳаракатга келиб, Учтепага қўниши билан зафарасар мавқабининг ғуборидан у ернинг ҳавоси тотор мушкидан ҳам ўтиб кетди. Шу куни Иқимбий дўрмонни Шохрухия қалъасини<sup>128</sup> забт қилишга юбориб,

бу хизмат баробарида қўприк солишга буюрди. Ва ўша куни Сулаймоннишон Маҳмуд султонни, Абдулбоқибий ва бир гуруҳ амирлар, чунончи Эшимбий жалойир ва Тумонча баҳодирлар билан, Хўжанд тоғларига юборди. Бунга сабаб, ўша тоғларда қанчадан-қанча талончи кишилар ўрнашиб олганлар. Улар лашкарларга озуқа<sup>129</sup> олиб келувчи кишилар йўлини тўсиб, молларини ғорат қилиб, тоғларга чиқиб кетар эканлар. «Шунча ёмон феъллари бўлса ҳам аввал уларга киши юборилсин, насихат билан шу феълларидан қайтариб, тавба қилдирилсин. Феълларидан қайтсалар сувдан ўтказиб Ўратепа томонга юборилсин. Бордию қарши турсалар, қайси йўл билан бўлса ҳам, муомала қилинсин», деб амр қилди. Ўша куни бир жамоа яровул сифатида бўлиб, элчиларнинг келиши ва Бобо султоннинг ташқари чиқишини Фарак суви лабида кутиб турган эдилар: «Тўхтовсиз Тошкентга йўналсинлар ва унинг қалъасини камал қилсинлар», деб ҳукм қилди. Рабиъ ул-аввалнинг еттинчиси, панжшанба куни<sup>130</sup> ўзи офтобдек байроқни ҳаракатга келтириб, Тошкентга тобе бўлган Кабарнокат суви<sup>131</sup> лабига тушдилар. У жой нихоятда тароватли ва пок манзил эди. Ўша куни Қўшқулоқбий неча йиллар самарқандликлар лашкарида мўътабар сардор бўлиб, хамиша фитнага бош бўлиб гарданкашлик қилиб юрган Шох Саъид ўғлонни маҳкам боғлаб хон даргоҳига келтирди.

### Назм:

Зулфинг каманди ошиқларни қўйингга тортади,  
Сенинг фитна қўзғотувчи қўзинг бандани  
ўлдиришга олиб келади.  
Сендан қаёққа қоча оламан, ҳар тарафга  
қочсам ҳам,  
Зулфинг ҳаёли мени мўйимдан тортиб сен  
томонга келтиради.

Бу воқеанинг сурати шулки, Қўшқулоқбий қайтиб боргандан кейин, онҳазратнинг ўша сипоҳларни ўз даргоҳидан ҳайдамаса ё қурит-маса ярашишга ҳеч йўл йўқ, деган сўзини етказиш эди. Бобо султон ноумид бўлиб, Тохир султон ва Абдулғаффор султонларга қалъани маҳкамлаб туришни буюрди. Ўзи фитначи қозоқлар билан бирликда хоқон билан уруш қилиш учун Туркистоннинг Ўтрор томонларига

билан Самарқанд султонлари ўртасида уруш бўлишдан бошқа нарса эмас. Сизларга мадад бериб турган Самарқанд сипоҳлари орасида Самарқанд султонлари билан алоқаси маҳкам бўлиб турган Шох Саъид ўғлонни тутиб хон даргоҳига юборсангизлар, онҳазрат хурсанд бўлиб қайтиб кетса ва бу томоннинг гуноҳларидан ўтса ажаб эмас». Тохир султон рози бўлиб Шох Саъид ўғлонни боғлаб Қўшқулоқбий билан даргоҳга юборишга фармон берди, Қўшқулоқбий эса уни олиб борди. Унинг фитрат қуши ҳийла билан тузукқа тушадиган эмас эди, хокон давлати тақозоси уларнинг тадбирлари тақдирга мувофиқ келди. Муқаррар қилинган ҳол сурати хаёл пардасидан рўзғор лавҳида юз кўрсатди.

Алқисса, Шох Саъид ўғлонни ўрдуга олиб бордилар, тўхтовсиз ҳукм қилиб интиқом тиғи билан ниҳоят бошини танидан айирдилар ва неча йиллардан бери кибрдан осмонга тенглик даъвосини қилиб келган бош тушроққа қоришди.

#### Н а з м:

Қайсарга фириб бериб,  
Искандар тожини бошидан олган мана шу  
касрдир.

Сен каби кўп кишини йўқ қилган  
Шу ёйиқ фалак қасридир.

Ойнинг саккизинчиси, жума куни<sup>132</sup> нусратпаноҳ сипоҳ фалак авжига мавж урган Фарак сувидан ўтиб, Тошкентнинг шарқ томонида бўлган Ўтрончи мавзеига қўндилар ва эртаси ҳам шу жойда турдилар. Ўша куни зафарнишон Маҳмуд султон волиб сипоҳлар билан биргаликда кўп ўлжалар ва бехисоб моллар билан Хўжанд тоғларидан қайтиб келди ва ўша жойда онҳазратнинг қўлини ўпишга муваффақ бўлди. Бу сўзнинг баёни шулки, нусратпаноҳ сипоҳ Хўжанд тоғиликлар борганларида тоғда замон ҳодисаларию биёбон кумидан ҳам кўп жамият билан истехком қуриб ётган эканлар, зафарли лашкар борганидан хабардор бўлиб тўхтовсиз урушга тайёр бўлганлар. Ўша тоғ этагида икки томон пахлавонлари дала какликлари каби интиқом қасдида бир-бирларига

аскарлар ғалаба қилдилар. Жаноо султон соҳибқирон давлатининг қудрати билан ўша жойда қолган мол ва ҳайвонларни ўлжа олиб қайтди ва Ўтрончи мавзеида остона ўпиш учун югурди. Ўша куни иқтидорли амирлардан Шохимбий ва Жўлтойбийни бир гуруҳ эшик оқолар билан Сайрамга юборди. Шу куни Тохир султон олдидан киши келиб, Ҳасанхожага қуйидаги хабарни етказди: «Бобо султон қозоқ томонга бориб, Шаробхона суви<sup>133</sup> лабида бир-бирларига рўбарў бўлганда, Бобо султон қозоқлардан макр сезиб, улардан бир тўдасини ўлдирган». Бу хабар ошкора бўлиши билан онҳазрат Бобонинг ҳолидан хабардор бўлиб, маълум қилишлари учун мазкур сипоҳни тезликда Сайрамга юборди. Хожа Ҳасанни ҳам чақириб, Қулбобо кўкалтош воситачилиги билан, мулоқот шарафига етказиб, бениҳоят эркалади. Хожа Ҳасан орқали Тохир султонга мактуб юборди. Мазмуни: «Меҳрибончиликдан умидвор бўлиб кўринишга келсин, агар кел-маса, шаҳарни бўшатиб чиқсин».

#### **ФИТНАЧИ СУЛТОНЛАРНИНГ ТОШКЕНТ ҚАЛЪАСИДА ИСТЕҲКОМ АЙЛАГАНИ ВА ОНҲАЗРАТНИНГ ЧЕКСИЗ КўП ЛАШКАР БИЛАН УЛАРНИ ҚАМАЛ ҚИЛГАНИ**

Хожа Ҳасан шаҳарга бориб, ҳазрат хоннинг фармонини етказди. Тохир султон эса фармонга бўйинсунмай шаҳар дарвозаларини мустаҳкамлади. Онҳазрат бу маънидан огоҳ бўлиб, ойнинг тўққизинчиси, шанба куни<sup>134</sup> иқтидорлик амир Жонкелдибий, Али Мардон баҳодир, Қулбобо кўкалтош ва Наврўзбий парвоначиларни қалъа яқинига бориб қалъадагилардан хабар олишга ва ҳамда юрт учун тоза бир жой тайин қилишни буюрди. Эртасига у жойдан кўчиб, дилқушо мақом ва хушхаво жой Элбеш кўлига<sup>135</sup> тушди ва унинг қўниши билан у ер жаннат рашк этарли даражага етди. Душанба куни<sup>136</sup> ҳам ўша жойда турди. Шу куни Шохимбий ва Жўлтойбийлар томонидан киши келиб: «Қозоқ султонлари Бобо султон қўлида шахид бўлганлари рост», деб хабар етказди ва ўзи билан бирга бу воқеадан хабардор бўлган бир қозоқни ҳам келтирди. Онҳазрат уни чақиртириб ўша ҳодисани сўради. У киши

вокеа суратини шундай баён қилди: «Бобо султон онхазратдан умид узиб Туркистон томонга борди. Ноилож Жонкулибийнинг қайинотасини Жолим султонга юборди, токи жамъ бўлиб Туркистон кишлоқларидан хар биттасини бирма-бир кўриб, кенгаш билан бу томонга тамом тугаллик билан лашкар торгсалар. Жонкулибий улар томонга бориб, Бобо султоннинг хабарини етказди. Жолим султон, Ҳақназархон ва бир қанча қозок султонлари макр йўлини тутиб, унинг элчисини ўлдиришга, сўнгра Жолим султон кўпчилик билан илғор бўлиб Бобо султонни ўлдиришга қарор бердилар. Келишувдан сўнг Жонкулибийни ўлдирмоққа ҳукм қилдилар, лекин уни ўлдиришга тайин қилинган киши унга марҳамат қилиб, ўлдирмасдан қўйиб юборди. У қочиб келиб воқеани Бобо султонга баён қилди. Аммо Жолим султон бу маънидан бебаҳра эди. Ўзининг ўғли ва Ҳақназархоннинг ўғли кўп киши билан Бобо султон томонига жўнадилар. Шаробхона сувининг кирғоғида бир-бирлари билан учрашдилар. Бир-бирлари билан кенгаш қилиб, шу сўзга иттифоқ қилдилар: Бобо султон улар билан бирга Ҳақназархоннинг олдига борсин: ул киши нимани буюрса ўшанга амал қилсин. Шу маънига итоат қилиб отга миндилар. Бобо султон отнинг бошини Жолим султон томонга буриб, Жолим султоннинг жиловини ушлаб фармон берди. Шу замон қоплончангал қахрамонлар тиг тортиб Жолимни ва унинг тўрт ўғлини, улар шамширни филофидан суғургунча қўймай, чопиб ташладилар ва даштни уларнинг қонлари билан лоларанг қилдилар.

#### Б а й т:

Сен чоҳ қазиб халқни унга ташлашни ўйлайсан,  
Лекин, ўзингни чоҳ ўртасида кўрадиган қуцдан  
кўркмайсанми?

Сўнг Бўзахўрга буюрдик, илғор бўлиб ўзини Ҳақназархонга етказсин, имкон топса уни ҳам ўлдирсин. Ўша вақтда Бобо султон шундай иш қилишга қудрати етмас эди, лекин тақдир юзасидан ҳамда жаҳонгир шахриёр давлатининг қуввати билан бу воқеа ундан содир бўлди, чунки Бобо султон ўша яжуж тоифаси билан ўзини халос қилиш мақсадида

Туркистон вилоятига келгандан бери андишада эди.

Алқисса, бу воқеанинг аниқлиги маълум бўлгандан сўнг, соҳибкирон хон ойнанинг ўн бешинчиси, душанба куни<sup>137</sup> Арслон оталиқни чақиртириб давлат оёғини ўпиш билан мушарраф қилиб, ниҳоятда икром ва марҳаматлар билан, раъийят ишларининг интизоми ва мулку миллат аҳволининг эҳтимомига кераклича иш қилиш маслаҳати юзасидан буюрди: «Бобо султонга бориб айтишлар, сенга ва менга эски душман бўлган қозоқларни йўқ қилибсан, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Агар кўп йиллар ўртамизда яхшилик асоси мустаҳкам бўлиб, Тошкент вилоятининг музофотларимиз тасарруфига қолишини хоҳласа, бизнинг иккинчи душманамиз Бўзахўрни ҳам боғлаб юборсин, ё ўзи бир йўл билан йўқотсин. Агар қаршилик қилиб бу йўлга қулоқ солмай тесқари иш қилса, мумкин қадар унинг ўзини йўқотишга ҳаракат қиламиз. Ҳеч йўл билан унинг жинойтларини афв пардаси билан бекитмаймиз». Нурим мирохўрни унга қўшиб юборди ва «Ўн кунгача қайтиб келасизлар, мен мунтазир бўлиб тураман», деб фармон берди.

#### М а с н а в и й:

Жоҳу мартаба юзасидан  
Душман томонга бир азиз нома юборди.  
Номанинг тепасига жаҳон берувчи,  
Ва жаҳон кўрсатувчи худо исмини ёзди.  
Ундан сўнг умматлар гуноҳини сўровчи,  
Пайғамбар руҳига покиза саловат ва салом  
юборди.

Сўз шулки, раъийят холига  
Раҳму риоя қилиш яхшидир.  
Қуръон ва ҳадисдаги сўзларда ҳам  
Адолатдан сўз бордир.  
Подшоҳ адлда қарор топса,  
Унга фитна эшиги бекилади.  
Муддао шулки, қачонгача ёмонлиқ қиласан,  
Бўйинингни эг, сарқашликни тарк қил.  
Бу келишимиздан ғараз,  
Араз дафъидан бошқа бизда мақсад йўқ.  
Сен иккинчи марта қилишни қиндан суғириб,  
Тесқариллик йўлида оёқ кўйдинг.  
Ўша жиҳатдан биз сенга қарши лашкар торгдик,  
Токи лашқаринг бузилишини кўрайлик.  
Яна сулх ахтарувчи бўлиб,  
Уруш эшигини шу сўз билан бекитайлик.  
Ожизликдан бошни эгиб,

Инсонларнинг ўч олишдан афв этиш осон экан.  
Шунинг учун гуноҳлари хақида сўз очмаймиз.  
Эшитдимки, қозоқ элидан  
Жолим султон ҳамиша нифок йўлида юрган,  
Бир-бирларингизга йўлиққанларингизда,  
Ундан макру хиёнат сезиб,  
Уни ўлдириш учун қилич қўтариб  
Бошини танидан жудо қилибсан,  
Сенинг бу ишингдан айшу завқ топдим.  
Ва яна бир ажиб шавқ топдим.  
Ул бало дашти фитначиларининг  
Кишига ростлик ва садоқатлари йўқ экан.  
Ва лекин Бўзахўр ҳам бир бошқа душман,  
Чунки унинг хаёли фитнажўйликдадир.  
Ҳали ҳам сенинг билан бирга бўлиб,  
Хизматингга камарни маҳкам боғлагандир.  
Агар мамлакатинг, молингдан умидинг бўлса,  
Ва бошинг омон қолсин десанг,  
Менинг ушбу фармоним билан,  
Икки ишдан бирини ихтиёр қил.  
Бири шулки, ёш бахт ва қари тадбир юзасидан,  
Бўзахўрни қўйма ва маҳкам тут.  
Иккинчиси шулки, агар фикр йўли билан,  
Унга ҳеч ерда қўлинг етмаса,  
Ундан ўзингни уз, ўзингдан уни узоқ қил,  
У билан бундан кейин улфат нардини ўйнама,  
Ва дўстлик қилма.  
Агар шу икки ишдан бирини ўрнига қўйсанг,  
Ҳийлаю макр йўлига кирмасанг,  
Ҳеч вақт сен билан бизнинг ўртамизда  
Қариндошлик расми бузилмайди.  
Яқинлик асоси маҳкам бўлади,  
Ва дўстлик биноси зийнат топади.

Ўзи сешанба куни<sup>138</sup> у жойдан оёғини  
афарли узангига қўйиб, қўриққа яқин Коҳил  
авзеига тушди ва туриш байроғини тикди.  
Чаҳоршанба куни<sup>139</sup> ҳам Хусрави Парвиз<sup>140</sup>  
асарлик хон ўша жойда туриб, панжшанба  
куни<sup>141</sup> янги ойдек узангига қадам қўйиб, фатху  
нусрат отини қўзғотиб, Ато ариғининг ирмоғи  
бўлган бир сув лабига тушиб истироҳат қилди.  
Ойнинг ўн бешинчиси, жума куни<sup>142</sup> ҳам ўша  
жаннат мисол жойда туриб, ойнинг ўн  
олтинчиси, шанба куни<sup>143</sup> жиловни буриб,  
Калас суви<sup>144</sup>нинг лабига келиб тушди ва бир  
неча кун шу кўнгилочар жойда сайру шикорда  
бўлди.

Жаҳондан ўтувчилардан бизга шу ишорат бас.

Рабиъ ул-аввал ойининг йигирманчиси,  
чаҳоршанба куни<sup>145</sup> Тохир султон хузуридан  
Сайид Ота<sup>146</sup> авлодидан ва ота-боболаридан  
тортиб номдор бўлиб келган сайид Усмонхожа  
Сайид Отойи Ибодулла султон томонига келиб,  
қариндошлиги риоясида, нақиб Ҳасанхожа  
хурднинг уйига тушди. Мазкур хожа воси-  
тачилиги билан жаноб султонга ялиниб-  
ёлворди. Иккинчи куни Нурим мирохўр,  
Арслон оталиқ ва Хожашайхбийлар Бобо  
султон томонидан олий даргоҳга келдилар.  
Элчиларни амирлар муносиб жойга тушир-  
дилар. Шу кеча тадбирли амир Қулбобо  
кўкалтош хон даргоҳига келиб, элчиларнинг  
аризаларини тутди. Аризанинг мазмуни шулки,  
Бобо султон айтмишки, бахти қароликдан ва  
мардум ифвосидан қўп замонлар ёмон ишлар  
ва ноўрин душманчилик қилганимдан шундай  
шармандаю шармисордирманки, икки тилли  
калам унинг мингдан бирини ҳам ёзиб тамом  
қилолмайди. Узр айтишга тилим йўқ. Лекин  
онҳазратдан умидворманки, подшоҳлик  
марҳамати билан янги гуноҳим афвини менга  
қилган бир қанча лутф марҳамати қаторига  
қўшсалар; бундан кейин тобелик ва  
бўйинсуниш йўлидан қил учи қадар ташқари  
қадам қўймайман, одобу итоат шароитини бир  
дақиқа ҳам қўлдан бермайман.

#### М а с н а в и й:

Агар ул шахриёр афв этса,  
Мен хокисорнинг гуноҳимдан ўтса,  
Менинг гуноҳимни хотирига келтирмаса,  
Ва яна ёмон феълимни афв этса,  
Замон хони ҳукмидан бош товламайман,  
Белига камар боғлаган бир қули бўламан.  
Нимани буюрса итоат қиламан,  
Ва манглайни ерга қўйиб, тоат қиламан.

Музтарликдан хазрати Парвардигорнинг  
каломи билан қаттиқ қасамёд қилиб: «Иккинчи  
марта бошимни тобеликдан ташқарига  
олмайман, мумкин бўлганича оёғимни тобелик  
йўлидан ташқари қўймайман», деди. Бўзахўр  
султон унинг онҳазратга итоат қилганини  
билиб, қочди. Бобо султон ҳам Дўстимбий

Бултурукбий ўғлини бошқа кишилар билан унинг оркасидан юборди. Улар иттифок бўлиб, Бўзахўр сипоҳидан Ҳакназархоннинг молу хайвонларини олиб, унинг кетидан қувиб кетган бир бўлак сипоҳга етдилар. Ўрталарида жанг бўлиб, икки томондан кўп киши ярадор бўлди. У томондан Абдулла мирзо манғитнинг биродари шаҳид бўлди. Бобо султон айтди: «Онҳазрат ўн кунгача бизларнинг ахволимизни кузатиб турсинлар. Худо хоҳласа оркасидан бориб тутиб юбораман, ё бошини танидан олиб ташлайман».

Бу муқаддималардан ғараз шулки, Бобо султон итоат камарини жон белига боғлаб, хилоф йўлидан четга чиқди.

Онҳазрат элчиларни сақлашга фармон берди. Усмонхожани ҳам мақсудига еткизмасдан қайтарди. Ойнинг йигирма учинчиси, жума куни<sup>147</sup> у жойдан чиқиб, келиб Қорақамиш қўруғига<sup>148</sup> тушди. Якшанба куни<sup>149</sup> буюрди: «Мавлоно Хайдар Мухаммад мунший<sup>150</sup> Бобо султоннинг ҳам аркони давлатини қўзғотиб, тавба қўлини уларнинг шафоат этақларига тутқизганини икки мактубга ёзиб, биттасини ўз отасига, яъни Искандархонга, яна биттасини жаҳон хожазодаси<sup>151</sup> учун Бухорога юборишга, токи кози Нуриддин Аҳмад аризани хон ҳазратга ва Хожа Калонга кўрсатиб, ул зотнинг ҳукми нима бўлса ва ҳазрат Хожа Калоннинг қалами қайси суратга юз очса, ёзиб юборсинлар». Шу куни Қулбобо кўкалтош, Кучак ўғлон, Абдуссамадбий ва Наврўзбий парвоначиларга қалъа теварагига бориб, кириш-чиқиш ўринларини эҳтиёт қилишни ҳамда онҳазрат туриши учун яхши жой тайинлашни буюрди. Мазкур амирлар хоқоннинг фармонига мувофиқ, шаҳар томонга йўналдилар; шаҳар атрофига ва бозорга бориб онҳазрат туриши учун Кайковус чорбоғини муайян қилдилар. Якшанба куни<sup>152</sup> Искандар шиорли шахриёр Кайковус чорбоғини мақом қилди ва у жаннатмисол маконга боргоҳ куббасини тикди. У боғнинг жонфизо майдони беҳишт арсаидай гулу райхонлар билан тўла бўлиб, жон бағишловчи ҳавоси жаннатдан ҳам фарахбахш эди. Фамгин диллар унинг назоратида хурсанд бўлиб, яшиллигидан фалакнинг сабза юзи шармисор бўларди ва сувининг латофати ва ширинлигидан обиҳаёт хижолат терига ботган эди.

## М а с н а в и й:

Жонни парвариш этувчи насими  
Кишилар рухига файз берувчи жаҳон боғидан  
эсар эди.

Ва муаттар иси олам аҳлининг дилга,  
Ҳар лаҳзада андозасиз жон киритар  
Ва сувидан кавсар гаюрлик қилар эди,  
Тубига ўхшаш дарахтларидан жаннатни рашки  
келар эди.

Унинг жаннатга ўхшаш боғининг назоратидан фалакнинг бинафшазори хижолат, унинг сабзозоридан ложувард фалак ниҳоятда шармандадир.

## Н а з м:

Лолаларининг аксидан шафақ зоҳир бўлиб,  
Очилган гулларидан юлдузлар хижолат тортиб  
бекинган.  
Гулининг исидан сабо шамоли ҳаммага атр  
сепувчи бўлиб,  
Сунбулнинг исидан гўзал маҳбубаларнинг сочи  
хижолат тортган.

Дилга ёқимли иморатлари ва «осмонни бино қилди»<sup>153</sup> мазмунига мувофиқ Хаварнаққа<sup>154</sup> тилини чўзган, мисли йўқ қасри «уни олий маконга кўтардик»<sup>155</sup>га мувофиқ осмонга баробарлик қиларди.

## М и с р а:

Қаср дейман, балки бир катта боғдир.

Ҳар кимга муносиб мурчил<sup>156</sup> ва ҳар кимнинг ўзига лойиқ мақом тайин қилдилар. Масалан, Искандарнишон Ибодулла султон уруш ва таъна қилиш ҳангомида журъат этагини белига боғлаб, осмон қаласига ирғиб қадам қўяр эди ва фалак қалъасининг еттинчи айвонини<sup>157</sup> бир ҳамла билан оладиган бир бўлак баҳодирлар билан Фаркат дарвозаси томонга тушиб, хайма ва хиргоҳни тикди. Хожалар силсиласига эътиқодли, уларга раҳмат ва ризвонлар бўлсин, дарвишнишон Абдулқуддус султон бир тўда ўч олувчи кишилар билан Самарқанд дарвозаси рўбарўсидан жой олди ва хизматкорлик камарини баҳодирлик белига боғлади. Онҳазратнинг шарқ томонига Хусрав

чақмоқнишон найзаларининг шуъласи билан  
фалак кўрғонининг посбонларини куйдирган  
бир гуруҳ қахрамонлар билан иззату тамкин  
байроғини кўтариб, ул мустаҳкам қалъанинг  
холу саҳифасига рақам тортдилар. Мўмин  
султон замон ҳодисаси каби кўп сипоҳ билан  
Шибли дарвозасининг тўғрисиға кўнди; қалъани  
эгаллаш хаёлини тутиб, ўша ерда ором олди.  
Мўмин султоннинг шарқ томонида аркони  
давлатларнинг баъзиси, масалан, олий хазрат  
ва улуг манқабат Хасанхожа нақиб, Шоҳимбий  
ва Али Мардон баҳодир қабилар ўрин олдилар.  
Пайваста итоат ва инқиёд тариқини тутиб, саъй  
ва ҳаракат билан ўша манзилда турдилар.  
Жаноб Шайхим султон ва тадбирли амир  
Жонкелдибий, Абдулбоқибий, Жондавлатбий  
ва Жўлтойбийлар Кўкча дарвозаси тарафига  
тушиб, саркуб<sup>158</sup> ва олий саркуб ҳамда мурчил  
қурдилар. Туркистон деб аталган янги  
дарвозасининг каршисига мирзолар, ўнг ва сўл  
эшик оқолари ҳар қайсилари тартиб билан,  
ўрин олиб, кечаю кундуз уруш асбобини  
интизомга солар эдилар. Қалъа фатҳига диққат-  
эътибор қилиб турдилар. Тохир султон ва  
Абдулғаффор султонлар, бошқа паҳлавонлар  
билан, қалъадорлик асбобини ва уруш  
аслаҳаларини керагича тайёр қилдилар.  
Буларни ухдалаш маҳолдек ҳисобланар эди.  
Дарвоза ва буржларни шаҳар ва маҳалла  
халқига бериб, ҳар буржга бир жамоани  
муқаррар қилдилар ва ҳар мавзеда турк  
бошлиқларидан кина ва фитна келтирувчи  
жанговарларни қўйдилар; ҳар бурж бошига  
найза, тош, чўп ва хиштлардан қанча керак  
бўлса шунча тайёр қилиб, қалъани очиш билан  
банд бўлдилар. Тўғриси шуки, у маҳкамликда  
ва «буржлар эғаси осмон ҳақида»<sup>159</sup> калимаси  
унинг буржлари борасида бир оят ва  
«тепаларингизга етти қат мустаҳкам бино  
қилдим»<sup>160</sup> ояти унинг мустаҳкамлигидан бир  
киноя эди. Унинг чуқур хандақлари каримлар  
ҳиммати каби кенг ва бемисл фасихий хаёл  
хазинасига қанча сиғган нарса бўлса ундан ҳам  
кўпроқ ва қалъа қасрлари тасхир камандидан  
омонда ҳамда иморат ва қабрлари Қайвон  
айвонининг тепасида бўлиб, ваҳму хаёл қуши  
тепасига парвоз қилишдан фикрда ва замон  
ҳодисаларининг қули хокрезининг<sup>161</sup> хандақиға  
етмас эди.

Баҳм қуши ҳар қанча парвоз қилса ҳам,  
У қалъа устиға чиқолмас эди.  
Кўк осмондаги ярақлаган Миррих деб гумон  
қилма,  
Балки у қалъа коровулининг оловидир.

Қалъа атрофида қатта обқандлар<sup>162</sup> ва  
чуқурлар бор учун ундан ўтиш қийин  
кўринарди. Шундай бўлса ҳам, бир ўк етар  
жойда бўлган иморатларни бузиб, саҳнини  
қафтдай текис қилдилар. Кечаю кундуз Тохир  
султон ва Абдулғаффор султонлар ҳамма  
мавзегга бориб буржу девор устида пиёда юрар  
эдилар. Баҳодирлар эса қалъа забти шароитини  
риоя қилиб нусратпаноҳ сипоҳларни қалъа  
яқинига келишиға қўймас эдилар. Аммо  
қундан-қунга қалъа ичидаги халқ қийналиб,  
ғалла ғоятда камайиб кетган эди ва сувсизлик  
олови уларнинг ичларини куйдирар эди.

### М а с н а в и й:

Қалъа дема, балки низомли бир тоғдир,  
У тоғда қоплонлар макон қилгандирлар.  
Деворининг боши фалакка етиб,  
Унга қарайман деб малакнинг икки кўзи хира  
бўлгандир.  
Фалак тоқига булут қўли осилган бўлиб,  
Абр ундан тўкилиб турган қўл бўлгандир.  
Тезлик билан рўзғордан гаровни ютган,  
Бахил эшиги каби, эшиги маҳкам ёпилгандир.  
Қунгираси фалак тоқидан баҳра олиб,  
Арш теппасига панжа ургандир,  
У қалъанинг қунгираси сафи,  
Қуёшу ой кокиллари учун тароқ бўлгандир.  
Қадр жихатдан бошини фалак тепасига чиқариб,  
Фалак авжига соя туширгандир.  
У қалъанинг эшиги олдида фалак бир паст тупроқ  
бўлиб,  
Унга етишға фитнанинг қўли қалта бўлгандир.  
Қунгираси билан хандақи ости  
Вужуд билан адамнинг пасту баландлигидир.  
Унинг дарвозасидан жанг эшиги очилиб,  
Унда уруш асбоблари тўплангандир.  
Дарвозасининг қоши камон шаклида бўлганидан  
Кўз ундан тароват топгандир.  
Эшикнинг қош каби тоқидан осилган совут  
Кўзи бежо бир офат бўлгандир.  
Деворнинг ҳар тарафидаги найзалар,  
Гулзорлар деворидаги тиканлар қабидир.  
Қалъанинг ҳар бир девор ва буржида

Совут остида коровуллар кўз бўлиб кузатиб  
тургандилар.

Юлдуз каби очик кўз билан,  
Қуйи ва юкори қараб тургандир.  
Темир кийим кийган тоифа бутун кечада,  
Кўз кулоқ бўлиб посда тургандир.  
Хар бурж устидаги машғаллар,  
Тоёда кўкарган лола сифатдир.  
Кинали жангчилар махбублар киприги каби,  
Қуйи ва юкорида саф тортгандир.  
Хар бир девор устида шукухли тўфанг,  
Тоғдан кўринган аждар кабидир.  
Ўша Зухалнишон қалъа устида  
Хар томондаги камон қавси кузахдан иборатдир.  
Киёмат шукухли гурух шундай бир саф  
туздиларки,  
Тоғ каби мустаҳкам бир кўрғон шаклини  
олгандир.

Ойнинг йигирма бешинчиси, душанба куни<sup>163</sup> Туркий мухрдор дўрмон Аксихат томондан, Хошим султон олдидан келиб, лойик ва муносиб тухфалар келтирди. Аторудмисол амир Қулбобо кўкалтош воситачилиги билан келтирган у нарсалар хонга арз қилинди. Элчи тиз букиб элчилик тилини очди. Онҳазратнинг юборган иноятномасида шарх этилгани шу эдики, «Мухаммад Мўмин султон менга қандай фарзанд бўлса, у ҳам ўша фарзанд ўрнидадир. Агар душманчилик ишидан бошини тортиб иттифок йўлига оёғини қўйса, аниқ билсинки, унга бўлган мухаббат боғланиши мустаҳкам бўлиб, яқинлик кундан кунга зиёд бўлади. Фараз шулки, ул шахриёр ҳазратнинг фармонбардорлиги ва хизматига бўйсуниб тамоми оламга ва баний одам тоифасига вожиб ва лозимдир. Бизлар ҳам ҳамжиҳат бўлиб, ихлос камарини белга боғлаганмиз; итоат тавкига гардан ва пайравлик йўлига қадам қўйганмиз. Душманлик ва келишмовчилик водийсидан ташқарида турибмиз. Нурли раъйларига ва муборак хотирларига арз шулки, бундан кейин хар қандай фармон бўлса, жонимиз билан қабул қиламиз». Онҳазрат унинг элчисини подшоҳона иноят ва хусравона инъомлар билан сийлади. Тиллакор шамшир, зарбофт сарушо ва саборафтор отларни ўша элчи орқали Хошим султонга юборди. Аммо ҳазрат соҳибқирон душманларнинг қалъа истехкомига эҳтимом қилганларини кўриб, ойнинг йигирма еттинчиси, чаҳоршанба куни<sup>164</sup> чорбоғдан азимат отини жавлон урдирди ва

илгарироқ келиб Имом Шофеъий<sup>165</sup>, Тангри ундан рози бўлсин, мужтахидларидан бўлган Имом Абубакр Қаффоли Шошийнинг файзасар мазорига тушди. Яна ҳукм чиқардики, «Атрофдан зафарпанох сипоҳ тамом тиришиб, каттик аҳамият билан уруш ва қалъа очиш асбобини тартибга солишга киришсинлар». Шунинг учун эртаю кеч қахрамонлар уч царли ўкни камарга суқиб, ўтқир қилични белга боғлаб, бағоят ҳаракат қилардилар. Буржу девор муқобилига мурчиллар ва саркублар қурдилар. Тўфангчилар, нафтбозлар ва камондозлар тайин қилиб, жуда эҳтимом қилардилар.

#### М а с н а в и й:

Шоҳ қалъа томонга лашкар билан етишди.  
Ҳазрат Али Хайбар қалъасига боргандай етди.  
Тоғ каби кўрғон теварагида жангчилар  
Шукух билан хар томондан саф туздилар.  
Баходирлар ўки фалакка етди,  
Ўқларининг пари малоика қанотидан  
бўлганмикин?

Пахлавоплар ҳаданги фалакка бошини уриб,  
Гўё Ҳумо янги ойдан суяк сўрагандай бўлди.  
Ой тўфанг тутунидай тутилиб,  
Жаҳон қоронғу кеча каби хира бўлди.  
Тўфанг тутуни, булуту ёмғири муҳра бўлиб,  
Ундан қалъа оловдан тўлган оташдон бўлди.  
У қалъанинг девори тўфангдан панжара бўлиб,  
Пайкон темиридан бошига кунгира бўлди.

Хон ҳукм қилдики, «Кўкча дарвозаси томонга тўсиқ учун яхши жой тайин қилсинлар». Ҳукмга мувофиқ, атрофдан қаерда дарахту шоҳ бўлса келтириб, хандақ четига ташладилар. У тарафдан ҳам қалъа аҳли девор устига чиқиб тўхтовсиз тўфанг отардилар. Ёмғир қатраларидай беҳисоб тошларни зафаршиор сипоҳ бошларига отиб, девордан узоқлаштирар эдилар. Шомдан эргалабгача хар кунгира устида чироғ айлангириб, хар бурж бошига олов ёқиб, «хозир бўл!» фарёдини осмонга етказардилар. Агарчи зоҳирда уларнинг чироғларида рўшнолик бўлса ҳам, ҳақиқатда умрларининг қоронғуликка кетаётганлигига далолат қилар эди. Бу маънида гофил эдиларки, шамънинг равшанлиги қанча бўлса ҳам шамолдан эминлиги йўқ. Қачон сахар насими ва сарсар шамоли туриб унга тегса, ўчиб, бенур бўлиб қолади. Машҳурдир-



ки, шамъ ўчиш олдида уйни ёритади. Эртадан кечгача аввал беадаб тоифа олий насаб хоконга расволиклари юзасидан беҳаёлик довулини чалиб, нағора ва карнай овозларини фалакка етказиб, Бобо султон келиши овозасини таркатар эдилар.

### М и с р а:

Нагорани нима учун махфий чалайинки, тосим  
томдан тушди.

Бу ҳаракатдан онҳазрат ғазаби аланга олар эди. Шу орада амирлардан бир гуруҳи арз қилдиларки, «Бу қалъанинг тағи бўш, ичидан ўтиб кетадиган сув баланд ердан келади. Агар сувнинг йўлини боғлаб кўнайтирилса, эҳтимолки, сув дам бўлиб юқори кўтарилса ва девор сув теккан ердан йиқилса». Бу ариза хазрат хонга маълум бўлиб, мулк таянчи ва дин низоми Қулбобо кўкалтошни қалъанинг тараф тарафидаги сувнинг чиқадиغان ерига бориб бир жойни мурчал тайин қилишга ва баланд мартабали мулла Муҳаммадбий батон ва Хожамқули қушбегилар билан бирликда ўша сувга банд қуришни буюрди. Фармонга биноан, тадбирли амир Қулбобо кўкалтош, бошқа шижоатли амирлар билан, рабиъ ус-соний ойнинг охирида, шанба куни<sup>166</sup> ҳожиюл-ҳарамайн Саъид Алибий мархум ва мағфурнинг манзилига тушиб, банд асбобларини ва олоти адоватнинг интизомига аҳамият бердилар. Душанба куни<sup>167</sup> чоштвоҳда қалъа ичидан, қуролланган кўп киши девор ошиб тушдилар ва ҳеч хайиқмасдан тўсик бошига келиб, унга ўт қўйдилар. Бу билан гўё ўзларининг вужудларига ўт қўйишга хозирландилар. Унинг устига тайинланган кишилар уйкуда эдилар, бу воқеадан хабардор бўлиб, камчилик бўлишларига қарамасдан, журъат билан уларга рўбарў бўлдилар; икки тараф бир-бирларига ҳамла қилишиб, тигу пайзани ишга солдилар.

### М а с н а в и й:

Қалъа қивачиларидан бир гуруҳ  
Уруш учун ташқарига чиқди.  
Фитна оловини ёндириб,  
Қурилган тўсикни қўйдирдилар.  
Ташқаридаги дашқар хабар топиб,  
У гуруҳдан бир тўпи жиловни бурдилар.  
Уруш ишени тезлатиш қасдида,

Журъат этагини белга маҳкам боғладилар.  
Хар бурчақдан тиф қўзғотиб,  
Тезлик билан ўша тўдага осилдилар.  
Уруш учун ташқарига отилган ўк,  
Гўё аждардан қочган ўк илош эди.  
Ўқнинг тезлик билан назардан ғойиб бўлиши,  
Ногаҳон ажал элчиси келгандай эди.

Оқибатда икки томон курашчилари қўлни урушдан тортдилар; фитна оловини ўчириб, урушни тўхтатдилар. Ойнинг еттинчиси, шанба куни<sup>168</sup> Рустамнишон хазрат Ибодулла султон баҳодирларидан бир тўдаси, хон хазратнинг сиҳохларидан бир гуруҳи, бир қанча мўътабар гарданкашларнинг бошлиқлари билан бирликда, кун ярмида, уч томондан урушни олдинга суриб, қалъага юзландилар; шоту билан хандақ ва тупроқ қўрғондан ўтдилар, лекин қалъа девори баланд бўлганидан ҳеч қасрдан чиқолмадилар. Қалъа аҳли хабар топиб, бирдан девор бошига келиб, ўқу тўфанг билан ташқаридаги кишилардан қўшини, хусусан кунгирага яқин турган кишиларни ярадор қилдилар, чунки булар қўлни девор панжарасига қўйган эдилар. Улар ночор қалтак ва топ зарбидан ўзларини пастга отдилар. Шунинг учун ўша куни қўлни урушдан тортиб, мақсудга етолмасдан қайтдилар.

Ойнинг саккизинчиси, якшанба куни<sup>169</sup> Сори оталиқ биродари Соға тарафдан келди ва Бўзахўрга тобе бўлган бир қанча муътаб гарданшиқанларнинг бошлиқлари билан махфий суратда тўда-тўда бўлиб Самарқандга кириб, шу маънига қарор қилганлар: «Хар қачон Бўзахўр султон чошишиш учун Сирдарёдан ўтса, унга қўшилиб ёрдам берадилар. Мана шундай ёрдам берувчи кишилардан қанчасининг бошини баланд остонага келтириб, шундай фитначи кишилардан яна юз нафари ўлдирилди», деди. Онҳазрат унинг юборган кишисини ҳурматлади. Панжшанба куни<sup>170</sup> Хоразм томондан саркашликда ҳаммадан ортиқ Шўлод султон ва Темур султонларнинг элчилари келиб, аъло хазрат оёғини ўпиш саодатини топдилар. Элчилик мазмуни бандаликнинг изҳори ва ожизликнинг баёни эди. Искандарфармон хазрат уларга меҳрибончиликни ниҳоясига етказди. Буларнинг тўхтаб туришларига фармон бериб, хар битталарига қатта инъомлар берди. Ойнинг ўн биринчиси, чаҳоршанба куни<sup>171</sup> онҳазратнинг буйруғи билан давлат рукни, ҳурматли амир Қулбобо

кўкалтошнинг хоқони Хумоюннишон, жаноби Сулаймонфармон Абулғозий Искандар баходирхон<sup>172</sup> ва олам аҳлининг махдумзодаси ҳазрати Хожа Калонхожаларга юборган кишиси Бухородан қайтиб келди. Шу замонда онҳазрат, яъни Абдуллахон Қулбобо кўкалтошнинг қалъа йиқитиш учун қилган ишларини томоша қилишга чиққан эди. Ўша Бухородан хабар келтирган киши Қулбобо кўкалтош воситачилиги билан хоқонга арз қилдики: «Улув хон Искандархон Бобо султоннинг сўзига ҳеч эътимод қилмасин ва ўз дилига мувофиқ иш қилсин», деб айтди. Жума куни<sup>173</sup> жаҳон махдумзодаси ва аёнларнинг нури дийдаси ва Тангри иноятига ноил ҳазрат Хожа Калон томонидан киши келиб, у ҳам: «Сулҳни қабул қилмасин», деган сўзни етказди. Онҳазрат бу хабарни эшитгандан кейин, қалъани олишга кўп ҳаракат қилишга киришди. «Дўстим баковул сўл мардумига кўшилиб, Қулбобо кўкалтош раёйига мувофиқ, бандни мустаҳкам қилишга тиришсин ва эҳтиёт ишига тутсин», деб фармон берди. Шу жиҳатдан амирлар ишни низомга келтиришга, керакли асбоблар: жуда кўп шох, камиш, чўб, барг ва хасни йиғдилар ва эҳтиром қаддини унинг итмомига қўйдилар. Фархунданишон хон ҳам уларнинг устига, ҳар бир банд тепасига келиб, унинг интизомига қараб турар эди. Шундай қилиб, андак кунда Искандар садди каби мустаҳкам бир тўғон қурдилар; қалъанинг буржу деворини бузиш учун сувни кўпайтириб, ҳар томонга муътазир бўлиб юрдилар. Бир дамда сув дамланиб юкори чиқиб эди, қалъа кишилари ҳайрон бўлиб ночор, ўзларига тасалли бериш мақсадида, шу байтни гараннум қилар эдилар ва шу билан кўнгиллариغا тасалли берардилар.

Б а й т :

Сув олами дилдан гамни чиқариб юборди,  
Агар дунёни сув босса ҳам гамимиз йўқ.

Лекин маънида воятда хавфда бўлиб, шундай бир ҳодиса бўлишдан қўрқар эдилар. Муқаррарки, ҳар қачон сув сели ҳодисалар сарсаридай қайси тарафга юз тутса, қалбини воятда саркаш оловдай барбод қилади.

Б а й т :

Ёрнинг тиргидан бизнинг тупроқдан бўлган  
Тўғри, охирда жаҳон сувдан хароб бўлади.

Шу орада шанба куни<sup>174</sup> шундай хабар келдики фидоий ва харжойий фирка, яъни самарқандлик пароканда султонлар Абдуссаттор султон бирлигида Сирдан ўтиб Самарқанд ва Бухоро вилоятларини чопмоқ учун келдилар. «Онҳазрат бахтиёр Абунаسر Исфандиёр султон ва Эшимбий жалоийр навқоликларни «лашкарлари билан уларнинг орқасидан бориб Дизахга кирсинлар, ул жойда туриб душманининг хабарини билиб вақт тақозосига қараб иш тутсинлар», деб ҳукм қилди. Буйруққа мувофиқ, душанба куни<sup>175</sup> ҳашаматли Исфандиёр султон азимат жиловини давлат душманлари томонга буриб, савлат ва хайбатли лашкар билан душман орқасидан йўналдилар ва яна шу куни эшитилдики, Мирқосим рехтагар<sup>176</sup> ва хожи Қурбонлар қўйган, Бухоро вазнида ҳар биттаси уч ботмон миқдор ўқ ейдиган қозонларни<sup>177</sup> Шохрухиядан ўтказиб, амир Иқим дўрмон мадади билан Фарак суви лабига етказдилар. Лекин сувнинг мавжи авжига чиқкани туфайли у дарёдан қозонларни ўтказиш муҳолга яқин эди. Низомулмулк амир Қулбобо бориб кўп меҳнат ва машаққат билан сувга тушиб қозонларни ўтказди ва шавкат билан девор остига келтирди. Ойнинг ўн тўққизинчиси, чаҳоршанба куни<sup>178</sup> Суюнчмуҳаммад султоннинг кишиси Соғарж вилоятида уришиб марлуб бўлган Бўзахўр султон одамларидан неча кишининг бошини келтириб арз қилдики, Самарқанд султонлари икки гуруҳ бўлиб, Музаффар султон, Маҳдий султон ва Поянда Муҳаммад султон кабилардан иборат бир тўдаси Самарқанд ташқарисидаги мардумнинг гафлатдалигидан фойдаланиб, роҳат ястугига бош қўйиб, истироҳат қилган султоний сипоҳларни ўлдирган ва бир бўлак паҳлавонлар ташқари қалъани қўйиб, аркка кириб уни мустаҳкамлаб душман дафъига киришганлари учун аркка ёпишганлар. Бир ишни олдинга олиб бормаи, улардан кўп киши ярадор бўлиб, бир қисми ўлдирилган. Улар ташқари қалъада ўлдирилганлар. Бўзахўр султон ва Абдуссаттор султонлар Суғд<sup>179</sup> ва Миёнкол атрофини чопмоқ учун кетганлар ва ўша атрофда турмоқдалар. Ул ҳазрат бу кулфа-

тасар хабарни эшитгандан сўнг, жаноби Ибодулла султон талабига мувофиқ, ойнинг саккизинчиси, жума куни<sup>180</sup> Маҳмуд султонни Тинишбий жалойирга қўшиб, Термиз лашкари билан Исфандиёр султон орқасидан юбориб, буюрди: «Икковингиз бирликда Самарқандга бориб, ҳазрат хоқоннинг етиб келган овозасини тарқатсангизлар. Агар душман жамияти кўп бўлиб, қора кўрсатсалар, эҳтиёт бўлинглар». Рабиъ ус-соний ойнинг йигирма олтинчиси, панжшанба куни<sup>181</sup> Самарқанд томондан яна киши келиб шундай деди: «Душманлар онҳазратнинг етишини эшитиб, Самарқанднинг ташқари қалъасини қўйиб уғруқларини қолдириб, тоқат қилолмасдан, қочганлар». Бу хабар биринчи дафъада хурсандчиликка сабаб бўлса ҳам, аммо ойнинг йигирма еттинчиси, жума куни<sup>182</sup> сахар пайтида яна Дизаҳдан киши келиб, Маҳмуд султон ва Исфандиёр султонлар Самарқанд султонлари ва бошқалар билан уруш қилиб, фалак гардиши иқтизосича, мағлуб бўлганларининг хабарини етказди. Бу маънини ҳамма жойга тарқатди. Бу ходисадан саодатли сипоҳ ҳолига сустлик йўл топди. Искандарнишон Ибодулла султон бошқа амирлар ва аркони давлатлар иттифоқи билан олий даргоҳга бориб кўп илтижо қилдиларки, олий ҳазрат қалъа ишларини ўз холига қўйиб, қайтишга қасд қилсалар ва юлдуз каби сипоҳ билан Самарқанд томонга юрсалар эди, мабодо у хиёнатчи тоифа яна вилоятга юз ўгириб мамлакат атрофларини торож қилмасин. Онҳазрат ғайрат ва шижоатининг зўрлигидан ҳамма баҳодирларни эътибор қўзига келтирмас эди. Бу воқеа пайдо бўлишдан аҳволи ўзгарилмади; сабрлик оёғини тоғ каби чидам этагига ўраб, гавҳар сочувчи тилга шу сўзни қасамёд қилиши билан келтирди: «Агар Мовароуннаҳр вилоятларининг ҳаммаси забт остига кириб, хосу омм уни ғорат ва торож қилса ҳам, Тангри номи билан қасамёд қиламанки, то бу қалъани олмасам бу жойдан қайтмайман». Жаноб Ибодулла султон ва ҳазрат хоқоннинг ҳамма амирлари, замон тақозоси билан, шу ишга эҳтимоллари бўлиб, ул ҳазратнинг қалъа аҳлига зарар етказишга қаттиқ турганлигини кўриб, ундан ноумид бўлдилар ва дилни шижоат ва баҳодирликка қўйиб, ҳазратга айтган сўзларидан қайтдилар. Шу куни қозоқ тарафидан ҳам хабар келди: «Шифойхон ғойибона ҳазратга хизматкорлик камарини белига боғлаб онҳазрат билан иттифоқ ва ҳам-

жихатликни изҳор қилиш учун Бобо султон ва унинг хонадонларини илдизидан қўпориб ташлашга юзланди. Талош суви<sup>183</sup>нинг лабида, ул кинажўй ва фитнашуқуҳ гуруҳга етиб, иш урушга айланди. Такдирга мувофиқ мағлуб бўлдилар ва қочдилар. Бобо султон, улар қочгандан сўнг, орқасидан илғор қилиб уғруқлари ва бошқа қолган ҳайвонларини олиб қайтдилар ва Сайрам мавзеига яқин бир жойда Самарқанд сипоҳларига ва беқарор шайтонмонанд, мутафариқа султонларга мунтазир бўлиб турди. Қачон ўша шайтон сингари тоифа қайтиб келса, Бобо султон улар билан катта жамият бўлиб, қалъа аҳлини халос қилиш учун зафаршиор сипоҳ устига келмоқчи. Бу кулфатасар хабар шуҳрат топгандан сўнг, иқтидорли султонлар ва эътиборли амирлар олий даргоҳга келиб арз қилдиларки, «Энди маслаҳат шунда кўринадики, онҳазрат тўхтовсиз Самарқанд томонга юрсалар, чунки шариф хотирларига маълумки, бу ҳамма сафар захматли ва хатарли йўл машаққатидан мақсад, Бўзахўр султонни топишдан бошқа нарса эмас. Эҳтимолки, зафарасар сипоҳ билан Самарқанд йўлига юриб, у фитнагар гуруҳни топсак». Онҳазрат бу аризадан яна аччиқланди. Камоли ғазабдан у муборак мартабали фирқага баланд овоз билан айтдики, «Агар осмондан бало тўфони ёғилиб, ердан бутун фитна олови аланга кўтарса ҳам, то бу қалъа аҳлининг жазосини бермасам, қайтишим мумкин эмас». Тоғ каби маҳкам бўлиб сиёсат камарини белга боғлади, кина оёғини этак остига олиб, қарор байроғини тикди.

На з м:

Сенинг овирлигинг унга ўзини тоғ қилиб кўрсатди,  
Шунинг учун унга тоғ каклиги қахқаҳа уриб  
қулди.

Бу воқеаларнинг пайдо бўлишдан қуёш толели хоқон хотирига ҳеч бир хавф ва ташвишни келтирмади.

Б а й т:

У яхши сўзла шох қандай яхши сўзладик,  
Қора кўнгиллилик билан подшоҳлик қилма.

Шундай ишни тамомлаш ва қалъани очишга кўп ҳаракат қилиб, қалъа деворини бузишга киришди.

## Б а й т:

Иш уруш билан қўлга келадиган бўлса,  
Унга тобу токат билан бир оз туриш керак.

Шомдан бомдодгача, бомдоддан шомгача икки тараф пахлавонлари неча мартадан уруш қилардилар. Қалъа аҳолиси хамиша баҳодирона уруш кўрсатардилар. Шу сабабдан ҳар куни қалъа буржидан кўн деворлар йиқилиб, зафарасар лашкар шу бузилган жойдан кирардилар. Ичкаридаги кишилар урушга кўнгил қўйиб, девор атрофида уруш учун турар эдилар; тиришиш камарини белга боғлаб, шижоат йўлини қўлдан бермас эдилар ва зафарасар сипоҳни тўхтатиб, девордан қириб-чиқишига монелик қилардилар. Шунингдек, Абдуллахон тўфангчи ва камондорларни уни қўриқлашга қўйиб, буржларнинг қуббаларини бузардилар. Қамал чўзилиб, хамманинг аҳволига ҳалал етди. Озиқ-овқат йўқлигидан қувват йўқ бўлди. Ҳеч бир замонда ҳеч бир киши ҳикоя қилган эмаски, Бухоро вазнида бир ботмон ғалла икки юз эллик хонийга етган ва бир туя юк ғалла икки мингу беш юз хоний бўлган, деб. Кўча ва бозорларда ўликлар ётарди, ҳеч ким уларни ювиб, кафанлашга қарамас эди. Шундай аҳволда бўлсалар ҳам, қалъа аҳли камоли бахтсизлик ва иши келишмаганлигидан қалъадорлик ва кинагузарлик шевасини қўлдан бермас эдилар; қаттиқ қаршилик кўрсатиб, найзаю камон урардилар. Бу хабар машҳур бўлиб, ҳазрат хоннинг қулоғига етгач, иккиланмасдан Тошкент камалидан қўлини тортиб, Самарканд тарафига юрсалар керак, деб ўйладилар. Аммо улар билдиларки, онҳазрат бу ходисаларнинг вужудга келиши билан, қалъа устидан нари кетмайди. Иккинчи дафъа улуғ амир ва номдор султонлар девор устига чиқиб, ожизлик юзини ерга сурдилар. Тадбирли Шохимбийни восита қилиб, қутқозишни илтимос қилдилар ва дедилар: «Ҳаммамиз онҳазратга қулмиз ва мутедирмиз; ҳазратнинг бандалари билан қурашадиган холимиз йўқ. Қўрққанимиздан ташқари чиқолмаймиз. Коронғу бурчакда дилгир бўлиб ўлтурибмиз. Ўзимиз бахт эшигини ўзимизга бекитдик. Агар онҳазрат яна биз бечораларнинг жонига омон бериб, қалъа бошидан қўчиб қайтсалар эди, биз асирлар тинчликда бўлиб, ўзларининг хизматларига

қадам қўярдик. Бошимизни итоат иши билан боғлаб, остона ўнишга киришардик. Халқу халойиқ олдида яхши бўларди». Онҳазрат амир Шохимбийнинг воситачилигини эшитиб айтди: «Агар у жамоанинг шу сўзлари рост бўлиб, диллари тилларига тўғри бўлса, гуноҳларидан ўтдим; ҳеч қандай андиша қилмай тўхтовсиз ташқарига чиқиб бу томонга йўналсинлар. Агар яна мулоҳазалари бўлса, султонларимиз кимни хоҳласалар, у ичкарига кирсин. Ул вақтда хотиржамлик билан Тохир султон ва Абдулғаффор султонлар ташқарига чиқиб бизларга учрасинлар». Қалъа аҳли элчилардан шу сўзни эшитсалар ҳам, бироқ ўзларининг фойдалари нимада эканини билмадилар. Яна урушга кўнгил қўйдилар. Фазл эгаси Қулбобо қўқалтош девор тагига келиб насихат юзасидан уларга айтди: «Бу қандай бузук ҳаёлки, сизлар жаҳондорлик тантанасини фалакка етказиб ва шижоат тири билан олам шохларини ожиз қилган шундай бир зотга қаршилик кўрсатиб, унинг йўлини тўсиб, мудофаа мақомида туришларингизни ақл йўлидан узоқ, балки бу ишни лозим тутиш билимсизлик натижасидир. Жазм билингларки, сизларнинг бу ҳалоқатли жойдан ҳалос бўлишларингиз ожизлик ва мискинлик василасидан ва шармандаю надоматни изҳор қилишдан бошқа нарса билан бўлмайди». У яна уларга хитоб қилиб, холга муносиб, шу сўзни тараннум қилди:

## Н а з м:

Ер юзининг подшоҳларига шохликни  
Тоғу узук билан топширганлар.

Унинг эшигида икки юзлаб Рустамдек

пахлавонлар

Бел боғлаб жону дил билан тарафдор бўлган бир  
шоҳга

Хусумат қилиш маъқул бўлмайди.

Яхшиси шуки, ожизликка юз қўйгил.

Қалъага суявиб уруш қилмангизлар.

Чунки турклар чанғалида тошлар мум

сингаридир.

Яхшиси шулки, ташқарига чиксалар

Қон дарёси тоғ тепасига чикмасдан бурун.

Қалъа аҳли бу сўзни эшитиб, уларга шундай ҳавф тушдики, саросималиқдан нажот йўлини эсдан чиқардилар. Ақллари камлигидан ўзларини ҳалоқат чуқурига ташладилар ва бурж тепасига келиб, уруш байроғини қўтардилар.

Искандарфармон хон билдики, улар ташқарига чиқишдан тортинмокдалар; мингдан бир, кўпдан андак қолган қалъа аҳли ҳийла билан алдаб ва тезлаб мудофаага келдилар. Шунинг учун ҳукм қилдики, Кўкча дарвозасининг каршисига қўйилган жаноб Шайхим султон бир гуруҳ амирлар билан мухофаза қилиб турган қазонларни кечаю кундуз тинмай ишлатиб, тош билан қалъа деворини тамом бузсинлар. Ойнинг йигирма еттинчиси, шанба куни<sup>184</sup> хоннинг ўзи тўғон тепасига бориб тўғонни олдирди. Сув деворнинг кўп жойини бузган экан, у қуримагунча қалъага бу жойдан кириб бўлмас эди. Ўша замон: «Зафарнишон пахлавонлар журъат этагини белга ўраб, қалъа тагига келсинлар ва жаҳонгир хон давлатининг қуввати билан девор устига чиқсинлар», деган фармон бўлди. Шунинг учун қазонлар устида бўлган амир ва Мирак тўпчибоши<sup>185</sup>, тўфанг отишга мутахассис бир тўда кишилар билан, янгидан қалъа бузишга эҳтимом қилдилар; аждаҳо суратида олов сочадиган тўпларнинг оғзини очиб, қалъа ичига олов сочдилар. Тош муҳра зарби билан қалъанинг буржу брусини ерга тўкдилар. Атрофдан қалъа томонга шундай тош тўкдиларки,

М а с н а в и й н

Юкори ўривли фалак  
Қалъа ахлини тошбўрон қилмокда дер эдинг.  
Магар осмондан тош ёғиб,  
Жаҳонни уларга танг қиларди.  
Подшоҳга дили тўғри эмас кишининг  
Бошига тош ёққани муносибдир.

Ҳар замон қазонлар аждар каби овозга келиб, душманлар вужудининг хирманига ўт қўярдилар. Гўё қиёмат қойим бўлиб, еру осмон унинг овозидан, «қиёмат зилзиласи катта нарсадур»<sup>186</sup> мавсумига мувофиқ, зилзила тушар эди. Кўп тутун ва чанг фалак авжига чиққанидан фаришталар кўзларини очолмас эдилар.

Алқисса, қалъа ахлининг иши яна музтарликка етиб, очлик олови фақирлар дилидан шуъла чиқарар эди. Қимматчилик бозори шундай авж олган эдики, бутун кечада Хулкар бошогидан бошқа нарсага кўз очмас эдилар. Лекин ундан бир нарса очилмас эди. Танглик шундай ғалаба қилдики, очлик оловига куй-

ганлар қуёш кулчасига кўз тикар эдилар. Лекин унга қўллари етмас эди.

Б а й т:  
Қорни оч киши кигизга кўз тиккан,  
Чунки юнг гўштга қўшни эди.

Қалъа ахлининг ҳоли шундай даражага етган эдики, қалъа ичидаги сипоҳларда тўда-тўда, масалан, мулла Қарой найман, Хасанбий қушчи ва бошқалар девордан пастга тушдилар. Уларнинг ўрталарида бузилиш бўлди. Шундай бўлса ҳам, Тохир султон ва Абдулғаффор султонлар фитна оёғини саркашлик йўлидан бошқага қўймас эдилар. Шунинг учун хон бурж ва деворни қўлга киритишга эҳтимомни кўпроқ қилар эди.

#### СОХИБҚИРОН ДАВЛАТИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН ОСМОННИШОН ҚАЛЪАНИНГ ОЧИЛИШИ

Сувдан уйиган деворлар нураб, қазонлар билан бузилган девору буржлар арининг уясига ўхшаб қолган эди. Соҳибқирон буюрди: «Зафарнишон султонлар, амирлар, аркони давлат, жамъи эшик оқолар, чухра оқолар, ичкилар, ясовуллар ва чухралар қалъа фатҳи учун уруш асбобини тартибга солсинлар; қаҳр билан қалъага юзланиб, девор устига чиқсинлар; тамом эҳтимом билан у фалак ҳашаматли қўрғоннинг хасислар эшиги каби беркитилган дарвозаларини очсинлар. Жумод ул-аввалнинг тўртинчиси, жума кечаси<sup>187</sup> олти тарафдан<sup>188</sup> навора ва карнай чалиб, садосини фалак авжига чиқарсинлар, деб муқаррар қилди ва хоннинг ўзи кеча аввалида мажлисга кириб-чиқишга ҳақлари бор кишилар билан салтанат рукни жаноб Қулбобо кўкалтош мурчалига қадам ташриф этди. Ўша кечаси бир дафъа шижоатли пахлавонларни чақириб, «Шу кеча маърака ва уруш кечаси ва мардоналик зоҳир бўладиган бир вақтидир», деди. Мамлакат ва подшоҳлар эгаси, буюклик иқлимининг волийси у шундай зотким, «Ўлмайдиган зотга, Тангрига суянган»<sup>189</sup> шижоат сифатига мавсуф бўлган кишини ҳамиша дўст тутуди Тангрининг элчиси, унга салоту саломат бўлсин, айтганича: «Тангри ботир кишини яхши кўради», деган хадисга

биноан, агар баҳодирлик овозаларингиз барча оламни тутиб фармонбардорликларингиз донги фалакка чиқсин десаларингиз муносиби шулки, Тангрига таваккал қилиб, қўлни сабр этагига маҳкам қилинглар. «Тангри таоло таваккал этувчиларни яхши кўради»<sup>190</sup> мазмунига мувофиқ, Парвардигорнинг карамига ва марҳаматига суяниб, уруш лавозимини ва жанг маросимини олдинга сурунглар».

#### М а с н а в и й:

Жума кечаси юлдуз сипоҳли шоҳ  
Дилга ёқимли бу нағмани  
Қалъа устига чиқиб туриб куйлади.  
Жамшид шавкатли, зафар байроқли,  
Муборак қалқонли хокон фармон қилиб айтди:  
«Нусратшиор далир паҳлавонлар,  
Зафар ҳунарли номдор сипоҳлар гуруҳи  
Ҳар томондан қалъа тарафига юз кўйиб,  
Душманларга лойиқ жазо берсинлар.  
Бу Қайвонмақом мустаҳкам қалъанинг  
очилишига,  
Хаммалари биргаликда эҳтимом қилсинлар».

Хамма ўнг эшик оқолари ва ичкиларни қазонлар устига тайинланган амирларга қўшди ва сўл эшик оқоларини ясовуллар турган мурчилга тайин қилди. Шунга ўхшаш зафарли паҳлавонлар ва амирларни қалъага ёпишишга муносиб ҳар жой-ҳар жойга қўйди. Ўзининг хос суҳбатдоши, олий давлат билаги Қулбобо кўкалтош, Шоҳмуҳаммад мирзойи манғит, Раҳмонқули баҳодир ва Дўстим чухра оқосиларни уришувчи паҳлавонлардан бир тўдаси билан ўзига ҳамроҳ қилиб саклади. Ва буюрдикки, «Қачонки қалъа томонга юзланиш вақти бўлиб қолса, зафарпаноҳ соҳибқирон амри билан қалъани очишга ҳиммат қилиб, азимат билагини узатсинлар ва ўшал мустаҳкам қалъани фатҳ қилиш йўлида олий ҳиммат кўрсатсинлар».

Алқисса, ўша кечаси шаҳриёр ҳазрат Парвардигордан зафар сўради: тонгга яқин ғайбдан башорат эшитилди; қайтадан таҳорат қилиб, нағора чалишга буюрди. Нағорачилар ҳазрат ташриф этган ўриндан нағора ва карнайларни навога киргизиб, довул садосини фалакка етказадилар. Санж<sup>191</sup> ва сурнай дамдамаси оламни тутди. Бирдан журъат этагини белга уриб, шотуларни кўтардилар ва қалъа томонга чоғиб сурун солдилар.

#### М а с н а в и й:

Уруш хуруши кўтарилиши билан  
Сипоҳлар қалъани ўраб олдилар.  
Довул садоси кўкка кўтарилиб,  
Сидра дарахтининг шохидан қушлар қочди.  
Қиёмат нишонли карнай дами  
Исрофил сури каби жон олувчи бўлди.  
Ҳафтжўш хум қайнашга кирди,  
Бошдан ҳуш май ҳуши каби учди.

Ўша вақтда ичкаридан кишилар истироҳат бошини ястукқа қўйиб, гафлат уйқусига кетган эдилар.

#### М а с н а в и й:

Душман сипоҳи фароғат уйқусида бўлиб,  
Ҳар бурчакда шамъу чироғ ёқилган эди.  
Арслон каби паҳлавонлар юлдузлар

кўкнорисидан  
Ўзларини билмайдиган маст бўлиб йиқилган  
эдилар.  
Кўнғирок тилини хурушга келтириши билан  
Паҳлавонларнинг ақлу ҳушлари бошларидан учди.

Нағора ва карнай фарёди паҳлавонларнинг «хойу хуй»лари фалак авжига етишиб, шамолдай мавж урган Уммон дарёси каби еру осмонга ларза солди. Қалъа аҳли гафлат ва мастлик уйқусидан уйғониб, саросималик билан совут кийиб, урушга юзландилар.

#### М а с н а в и й:

Карнай овози фалакка етиб,  
Ажал довули оғзини ўпди.  
Қиёматасос сурнай фарёдилан,  
Фалак шери<sup>192</sup> кўрқувга тушди.  
Ер сув дарёси каби ҳаракатга келиб,  
Шеру мардлар боши уйқудан турди.  
Бошлардан гурур уйқуси кетди,  
Қиёмат кунида Исрофил сурунинг овозидан  
уйқуга кетгани каби.  
Қалқон кина жиҳатдан ўридан туриб,  
Болалардай гарданини кучоқлади.  
Паҳлавонлар совутларда ва фитначилар ишга  
киришдилар,  
Маҳбублар кўзи каби фитна уйғонди.  
Ҳар бурчакдан совут кўзи ноз уйқудан туриб,  
Ҳали уйқу асари кетмаган кўздек эди.  
Паҳлавонларга айшу фароғат кечаси бўлиб,  
Шамъу чироғи найзаю милтик эди.

Кечаси йўл юрғувчиларнинг чирови ўткир қилич

эди,

Пунки у барк каби хаводан шўрмаланарди.

Бу бортолхга тўфанг тўтунидан

Япти ой чўпон қоши каби қора бўлиди.

Икки тараф пахлавоонлари юқори-қуйилан

тўзаларнинг саф торпан киприклари каби

бир-бирларига ёпишдилар. Найзаларнинг

шўрласи олов сочувчи чакмок каби пахла-

воиларнинг тиркилик хирманини ётирар эди;

тигу тўфанг ишини ярақлаб, зулим оловини ёқар

эди. Ўқ бурчуги ёшу қари, каттаю қичик

демасдан ҳаммага оғзини очиб, найзалар

аждаҳоси тилини каттаю қичикка чўзиб,

қинажўй диллар тангри иновати билан қувват

олиб ва соҳибқирон орузсини хотирлаб,

баходирлик эланини камарларига бораб,

нихоятга урушқок ва фитна кўзотувчи журят

қаламинни хокрез устига қўйиб, шовқин-суронни

осмон фарнишларининг қулловига етказдилар.

М а с н а в и й:

Пахлавоонлар шўқх билан, шўқх билан  
Уруш қаслда хандакдан ўдилар.  
Урушқок зафарли ситох  
Хокрез устига оёқ қўйдилар.  
Итга киритиш уун найза каби камар бораб,  
Бринит қўзи гамзасидай ўткир бўдилар.  
Хар бирнинг билатиларига қалқон  
Шоқдан бош чикарган нилуфардай эди.  
Шўқхли пахлавоонлар шижоқатлашиб,  
Камонларини қўлларига олдилар.

Қўчя дарвозасида турган қалъа ахли,  
Хўсуан Тоҳир султон қўп сипох билан  
мудофалага келди. Тош, ўқ, чўб ва вишталарни  
дўлу ёмиридек зафарасар ситох бошита  
ётирдилар. Дилговарлар ҳаммасининг шамоли  
ўт очувчи тўфанлар билан уруш алаптасини  
қўтардилар ва шижоқатларнинг юракни  
тешувчи ўқи ҳамда киприкка ўқшаш игна билан  
бўйин товловчиларнинг қўзлари тикилди.

Хавога чиккан ўбор бўлди, ва  
Камон ишнини тортиб ўқ олдилар.  
Икким оловчи шерлар дафрита  
Қалъа лаворидан бош чикарди.  
Хар тарафдан бағфелг дўшман

Тош ёмиридини тўқди.

Фалакдан ертая бўлган масофадан,

Қалъа ертая бўлган масофага қўп эди.

Қалъанинг у четидан бу четига отилган

Оғир ёмир бўлиб, осмон этилиб қолди.

Маст Макжунунинг маломат тошидан боши

ёрилган қабн,

Хамма пахлавоонларнинг бошлари қосаси отилган

тошдан синди.

Шў кеча ёлгон тонг аввалидан то чин тонг  
тулуь қилгунача<sup>198</sup> хар тарафдан қинали сипох  
ва нурсат ширғил лашкар қалъа томонга қараб,  
у наришон рўзвора ёпиридилар ва қўлини  
қалъа етагига уриб, юқори чикмокка уринар  
эдилар. Ичкари кипишлари ҳам ўқ, тўфанг,  
чўб ва тошлар билан пахлавоонларни қайтарар  
эдилар. Форгда дўшманликларидан жонбозлик  
кўрсатиб, зафарасар асқарларни қалъа ақинига  
йўлатмас эдилар. Чин тонг ёриш вақтида,

Н а з м:

Сўб вақти ажаб бир вақтирки,  
Удан нимани истасанг толасан,

Олийн низомидин амир Қулбобо мур-  
чилидан хос сипохлар ва бошқа зафаршиор  
лашкар билан хамма бирдан суь сузиб,  
Абулгаффор султон хамма вақт тептасида  
мухофазат қилиб турган рахнадан кирдилар;  
мурод қаламинни мустахкам қалъа тепсига  
қўйиб, мустажоб бўлган дуолар каби юқори  
чикдилар. Абулгаффор султон рафлагга бўлса  
хамки, мудофалага келган эди. Зафарасар  
лашкарнинг кипишларидан хабар топиб,  
тўхтовсиз уруш асбобларини ташлаб қочиб,  
йўлга кирди. Шу пайт алолатнинг амир  
Қулбобо қўқалтош лавор тагидан қаниб, фатху  
нурсат башоратини онхазаратга етказиб,  
хотирини шол қилди. Онхазарат тўхтовсиз  
оёғини зафарнишон узангига қўйиб, юзини  
Самарқанд дарвозаси томонга ўтирди, аммо  
Тоҳир султон бошқа пахлавоон уруш кипишлари  
билан воқеадан беҳабар ўзига муқобил  
сипохлар билан бу урушнинг лавом эфирмоқда  
эди. Токи қуёш фалак устига қалам қўйиб,

Тохир султон бошқа пахлавоон уруш кипишлари  
билан воқеадан беҳабар ўзига муқобил  
сипохлар билан бу урушнинг лавом эфирмоқда  
эди. Токи қуёш фалак устига қалам қўйиб,  
Тохир султон бошқа пахлавоон уруш кипишлари  
билан воқеадан беҳабар ўзига муқобил  
сипохлар билан бу урушнинг лавом эфирмоқда  
эди. Токи қуёш фалак устига қалам қўйиб,

султон ҳам урушни тарк қилиб, салтанат либосини ечиб фақир аҳлининг либосига ўралди-да, андак жамият ва кўркув билан ул хатарли уйдан ташқарига чиқиб, девордан пастга тушди ва қочиб йўлини тутди. Тоғу тахтдан қўлини ювиб, юзини Бобо султон томонга ўтирди. Абдулғаффор султон ҳам қочиб йўлини олдинга суриб, муҳтарам амир Шохимбий арғуннинг ўтиш йўлидан ўзини пастга ташлади; саросималик билан такаббур билагини юқори кўтарди, чунки, билдики, хон лашқарига тенг келиб бўлмайди. Шунинг учун қўлини бандга, бошни камандга қўйди ва Шохимбий уни олий даргоҳга етказди ва қандай ушлаганини наввоб хоқонга<sup>195</sup> арз қилди. Шунинг учун соҳибкирон амирга инъомлар бериб, ўз тенгқурларидан мумтоз қилиб, бошини ўзгаларниқидан юқори кўтарди. Онҳазрат Самарқанд дарвозасидан кириб, Дарвишхон давлатхона<sup>196</sup>сига тушди. Тўхтовсиз отга миниб, Регистон дарвозасидан чиқиб, олий ўрдуга тушди. Душманлардан кимки буржу деворни саклашга эҳтимом қилиб, бошида кибру хавоси бор бўлса, оёғидан йиқилиб, юзини ҳалокат тупровига қўйди. Ўша куни ҳазрат хон фармони бўйича ўлим шарбатини ичиб, дунёдан жазо уйига кўчганлар мана булар эдилар: қози Фаридуддин Қармиш, Хожа Ҳасанхожа ибн Бобохожа. Хожанинг бошидан терисини шилдилар. Ўша захм билан то бир ойгача тирик юрди, сўнгра ҳаётини Тангри ихтиёрига топширди. Ва яна Шох Ҳозибий дўрмон, Шохим тутқанок дўрмон, Пояндабий найман, Буйдошбий найман, Қурбон оталик дурдоқ, Шерали мирзо, Шеримбий найманнинг биродари Назар мирзойи шайтон, Ҳасан мирзо, Олачук мирзо ва Тўмка тўпчибоши. Шу куни дунёни ёритувчи шаҳриёр фармонига мувофиқ, қалъанинг буржу деворини бузиб, ҳамда олий ва баланд биноларга ўт қўйиб ер билан баробар қилдилар.

Онҳазрат муаттар хотири қалъа ишидан фориг бўлгандан кейин, тадбирли амир Қулбобо кўкалтош ва Наврўзбий парвоначи сингари эҳтимодли муҳофазачиларни Абдулғаффор султон муҳофазатига қўйиб, шанба куни<sup>197</sup> кўчиш довулини чалди. Қазонларни олдинга солиб, Ширзо<sup>198</sup> томонга қайтиш байроғини кўтарди. Бобо султон ўз гуноҳларини ҳазратдан сўраш учун хилофат

тахти поясига юборган Арслон оталик ва Хожашайхбий кабиларни шу куни йўл ўртасида талаб қилиб: «Абдулғаффор султонни саклашдан мақсад, Самарқанд султонларидан уни ажратишдан бошқа нарса эмас, агар бу сўзга хилоф қилса, тадбир тақдирига мувофиқ тушиб, ўз фарзандини тирик кўриши мушқил бўлади», деб элчиларга Бобо султон томонга қайтишга рухсат берди. Ўзи Ширзода Чирчиқ лабига тушиб, якшанба куни<sup>199</sup> сувдан ўтиб, дарё лабига тўхтади. У жойдан бир тўда кишини олдин юборди ва уларга буюрди: «Сирдарёга солинган кўприкни вақт тақозосига мувофиқ бузиб ташланган эди, яна тузатсинлар». Душанба куни<sup>200</sup> ҳаракат қилиб, Работак<sup>201</sup> мавзеини муборак чодиргоҳ қилди. Бу манзилда шундай хабар келдики, Бўзахўр султон бошқа биродарлари билан сувнинг у тарафидан пастга қараб кетди. Қоратолдан ўтиб Бобо султонга қўшилмоқчи. Шунинг учун Мўмин султонни Абдуссамадбий ва Али Мардон баҳодирларга қўшиб, Шохрухия томонга юборди ва ҳам тайинлади: «Агар улар билан душманлар рўбарў келиб қолса фитна отини жойидан қўзғотиб, тамом мардоналик билан, уларга ёпишсинлар» ва ўзи сешанба куни<sup>202</sup> ҳаракатга келиб, Оққўрғон қўриғига тушди. Чахоршанба куни<sup>203</sup> қасд отини ҳаракатга келтириб, Шохрухия атрофига тушди. Нусрат асарли сипоҳнинг нузулидан бу жой жаннат рашк этувчи даражага етди. Баъзи бебош кишилар оқибати саодатли хондан фармонсиз қўлларини торожга чўзиб, кўп асбобларни талон қилганлар. Уларни интиқом тифидан ўтказди ва яхши номини ҳаммага машҳур қилди. Шу куни орқадан қазонларни қўриқлашга тайин қилинган Жонкелдибий, Жўлтойбий, Иқимбий ва бошқалар олдиларидан киши келиб, шундай деди: атроф ва жавонибда қора кўринмоқда, мабодо, уларнинг жамиятлари қувват олиб қолса, нимани муносиб кўрсалар шунга амал қилсинлар. Онҳазрат Мўмин султонни Бўзахўрнинг дағдағасига қарши олдинга юбориб эди, у сув бўйига келиб, душманнинг ташвишлантиришдан хотиржам бўлиб, ўша ерда турди. Мўмин султонни яна сўл амирлардан Низомиддин Шохимбий, Шох Саъидбий қорлиқ ва Али Мардон баҳодирларни ўша шижоатли фирқанинг мададига қайтариб юборди. Мазкур султон, шижоатда



машхур амирлар билан биргаликда қайтиб, қазонлар бошига келди. У душман тоифаси қасдига жиловини бурган эди. Душманлар чекиниш йўлини олиб қочдилар. Нусратли сипох қазонларни олдинга тушириб, ўрдуга йўналдилар. Аскаргоҳга етказиб эдилар, хокон иззати тамкин билан, намоз пешин вақтида кўчиб дарё лабига етди. Шу кеча тўхтаб, «Халқ дарё юзига солинган кўпрукдан хотиржам ўтсинлар», деб ясовул ва қоровуллар тайин қилди. Иттифоқо, чоштвоҳда кўприк бузилиб, мардум ўтишдан тўхтадилар. Шунинг учун хон буюрди: «Фалак мартабали султонлар бошқа аркони давлат билан қайси жойдан ўтолсалар, кема билан ўтсинлар. Қолган сипохлар гушсар ва саноч билан қаердан хоҳласалар ўтсинлар». Аввал жаноб амир Қулбобо кўкалтошга «Абдулгаффор султонни сувдан ўтказиб, сувнинг ул томонида сақласин», деб ҳукм қилди. Кишиларнинг кўни сувдан ўтгунча ўзи бутун кун сувнинг у бетида турди. Шу куни намози дигар вақтида киши келиб арз қилди: «Абдулмухаммад султон кўп сипохлар билан орқадан етиб, уруш қасдидадирлар». Соҳибкирон хузурда зафар нишонли сипохдан кам киши қолган эди, «Кўплар сувдан ўтган бўлсалар ҳам, Шохмухаммад мирзо манғит, Абдуссамадбий биродари Абдулвосеъ мирохўр билан Али Мардон баҳодир ҳамма ўн ва сўл эшик оқолари билан, масалан, Мирзо Акабий, Дўстим мирзо хазиначи, Муҳаммад Боқибий ва Муҳаммад Алибий ўғлонлар ва бошқалар билан қоровуллик қилсинлар», деб ҳукм қилди. Хоннинг ўзи намози шом вақтида кемага тушди; дарёдан ўтиб у томонга турди. Душманлар шахриёрнинг ўтганидан хабардор бўлиб, дарё лабига тўдаландилар; кўрнамаклик қилиб, хали ўтмай турган мардум устига торож учун чоңдилар. Зафарнишон шахлавонлар уч дафъагача фитначи душманлар билан мудофаа йўлида олишдилар. Тиг, ўк, найза ва қилич зарби билан у бетадбир тоифани дафъ қилиб турдилар. Қолганлари уларнинг мадади билан дарёдан ўтиб, ўрдуга жўнадилар. Онҳазрат сешанба куни<sup>204</sup> ҳаракат қилиб, чоштвоҳда Жўйи мирзо<sup>205</sup> лабига келиб тушди. Пешин намозини ўқиб, зафар отини ўйнатиб, Қарқалик тўқайига кўнди. Яқшанба куни<sup>206</sup> Ўткиртойга келиб, зафарасар отларнинг чангидан ул мавзе майдонини абирнисор қилди. Душанба куни Навқандий<sup>207</sup> мавзеида тўхтади. Мовароуннаҳр

подшоҳларига, балки султонлардан бирор кишига бўйсунмай юрган қирғизларнинг элчилари мулозаматга келиб, бўйсунганликларини изҳор қилиб, неча муддатдан бери турган эдилар, шу куни уларни талаб қилиб, подшоҳона марҳаматлар билан фахрлантириб, узатди. Иккинчи куни Ўратепага кўниб, ул муборак мақомни саодатли қадами билан раванакка қирғизди. Шу манзилда Махмуд султон ва Хусравфармон Исфандиёр султон бир фирка сипохлар билан келиб қўл ўпини давлатига етишдилар. Онҳазрат улар билан қуюқ сўрашиб, меҳрибончиликлар ва уларга юз берган ходиса тўғрисида дилдорликлар қилди. Неча кун халқ шу жойда ғалла ва озуқа келтиришларини кутиб тўхтади. Хўжанд вилояти ва Чорсада<sup>208</sup>ни Мўмин султонга бериб, Дарвишхон авлодини унга қўшиб юборди. Ойнинг йигирма биринчиси, душанба куни<sup>209</sup> зафарнишон байроғини куёшга етказди. Қутли отни ҳаракатга келтириб, хашамат қароргоҳига юз қўйди. Манзиллар кезиб ўн иккинчи жумод ус-соний душанба куни<sup>210</sup> шом вақтида иззату иқбол марказига, яъни Бухорога тушди ва иноят соясини вилоят аҳолиси бошига тушириб, улувлик маконида ором олди.

#### ОНҲАЗРАТ МАРКАЗГА ЕТИБ ТУШГАНДАН КЕЙИН ҒАЙБ ПАРДАСИДАН ЮЗ КўРСАТГАН ВОҚЕАЛАР

Искандар мартабали шахриёр душман томонидан хотирни жамъ қилиб марказга келди. Ойнинг ўн учинчиси, шанба куни<sup>211</sup> душманлар тарафидан яна элчи келиб мактуб етказди. Мазмуни шулки, «Султопимиз ожизлик ва қулликни изҳор қилиб арз қиладики, ўзларига ишончли кишилардан кимни хоҳласа фақир томонига юборсалар, токи Арслон оталиқ ва Хожашайхбийлардан юборган ҳукмларини риояга олиб ижро қилинганлигини кўриб, онҳазратга айтса». Онҳазрат гоятда камолу икром ва марҳамат юзасидан, уларнинг сўзларига эътимодли бўлмаса ҳам, унинг гуноҳини йўқ санади. Ойнинг ўн тўртинчиси, чаҳоршанба куни<sup>212</sup> мухтарам Қулбобо кўкалтош фалак интизомли мақомга қадам ташриф қилди; кўнглини тинчлатиш учун Абдулгаффор султон шу жойда эди, уни олдига чорлаб аҳду паймонни янгидан қасам билан таъкидлаб айтди: «Сенинг отаиғ қачонки

самарқандлик султонларни ўз хузуридан ҳайдаб, мамлакат атрофидан узоқ қилса, биз у билан қариндошмиз. Унинг ҳақида ёмон андиша қилмаймиз, кўрқмасдан ихлос ва ҳамжиҳатлик юзини итоат тупроғига қўйсин. Агар шундай қилмасдан, хотирига биз томондан губор ўлтурса, ўзидан кўрсин». Шу мажлисга Бобо султон юборган кишини ҳам чақириб Абдулғаффор султонга қилган марҳаматларини билдирди ва Бобо султон томонга қайтиб, бу хурсандчилик хабарини етказишга рухсат ва насиба ҳам берди. Тошкентдан Абдулғаффорнинг аҳволини билиш учун келган элчини унга қўшиб юборди. Ўзи шикор учун амирлардан бир неча катталари билан тумонларга йўналди. Неча кун ул тарафларда кўп ов қуши отиб, ойнанинг охирида шаҳарга қайтиб иктидорли байроғини тикди.

Ражаб ойнанинг охирида<sup>213</sup> шижоат майдонининг отлиғи ва улуғ диловари Абдуссамадбий Ўратепа тарафидан қайтиб келиб, онҳазрат оёғини ўпиш давлатига етишиб, ниҳоятда шараф ва саодат топди ва арз пойгоҳига туриб аризани шу мазмунда адо қилди: Тоҳир султон ва Абдуссаттор султонлар бошқа биродарлари билан ишончли кишиларини мен фақирга юбориб, шундай деди: «Онҳазратнинг лашкар тортиб машаққатлар чекишидан варази Самарқанд султонларини ўз атрофимиздан ҳайдашдан бошқа нарса эмас экан, уларни саросимага солиб, саргардон ва паришонликда ҳайрон қилайлик. Энди шу ҳодиса воқеъ бўлди, албатта бизларнинг аризаларимизни онҳазратга етказасиз. Хоннинг қуёни каби равшан дили ойнасига биз томондан ўлтирган губорни тозаласинлар». Ўша жамоа талаблари онҳазратнинг қулоғига етиши билан яна Абдулғаффор султонни чақиртириб, инъом ва эҳтиром билан кўнглини шод қилди ва ўз вилоятига қайтиб кетишга рухсат бўлишини билдирди. Низомулмулк Қулбобо кўкалтош ва муборакфармон амирзодалардан Абдулбоқибий, Муҳаммад Боқибий дўрмон ва Дўст мирзо хазиначиларни унга ҳамкорликка номзод қилиб, ўзи ов қилмоқ учун Насаф тамонга жўнади.

Бу жамоа йўл асбобини тайёрлагунча ҳам йўқ эдики, Марғинон тарафдан Мўмин султоннинг укаси Махдий султоннинг кишиси Самарқанд сипоҳларидан бир неча гарданкашларнинг бошларини келтирди ва

элчилик аризасини оёқ устида туриб арз қилди. Аризанинг мазмуни: мазкур ойнанинг охирида, жума куни<sup>214</sup> Бўзахўр султон, Бек оталиқ ва Поянда султон ораларида низо пайдо бўлгандан кейин улардан айрилиб Ахсикатга йўналди. Бошқа Самарқанд султонлари сувдан ўтиб, Марғинон қалъасининг атрофига бордилар. Бу тарафга озгина ҳаракат бўлган эди, шикаст топдилар.

Ғариб воқеалардан, иттифоқий яхшиликлардан яна қуйидагилар содир бўлди: бахтсиз султонлар Марғинон қалъаси атрофига келиб, камалга ўтирган вақтда Андижон вилоятининг атрофидан биттасини таламоқ учун бир минг кишини юбордилар. Яна кўпгина кишини ўша томондан бошқа жойга юбордилар. Иттифоқо, Марғинон атрофида бўлган киначи тоифа шикаст топган кунда у икки тоифа ҳам ҳайрон ва саросималик билан бузилиб қочиш йўлини тутдилар.

Онҳазрат бу воқеани эшитгандан кейин Абдулғаффор султонни юборишни тўхтатди. Амир Абдуссамадга Ўратепа томонига боришга ижозат берди. Зафарнишон султонлардан Суюнчмуҳаммад султон, Ёрмуҳаммад султон ибн Дўстмуҳаммад султон ва Динмуҳаммад султон ибн Жони (бек) султон кабиларни ҳам ўша томонга юборди. Ўратепа мавзеига тўпланиб, душман аҳволини тафтиш қилиб, «Урушни муносиб топсалар, урушга юзлансинлар ва Мўмин султонга қўшилиб Андижон қасдига қадам қўйсинлар», деб буюрди. Амир Абдуссамад онҳазратдан ижозат бўлгандан сўнг Бухоро доруссалтанатига қараб жўнади. Сафар асбобини тайёрлаб, шу куни Ўратепа томонга ҳаракат жиловини бурди.

Мазкур ойнанинг йигирманчиси, жума куни<sup>215</sup> яна Марғинондан Ҳоди султоннинг кишиси келиб шундай деди: Марғинон ва душманлар шикаст топгандан сўнг Сирдарёдан ўтиб, Бўзахўр султон томонга йўналдилар. Замон маслаҳатига қараб, ўша бахти қора тоифалар бир-бирлари билан учрашиш орқасида биродарлик, улфату муҳаббат аҳдини янгиладилар. Ахси ҳокими Ҳошим султон билан Андижон муҳосарасига азимат билагини кўтардилар. Мазкур ойнанинг саккизинчисид<sup>216</sup> Андижон қалъаси атрофига келиб, унинг кўп кўчабандларини<sup>217</sup> қўлга олиб, Андижон қалъасини ҳам тасарруф остига олишга юзланмоқдалар. Агар бу томоннинг кейинда

колганларига подшоҳлик марҳамати билан мадад берсалар, эҳтимолки, бу тараф фукаролари у тоифанинг ёмонлигидан халос бўлсалар. Бу хабар улуғ амир Абдуссамадбийнинг биродари, шижоат майдонининг отлиги Абдулвосеъ мирохўр воситачилиги билан онхазратнинг қулоғига етган замон, тўхтовсиз ҳукм қилди: «Бахтли амирзодалардан саодатнишон Абдулбоқибий, Муҳаммад Боқибий дўрмон ва баҳодирлик майдонининг отлиги Дўст мирзо хазиначиқим, шу кунларда сўл чухраларининг сардорлиги унга тошширилган эди, хаммалари бурунги илғор орқасидан шитоб билан ҳаракат қилсинлар». Абдулвосеъ мирохўрни Самарқандга юборди, токи олдинги лашкар ичида қалъани сақлашда юборилган амирларни олиб, мадад етказмоқ учун борган бурунги жамоани топсинлар. Шаъбон ойининг аввалларида<sup>218</sup> зафарнишон сипоҳ, соҳибкирон фармонига мувофиқ, Самарқандда жамъ бўлдилар. У жойдан азимат қилгунларича ҳам йўқ эдики, Дўстимбий ибн Бултуриқбий Бобо султон олдидан келиб, олдин Самарқандга тушди. Ҳазрат Ибодулла султон хизматига бориб, соҳибкиронга қаршилик қилганидан нушаймон бўлганининг изхори ва нафсоний жиноятларни афв этиш илтимосини ичига олган аризани хазрат султонга тақдим этиб, восита бўлишини илтимос қилди, токи хазрат хон унинг томонидан хотирига ўтирган малол губорини кўтарсалар. Ҳазрат султон бу маънидан воқиф бўлиб, ўзининг нақибни Муртазо насабли жаноб Ҳасанхожани, онхазрат илғор учун тайин қилган амирларни Дўстимбийга қўшиб, Бухорога юборди. Улар хазрат султоннинг воситачилик қилганини онхазратнинг қулоғига етказдилар. Ўша вақтда зафарнишон хокон ов қилмоқ учун Чоржўй томонга кетган эди, подшоҳлик таянчи улуғ амир Қулбобо кўкалтош улар билан бирликда бетўхтов онхазрат олдига бориб, муносиб пешкашларни тортгандан сўнг, шармандалик ва ожизликдан иборат бўлган мактубни тақдим этди ва унинг хушбўй хотирига маълум қилдики, Бобо султон самарқандлик султонларни ўзидан айириб, мамлакатдан узоққа ҳайдаган. Онхазратнинг дили ойнасига шу мазмунда шуъла туширди: бу дафъа ёзган мактубида зохирда ростлик бор, хилоф кўринмайди. Шунинг учун яна низомулмулк амир Қулбобо кўкалтошга йўл

асбобларини мухайё қилиб, Абдулғаффор султонни олдига олиб боришни буюрди. Султонга салтанат асбобларини, масалан, нағора, байроқ, от ва ходим, чодир, саронарда зарбофт саруполар, нақдиналар, беҳисоб матолар, йўл асбоблари, олтин эгар, қулоҳ, камар, қатор ҳачир ва туялар шўбому икром қилди. Мазкур амир кўн ва ҳар қандай муҳандис ҳам адади ва ҳисоби андишасида ожизлик қиладиган беҳисоб асбоблар билан рамазон ойининг охирларида<sup>219</sup> Абдулғаффор султон билан бирликда Тошкент ва Туркистонга жўнади. Шаввол ойининг охирида<sup>220</sup> тамом шавкат ва жамият билан Тошкентга етиб, Бобога йўлиқди ва мисли кўрилмаган ва эшитилмаган ҳадяларни тортди. Бошқа амирлар ва тобе кишиларга муносиб нарсалар берди. Абдулғаффор султонни унга етказиб, мамлакат ва миллат интизомига керак сўзларни баён қилди. Бобо султон амир Қулбобони неча кун сақлаб, лойиқ базмлар ва муносиб мажлислар қурди ва бир-бирлари билан мувофиқлик ва муносабат йўлини илғари суриб, иттифоқлик созини чалди ва қайтишга ижозат берди. Юсуфбий найманни буйсуниб, ёмон ва бузук кишиларга қарзи бўлганлигини изхор этиш учун унга хамроҳ қилиб, олий боргоҳга юборди.

Саодатли амир зулҳижжа ойининг охирларида<sup>221</sup> Тошкентдан чиқиб ва Илонўтти мавзеидан ўтиб, Кўк гумбазга юз қўйди. Йўлда Музаффар султон биродарлари билан тўсатдан орқадан келиб қолди ва фитна отини ҳаракатга солиб, уруш бошлади. Низомулмулк амир Қулбобо кўкалтош уларнинг мудофаасига юзланиб, бир ҳамла билан душманлардан хотирини жамъ қилди ва у жойдан фатҳу нусратга яқин бўлиб, фалак рутбали даргоҳга йўналди; эҳтимом қадамини йўлга қўйиб, олий даргоҳга етди. Ўша вақтда хазрат соҳибкирон шикор учун Зардак даштига<sup>222</sup> кетган эди, қурбон ҳайити яқин келиб, Балх вилоятига қайтди. Давлат таянчи Қулбобо кўкалтош ўша вилоятда хазрат хон ҳузурига етди, давлат мулозамати билан мушарраф бўлди ва бирга олиб келган Юсуфбийни восита бўлиб, остона ўпишга етказди ва кўриниш бериб, элчилигини шарҳ қилди. Хон хос сийлашлар билан унга қайтишига ижозат берди.

**ЗАФАРЛИ СУЛТОНЛАРНИНГ ФИТНАЧИ САМАРҚАНД  
СИПОХЛАРИ БИЛАН УРУШИШЛАРИГА ВА У  
ИҒВОГАРЛАРНИНГ ЧЕКНИШЛАРИГА САБАБ  
БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР; БУ УРУШНИ УЧТЕПА ЖАНГИ  
ДЕЙДИЛАР**

Ўша кунларда фалаккулом хокон ов қилмок учун Зардак чўлига бориб, у жойдан Балхга қайтиб келди. Бўзахўр султон ва Музаффар султон, барча биродарлари ва қариндошлари билан тўққиз юзу саксон тўққизинчи йил мухаррам ойи охирларида<sup>223</sup>, киш ўртасида Миёнколга келдилар ва Навкода ўтириб чодир тикдилар. Сўнг Қўхак сувидан ўтиб, Тотканд атрофларини таладилар; ғорат қўлларини ўша атрофдагиларнинг молу асбоб ва хайвонларига чўзиб, ўзларининг аҳд қилган жойларига бордилар. Бу кулфатасар воқеа ҳазрат хонга етиб, онҳазрат шижоатли амир Али Мардон баҳодирни Самарқандга юборди; жаноб Ибодулла султонга қаҳру ғазаб билан нишон юбориб, ҳукм қилдики, «Хамма иззатли султонларни Насаф лашкари билан олиб фитначи душманлар кетидан борсинлар ва у келгинди ва фидойи фирқа қаерда бўлсалар ҳам топсинлар». Хамма султонларга, масалан: наввоб Дўстим султон, Абулфатҳ Исфандиёр султон ва Севинчмуҳаммад султонларга ва Насаф лашкари ва хамда унинг тобеларига киши юбориб, фармон берди: «Тўхтовсиз Искандарнишон Ибодулла султон даргоҳига жамъ бўлсинлар ва у фитначиларни синчиклаб ахтарсинлар». Зафарпаноҳ сипоҳ атроф ва жонибдан Самарқандга етишиб, муборак фармонлик Ибодулла султонга учрадилар. Ул ҳашаматдастгоҳ ҳазрат зафарпаноҳ сипоҳ ва камоли шукуҳ билан Самарқанддан тескаричиларни илдизи билан кўпориб ташлаш қасдида ҳашамат байроғини кўтариб ва азимат нағорасини чалиб душман томонга йўналдилар. Шу замон яна фитначи душманлар тарафидан шундай хабар келди: улар Дизах қалъаси атрофига келиб, кечаси халқ ғафлатда ётганида, хамма тарафдан олдинга юриб, қалъани эгалладилар. Қалъа ҳокими Аббосқули султонни оғир ярадор қилиб, талонга қўл чўздилар, халқ бошига бедодлик йўлини тутиб, хоҳлаганларича зулм қилиб, қатли оммага бордилар; деворларни бузиб кўп асбобларни олиб, қайтиб кетдилар. Шунинг учун жаноб давлатнишон Ибодулла султон кучли ва қудратли сипоҳлар билан, суръат билан

отларни шатак қилиб, душман томонига юз тутиб, Сирдарё лабида Учтепа мавзеида душманларга етди. Жума куни<sup>224</sup> туш вақтида икки тоифа бир-бирига етишиб, нағора ва карнай овози кўк гумбаз авжига етиб, нағора садоси фалакка чиқиб, фаришталарнинг қулови кар бўлди. Икки тарафдан шижоат тўқайининг қоплонлари ва журъат дарёсининг наҳанглари бир-бирларига қарши югуришиб, уруш майдони чангини фалак авжига чиқардилар. Жаҳонтоб куёшнинг юзини ғубор пардаси билан ёндилар. Маърака майдонининг тош ёрувчи тифлари урушувчиларни бошидан то белигача иккига бўларди; жанггоҳ сахнидаги қаҳрамонларнинг руҳ қушлари тан қафасидан парвоз қилиб, асл уясига кетиб ва найзаларнинг шуъласи паҳлавонларнинг ҳаёт хирманини ёндирар эди.

**М а с н а в и й:**

Фигон еру осмондан кўтарилиб, оламга зилзила тушди.

Бош узувчи тиф ва ўқдан, Ҳаво қон сепувчи бўлиб, ер лола ранг бўлди.

Уруш майдонида ўлдирилганлар қонидан маърака ери анор ранг ва ёқут тусли бўлиб, ўша қиёматасар уруш майдонида жон берганларнинг қизил қонларидан ханжар юзи Бадахшон лаъли каби бўлди.

**Н а з м:**

Паҳлавонлар қонидан тош лоларанг бўлиб, Ер юзига қон ариғи окди.

Ҳар томонда номдор бошлиқлари боши Тўлдай уруш майдонида юмалаб ётарди.

Ўша куни пешингача икки тараф лашкари бир-бирига кетма-кет ҳамла қилиб ва атрофу жавонибдан бир-бирларга узлуксиз тўқнашар эдилар. Охири зафарнишон сипоҳ Тангри таоло иноятига ва соҳибқирон давлати қувватига суяниб, ириллаган арслон каби душманга юз қўйиб, ўқ зарби билан кўкракларидан туйнук очдилар. Душман лашкари баҳодирлик қадамини уруш майдонига қўйиб зўр берсалар ҳам, ҳеч фойда ҳосил бўлмади. Охири умид субҳи ва фатҳ куёши зафарпаноҳ сипоҳ бошига нурини сочди. Душманлар саросималик билан майдондан чиқиб қочдилар. Нусратасар лашкар

кишини, Юсуф султон ва Бўзахўр тоннинг укаси Кучак султон билан бирга, га туширдилар. Уларни Ибодулла султон эмга биноан тўхтовсиз ўлдирдилар; тонлар ва лашкар бошлиқларининг бошини й даргоҳга юбордилар ва мардум бошидан бир неча баланд минора кўтардилар. а куни ўлдирилганларнинг сони етти юз зардан ошиқ эди.

Онҳазрат ўжар душманлардан хотирини мь қилиб, иккинчи куни Насаф лашкарига пиб, Севинчмуҳаммад султонни ва мулла ҳаммадбий батошни Бўзахўр султоннинг ва нг Бобо исмли укасининг кетидан юборди. а эса у жойдан қайтди. Қочганлар орқасидан ганлар Дашти Қипчоқ атрофларигача ариб, улардан асар топмадилар. Қайтиб вр мавзеига етдилар. Уларни ахтармоқ учун а Сори оталиқни даштнинг ғарб тарафга орди. Сорибий андак йўл юриб, орқасидан р тўда киши уларни топмоқ учун йўналди. тифоко, кечаси бир жойга борса, Бўзахўр биродари бир гуруҳ кишилар билан ўша йда бошини тошга қўйиб ухлаган эканлар. фарпаноҳ сипоҳ етиб келишидан олдин захўр ва биродари у гуруҳ ўртасидан камоли гироб билан тезда чиқиб, биёбонга кетган и, оталиқ қолганларга ҳамла қилиб ва бир ҳаракат билан уларни тутиб олди ва интиқом личи билан уларнинг бошларини танларидан до қилиб, Самарқанд ва Бухорога юбориб, ннинг порлоқ назаридан ўтказди. Шу вақтда хазрат шикор учун Насаф томонга кетган и, душманларнинг мағлуб бўлганлиги, захўр султоннинг биродари Бобо султон ва узаффар султонлар майдондан қочиб, излари штда йўқотилганлиги хабари соҳибқирон ловига етди. Онҳазрат ҳукм қилди: «Али ардон баҳодир бир тўда шижоатли баҳорлар билан Тошкентга жўнасин; душманрнинг ахволини таҳқиқ қилиб, Бобо султонга йтсин; тамом эҳтимом қилиб душманларни тиб унга топширсин». Али Мардон баҳодир шкентга келиб умри саҳифасига қатл қамини торгди. Даъво сурати аксинча юз йрсатди. Бобо султонга йўлиқиб, элчилик азмунини адо қилди ва онҳазрат хоҳишини иқ баён қилди. Бобо султон биринчи мароба фармонга бўйинсуниб, Самарқанд султонрининг кетига тушди. Улардан Музаффар ултонни ушлаб баланд нисбатли жаноб Али

Мардон баҳодирга топширди. Ўша икки кун ичида бир тўда ифвогарлар ва фитна бошлиқлари Бобо султонни йўлдан адаштирдилар. У қайтадан яна қаршилик йўлига ўтди. Ўша атрофда юрган Бўзахўр султон Тошкентга йўналди ва бир куни хабарсиз Али Мардон баҳодир устига босиб бориб, уни ўлдирди. Тақдир тадбирдан баланд келди. Рабиъ ул-аввал ойининг йигирма биринчиси, якшанба куни<sup>225</sup> бу кулфатли хабар Искандарнишон хоқоннинг қуловига етиб, қазабининг олови алангаланиб, унинг ёлқини фалак авжига етди. Шу куни: «Лашкар муайян вақтда Самарқандга тўплансин ва уруш асбобларини мухайё қилсин», деб теварак-атроф ва жавонибга ясовул ва хабарчиларни юборди. Ўша вақтда мулк таянчи амир Қулбобо кўкалтош отасининг таъзияси учун Бухорога кетган эди, мусибат лавозимидан фориг бўлиб, рабиъ ус-соний ойининг охирларида<sup>226</sup> бутун зафарасар Бухоро аскарига бош бўлиб, аскаргоҳга йўналди ва хон мулозиматидан иззат топди. Онҳазрат унинг отаси вафотига таъзия изҳор қилди ва отасига берилган бутун вилоят садрлигини<sup>227</sup> унга топширди. Жаноб аморатпаноҳ кўкалтош манқабатлик амир, амирлик мансаби ва девон мушриф<sup>228</sup>лиги устига хонлик садорати рутбасини ҳам топди. Бир томондан эҳтиромлари вожиб улуғ амирлар ва улуғ нўёнлар кирган бир амир мулку мол саранжомига бир ўзи мутасаддий бўлиб, «шукр қилсаларингиз мартабаларингизни албатта зиёда қиламан»нинг<sup>229</sup> мазмунига мувофиқ, бурунгидан зиёдароқ хизмат шароитини жойига қўйиб, одоб қадамини фармонбардорликдан четга қўймади. Шунинг учун унинг кадрү мартабаси байровини осмонга етказди. Эртаю кеч, кечаю кундуз, муборак аркони давлат, халқлар садри, муборак қадам, ҳурматли амирга собитқадам бўлиб, бу билан яқдил ва иттифоқ бўлдилар. Онҳазрат ҳар қандай умумий ва жузъий ишларда унинг раъйи шарафига заррача ҳам зидлик кўрсатмаган эдилар ва буюк вазирлар унинг олий остонасини ўзларига мурожаатгоҳ ҳамда паноҳ билардилар ва ҳар кун мулозамат камарини жон белларига боғлаб, диллари лавҳига бўйсунуш рақамини чизардилар. Ул садоратпаноҳ зот ҳар кун девонда ўлтириб, халқ ишини интизомга солмоқда, қозилар ва даъвогарлар, хосу омм ва раъийят ўртасида, адолат билан иш юргизмоқда эди. Подшоҳлик

ишларига ва мамлакат муҳимларига шу қадар машғул бўлса ҳам, мақсад ва мустақилликнинг савлатига қарамасдан, фозил ва олимлар билан суҳбат қуради ва уларни ниҳоятда ҳурматларди. Хар доим кенгликда инъом дастурхонини ёзиб, ҳамманинг дилига меҳру муҳаббат уруғини экарди. Унинг қўли гавҳар ёғадиган булут каби гавҳарлар, қумуш ва олтинлар бахшиш қиларди; яхши бино ва иморатлар қуришга ғоят роғиб ва мойил эди. Унинг иморатларидан бири — Балхнинг ички қалъасида бино қилган олий мадрасаси, Жума масжидида бир работи, Бухоронинг Қоровул мавзеида икки работи ва Бухоронинг ичида отаси қурдирган Масжиди жомеъ қаршида қурдирган олий мадрасаси. Шунинг учун Ҳақ таоло унинг иқбол нурини қуёш каби оламга зоҳир қилди ва унинг шариф номини халқ ўртасида яхшилик билан давом этдирди.

#### Б а й т:

Яхшиликка ҳаракат қил, чунки дунё варақаларида  
Одамнинг номи яхшилик билан қолади.

Алқисса, жаноб садр фалак рутбали остона-сига келиб, ҳазрат хоннинг қўлини ўпиш давлатини топди. Ҳазрат ҳокон уни Ўзбек султон томонга юборди. Баъзи фитначи ёмон кишилар уни ҳазрат томонидан ғоятда ваҳимага солган эканлар, уни бениҳоят марҳаматга суянтириб, хошира ойнасидан хиралик зангини насихат сайқали билан тозалашни буюрди. Жаноб ҳашаматмаоб қайтиб асбоб тўплашга ҳаракат қилди ва шавкат билан Ҳисор томонга юрди. Садоратпаноҳ султонга йўлиқиб, дилини хавфу қўрқинчдан тинчлантирди ва мазкур ойнинг охирларида<sup>230</sup> ул тарафдан шоду ҳуррамлик билан қайтиб келди.

#### ИҚБОЛЛИ ҲОҚОННИНГ НОМДОР БИРОДАРЛАРИ БИЛАН ДУШМАНЛАР ТОМОНИГА ТўРТИНЧИ ДАФЪА Йўналиши

Улуғ султонлар, буюк амирлар ва ҳаша-матли паҳлавонлар уруш асбоб ва яроқларини муҳайё қилиб, тўпланиш учун тайин қилинган Самарқанд вилоятига атроф ва жавонибдан кетма-кет етиб келдилар. Онҳазрат ҳам Насаф томондан иззату шараф билан фирдавмонанд

Самарқандга таширф буюрди. Машварат лавозимини ва кенгашу маслаҳат маросими ўрнига келтиргандан сўнг, иккинчи дафъа душман ўч олишни жазм қилиб, жумод ул-аввал ойининг аввалларида<sup>231</sup> қон тўқувчи лашкар билан душманни илдизи билан қўпориб ташлаш қасдида Қайвонмаҳал ҳокон ва фитна қўзғотувчи сипоҳ гўзаллар кириги сингари қон тўқувчи лашкар билан азимат отини чопдириб, оламгирлик нагорасини чолдирди; шону шуқуҳ билан ҳаракатга тушиб, ерни зилзилага келтирди.

#### М а с н а в и й:

Сулаймон каби шамол устига эгар қўйиб,  
Елдек унинг тахтига чиқди.  
Лашкарни уруш қасдида шу қадар ҳаракатга  
солдики,  
Ҳаттоки шамолга ҳам йўл тор бўлиб қолди,  
Ўша жойдан сипоҳ билан юрди.  
У биёбондаги гиёҳдан ҳам қўн эди.  
Мавқабга ҳар тарафдан лашкар йўналди.  
Унинг ҳисобини ҳеч кимса билолмас эди.

Алиобод<sup>232</sup> йўлидан шамол ҳам ундан ўтолмайдиган тезлик билан зафар байроғи маҳчасини, қуёш каби чодир ойини тулуғ қилдириб, манзиллар кезиб,

#### М а с н а в и й:

Тошни ҳам кесадиган қиличини осиб,  
Қоф каби тамкинлик билан йўлга тушди.  
Йўл сарсар отларнинг туёқларидан  
Дарё елидан занжир бўлгани каби занжир шакл  
бўлди.  
Замона отликлардан саросимага тушиб,  
Юлдузлар гўбордан қорайиб қолди.  
Оти йўлда ой сингари юрганидан,  
Тақасидан ҳар тарафда тўрт ой пайдо бўларди.

Дизахнинг хавоси отликлар чангидан зийнат олгандан кейин, ўша қўнғил очувчи саҳрода неча кун тўхтади. Дизах қалъасини Бўзахўр султон бузган эди, ҳокон арқони давлати ва ҳазратнинг аёнлари ҳамда бошқалар билан бирликда, тузатишни буюрди.

Шу пайтда Андижон томондан, Мўмин султон олдидан, киши келиб шундай деди: «Абдулғаффор султонни бизнинг биродарларимиз Ҳоди султон билан Исфара<sup>233</sup> қалъаси-

га қамаб, атрофида ҳеч бир иш қилмай ўтирибдилар. Эҳтимом камарини белга боғласалар ва марҳамат қилиб сипоҳлардан бир тўда билан мадад кўрсатсалар, муносиб бўлар эди». Онҳазрат бу ҳикоятни эшитгандан кейин шижоат майдонининг отлиғи Шерназар баҳодирни уруш маъракасининг баҳодирларидан ва жангу жадал курашчиларини оламда ягона, ҳамма шаҳарларга машҳур ва уруш вақтида Қоф товидай собитқадам беш минг киши билан Исфара томонга юборди ва ўзи ҳиммат оти жиловини бадбахт душман томонга бурди. Яна эртаси куни Хусравнишон Исфандиёр султонни ҳайбатлик амирлар ва нўёнлардан бир гуруҳи, масалан, Шохимбий ва бошқа амирлар билан Марғиной лашкарининг ёрдамига юборди. Муборак саропарда Сирдарё яқинига борганда, интиқомвожиб душманлардан хабар етдики, чексиз бир гуруҳи, сонун саноксиз бир жамият Фаркатга йиғилганлар ва қарор қилиб, у ерда туриш лавозимини топганлар. Онҳазрат тўхтовсиз давлат аъёнларидан ва мамлакат қаҳрамонларидан чаккон ва урушқоқ, иш азми ва уруш қасдида шамолга ва ўт орқасига ҳам сайр учун минаоладиган ва тулрокни тиг чашмасининг суви билан сероб қиладиган, найза ва ханжари шуъласининг порлаши кўк фалак ва унинг буржи юзига етадиган бир тўдасини, масалан, эҳсонли Абдулбоқибий дўрмон, Дўстимбий қушчи, Иқим дўрмон ва Мухаммад Боқибийларни бир фирқа эшик оқолари, масалан, Оллоҳёр ўғлон, Шерафкан мирзо, Батош найман, Кулмухаммад Бекой, Эшим мирзо ибн Сархунбий, Араб мирзо ва Мухаммад Мурод девона ва жаноби Дўст мирзо чухра оқоси, сўл чухралари билан, ҳаммаларини у расво гуруҳни тубидан кўпориш учун юборди ва у катта сипоҳлар Шохруҳия мукобилидан ўтиб, шундай суръат билан ҳаракат қилардики, улар юрганларида енгил учувчи шамолнинг оти унинг атрофидаги гардига ҳам етолмайдиган ва жаҳонпаймо сарсардек ҳаракати чоғида оламни кезувчи тезюрар от ҳам уларга ҳамроҳ бўлолмас эди,

Б а й т:

Отлари юришда шамолдан гаровни ютиб,  
Фалак айланишини ернинг эсидан чиқарар эди.

Ўша киначи гуруҳ тезлик билан фитначи душманлар томонига қараб ҳаракат қилиб,

Фаркат мавзеига етдилар. У жойда хабар эшитдиларки, душманлар буларнинг келишларини эшитиб, ўтган куни ўша ердан қочиб Фаркатнинг куң чиқиш томонидаги тоғликлардан бирида жой олганлар. Шунинг учун қаҳрамонлар у ёмон хислатли фитначилар тўдаси томонга йўналиб, ўша тоғнинг тагига бордилар. У тоғ шу қадар баланд эдики, тез учадиган қушнинг унинг тепасига учиб етиши мушкул эди ва учувчи сарсар у фалакманзар тоғ тепасидан йўл топиши қийин эди. Сипоҳ шавкат билан совут ва бошқа уруш кийимларини кийиб, ўша тоғ этагининг энг мушкул ерига бордилар.

М а с н а в и й:

Ўша Қайвон билан чегаралош тоғ ёнига  
Сипоҳ уруш учун келиб тушди.  
Ўша ўтиш мушкул жойда темир танлилар  
Тижувчи этагига кадалган нина каби титрар  
эдилар.

Икки томондан тўфанг ва ўққа кўл узатиб, ҳар иккала томон қадамларини уруш йўлида шижоат билан кўйиб уруш бошладилар. Душманлар тоғ устида ҳар жойдан ўқ отиб, уларнинг ҳужумини қайтарар эдилар ва олдинга юришга қўймас эдилар. Кимки олдинга қадам қўйса, тош билан урур эдилар. Охири қаттиқ камонли қаҳрамонлар бошга қалқон тутиб, ўша камардан тезлик билан юқори чиқиб, камондан хаданг бургутини парвоз қилдирдилар ва ўша тоифанинг руҳ қушларини тан қафасидан учуриб юбордилар.

Б а й т:

Юқори буржда бўлган ҳар бир киши  
Захмдан беҳуд бўлиб, қон майига беланди.

Ул бузуқи фитначилар ўзларининг давлат арконларини титраган, бекарор кўриб, тоғ тепасидан оёқларини тортдилар ва ўша жойдан қочиб яна бир баландроқ тоғ устидаги қалъага кириб жим ўтирдилар. Зафарасар лашкар ҳам уларнинг орқаларидан қалъага етдилар. Улар эгаллаган қалъанинг баландлиги шу қадар эдики, бурчаклари бошини фалак авжига суртар эди. Унинг мустаҳкамлигидан унинг фатҳи маҳол кўринар эди. Зафарнишон

қахрамонлар, фалак доираси ер марказини ўртага олгани каби қалъа атрофини ўраб олдилар ва унинг фатҳига қурол ишлатмоқда эдилар. Ногоҳ ул гумроҳ тўда яда тошини ишга туширдилар. Айланувчи фалакнинг тақозоси билан, ёз ўртасида қору ёмғир, момақалдиروق ва чакмоқ пайдо бўлиб, ҳаракат қилишга ҳеч кимда мажол қолмади. Мардумдан кўплари уруш майдонидан юз ўгирдилар. Бахтли амирлар қанча мудофаа қилсалар ҳам, зафар муяссар бўлмади. Сўнг музтар бўлиб қайтдилар ва уруш ҳаёлидан кечдилар ҳамда онҳазрат дарё лабида эди, ўрдуга етиб бордилар ва оёқ ўзини саодатини топдилар.

Зафаршаноҳ сипоҳ Қоратол мавзеига тушган эди, кўп йиллар Даштда ҳукмрон бўлиб, онҳазратга дўстлик изҳор қилиб юрган Шиғойхоҳ ўз ўғли Тавакқал султон ва бошқа болалари билан олий даргоҳга келиб, баъзи давлат аъёнларининг воситачилиги билан, адолатнишон ҳоқонга йўлиқди. Онҳазрат табиатидаги марҳамат юзасидан унга таъзим ва тақрим, умумий икром ва инъом кўрсатиб, Хўжанд мамлакатининг хирожини<sup>234</sup> Шиғойхонга берди. Унга дилдорлик қилиб, подшоҳона тўю базм тартибига буюрди. Дашт хони ҳар лаҳза ва ҳар соатда ҳол тили билан шу сўзни тараннум қилар эди:

#### Назм:

Салтанат қуёшининг сояси менга тушиб,  
Энди шарқ қуёшидан менга фароғат бордир.  
Юлдуз ва фалакнинг сайри билан менга  
хокимлик кўпдир,  
Бу қиссада шохнинг инсофи менга ёрдамчи  
бўлсин.

Ўша манзилда андижонликларга мадад етказиш учун борган зафаршаноҳ сипоҳлар мақсудга етолмай қайтиб келдилар, чунки зафарнишон лашкар Исфара ва Марғинонга бориб, Андижон султонларига мадад беришларидан бурун Музаффар султон ва Абдусаттор султонлар Дашт аскарларидан кўп киши билан Исфарага бориб, Абдулваффор султонни мустаҳкам қалъадан халос қилиб қайтиб кетган эканлар. Шунинг учун зафарасар аскар қайтиб соҳибкирон даргоҳига келиб, аршга етган байроқ соясида ором олдилар. Шу жойда аниқ хабар етдики, Бобо султон нусратасар

аскарнинг йўналиши хабарини эшитиб, Тошкентдан чиқиб Туркистон томонларига қочибдир. Абдусаттор султон ва Бўзахўр султон Арқук ва Қўғон<sup>235</sup> атрофида лашкар тўплаб, бир гуруҳ ҳашаматли амирлар ва дабдабали аймоқ<sup>236</sup>лар билан ўша хунхор водийда изтиробни ташлаб қарор олиб турганлар. Шу сабабдан онҳазрат зафарли султонлардан Исфандиёр султон, Севинчмухаммад султон, Ёрмухаммад султон, Шохмухаммад ибн Дўстим султонни, ҳамма аъён ва арқони давлатлар ва эшик оқолари билан Рустамфармон Ибодулла султон мавқабда олдиндан юборди, токи фатҳу зафарга эришишда эътимодли сипоҳ шамол суръати билан бориб душманларни топсинлар; мардоналик билан фатҳу зафар эшикларининг калидини шижоат қўлига олсинлар. Ул шукухли жамият шу фармонга бипоан ҳаракат қилди. Аммо Искандарасар қахрамон Ибодулла султон, подшоҳлик мартабасининг шарафи ва Тангрининг саодат эҳсони унинг порлоқ пешонасидан кўринар эди, ой каби сайёр отга миниб ва фалақулафлокдек бир соат ҳам сайрдан тўхтамайдиган, аршфарсо узанги ва жаҳонқушо жиловини ҳаракатга келтириб, тезлик билан душманлар касдида

#### Маснавий:

Тоғ шукухли шахриёр олдинга йўналди  
Тоғдек мустаҳкам қахрамонлар билан.  
Ҳаммалари Баҳром таъбу, Кайвон хуш,  
Пўлот қулоҳлик ва темир либослик эдилар.

Жаноб султон ўзидан бурун амирлардан Жўлтойбий, Бекойбий, Хожамқули қушбеги ва Худойберди ясовулларни, ҳамма қоровуллар билан, салтанатли Абунаср Исфандиёр султон ва Севинчмухаммад султонлар билан биргаликда, яровул қилди, токи олдинроқ бориб душман аҳволини аниқлаб келсинлар; агар уларга етиб урушни муносиб топсалар, улардан тифини аямасинлар ва эҳтиётни қўлдан бермасинлар. Нусратнишон султонлар олдин жўнадилар ва кўп машаққатлар тортиб йўл юриб бир жойга етдилар. У жойда итлар ва даштликларнинг шовқин-суронлари эшитиларди. Фалак рутбали ҳазратлар ғоятда кам эдилар. Тахминан эллик нафар, ё ундан камроқ киши у жойга етиб бордилар. Бошқа зафар-



иноҳ сипоҳлар кўп узок йўл юрганлари учун тар билан ҳамроҳликдан орқада қолган эдилар. Дахшатли ва ваҳимали бир манзилга олиб тушдилар. Эҳтиёт юзасидан отларнинг физларини боғлашга буюрдилар. Аммо бахтиёр фармоншиор Ибодулла султон бутун кун эриб, Қўғонга етди. Душман тарафидан ҳеч бир хабар маълум бўлмади. Кечадан бир оз танда султон амирзода Муҳаммад Боқибий ўрмонга ҳамма эшик оқоларини олиб олдинга, илғорнинг кетидан боришга буюрди ва деди: «Хар жойда уларни топса, султон отининг киловини маҳкам тутиб, буёққа қайтарсин ва казм билсинки, агар уларга етиб қайтармаса за бизнинг сўзимизни етказмаса, биродарларимизга нима етса, ундан кўраимиз». Мазкур амирзода олий буйруққа амал қилиб, шижоатли қахрамонлардан бир гуруҳ халқ билан, масалан, Амон мирзо ва Оллоҳберди мирзолар билан ўша қоронғу кечада илғор бўлиб, кеча охирида қутли сифатли султонларга етишди ва жаноб султоннинг ҳукмини уларга эшиттирдиди. Иккинчи куни юборган амирлардан баъзилари, масалан, Жонкелдибий, Жондавлатбий ва бошқалар орқадан етиб бордилар. Тўхтовсиз ўша манзилда сипоҳларнинг ҳаммалари, султоннинг буйруғига мувофиқ, кенгаш қилдилар. Музокара ва тортишувлардан кейин ҳаммалари бир оғиздан: «Жаноб султон томонидан Муҳаммад Боқибий қайтишга буйруқ келтирибдур. Унинг раъйи нимага қарор топса маслаҳат ўша бўлади, яхшими, ёмонми, қайси бири юз берса унга қайтади», дедилар. Муҳаммад Боқибий: «Агарда хазрат султоннинг фармони шу бўлса ҳам соҳибқироннинг хоҳиши бунинг акси», деди. Шунинг учун султонлар қайтишни маслаҳат кўрмадилар. Таваккулни халқа қилиб олдинга юрмоқчи бўлдилар.

#### М а с н а в и й:

Шоҳу сипоҳ илғор билан юрдилар,  
Уларнинг қўлигидан шамолга йўл торлик  
қилди.

Ҳаммалари гавдали, уруш кўрган,  
Тоғ гурзилли ва пўлат гажувчи эдилар.

Ўша хатарли жойда лашкар камликдан ўзларини зоҳир қилишни муносиб кўрмаган эдилар. Душман хабар топмасдан отни қистаб йўл юрган эдилар. Азрақдан<sup>237</sup> ўтиб, Оққўр-

гошга<sup>238</sup> етдилар. Шунини маслаҳат кўрдиларки, уруш майдоннинг отлиғи Хожамқули қушбеги ва Худойберди ясовул қоровуллар билан олдинга бориб хабар олсинлар. Мазкур гуруҳ илғор қилиб Ўзгандга<sup>239</sup> бордилар. Ундан Қумқонга<sup>240</sup> бориб душманларнинг хабарини топдилар. Шошилинч билан уларнинг бир қисми асбобу ўлжаларни олдилар. Улар андак бўлганларидан тўхтадилар. Бир кишини қайтариб юбориб арз қилдилар ва юз берган нарсаларни баён қилдилар. Бу шодлик хабари қахрамон лашкарга етди. Ўзгандда юришни тезлатиб азимат отини жавлонга келтирдилар ва мардлик билагини сиздан чиқардилар. Ўша жойда сув, лой ва танглик жиҳатдан бир отликдан зиёд ўтолмас эди. Катта тўғри йўлдан бошқа ҳамма томонга юрса одам ва от ҳалок бўларди. Қурпа<sup>241</sup> мардумидан қанча қичкина, эмадиган, бениқда ётадиган болалар лойга ботиб қолганлар. Отлар ва туялар чумолидек юролмас эдилар. Муборак қалам буни шарҳ қилишдан ожиздир.

Алқисса, ул нусратли лашкар ўша ингичка қоронғу йўлда ўликлар устидан юрардилар. Ниҳоят, ўша хатарли жойдан ташқарига чиқдилар. Неча кун даштун биёбонда юриб, Олатовдан<sup>242</sup> ўтиб, душманлар яқинда эканликларини эшитдилар. Зафарасар султонлар мавқабидан бўлган сипоҳлар от устида туриб, иккинчи марта бир-бирлари билан кенгаш қилдилар. Улар ҳауузгача Бўзахўр султон ва Абдуссагторлар шулар ичида деб гумон қилганликлари сабабли, совутлар кийиб, Карноққа қараб юрдилар. Икки томон бир-бирларига тўғри келдилар. У тарафдан қабила, уруғлар қуролланиб мудофаага юзландилар, лекин ортиқча уруш бўлмади. Уларнинг жамиятлари кўп бўла туриб, уруш майдонидан қочиб даштга юз ўғирдилар. Қутли лашкар уларнинг ичига кириб, торожга қўл чўздилар. Асбоб ва хайвонларни ўлжа олдилар. Сўнгра, маълум бўлдики, ўша қарноқдилар ичида султонлардан ҳеч бир киши йўқ экан. Зафараноҳ сипоҳнинг келишидан хабардор бўлиб, қочиб йўлини олган эканлар. Даштнинг сардори ва гарданкашларидан бир тўда мардумни тутиб, беҳисоб қаниматлар билан, ҳокон ўрдусига етказдилар. Хон орқасидан келиб Ўзгандга тушган эди, юз берган ҳодисаларни бир-бир баён қилиб, шахриёр назаридан ўтказдилар. Ҳокон хар бирларига беҳисоб марҳаматлар ва бениҳоят

илтифотлар қилиб, дилларини шод қилди. Сўнг у жойдан фатху давлатга ҳамроҳ бўлиб, отининг жиловини салтанат марказига бурди. Йўлда Шифойхонни унга ишбoм қилган Хўжандга жўнатди; Таваккал султонни эса ўз ҳузурда қолдирди ва қайтиш байровини кўтарди. Йўлда ҳар манзилга тушиб, синоҳлардан ҳар биттасини ўз тасарруфида бўлган вилоятига боришга ижозат берди.

Кузнинг охирларида<sup>243</sup> Жамшид рутбали шахриёр ҳазрати Оллоҳнинг ёрдами билан зафарпаноҳ хонларнинг ватанлари бўлиб келган Бухоро дорилмулкига етди ва тушини тантанаси овозасини осмон гумбазининг тепасидан опирди.

### Н а з м:

Тангрига шукрки, олампаноҳ шох  
Тангри ёрдами билан яна ўз дорилмулкига келди.  
Шу жихатдан шаҳарлар ичида фахрланувчи  
Бухоро номини олди,  
Ва волиб шохга ватангоҳ бўлди.

### ХОҚОННИНГ БАХТЛИ МАРКАЗГА ТАШРИФ ЭТгани- дан сўнг юз берган бир неча воқеалар

Хушдил ва бахтиёр ҳазрат соҳибкирон рамазон ойининг ўртасида<sup>244</sup> Хулкарнишон тахтга суяниб, акобир, ашрофлар ва бошқа синфларнинг кўзларини қутли талъати билан равшан қилгандан кейин, Тангри томонидан омонат берилган раъийятга хайрихоҳ бўлганидан, фармон берди: «Тиллага бошқа нарса аралаштирмасдан тозаласинлар ва пулни бир мисқол<sup>245</sup> вазнда зарб қилиб, қаллоблик асосини туб томири билан қўпорсинлар». Соҳибкирон олтин ўлчайдиган тарозу эгаларини чақиртирди ва тафтиш қилиб кўрди. Ўлчовда икки наҳуд вазндан ошиқ тафовут бўлмаса ҳам аҳли олам ибрати учун уларни жазолади. Яқшапба кечаси рамазон ийдининг хилоли кўринди ва замона ҳолига мувофиқ табрик тилини шу сўзга очди:

### Н а з м:

Ийд бўлиб, янги ой тилла жомдан нишон  
келтирди,  
Ва нозик табиатлар суҳбати доирасидан хабар  
келтирди.

Хоқон олам султонзодаси ва инсон кўзининг нури Абулфатх Абдулмўмин султон хотирининг хоҳишига мувофиқ ўша кечаси ҳукм қилди: «Хон чорбоғининг эшигига хушқад қабақ тикласинлар. Қуёшу ойдап хабар берадиган бир печа тўққиз тилла ва кумуш қабақларни гажжакга олсинлар». Ийд куни саодатли хон подшоҳлик дабдабаси билан намозгоҳда ҳозир бўлди ва намозни ўқиб, шаҳар ичидан ўтиб олий аркка тушди. Пешингача ийд базмига хотирини банд қилди. Базмдан фориг бўлиб, ўзининг дилбанд фарзади Абдулмўмин султон ва Шифойхоннинг ўғли билан ўрдак томошасига чиқди. Ўша куни Таваккал султон печа ўқни камарга суқиб ўрдакка отди. Амирлардан зафарогоҳ Турсунбий қушчи ўрдакни урди. Онхазрат унга кумуш ва тилла ўрдаклардан ташқари, нақдиналар ва отлар ишбoм қилиб, ўз баробарларидан мумтоз қилди. Мазкур ойнинг олтинчиси, жума куни<sup>246</sup> нусратпаноҳ хоқон ов учун Чоржўй томонга юрди ва икки ой ов томошаси билан хотирини хуш қилди. Зулқаъда ойининг охирида<sup>247</sup> иззату шараф билан Насафга жўнади. Ўша жойда Бадахшон томондан элчи келиб, лойиқ пешкашлар ва муносиб тухфаларни тортди. Мазмуни итоат ва тобелиқдан хабар берувчи мактубни арз қилди. Манқит томондан<sup>248</sup> ҳам элчи келиб, ҳазратнинг номига хутба ва пул зарб қилинганининг хабарини келтирди. Хон хутба саводини ёктириб, нағора чалишга ва байроқ кўтаришга буюрди. Онхазрат элчиларнинг ҳар бирига қўн марҳаматлар ва меҳрибончиликлар қилди ва мақсудларини ҳосил қилиб юртига жўнатди.

### ЖАМШИДНИШОН ХОҚОННИНГ БЕНИНЧИ МАРТА ДУШМАН ДАФЪИ УЧУН ТУРКИСТОН ВА ДАШТИ ҚИШЧОҚ ТОМОНГА ЮРИШИ ВА УЛАРНИНГ УМР Кўчатларини саркашлик чаманидан кўчириб ташлаши; бу юришни улуғтоғ юриши дерлар

Тадбир эгаларининг офтоб нурли дилларига ва кимё асарли хотирларига махфий қолмасинки, рўзгор ойнасида саройлар ва шаҳарларнинг хароб бўлиши, қуллар ва озодларнинг паршон бўлишлари ва ҳолларининг ўзгарилиши Тангрининг адли ва фазли тақозоси ва хоҳишидан бўлади. Борлиқларни яратишда Тангрининг одати шунга жорий бўлганки, ойлар ва йиллар, кечало кундузлар ўтиши билан

ишлар қонунига ҳар қачон футур етса, мамлакат ва миллат аҳволига, давлат ва мартаба эгаларининг ҳолларига ҳалал етса, ҳар асрда Тангри томонидан қувватланган шавкатли ва фармони нуфузли бир соҳибкиронни ўша ҳалалларни ўртадан кўтариш учун юборади. Ўша ҳалалларни йўқотиб, давлат ва салтанат биносини мустаҳкамлайди; гарданкашлар, фиску фужур аҳлларида мамлакатни тозалайди ва бузуқилар кўзотган ғуборларни обдор шамшир ва оташбор ханжар билан рўзғор юзидан олиб ташлайди. Бу сўзнинг чинакам мисоли яхши ҳислатли ва иқболли хоқоннинг ҳолидир, чунки узоқ муддатлардан бери онҳазратнинг баъзи қариндошлари қаршилиқ қилиб, оёқларини душманлик йўлидан олмас эдилар. У фитначи, бузуқи тўданинг тортишувлари сабабдан оламда шаҳарларнинг бузилиб, тор-мор бўлиши ва бандаларнинг эзилиб ҳалок бўлишларидан бошқа нарса юз кўрсатмас эди. Азалий ҳикмат ва ирода тақозоси билан, дунёни забт этиш ва жаҳонбонлик маърақасининг диловар отлиғи Искандарнишон хон савлат оёғини давлат узангисига қўйиб, салтанат қўлини фитначи душманларга узатди. Обдор найзасининг шуъласи шамол каби ёмонлар юртдан чанг чиқарди ва олов сочувчи қиличи тугёнли душманларнинг хонумонини ер билан яксон қилди. Унинг зафар асарли шамшири қазо ва қадарга мувофиқ эди ва нима юз кўрсатса унинг раъйи таъсиридан бўлган. Кимгаки ишорат қилса бўйинсуниб, фармонбардор бўлди. Унга қарши бўлиб юрганлар жонни хонумонлик билан беармон топширдилар. Бунинг тафсили шулки, Бобо султон Туркистон вилоятида шижоат билан машҳур эди. Лекин доимо онҳазратга муқобил бўлиб, қаршилиқ қилганидан, яхшию ёмон одамлардан маломат эшитарди. Зафарнишон хон тилини ваъзу насихатга очиб, муросаю мадора юзасидан унга қанча мулоимлик билан мактуб юбориб, жисмида бўлган марҳамат ва меҳрибончиликдан «Хамма гуноҳларингдан ўтдим ва жиноят варақларингга афв чизифини тортдим», деса ҳам,

М и с р а:

Сенда ҳали сулҳ ҳаёли бўлса кел, деса ҳам,

Бобо султон шайтон васвасаси ва ёмон нафснинг маъқуллаши билан яхшилик йўлига

қадам қўймади; беҳуда ҳаракатни тарк этмади ва бўйинни тобелик ҳалқасидан тортди ва охири қазосига мувофиқ кўриши лойиқ бўлган нарсани кўрди. Яна иқболли хоқон билдики,

М и с р а:

Нихоятда саркашлиқ ва ғоятда такаббуриликдан

узрга келмади ва душманларни банд этиб жаҳонни олувчи дину давлатнинг зийнати ва фатҳу нусрат номасининг унивои, мамалакаторо шаҳриёр унга иккинчи бундай гурурликка кетмаслиги учун танбех бериб қўйишни истади. Шундай қилиб, хоқон Бобо султон томонга лашкар тортди.

Б а й т:

У дили қора ҳаво жомидан гурурига маст бўлиб,  
Жонон ғамзасида ҳам фитна кўзғатадиганрок  
бўлди.

Зафарасар шаҳриёрнинг юзланиш овозаси суҳрат топиб, Бобо султон бу хабарни эшитиш билан андишага тушди ва ўзига-ўзига шундай деди: «Агар онҳазрат яна бу томонга юз ўгирса, мамлакатнинг ихтиёри менинг қўлимдан тамоман кетиб қолиши муқаррардир, балки ширин жон ҳам хатарга тушади». Ночор хотирини бундан таскин топдириш учун мулла Амин шайх ва хожалардан, уларга Тангрининг раҳмати ва ризолиги бўлсин, яна бир бор илтимос қилишни мувофиқ топди, токи улар аъло ҳазрат олди-га бориб, насихат суви билан ғазаб оловини ўчирсалар ва хотирига ўтирган ғуборни ваъз зулоли билан ювсалар, шоядки, онҳазрат уларнинг сўзларига қулоқ солиб, талабларидан ташқари чиқмаса. Шунинг учун аҳли салла ва аҳли хирқалар: «Агар мўминлардан икки тоифа бир-бирлари билан урушсалар, уларни яраштириб қўйинглар»<sup>249</sup>нинг мазмунига мувофиқ, рағбат билан мусолиҳа майдонига қадам қўйиб, саодатпаноҳ Тинойхожа Сайид Отойи ҳамроҳлигида Бухорога бордилар ва онҳазратнинг қутли мажлисига йўл топдилар. Онҳазрат ҳақиқа дуо қилгандан сўнг, арз қилдилар: «Жаноб ҳазратнинг адолати ва ҳам динпарварлиги биз мухлисларга очиқ маълум эди. Шунинг учун бандалар ва шаҳарлар ҳолига яхши бўлиш

тўғрисида қутли қулоқларига неча калима сўзни етказамиз. Агар бизларнинг дарвишона сўзларимизга амал қилсалар, натижаси яхши хислатли подшоҳ ахволига оид бўлади. Бу сўз шулки, келишмовчилик ва тортишувлар мамлакатнинг хароб бўлишига, сипоҳ ва халкнинг бетинчликларига сабаб бўлади. Агар шу урушни давом эттирилса, ноҳақ қон тўкилиб, мусулмонларнинг моллари зоеъ бўлади ва шариятга халал етади. У вақтда юз бор пушаймонлик келтирилса ҳам фойдаси бўлмайди. Агар «сулх яхши»<sup>250</sup> мазмунига амал қилсалар Тангри ва халойиқ олдида яхши бўлади.

### М и с р а:

Хар холда урушдан сулх яхши.

Элчилигимизнинг хулосаси шулки, Бобо султон айтди: «Бузуки, ёмон одамлар иғвоси билан мендан нохойиқ феъллар ва сўзлар содир бўлди. Ҳоятда пушаймон бўлиб хайрат ва хасрат майдонида саргардонман. Агар шу бор ҳам гуноҳларимни афв этсалар, бундан кейин тобелик доирасидан ташқарига қадам қўймайман ва фармонбардорликдан бўйин товламайман». Онҳазрат деди: «Ҳаммага маълумдирки, Бобо султон кўп вақтдан бери қуруқ хаёл билан, лашкари кўплигига маврур бўлиб, исён қўтарди. Жуда кўп кишилар билан хужум қилиб мамлакатимиз атрофини хароб қилдилар. Биз у номуносиб ҳаракатни гўё бўлмагандек ҳисобладик, токи пушаймон бўлиб, узр мақомига келсин. Ўзи нурур шаробидан шундай масту беҳуд эмас эдики, яхшини ёмондан айиролмаса. Бунинг устига кўрнамак кишилардан бир тўдасини манкило қилиб бизнинг вилоятимизга юборди. Улар вилоятларга кириб уларни хароб қилишни бошладилар. Қачонки жанг оҳангини созлаб у томонга юзлансак, сипоҳ қорасини кўриб,

### М и с р а:

Шамшир чақмоғини кўрмасдан узоқдан қочди.

Бахтсизлик чагини бошларига сочдилар.

Эндиликда жаҳон лашкарини тўплаб, ўч олиш қасдида унинг вилоятига бормоқчи бўлганимиздан хабар топиб, бизнинг лашкарга тўғри бўлишга тобу тоқати бўлмаганидан,

ночор, ожизлик қўлини бечоралик этагига уриб, подшоҳлик қахру захр селобини афсун билан ўз мамлақати атрофидан узоқ қилишни истайди. Унинг сўзига эътимодимиз қолмагани сабабдан ҳеч вақт бу андишадан сустраниб тўхтамаймиз. Тангрининг хоҳиши билан дилда бўлганини амалга оширамиз. Шундай ҳам бўлса, агар сўзи рост бўлиб, бизга мувофиқ бўлса, Бўзахўр султонни бизга юборсин, сўнгра кенгаш билан вақт тақозоси нима бўлса шунга амал қиламиз». Охири Амин шайхга сарупо бериб, муродини ҳосил этмай қайтарди. Тинойхожа Сайид Отойини эса олиб қолди.

Шу ойнинг аввалларида<sup>251</sup> иззату иқбол марказидан қутли ҳукм бўлди: «Зафарасар аскарлар мамлакатнинг ҳар томонидан ва ҳар шаҳардан жанг асбобини муҳайё қилиб, Миёнкол мавзеида аскаргоҳга жамъ бўлсинлар, токи турклар ҳоқими Бобо султоннинг исён ғуборини рўзгор юзидан ювиб ташласинлар».

Онҳазрат қурбон ийдигача шу ерда тўхтади. Тилла ва пул ислоҳи тайин қилинган муддатдан ўтгани учун шу маънига киришди: қурбон ийди келиб, ҳамма хурсандликка етди. Баракотнишон хоқон ийд намозини ўқиб, садақалар берди. Ийд базминини тугатгандан кейин, илоҳий сирлар махзани ва ниҳоятсиз нурлар матлаи, жаҳон маҳдумзодаси, хожалар силсиласининг хотимаси ҳазрат Хожа Калонхожа, Тангри уни саломат ва боқий қилсин, билан,

### Қ а с и д а:

Олий гавхар, номдор хожа,  
Фалак қадарлик, фаришташиор шох,  
Унинг вужуди борлик қасрининг мойси бўлиб,  
Жону дили билан шухуд дарёсига фарқ бўлган.  
Мусо Тур тоғи<sup>252</sup> дарахтидан нур олгандек,  
Ҳидояти шамъи унинг руҳидан нур олган.  
Ой каби пешонасининг партавидан,  
Айн ул-якин<sup>253</sup> кўзига нур берувчидир.  
Валийлик довулини арш тоқига уриб,  
Ҳидоят қўли билан арш поясини тутган.  
Унинг силсиласи Ҳақ жазабасига<sup>254</sup> каманд бўлиб,  
Ундан нақшбандия силсиласи маҳкам бўлган.  
Кимнинг қўли у силсила ҳалқасида бўлса,  
Ҳар қандай зилзила бўлса ҳам оёғи тоймайди.  
Одам унинг мақомларига фахр этадиган бўлиб,  
Унинг иноятларидан олам тўлган.  
Шоҳу гадо унинг дастурхони устида бўлиб,  
Жаҳон халқи унинг номи билан тирикдир.  
Унинг карами олдида булут эҳсон лофини  
урмоқчи бўлган эди,

Лекин унга чакмоқ кулиб юборди.  
Химматли шох нишонли бўлмас эди.  
Подшоҳ унинг хизматига бел боғламас эди,  
Замон унинг баракотларидан холи бўлмасин.

Тангри унинг нафаслари билан бизларни  
бахраманд қилсин. Ҳокон имомҳумой Абубакр  
Саъднинг, Тангри таоло ундан рози бўлсин,  
мунаввар ва муаттар тупроғи зиёратига юзланди.  
Ўша хонақоҳда ҳожатни баён қилиб, мадад  
сўради. Хидоятпаноҳ хазрат таъзимига  
ғоятда тиришиб, лойиқ зиёфатлар қилди ва  
зиёфат шароитларини ва меҳмондорчилик расм-  
ларини лойиқ қадар бажо келтирди. Иккинчи  
кун тарикат асхобининг султони, ҳақиқат ар-  
бобининг бурҳони, саъй ва ғайрат майдони  
курашчиси, мушоҳада айвонининг хозири, за-  
мон машойихларининг пешвоси, хожалар сил-  
силасининг боши, хазрат Нақшбанднинг, Танг-  
ри унинг моддий ҳаётини руҳлантисин, Исо-  
вий маҳшад ва унинг камолот ва каромати  
қудрати илоҳий билан ҳаммага зоҳирдир,  
файз асарлик ва нурли мазори зиёратига бор-  
ди.

Жаъна, 2000 й. 1-китоб, 1-қисм, 1-б. 100-101-  
-нумрадаги 1-қисм. **Н а з м:** 1-китоб, 1-қисм,  
1-б. 100-101-нумрадаги 1-қисм.

Тажрид мулки солиқларининг хатиби,  
Тавҳид кўчасида юрувчилар далили,  
Авлодлар бошлиғи ва кутблар кўзларининг нури,  
Дили бу фируза ранг меҳробининг қандилидир,  
Қандай шамъки, бир оҳ билан  
Етти чодир юлдузларига чароғ ўтказарди.  
Жунайд Бавдоий<sup>255</sup> унинг боргоҳидаги  
аскарлардан эди,  
Боши катга сипоҳларнинг улуғларидандир.  
Арслонча унинг ўрмонида бўлган сайддир,  
Унинг андишаси ақлу ваҳмдан ташқаридир.

Ва у мақсадлар Каъбасининг руҳидан мат-  
лабларини талаб қилиб, зафарасар жиловни  
бурди. Қуёш Жадий буржи<sup>256</sup>нинг охирларига  
келиб, қишнинг аввалроғи эди, зафарли хо-  
қон бир гуруҳ аскарлар, хилофат кўзининг  
нури, салтанат боғининг кўчати, иззату иқбол  
қутигасининг гавҳари, хон тожу тахтининг  
лойиқи, омонлик гулзорининг гулдастаси,

**М а с н а в и й**

Улуғлик мамлакатининг султони,  
Адолат маснадининг безовчиси,

Бахтиёрлик авжидан чарақлаган  
Комронлик осмонининг қуёши,

адлу эҳсон гулзорининг янги очилган гунчаси  
Абулфатҳ Абдулмуъин султон ҳамроҳлигида,

Қўли вақтнинг қўли Б а й т:

Мурод тахтида мақсадни юритувчи бўлиб,  
Ҳамиша жаҳон олувчи бўлсин,

қўп аскардан ҳар вақт нусратли узангига му-  
лойим бўлиб келган бир тўдаси билан, шундай  
тўда, шундай бир тўдаки, урушда шавқининг  
қўплигида майдонда найза тиканини лола ва  
ўқни гул гунчаси деб билади, жангга ташнали-  
гининг зўрлигидан жанггоҳда тиф олмоси юти-  
мини райҳон солинган майдек кўради,

Қ и т ъ а:

Биттаси тиф билан дарёдаги балиқни қуйдириб,  
Биттаси ўқ билан Зухраши Зухалга қўшиб  
тикади.

Ханжар ўткирлиги билан, қазони ўтмас,  
Ва тамом маҳкамлиги билан ажални сует  
киладилар,

давлат байроқларини кўтариб, фатҳу нусрат  
тиғини осиб, душманларни илдири билан қў-  
пориб ташлаш қасдида зулҳижжа ойининг йи-  
гирма иккинчиси, жума кўни<sup>257</sup> Бухородан таш-  
қарига чикди. Тез юрувчи, жаҳон кезувчи, туё-  
ғининг зарбасидан балиқ орқаси ва қулоғидан  
ойнинг юзи доғ оладиган, олов кўзготувчи та-  
қаси захмидан ер сахни, сув сатҳи шамолдан  
сувот шаклидай бўладиган,

Жаъна, 2000 й. 1-китоб, 1-қисм, 1-б. 100-101-  
-нумрадаги 1-қисм. **Н а з м:** 1-китоб, 1-қисм,  
1-б. 100-101-нумрадаги 1-қисм.

Тақасининг захми ер марказига нақш солувчи  
бўлиб,

Туёғининг занги Зухал кўзига тўтиё бўлган,  
Унинг шакли коптоқ бўлганидан оёғи чавгон<sup>258</sup>

каби,  
Қўли ўқ бўлганидан қулоғи пайкон каби эди.

Оламнинг тўрт рукни бўлмаси бир соат ҳам тек  
турмайди,

Бу ҳам бир олам бўлганидан тўрт рукни бўлган

отга миниб шиҳоб мисол жиловни қутли лаш-  
кар тўпланишга тайин қилинган Миёнкол то-

монга бурди. Биринчидан, тумонга таширф этиб, Каъба асарли катгаю кичиклар муктадоси, Яздон файзига хос шайхулислом Хожа Абдулхалик Фиждувонийнинг мазорига бориб ўзини ул хазратнинг фатҳдан тўлган руҳига топширди. Ўша қутли жойда кетма-кет бўладиган фатҳларга ишорат этадиган бир воқеа юз кўрсатди. Эс-хушли, оғох кишилар ибрат кўзи билан кўрган ва уйғок кишилар хуш қулоғи билан эшитадиган ишорат ва башоратлардан бири яхши тушдир. Бу туш нубувватнинг қирк олти бўлагидан бир бўлагидир. «Икки кўзим ухлайди, дилим ухламайди»<sup>259</sup>нинг жавоҳирини назм этувчи умми араби, унга шарофатли салавот ва яхши санолар бўлсин, Набий айтади: «Солих туш нубувватнинг қирк олти бўлагидан бир бўлагидир»<sup>260</sup>. Бу сўз ишорат қилдики, пайғамбарлик аввалида олти ой ваҳий солих туш тарикасида бўлган; ўша вақтда кўрган тушлари умидларга мувофиқ таъбирли, субҳи содиқ сингари, умид матлаидан тулуъ этар эди. Хазрат Юсуфнинг туш кўргани Қуръонда зикр қилинганлиги машҳурдир<sup>261</sup>. «Тангри таоло расулига тушни рост кўрсатди» оятига<sup>262</sup> биноан, тушнинг хақиқатан хабар бериши фазилатпаноҳ муаррихлар орзидан мазкурдир.

#### М а с н а в и й:

Қандай яхши ул кишиким, сурат қайдидан халос  
 бўлиб,  
 Қўзбоғловчилар сеҳридан кўз юмган бўлиб,  
 Дили уйғок, кўзи ярим уйқуда бўлган,  
 Хеч ким шундай уйғокни тушида ҳам кўрган  
 эмас.  
 Бесабот дунёдан кўзини юмган,  
 Лекин юмган бўлса ҳам, кўзи келажакни кўрар  
 эди.

Онхазратнинг кўрган туши ҳам шу каби уйқуда эди. Шунга суяниб, бутун химматини Дашти Қипчоқ томонга йўналтирди. Бу воқеанинг шарҳи шулки, хазрат соҳибкирон Фиждувон тумонига бориб, Хожан Жаҳон, Тангри уни раҳмат ва рози қилсин, зиёратини топди. Шом ва хуфтон намозларини ўша ерда ўқиб, ярим кечагача уйғок ўлтирди. У жойдан зодагонларга мансуб кози Араб нақшбанднинг уйига бориб, ўша кечаси истихора учун ўзини хазрат серфутух хожанинг руҳига топширди. Ногоҳ уйғоклик муваккили кўз юмишга фармон берди; ипор тусли нурни кўзи олдиға қўйди.

Уйқу билан уйғоклик орасида воқеанинг сурати кўринди: Туркистон тарафга бораётганда, бир шунқор хавода пайдо бўлди. Хазрат хон бир гурух кишига ўша шунқорни тутишни буюрди. У қўлга тушмай шимол томонга учиб кетди. Бир оз вақтдан сўнг хавода бир тўп кабутар пайдо бўлди ва андак ҳаракат билан қўлга тушдилар. Ундан кейин, тўсатдан ўша шунқор яна шимол тарафдан пайдо бўлиб, осонлик билан тўрга тушди. Онхазрат иззат мақомида уйқудан уйғонди. Илм ул-якин<sup>263</sup> нури билан билдики, якин ўртада иқбол чаманида умид рунчаси Ҳақ июнятининг насимидан очилишини, Тангрининг марҳамати соясида бахт кўзи истиклоли тўшағида форибол ухлашини жазм қилди.

#### М а с н а в и й:

Илохий лутфлар билан умидни тонги,  
 Доймий иқбол матлаидан туғиб,  
 Қуёши Тангрининг июноти буржидан,  
 Ва хидоят авжидан юз кўрсатади.

Нихоятда шавқу хурсандликдан хазрат хон аъёнларидан бир гурух кишига воқеа суратини баён қилди. Ҳар ким ўзича, хотирига келганини арз қилди. Жумладан, шундай ҳам дейилди: «Подшоҳни қудрати жихатидан шунқор билан таъбир қилдилар. Биринчи дафъа кўринган Бобо султон бўлиши керак. Биринчи дафъа тузоққа тушмади. Энди олдиндан банд бўлмайди; Дашти Қипчоқ томонга қочади. У тузоққа тушишдан олдин кичик султонлардан қўплари ажал тузоғига гирифтор бўладилар. Ўзи ҳам шамол томондан қайтиб келгандан кейин, зафарпаноҳ сипоҳ қўлида бошини шамолча беради». Иттифоко, воқеанинг сурати таъбирига тўғри юз кўрсатди. Яқинда бу ходисанинг воқеъ бўлиши зикр қилинади.

Алқисса, зафарасар отларининг чангидан Қуфий<sup>264</sup>нинг хавоси Чин ипори рашқини келтирадиган бўлди. Ҳаво тўсатдан хаддан ташқари совук бўлди.

#### М а с н а в и й:

Қиш бўлиб, ер музлади,  
 Яхдан чашма ҳам ер каби қаттиқ бўлди.  
 Совукдан биргита сув яхлади демайман,  
 Балки қуёш чашмаси ҳам музлаган эди.

Қора булут юқори олам сахнига қора чодирини ёзиб, қишнинг совуқлигидан кўк чопонли фалак санжобидан пўстин кийиб олди; шукухли тоғ бўлса қоқум пўстинга бошини ўради.

### М а с н а в и й:

Тоғ қордан бўлган этак остига оёғини ўраб,  
Ҳамда булутдан бошига кигиз тортди.  
Фалак найзасининг лочини собит қолдузларча  
Рухини чўғдан тўлган оташдондай этаги остига  
Совуқнинг қаттиқлигидан осмонда

фаришталар

Юлдуз оловлари агрофини ўраб олган эдилар.  
Ой қишнинг совуқлигидан  
Гулханийлар қул ичига кириб ётгани каби кўк  
фалак ичига бекингандир.  
Қуёш кечкурун шафак оловини сахарда фалак  
тонг ўтини ёқмаганда,  
Ўтириш ва туриш мумкин бўлмас эди.

Ҳавонинг совуқлиги шу даражага етдики,  
нафсоний қувватлардан ҳиссу ҳаракат кетди  
ва илон каби ҳалқумдан пўстини тишлаб чиқар эди.

### М а с н а в и й:

Совуқ лашкари шундай валаба қилдики,  
Уни на пўстин ва на чопон дафъ қилаоларди.  
Бирор қишнинг ҳалқумидан нафас чикса,  
Шу дамда яхлаб қолар эди,  
Совуқ қаттиқ бўлиб, асир олови ўчиб қолган  
сабабдан,  
Самандар ҳам балиқ муздан ўлгани каби ўлди.

Муҳаррам ойининг аввалидан то ярмигача<sup>265</sup> жаҳонтоб офтоб бошини ниқоб ичига олиб,  
тўлган ойнинг юзи булут пардаси остида кўринмас эди. Булут ҳаводан кечаю кундуз қаримлар қўллари каби кумуш қуқунини сепиб,  
қуёш совуқ таъсиридан ўз акси каби сувда титрар эди.

### Қ и т ъ а:

Фалак булут санжоби билан юзини бекитиб,  
Жаҳонни ёритувчи қуёш парда орқасида қолган.

Агар май ва сувни ҳавога сепиб юборилса,  
биттаси лаъл ва биттаси марварид бўлиб туншар эди.

Ҳавонинг совуғи тушиши билан адолатдастгоҳ шох жоннисорлик мақомида яқдил, ҳаводорлик ерида ва от чопишда шамол тозийсини тупроқ арсасига урар эдилар,

### Б а й т:

Ҳинд сувини озар шуъласидан дол олсалар,  
Толелари юриб, казо фатҳдан башорат беради,

зафарпаноҳ сипоҳ билан жаҳонқушолик  
жийрон от жиловини Дизах томонга бурди.

### Қ и т ъ а:

Мана бу оловтабъ бўлган, бир ел каби от,  
Мана бу одам феълида бўлган бир дев оти,  
Белини эгиб ирриганда фалак унинг думига  
Богланган бир мунчоқ бўлиб қолади.  
Туёғи зилзиласидан осмондаги  
Сунбула юлдузидан бурдой тўкилар эди.

Дизах лашкаргоҳ бўлиши билан, у тожу тахтнинг безағи, жавонбахт, осмонқадр,  
Кайвонқаср, Мушгарий хислатли Ибодулла султон, Тангри унинг давлатини зиёда қилсин,  
унинг тиғи гавҳарининг дурридан, ханжарининг юзи кўриниши билан жаҳонгирлиги  
равшан кўриниб турар эди, ва офтобмисол юзидан саодатмандлиги хувайдо эди,

### Қ и т ъ а:

Жаҳон димоғи унинг ханжарисиз  
Такаббур елидан бўшамасди,  
Ўқи жаҳонни куйдирувчи ел бўлиб,  
Қиличи олов сочувчи бир сувдир,

олий ўрдуга келиб ва зафарнишон байроқ остида жой олиб, мулоқот иззати билан мушарраф бўлди. Ундан кейин олов ёғдирадиган тиғи ойнасида ажал юзини кўрсатадиган Хусравнишон Исфандиёр султон, унинг ҳашаматини Тангри доимий қилсин, обдор ханжарининг ўткурлигидан олов безилларди ва қон мавжини кўк осмон авжига етказарди,

### Қ и т ъ а:

Қафти шундайки, сахийлик чоғида  
Тоғу дарёлар хазиналарини дашт юзига тўқади.

Дили шундайки, кина вақтида  
Елу ойларни оёғи остига тепкилайди,

кутли отликларга келиб қўшилди ва онҳазратнинг қўлини ўпиш шаъну шарафи билан сарфароз бўлиб кимёасар назарига манзур бўлди. Ундан кейин ихлос юзасидан шаҳаншоҳ муҳаббати камарини жон белига бовлаган Широйхон хизматкорлик маросими, итоат лавозими ва фармонбардорликни бир дақиқа ҳам қўлдан бермас эди, бир гуруҳ қозок сипоҳлари ва баъзи яқдилу иттифоқликда шикор аздада чангалларини тез қилган шер сингари зафарасар лашкарига келиб қўшилиб, ҳазрат хоннинг суҳбати билан шараф ва саодатга етдилар.

#### Б а й т:

Кимки унинг муридлик эшигини қокса,  
Бахту саодат хазинаси эшигини қоқибдир.

Шунга ўхшаш нусратли аскар тўп-тўп бўлиб ва сарсардай, атрофу жонибдан, ҳашамат ва улғулик билан, осмондаги юлдузлар сингари келиб дарё авжи каби тугён уриб қуёш-нишон байроқ соясига жамъ бўлдилар.

#### Н а з м:

Бир сипоҳни, ҳаммалари уруш шермардлари,  
Билак ва қувват билан ном чиқарган  
пахлавонлардир.

Ҳаммалари урушқок, фалак ғоратли,  
Жангларига фалак чиқолмайдиган эди.  
Ҳаммалари фалак урушлик, юлдуз найзаллик,  
Ҳамлада замон билан ҳамжилов эдилар.  
Йўл ва расмлари урушиш,  
Орзулари қон тўкиш, феъллари чопишиш эди.  
Кечаю кундуз кийимлари совут, ўйлари эгар,  
Ерлари от бели, уруш чанги осмон тенгидир.

Лашкаргоҳ аскарлар билан безалиб, дарё-  
дек ўрду давлат садафининг марваридлари би-  
лан музайян бўлгандан кейин,

#### Н а з м:

Сохибқирон лашкарининг бошлиқлари  
Ҳаммаси Чингизхон наслдан бўлиб,  
Бир тарафдан султонлардан бир тўда,  
Ва яна бир тарафдан ўғлонлардан бир тўп,  
Бениҳоят журъатли амирлар,  
Ва юракли баҳодирлар

етишдилар. Искандарнишон ҳокон фатҳу  
фар байроғини кўтариб, душман дафъига й  
налмоқни истаб турганида, иттифоқо, фал  
таъсиридан бир нотоблик юз берди. Ночор  
ча кун ўша водийда тўхташга тўғри келди.

#### ОНҲАЗРАТНИНГ ҚУТЛИ ЗОТИГА БЕТОБЛИК ЮЗ КЎРСАТИБ, ТАНҒРИ ИНОЯТИ БИЛАН СИҲАТ ТОПГАНИ

Ҳамма вилоятларда барча халқ кўкракля  
куррасида ўлим фаришгасининг қадамики, у  
ажал иситмаси дейдилар, сув уриб, унсурл  
нинг<sup>266</sup> асослари киши баданининг ҳисоби  
жамлаш, ёки паришон қилиш ва унинг таф  
лини ёзарди: ҳаводорлик маркази саломат  
йўлидан юз ўгириб, хиёнат ўти нурини бали  
қилувчи иситма камайиб, замон айланиши  
лан инъом хазонаси ва мақсад нишонаси  
борак сифат хоннинг баракотли зотиға бир о  
за юз бериб, кунлар ҳол тили билан шу ма  
лани тараннум қиларди:

#### Р у б о и й:

Агар тининг бир дам ўртадан кўтарилса,  
Ҳамма молу жондан исмат кўтарилади.  
Душманларинг жойи бўлган тўшагидан чаққ  
тур  
Бўлмаса, жаҳон кўзғолади.

Онҳазратнинг беқувватлик сабабидан ай  
ишрат чори хира бўлиб, очик бўлиб кел  
шавқу хурсандлик йўли бекилиб қолди.

#### Р у б о и й:

Сенга шикаст етишидан жаҳон титрайди,  
Малолатли лафзингдан забон титрайди.  
Ҳар бир зотга эҳсонинг ғоятда қўплигидан  
Сенинг бир жонинг учун минг жаҳон титрай

Охири дуолари «фа инна дуо ал-мухли  
мужобун» — «мухлисларининг дуолари м  
тажобдур»<sup>267</sup> зевари билан безалган жамоа  
химмати баракотидан сиҳат субҳи умид  
лайдан ва мурод уфқидан кўринди; таби  
нинг қуввати ўзгарилиши чангини унинг  
ли мизож этагидан қоқиб ташлади ва қ  
асарли зотни касалмандлик чуқуридан э  
код баландлигига кўтарди.



Н а з м:

Фалак ойи маҳокдан<sup>268</sup> чиқиб,  
Жаҳон рўзғори қутли бўлди.  
Бахт юлдузи тулуъ қилиб,  
Рўзғор толеи муборак бўлди.  
Давлат кўзи ўйиндан равшан бўлиб,  
Миллат юзи айшдан гудранг бўлди.

Душман насиби бўлган шундай касалликдан шифо топиб, руҳу роҳат иси кўзғолди. Сафар ойининг охирларида<sup>269</sup> жаҳонгирлик касди билан оёғини осмон пайванд узангига қўйиб, чақмоқрафтор от устига минди; парвона шамъга ҳарис бўлгани каби урушга ҳарис нусратли сипоҳ ва Самандар каби жанг оловига ошиқ, зафарасар лашкар билан равон бўлдилар. Шамол рафторли отлар туёғидан кўзғолган чанг фалак авжидан ўтиб, жаҳонни равшан қилувчи қуёш чашмасини қоронғудик остида қолдирди.

Б а й т:

Отлар туёғидан ер ой юзли бўлиб,  
Сипоҳ чангидан ҳаво ойининг юзи каби доғ бўлди.

Байроқ Хумоси фатҳу нусрат қанотини тепа авжига очганда, хоннинг шариф қулоғига шу сўз етди: «Тоҳир султон онҳазратнинг қумуш каби ханжаридан симобдек титраб, унинг аждарнишон найзасидан ҳамма вақт илон каби ўзига ўраларди. У Туркистондан чиқиб аҳлу аёл ва молу дунёси билан шамол каби тез юриб, суву олов каби паст-баландни кечиб, Хўжакентда ором олди». Тадбир ва раъйининг тўғрилигидан қуёшдай оламга овозаси тарқалган, унинг фазилат нури ва чиройлик шамойили барчага эшитилган зафарнишон хон,

Б а й т:

Овозасининг хабарчиси қўлини шарқи-шимолий сабо жиловига уриб,  
Хукмининг элчиси гарби-шимолий дабур<sup>270</sup> узангисига оёқ қўйган,

хукм қилдики, «Зафар ва нусратли амирлардан Жўлтойбий, Хожамқули қушбеги ва Турдибий сувдан ўтган кишилар билан бирликда Тоҳир султонни топишга борсинлар». Мазкур

амирлар бир гуруҳ нусратли сипоҳлар билан, шижоатда машҳур хоқон амрига мувофиқ ул мағлуб душман томонга йўналдилар ва кина камарини тамкин белига боғлаб, мардлик ва мардоналик билагини шимардилар. Яна иззатли хон томонидан жаҳон итоат қиладиган фармон бўлди: «Байроғининг маҳчасидан қуёш нур қарз оладиган ва қуёшмисол аламларининг ҳилоли ўн тўрт кечалик ойдан зиёд бўлган Хусравнишон Исфандиёр султон,

Н а з м:

Ой агар унинг байроғи маҳчасидан баҳра олган бўлиб,  
Қуёш унинг ой талъатидан сармоя олса эди,  
Биттаси фалақдан ҳар ойда икки кеча пинҳон бўлмай,  
Ва яна биттаси ҳар кун тупроққа икки марта юмаламас эди,

бир гуруҳ улуғ амирлар билан, масалан, Жондавлатбий, Келдишбий, Турсунбий, Бекойбий, Муҳаммад Боқибий ва бошқа фалак ҳаракатлик аскарлар, урушқоқ филдай тоғни ағдарувчи ва ҳар бири замонасида ягона, қоплонлар билан олишувчи ҳам қон тўқувчи найзаси билан киначилар тоифасини зеру забун қилувчилар билан,

Б а й т:

Бир гуруҳ лашкарки, ҳаммалари кўкраклари ва билаклари билан,  
Улкан фил каби, қувватлари билан зўр арслон каби эдилар,

сувдан ўтганлар билан Хўжакент томонга юрсинлар. Икки манзилни бир қилиб, қайси йўл билан бўлса уни топсинлар». Жаноб султон Тангрининг қуввати ва соҳибқирон давлати кучи билан дилни қувватли қилиб, Тоҳир султоннинг кетига тушди ва манзилларни кезиб ва марҳалаларни ўтиб Хўжакентга етди. У жойда хабар топдики, олдин кетган амирлар Боғистон<sup>271</sup>дан ўтиб, Тоҳир султонни қочирганлар ва аҳлу аёлини беш яшар ўғли билан олиб қайтганлар. Иккинчи куни амирлар султон отликларга етгунча, ўша жойда тўхтадилар, ҳаммалари бирликда олий остонага юзландилар.

Бобо султон Юсуфбий қушчи, Мардон Ғо-  
зибий найман ва Мансурбий ибн Кодирберди-  
бий найман каби жалодатнишон амирларни  
мустаҳкам ва баландлигининг чўққиси фалак  
авжига соя солган Шохрухия қалъасига юбор-  
ган экан. Бурунги тарих аҳллари уни Фано-  
кат дер эдилар, Чингиз Сайхундан ўтган за-  
мондан то дунё ва диннинг қутби Амир Темур  
кўрагон замониғача у харобу вайрон эди,  
маймун йили етти юз тўқсон тўртинчи хижрий  
тарихида<sup>272</sup> дилгир ва улуг амир вайронани  
тузатишни буюрди. Хизматчилар буйруққа му-  
вофиқ, иморат қилиб, атрофига мустаҳкам  
калъа қурдилар. Бахтиёр шахзода Шохрух  
мирзо номи билан Шохрухия деб аталди. Шун-  
дан кейин ҳамма ерда шу от билан машхур  
бўлди.

Онҳазрат тавки билан музайян бўлган  
иноятнома тугросини бандаликни яхши ўтга-  
нидан қундан-қунга мансаби юқорилашаётган,  
ул шахриёр даргоҳига яқинроқлиги ва марта-  
басини улуглиги зиёдалашаётган Абдуссамад-  
бий орқали Андижонга Мўмин султон учун  
ва яна бир тугрони Миёнқолга биродари дар-  
вишнишон Абдулқуддус султон учун юбориб,  
уларни подшоҳона ваъдалар билан эркалади  
ва буюрди: «Мазкур султонлар нусратли ас-  
кар билан тезликда Шохрухия атрофига кел-  
синлар ва тиришини камарини белга боғлаб,  
қахрли давлат баракотида ўша қалъани очси-  
лар». Ўзи эса нусратдастгоҳ, зафарпанох ва  
қолган лашкар билан Бурок танли чопқир от-  
га ва Самандар каби оловда жилва қиладиган,  
балиқ сингарни сув юзида сузадиган,

#### Н а з м:

Унинг отига офаринки, унга Жавзодан юган,  
Муштарийдан миҳ, Сомон йўлидан айил, янги  
ойдан така лойиқдир,

типи тоза, кўзи ўткур, гардани чўзиқ, қулоғи  
кичик, боши қаттик, оёқлари қувватли, орка-  
си кенг, серёл,

#### Н а з м:

Икки кейинги оёғида барбу шарқдан турадиган  
ел бор деб гумон қиласан,  
Ва икки олдинги оёғида эса, жанубу  
шимолдан қўзғоладиган ел бор деб ўйлайсан,

отига миңди ва сарсар шамол каби ер юзида  
жавлон урдириб, олов феълли Сайхун сувидан  
ўтди. Ўша кунларда қуёш шарафхонасига юз  
кўйди. Ва гул султони райхонлар кавкабаси  
билан, чаман тахтгоҳи билан бўстон доруссал-  
танатини ишғол қилганда,

#### Н а з м:

Баҳор шоҳи бўстону, сахро майдонларини олиб,  
Сабзадан тарқаш боғлаб чаман қалъасини олди,

савсан симоб ранг ханжарини тортиб, ёсуман  
лашқари боғ атрофини олди ва гиёҳ сипоҳи  
атрофдан ҳаракатга кириб қайнаб, сабза лаш-  
қари иқболли юзини сахрога қўйди.

#### Н а з м:

Сабза лашқари баҳор султонининг иқболи  
билан  
Сахрога муборақасар байроқларини тикди.  
Сув сабо, совут созининг санъатидан совутга  
фарқ бўлиб,  
Гул ўзини қалқоп қилиб, тикон найзасини  
урадиган бўлди.

Фарёдга етувчи қуёшнишон хон Калас су-  
вининг лабига яқин Жағат работига вусул соя-  
сини туширди. Ўша манзилда Фаридунмисол  
Исфандиёр султон бир гуруҳ амирлар ва ар-  
кони давлат билан Тохир султоннинг ўғлини  
аҳду аёли билан келтириб давлат кўзига он-  
ҳазрат қадами тупровини сурма қилди ва арз  
қилди: «Тохир султон зафарнишон сипоҳнинг  
зарбасидан бўшашиб қочган; саросималиқдан  
фарзандларини ҳам ташлаб, биёбоқ ва тоғ йў-  
лини олган». Онҳазрат Тохир султоннинг ўг-  
лини тадбири Қулбобо қўқалтошга топшириб,  
азимат жиловини давлат етакчиси қўлига бер-  
ди. Сўнг Хоразмшоҳ султоннинг болалари ис-  
техком қилиб ётган Сайрам томонга юрди. Ўша  
кунларда жаноб хон мухтарам амирларни ча-  
киртириб, кенгаш йўлида маслаҳат сўради.  
Амир Жопқелдибий, Жўлтойбий ва бошқалар  
арз қилдилар: «Мумкин қадар шунга тири-  
шини ва ҳаракат қилиши керакки, душманларга  
етиб шуккуҳу шавқатини синдириб, уларни қўл-  
га туширайлик». Аммо қахрамонлик майдон-  
нинг отлиги Раҳмонқули чухра оқоси адаб тиз-  
засини қуллик ерига қўйиб арз қилди: «Му-  
носиби шулки, аввал Сайрам атрофига бориб,

нинг фатҳига ҳаракат қилайлик. Бу арзимиз  
ча жиҳатдан аъло кўринади. Биринчидан,  
ардумларимиз форигболлик билан бу мавзе-  
ан озиқ оладилар. Иккинчидан, орқамиздан  
эладиган лашкар бизларга саломат етиб кў-  
пилади. Агар бизлар узоққа кетар эканмиз,  
айрамдан чиқиб уларнинг йўлларини тўсади-  
ар. Кишиларимиз осонлик билан ўтиб биз-  
арга қўшилолмайдилар ва ҳамда Бобо султон  
изнинг Сайрам қамалига йўналганимизни  
шитса, шунга ишонч ҳосил қиладики, бизлар  
о Сайрамни олмасак бу жойдан ўтмаймиз.  
Шундан гафлатда қолиб турган жойдан қи-  
ирламайди. У вақтда ҳужум қилиб, улар-  
нинг устига чопамиз, шояд, Тангри таоло иноя-  
и билан кибру хаводан тўлган бошини ерга  
рса». Онҳазратга бу сўз маъқул тушиб,  
айрам қамалига йўналди.

**ИСКАНДАР МАНСАБЛИК ПОДШОҲ САЙРАМНИ  
ҚАМАЛ ҚИЛИБ, ДУШМАНЛАР У ЖОЙДА  
ҚАМАЛТАНЛАРИ БАЁНИ**

Рабиъ ул-аввал ойининг иккинчиси, душан-  
а куни<sup>273</sup> фалакайвон ва Зухал маҳалли хон  
гер савлатли сипоҳ ва қоплон талъатли лаш-  
кар билан, қандай лашкарки, уларнинг ҳар  
ири уруш тўқайида зўр филу, маърака дарё-  
ида бир наҳанг эди,

**Н а з м:**

Туриш вақтида бирма-бир саф тузувчи,  
Урушу ҳамла вақтида саф йиртувчи  
Тифларнинг захмидан фалак хавфга тушиб,  
Найзаларининг учидан ўлим ҳазардадир.  
Тўқай шерлари билан бир ёстукка бош қўйиб,  
Тоғ қоплонлари билан бир тўшакда ётган,

Сайрам қалъасининг теварагига келиб, у ўл-  
ганинг атрофида давлату иқбол чодиргоҳи бўл-  
ди. Олов ҳайбатли лашкар ҳаракатга келиб,  
езучар лочин унинг тепасига учиб чиқолмайди-  
ан ва кўзининг нури кунгирасига етолмайди-  
ан осмон нишонли қалъани,

**Н а з м:**

Пойдевори балиққа етиб, боши ойдан юқори  
ўтган,  
Мардум ундан бутун гумроҳликка тушган,

Хандақи ва унинг чуқурлигининг қиёси ҳалдан  
ошиб,  
Буржи ва баландлигининг саноғи ҳисобдан  
ташқаридир,

доиранинг маркази каби ўраб олдилар ва ҳам-  
ма бирдан сурон солиб нағора ва карнай овоз-  
лари фалак тоқига етди. Сайрам қалъаси та-  
рихларда Испижоб<sup>274</sup> деб ёзилган ғоятда мус-  
таҳкам қалъадир. Ақл уни очиш фикридан қо-  
чиб, тасаввур қуввати уни фатҳ этишдан ҳайрон  
эди. У қалъада турган кишилар унинг истеҳко-  
мига мағрурланиб, захиралар ва уруш асбобла-  
рининг кўплигига суяниб, фармонбардорлик-  
дан бош тортиб, гафлату жаҳолат юзасидан  
қаршилиқ қилдилар. Буни қаҳр қаҳрамони —  
Мовароуннаҳр ҳукмдори кўриб буюрди: «Сул-  
тонлар ва амирлар ҳамда сипоҳ бошлиқлари  
нусратдастгоҳ аскар билан жойларидан ҳара-  
кат қилиб, олдинроқ келсинлар ва кириш  
жойларни, мурчилларни муқаррар қилсинлар.  
Қалъа очишга асбоб тайёрлаб, мумкин қадар  
тошу тупроқ билан хандақни тўлдирсинлар ва  
«кимки Тангрига таваккул қилса, Оллоҳ унга  
кифоя қилувчидир»<sup>275</sup>нинг билаги билан у қалъа  
кунгираси авжига тасхир камандини ташласин-  
лар». Ойнинг тўртинчиси, чаҳоршанба куни<sup>276</sup>  
Жам ўринли подшоҳ ҳамма сипоҳ билан ол-  
динга мардона келиб, ой кўрғонлагандай қалъа-  
ни ўраб олдилар. Шу тариқа, қалъанинг кун-  
чиқар томони онҳазратнинг шукуҳи билан  
оройиш топди; жануб тарафи комрон Ибодул-  
ла султон билан зийнатланди; шимол томонда  
шаҳзода Абдулмўмин султоннинг куёш каби  
байроғи бошини осмонга етказиб турди. Унинг  
ҳамма сипоҳлари Кучак ўғлон ва амирлардан  
амир Жонкелдибий, Абдулбоқибий, Жўл-  
тойбий, Наврўзбий парвоначи, Муҳаммад Али  
ўғлон, Муҳаммад Боқибий ва бошқалар каби  
эшик оқоларидан тузилиб, шаҳзода мулозим-  
лигида хизмат камарини белга боғладилар. Ғарб  
томонда султонзода Хусравнишон Исфандиёр  
султон олий байроқни Хулқарга етказди ва  
унинг байроғи соясида ҳамма сўл амирлари,  
масалан, нақобатпаноҳ Ҳасанхожа нақиб, Кел-  
дишбий, Жондавлатбий, Турсунбий, Дўстим-  
бий, Шохимбий, Бекойбий ва бошқалар қарор  
ва ором топдилар. Шарқу жануб ўртасида сўл  
эшик оқолари, масалан, Юсуфхожа Сайид  
Отойи, Мирзо Акабий, Қанбарбий, Абдулво-  
сеъ мирохўр ва Ганжиали шиғовуллар қалъани

олишга тиришиб турдилар. Чухра околари, ма-  
салан, қахрамонлик майдонининг отлиғи Рах-  
монкули чухра окоси ва баҳодирлик тўқайи-  
нинг коплони Дўст мирзолар хон чодирининг  
риоясига қарор олдилар. Қиёмат кўзғотувчи  
баҳодирлар савлатидан кўркиб, қалъада бўл-  
ган кишиларнинг аъзоларида сустилик пайдо  
бўлди ва, билдиларки, зарра фалак офтобига  
баробарлик даъвосини қилиши куёш юзини хаёл  
лойи билан суваш каби бўлади. Қатранинг дарё-  
га баробарлик даъвосини қилиши мухитни  
кафт билан ағдаришга ўхшайди. Шунинг учун  
кибр этагига урган қўлларини тортиб, ёлвориш  
йўли билан афв ёқасига урдилар, гуноҳлари  
афвини сўраб «Бизларнинг гуноҳларимизни сў-  
райдиган киши бирми?»<sup>277</sup>, деган овозани чи-  
қардилар. Аввал олийманқабат, акобирлар зуб-  
даси, саодат доирасининг маркази Сайид Ҳоди  
Накшбандийни васила қилиб юбордилар. Ик-  
кинчидан, тадбирли амир Ҳошимбийга киши  
I юбориб, шафоат қўлини ожизлик этагига уриб  
ва ниёз бошини ёлвориш ёқасидан чиқариб,  
зорлик билан арз қилдиларки, агар восита бў-  
либ онҳазратнинг марҳамати юзасидан бизлар-  
нинг гуноҳларимизни афв суви билан ювилса,  
подшоҳлик йўсини билан мағфират эшиклари-  
ни биз надоматли гуруҳлар юзига очсалар, то  
жон танда ва руҳ баданда бор экан, хамиша  
фалак каби Каҳқашон<sup>278</sup> шаклида бандалик ка-  
марини белга боғлаб, давлат остонаси қуллари-  
нинг қарориди ихлос шароитини жойига келти-  
рамыз.

### Б а й т:

Ман сенинг ғуломингдурман, одатим қуллик,  
Агар сен қабул этсанг, ажаб саодатлик бўлур  
эди.

Қалъадагиларнинг илтимосларига мувофиқ,  
Сайид Ҳоди қутли мажлисга бориб шафоат ва  
ёлвориш эшикларини очиб, қалъа аҳли тили-  
дан ялиниб, гуноҳларини ва ҳамма «гуноҳла-  
римизни афв қил ва исёнимизни бекит ва биз-  
ларга раҳм қил»<sup>279</sup> деган чиройли сўзлар би-  
лан ёлвориб, «сулҳ яхши»<sup>280</sup> мазмунига муво-  
фиқ сўраб, нузли дилга ҳавола қилиб ва «Танг-  
ри ораларини келишувини хоҳлайди»<sup>281</sup> жум-  
ласи ичига олган фойдалар анвоини олий  
райёга арз қилди ва пок диллик амир Ҳошим-  
АТТТ ЧТ-ТА\* УУО-ППР\*ТТ\* -ГЧГНТТ ТЗ-УТТТТТТТТТ ГПЯТТЛТА

келиб: «Агар уларни афв қилсанг, улар бан-  
даларингдандир ва агар гуноҳларидан ўтсанг,  
сен азиз ҳақимсан»<sup>282</sup> мазмунига мувофиқ, қаҳр  
оловини пасайтиришни илтимос қилди.

### М а с н а в и й :

Бу бўйни эгилган гуруҳнинг гуноҳларидан  
ўтгилки,  
Улар аввал саркашликка туташ бўлганлар.  
Ҳаммаларида кўркишдан ўлим хавфи бор,  
Тиғдан кўркиш туфайли диллар икки бўлак  
бўлган.  
Улардан айшу шодлик нури кетиб,  
Кечасига ўхшаб кундузлари қоронғу бўлган.

Онҳазрат «аччикни ютувчилар мардум гу-  
ноҳини афв этувчилардир»<sup>283</sup> мафхумига амал  
қилиб, қабул қуроғи билан эшитди; ҳидоятпа-  
ноҳ хожанинг ва адолатдастгоҳ амирнинг ил-  
тимосларини қабул қилиб, қалъа аҳлининг гу-  
ноҳларидан ўтди. Шу сўзни тасдиқлайдиган  
ва мардум оғзида юрган, кечаю кундуз саҳи-  
фасига ёзилган қуйидаги ҳикоят бор: Зол ўғ-  
ли Рустам<sup>284</sup> Сеистон атрофини ўраб ўлтириб,  
кириш ва чиқиш йўлини қалъа аҳлига бекит-  
ди. Қалъа аҳли, тавбаю узр эшигидан кириб,  
сулҳни талаб қилдилар. Рустам уларнинг та-  
лабларига қулоқ солмади, бу хабар Золга ет-  
ди. У тезликда Рустамга бориб насихатга тил  
очди ва шу калом мазмунини баён қилди:  
«Сулҳ талаб этувчи киши билан урушиш кат-  
та хатолардандир».

### Н а з м:

Зол айтдики, ғаш ва хиёнатдан ўт,  
Сулҳ талаб этувчи кишига тиғ тортма.  
Чунки сулҳга толиб кишига жафо қилиш,  
Қандай бўлмасин, катта хатодир.  
Сулҳ қил, чунки сулҳда яхшилиқ бор,  
Қуръондаги «сулҳ яхши»<sup>285</sup> сўзини эшитгил.

Алқисса, Муҳаммад султон шу василалар-  
ни восита қилиб, қалъа ичидан хизматкорлик  
камарини белга боғлаган ҳолда, қуллик ҳал-  
қасини қуроғига тақиб, ўзининг онаси ва Қур-  
бонбийлар билан биргаликда ташқарига чикди  
ва ожизлик ҳамда бечоралик эшигидан кириб,  
тобелик йўлидан юрди ва тухфалар тортиб,  
ҚУЛЛИК ИЗХОО ҚИЛДИ.



Арис суви лабида бўлиб, Ёконкент<sup>289</sup> атрофида Бурулдой сувининг кўшилиш жойига келиб тушди. Шу жойда яна эшитилди: боши кибрдан тўлган Бобо султон ҳар куни етти-саккиз марта ҳавас отига миниб, нусратасар лашкарнинг юзланишидан ғаму андуҳ хисорида қамалгандай арслон тутувчи подшоҳ савлатидан тулки каби тезликда қочиш йўлини Дашт томонга солди.

### Н а з м:

Сенинг ҳамланг олдида душман қандай тура  
олади?  
Арслон чиққан кунда тулкида нима куч  
бўлади?

Бобо султон жаҳонгир шохнинг қиличидан кўрқанидан камондан чиққан ўқ каби ташқарига сакради ва олмос ханжарининг хавфидан бургутдан қочган кабутар каби қочди ва бало бандидан халослик топиб, ҳалокат гирдобидан нажот сахнига етиш ва оламни.блувчи, жаҳонкушой, тожу тахтнинг зийнати бўлмиш хоннинг тиғидан саломат қолиш учун,

### Н а з м:

Юлдузлар гуруҳи шўх кўзлик бўлса ҳам,  
Тонг тиғидан қандай яширинади?

аммо бу маънидан ғофил ва бу мазмундан бе-хабар қолган эдики, қазою қадар тақозоси билан тақдир еткизган ажал етса «ҳар ажалга китоби бор»<sup>290</sup> ҳукми билан вужудининг тумори, мактублар ўралгани каби ўратиб ташланди. Шундай вақт келадики, ажал фармонидан руҳ бадан шаҳридан қўчиш байроғини йўқлик майдонига тикади. Тезлик қадами билан минг тош масофага қочса ҳам фойда бермайди.

### М и с р а:

Ўлимдан минг тош ерга қочсанг ҳам, не  
фойдаси бор?

Алқисса, мухбирлар кетма-кет Бобо султоннинг қочганлик хабарини зафарнишон шаҳриёрга етказдилар. Онҳазрат уғрукни аркони давлат ва ҳазрат аъёнларидан саодатманд Хожа Сайид Ходи Накшбандий, Сархун оталик, Иқим хожи, Мирза Акабий, Муҳиб Али мироҳўр ва

Хуши ясовул ва бошқалар билан Қорасомонга<sup>291</sup> қўйиб, кечаю кундуз эҳтиётда бўлишларини таъкидлаб, «Ҳар тарафга қоровул қўйинглар, мабодо Абдуссаттор султон ва Жонпўлод уйшунлар<sup>292</sup> жойлашиб ётган Саброн томондан ва бир тўп бекиниб ётган сипоҳлар Ясси томондан чиқиб келиб, бирор ғубор давлат этагига ўтирмасин ва хотир ойнасида занг пайдо бўлмасин», деди. Ўзи ниҳоятда урушқоқ сипоҳлар билан иқбол кўзига уруш маърақасининг ғуборидан бошқани қўймайдиган ва саодатли гулгун юзларини баҳодирлик майдонида урушувчи, уни конидан қизартирадиган,

### М а с н а в и й:

Шундай бир сипоҳки, қувватда қоплону паланг  
каби,  
Жангда эса гаровни арслонлардан ютган,  
Уруш оловини ёндирувчи,  
Шаҳриёр байроғини юкори кўтарувчи,  
Тезликда шамол каби, оғирликда тоғ каби,  
Урушда орқаларини ҳеч ким кўрмаган,

ўн кунлик озик олиб зафар байроғини фалак авжига етказди ва азимат отини жавлон урдириб, душманларни топишга ҳиммат кўрсатди.

### М а с н а в и й:

Лашкар қуролланиб ҳаракатга кирди,  
Ҳаммалари урушқоқ ва сарфароз эдилар.  
Тўп-тўп сипоҳ, қайнаб мавж урган дарёдек,  
Кетма-кет йўлга тушди.

Ойнинг ўн тўртинчиси, шанба куни<sup>293</sup> Бўғон сувининг<sup>294</sup> лаби жаҳон подшоҳининг манзилгоҳи бўлди. У жойдан ярим кечада ўрдуни жўнатиб, ўзи намози бомдоддан олдин отга минди. Ойнингўнбешинчиси, якшанбакуни<sup>295</sup>, намози дигарда Чаён ва Арслонликдан ўтиб, Туркистонга қарашли Айкон мавзеига тушди<sup>296</sup>. Ойнинг ўн олтинчиси, душанба куни<sup>297</sup> ҳам шу жойда тўхтади, чунки уғрук ўтган куни узоқда эди. Ойнинг ўн еттинчиси, сешанба куни<sup>298</sup> зафарнишон байроқни ҳаракатга келтириб, Қалочук девнинг навоҳисидан Чаён қўриғи нусратдастгоҳ сипоҳнинг лашкаргоҳи бўлди. Ойнинг ўн саккизинчиси, чаҳоршанба куни<sup>299</sup> Жоникўрғон қўруғи<sup>300</sup> юлдузнишон байроқнинг жойи бўлди. Ойнинг ўн тўққизинчиси, панжшанба

шнг соҳили зафарасар лашкарнинг чодиргоҳи >ўлди. Ойнинг йигирманчиси, жума куни<sup>302</sup> Чо- ар.ти сувининг лабига байроқ тикди. Шу ман- илда жаҳон кўзининг нури, улуғлик дарёси- жнг гавҳари, давлат буржининг юлдузи, олам а олабийларнинг нури дийдаси Абулфатх Аб- гулмўмин султон, илохий, улуғлик куёши изза- у иқбол осмонидан тулуғ қилсин, бир ҳодиса абабдан кўринмай колди. Ҳодиса шу эдики, «ҳазрат Саброн сувидан душман томонга жи- ювини бурганда, шу куни султонзода хотирига *m* килиш ҳаваси тушади. Овга қизикқанидан [урсанд бўлиб, йўлдан адашади. Шу сабабдан [оконнинг нури хотири ғоятда бесаранжом Иглади. Эртаси зафарасар сипоҳ Жигдалиқда [ўхтаб эдилар, Шиғойхоннинг иниси Янги бахо- шр султон Абдулмўмин султон мулозимлигида мнй даргоҳга келди. Онҳазрат кудрат ул-айн<sup>303</sup> шйдори билан кўзини равшан қилиб, Янги Баходир султонни хурматлади, унга кўп накди- балар инъом қилди ва ваъдалар билан бошини окори кўтарди. Ойнинг йигирма иккинчиси, кшанба куни<sup>304</sup> афлок холиқининг, яъни Танг- жшшг карами билан Аксимадан ўтиб, Арчалик- ка тушди. Ойнинг йигирма учинчиси, душанба вуни<sup>305</sup> Тангри ёрдами билан Сумқонликдан ^тнб, чўлга соя туширди. Ойнинг йигирма тўр- пшгчиси, сешанба куни<sup>306</sup> фахрланиш бошини •смонга етказиб, Сариксув<sup>307</sup> лабига муборак сьдамини еткизди. Бу сувни «Зафарнома» ва кшка китобларда Сарикўзан деганлар.

#### ЖАНГОВАР ХОҚОННИНГ САРИҚСУВ БОШИГА ЕТГАНИ

Ул диловарлик дарёсининг наҳанги ва ба- воднрлик тўқайининг кудратли паланги,

#### Қ и т ь а:

У дарёдил подшоҳнинг саховати булутининг лутфи шундайки,  
Саробдан оби ҳаётни очади.  
Агар эҳтимом қилса, лутфи билан сувнинг эгилган қошидан Чин суратининг нақшини очади.

Чпн сурати нақшига эҳтимом қилса,  
Лутф билан қош букишидан равнақ очади,  
Гухар тўқувчи кафи эҳсонни кўрмоқ учун  
Мухит ҳубобидан минг кўз очади,

нинг лаби жаҳонгир подшоҳ тахтига қароргоҳ бўлди. Ўша куни мазкур дарёда сув ҳар жой- ҳар жойда тўхтаб қолган эди ва ошиқлар кўз- ларининг ёши каби аччиқ ва шўр кўринарди. Халқ ўша кунни умрларининг заруратидан ўша аччиқ ва шўр сув билан ўтказдилар. Охири дарё диллик ҳоқон «ҳимматнинг баландлиги имондандир»<sup>308</sup> далили билан сергавҳар ҳим- матпарвар дарёсида кўриб, «киши ҳиммат қа- ноти билан учади»<sup>309</sup> мазмунига мувофиқ, фит- налар мавж уриб турган вақтда, ҳимматнинг кемачаси мурод шамолининг юрғизиши билан нажот кирғоғига етди.

#### Н а з м:

Кимки ҳиммат кемачасига ўлтирса,  
Кўлига давлат гавҳари кўнади.

Маржон сингари ҳиммат панжасини Танг- рининг чексиз инояти камарига уриб, садаф каби талаб кафини очди, токи раҳмат дарёси- дан биёбондаги ташналарга бирор нам етса. Иттифоқо, кун охирида жаҳонгир хоқоннинг талаби тақдирга тўғри келиб, Тангри таоло карами билан ўша ариққа шундай сув келди- ки, кўз унинг айланасини илғай олмас эди.

#### Н а з м:

Шундай бир чуқур сувки, оқил кишининг жони,  
Ва шоирнинг табъи унинг тагига етолмайди.  
Тузилиши Кавсар дарёси сувидан,  
Лекин чуқурликда дарё каби, покизалиқда гавҳардек эди.

У сувда ой тусли балиқлар,  
Нурли осмондаги янги ойдек юрардилар.

Ўша куни узоқ йўл юрганларидан, ул дарё- дил наҳанглардан кўплари сувнинг тарафида қолдилар. Эртасига у тўпалон дарёсидан ўтиши зарур бўлиб, лекин қийин эди, балки мумкин эмас кўринарди, чунки тезлигидан одам ва отни оқизарди. Ҳар замон ожиз қолганнинг ҳолига мувофиқ шу мақол тилга жорий бўлар эди:

#### Б а й т:

Сув одами каби, кўздан йўқолиб, сув остида қолганман,  
Мени ўлганимдан сўнг сув юзидан топасан;

ва ҳар замон қўлдан кетганга шу сўз сурати мақомга муносиб бўлар эди:

#### М а т л а ъ:

Нотавон таним кўз сувида қолиб,  
Гоҳо мавжда бекиниб кетади, гоҳо пайдо  
бўлади.

Искандарнишон ҳокон бу воқеани кўрган-дан кейин, аввал ҳукм қилди: «Сувнинг у бетида қолганлар қайтиб юлдузнишон уғруқ маркази бўлган Қорасомон бандарида тўхтасинлар». Иккинчидан, ғайбий илҳом сабаби билан яна ҳукм қилдики, «Сувнинг этак томонига борсинлар, шояд, ўтадиган жой топсалар». Ўзи ойнинг йигирма бешинчиси, чаҳоршанба куни<sup>310</sup> сувнинг юқори томонига муборак байроқни кўтариб, юзини душман томонга ўгирди. Аммо сувнинг этаги томонга кетганлар Тангри хидояти ва шаҳаншоҳ давлатининг қуввати билан ногоҳ бир танг ва тор жой топдиларки, халойиқ Искандар каби ўша дарёга кўп хасу хашакдан девор ясаган эканларки, у Искандарнинг саддига баробарлик даъвосини қилар эди. Ҳамма мардум, оту туялар қатори билан, ўша жойдан ўтдилар. Улар ўтишлари биланок ўша кўприк бузилди. Бу маънининг зоҳир бўлишини осмоний ёрдам ва ҳазрат соҳибкирон саодати ва бахтидан бошқага йўйиб бўлмади.

Алқисса, ҳамма сипоҳ латофатсиз дарёдан ўтдилар. Сариксув лабида Етим туронғу мавзеи бодпой отлар чангидан муаттар бўлди. Олий даргоҳ камарбасталари ва фалакнишон остона фаррошлари чодир ва саропардаларини ой манзилига яқинлаштириб тикдилар; ер юзини осмон каби чодирлар юлдузлари билан оро бердилар.

#### Н а з м:

Дашт ери хон икболидан  
Ободонликда жаннат уйдан хдм яхши бўлди.  
Ўша даштдаги хасу хашаклар кетиб,  
Ўрнига бошдан оёқ боргоҳ ва соябонлар бўлди.  
Чодирлар юлдузлар каби бўлиб,  
Ўша юлдузлар сабабидан ер осмон каби бўлди.  
Чодирлар акси сувга тушиб,  
Юлдузлар кўп бўлганидан гўёки осмондаги  
Сомончининг йўли бўлди.

Шу манзилда яна ҳазрат хонга эшитилдики, Бобо султон мақташга лойиқ лашкарнинг етишидан хабар топиб, ожизлик қўли билан қочиш этагини тутиб, дилни кибр-нифоқдан тўлдириб, Улуғтоғ<sup>311</sup> томонга кетган ва обдор қиличдан кўрқиб, «улар кўрққан эшаклар каби қочдилар»<sup>312</sup> мазмунига биноан бир тўп беоқибатлар билан йўлга тушдилар.

#### Н а з м:

Қуёш сендан қочиб,  
Қасрда очик эшик ва тўйнуқ топса унга  
қиради.

Онҳазрат ўрдусида озиқ камлик қилиб, аскар ичида қаҳатчилик юз берган бўлса ҳам, «хар қачон бир нарсага қасд қилсанг, Тангрига таваккул қил»<sup>313</sup> ишоратига мувофиқ, фатҳу нусрат ўнгида, бахту давлат сўлида бўлган ҳолда, саодат отига минди.

#### М а с н а в и й:

Бир отким, олов ва шамол каби тез юрадиган,  
Туёғи темирдан, тақаси пўлатдан,  
Янги баҳор булути каби бир от.  
Лекин шундай бир отки, шамол келтиради, ёғин  
келтирмайди.  
Жаҳонни кезувчи, оловдан ҳам тезроқ от,  
Гул андомли, лекин гулгун<sup>314</sup> дан ҳам дилрабоқ.  
Чавгон каби қўлу оёғи фитна кўзғотувчи  
бўлиб,  
Сағриси чавгондан сачраган тўр эди.

Худога таваккал қилувчи ҳокон, Тангрининг фазлу файзи ва *Субҳоннижнт* ёрдамида, дилни бақувват тутиб, ёрдамда тадбир билан ҳаракатга келадиган тақдир каби ҳар биттаси жанг майдонида Рустами дoston ва Сом Наримонни<sup>315</sup> ожиз қолдирадиган ва чопишда шамолни неча манзил кейинда қолдириб кетадиган зафарасар лашкар билан Бобо султон кетидан ҳаракат қилди. Қорақўной баҳодир хитойни<sup>316</sup> ажузчи қилиб, ойнинг йигирма, олтинчиси панжшанба куни<sup>317</sup> Учкўнғурда<sup>318</sup> Байтол туронғу олдига тушди. Лашкар баҳодирлари зафариноқ байроқ соясида, шимолдан кўзғоладиган қаттиқ шамол каби ҳаракат қилар эдилар. Абулхайрхон<sup>319</sup> наслидан Мовароуннаҳрда бўлган Баҳромқаҳр подшоҳлардан ҳеч бири шу бепоён биёбонни бутун кезган



тирининг паришон бўлишига сабаб бўлар эди ва мардумнинг қуввайи ваҳимаси қуввайи оқиласи юзасига васваса эшигини очар эди. Аммо ғайб илхоми «биз уни сенга қайтариб етказамиз»<sup>320</sup> мазмунини баҳодирларнинг хуш қулоғига етказиб, Тангри инояти томонидан «ноумидлар жумласидан бўлма»<sup>321</sup>нинг хушбўй насили кўзголиб, паҳлавонлар димоғларини муатар қилар эди. Ойнинг йигирма еттинчиси, жума куни<sup>322</sup> зафарнишон байроқ маҳчаси Курчинкум уфқидан тулуъ қилди. Шу жойда амир Эсонкелди ўторчининг биродари душманлардан ажралиб, нусратпаноҳ даргоҳга келиб арз қилди: «Мен Бобо султондан Қорахўжа<sup>323</sup> четида айрилдим. Душманлар ғафлатда, онҳазратнинг келишини билмайдилар». Шу сабабдан ҳокон ойнинг йигирма саккизинчиси, шанба куни<sup>324</sup> салтанат савлати билан шамол тезлигида ҳаракат қилиб, Йилончукдан<sup>323</sup> нари Қошиқ тўқайга тушди. Музаффар ҳокон ёш болалик замонидан то нашъу намо вақтигача динга қувват бериш ва раъийят аҳволини риоя қилиш ва камбағалларга ёрдам бериш ва аҳли илмларни дўст тутиб, тарбият қилишга олий химматини сарф қилиб келган. Шунинг учун ҳар уруш сафида давлат байроғини кўтариб бахт отини жанг майдонида жавлон қилдирса, фатху зафар унинг пешвозлигига югурган.

### Н а з м:

Хон ҳар жойга касд қилса,  
Зафар албатта унинг жиловиди бўлиб,  
Тангри лашкари мадаккор бўлади,  
Шу туфайли душманлар устидан ғалаба ва  
зафар қозонади.

Ойнинг йигирма тўққизинчиси, якшанба куни<sup>326</sup> у жойдан кўчиб, Чет Қорахўжа байроқларнинг тикилган жойи бўлди. Шу жойда кечаси дўл ва ёмғир одатдан ташқари ёғиб, каттик совуқ бўлди. От ва туялардан ҳисоби уч >пшгдан кўпроғи ҳалок бўлди.

Рабийъ ус-соний ойининг аввали, душанба куни<sup>327</sup> музаффар ҳокон бир жойга тушди. У жойда илоннинг шохидан бошқа нарса йўқ экан. Дашт турклари ўрталарида машҳур экан-кпм, ўша жойга кўп илонлар келиб, шохларини ташлаб кетар экан. Бунинг ростлиги ва

воси отлар чангидан ипорли бўлди. Ойнинг учинчиси, чаҳоршанба куни<sup>330</sup> юлдуз ҳашаматли хон Бўлғон онага<sup>331</sup> йўналди. Йўлда яхши андишали қоровуллар олдиндан келиб, муболаға билан хонга арз қилдики, Бобо султон ва Бўзахўр султон биёбон қумидан ҳам кўп лашкар ва ҳисобдан ташқари сипоҳ тўплаб, урушга тайёрланиб жанг майдонида отлиқ ва пиёда бўлиб турибдилар.

### М а с н а в и й :

Пиёда девор каби оёғда туриб,  
Отлиқлар жойларидан кўзғолдилар.  
Бир бўлак лашкар тиришиб белини маҳкам  
боғлаб,  
Яна бир тўда уруш учун тайёрланган эди.

Бу хабар Жўлтойбийдан Хожамқули қушбегилар воситачилиги билан ҳазрат хоннинг қулоғига етгани учун, у ҳукм қилди: «Баҳромнишон тавочилар ва Миррихсифат ясовуллар бу ҳукмни зафарли сипоҳга етказсинлар, токи уруш либосини кийиб, жанг асбобларини мухайё қилсинлар; қувват билагини шимариб, давлат томонга кўтарсинлар». Хоннинг амрини амалга ошириш учун улуғ султонлар, катта амирлар ва шижоатли баҳодирлар, Ой каби тезсайр, Аторуд каби ишбилармон, Зухра каби базморо, Кўёш каби тиғ урадиган, Миррих каби ҳамла қилувчи, Муштарий каби софдил, Кайвон каби камондор ва ўқ отувчи, Шихоб сифат найзадор,

### М а с н а в и й :

Ҳаммалари бутлар киприги каби,  
Ўткир тиғ урувчи, саф бузувчи.  
Ҳаммалари фалакдаги шерни  
Ўқ билан йикмоқ учун камон ушлаган.  
Туркларнинг одам ов қиладиган камондорлари  
Бир ўқ билан минг кишини ҳар тарафга  
йикитиб ташлайди,

балки ҳар биттаси уруш майдонида эҳтиёт фарзинбандлиги сабабдан зўр шохдир ва ҳар бири фарзинга ўхшаб шох ўрнига суянган, ҳар бири от каби майдон сахнида тез юрадиган, ҳар бири филга ўхшаб уруш сахросида йўл ахтарувчи, ҳар бири пиёдага ўхшаб уруш вак-

тида чакқон, хамла вақтида рух каби тез юрувчидир.

### Н а з м:

Бири ўқ отишда Орашу Гев пахлавон каби,  
Бири тиғ билан ёришда Рустаму Золдай,  
Чопон ўрнига доим танларида кинали совут,  
Тож ўрнига бошларида дубулға.  
Йилу ой эгаларининг қоши ястук,  
Кечаю кундуз отларининг бели уларга  
тўшакдир,

сув мавжи шаклида совут кийиб, зумурраднишон ханжарни белга тақдилар. Қизил гул каби зангори ғилофдан қалқонни чиқариб, ғоятда хурсандлик билан уруш майдонида чинор шаклли панжани ёздилар, камоли хирсдан уруш маъракасида очилган гулдай кўзларини урушга қаратдилар ва шавқдан ғавғо алангасини баланд килдилар. Жанг оловини ёқиш учун ғунчага ўхшаб дубулғани бошларига кийдилар.

### Қ и т ъ а:

Туркнинг дубулғаю совутидан, жавшану  
хафтон,  
Найзаю қалқон, тиғу кичик найза ва гурздан,  
Хавони темир тишли бир фил деб,  
Ерни олов чангалли бир арслон деб гумон  
килар эдинг.

Қахрамон лашкар уруш тиғини қахр захри билан суғориб ва камандларини мушкин зулф ҳалқасидай чин-чин қилиб, от қанжиғасига қўйдилар ва обдор тиғларни ғазаб тоши билан қайраб ва оташбор найзаларни маъшуканинг ғамзаси ва ошиқнинг кўзи каби қон тўқувчи қилиб, гўзалларнинг қошларидай баҳодирлик камонини мардлик ва мардоналик қўлига олиб, қошларини салобат чинига солиб, тоғ шуқулик бодпойларни ўрнидан кўзғотиб, дашт тупроғини отларининг туёғи билан тўтиё қилиб юлдузлар кўзига қўйдилар. Онҳазрат фитнали тиғ воситасисиз уфқдан саодат ахтари тулуъ қилмаслиги туфайли, ўқ ва қалқонни василасиз жаҳонга ҳукмдорлик ва фатҳу зафар туғроси қилмас эди, ниҳоятда тартиб билан сарсар шамоли каби отга миниб, ўша майдонда сипоҳни эҳтиёт кўзи билан назардан ўтказди. Ҳар бир гуруҳ лашкар бошлиғи тиз бу-

киб, дуога тил очиб, «Қиёматгача подшоҳнинг давлат куёшини нуқсу заволдан сақласин», дер эдилар. Онҳазрат ҳар бирини марҳамат ва меҳрибончиликлар билан умидвор қилиб, подшоҳона баҳшишлар билан эркалар эди. Шу вақтда қаттиқ тангчиликдан одам ва ҳайвонларнинг кўплари ҳалок бўлган бўлса ҳам, онҳазратнинг лашкаргоҳида шу қадар кўп мардум пайдо бўлдики, дил у жамиятдан руҳ олиб, хотирда рўшнолик юз берди. Тангрининг марҳамати билан сипоҳнинг баъзиси отга ва баъзиси туяга минган ва баъзиси пиёда совут кийган ҳолда онҳазрат лашкарига келиб қўшилди. Уларнинг кўплигидан ақл кўзи қарашдан хира ва кўз унинг мушоҳадасидан ҳайратда қолар эди.

Алқисса, лашкар табақалари дарё каби қайнаб, мукамал қуролланган ҳолда, фалак қудратли узангига мулозим бўлдилар.

Онҳазрат баронғор, жавонғор, ғул, хировулларни оро бериб, Чингиз расмида ясол тузиб<sup>332</sup>, душман томонга юз қўйди.

### Н а з м:

Фаришта сипокли шок кинали душмандан  
хабар топиши билан:  
«Шавкатли гуруҳ уруш ҳозирлигини қилсин,  
Ҳаммалари бошларига темир кулоқ қўйиб,  
Белларига шамшир ва ханжар тақсинлар.  
Бошга дубулға қўйиб, совут остига кирсинлар.  
Ва бошдан оёқ темирга ғарқ бўлсинлар», деб  
буюрди.

Пахлавонлар шаҳриёрнинг буйруғи билан  
Уруш асбобларини тартибга солдилар.  
Ҳаммалари совут остида темирга ғарқ бўлиб,  
Бошдан-оёқ темир танли бўлдилар.  
Номдор лашкар тайёр бўлиши билан  
Замон Искандари ўрнидан кўзғолди,  
Олий даражали шоҳ равона бўлди  
Хизр йўлбошчию узун умр хамроҳ бўлган  
холда.

Пари Хумоси аршга жой қилиб,  
Қудсийлар<sup>333</sup> бошига соя солувчи бўлди.  
Худди куёш булут остига яширингандек,  
Зўр арслон шаҳриёр совут остига бекинди  
Офтоб каби олтин камар боғлаб.  
Дубулға, найза ва қалқондан мақсадини топган  
бўлди,

Мамлакат олувчи шоҳ отини жавлон  
килдириши билан  
Қоплон тоғдек ўрнидан кўзғолди.  
Зафарёр ва нусратшиор сипоҳ

/Кавшанлилардан дшт^ шгда^ к^р-  
Дашту ТОВНИНГ хаммаси гўё пўлодга айланди.  
Киёмат сифатли карнай фарёдидан  
Ер ғубор бўлиб, фалак шамолга тўлди.  
Кпзил байроқлар жойидан шитоб бўлиб,  
Ен камалак каби фалакка суйкалди.

Искандар тамкинли шоҳ шу тартибда за-  
**фарли** сипоҳ билан фитначи душман томонга  
-алди. Иттифоко, йўлда сипоҳ қоровулла-  
в. Бобо султоннинг милтиқчиларидан икки ки-  
шини тутиб, хой д&оттеккта иезгох^дала^ ьг.  
унинг нурли олий раъйига арз қилдиларки,  
душман сипоҳининг қораси унча равшан кў-  
ринмайди. Онҳазрат устидан қурол-аслаҳа ва  
жавшанни ечиб, Бўлғон онага келиб тушди;  
асирларни чақиртириб душман ахволини су-  
ршнтирдилар. Улар ниёз бошини бандалик ери-  
га кўйиб айтдиларки: «Бобо султон ва Бўза-  
хўр султонлардан Қорахўжа тўсиғида айри-  
либ, сайду шикор учун бу ёкка келган эдик.  
Алҳол, душманлар холидан шуни биламизки,  
Улуғтоғ навоҳисида Жўчихон мазори<sup>334</sup> олди-  
да кўрқиб ўтирган эдилар. Онҳазратнинг ке-  
лишидан шу вақтгача хабарсиздилар. Агар  
тезлик билан ўша душман тўдасига йўналса-  
лар, уларни қўлга туширишлари мумкин бў-  
лади». Зафарнишон ҳокон эртасига қозоқ сул-  
тонларидан дашту биёбонда нашъу намо топ-  
ган ва зўр ишларини интизомида заҳматлар  
чеккан ва даҳр дастурхонидан вақт ўтиши би-  
лан кўп ширин ва аччиқликни тотган Ши-  
ғойхон ва унинг ўғли, шижоат ойини ва баҳо-  
дирлик қонунда ягонаи офоқ ва Дашти Қип-  
чокда шуҳрат қозонган Таввақал султонларни  
манкило қилиб, ўнг томонга юборди. Икти-  
дорли амир Жўлтойбий, Хожамқули қушбеги,  
Турди мирзо, Али Мардон баҳодирни, биро-  
дари билан, ҳамма ясовулларини, масалан, Ху-  
дойберди мирзони, Оқ Муҳаммад ясовул ва  
бошқаларни ҳамда тамом қоровулларни, маса-  
лан, Оқ Саъид қоровулни сўл қўлга тайин-  
лаб, олдинга туширди. Ва ҳокон ўзи орқадан  
Кайковус<sup>335</sup> савлати билан сарсар шамоли ка-  
би фахр бошини фалакка етқизди. Ойнинг тўр-  
тинчиси, панжшанба куни<sup>336</sup> Кандирликдан<sup>337</sup>  
ўтиб, Терас Кандирликни беҳисоб лашкар жойи  
килди. Шу замонларда бир ғариб ходиса рўй  
бериб, яқинда бўладиган муҳим воқеага сабаб  
[~ бўлди. Ходиса шулки, ҳокон Терас Кандир-  
ликга етганда, Хожамқули қушбеги уч нафар

қазосига биноан, Бобо султон қўлига тушган-  
лар; Бобо султонга аъло ҳазратнинг келиши-  
ни айтганлар. Бобо султон асирларни дарҳол  
ўлдирган ва уғрукни ёнида бўлган тошкент-  
лик ва Тошкент атрофли қабила ва хизматчи-  
ларни ва қанча оғир юкларни қолдириб, саро-  
сима бўлган ҳолда, аҳлу аёлларини олиб қо-  
чишга тутинган. У Бўзахўр султон ва юришга  
қуввати бор лашкар билан Манқит томонга  
қараб юрди.

### М а с н а в и й:

Фаришта лашкарли ғолиб хон  
Терас Кандирликка тушган эди ҳамки,  
Хожамқули қушбеги ўзига қарашлилардан уч  
кишини  
Душмандан хабар олиб келиш учун юборди.  
Улар тезлик билан бориб,  
Душман сипоҳидан хабар топдилар.  
Кечаси душманлар гуруҳи ичидан  
Билдирмай жой олиб эдилар,  
Қудратли Тангри ҳукми билан  
Душман қўлига асир тушдилар.  
Бобо султон улардан шу ондаёқ  
Сарфароз хусравнинг келиши хабарини  
эшитиб,  
Кина қиличи билан уларнинг бошларини  
кесди.  
Ва ўлдирилганларнинг танларини йўл  
тупроғига қориштирди.  
Уни кўйса ҳам уғрукдагиларни олиб,  
Қочиш ҳаёлини хотирига нақш қилди.  
Боши кўрқувга тўлиб,  
Дунёнинг ғамидан дил икки бўлинган ҳолда у  
жойдан жўнади.  
Ўз жамиятининг шодасини узиб,  
Сарсар шамоли каби Манқит томонга қочди.

Муборакасар лашкарнинг манқилоси бу ха-  
барни эшитгандан кейин, бурунгидан ҳам ил-  
гари қараб тезроқ юрдилар. Шиғойхон ойнинг  
бешинчиси, жума куни<sup>338</sup> тонг пайтида Бобо  
султондан ажралиб қолган кишилар устига чоп-  
ди ва жамиятларини бузиб,

### Н а з м:

Баланд хиргоҳ, кумушу олтин,  
Совут, ҳафтон, темир қулоҳ ва қалқонлардан

иборат жуда кўп ўлжаларни, ўша атрофда кўринган кўплаб тўрт оёқли ҳайвонлар билан бирликда кўлга киритди. Жўлтойбий ва Хожамқули кушбеги ҳам ҳамма паҳлавонлар билан душман бошлиқларидан бўлган Кўлкабий дўрмонга Саройли ва Туройли<sup>339</sup> атрофига етиб хужум қилдилар. У ерда ҳам кўйлар, отлар ва юкларни кўлга туширдилар.

#### М а с н а в и й :

Душман тўдасига шикаст етиши билан  
Лашкар томонга кўл узатдилар.  
Мол талашга эҳтимом қилиб,  
Улардан кўп ўлжа олдилар.

Юриш бир муддат чўзилиб, Даштнинг ободон қисми уч-тўрт ойли масофа узокда бўлиб, қутли ўрдуда қахатчилик бошланди. Шундайки, Бухоро тошида бир ботмон ун Искандархоний тангаси билан бир юз тангага етди. Лекин нон топилмас эди. Халойиқнинг кўпи Сунбула ва Жавзо<sup>340</sup> бошоғига қаноат қилар эдилар. Агар кўллари етса куёш ва ой қулчасини фалак дастурхонида кўймас эдилар. Лашкарларнинг кўплари у биёбонда парранда тухуми ва ҳар хил жониворларни, емакка ярайдиган ўтларни еб кун кечирар эдилар. Меъда қозони ош орзусида қайнар эди, халқ Бусхоқ<sup>341</sup> таомларини унутган эдилар. Такаллуф юзасидан ғоз гўшти ва товук кабобига қарамайдиган саркашлар андак нарсага қаноат қиладиган бўлдилар. Шу ўртада Таваккал султон, Жўлтойбий ва Хожамқули кушбегилар, бошқа амирлар ва аркони давлатлар билан, ниҳоятсиз отлар, қорамоллар, туялар ва кўйларни юлдузнишон аскаргоҳга ҳайдаб келтирдилар. Уларнинг эҳтимомлари сабабидан қийинчилик қулайчиликка ва тангчилик кенгчиликка айланди. Бу жихатдан онҳазрат меҳрибончилигининг куёши уларнинг бошларига тулуъ қилди.

Мазкур ойнинг бешинчиси, жума куни<sup>342</sup> шижоатда машхур подшоҳ сипоҳлари билан Саройли ва Туройлида бўлди. Ойнинг олтинчиси, сешанба куни<sup>343</sup> Саройли атрофида Жўчихон мазори олдида турдилар. Ойнинг еттинчиси, якшанба куни<sup>344</sup> ўша атрофда бахтиёрлик байроғини зангори фалакка етказдилар.

Ойнинг саккизинчиси, душанба куни<sup>345</sup> ҳам ўша жойда бўлиб, кун осойишталик билан ўт-

ди. Шу хабар таҳқиқга етдики, Бобо султон ва Бўзахўр султонлар Улуғтоғда эканлар, онҳазратнинг келиш хабарини эшитиш билан қочиб тушганлар. Шунинг учун муборакнишон хон яна шахзода Абдулмўмин султонни, Ҳасанхожа нақиб, жаноб Кучак ўғлонни ва Жонкелдибийларга ҳамроҳ қилиб, шу манзилда уғруқ устига қўйди. Ўзи қутлуғ толеъ билан йўлга тушиб, зафарасар туғ маҳчасини кўк фалак авжига етказди.

#### М а с н а в и й :

Душманнинг қочган хабарини  
Нусратшиор хон топгандан кейин,  
Бобо қочиш йўлига равона бўлди  
Хон билан курашишга тоб беролмай.  
Моллари кўллигидан бошқа йўл тополмай,  
Ўша манзилда ўзидан қолдириб,  
Олтин кулоҳли султон билан бирга,  
Динпаноҳ Ҳасанхожани паноҳ қилиб,  
Бир гуруҳ лашкар билан уғруқни забт қилиш  
учун ўтқизди  
Ундан сўнг Бобо томонга байрокни кўтарди.

Етти иқлим эгаси хоқон қолган лашкарлар билан кечаси ўтиб, Улуғтоққа етди. Улуғто! Дашти Қипчоқ мавзелари ичида энг яхши жой эди. Хуфтон вақтида эшитдики, лашкар манқилоси Бобо султонга яқинлашди. Душман кўт бўлиб, булар озгина бўлганлари учун олдинге юрмасдан тўхтаб турдилар. Онҳазрат ўша кечаси Хусравнишон Исфандиёр султонни ҳају сўл сипоҳи билан уларни чопиш учун юборди, Ўзи эртасига сипоҳ кетидан ҳаракат қилиб Йилонжукка етиб тушди. Шу манзилда Шифойхон бошқа султонлар билан келиб Искандар ҳашаматли ҳазратнинг оти жиловини тутиб, арз қилдиларки: «Биз давлатхоҳларниш орзу чамани, подшоҳнинг эҳсон булутидан се роб бўлиб турганда, то битта миз тирик экан миз, зафарасар шахриёр қутли қадамини шундай хатарлик бир жойга қўйишга ва ўзига б) доимий сафар машаққатларини олишга ақл қандай рухсат беради?» Онҳазрат айтдики, «Оқиллар фурсатни ғанимат биладилар. Фурсатни ғанимат билинлар, чунки уларнинг юқорида рида ғуссалар бордир. Ва тажриба аҳли айтганлар: «Фурсат булут каби ўтиб кетади в; отилган юлдуз каби сайр қилади». Ва ҳукамолар айтганлар: «Киши ақлининг қомиллигию шу билан билса бўлади: душман давлатининг]

ЖОИИШ кадам 1\^лмл.  
байроғини синган топса, фурсатни кўлдан бермайди. Ва ўшандай давлатда ҳеч яхшилиқ бўлмайдик, унда икки нарса жамъ келса: бири жисмоний лаззатларни ўзига тортиш; иккинчиси фурсатни кўлдан бериш». Донишманд кишиларнинг сўзларида айтилганки: «Подшоҳларнинг бошқаларга нисбатан улуғликлари уларнинг баланд фазилатларининг гавҳарлари билан бўлади. Ва уни беш нарса билан билса бўлади: биринчиси — раъийят оммасига раҳм қилиш; иккинчиси — адлни сақлаш; учинчиси — золим жабрини мазлумдан қайтарадиган хайбат; тўртинчиси — душман фирибини биладиган дониш; бешинчиси — оқибатни андиша қилиш, шу билан фурсатни ғанимат санайди».

### Н а з м:

Афсус билан вақгаи зоъ килма,  
Чунки фурсат азиз ва вақт қиличдир.

Бу муқаддималардан мақсуд шулки, ўшандай зўр душман шу қадар зору паст бўлиб, хусравлик савлатидан тушиб оромсиз бўлганида, уни топишга ҳаракат қилиш керак ва кўзни унинг йўлидан юммаслик зарур. Охири Шиғойхон ва султонлар аркони давлат ва аёнларнинг талабига биноан қайтиш жиловини бурди ва то илғор тариқида юборилган сипоҳ келгунча, отлар, туялар ва хачирлар семирғунича, Улуғтоққа қайтиб келиб қарор топдилар. Иккинчи куни сарсар шамоли каби отга миниб, қалин аскар билан, ўша тоғ томошаси учун юрди. Ўша бепоён биёбондан учар қуш ҳам қийинчилик билан ўтар эди ва шамол ҳам у даштнинг катталигидан ниҳоятда ожиз қолар эди. Баланд бир тоғни кўрдик, бошини фалак авжига етказиб, чўққилари атлас фалакнинг пардасини йиртган эди.

### М а с н а в и й :

Булутнинг ўша тоғдан пастлиги шу қадар  
эдики,  
Булут унинг этагига ўтирган чанг деб гумон  
қилар эдинг.  
Унинг камари авжидаги чакмоғининг оқлиги  
Осмон юзидаги сахар оқлиги каби эди.

бир беҳуда тасаввур эди. УНИШ  
ганча бир сахро бўлиб, кўп анҳорлар, саноксиз дарахтлар, ҳар тарафда майсалар ва сабзорлар Эрам боғи каби дил очадиган эди ва дарахт барглари ранг-баранг очилган гуллар саноксиз эди.

### М а с н а в и й :

Бир яхши ҳаволи дилкушо манзил,  
Майдони Эрам боғи каби жонни янгиловчи  
бўлиб,  
Унда янги сабзорлар ҳар тарафда  
Ернинг янги чикқан сабза хатти каби эди.  
Ариқ лабларида бинафшалар очилиб,  
Сабо шамоли ундан муаттар бўлар эди.

Фалак шукухли шахриёр ўша тоғнинг тепасига чиқиб, у биёбоннинг узунлиги ва кенлигини Тангридан бошқа ҳеч ким билмас эди, назар солди. Ўша куни намози пешингача тўхтаб лашкаргабурдики, «Кўптоштўпласинлар». Буйрукни бажариб тўпланган тошдан олийшаън у маконда бир масжид бино қилдилар. Шу билан рўзғор саҳифаларида у баландқадр шохдан бир ёдгорлик қолдирдилар. Шундай ишни фирдавсмакон, дину дунё кутби шахриёр Амир Темур кўрагон, унга Тангрининг раҳмати ва розилиги бўлсин, ҳам қилган эди<sup>346</sup>. У Тўхтамишхон муҳорабасига йўналган вақтда, Хонболиқ тоққа етганида, бир кун ўша тепада қарор топди ва аскарга атрофдан кўп тош тўплашни буюрди. Ундан минора каби баланд нишон кўтардилар ва тош тарошлайдиганлар Амир Темурнинг шу жойга келгани таърихини ёздилар.

### Н а з м:

Эшитдимки, муборак табиатли Жамшид  
Бир чашма бошида бир тошга ёзди:  
Бизлардек кўп кишилар шу чашма устида дам  
уриб,  
Ва кўз юмиб кетдилар.  
Бу узун биёбон бир мархаладирки,  
Бунда Сулам ва Тур лашкарлари<sup>347</sup> йўқолиб  
кетганлар.

Шу орада соҳибқирон хотирига ов қилиш тушиб, Парвардигорнинг ёрдами билан, ўша саҳрода шикорга чикди.

### Н а з м:

Иқболли шох шундай фармон берди:  
«Ўнгу сўл кишилари ов учун чиксинлар.  
Барча жаҳон кезувчи сарфароз сипоҳлар  
Ов жониворларини қувлаб, чангини  
чикарсинлар».

Сахар оқ қарчиғайи етиб,  
Кеча қарғаси унинг ўқидан қанотини кесди, яъни  
тонг отди,

Икки томон жирғаси<sup>348</sup> бир-бирига етишиб,  
Дашт майдони бошдан оёқ ов билан тўлди.  
Қоракўз, анбарсарин кийикнинг  
Кўплигидан ер юзи бекилди.  
Ипор нафасли чопкир охудан  
Йўловчига йўл боғланиб қолди.  
У кенг даштда отликларнинг ҳар бирлари  
Етти-саккизтадан ов йикитдилар.  
Буғу ва охуларнинг қонларидан  
Дашт бошдан-оёқ лоларанг бўлди.  
Ўша куни кишилар шунча кўп ов қилдиларки,  
Ўнтадан битта семизини танлаб юк қилдилар.  
Халқ эгаси хон шундай ов қилдики,  
Уни Баҳром Гўр тушида ҳам кўрган эмас.

Онҳазрат тез елувчи отнинг узангисига оёқ  
қўйиб, жиловини силтаганда, гўё Сулаймон  
шамолга минди<sup>349</sup>, ёхуд қуёш фалак отига са-  
вор бўлди, дер эдинг. Отининг забаржад ранг  
туёғи кўзғотган чанг фирузаранг гумбазни ер  
тусига айлантирди ва олов сочувчи тақасидан  
каттиқ тошда янги ой шаклини пайдо қилди.

### Н а з м:

Ҳилол шаклини унинг оти тақасидан олар эди,  
Шунинг учун, ҳилол шакли кусуфдан омонда  
бўлди.

Фалак кадрлик ва фаришта иқтидорлик си-  
поҳ ов изидан бориб, сандонни<sup>350</sup> ёрадиган ўқ  
билан бирор жониворни отган пайтда баланд-  
парвоз қарчиғай, турна ва ғоз қасдида эгнига  
совут кийгандай бўлиб, қумуш тусли танига  
анбар рангли қармоқдан тангабалиқ нақшини  
туширар эди. Гўёки ғижимланган зулфичин  
нозанинларининг юзларига тушгандай, ёки ко-  
ра тузоқ қизил ва оқ гул устига ташлангандай  
бўлар эди.

### М а с н а в и й :

Ҳар бирининг қўлида совут кийган куш бўлиб,  
Думидан қулоғи тағигача гул устига сунбул  
кўйгандек эди.

Шом қоғози устига абри хатти ёзгандай,  
Ёки хавосил<sup>351</sup> устига қумри тавқи тушгандай  
эди.

Ҳар бир қаноту паридаги нақшлари,  
Гул устига ғалвирдан ойдин тушгандай эди.  
Келинлар қўлига анбардан нақш қилгандай эди.

«Юз»лар ҳам охуларни кўриш учун Ҳул-  
қар каби ҳамма танлари кўз бўлиб, дара как-  
лигини кўзидай овлаган қушининг кўзи қиза-  
риб кетган эди. Танидаги анбар тусли нуқта-  
лари ой юзли, Зухра пешоналиларнинг юзла-  
ридаги қора холлардан ҳикоя қилиб, оҳуға  
ўхшаган кўзлари Чин туркларининг оҳу кўз-  
ларидан хабар берар эди. Йўлбарсавлат ит  
овға ҳарислигидан бўйнидаги занжирини узиб  
чопганда, ҳаво чангидан сурма ранг қиларди.

### М а с н а в и й :

Арслонни йикитувчи паҳлавонлар шикоридан  
Даштнинг танига титроқ тушди.  
Қарчиғайларнинг айланишидан  
Қабутар ва қирғовулларнинг инлари торож  
бўлди.

Уларнинг жабридан нолага келиб,  
Тўкимини қўтариш меҳнатини орзу қилган эди.  
Охуларга кенг жаҳон танг бўлиб,  
Саллоҳ қўлидаги эчкиларга рашк қиладиган  
бўлдилар,

Катта жониворларга ташланадиган каманд  
арқонидан

Буғуга бошбоғ қилинди.  
Қачонки бир куён чиқиб қолса,  
Ўқлар паридан пар чиқарадиган бўлди.

У саҳрода овнинг кўплиги зоҳир бўлиши  
билан, онҳазрат шикор изидан чопиб кўп жо-  
ниворларни отди. Майдон сахнини ваҳшийлар  
ва паррандалардан бўшатди. Шикоргоҳ туп-  
роғи овлар қонидан Бадахшон лаълининг ту-  
сини ва тошлар руммоний ёқут рангини олди.

Алқисса, ўша биёбон ва саҳрода шу қадар  
ов тўпландики, мусулмон аскарлари таомлари  
кам бўла туриб, овланганларнинг фақат семи-  
зини танлаб олдилар, ориғларини ташладилар.  
Ўша саҳрода бир хил оҳу топдилар, унинг-  
жуссаси говмишдан каттароқ эди. Уни мўғул-

на ваҳшийлар гўштидан овқатланар эдилар. Шу сўзларни ёзувчи онҳазратдан эшитган эди: «Ўша биёбон кечалари сичқонлар тешиқлардан чиқиб, булбул каби сайрар эдилар». Қисқаси, бахтиёр подшоҳнинг қуёшдан ҳам порлоқ раъйи овдан қайтишга майл кўрсатди. Сўнг балоғатнишон мунший мавлоно Ҳайдарни чакиртириб, фатхномалар ёзишни буюрди. Мунший фатхнома ёзиб, бир неча нусха қилиб, тавочидан Бухорога бериб юборди. Ва яна хон ҳукм қилди: «Зафарнишон сипоҳ Қорасомон бандарига бориб жар солсинларки, Туркистон калъасининг айланасига бориб, эҳтиёт билан уни олишга эҳтимом қилсинлар». Ўзи насими беҳишт шамолидан ҳикоя қилиб, сувлари обиҳаётдан нишон берадиган ўша манзилда, доим хамсуҳбат бўлиб юрадиган хон сипоҳлари билан, айшу ишратга майл қилди. Бир қанча кун Жўчихон ва унинг авлоди тахтгоҳи бўлиб келган ўша жойда бахт ёрдами билан маишат қилди ва Хусравнишон Исфандиёр султон кўп лашкар билан душман кетидан кетган эди, уч кечаю уч кундуз манзилларни кезиб, душмандан хабар топмади ва амирлар талабига мувофиқ жиловни буриб, қутлиқ лашкароғҳа қараб юрди. Зафарнишон Таваккал султон ва диловар Дўст мирзо чухра оқоси бир тўдашижоатли сипоҳ билан, масалан, амирзода Нодир кўрчи, Мухаммад Али зардча ва Халқон чирзо, Жонмухаммад хофиз ва наввоб Исфандиёр султондан айрилган бошқалар йўлда кўп тўдали сипоҳ изларини кўриб, Бобо султон ва Бўзахўр султонлар ўша мардум орасида деб ҳаёл қилиб, Хусайн девона изидан борганлар. Олти кечаю олти кундуз илғор бўлиб Совуқсув<sup>352</sup> лабида қочганлардан бир гуруҳига етншидилар. Улар сувдан ўтгунча тўхтадилар, сўнг шитоб билан дарёдан кечиб, душманларга юзланадилар. Чухра оқоси жаноб султонга гундай деди: «Шу муносиб кўринардикки, бизлар сиздан олдинроқ душман билан уруш бошлайлик, чунки улар зафарнишон сипоҳдан кўр-!»

! газ, қозоқ ҳаёл қилиб, далирлик билан ҳамчалари бирдан тиғу ханжар ва пайконларга кул узатишлари мумкин. Фатҳу зафар бўлса хам кўп машаққат ва меҳнатдан кейин юз бергапи мумкин». Шу маънига қарор бериб, авзал чухра оқоси хон паҳлавонлари билан бир

лони каби у тулкисифат душманга ёпишдилар ва у гуруҳдан ҳар биттасини аямасдан тиғу найза билан ўлдирдилар. Душман сипоҳи хам андак вақт маҳкам туриб, ўқ ва камонга кўл узатиб, шиба қувлашни охирига етқиздилар. Ўша вақт Таваккал султон хам ўзига махсус сипоҳ билан бошқа тарафлардан фитна ва жанг отини жавлон урдириб, биринчи ҳамлада бир қанча халқни ер билан яқсон қилди.

#### Н а з м:

Ўша замондан душмандан кўп киши  
ўлдирилиб,  
Ўлиқлардан ҳар тарафда бир тепа пайдо  
бўлди.

Урушда чиниққанларнинг кетма-кет ҳамчалари бўлди. Душманлар шундай қалин ва кўп лашкарлари ёмғир томчилари ва дарахт баргидан хам кўп бўла туриб андак зафарпаноҳ сипоҳдан бўлак-бўлак бўлиб қочдилар.

#### Н а з м:

Душманнинг далир лашкарлари,  
Хириллаган арслондан оҳу галалари қочгандай,  
Тум-таракай бўлиб кетдилар.  
Улардан ҳар кимни топсалар ўлдирардилар.

Тангри марҳаматидан фатҳу зафар насими шаҳаншоҳ байроғига эсиб, нусрат ва зафарли сипоҳ кўп ғаниматлар ва беҳисоб нарсалар билан қайтдилар ва Улуғтоққа келиб, шаҳаншоҳнинг олий ўрдусига етдилар. Уларнинг ҳар бири меҳрибончиликларга етишди ва уларга тайинланган марсумлар неча мартаба кўпайтирилди. Ҳар томондан илғор бўлиб кетган сарсардай лашкарлар кетма-кет, мақсад ва маблабларини қўлга келтирган ҳолда, қайтиб келдилар. Улар шундай арз қилдилар: «Душман сипоҳининг баъзиси Ибир-Сибирга<sup>353</sup> кетиб, Бобо султон ва Бўзахўр султон Манқит томонга қочган. Жонмухаммадбий хам Туркистоннинг аймақ ва аҳшоми билан саломат Манқит томонга келиб, у ерни ўзига паноҳгоҳ қилган». Онҳазрат шахзодалар, амирлар ва баҳодирларни табақа ва даражаларига муносиб ҳадялар, меҳрибончиликлар ва қўнгилга ёқимли ваъдалар билан сийлади. Хожамкули қушбе-

1  
гини остона камарбасталаридан бир гуруҳ билан, масалан, Бобохожа Сайид Отойи, Оқ Саъид қоровул, неча замонлардан бери эндигина хоннинг оёғини ўпишга етишган Келдиш баҳодир, Гулобод баҳодир можор, Муҳаммад Мурад девона, Айбош найман ва Иброҳимбий кенагас кабилар билан, Туркистон чокарларини, Бобо султон ва Бўзахўр султонларни топиш учун Манқитга юборди ва ўзи Тангри ёрдамида, қолган сипоҳлар билан, байроқ қўшини фалакка етказиб, Улуғтоғдан қўчиш нағорасини навога киргизди ва мазкур ойнинг йигирма бешинчиси, панжшанба куни<sup>354</sup> зафару нусрат билан Миёр Силовтий йўлидан қайтди.

#### **ЗАФАРНИШОН СИПОХНИНГ ҚОРАСОМОН БАНДАРИДАН ТУРКИСТОН МУҲОСАРАСИ УЧУН КЕЛИБ ШИКАСТ ТОПГАНИ**

Бу воқеа сурати шундай: нусратнишон хон сипоҳ билан Улуғтоғда турган кунлари уғруқ томонга киши юбориб, ҳукм қидди: «Агар нусратасар лашкар, истеъдодлари бўлса, Ясси қалъасини ўраб олсинлар, дилларини Тангрининг чексиз қароматига бериб, қадамини ниҳоятда эҳтиёт билан қўйсинлар». Шунинг учун, амрга мувофиқ, ҳаракат қилиб жумод ул-аввал ойининг олтинчи кунида<sup>355</sup> уруш аслаҳалари жойланган ҳолда Қорасомон бандаридан қўчиб, Туркистоннинг машҳур тавобеидан бўлган Сурийга келиб турдилар. Бундан бурун Тошкент қалъасининг фатҳида ҳукм билан ўлдирилган Фаридун қозининг ўғли, бадфеъл ярамас шариаат қозисининг ёмон сарнавишти шунга олиб эди: Ясси халқларини кўзғотиб, улар отлик ва пиёда, уруш асбоблари ва бесаноқ аробалар билан зафарпаноҳ сипоҳ даъфига киришдилар. Икки томон бир-бирлари билан тўқнашгандан кейин амир ва лашкарлар эҳтимоми билан уларни узук кўзи каби шундай ўраб олдиларки, ҳеч бир томондан чиқишга йўл йўқ эди. Ўша куни бир-бирларига муқобил бўлиб турдилар. Кечаси зафарасар лашкар тиғу ханжарга қўл узатиб, душманга ҳужум қилди ва баҳодирликнинг додини бердилар. Охири душман сипоҳи нусратнишон аскар зарбасидан дилларига хавф тугниб бағоят паришон бўлдилар; сабрсизлик отига миниб, қочмоқчи эдилар, лекин йўл топмадилар. Тўрт юзга яқин отлик ва пиёда халок бўлди.

#### **М а с н а в и й :**

Жаҳонгир соҳибкироннинг сипоҳи  
Шу он душман устидан зафар топдилар.  
Қўлга кескир қилич олиб,  
У бахтсиз тоифага чопдилар.  
Улардан саноксиз кишини ўлдирдилар,  
Қолганлари ярадор бўлган эди.

Иккинчи куни у фитначи гуруҳ ҳаммаси бирдан фидоийлар каби тортинмай зафарпаноҳ сипоҳга юз келтирдилар; дилни жонда ўзиб, бошни хатарга қўйиб, урушни олдин сурдилар. Зафарпаноҳ сипоҳ ҳам, кенгаш в маслаҳатдан кейин, халқни уч бўлакка бўлдилар. Жанг аслаҳасини танга қийиб, дубулғани бошга қўйиш билан кинаю жанг отин номус риоясидан у гуруҳ томонига чоптирдилар. Аввал Хожа Сайид Ҳодий худованд ёрдамига таваккал ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қувват беришига така қилиб, ўқ захира билан у фитначилар сипоҳидан қанчасини эгардан ерга ағдарди. Малоиклар фала томида туриб таҳсин билан шу сўзни айтди эдилар:

#### **Н а з м:**

Қазо ол, қадар бер,  
Фалак яхши қилдинг ва ой офарин, деди.

Икким ҳожи ҳам Тангри иноятига така қилиб, давлат ёрдами билан, шижоат отини жавлон урдирди ва қиличини қинидан суғуриб душманга ёпишди.

#### **Н а з м:**

Сандон ёрадиган қилични кимга урса,  
Бошидан киндигигача икки бўлак қилар эди.

Хуши ясовул ҳам Тангри мададига ва соҳибкироннинг ҳашаматига ишониб, оёғини шижоат майдонига қўйди. Камонни ғилофдан чиқариб, пайкон захми билан улардан қўп кишининг жонига раҳна солди. Балх сипоҳларидан бошқа бир гуруҳ мавж урган дарё каби жўшу хурушга келиб, жон оладиган тиғлар ва аждарнишон найзалар билан душманга ҳамл қилдилар.



Икки томондан сипоҳ урушга кирдилар,  
Ҳаммалари шуқухли ва кина ахтарувчи эдилар.  
«Бер, югур ва ушла», деган овоз чикди.  
Ҳаво ўқ паридан қарғас қушига қўйилган тузук  
бўлди.

Ўша куни урушда синалган паҳлавонлар тоқатлари борича тиришиб турдилар. Охири уғруқнинг забтига тайин қилинган амирлардан баъзилари сипоҳийгарлик шароитларидан бўлган жазму эҳтиёт риоясида бепарволик қилдилар. Душманни енгил санашнинг надомат ва афсусга ва хотимасида ёмон бўлишига сабаб бўлишидан ғофил бўлдилар. Душманлар иккинчи марта оёқни маҳкам сақлаб, урушга шимарилиб кирдилар. Беқувватлик ва ожизлик нишонаси саодатёр лашкардан зоҳир бўлди. Душманлар талону торожга қўл узатиб, уғруқ атрофидан бирмунча ҳайвонларни олдилар ва шу маънини ғанимат билиб қалъага олиб кирдилар. Агарда бу ҳозирда шикаст бўлса ҳам мохрўйлар кокилининг синиши каби эди, чунки бу синиш савдо урган ошиқларнинг дилларини асир қилар эди.

#### Б а й т:

Гўзаллар зулфи каби синишликни ҳосил қил,  
Токи бир нафасда минг дилни сайд қил.

Алқисса, душман қайтиш жиловини буриб, ўз жойларида қарор топдилар. Зафарпаноҳ сипоҳ ҳам онҳазратнинг етиб келишини эшитиб, тезлик билан унга пешвоз чикдилар. Онҳазрат Қормоқ атрофига етганларида хабар эшитдиларки, Саброн томондан Абдуссаттор султоннинг ҳам уғруққа осилиши, фитнаю уруш қилиш хаёли бор экан, шунинг учун юзини бу томонга қаратиб, отлиқ ва пиёда кўп халқни ўзи билан олиб келмоқда, деб. Арқони давлат ва ҳазрат, яъни бу ҳикояни эшитгандан кейин, кенгаш қилиб, шунга қарор бердилар: ўша манзилда тўхтаб, агар душманнинг келиши рост бўлса, уғруқни бир кўчага киргизиб, ўзлари ташқарида туриб, эҳтиётда бўладилар. Шундай қилиб, уч кунгача ўша манзилда турдилар. Зафарасар лашкарнинг яқинлашган хабари аниқ бўлиб, Абдуссаттор султон қасдини бузиб, кетига тисланди. Зафарпаноҳ сипоҳ муборак ўрду томонга қараб ҳаракат қилди.

Соҳибқирон душманларни қувлашдан хотирини фориқ қилгандан кейин, рабиъ ус-соний ойининг йигирма бешинчиси, панжшанба куни<sup>336</sup>, Миёр Силовтий йўлидан қайтишга қасд қилиб, ҳаракат байроғини кўтарди ва Совуқсув лабига байроғини тикди. Мазкур ойининг йигирма олтинчиси, жума куни<sup>357</sup> ҳаракатга келиб, Қирқ Қисроқ суви лабига давлат чодирини ўрнатди. Ойнинг йигирма еттинчиси, шанба куни<sup>358</sup> осмонқирдикор ўрду ҳаракатга келиб, мазкур сув лаби тушиш ўрни бўлди. Ойнинг йигирма саккизинчиси, якшанба куни<sup>359</sup> отни тезлик билан йўрғалатиб Йилонжукқа етиб тушди. Ойнинг йигирма тўққизинчиси, душанба куни<sup>360</sup> Терас Кандирлик суви бошига чодир ўрнатди. Чодирлар кўплигидан қуёш ва ой рашк қиладиган бўлди. Ойнинг охири, сешанба куни<sup>361</sup> саховатшиор шахриёр нусратнишон байроқни ҳаракатга келтириб, халиги сув лабига беҳисоб аскарни тушириб ором олди. Жумод ул-аввал ойининг аввали, чаҳоршанба куни<sup>362</sup> Зухал маҳаллик ҳоқон ҳужумидан фалак устунига ҳалал етадиган бошқа сипоҳлар билан йўл юриб Миёр Силовтий сувининг бошига тушдилар. Гўё «икки денгизнинг бир-бирларига йўлиқиши»<sup>363</sup> ҳоллари мажмаининг сурати зоҳир бўлди. Ойнинг иккинчиси, панжшанба куни<sup>364</sup> Миёр Силовтий этагига етиб, боргоҳ қуббасини осмонга етказди. Ойнинг учинчиси, жума куни<sup>365</sup> Миёр Силовтий сувининг охири чодар жойи бўлди. Ойнинг тўртинчиси, шанба куни<sup>366</sup> байроқ бошини осмонга етказиб чўлга кирди ва ўша шамоли жаҳаннамдан намуна ва ҳавоси азобу аламдан нишона биёбонни кезиб,

#### Н а з м:

Бир йўлки, чумоли кўзи каби тор,  
Яна унда илон кулча бўлиб ётмакда.  
Текис ери жуда нотекис,  
Текис эмас, жуда ўнқир-чўнқир,  
Чап қўл томондан хилол бир кумуш камон  
каби,  
Ва ўнг томондан қуёш тилло қалқон каби эди.  
Ҳилолни Юсуф, қоронғу кечани чоҳ,  
Ой юки боғланган қовға,  
Ва Сомончи йўлини унинг ини деб айтасан.

Қизил кўк қуёши талъат байроғининг матлаи бўлди ва ўша манзил саҳросида оху ва



:-ириш-чиқиш жойларини эҳтиёт билан қараб, жиловни бурди. Онҳазрат Қулбобо кўкалтош-н чақиртириб буюрди: «Бу жамоа кўп мол билан маъмур ва кўп сипоҳ билан мағрур бўлиб, тўғри йўлдан четга чиққанлар. Муносиби шулки, Тангри мухтор элчиси Пайғамбарнинг суннати ва «элчи юборишдан олдин азоб қилувчи эмасмиз»<sup>380</sup> оятига мувофиқ, авзал улар томонга бориб, насиҳат қилсанг, оядки, уларнинг хотирларига ўтирган кибру туғённинг чанг ва ғубори ваъзу насиҳат суви билан ювилиб, залолат даштидан хидоят йўлига кирсалар». Олижаноб олий амир буйруқка амал қилиб, қалъа аҳлига ғазаб юзидан хнтоб қилиб айтди: «Ҳамма олам ва жамий аам фарзандига муайян ва муқаррарки, шу амонда Жамшид мартабали ҳокон Тангри томонидан қувватлангандир. Ҳаммага маълумки, бундан ҳам катта лашкарни енгиб, мустаҳкам қалъаларни очган. Мовароуннаҳрни тамоми вилояти, Балх ва Ҳисорларни шамширу найза ёрдами билан ўзига қаратган ва улкан сулола-ларни йиқитган. Агар молу ҳолларингиз поймол бўлмасин ва жонларингиз хатарга қолмасин десангиз, яхшиликни хоҳлайдиган кичилар сўзига қулоқ солинглар; тавба ва узр вақти ўтмасдан тобелик эшигидан кирилинглар. Динсизларнинг ҳолларини тавсиф қилган мана бу оят: «бундан илгари имон келтирмаган, ёки имонидан бирор яхшиликни касб қилмаган кишининг эндиги имони фойда бермайди»<sup>381</sup>нинг мазмуни ноумидлик ҳолатда юзага чиқади. Марҳамат эшикларини зорланиш за тазарруъ қўли билан ўз ҳолларингизга эчинглар!

### Н а з м:

Э, бу даргоҳда занжир каби нолада бўлган зот,  
Нолани қўй, давлатхоҳлик эшигидан кир.

Сайидлар, қозилар, олимлар, солихлар, зоҳидлар, аҳли такводорлар, дарсгўйлар ва аҳли фатволарни онҳазрат олдида эътиборлари бўлгани учун васила қилинглар. Уларни катта пешкашлар ва тухфалар билан юборинглар, шоядки, узрларингиз онҳазрат назарида қадру қиммат топиб, марҳамат томири ҳаракатга кирса. Агар бу қалъада қамалиб ётишингиз сизларга бирор мадад тамаъ қилиш жихатидан бўлса, у жамоа ғоятда узокдир ва ҳолла-

ри нима бўлиши маълум эмас. Ғайб пардасидан нима юз кўрсатишини билиб бўлмайди». Аммо Абдуссаттор султон Рустами дoston ва Сом Наримонларни назарига илмайдиган паҳлавонлар билан, масалан, Жонпўлод уйшун ва бошқалар билан, шавкат ва такаббурилик байроғини кўтардилар. Билар эдиларки, селга баробар бўлиш, арслон билан панжалашиш беақлик ва девоналикдир. Ёрдамчилар кўплигига фахрланиб журъат қилдилар ва қалъани сақлаш мақсадида мудофаага қўл узатдилар. Жаноби амирнинг сўзига қулоқ солмасдан, қалъанинг мустаҳкамлигига суяндилар. У тоифа ҳаддан ошиқ шижоат ва мардоналик жихатидан мумтоз бўлиб, ўша қалъани кўп захира ва жанг асбоблари билан тўлдирган эдилар. Шунинг учун тобеликдан бўйин товладилар. Дарҳақиқат, Саброн қалъаси ғоятда мустаҳкам бўлиб, замоннинг тасарруф қўли унинг хокрезига ҳам етган эмас ва фалакнинг кўк кўзи ер юзида ундай маҳкам қалъани кўрган эмас.

### Н а з м:

Кунгираси ою кундан ўтиб,  
Сипехр синининг тиши бўлган.

Баландлиги шундай эдики, нур чизиклари унинг хокрезидан сира ўтмаган эди. Атрофида ичкари ва ташқаридан чуқур хандақлари бор эдики, сув билан лиммо-лим тўлатилган эди.

### Н а з м:

Агар фалак унинг буржу деворига қараса,  
Бошидан қулоҳи тушар эди.  
Девори баландлигидан фалак авжидан бошини  
чиқарар эди,  
Девори кунгираси куёшу ой кокилларига тарок  
бўларди.  
У қалъанинг девори остида юрган кишиларнинг  
излари,  
У қалъа этагида субҳ оқаргандай эди.

Хандақдан қалъа тепасигача тахминан эллик газ эди. Баландлиги шу мартабада эдики, тезучар ваҳм қуши унинг тепасидан қийналиб ўтар эди. Ҳар бир қадамда бир сандуқча қилганлар. Бунда ўқ отувчи камондорларни жойлаштирганлар ва ҳар бир буржида қазо ўқи каби ҳеч хато қилмайдиган тўфангчилар

турганким, ташқаридан ўкетар жойда бир киши кўринса, ўткур қонтуқар ўқ билан йиқитар эдилар. Зарур бўлганда ишлатиш учун хар кунгира бошида камиш кўзада машъалалар тайёрланиб қўйилган. Камон ўқлари тўфанг ўқлари ва бошқа мудофаа асбобларини мухайё қилиб, қалъа теварагига келган кишини омон қўймас эдилар.

### М а с н а в и й :

Бир олий қалъаки, жаҳон кўзи  
Дунёда ундай қалъани кўрган эмас.  
Баландликда боши фалакдан ўтиб,  
Унга караган фариштанинг кўзи хира бўлган.  
Деворнинг боши тўккиз фалакдан юкорирок  
бўлиб,  
Устидаги қоровулнинг олови ою кундан  
иборат бўлган.  
Баландликдан фалакка осилиб,  
Булуг ундан тўкилган кул каби эди.  
Кунгирасининг сафи фалакдан баҳра олиб,  
Арш токига панжа урган эди.  
Деворининг таги ва хандаки жон эритадиган  
бўлиб,  
Борлиқ ва йўқликка пасту баланд бўлган.  
Унинг теварагида шуқуҳли бир хандақ бўлиб,  
Гўё тоғ атрофига жойлашган Уммон денгизи  
шаклини олганди.  
Унинг юкорисида фалакка хусумат қиладиган  
қалъа туриб,  
Холу малоси<sup>382</sup> унинг хандақ ва хокрези эди.  
Совут ичига бекинган аскар  
Бутун кўз бўлиб қузатувчи эди.  
Хар бир буржда бир гуруҳ туриб,  
Қалъадорлик қилиб ўлтирган эди.  
Девор забти учун юз эҳтимом билан  
Далил паҳлавонлар жой олган эдилар.

Иззат ва тамкинли хон зафарасар султонлар, шижоатли амирлар, баҳодирлар ва бошқа аскарлар билан ўша баланд номдор қалъа олдига келиб, боргоҳ қуббасини ой манзилига етказиб тикдилар. Карнай овози ва баҳодирлар хурушидан еру осмон ларзага тушди.

### Б а й т:

Довул ва сурнай овозларидан  
Ер осмон каби жойидан кўзғолди.

Эртасига подшоҳ, куёш чиққандан сўнг, ўша мустаҳкам қалъани тасхир қилиш андишасида

хукм қилди: «Шахзодалар, нўёнлар, сардорлар ва лашкарлар олдинга бориб, қалъани марказ каби ўраб олсинлар ва жойларини тайин қилиб қалъа очадиган асбобларга киришсинлар».

### ЗАФАРПАНОҲ СИПОХНИНГ САБРОН ҚАЛЪАСИДА ЖОЙ ОЛИБ ЎТИРИШИ ТАРИХИНИНГ ШАРХИ

Тенги йўқ хокон нусратпаноҳ сипоҳлардан бир гуруҳи билан шимол томонга иқбол байроғини кўтарди ва олам ҳамда оламиён кўзининг нури Абулфатх Абдулмўмин султонни ғарб билан шимол ўртасига қўйди. Жануб томонга сўл амирларнинг соясини туширдилар. Қалъагоҳнинг ўртаси уларнинг зўр шуқуҳидан оройиш топди. Ғарб билан жануб ўртасида унинг амирлар тўлиб тошган сипоҳлари билан турдилар. Жануб билан шарқ ўртасида эшик оқола жой олиб, қалъа очиш асбоблари билан турдилар. Султонзоданинг ўнг қўл тарафида ўнг эшик оқолари шижоат тифини суғириб жасорат найзасини тиклаб турдилар. Ўнг амирлари билан ўнг эшик оқолари ўрталарида чухра оқолари диловарлик совутини танга кийиб ва баҳодирлик дубулғасини бошга қўйган холда ором олдилар. Уларнинг ёнларида ҳамма амирзодалар журъат камарини белга боғлаб, мардлик билагини кўтардилар. Шунга ўхшаган жонбоз сипоҳлар ва тўфангчилар шижоат этагини белга маҳкам боғлаб, қучлари етадиган нарсани ўрнатишга киришдилар. Паҳлавонлик савлати билан душманларни зилзилага солиб, қувват ва шавкатлари хирманини шамолга учирдилар.

### М а с н а в и й :

Зафар хунарли, фатх ёрли,  
Арслон қарорли ва шер эътиборли хон  
Фатҳу зафар билан Улуғтоғдан қайтди.  
Иқбол билан тоғу даштдан чиқди.  
Саброн атрофи унга манзил бўлиб,  
Чодирни осмонга етказиб тиккандан кейин,  
Буюрди: «Шуқуҳли лашкару  
Далир баҳодирлар тўда-тўда бўлиб,  
Ўша Саброн қалъаси атрофида,  
Ой қўрғонлагандак саф тузсинлар».  
Искандарнажод хоннинг фармони билан,  
Сулаймонмакон, Фаридунбунёд хон амри  
билан,

Киёмат шукухли халқ ўлтирдилар  
Ўша тоғ каби қалъа атрофида.

Қалъа аҳли бу аҳволни кўриб ваҳшат туту-  
-31 бошига чикди. Бунинг чорасини шунда кўр-  
лпарки, ожизликни изҳор қилиб, шаҳзода-  
тарнинг остоналарига нисбатли кишиларни во-  
сита қилсалар, токи улар воситачилиги билан  
:нхазрат уларнинг гуноҳларидан ўтса. Аммо  
~айтон васвасаси уларни мағрур қилиб, бу  
гувофиқ йўлдан қайтарди ва онхазратга душ-  
манларнинг ўжарлик йўлида давом этганлари  
зоҳир бўлди. Онхазрат, биринчидан, Бухоро-  
га одам юборди, токи Иқим оталиқ Нурбек  
жахонгир ва бошқаларга бош бўлиб, тезликда  
аскаргоҳга етишсин. Шаҳзода Ибодулла сул-  
тон ва Исфандиёр султонларга ҳам киши юбор-  
ди. Улар Сузоқ<sup>383</sup> муҳосараси билан машғул  
эдилар. Сузоқ қалъасининг ишини онхазрат  
»:боран кишига топшириб, ўзлари тездан Саб-  
рон қалъасини қўлга олишга келсинлар. Бу  
:ўзнинг баёни шулки, Ибодулла султон хаз-  
рат соҳибқироннинг амрига амал қилиб, Са-  
риқсувдан сипоҳ билан Сузоққа йўналиб, қалъа  
гашқарисига чодир тиккан эди. Бобо султон-  
шюг қўйган кишилари тўхтовсиз қалъа дарво-  
заларини бекитиб қаршилиқ қилдилар ва за-  
Эарасар лашкар ҳам олдинга бориб, уруш оло-  
зини ёқдилар ва журъат қўлини шимариб,  
қалъани очишга киришдилар. Қалъадагилар  
нусратпаноҳ сипоҳни кўриб жазм билдилар-  
ки, тулки йўлбарсга тенг келолмайди. Шу-  
Шнг учун хотирларига катта хавф тушди. Ил-  
гари хазрат султонга нисбатан исён калимаси-  
Ш1 изҳор қилганларидан ва қилган журъатла-  
рвдан пушаймон эдилар. Ташқарига чиқолма-  
ганларидан, ожизлик қўлини узр этагига уриб,  
аёло хазрат остонасига киши юбордилар ва  
итоат қилганликларини арз қилдилар. Шу са-  
бабдан етти иқлим шаҳриёри муборакнома юбо-  
риб, буюрди: «Зафарнишон султонлар Сузоқ-  
ни юборилган кишига топшириб, ҳаракат  
байроғини Саброн томонга қараб кўтарсинлар».  
Улар йўлда бир қалъага етдилар. У мустақ-  
кам бир кўрғон бўлиб, Дашт сипоҳидан катта  
гуруҳ ўша қалъада ётиб, ўтган кетганларга те-  
гар эдилар. Султонларнинг хотирига ўша  
қалъани олиш хаёли тушди ва буюрдилар: «За-  
фарли Исфандиёр султон сипоҳлари билан ўша  
қалъани ўраб олиб, тамом эҳтимом билан му-  
хосарага киришсин». Қалъани муҳосара қи-

либ эдилар, қалъа аҳлининг баҳодирлари ха-  
бардор бўлиб, урушга киришиб, бу гуруҳ  
дафъига юз қўйдилар. Ўша воқеада маърака-  
нинг чангу ғуборидан қуёш сариқ юзли бўлиб,  
ложувард рангга айланди.

#### М а с н а в и й :

Шоҳ амри билан далир паҳлавонлар  
Ўша қалъа томон юз қўйдилар.  
Ва у девордан жанг мардлари  
Юқори ва пастда ишни ораста қилдилар.  
Далирлар ҳар бурчакдан туриб,  
Икки тарафлама сипоҳ тартиб бердилар.  
Тоғдан темир нағоранинг овози кўтарилиб,  
Ер отларнинг такаларидан эзилди.  
Ҳар томондан ўқ отишлари билан,  
Икки томондан жанг ғавғоси кўтарилди.  
Ўқ бургутлари қуйи ва юқоридан,  
Ҳар бурчакда тумшукларини очдилар.

Наввоб<sup>384</sup> Ибодулла султон баҳодирларни  
урушга қўзғотиб, Исфандиёр султон ҳам қалъа  
очишга кўп саъй ва ҳаракат қилар эди. Охири  
ғолиб аскар ҳамма томондан ҳамла қилиб, душ-  
манни мағлуб қилдилар. Биринчи ҳамлада  
ўшандай мустақкам қалъани қўлга олиб, хо-  
тиржам бўлдилар. Қаттиқ зарб билан душман-  
ларнинг ҳаёт дарахтлари илдизларини дунё-  
дан суғириб, аҳлу аёлларини асир олдилар ва  
ул мағрур тоифанинг ҳамма нарсаларини забт  
қилдилар. Хазрат султон мақсудни қўлга ки-  
ритиб, ғалаба билан Саброн томонга юрди.  
Йўлда қоровуллар бир кишини тутиб хазрат  
султон даргоҳига келтирдилар. Ундан душман-  
лар аҳволини сўраганда, шундай деди: «Мен  
Тоҳир султонга ҳамроҳ бўлиб, унинг узанги-  
сида юрар эдим. Кеча отим сустлик қилиб,  
ундан айрилиб қолдим ва зафарасар лашкар  
қўлига тушдим». Шунинг учун хазрат султон-  
ни Исфандиёр султон сипоҳларидан бир гуру-  
ҳи, масалан, Ҳасанхожа нақиб ва Ҳожибий  
оталиқлар билан уни топишга юбориб, ўзи қут-  
ли ўрду томонга йўл олди. Иттифоқо, Тавак-  
кал султон ҳам Окқўрғон<sup>385</sup> яйловида эди, си-  
поҳ ва лашкар отларини ўтга қўйиб забт қи-  
лишни унинг гарданига қўйган эдилар. У То-  
хир султоннинг Сўнғулук дарасидан ўтгани  
хабарини топди ва илғор қилиб унинг томони-  
га юрди, чунки Тангри тақдири шунга майл  
қилган экан. Жаноб султон хазрат соҳибқи-  
роннинг, яъни Абдуллахоннинг марҳамат ва

эхсонидан фойдаланиб келган кишиларни То-хир султонни тутишга юборган эди. Улар То-хир султонга етиб, уни танимаганлар. Итти-фоко, Таваккал султон Тоҳир султонга дучор келиб қолди ва уни тутиб Ибодулла султон-нинг хузурига етказиб, фахрланиш бошини юкори кўтарди. Ҳазрат султон унга подшохо-на инъомлар берди. Ойнинг йигирма бешин-чиси, панжшанба куни<sup>386</sup> уни нусратли хоқон-нинг олий ўрдусига олиб бордилар. Онхазрат уни кўрмасдан, яна Таваккал султоннинг ўзи-га топширди. Лекин икром кўзи билан Тавак-кал султонга қараб унинг кадрили баланд кў-тарди ва зарбофт чопон, қийматли тошлар би-лан безалган кулоҳ ва камар берди.

#### Б а й т:

Эхсону камарга олий кўлни очиб,  
Унга кўп танга ва кумушлар берди.

Хоқон яна буюрди: «Султонлар журъат юзини қалъани очишга ўгирсинлар ва химмат-ни қалъа фатҳига ишлатиб, урушга машғул бўлсинлар». Улар амрга мувофиқ олдинга бор-дилар. Ҳазрат наввоб Ибодулла султон кўп сипоҳ билан Кайвон айвонидан ҳам баландроқ чодирни ўрнатди. Шарқи-шимол ўртасига дав-лату иқбол шукухи билан манзил килди. Шарқ томонга Исфандиёр султон нусратнишон байро-ғини осмон куббасига етказиб, фахрланиш бо-шини Сидратилмунтаҳодан ўтказди. Ўша за-монда қимматчилик аъло ҳазрат ўрдусида шу мартабага етдики, ноннинг номидан бошқа ни-шонаси қолмади. Буғдой донаси қимматда мар-варид донасидан ўтди. Халойиқ озукасизлик-дан толдилар. Онхазратнинг олий раъйи Сай-рам аҳли билан сулҳ тузишга восита бўлган Шохимбий арғунни Сайрамга юборишга қа-рор қилди. Элчилик мазмуни шундан иборат: «Агар султонзодалар бизларга чинакам хиз-маткорлик ва фармонбардорликни гарданига олган бўлсалар, муносиби шулки, битталари зафарнишон ўрдуга келсинлар. Бизнинг одам-ларимиз ғалла учун у томонга борсалар, ғалла келтиришдан қайтариб, монелик қилмасин-лар». Жаноб амир, рухсат олгандан сўнг, Сайрам томонга жўнади ва элчилик мазмуни-ни баён қилди. Султонзодалар уни иззат қи-либ лойиқ жойга ўтказдилар ва ваъда билан неча кун сақладилар. Уларнинг хотирлари са-

хифасида уни ўлдириш ва камаш хати ёзил-ган бўлиб, амир уларнинг мақсадларидан бе-хабар эди. Лашкар кишилари туя ва хачир-ларни катор қилиб, ғалла олиб кетди. Иккин-чи дафъа бурунгидан кўпроқ киши яна ғалла олмоқчи бўлиб эдилар, ажиб ҳодисага юз кўр-сатди.

#### АМИР ШОҲИМБИЙНИНГ САЙРАМДА БАНДА ТУШГАНИ

Ақлли кишиларга махфий эмаски, инсонда *Холиҳишт* ҳукми ҳикмат юзасидан зоҳир бў-лади: кўпинча дунёда дин йўлида қурашувчи-лар, илм ва яқин мулкининг қахрамонлари меҳнат ва балога дучор бўладилар. Аввалдан Тангри йўли шундай эди, «Тангри йўлини ал-маштиришга йўл тополмайсан»<sup>387</sup> мазмунига му-вофиқ.

#### Н а з м:

Эй дил, меҳнат бандига сабр қил,  
Шундай қилганида жонни ҳалокат жойларидан  
кутқарасан.

Жаҳон доимо бир холда турмайди,  
Умид шулки, «Тангри меҳнат кетидан роҳат  
пайдо қилса»<sup>388</sup>.

Бу сўзнинг баёни шулки, тадбирли амир Шохимбий мақсудига етмади ва орзуси ушал-мади.

#### Б а й т:

Бало ўқининг олдида ўзини қалқон қиладиган  
киши  
Мақсуд гарданига кўлини халқа қилиб ушлайди.

Чунки, кўп бўладики, «сизлар бир нарса-ни ёмон кўрасизлар, холбуки, ўша нарса сиз-лар учун яхши, эҳтимол, яқинроқдир»<sup>389</sup> маз-мунига мувофиқ, бир нарса аввал пайдо бўл-ганидан ёмон кўринади, сўнгра басират кўзи билан назар солинса, яхшилиги билинади.

#### Б а й т:

Аввали қаттиқлик билан бошланган ҳар бир  
ишнинг  
Охири яхшиликдан бахт келтиради.

Бу мухтасар сўзнинг тафсили шулки, гайрамликлар жаноб амир воситачилиги билан онҳазрат ҳимояси соясидан жой олиб, олий марҳамат ва инъомларга етиб эдилар, ўша амир уларнинг аҳду паймонини бузмасликларига кафил бўлгани туфайли ўз ватанларида қарор олган эдилар. «Инсон тўқликка етганда ҳаддан ошади»<sup>390</sup> мазмунига мувофиқ, ёмон ниятлари, балки табиатларининг ёмонлиги шунга: либ бордики, ҳамма ҳуқуқларни орқага ташлаб, ниҳоятда нифоқу иттифоқ билан исён чикариш ва фитна кўзғотишга кадам қўйдилар ва маъракада қаҳрамонлардан саналган амир Шохимбийни ўлдиришга қарор қилдилар. Бу маънидан султонзодаларнинг оналари хабардор бўлиб, амир Шохимга киши юбориб, фитгани маълум қилди: «Шохимбий тезлик билан отга миниб, олий ўрдуга қараб йўналсин, чунки эшитилдики, Пўлод юзбеги бир қанча ёмон одамлар билан бу вилоятга юз қўйган эмиш, мабодо унинг сипоҳидан у яхши сифатли зотга бирор захмат етиб, бу тўғридан онҳазрат давлати этагига ор ғубори ўтирмаса эди». Аммо амир Шохимбий мардлик ва шижоат жиҳатдан бу кулфатасар хабарни эшитгани билан ўзига хавф келтирмай ва эътибор бермай турди. Охирда хушёрлик ва эҳтиёт риоясида оёқни узангига қўйиб, Сайрам вилоятидан кутли лашкароҳ томонга кўчди. Иттифоқо, икки манзил йўл юрганида тўсатдан душманлар сипоҳининг қораси кўринди. Шижоати кўплиги ва ору номус риоясидан уруш майдонида қаҳрамонлик кўрсатиб келган Шохимбий, Тангрига таваккал қилиб, далир паҳлавонларга буюрди: «Туя, хачирларни сипоҳ геварагига қалъа қилсинлар, кина камонини тамкин елкасига қўйиб, шижоат байроғини душманлар томонига кўтарсинлар». Бу ходисанинг шарҳи шулки, Шохимбий Сайрам атрофидан муборак ўрду томонга жиловни бурган ҳам эди, Муҳаммадий султон ғоятда катта жамиятли сипоҳ билан унинг орқасидан йўналди. Икки тараф бир-бирларига йўлиқишлари билан уруш оловига аланга бердилар.

#### М а с н а в и й :

Икки лашкар дарё каби бир-бирлари билан  
тўқнашиб,  
Неча минг уришувчилар бир-бирларига  
осилдилар.

Қалкон бало тортадиган тарозу бўлиб,  
Арслонни йиқитувчиларга ранж келтирарди.  
Хар томондан шерлар умрларининг ипини  
Далирларнинг ўткир тиғлари кесарди.  
Ханжарнинг чақ-чукидан  
Ўлим сабабли юраклар кўкрак кафасидан  
чиқарилган эди.  
Урушқоқ қўшинлар сулҳ юзига  
Тигдан девор қилган эдилар.

Шохимбий уларнинг борлиқ дарахтларини тириклик гулистонидан кўпориб ташлаш ва ялтироқ тиғ билан уларнинг вужуд хирманларига ўт қўйишни истаб, бир гуруҳ қаҳрамонлар билан шамширни ғилофдан суғириб, олдинга борди ва йўлни уларга танг қилди.

#### М а с н а в и й :

Хар томондан кон тўқувчи ханжарлар  
Махбублар ғамзаси каби кон тўқишга ўткир  
бўлган,  
Шермардларнинг кўкракни жароҳатловчи  
ўқлари  
Саркашларни ўлдиришдан букилиб, қонга  
ботган.  
Хар томонда мардлар отларининг жиловини  
тутиш учун  
Ажал элчиси ўқдай учган эди.

Ўша майдонда баёнга сиғмайдиган миқдорда пиёдалар ўқ захми билан йиқилдилар ва отлар туёғидан кўзғалган чангнинг кўплигидан кундуз қоронғу кеча каби бўлди. Икки томондан отилиб турган ўқлар учган юлдузлар каби ярақлар эди.

#### М а с н а в и й :

Жавшандан ўтадиган ўткур ўқларнинг  
кўплигидан  
Шамолнинг юришга мажоли қолмади.  
Қалконга қадалган ўқларнинг кўплигидан  
У осмондаги учар юлдузлар каби кўринар эди.

Амир Шохимбий уларнинг мудофаасини, ўқ захми ва билак кучи билан уларни тўзитиб юбормоққа қанча куч берса ҳам, фойда бўлмади. Лашкар захмдор бўлиб ўзларини четга тортидилар. Душман лашкари тўп-тўп, кетма-кет етиб келмоқда эди. Атроф ва теваракдан бирдан хужум қилдилар. Амир Шохимбий

М и с р а:

На халос юзи ва на уруш раъйи,

ночор урушдан қўлини тортиб, дилини бандга ва бошини камандга бериб асир бўлди. Уни Сайрамга олиб бориб бир неча кишининг мухофазатига топширдилар.

Б а й т:

Эй дил, даҳр балоларидан вафо исини ахтарма,  
Чунки бу хамроҳларнинг табиатида мурувват  
йўк.

Агарда аклу фаросатли кишиларнинг шундай ҳодиса пайдо бўлишидан эҳтиётда бўлишлари лозим бўлишига қарамай,

Н а з м:

Бўлиб турган хар бир яхши ва ёмонликка  
карасанг,  
Нажот қуроли шунинг ўзидадир.

Шу жиҳатдан амри Шохимбий қазага рози бўлиб, бошни таваккал ёқасига тортди.

Б а й т:

Йўловчининг юз хунари бўлса ҳам таваккал  
керак,  
Зийрак қуш тузукка тушса, сабру токат килиши  
керак.

#### ХОЖАМҚУЛИ ҚУШБЕГИНИНГ ХОНЛИКНИНГ БОШҚА ҚАХРАМОНЛАРИ БИЛАН МАНҚИТ ТОМОНГА ЮРИШИ

Ҳазрат хоқон, Тангрининг ёрдами билан, Улуғтоғдан қуёш талъатли байроқ ойини тўққиз равоққа етказиб, Хожамқули қушбегини зафарасар сипоҳлар билан Бобо султон аҳволини тафтиш қилиш учун Манқит томонга юборди. Чунончи, бунинг баёни юқорида анбарин қалам билан ёзиб ўтилди ва хоқон ҳукм қилди: «Зинҳор кундуз куни ҳаракат қилмай, кечаси юрсинлар ва мутлақо олов ёқмасинлар; ўзларида бўлган озуқа билан кифоялансинлар, токи бу аҳвол душманга маълум бўлиб, қочиб кетсалар, мақсуд қўлга келмай қайтиш тўғри келадиган иш бўлмасин». Зафарпаноҳ сипоҳ

икки минг отлик қаҳрамонлар билан илғор тарикасида йўналдилар. Душманлар аҳволидан хабар топмоқ учун эҳтиёт йўл босиб, Жигдалик<sup>391</sup>га етдилар. Улардан хабар келтириш учун бир тўда кишини олдинга юборган эдилар. Лашкар қоровуллиги хазрат султонзода Абдулфатҳ Абдулмўмин султон чухраларига қўшилган Нозик ўғлон бошчилигида эди. У бир гуруҳга бош бўлиб, душман орқасидан кетган эди. Нозик ўғлон бош бўлган қоровуллар душманга етишдилар ва мағлуб бўлиб чекиндилар. Зафарли сипоҳ бу ҳодисадан огоҳ бўлиб, сарсар шамоли каби душманлар кетидан чопдилар. Оккўлда<sup>392</sup> иқболли лашкар душманлар билан учрашдилар. Урушга тайёрланиб турганларнинг бошлиқлари Тўбичоқ Сайил ўғли ва Қулмон чухра оқоси эди. Икки томон бир-бирларига тўқнашиб, дарё каби мавжга келдилар. Душман бор кучи билан ҳамла қилиб, нусратли лашкарни ўққа тутдилар. Булар уларнинг ўқларини қалқон билан қайтариб, тиғ, ханжар, найза ва шамширлар билан ўша хокисорлардан бир гуруҳини маърака тупроғига қориштирдилар ва Қулмон чухра оқосининг боласини ҳам ўлдирдилар; ахлу аёл ва бошқа нарсаларини тасарруфга оддилар. Урушдан бўшаганларидан сўнг, ўлганларнинг бошларини йиғиб минора қурдилар. Тўққизта калла ва бир тирик кишини қаҳрамонлардан бири орқали шахриёр даргоҳига юбордилар ва ўзлари қолган душманларни топмоқ учун йўлга тушдилар.

Ўнинчи куни Қорақудукка етиб, бу жойда Бобо султон Манқитга кирди, деган хабарни эшитдилар. Бу ердан олдинга бориш ҳақида хон фармони бўлмаганидан, учинчи манзилда яна Бобо султонга қарашли бир гуруҳга дуч келдилар. Хожамқули қушбеги бошқа сипоҳлар билан сарсар шамоли каби юрадиган отларга миниб ва паҳлавонлик жавшану дубулғаларини кийиб, душман томонга йўналди. Икки тарафдан уруш олови аланга олди; душман сипоҳлари тоғ каби мустаҳкам туриб, найза ва шамширга қўл узатдилар ва ҳамла қилдилар. Зафарасар лашкар ҳам чопиб, найза, тиғ ва шамшир захми билан кетма-кет ҳамлалар қилиб, охири душман устидан ғолиб чиқиб, кўп кишини ўлдирдилар. Уларнинг ахлу аёл ва молларини қўлга олдилар ва мўътабар кишилардан биттасининг бошини Саъид Муҳаммад олачопон орқали олий даргоҳга юбордилар.



Хожамқули наймаини ўзлари билан ҳамроҳ қилиб қасд билагини кўтардилар. Манзиллар ўтиб, Сиғноқ юқорисидаги Еровуз тўқайига етдилар ва Хонқулибий дўрмон қамалиб ётган мустаҳкам қўрғон томонга юзландилар. Кўп урушлардан кейин уни ҳам матолари, қўйлари, отлари ва бошқа ҳайвонлари билан асир қилдилар. Жумод ул-аввал ойининг охирларида<sup>393</sup> асирларни олий даргоҳга келтирдилар. Онҳазрат Хожамқули қушбеги ва бошқаларга лутфу марҳаматлар кўрсатиб, ҳар биттасини подшоҳона инъомлар билан шод қилди. Хон оуюрди: «Хожамқули қушбеги ҳиммат билагини кўтариб, мурчил учун муносиб жой қилсин ва журъат этагини белга маҳкам қилиб, қалъани қўлга олиш тадбирини кўрсин. Кундан-кунга мурчилни олдинга суриб, хандақдан ўтказсин. Сўнг девор остига етказиб, қалъа буржларидан бир четини тешиб ўзига жой қил-пш».

#### **ХОННИНГ ИККИНЧИ ДАФЪА САБРОН ҚАЛЪАСИ АҲЛИГА НАСИХАТ ҚИЛИШИ ВА У ФИТНАЧИЛАРНИНГ ЯНА БОШ ТОРТИШЛАРИ**

Шу замонларда онҳазрат иккинчи марта Кулбобо кўкалтошни қалъа аҳли томонига юборди ва шу мазмунни етказди: «Бизларнинг жаҳонгирлик ишида эҳтиёткорлигимизни эшитгансизлар ва ақлли кишиларга махфий эмаски, номдор султонлар лашкар тортиб қалъалар ва шаҳарларни очишдан ва сафар машаққатлари ва заҳматларини ўзига муносиб қўришдан ғараз ва мақсади номусу нангдир, бўлмаса кишига яримта нон кифоядир. Бу муқаддимадан мақсад шулки, қаршилик бисоти ёзилмасин ва жанжал йўли тамоман бекилсин, токи Тангрининг омонат топширган фуқаро ва раъийяти соғу саломатликда бўлиб, ўлдирилиш, талону ғоратдан омонда бўлсинлар. Шундай бўлмаса, уларнинг уриниш ва тиришишларидан бу вилоятларнинг бинолари бузилиб, халқ ҳолига тамом паришонлик йўл топмасин.

#### **М а с н а в и й :**

Мадоро йўлидан тинчлигу,  
Хусумат йўлидан бетинчлик пайдо бўлади.  
Буларни сенга кўрсатдим, ақлни ишга сол,  
Шу икки йўлдан қайси бирини ихтиёр қилсанг,  
ўшани ол».

Аммо Жонпўлод мизожи ва табиати ёмонлигидан бу насихатларни қулоққа олмади. Қалъа аҳлини хон лашкарларининг дафъига тарғиб ва ташвиқ қилиб, буржу деворни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди; кечаю кундуз урушга тайёргарлик кўриб, доимо сипоҳ ва раъийятга дил бериб айтар эди:

#### **Б а й т :**

Урушга мардонавор ҳаракат қилиб ва тушуниб,  
Жон томирини ҳаракат билан мустаҳкам  
қилинглар.

Бўйин товловчи томон қаршиликда давом этиб туришларидан онҳазрат қаттиқ аччиқланиб, қалъа аҳлини дафъ қилиш ва фасодчиларни ўртадан кўтариб ташлашга бурунгидан кўпроқ эҳтимом қилди ва қалъаларни тасхир қилишга қайси тарзда бўлса, тадбирига киришди. Шу замонларда қуёш Саратон буржида бўлиб, иссиқ қаттиклигидан гўё ер юзига олов палоси ёзилган ва ҳавонинг қизишидан кондаги майда тошлар анорранг ёқут тусини олган эди; биёбон кишининг доналари аланга сингари товланар эди.

#### **Н а з м :**

Бу аҳвол шундай бир ҳолда эдики,  
Дарёда балиқ оғзидаги тош иссиқдан мумдек  
эрир эди.  
Бадахшон конидаги гавҳарлар қуёшнинг  
тобидан эриб,  
Тошдан ташқарига чиқар эдилар.  
Турна сувдан қуруқликка учиб чикса,  
Тобада ковурилган балиқдек бирён бўлар эди.

Искандар мартабали хон отга миниб, зафарли сипоҳнинг мурчилларига бориб, мумкин қадар қалъа фатҳига ҳаракат қилар эди. Шу пайтда ҳазрати олийларининг қутлуғ қулоқларига етказдиларки, Тохир султоннинг бир гуруҳ дўстлари уни банддан халос қилиш хаёлида бўлиб, бундан ортиқ бандда ётқизиб қўймоқчи эмас эканлар. Шунинг учун Тохир султоннинг оёғига оғир банд солиб, олий даргоҳга келтиришларини буюрди. Давлатхона олидида бир чоҳ қаздириб уни ўша чоҳга солдилар. Шунингдек, ўша вақтда олий қулоққа етдики, Иқим оталиқ марҳум устод Рухий ва бошқа устод қуйган қазонларни келтирган ва

Саихун сувидан ўтиб қутли ўрдуга йўналганлар. Бухоро ва Туркистон оралиғида бир тўда бебошлар ўтган ва кетганлар йўлини тўсар эдилар. Кишилар ўтмоқдан кўрқар эдилар. Амир Иқим уларнинг шавкат ва қувватларини эътиборга олмай, буйрукка биноан, онҳазрат томонга юз қўйди. Хоннинг бағоят марҳаматига қаттиқ умидвор бўлган бир жамоа билан шамол каби ўша даштдан ўтди ва чакмоқдек тез юриб, онҳазратнинг оёғини ўпиш шарафига етди. Жумод ус-сонийнинг ўнинчиси, сешанба куни<sup>394</sup> Иқим оталиқ соҳибқирон олий остонасига ариза юбориб, қазонлар етишганлиги хабарини билдириб, мадад етказишни сўради. Онҳазрат Кулбобо кўкалтошга нағора ва карнай билан қазонларни кутиб олишни ва қутли ўрдуга етказишни буюрди. Мазкур амир бир гуруҳ нурсатпаноҳ сипоҳ билан улар томонга бориб қазонларни қўлга олди. Қиёматасар карнайнинг овозидан дарё ва кўрғон ларзага тушди. Нағора ва карнай садосини фалакка етказиб осмон кўк гумбазидагиларнинг қулоқларини кар қилди. Аждар суратли оғзини очса оламни ўт олдирадиган қазон шакл тўпларни салобат ва шавкат билан Саброн атрофига етказдилар. Уларни ўрнатиш учун муносиб жой тайин қилдилар. Қалъа аҳли кам бўлсалар ҳам, озукасизликдан ўлишга етган эдилар. Чарм ва эски териларни еб жон сақлар эдилар. Бу воқеани кўриб ичларига кўрқиш олови тушиб, кўзларидан ҳасрат чашмаси оқар эди. Ўша куни амир Иқим нурсатпаноҳ даргоҳга етиб остона ўпишга восил бўлди, тухфа ва ҳадялар тортиб, улуғ хоннинг соғу саломатликларини сўради. Эртасига хон буюрди: «Раъд отувчилар, манжаниқсозлар уруш оловини алангага келтириб, қазон тўпларни қалъага тўғри қилиб уни хароб қилиш ва душманларни кўрқитиш учун тош отсинлар». Ўша куни устод Рухийдан кейин тўп бошлиғи мансадига етишган Мирак тўпчибоши ҳам олов ва тўфанг андозалари билан қалъанинг бино, уй ва деворларини вайрон қилдилар.

#### М а с н а в и й :

Замон ҳукмдорининг амри билан,  
Фаррух рухлик шаҳаншоҳнинг фармони билан  
Арродаю манжаниқни ўрнатдилар.  
Душманни ўтда ёндирмоқ учун  
Аждар шаклида оғзини очиб,

Пасту баландни ўт олдириди.  
Ҳар бир отилган тошдан  
Қалъа кунгирасининг боши тушар эди.  
Қалъа ичида шуълаланган оловдан  
Унинг кунгиралари анор гуллари каби  
қизарди.

Осмонга йўл тутган тутундан  
Ер осмон балоси йўлини тўсди.  
Уруш тўфангларининг барчаси иссиқ ва  
саркаш,  
Ҳаммалари олов дарёсининг наҳанглари  
эдилар.  
Ҳангомани қиздирувчи тўфанглар дудидан  
Кундуз юзига кеча пардасини ташлади.

Ўқ, тўфанг, тош манжаниқ ва замбараклардан мустажоб бўлган дуо каби енгиллик билан юқори кўтарилиб, осмондан келган ногаҳоний балодек соҳибқирон душманларининг бошига тушар эдилар. Қонсираганлар ҳам содир бўлган ҳодисадан ғофил, ою йиллар ҳодисаларидан беҳабар раъду чакмоқдек наъра ва хурушга келиб, ерга зилзила ва осмонга ғулғула солдилар. Юқоридан дўл шаклида жаҳонгир лашкарлар бошига тошу ўқ ёғдирав эдилар. Уларнинг гумонлари шу эдики, Бобо султон тирик ҳолда яна уруш майдонида қаршилиқ отини ўйнатиб, тескарилиқ маъракасида муқобиллик байроғини кўтарди, деган умид билан тобелик ва бўйин беришга қадам қўймадилар, итоат йўлидан қаршилиқ томонга ўтиб турдилар. Уларнинг бу ҳаракатларидан онҳазрат ғазабининг олови ғоятда аланга олиб, фасоҳатли тилни сўзга очиб буюрдики, «Ҳеч вақт қўлни сабр этагидан нарига тортмаймиз; чидам ва оғирлик оёғини сабр этагидан бошқа нарсага ўрамаймиз. То матлаб келини ғайб бурчагидан беайб юзини кўрсатмагунча, зеро, муқаррардирки, «сабр кушойишнинг калидидир»<sup>395</sup> мазмунига мувофиқ, ҳеч бир муроду мақсад эшиги сабр калидисиз очилмайди ва ҳеч бир умид дарахти сабр шамоли бўлмаса мева бермайди. Сабр ҳар ранжга даво берувчи ва ҳар ганж тилсимини очувчидир. Ҳар аламнинг ичида қарам бор ва ҳар маломат остида қаромат.

#### Б а й т:

Эй дил, агар гам оловига сабр қила олсанг,  
Давлат чироғини шу шуъладан ёқа оласан».

Сўнг хон буюрдики, «Тешиқ қазувчилар

тез тумшукли кетмонлар билан тешик ковлашга киришсинлар ва сувдек ер каваклариди йўл очсинлар. У йўлни хандақ остидан ўтказиб ва қалъа деворининг рўпарасига етказиб, шипига устунлар қўйсинлар, токи ҳар қачон керак бўлса, ичига ўтин ва нафт тўлдириб, ўт қўйиб юборилади». Олий фармонга мувофиқ, қазувчилар андақ вақтда хандақ атрофини ғалвир каби тешиқ қилиб, сўнг чиқариб юбордилар; метин ва темир ҳарбах<sup>396</sup>лар билан ковлашга :эз тутдилар.

#### БУХОРОДАН ХОЖА ДЕВОННИНГ ВА ҚАХАТ ДАҒЪИ УЧУН ҒАЛЛА САВДОГАРЛАРИНИНГ КЕЛИШИ

Зафарасар лашкар жуда кўп эди. Бухоро йўли ғоятда узок бўлиб, манзиллар нообод эди. Зафарпаноҳ сипоҳ ўзлари билан бирга келтирган озуқалари тугаб, тирикчиликка энг зарур озуқа ва овқат камлиги сабабли каттаю кичикда хотирпаршонлик юз берган эди. Музаффар натижалик аскарлар ўз ҳолларига музофиқ шу мақолни тараннум қилар эдилар:

#### Н а з м:

Бу базмда ҳеч бир нашъа йўқ,  
Рух енгиллиги эшикдан кирди-ю, оғир тошга  
айланди.

Неча замон ва қанча муддатдан бери Бухоро ва унга тобе ерларнинг вазирлиги қўлида :ўлиб, жаноби подшоҳни риоя қилиш билан Гирга, раъийят тинчлигини ҳам кузатиб келган Осафнишон Хожа Камолуддин Хусайн девон ражаб ойининг биринчи кунда<sup>397</sup> тухфа ва ҳадялар билан олий даргоҳга келди. Шу кун хонга кўриниб, оёқ ўпиш саодатига етди ва савдогарлар орқали аскаргоҳга кўп ғалла еткизди. Келтирилган ғалладан кўп кишилар мамнун бўлдилар ва фойда кўриб, фароғатда Ф кечирдилар.

#### БОБО СУЛТОННИНГ МАНҚИТДАН ҚАЙТИШИ ВА СОХИБҚИРОН ДАВЛАТИНИНГ КУЧИ БИЛАН ТАВАК- КАЛ СУЛТОН ҚўЛИДА ЎЛДИРИЛИШИ

Олам фозилларининг замирларига ва оқилларининг хотирларига равшан ва маълумдирки, азалий оламда ва лам язали<sup>398</sup> хукмида

муайян ва муқаррар бўлганки, ҳар қийинчиликка ишрат бор ва ҳар бир каттиқлик кетидан юмшоқлик бор<sup>399</sup>.

#### Н а з м:

Агар таҳқиқ кўзи билан карасанг,  
Равшан бўладики, Тангрининг фазлига ниҳоят  
йўқдир.

Ҳақ таоло эҳсонининг камолидан  
Ўз бандаларига иноят ва меҳрибончилик  
қилмаган бир ҳол йўқдир.

Лутфи кўп, навозиши тўла,  
Дилида ақлу дониш йўқ киши бечорадир.  
Тангри каломиди, яъни Қуръонда айтилганки,  
«Тангри машаққат кетидан осонлик беради»<sup>400</sup>.

Агар бу сўзнинг маъниси яхшилаб фикр қилинса, ундаги латифалар ва ишоратлар маълум бўлади: Биринчиси «син» харфидир. Бу осонлик ва хурсандлик тездан келишига ва машаққатдан сўнг шоду хурсандлик таҳқирсиз бўлишга далолат қилади. «Тангри ваъдага хилоф қилмайди»<sup>401</sup>. Иккинчидан, «уср»ни (қийинчиликни) «юср» (қулайлик)дан олдин келтиради. Агар юср олдин бўлиб, уср кейин бўлса эди, хурсандлик орқасидан машаққат бўлиб, ҳеч вақт хурсандчилик татимас эди. Учунчидан, ҳар бир қийинчиликдан кейин осонлик сезилиши зарурийдир, чунки мусибатлар ва каттиқчиликлардан кейин дилнинг роҳатланиши бўлади.

#### Қ и т ъ а:

Ҳажр ғами билан бўлган васл томошаси қандай  
мушқул нарса,  
Дўстга етишиш умиди бўлганда, ундан  
айрилиш осон сезилади.  
Сўз топадиган кишига ташналикдан нима ғам  
бор?  
Охирига етиши умидли бўлган йўлни узок  
дема.

Ҳақ таоло «Албатта, қийинчилик кетидан енгиллик бор»<sup>402</sup> деди. Шунинг учун Қуръон тафсир қилувчилар айтдилар: «Қаерда бир машаққат бўлса, иккита осонлик бўлади, чунки араб тили қоидаси бўйича, бир калима алиф ва ломли маърифа ҳолида қайтариб айтилса, иккинчиси аввалгисининг фарди деб биладилар. Агар алиф ва ломсиз, накираҳ ҳолида,

накирах такрорланса, бошқа деб биладилар. Масалан, уср маърифа холида қайтариб зикр қилинади ва юср накирах холида қайтариб зикр қилинади. Мазкур қоида бўйича бир уср, яъни бир машаққат бўлганида, икки юср, яъни икки хурсандлик бўлади. Демак, бир уср кетидан икки юср борлигига ишорат бўлади. Пайғамбар сўзи ҳам шу маънини қувватлайди, чунки Пайғамбар: «Ҳеч қачон бир уср икки юсрдан ғолиб бўлмайди»<sup>403</sup>, деган.

#### Қ и т ь а:

Азиз ва жалил Тангри карами кенглигидан  
Сенга бир муомалада икки нарса беради.  
Унинг бениҳоят фазли раҳматидан, не таажжуб  
борки,  
Бир машаққатдан икки осонлик келтирса.

Бу ҳикоя ва бу ривоятдан ғараз шулки, кўп вақтдан бери онҳазрат исёнчи душманлар, хусусан Бобо султон тарафидан қанча зулму ситамларни кўриб, сабр қилиб келмокдалар. Шундай ходиса ва воқеалар юз берганда хоқон оёғини сабр йўлига маҳкам қўйди. Оқибатда Тангри таоло онҳазратни барча мақсудига етказиб, ўша ёмон фасодчи тоифани хавфу хатар остида қолдириб, борлиқ оламидан йўқлик даштига ҳайдади ва тамоми Мовароуннаҳр ва Туркистонни онҳазрат ўз ихтиёрига олди.

#### Н а з м:

Юз минглаб гўдакларнинг бошлари кесилди  
Тангри каломини эгаллагунча.

*Борий* таоло фазлидан умид шулки, «меҳнат олийликларни келтиради»<sup>404</sup> мазмунига мувофиқ, бутун жаҳонни онҳазрат тасаруфига киргизгай.

#### Б а й т:

Умид борки, қуёш каби ҳазрати хон,  
- Тиг зарби билан тамоm жаҳонни эгаллайди.

Бу сўзнинг тафсили шулки, Бобо султон давлатининг биноси ларзага тушиб, икболи орқага кетди. Мамлакат келинини қайтиб ололмайдиган қилиб, учталоқ қилди ва оёғини ғайрат тахтидан олиб, мискинлик чуқурига ту-

ширди, ҳамма молу мулкени онҳазрат наввобига бериб, аҳлу аёли билан Манқитга борди. Ўша жой ҳокимлари пешвоз чиқиб, меҳмондорчилик шартларини ўрнига қўйдилар ва лойиқ зиёфатлар қилдилар. Бу воқеадан бир неча кун ўтгандан кейин, Бўзахўр султон табиатининг ёмонлигидан Бобо султонга айтди: «Ҳали даргоҳингда жамият катта ва аскарларимиз бақувват. Хотирга шу келди: хийла билан ўтиришамиз, деб Манқит ҳокимларини зиёфатга чақирсак. Улар беҳабар ўтирганларида, уларга қасд қилиб ўлдирсак; кейин бир неча кун бу атрофга эга бўлиб, қараб турсак: ғайб пардасидан қандай ходисалар юз берар экан?»

#### Н а з м:

Гумроҳлик даштида адашиб,  
Тангрининг нуруни ўчирмоқ ўчун  
Эшик очган бир қадам  
Тангри нури билан ўз нуруни тўлдиришдан  
ғофилдир.

Замона у беҳушларнинг қулоқларига: «Дил экинзорига хиёнат дарахтини қанча эксаларингиз ҳам, хотирга малол келтиришдан бошқа мевани термайсизлар. Макр уруғини қанча сепсаларингиз ҳам, дилга оғир юкдан бошқа ғалла кўтармайсизлар», дер эди.

#### Н а з м:

Дўстлик дарахтини ўтказгин, мақсуд мевасини  
беради,  
Душманлик кўчатини суғуриб ташлагил,  
у беҳисоб ранж келтиради.

Аммо ҳасад уларнинг хотирларига чиқариб бўлмайдиган даражада жойлашган эди. Бундай найрангларнинг таъсири йўқ эди. Жамоани таги билан кўтарилиши қазо ва қадарда муқаррар бўлиб, шунинг учун ҳам қайси жойга юз қўйсалар, кўкракларига қайтариш мушти тегар эди.

Алқисса, бу сирдан огоҳ бўлган мардумнинг баъзиси Манқит ҳокимларига етказиб айтдиларки, «Бу алдоқчи гуруҳ хиёнат қилмоқчи бўлиб, хаёлларига макру хийла жойлашган. Сизларга зарар етказмоқчилар. Эҳтиёт эшигини маҳкам қилинглар». Манқит мирзолари буларнинг андишаларидан огоҳ бўлиб, дархол I жамият йиғиб кенгаш қилдилар ва

## М и с р а:

Олдин ҳаракат қил, олдин қилган ҳаракатнинг  
бадали йўқ

мазмунини кўз олдига келтириб қарор қилдилар: «Манкит сипоҳларидан қайсилари Бобо султон лашкаридан кимга қариндош бўлса, унинг холини риоя қилиб, битта-битта душманларидан айириб олсинлар. Душман лашкари бўлаклангандан кейин, уларнинг бошларига чопсалар, бу ҳолда, казо ёрдам берса, Бобо султонни бошқа султонлар билан тутиб, онҳазрат хизматига юборсинлар». Шу маънида иттифоқ бўлиб, иккинчи куни ўша ер халқи Бобо султон ўрдусига бордилар. Ҳар бирлари ўз хешларини ҳурмат билан ўз томонларига олиб келдилар. Ҳали торожу талонга қўл чўзгунларича йўқ эди, аркони давлат ва амирлар тарадудга тушган эдилар, бир киши манғитларнинг қарорларини Бобо султонга маълум қилиб, уларнинг ҳийла ва найрангларини ўртага қўйди. Буларга хавфу даҳшат юзланиб,

## Н а з м:

Икки кўзи кўришдан шундай хира бўлдики,  
Унинг олдида жаҳон қоронғу бўлди, дер эдинг,

дастлаб, баъзи амирларнинг кўрсатишига биноан, Турага<sup>405</sup> бормоқчи бўлдилар. Аммо бетадбир бир гуруҳ айтдики, «Бирданига ҳашамат ва мартабадан қўл узиш, тожу тахтни бошқаларга бериш маслаҳат бўлмас. Ҳали мамлакат атрофида лашкаримиз кўп, хизматчи ва кучлар бениҳоят, энди, аввало шулки, вилоятга бориб, уларни ўзимизга иттифоқчи қиламиз, катта жамият билан Шохрухияга борамиз. Дўстим султон ва Мухаммад Мўмин султон ва бошқалар унинг атрофида ўтирибдилар. Бизлар душманлик ва кина камарини белга боғлаб, азимат байроғини кўтарамиз. Онҳазрат бизларнинг у ёққа борганимиздан хабардор бўлиб, Саброн камалидан қўлини тортиб, отининг жиловини биз томонга буради. Қалъа аҳли бу тадбир сабабли ўку тошдан халос бўладилар». Бобо султон бу фикрни маъқул топди ва даҳшату хавф билан Туркистон томонга юз қўйди. «Қоронғуда тиғ тортиб, йўлбарс оғзига бординг», дегандек ва «қочиш жойи қаерда?»<sup>406</sup> деб қочишни туришдан

ортиқ кўрди ва ўлимдан халос бўлишни шундан кўриб, вилоятга йўналди. Аммо шундан ғофил эдики, ажал кўрбошиси ёқасидан тутиб, чоптирган ҳолда, уни тиғ остига олиб борарди, казою қадар пиёдаси уни камаридан тутиб, йўқлик дори остига тортарди.

## Б а й т:

Сенинг ҳукмингдан ким бош тортса,  
Ажал унинг ёқасидан тутиб тиғинг остига  
келтиради.

Бобо султон қанча йўлу даштларни кезиб, Сифноқдан ўтиб вилоят атрофида тўхтади. Бу тўхташнинг сабаби шундай эди. Ўша манзилда Бобо султонга арз қилиб, дедиларки, «Маишат асбоби бўлмаса, тирикчилик яхши бўлмайди, Туркистонга киши юбориб, ахволимизни маълум қилсак ва улардан либос сўрасак, токи қийинчиликдан кенгликка чиқиб, фориғболлик билан Ахсикат томонга йўналсак». Шунинг учун Бобо султон қалмоқлардан икки кишини махфий суратда Туркистонга юборди. Юборилганлар Туркистонга бориб, Бобо султон ва бошқалар талаб қилган либосларни олиб қайтдилар. Иттифоқо, онҳазрат Абдуллахоннинг амри билан икки-уч кун зафарпаноҳ аскардан ташқарида, теварак-атрофда қоровуллик қилиб турган султонзода Таваккал султон қозоқнинг мулозиматига учраб қолдилар. Тафтиш қилингандан кейин Бобо султон воқеаларни ва бошқа хешлари билан қайтганини бирма-бир айтиб бердилар. Таваккал султон у ҳолдан хабардор бўлиб, тўхтовсиз онҳазрат томонига киши юбориб, воқеа суратини хабар қилди. Онҳазрат томонидан мадад етишидан олдин, қозоқ ва сипоҳдан бир гуруҳ билан бирликда, душманларга нисбатан анча кам бўлсалар ҳам, ҳаракатга келдилар; Тангрига таваккал қилиб, ўша қалмоқларни ажузчи қилдилар ва ҳиммат билагини Бобо султонни топишга кўтардилар. Иттифоқо, буларнинг боришлари Бобо султон ва Бўзахўр султонларнинг хомтамалик билан ош пишириш хаёлида юрган<sup>407</sup> пайтларига тўғри келди. Узокдан нусратли сипоҳнинг қораси кўзларига кўриниб қолди. Фикру ҳайратга тушиб, ғам лашкари кўкраклари сахнини босди. Очикдан-очиқ билдиларки, уруш майдонидан нусратасар лашкарга муқобил туришга товлари келмайди; шер-

га хийлаю найранг ишлатиш фойда бермайди. Шунинг учун қочиш йўлини ихтиёр қилдилар.

### М а с н а в и й :

Қачонки киши дарё суви билан олишмоқчи бўлса,  
Тўлиб тошади-ю, лекин у оқил одам эмас.  
Дарё тўлқинланиб жойидан қўзғолса,  
Ҳатто тез юрувчи оловнинг ҳам нафаси ўчади.  
Ойнинг ярақлаши қанчалик бўлмасин,  
Барибир қуёш ботганда бўлади.

Шижоатда дам уриб, Бобо султон билан иттифоқ бўлиб юрган Бўзахўр султон аввал бевафолик йўлини тутиб ва кишилик кўзига бемуруватлик тупроғини сочиб, Бобо султондан ажралди ва уни хавф-хатар чуқурида қолдириб, ўзи Сайрамга йўналди. Унинг ҳоли яқинда зикр қилинади.

### Н а з м:

Даҳр балоларидан Наҳлийга ўхшаб меҳр  
ахтариб юрма,  
Меҳру вафоли киши оламда йўқдир.

Ҳеч бир кишининг ошнолигига кўнгили кўйиб бўлмайди ва ҳеч бир ёрнинг ёрлигига эътимод қилиб бўлмайди.

### Н а з м:

Бу кўриб турганинг дағал дўстлардир.  
Ширинлик атрофига кўнган пашша  
кабидирлар.  
Таоминг бўлганида еб-ичиб,  
Аридек атрофингда қайнайдилар.  
Кейин қишлоқ хароб бўлиб,  
Чўнтак рубоб қосаси каби бўшаб қолса,  
Сухбатингга келмайдилар ва дилдорлик  
қилмайдилар,  
Шундай гумон қиласанки, аввалда дўстликнинг  
ўзи бўлган эмас.

Аммо Бобо султон ахволни шундай кўриб, бу ҳодисалар қуёшининг қиздиришидан бошини панага олиб, дилни эса узувчи хатардан қиличу найза ёрдами билан нажот топишни истади.

### Н а з м:

Зарурат вақтида қочишга йўл қолмаса,  
Кўл ночор қиличнинг дастасини ушлайди.

Охир билдики, қочишдан бошқа чора йўқ экан. Шунинг учун ўз ўғли Латиф султон билан видолашди ҳамда юзини кўрқувдан қаҳрабодек сарғайтириб, шамолдан тўпланган сомон каби паришон бўлди ва Жонмуҳаммадбий оталикка айтди: «Бу балодан халос бўлишни шу тоғда кўраман, чунки фитна қўли унинг этагига етолмайди. Икковимиз шу тоққа чиқиб, юкимизни бу ҳалокат дарёсидан четга чиқарайлик».

Махфий эмаски, бу ҳикоя Нух пайғамбарнинг, унга салоту саломлар бўлсин, ўғли Канъон ҳикоясига ўхшайди, чунки ҳазрати Нухга ваъда қилинган тўфон замони етди: сув танурдан шовуллаб чиқиб, тўфон балоси бошланди. Ҳазрат Нух унинг жавобиди: «Бу кун Тангри амридан бошқа саклайдиган нарса йўқ, магар худойим саклаган кишигина сакланиб қолади», деди. Ота ва ўғил шундай сўзлашиб турганларида, ўрталарига тўлқин кириб бола фарқ бўлди. Тангри айтади: «Икковларининг ўрталарига тўлқин кириб, Нух ўғли фарқ қилинганлардан бўлди»<sup>408</sup>.

Алкисса, Бобо султон чакмоқ каби чопқир отига миниб, саросималикда, Жонмуҳаммад оталиқ билан бирга, тоғ томонга юзланди. Шамолдан тез чопувчи оти ҳалокат жойидан чиқарармикин, деб қанча зўр берса ҳам, бу муяссар бўлмади. Гўё отининг оёқлари кишанланган ва халос йўли тўсилган эди.

### Б а й т:

Султонлик отининг баланд боши осмонга етиб,  
Тезликда сарсар шамолидай бўлса ҳам, охири  
оёқдан қолди.

Таваккал султон ва баъзи аркони давлат ва аъёни Бобо султон орқасидан бориб, бир-бирларига тўқнашгандан кейин, Бобо султон ва Жонмуҳаммадбий музтар бўлиб, ўқу камонни қўлга олдилар. Икки тарафдан ўқ бургутлари камон уясидан уча бошладилар. Уруш ўртасида ногоҳ қонхўр ўқ паришон рўзғор Бобо султоннинг жончиқар жойига тегиб, отдан ерга йиқилди ва шу ерда жони узилди. Неча йил-

лар душманлик ариғи лабида бош кўтарган эрзуси дарахти ҳодиса шамоли билан букилиб қолди; икболининг олови бутун умр жанжал фалаки авжига кўтарилиб келган эди, зумуррад ранг тиғ суви билан ўчиб қолди.

#### Н а з м:

Камон каби эгри бўлиб сенга вафо қилишдан  
бош торган кишига  
Ўқдан бошқа нарса муносиб бўлмайди.

Зол ўғли Рустам ва Сом Наримонга тенглик лофини урувчининг бошини танидан жудо қилдилар.

#### Н а з м:

Сендан товланган бош зулф каби кесилсин,  
Сендан товланган юз хол каби қора бўлсин.

Ражаб ойининг ўн еттинчиси, сешанба кунини<sup>409</sup> Таваккал султон Бобо султон ва Жонмухаммадбийларнинг бошларини, Латиф султон за баъзи асирлар билан биргаликда, олий даргоҳга келтириб, тахтнинг оёғига ташлади ва хизматкорлик заминини ўпиб, арз қилди:

#### Н а з м:

Мен душмандан олов кўзғотиб,  
Шоҳ икболи билан унинг конини тўқдим.

Ўша куни саодат ва бахт ойи қудрат фалагидан юз кўрсатиб, яхши кун юлдузи қувват матлайдан тулуғ қилди. Бахту давлатнинг башорат берувчиси улуғ мақсадларга етиш бажуратини етказди.

#### М а с н а в и й :

Башорат билан жаҳон беҳиштга айланиб,  
Туби дарахтининг шоҳи ғалаба мевасини  
берди.

Ғалаба куни қуёшдан равшанлик олиб,  
Давлат боғи фалақдан баҳорни кўрди.  
Кўм-кўк чархнинг тутуни  
Фатҳнинг кескир тиғи зангини тамом  
тозалади.

Онҳазрат мамлакат фатҳларининг зебу зезари бўлган бу қутли фатҳни Яратувчининг

лутфидан ва осмони саодатдан деб билиб, олий зотга ташаккурлар қилди ва замона тилини очиб, «қутли бўлсин!» овозасини осмонга етказди.

#### Н а з м:

Бу «қутли бўлсин!»нинг севинчи ва овозасидан  
Замона қулоғига бахтнинг янги хабари  
эшитилди.

Шаҳзода ва амирлар аъло ҳазрат тахтининг поясида ҳозир бўлиб, «қутли бўлсин!» расминини ўрнига келтирдилар. Фатҳу башорат тантанасини фалак гумбазига отиб, шу сўзни тараннум қилар эдилар:

#### Н а з м:

Уруш вақтида дўстинг зафар бўлса, қандай  
яхши,  
Азминг сипоҳига фатҳ дўст бўлиб, зафар ёр  
бўлса, қандай яхши.  
Уруш кунда душман қалбини қандай  
синдирмайсанки,  
Ўнг томонингдан фатҳ ва сўл томонингдан  
зафар етиб турса.

Найзанинг учи бир ниҳолдирки,  
Маърака боғида бадхоҳлар бошидан зафар  
мевасини етиштиради.  
Агар подшоҳларнинг эътиборлари зафар  
жихатидан бўлса ҳам,  
Лекин зафар сендан эътибор олгандир.  
Султонларнинг фахрлари зафардан бўлса ҳам,  
Зафар сенинг шуқухинг билан фахрланди.  
Бугун зафардан нишон қолмаган эди,  
Аммо сенинг юксак номингдан зафар номдор  
бўлди.

Душман иши охир уни дор остига тортди.  
Чунки сенинг замонингда зафар машҳур эди.  
Ҳодисалар доим душман ёқасидан тутди,  
Чунки сен (асил) ҳукмдор экансан.

Ҳоқон Таваккал султонга шоҳона меҳрибончилик ва навозишлар қилиб, унинг кадрлар мартабасини баланд қилиб, ўз биродарлари унга ҳасад қиладиган даражага етказди. Унинг қадду қоматини фахрланишга лойиқ саруполар билан безаб, қўп нақдиналар берди. Бунинг устига Самарқанднинг энг яхши жойларидан бўлган Офаринкентни<sup>410</sup> унга берди. Яна ҳукм қилди: «Жаноби аморатпаноҳ Қулбобо кўкалтош, Тангри қадрини янада оширсин, Ла-

тиф султонни олиб, қалъа девори тагига борсин. Бобо султоннинг ўлдирилган хабарини қалъа аҳлига етказиб, айтсинки, ундан илгари сизнинг сўзингиз шундай эди: «Бобо султон бизнинг валийнёматимиздир; бу ерни бизга у топширган. Агар буни сақлашда бепарволик қилсак, қуфрони неъмат бўламиз. Подшоҳ тирик экан, биздан шу хилда иш содир бўлса, халқнинг бизга ишончи қолмайди. Бобо султон бизнинг аскаримиз қуввати билан бошини оёқ ўрнига қўйди ва бизнинг ғазабимиз сарсар шамолидан йиқилди. Энди нима ҳийла қилдилар ва қандай макр ишлатадилар?» Жаноби фасохатбаён амир Латиф султон билан бирликда хандақ лабига бориб Жонпўлодни чақирди. Бобо султон воқеасини ва амирларнинг ўлдирилишлари ва асирлар ходисаларини унинг қулоғига етказди. Онҳазрат айтган сўзларни унга баён қилди. Жонпўлод, Абдуссаттор ва бошқа қалъа аҳли ғоят жаҳолат ва нодонликдан мазкур воқеаларни ҳақиқатга ҳилоф гумон қилиб, ёлғон санадилар ва ғурур тупроғини ҳавас бошига сочдилар ҳамда оёқларини низо йўлидан тортмадилар. Улар тақабурлик билан гарданкашлик қилганларидан онҳазрат ҳукми билан қаҳру сиёсат ҳоқими ўша кечаси Тоҳир султон ва Латиф султонларни келтириб икковларининг бошларини кесди.

#### Н а з м:

Найзанг дилларни лола каби йиртиб,  
Тиғинг бошларни узум боши каби узган.  
Фатҳинг қоидаси еру осмонни олиб,  
Тиғинг дастурхони ваҳшийлар ва қушларга  
ёзилган.

Қандай яхши сўзланибдир:

#### Б а й т:

Душман олов ва сувдан қутулиш учун, жонига  
паноҳ топса ҳам,  
Тиғингдан қутулишга паноҳ тополмади.

Эртаси куни олий фармонга мувофиқ, ҳамша маънилар марваридини баён олмоси билан тешиб, яхши иборатлар ва чиройлик исторалар ипига териб келган фасохатбаён ва балоғатнишон мавлоно Ҳайдар Муҳаммад мунший шу байтларни иншо қилди:

#### Н а з м:

Эй, китоб бошида сенга подшоҳлик мансаби  
бўлган зот,  
Фалак муншийси<sup>411</sup> ҳам бунга гувоҳлик беради.  
Қаламнинг юриши тўхташ зиёнини еган эмас,  
Ҳатто мушкли хатнинг ҳам,  
Хоссаган илохий сирларидан бўялмаган  
бирорта ҳалқаси йўқ.  
Қаҳрабо қалам учининг тортиши билан  
Сўз моҳияти қудрат суратини қабул қилган.

Мавлоно Ҳайдар Муҳаммад мунший муборақ фатҳ жиҳатидан фатҳномалар ёзиб бўлгандан кейин, онҳазрат мактубларни Бобо султон ва бошқаларнинг бошлари билан тавочиларга<sup>412</sup> бериб, Бухоро, Самарқанд, Балх, Ҳисор ва тамоми вилоятларга юборди. Ундан кейин, шодмонликдан айш маснадида қарор топиб, базм мутасаддийлари шавқ эшикларини очдилар, ишрат асбобини муҳайё қилиб, нишот ва хурсандчилик бисотини ёздилар. Хуррамлик мажлиси бихишт каби зебу зийнат олди ва онҳазратнинг гавҳар сочувчи қўли ёмғир ёғдирувчи булутдан ҳам ўзди.

#### Қ и т ь а:

Урушда қўлга киргизиб, базмда эҳсон қилади,  
Бир отликка бутун мамлакатни ва бир  
тумончига бутун жаҳонни беради.  
Ундан олимрок ва одилрок, арз эгаси Тангридан  
бошқа ҳеч бир подшоҳ йўқдир.  
Қутли базм сарвқадлардан, гулзор  
махбублардан тўлган,  
Бу базм гўё қизил гул ва оқ гулдан тўлган бир  
бўстон ёки Ой,  
Муштарий, Зухра, Ҳулқар ва юлдузлардан  
тўлган осмон эди.

#### Қ и т ь а:

Базм мажлиси бўстон каби очилган,  
Унда сарв қаддини, лола юзини кўрсатган,  
Маҳбублар шакарлаб, бодомкўз,  
пистадахондир,  
Бинафша хатт, суман юзли ва ёсуман рухсорли  
эдилар.

Хоннинг қаҳрли икболи баракоти билан қутли мажлис охирига етиб, эҳсону қарам эшикларини жаҳон халқи юзларига очди ва олам ободонлиги лутфу қарамлик номини янгидан



қўйди. Унинг булут каби бехисоб инъомидан давлат аёнларининг юзлари қизил гул каби кизариб, гавхар сочувчи қўлидан, дарё ва кон каби гавхар ва тиллага бой бўлдилар.

#### Қ и т ь а :

Жаҳон агар кафтингда бўлса эди, саховату  
караминг бир соатда  
Дарёдан марваридни тортиб, оловдан тиллани  
сочар эди.  
Хар бир берган гавхаринг сувдан ва тупрокдан  
пайдо бўлган эди.  
Энди оловдан гавхар чиқариб бериш имконига  
эгасан.

#### ЗАФАРПАНОҲ СИПОҲНИНГ САБРОН ҚАЛЪАСИ ҚАСДИГА ЮЗ ҚЎЙИБ, ДУШМАНЛАР БИЛАН УРУШ- ГАНДАН КЕЙИН, ЗАМОН ТАКОЗОСИГА МУВОФИҚ, ЯНАҚАЙТИШИ

Саброн қалъаси аҳли Қулбобо кўкалтошга жаҳду бахтсизлик тилидан жавоб бердилар. Ёлвориш этагига қўл уриб, бечоралик эшигини юзларига очмадилар. Уларнинг нотўғри жавоблари онҳазрат қулоғига эшитилди. Ғазабу жаҳли жўшга келиб, муборак хотиридан шу маъни ўтдики, бу жоҳил гуруҳ ва паст табиатлик тоифа хору зорликга тушдилар, лекин оёқлари рўзғор зарбасининг тошига тегмагунча қўлларини ёмонликдан тортмайдилар. Шунинг учун эртаси куни фалак султони фирузаранг осмон қалъасини тасхир қилиш учун шуълау нур сипохи билан ўраб олиб, зулмат ва қоронғулик лашкари осмон кунгирасидан чиқиб қочди.

#### М а с н а в и й :

Тонг отиб фалак шоҳи тулуъ қилиб,  
Тун зулмати кундуз билан алмашди.

Фалак гўё офтобнинг, хароб қалъа жанги учун уфқ олдида қурган чодир эди. Фалак шоҳи кеча билан урушни қўзғотиб, хар томондан шуъла ўқларини отди. Олийнасаб шаҳриёрнинг ўзи қаҳру ғазабдан отга миниб, қалъа атрофидан қуёш каби айланди ва уруш жойларини тайин қилди сўнг қутли ҳукм бўлди: «Аскарлар кўп нардбонлар ва туралар<sup>413</sup> тайёрлаб, урушга ҳозир бўлсинлар. Хар ким ўзига тегишли жамоа билан ўз мурчилида довул ово-

зига қулоқ солиб турсинлар. Қачонки довул овози эшитилса, тўхтовсиз совут ва ҳафтон этагини белги боғлаб, ҳиммат қўлини қалъа камарига қўйсинлар ва тасхир камандини кунгира тепасига ташласинлар». Қалъа ва шаҳарларни кундуз куни очиш ғоятда қийин эди. Шунинг учун ҳам хон ҳукм қилдики: «Зафарнишон Абдулмўмин султон мурчилида тешиқ ковлаб ва уни хандакдан ўтказиб девор остига етказиб, ўша тешиқни нафт ва ўтиндан тўлдириб, аввал ўшанга ўт қўйсинлар. Қорағозий ва жаҳонгир қазонларга олов берсинлар. Тўп, тўфанг, аррода ва занбаракларга ҳам олов берсинлар, токи тутунлари фалак авжига ва осмон қалъаси тепасига чиқсин. Замона қора кийим кийиб, оламни қоронғулик боссин. Шу вақтда қаҳрамонлар уруш оловига шуъла бериб, қалъани очишга эҳтимом қилсинлар». Ўзи чоштгоҳда тўхтовсиз охурафтор ва юлдузқўз,

#### Н а з м :

Оху каби тез юривчи, қулон сағрили, қоплон  
таъбли,  
Қуёш каби чопқир, арслон юракли, фил танли,  
Бошқа отлар орасида гўё бир юлдуз, чақмоқ  
каби ўткир, чўғдек ярқираган,  
Эгари баланд фалак тоқи каби буқилган,  
Тақаси ҳилолдай юлдузлар билан миҳланган,  
Думининг буралиши латофатда суман танли  
маҳбублар сочи каби,

туёғининг шакли дилбар ёр қоши сингари отга иктидор оёғини қўйиб, қутли толеъ ва муборак бахт билан давлат байроғини қалъа томон қўтарди. Мақсад буржининг юлдузи, бахтиёрлик қутчасининг гавҳари ва орзу боғининг гули, жаҳон подшоҳзодаси, доим иззатда бўлсин, Абулфатҳ Абдулмўмин султонни олиб,

#### Н а з м :

Хизматида жаҳон рағбат билан тайёр турган,  
Фалак унинг давлатига тоат билан тавозеъ  
'-'этувчи,  
Бу жаҳоннинг ҳаракати ҳеч вақт унинг  
фармонидан ташқари эмас,

ҳудо сақласин, агар унга бошқа бир қўрқинч ва умидсизлик бўлса, фалакдан ажром<sup>414</sup> самовияни тортиб олиб, жаҳондан замон ва вақтларни оладилар, яна хар бири темир тоғ ва

мавжли дарё каби ўқ отувчи сипоҳлар ва найзадор қаҳрамонларни олиб,

### М а с н а в и й :

Ҳаммалари қоронғу кечани купдузга  
айлантирувчи,  
Умид олдида ҳазина очувчи,  
Осмон елпийдиган шамолни кучайтирувчи,  
Қора булут юзига қон сепувчи,  
Тоғу тилла камарини сўровчи,  
Подшоҳни олтин тахтга ўтказувчи эдилар,

давлат султонзодаси Абдулмўмин султон мурчилига тушдилар. Бу ерда тадбирли амир Қулбобо кўкалтош бир тўда шижоатли паҳлавонлар билан қазонларнинг сақланиши ва тешикларнинг қавланишини кузатиб турар эди.

### М а с н а в и й :

Қуёш чоштгоҳ жойига борганда,  
Қалъа томонга олий мартабали шоҳ келди.  
Офтоб осмон буржининг авжида тургандай,  
Офтобни синдириб, бир буржида тўхтади.  
Фалакни йикитувчи, шерни банд қилувчи  
чиройли йигитлар,  
Бирма-бир қуёшдек яраклаган қийик  
боғлаганлар,  
Маҳбубларнинг мужгонлари каби,  
Серфитна ва жонни ов қилувчилар,  
Ҳаммалари ой атрофидаги ўтовдек  
Шоҳ теварагида саф тортган эдилар.  
Осмондаги офтобдай намоён бўлиб,  
Шоҳнинг бош ва елкасига қалқон бўлганлар.  
Ҳаммаларининг бошларида яраклаган қуёшдек  
дубулға,  
Эғнида шер терисининг нақши каби совут,

ҳаммаларининг қўлларида ойнадек яраклаган ханжар. Мана шундай нусратасар лашкар уруш асбобини тайёрлаб, жангга ҳозир бўлиб турди.

Онҳазрат ҳукм қилди: «Тўпчибоши Мирак баходир ва бошқа қазон бошида ва тешик устида турганлар олов қўйсинлар, уруш довулини уриб, тоғу даштга зилзила солсинлар». Мис найнинг овози осмонга чиқиб, қиёмат қарнайининг овозини пайдо қилди, тутун кўплигидан ҳаво нилранг пардани юзига тортди. Еру осмон қора тусда азадорлар либосини кийди.

### Н а з м:

Олийнишон, Хулкардак баланд даргоҳли,  
Фалак остонали хокон фармони билан  
Ҳар томондан катта нағора фарёдга келди,  
Шу йўсиндаки, фалак юзи қоп-қора бўлди.  
Катта нағоранинг хуруши ва найнинг  
ноласидан

Қўлу оёқларга ларза тушди.  
Машҳур тузилишли найнинг овози  
Исрофилнинг ёдига қарнайни туширди<sup>415</sup>.  
Замон офати бўлган қарнай овози,  
Маҳшар қарнайининг овози ишга кирди.  
Тешик тутантириғига ўт кетиб,  
Ундан итоатсиз қалъа буржига раҳна тушди.  
Тутун кўплигидан осмон гўё манқалдон бўлиб,  
Ҳамма юлдузлар анбардек қорайди.  
У ҳужум майдонидаги қоронғуликдан  
Ўқдак югурик тойлар юришдан тўхтади.

Ва тешик остига етган шоҳбурж<sup>416</sup> баландликдан оёғини осмон равоқига қўйган қунгира ва девор:

### Н а з м:

Олам бир садаф ўрнида бўлса, у бир дур эди,  
Осмон араз бўлса<sup>417</sup>, унинг биноси жавҳар эди,  
Ундаги ҳар бир паҳлавон Баҳмон<sup>418</sup>  
мартабасида бўлиб,

ҳар бир эр қувватда Навдар<sup>419</sup> эди, мустаҳкам бўла туриб тамом бузилди, фармонга мувофиқ зафарнишон қаҳрамонлар олишиш камарини белга боғлаб, шижоат билагини кўтардилар. Такбир ва сурон ғулғуласини фалакка етказиб, биринчи марра<sup>420</sup> ўз мурчиллардан қалъа томонга юз қўйдилар.

### Н а з м:

Далирлар чангу ғубор остида,  
Қалъа фатҳи учун девор томонга юрдилар.  
Йигитлар хокрезга қуёш суръати билан  
бордилар.  
Тез юрувчи чакқон эрлар каманди  
Осмондаги бургутни тузукка туширди.  
Қийғир осмонни ўз домига тортди,  
Ўша беҳад шуқухли девордан  
Тоғ тепасидан аждар ташлангандек тушдилар.

Миррихшиор баходирлар арслон ва қоплон каби бирдан қалъа томонга юз қўйдилар. Қа-

дамни хокрез устига қўйиб, химмат қўлини калъа камарига ўраб, мустажоб дуо каби юқори томонга қасд қилдилар. Охири онҳазрат буюрди: «Қалъа атрофига ёпишган зафарасар сипоҳ кайтсинлар ва камина рўбарўсидаги тош зарбаси билан йиқилган кунгира ва девор томонга йўналсинлар». Зафарпаноҳ сипоҳ фармонга мувофиқ, тоғдек сипоҳ ғалабасининг шуқухидай у гуруҳ ларзага келдилар ва чўғ каби ловуллаб, Уммон денгизи шамолидай тез юриб, қалъанинг хазрат соҳибқиронга муқобил бўлган томонига чумоли ва чигиртка каби ўзларини етказдилар. Биринчидан, дубулға ва қалқонни бошга қўйиб, салобат билан шижоатли Гулобод баходир бузилган бурж устига чиқиб, душман билан уруш бошлади. Ундан кейин, жаноб Абдулбокибий дўрмон, жаноб сайид Амир Курайш, шу вақтларда онҳазратга манзур бўлган Мирзо Хушим ва бошқа нусратнишон сипоҳлар билан, масалан, Муҳаммад Мурод вилдон, Букай баходирлар билан, кўп тиришиб девор устига чикдилар ва баходирлик кўрсатдилар. Иккинчи тарафдан, шижоат тўқайининг коплони Дўстим баковул, яна бир томондан, журъат тоғининг арслони Дўст мирзо чухрабоши ва бошқа бир томондан, Жонмуҳаммад хофизлар мардона ва баходирона уруш қилдилар. Хожамқули қушбеги ҳам Бекойбий туғбеги, Мулла Келдиш ва бошқа қахрамонлар билан, ўз >гурчилларидан бориб, мукамал қуролланган холда, химмат қулочини ёздилар. Тезлик билан деворга нардобон қўйиб, оч қолган лочин кабутарни қувлагандай, нардобонга чикдилар. Хазрат султонзода сипоҳларидан Оллохход оталиқ керойит, Абди мирзо найман ва Шоди мирзо Наврўзбий парвоначи ўғли, Содик мирзо Жўлтойбий ўғли ва Қосим мирзо кабилар ҳафтон этагини белга маҳкам қилиб, олдинга юрвчи тураларни олиб, қалъага қараб йўналдилар. Шунга ўхшаш бошқа қахрамонлар атроф ва жонибдан ҳамла қилиб, журъат кўрсатдилар, хуруш ва фиғон овозларини осмон авжидан ўтказдилар.

### Н а з м:

Уруш чангидан қуёш қўзи ғуборга тўлган,  
Нағора овозидан Кайвоннинг боши фиғонга  
келган,  
Иш кўрган мардлар ва иш биладиган  
пахлавонлар девор устида

Маст кишининг қўли каби титрар эдилар.  
Тиғ билан бўйин товловчиларнинг бошлари анор  
каби ёрилиб,  
Ундан оққан қон сабабли майдондаги тошлар  
анор доналари тусини олди.  
Қўрқоқ душман юзининг аксидан яман қиличи  
Заъфарон билан бўялган сариқ тус олди.

Уруш қизиғидан бошда дубулға, танда со-  
вут ва жавшан қизиган, уруш оловидан шуъла  
осмон тепасига аланга урган эди. Ажал бургу-  
ти маърака майдонида парвозга келиб, ўлим  
лочини ўлдирилганларнинг руҳларини овлаш  
учун қанотини ёзган эди. Обдор тиғ булути  
пахлавонлар умрига май шишаси каби зор-зор  
йиғлар эди ва ханжарнинг чакмоғи далирлар  
жонларига гул пиёласи каби қулар эди.

### М а с н а в н м:

Тиғдан ўлган кишига йиғламасди  
Обдор ханжардан бошқа ҳеч кимса.  
Золим ўқдан мажруҳ бўлган кишига  
Совут ўз қўзларидан ёш тўқар эди.  
Жангу жадалдан тўлган майдонда  
Жон олиш ажалнинг жонига теккан эди.  
Пахлавонларнинг қўл ва ханжарлари  
Толу чинор барги каби толиб тушди.  
Ўлганларга мотам тутиб,  
Қуёшу ой тўфанг тутунидан қора либосда эди.

У тарафдан ҳам қахрамонлар қўлни ўқ,  
камон, қилич ва найзаларга очиб, қалъа тепа-  
сидаги зафарасар лашкарга ёпишдилар. Хан-  
дақ лабидан қалъа деворигача бўлган бир ўқ  
отим жойдан нусратли лашкар, қарғаю ари  
хайъатида ширин жондан дилни узиб, хону-  
монини хатарга қўйиб, қалъага чирмашар эди-  
лар. Қалъа ахлидан ҳар қанча ўқ, тўфанг,  
тош, **занбурак** тегиб, зафарпаноҳ сипоҳ майиб  
бўлиб йиқилсалар ҳам, бошқалари у мажруҳ-  
лар устига оёқ қўйиб, юқорига чиқар эдилар.  
Майиб ва ўлганлардан тепа пайдо бўлди. Арс-  
лон савлатли, фил йикитувчи пахлавонлар ўл-  
дирилганларни орқага тортиб олдинга ўтар эди-  
лар. Ўша куни чоштгоҳдан пешингача зафар-  
ли сипоҳ душман билан урушда жондан умид  
ипини узиб тиришар ва жанг қилар эдилар.  
Қалъа девори баланд бўлиб, унга нардобон ет-  
мас эди. Қалъа ичида эса душман томонидан  
хандақ қовланган эди. Девор шундай қиррали  
эдики, ундан хаёл жосусининг ўтиши маҳол

эди. Ҳар жой ҳар жойда ўк сандиқлари ва ўкчилар қўйилган эди. Улар том четига қурилган панада туриб, хокрез тагига келган кишини отиб йиқитар эдилар. Шу йўсинда кўп кишиларнинг ўз жонини хатарга қўяётганини онҳазрат кўриб, истак ҳосил бўлишига ва фатҳ келинининг юзидан парда очилишига, нусрат осмонининг қуёши умид машриқидан юз кўрсатишига ҳали бир неча кун бор эканини билди. Шунинг учун қайтиш довулини чалишга ва кейин силжиш байроғини кўтаришга буюрди.

#### ШОҲРУХИЯ ҚАЛЪАСИ АҲДИНИНГ МУЗТАР БЎЛИШИ ВА ОЛИЙ ДАРГОҲГА ИЛТИЖО ҚИЛИШИ, СУЛТОН МАРҲАМАТИГА СУЯНИБ ҲАЛОКАТДАН ҚУТУЛИШИ

Бу сўзнинг баёни шулки, Искандарнишон ҳокон Сайрам муҳосарасига машғул бўлган вақтда, олий фармонга мувофиқ, иззатли султонлардан Мўмин султон Амин султон ўғли, Маҳдий султон, Поянда Муҳаммад султон, Ёрмуҳаммад султон ва ҳазрат султон Абдулқуддуснинг тўнғич болалари: Севинчмуҳаммад султон ва унинг биродари Саъид Муҳаммад султонлар Шохрухия томонга йўналдилар ва унинг атрофида жойлашиб, уни қутқазиб, химмат қилган эдилар. Шохрухия қалъаси маҳкамликда Миср аҳромидай мустаҳкам бўлиб, баландликда, Кайвон бошига оёқ қўйган эди. Насим шамоли тезлигининг қудрат ва қуввати унинг этагини силашга ҳам етмас эди.

Н а з м:

Баландликда мустаҳкам дуо сингари,  
Маҳкамликда Тангрининг қазоси каби эди.  
Бирор йўловчи унга томон борса, чарчаб  
кайттарди,  
Дев агар унга кирса, дафъатан бандга тушарди.  
Тоғ унинг тагида чумолидай,  
Дашт унинг кенглиги олдида илон кўзидай  
кўринар эди.

Бир неча кундан кейин сипоҳлар фитнаю фасодга сабаб бўлган Шеримбий найманнинг гумроҳлик ва душманлик байроғини кўтариб, шайтон қўлига берганини ва Оҳангарон те-варагида баландлигини кўз илғамайдиган Бобожук қалъасига яширинганлигини эшитдилар.

Н а з м:

Томига булут ва қуёшдан офат,  
Вужудига қору ёмғирдан қўрқинч йўк эди.

Шеримбий ўзининг чумчуқ каби бало қалъасига асир ва машаққат тўрига гирифтор бўлганидан ғофил эди. Абдуссамадбий ўша пайтда Ёрмуҳаммад султонга оталиқ бўлган Аҳмадалибий найман билан биргаликда ўша томонга йўналди ва давлат душманларини йўқотишга қасд қилди.

Н а з м:

Илоҳий фазлидан мададланган  
Шер амир Абдуссамад  
Кинали душман қўрқиб,  
Тоғ тепасига жойлашганидан хабар топди.  
Далир жангчилар билан душман тўдаси томон  
Отини ҳаракатга келтирди.

Оҳангарон қалъасининг атрофига нусратнишон чодирлар тикилган бўлиб, Шеримбийнинг кучсизлиги нусратли аскарлар олдида маълум бўлган эди. Душман ному номусини сақламоқ учунгина урушар эди. Зафарли сипоҳ қалъа атрофини, фалак ер марказини ўраб олганидек, ўраб олдилар ва қалъани тўхтовсиз бузишга тутиндилар; журъат этагини белга қистириб, зудлик билан ҳамла қилдилар.

Н а з м:

Чанглар жаҳон кўзини кўр,  
Наъралар фалак қулоғини қар қилди.  
Чумолидай қора тиғ лоларанг,  
Қизил гулдек юз нилуфар тусли бўлиб қолди.

Тўртинчи куни Абдуссамадбий буюрди: «Шижоат тоғининг қоплонлари *Фарҳод* сингари *Ширин* жондан кўнгилини узиб, қўлларини тоғ шукӯҳли ўша қалъа камарига маҳкам қилсинлар; мардлик оёғини салобат тошга қўйиб, метин, чўб ва табарзинларнинг зарб захми билан Бесутун тоғига<sup>421</sup> баробарлашадиган ўша қалъа деворини йиқитсинлар». Шунинг учун дарҳол нусратли лашкар мардоналик этагини йиғиб, тура ва нардобонлар олиб, Тангрининг инояти ва сохибқирон давлатининг қувватига таяниб, қалъага юз қўйдилар.

## Н а з м:

Найзадор, шамширли сипоҳлар,  
Хаммалари шерни йикитувчи, филни овловчи  
эдилар.

Юра-юра овозини ойга етказиб,  
Қалъа томон юз кўйдилар.

У тарафдан Шеримбий ҳам неча йилдан  
:эри душманлик асосини, муқобиллик биносини  
нп мустаҳкамлашда муболаға кўрсатар эди ва  
кальанинг мустаҳамлигига суяниб, урушга  
тайёрланар эди. Лекин кўрққанидан ташқари-  
га чиқишга юраги бўлмай, ўзи билан қалъада  
турган бирмунча ховликма, жоҳил кишиларни  
трушга қизиқтирар эди. Лекин унинг бу хара-  
кати бўғизланган ҳайвон ҳаракати каби фойда-  
сиз эди.

Охири шижоатли Абдуссамадбий, Ахмада-  
:и баҳодир ва бошқа сипоҳлар билан бирга-  
::кда, қалъа томонга йўналдилар: ҳиммат қа-  
дамини хокрезга кўйиб, тоғдан бир парча бўл-  
ган ўша қалъани очдилар. Шеримбий бир ўғ-  
:п билан бирликда, уруғларидан бир тўда ва  
Эски баҳодир ҳамда сарой ва минглар<sup>422</sup> асир  
тушдилар. Қиёматасар лашкар қалъанинг асо-  
:лни бузиб, кунгираларини ер билан баробар  
кплдилар; кўп ғанимат ва ўлжалар олиб қайт-  
:\_плар. Асирларни ва Шеримбийни ўлдириб,  
нопок вужудларини тупроқ оламидай йўқ қил-  
:лар.

## М а с н а в и й :

Зафарли сипоҳ ўша тоғликда  
Душманларни жонидан жудо қилдилар.  
Кўп нарсаларини талаб,  
Кўп одамларни ўлжа олиб қул қилдилар<sup>423</sup>.  
Йигитларнинг қўлларига олтин қинли қилич  
Душманларнинг қонидан лаъл тусли бўлди.

Басиратли кишиларга махфий қолмасинки,  
:нхазратнинг истагига мувофиқ бундай ғала-  
**банинг** вужудга келиши инсон қудрати билан  
?мас, балки фақат *илоҳий* саодатдан ва *яздо-  
-ий* бахтдандир.

Шоҳрухия қалъаси бир жой бўлиб, Хўжанд  
424 у<sub>нинг</sub> бир тарафидан ўтар эди. Сув  
ўтмайдиган томонига катта чуқурлар казиб  
кўйилган ва ундан ўтиш ғоятда машаққатли  
эди. Қалъа ичидагилар кинали, уришқоқ ва  
далир кишилар эдилар ва қалъани саклашда

каттиқ тиришардилар. Ўша қалъани очиш ва  
кўлга киргизишни кечиктирилишига сабаб шу  
эди: ҳазрат Абдулқуддус султоннинг мизожи-  
да зўр кучсизлик ва бедармонлик пайдо бў-  
либ, мизожи эътидолдан ўтган ва табиатига  
ўзгариш йўл топган эди. Оқибатда, Масихо  
нафаслик табибларнинг даволашлари сабабли  
соғлиқ субҳи мурод матлайдан чиқиб, мизожи  
эътидолга келди. «Ҳар вақт бетоб бўлсам, у  
менга шифо беради»<sup>425</sup> мазмунига мувофиқ, ши-  
фо топди ва онхазрат Абдуллахоннинг фармо-  
нига мувофиқ Шоҳрухия муҳосарасига хара-  
кат қилди. Оз кундан кейин дўстни тарбия-  
ловчи ва душманни куйдирувчи лашкар қалъа  
томонга бориб, уруш бошладилар. Душман-  
нинг қалъадан чиқиб сув оладиган жойни эгал-  
ладилар. У ерга ўқчилар кўйиб, душманни  
яқин келишига кўймадилар. Сувсизликдан  
қалъа аҳлининг жонига ўт тушди.

Ўша пайтда тавочи султоннинг даргоҳига  
келиб, Бобо султоннинг бир ўғли билан ўлди-  
рилганлиги хабарини етқизди. Ҳазрат султон  
бу башоратдан шод бўлиб, хурсандлик ғунча-  
си очилди. Шодликдан қарнаю нағора овози-  
ни фалакка чикардилар.

## Н а з м:

Султонга ғайбдан шу севинч хабар берилиб,  
Бу хурсандлик султонни шодлангирди.  
Бу севинч сабабли султон  
Кўп тилла ва кумуш садақа қилди.  
Буюрди: «Фалак авжига етсин  
Қарнаю сурнай овози».  
Нағоранинг овози шундай баланд бўлдики,  
Олий осмон авжига етди.

Қалъа аҳли бу воқеани эшитгандан кейин,  
ночор ожизлик эшигидан кириб шундай арз  
қилдилар: «Бундан илгари бахтимиз ёмонли-  
гидан ва шайтон васвасасидан тобелик ипи-  
дан бош тортиб, саркашлик доирасига оёқ  
кўйган эдик. Лекин шу замон ёмон қилиғи-  
миз суратини ақл ойнасида кўрдик; ёмон  
фёлимиз ва нолайиқ ишларимиздан қайтдик.  
Агар ҳазрат султон бизнинг беодоблигимиз  
нусхасига афв рақамини тортиб, гуноҳимиз-  
дан ўтсалар ва бизнинг қонимизни аъло ҳаз-  
ратдан сўрасалар, бундан кейин оёғимизни  
қуллик йўлидан ташқарига қўймаймиз, фар-  
монидан четга чиқмай, бандалик йўлини қўл-  
дан бермаймиз». Султон тарафидан гуноҳла-



Хон олий ҳимматни ҳар нарсагаки боғлаб, уруш қилган бўлса, у нарса битди; битмагунча ундан қўлини олмади. Бу ҳолнинг баёни ва бу сўзнинг тафсилоти шу: Бўзахўр султон Бобо султондан ажралиб, Сайрам томонга борди. Аввал у жойдаги султонлар унинг ахволини яшириб, махфий мажлис қилар эдилар. Бўзахўр султоннинг ҳар мажлисдан берадиган маслаҳати онҳазратнинг аркони давлатининг катталаридан бўлган Шохимбийни ўлдириш, сўнг жамият билан Аҳси томонга боришга бўлиб, айтар эди: «Валинеъматимиз ҳам ўша жойга бормоқчи, у киши билан бирлашиб бу паршонликдан қутулишимиз мумкин бўлар». Султонларнинг оналари Бўзахўр султоннинг сўзидан ва султонларнинг иттифоқларидан хабардор бўлиб, уларга ғазаб қилиб айтар эдилар: «Бу иттифоқларингиздан сизларга кўп зарар етиб, хотирларингизга малол етади. Бўзахўр султоннинг сўзига кирманглар, Шохимбийни ўлдириб, онҳазратга осий бўлманглар.

#### Н а з м:

Ҳасадчи сўзи билан вафо аҳлига қасд қилсанг,  
Пушаймон бўласан, фойда бермайди, зинҳор  
бундай қилма!»

Лекин у ўзи «ёмон макр ўз аҳлидан бошқасини ихота қилмайди»<sup>428</sup> ояти мазмунидан ва «кимки дўстига чоҳ ковласа, унга ўзи тушиши муқаррардир»<sup>429</sup> мазмунидан ғофил эди.

#### М а с н а в и й :

Ёмон йўлга юрма, ёмон йиқиласан,  
Йўлга чоҳ ковлама, ўзинг тушасан,  
Йўлга чоҳ ковласанг, ҳар бир ситамгар  
Ўзи тушишини аниқ кўрасан.  
Бировга ёмонлик қасдин қилсанг,  
Ўзинга қасд қилган бўласан.  
Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам кишининг ўзига  
бўладигани учун,  
Яхши бўлган киши ёмонлик қилмайди.

Оқибат тақдир ва жаҳонгир шахриёрнинг хоотири таважжухига мувофиқ, ғайб нақшхонасидан ҳеч бир кишининг хаёлига келмаган куйидагича сурат юз кўрсатди: Бўзахўр султоннинг Сайрам султонларидан мадад тамаси ва дилида улар билан мувофиқлик андишаси бор эди. «Сизлар бир нарсани яхши кўрасиз,

ҳолбуки, у нарса сизлар учун ёмондир»<sup>430</sup> мазмунига мувофиқ, унинг қиёси акс натижа берди. Улар бахтнинг йўл кўрсатиши билан унинг, яъни Бўзахўр султоннинг устида ўйлашдилар. Охир бир-бирлари билан кенгашиб, уни ўлдиришга қарор қилдилар. Сўнг жаҳонпаноҳ Абдуллахон даргоҳига ариза юбориб, ўзларининг кенгашларини соҳибқиронга маълум қилдилар. Юборган кишилари умидворлик фармони билан қайтиб келгандан кейин, Сайрам султонлари шуни муносиб кўрдиларки, «Синганни тузатиш ва нуқсон ўрнини тўлдириш учун Шохимбий унинг ишини тамом қилсин ва унинг ёмонликдан тўлган бошини танидан жудо қилсин». Шохимбий бунга суяниб, ўша куни Бўзахўрнинг уйига бир гуруҳни юборди. Улар Бўзахўр султоннинг бошини қилич билан кесдилар, ёмон моддалардан қориштирилган танини тупрокка булғадилар.

#### Н а з м:

Эй, карами кенг жаҳон ишини қилган,  
Мену сенсиз хаммани безаган.

Бундан ажиброқ яна нима борки, бир киши умр бўйи кабутар подшоҳ лочинидан ва шаҳаншоҳ уқобининг бургутидан қочиб юриб, охир дона ҳаваси билан ажал тузоғига тушса.

#### М и с р а:

Қушнинг ажали етса, овчи томонига боради.

Шохимбий икки ойдан бери асирликда юрарди. Бўзахўр султон доим уни ўлдиришга ҳаракат қилар эди. Қазою қадар ҳукми ва шахриёр давлатининг қувватидан бир тўда кишилар унга қўмакчи бўлиб, у Бўзахўрнинг ҳалокатига сабаб бўлди ва бу яхши иши билан замон саҳифасига яхши ном ёзди.

УЛУҒ ТАНГРИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН ЗАФАРПАНОҲ СИПОХНИНГ САБРОН ҚАЛЪАСИНИ ФАТҲ ҚИЛИШИ

Ҳазрат соҳибқирон Тангрининг фазли билан ҳар нарсага таважжух қилса баъзи вақт «ишлар ўз вақтларига боғлиқдир»<sup>431</sup> мазмунига мувофиқ, матлаб ҳосил бўлмаса ҳам охири, шубҳасиз, муроду мақсад келини юзидан пардани кўтаради. Бунинг сабаби онҳазратнинг

буюклик жомеъларида хилватда ўлтирувчи ва малакут кунжида гўшанишин кишиларга ихлосу эътиқоди бор эди.

### Н а з м:

Дарвишга ихлосли киши,  
Агар Фаридун билан уришса ҳам, ғалаба  
килади.

Хусусан, онҳазрат Хожа Калон ибн Хожа Абубакр Саъднинг, умри узун бўлсин, маҳобат қалъасига ирода бошини қўйиб, хамиша унинг файзли ботинидан ва замирининг куёшидан ҳидоят нурини олиб, фатху нусрат асарларини илтимос қиларди ва унинг кимё ҳосиятли зотидан мадад сўрарди. Шунинг учун унинг мамлакат майдони, қадру мартаба пояси кундан кунга юқорига кўтариларди.

Бу ҳикоя ва бу ривоятни тасвир ва таҳрир қилишдан мақсад шу: ҳазрат соҳибкирон ўша Саброн қалъасини фатх қилиш учун борганда, пешига чанг уриб, яна замон тақозоси туфайли, қайтиш довулини чалган куни уларнинг қаршилик ва гарданкашликлари бирдан мустаҳкам турганидан ҳукм қилди: «Сипоҳ бошлиқлари қайси жойдан мумкин бўлса, шу жойдан метин билан ер остини қовлаб тешсинлар ва тешиқларни хандақдан ўтказиб, девор тагига етқизсинлар». Неча кун шу ҳолда ҳар ким ўз мурчиладан тешиқ қовлашга киришди. Қалъа аҳолиси емак-ичмак йўқлигидан қувватдан кетдилар; раъийят ва лашкар аҳволига халал етди. Ҳийла ва тадбир билан кундузни кеча ва кечани кундуз қилар эдилар. Агар уларнинг ишлари тамом қийинликка тушиб, муҳосара доираси танг бўлиб, уруш оловининг аланга олиши дамба-дам баланд бўлса ҳам, мутақаббирлик билан, уруш камарини белга маҳкам боғлаб, қарши турардилар. Энди ажалнинг қон тўқувчи найзаси, тадбир, мақру ҳийла қалқони дафъ қилолмайдиган бўлгандан кейин нима фикр билан танни хорлик тупроғига берадилар ва тазарруъ этагига чанг уриб, бадномлик кўчасига қадам қўядилар. Беш кунлик дунёда нима учун қўрқиб ва паришонлик йўлини ихтиёр қилиб, мардлик саҳифасига заифлик рақамининг ёзилишига сабаб бўладилар. Уларнинг хол тиллари аҳволларига мувофиқ шу мақолни тараннум қилмоқда эди:

### Н а з м:

Икки кунда ўлимдан ҳазар қилиш раво эмас,  
Бири қазо бўлган куни, иккинчиси етмаган кун.  
Қазо етган куни олишиш ва тиришиш фойда  
бермайди,  
Қазо бўлмаган кунда ўлим раво бўлмайди.

Ниҳоят музтарлик жихатидан салоҳу яхшиликни шунда кўрдилар: ўша шаҳарнинг катталарини васила ва восита қилиб ташқарига чиқарсалар; улар ўртада туриб, яхши равишда сулҳ тузсалар. Шунинг учун мударрислар, муфтийлар ва зоҳидлар олий даргоҳга келиб, баъзи амирлар воситачилигида аъло ҳазратнинг қўлини ўпиш шарафига етишдилар; тухфалар ва лойиқ пешкашларни унинг нурли назаридан ўтказдилар. Салом маросими ва дулавозимини адо қилгандан кейин, салоҳ қўлини тўғрилиқ ва ёруғлик енгидан чиқариб, оёқ устида турганлари ҳолда, тазарруъ юзини тавозе тупроғига қўйиб «Эй раббимиз, ўз нафсимизга зулм қилдик, гуноҳимизни кечиб раҳм қилмасанг, зиёнкорлардан бўламиз»<sup>432</sup> мазмунини адо қилдилар.

### Н а з м:

Улуғ, донишли ва билимли киши учун  
Гунаҳкорни ўлдиргандан кўра гуноҳидан ўтиш  
яхши.

Онҳазрат элчиларга жавобан деди: «Саброн муҳосарасига биринчи келган кунимиздаёқ раъийят ва мамлакатни сақлаш маслаҳати ва мулоҳазаси билан девор ёнига одам юбордик. Марҳамат ва шафқат юзасидан шундай деб хабар қилдик: «Агар саломатлик кўчасидан офият уйига ўрнашмоқчи бўлсалар, хатарли хилоф кўрғонидан ташқарига чиқиб, эминлик ва нажот йўлини қабул қилсинлар ва бизга итоат қилишдан бўйин товламасинлар; ёмон расм ва саркашлиқни ташлаб, қалъа калидини олий остона тобелигига топширсинлар, бўлмаса, «у тоифа билан, Тангрининг амрига қайтганларича, уруш қилинлар»<sup>433</sup> мазмунига мувофиқ ҳимматни у адашганларнинг аҳволини бўлақлаб ташлашга сарф қилинади. Афсуски, бизнинг ваъдаю ваидимиз уларнинг дилидан жой олмади. Энди уларнинг ишлари қийинлик ва изтироб ҳолатига етганда, қўлларини узр этагига уриб, ожизлик юзини хорлик ери-



га қўядилар. Бу найрангдан ҳеч қандай фойда чиқмайди. Биз аҳд қилганмиз: Тангрининг хохиши билан қалъани халос қилиб оламиз; бу қасдимиздан қайтмаймиз ва бошқа ва ҳеч бир қарор олмаймиз. Энди бу гуноҳдан ўтишни талаб этувчилар хохишига мувофиқ баъзи ожиз ва заиф раъийят ҳоли риоясида бу қалъа мухосарасидан оёқ тортсак, буни турку тожик халқлари зафарпаноҳ сипоҳнинг ожизлигига йўйишлари мумкин. Бу маънининг зоҳир бўлиши салтанатнинг обрўси тўкилишига сабаб бўлади. Иншооллоҳ, агар фатҳу нусрат юзасидан ниқоб кўтариб, мақсуд маҳбуби юз кўрсатса, вақтнинг маслаҳатига қараб иш қилинади». Ўша кун қалъадан чиқиб келган кишиларга сарупо бериб қайтарди. Мовароуннаҳр фармон берувчиси ғазаб ва қаҳр юзасидан ҳукм қилди: «Зафарпаноҳ сипоҳ қароржой биноларини мустаҳкам қилсинлар. Ҳамма султонлар ва бошқа аркони давлат ва ҳазрат аъёнлари кишлайдиган жой тайёргарлигини қилиб, қамиш ва чўбдан уйлар курсинлар; киш асбобини лойиғича тайёрласинлар. Саброн совуғи найзасини сабру тоқат қалқони билан қайтариш ҳаракатида бўлсинлар. Кўп йиллар тафсилини ёзиб тамомлаб бўлмайдиган Саброн ҳавоси совуғини уруш оловини ёқиш билан дафъ қилсинлар». Онҳазрат истаган сурат ғайб пардасидан юз кўрсатишидан бурун жаҳонгир хон фармони қуйидагича зоҳир бўлди: «Шабон ойининг иккинчиси, чаҳоршанба кечаси<sup>434</sup> нусратли аскарлар уруш асбобини тайёрлаб, қалъа очишга таважжуҳ юзини ўгирсинлар, ному обрў камарини белга боғлаб, номус этагини қўлдан бермасинлар». Фармонга мувофиқ, ўша кечаси куёш осмон чегарасидан бошини тортиб, юлдуз сипоҳи машғалларини ёқиб, осмон қалъасини қўриқлаганда,

#### М а с н а в и й :

Исёнкорлар баҳти каби қора бир кеча эдики,  
Унда юз фитнаю ошуб бекинган эди;  
Гардун чарх қалъасини қуришда  
Ҳар томонда юлдузлардан тош пайдо бўлиб,  
Фалак юлдузлар лашкари билан чопмокда,  
Ва ярақлаган куёш юзини чодирга ўрамокда  
эди,

момақалдиروق сингари гулдираган урушувчи паҳлавонлар диловарлик совутини танга кийиб, баҳодирлик дубулғасини бошга қўйиб, совуту

хафтон этагини белга уриб, зўр филлар ва ғариллаган арслон каби ҳаракатга келдилар. Қаттиқ шамол ва баланддан пастга оқадиган сув сингари тезликда қалъа томонга юз қўйдилар. Уруш сафининг далирлари

#### Н а з м:

Турк маҳбубларининг мужғони сингари, .-  
Ҳар бирлари ғазаб билан ўткир шамширини  
қўлга олиб,

ҳандақ ва хокрезга қараб йўналдилар. Жанг тўқайи арслонларининг, ному нанг майдони йўлбарсларининг диллари куёш нури каби изтиробга тушди. Отаси душманлар томонидан ўлдирилгани сабабли неча йиллардан бери ранжиб юрган Хусравнишон Исфандиёр султон, давлати зиёда бўлсин, оловдай хуруш ва дарё каби жўш уриб, қалъа томонга йўналди. У билан бирга амирлардан амир Қулбобо кўкалтош, барча лашкар бошлиқларини, урушда синалган ҳамма кинали гарданкашларни олиб, қалъа томонга қараб қудрат билагини ёздилар ва лаъл тусли қалқон баркашини елкага ва тураларни олдинга қўйиб, ўша мустаҳкам қалъага юз қўйдилар. Сурнай овозидан ва нағора садосидан тўққиз фалак тосига ғулғула тушди. Диловар ва суворийларнинг фарёду наъраларидан осмон қасри зилзилага келди.

#### М а с н а в и й :

Ўша кечаси шаҳриёрнинг амри билан,  
Жамнишон, Хусрав мақсадли шох фармони  
билан  
Жуда кўп сипоҳ қалъа томонга бордилар.  
Уларнинг кўплигидан чумолига жой танг  
бўлди.  
Ҳар бир вилоятдан келган далир паҳлавонлар  
Ҳар бири қўлига ханжар ушлаган эди.  
Жангчиларнинг ҳаммалари совут кийган,  
Дарё мавжи каби хуруш қилувчилар эдилар.  
Ҳаммалари совутни қўйлақ, хафтонни яқтак  
қилган.  
Мурассаъ қалқонли ва тилла дубулғали  
эдилар.  
Улар овоз ва ғулғулани фалакка етқиздилар.  
Итоатсизларнинг бошларидан хушлари  
кетди.  
Ҳар томондан катта нағора овози туриб,  
Ўнгу сўлдан жангчилар чиқишди.

Довул овозидан фалак оғирлашиб,  
Гаранг бўлди ва саросимага тушди.  
Жез сурнай овози осмонга етди,  
Уни Исрофил эшитиб, нафасини ичига тортди.  
Яхши фикрли подшоҳ фармони билан  
Бирданига лашкар жойидан қўзғолди.  
Дейсанки, гўё дарё тўлқинланди.  
Душман томондаги шерларнинг димоғларидан  
хуш кетди.

Далир жангчилар юкори ва пастдан  
Шеру арслон каби бир-бирларига тўқнашдилар.  
Қўлларига чочий камонларни олиб,  
Ҳар томондан хаданг ўқларини отдилар.  
Қоронғу кечада килич тортдилар.  
Кечани ёритувчи чақмоқ сингари,  
Тоғдан туриб олов кўрсатган аждардай  
Шукухли тўфанг қалъа деворининг тепасидан,  
туриб ўт очди.

Қудратли султонлардан биринчи бўлиб  
Исфандиёр султон қалъага юзланди.  
Унинг бошидаги тилла дубулғаси  
Қуёш сингари яраклар эди.  
Олам шахриёри эса совут кийган,  
Гўё олам дарёси ўша булоққа бекинган эди.  
Шамолдай чопағон отини қўзғотдики,  
Унинг тезлигидан чақмоқ дилига ўт тушди.  
Бошидаги жиғаси дилнавоз бўлиб,  
Қўз устидаги қош каби ярашган эди.

Подшоҳ фармони билан Исфандиёр султонга хамроҳ бўлиб, Қулбобо қўқалтош хам қалъа томон юрди.

### М а с н а в и й :

Қўқалтош хам совут кийган,  
Ва мурассаъ яроғлар таққан эди.  
Чопқир тозий саман отга миниб,  
Осмондаги Сухайл юлдузи каби кўринди.  
Магар унинг сарв дарахти ғунча ҳосилини  
берса,  
Бошидаги дубулғаси яраклаган заррин эди.  
Шукухли бошқа жангчилар хам  
Бошдан оёқ балиқдай совут кийиб,  
Бошларига қалқонлар тутиб,  
Қалъа томон йўналдилар.  
Қўлларига киличу ўқ олиб,  
«Бер!», «Тут!», «Ушла!» хуруши кўтарилди.

Қалъа томондан хам саноксиз жангчилар аждардай тўлғониб, балиқдай сузиб, аждарнишон найзаларини қўлга олган, олов сочувчи ўқларни душманлик захри билан суғорган холда, қалъа деворининг тепасига чиқдилар ва

қалъани мудофаа қилишга мажбур бўлиб, ўқ ёғдиришга киришдилар.

### Н а з м:

Камондан чиққан хар бир ўқ,  
Бир жасадни жондан ажратар эди.

Обдор тиғ чақмоғидан уруш олови аланга олди. Олов ёғдирувчи ханжар яшинидан ишчан паҳлавонларнинг кўкраклари чўғдек қизиди. Ажал қўли орзунинг ёқасидан тутди. Бақо ва фано арқоғу ўриш каби бир-бирига чирмашди.

### Қ и т ъ а:

Бошлиқларнинг жону дилларидан умидлари  
узилган,  
Ажал паҳлавонлари ўнгу сўлдан ушлаган эди.  
Жангчининг хайқириғи осмонни тутиб,  
Тиғиниш яркираши офтобга нур бағишлаган эди.  
Бир совутнинг этагига иқбол чанг уриб,  
Бир қалқон пешонасига бахтсизлик доғ урган  
эди.

Отилган ўқ саркашлар бошига дўппи тикар, чақмоқ ва яшин шаклида учган юлдузлардай осмонни ёритар эди ва аждаҳонишон тўфанг аждарҳо оғзидан олов сочиб, оламни куйдирар, қонхўр пилигининг тили дубулға ва совут оғзидан жон қулоғига ўлим нидосини еткизар эди, заҳар сочувчи илон шаклидаги найза булутдан дўл ёғгандай қон ёмғирини тўкар эди.

### Н а з м:

Тиғ ақлга ўхшаб мардларнинг бошида жой  
олган,  
Ўқ эса ваҳмга ўхшаб паҳлавонлар дилини ётоқ  
қилган.  
Найза белини боғлаб, тўфанг оғзини очган,  
Мақсадлари уришувчининг жонини олиш ва  
ўлдирувчининг қонини тўкиш эди.  
Сомон йўли хужраси тоза қон билан бўялиб,  
Юлдузларнинг кўзи қора гард билан  
сурмаланди.

Душман сипоҳи биринчи дафъада девор тепасига чиққан зафарасар лашкарни шашпар, калта найза, қилич ва ханжар билан қайтардилар, чунки қалъа устида туриш мумкин эмас

эди. Деворнинг икки томони кунгира бошидан то тагигача шундай ўткир киррали эдики, сабо элчисининг ундан ўтиши муҳол кўринарди. Ичкари томондан деворнинг тўғрисидаги бошқа девор кўтарган эдилар, ана шу девор устига чиқиб қалъани кўриклар эдилар. Шу вақтда зафарасар шахриёр султонзода билан бирга отга минди. Уруш томошаси ва тамкинли лашкарга қувват бериш учун,

### Н а з м:

Диловар пахлавонлар жанг майдонида,  
Найза билан осмондан отни оладигандай  
бўлиб,

хандақ лабида турди. Буни билгандан кейин сипоҳга, кадрли давлат баракотидан, янги қувват ва ўлчовсиз шавкат юз берди. Қайтадан хаммалари уруш майдонига қадам кўйдилар ва тамом эҳтимом билан ўзларини девор тагига етказдилар. Баъзилари оловга ўхшаб пастдан қалъа тепасига йўналдилар. Сувга қаралганда боши булутга ва қуёш чашмасига тегадиган тоғ шукуҳли қалъага,

### М а с н а в и й :

Қалъа тепасидан қудук тагига қарасанг,  
Фалак унинг чашмаси, ойни балиқнинг кўзи  
дер эдинг.  
Унинг тепасига куш бир йилда учиб чиқиб,  
Тепасидан тагига бир ойда етиб тушар эди,

кўп ҳаракат билан чикдилар. Баландликда оёғини Фарқад юлдузига<sup>435</sup> кўядиган ва бошини Минтақатулбуржга етказадиган қалъанинг остини нақбу коваклар қазиб кўп эшик ва тешикли каптархона қилиб кўйдилар. Фалак қасридан, ой ва қуёш буржидан ўтиб кетган кунгирасининг бошини ерга туширдилар. Қалъа ахлининг дилларини тамом кўркиш сипоҳи эгаллади. Шохона шукуҳдан хайиқиб қочиш йўлини тутдилар: девор тепаларини бўшатдилар. Нурли субҳ кумушранг қиличинини қиндан чиқаришдан ва чинни ойна, яъни қуёш осмон четидан кўринишидан олдин,

### Н а з м:

Субҳ кеча билан видолашиш вақтида қон  
ийғлаб,

Қонга бўялган юзини кўрсатди.  
Фиръавни жом қуёш қаерда деб,  
Ўз вужудини Мусонинг оташидан кўрсатди.  
Нихоят бир Юсуфни қуёшни қудукдан  
чиқариш учун,  
Субҳ кумуш арқонли қовғани кўрсатди.

Сайёралар хусрави қонга бўялган ханжарни кумуш қопланган қинидан чиқариб, Хитой ва Хўтан лашкари<sup>136</sup> зангу ҳабаш лашкари устидан ғалаба қилди.

### Н а з м:

Фалак субҳи тилларанг ниқобини ташлаб,  
Осмон келини олдиға юлдузлар кумушини  
нисор қилиб сочди.  
Қуёш олови мушқранг кечани қуйдириб,  
Сахар шамолининг иси қуморий уднинг  
қийматини кеткизди.  
Уни осмон қарчиғайи овламасин деб,  
Санубар шакли соя мағриб томонга эгилди.

Давлатнинг қуллари, жангчилар фатху нусрат билан, хусусан, Қулбобо кўкалтош Искандиёр султон билан бирга, маҳкамликда ҳеч бир кўз ўхшашини кўрмаган, мустаҳкамликда Искандар саддининг обрўсини тўккан, баландлигидан Жавзо камарига ва фалак буржларига кўл урган қалъанинг тепасига осонлик билан чикдилар. Фатху нусрат байроқларининг бошлари осмонга етказилди, зафар қуёш қаҳрли давлат варақларига соя ташлади.

### Н а з м:

Тепасидан қараганда улкан осмон, чуқур қудук  
каби кўринадиган,  
Команд офтобидан гардун шипи каби баланд,  
Пойлаб ётувчиси гўё Муҳитнинг ўзи бўлган  
қалъани очдилар.  
Шундай қалъаки,

### Б а й т:

Ҳар бир девори кўркмас пахлавонлар билан  
тўлган маҳкам,  
Ва ичи арслонлар билан тўлган бир боғ бўлиб,

уни бўшатиб олиш улуғ фикрлилар олдида ғариб ва ажиб, ғоятда мустаҳкамлигидан уни очиш тугун ечувчи ақл олдида қийин кўринса ҳам, лекин осмоний мадад сабабидан ва Танг-

рининг баракотидан очилди. Иззатли нусрат ва равшан фатҳ зафарнишон байроқнинг нақши ва нигори бўлди. Давлат субҳи саодат ва бахт матлаидан чиқиб, зулмат кечаси тамом кетди.

#### Б а й т:

Файб пардасида камалиб ётган умид субҳига,  
Коронғу кечанинг иши тамом бўлдики, «энди  
ташқарига чик!», дегин.

Саброн шахри зафарнишон сипоҳнинг қўлига кирди. Хусравона раъй, шоҳона қасд яшиндай алангаланиб, олов каби шуъла сочди ва қаттиқ шамолдан тўлқинланган қаҳр селоби каби мавж уриб ҳукм қилди: «Паст табақа кишилардан қалъадорликда жонбозлик кўрсатиб, ўқу тўфанг отувчи нафтбоз бир тўда туркларни, вазоҳатларининг қучлигидан девор тепасида маҳкам турган баъзи тожикларни тўдан ўтказилсин ва вужудларини жаҳон майдонидан қолдирмасин». Шунинг учун нусратасар лашкар ўша қаҳру ғазабга дучор бўлганларни бахтсизликка учратдилар: баъзиларини қилич билан ўлдирдилар. Дашт юзи ўлдирилганларнинг кўплигидан тепа бўлиб кўринди ва мажруҳлар қонидан,

#### М а с н а в и й:

Ўлганлардан заъфарон тусли бир тепа пайдо  
бўлиб,  
Теварагидан арғувон тусли ариқ окди,

гўё фалакдан олтин дўл ёғиб, унинг атрофига лола баргларини тўқди, дейсан ва обдор тиғ билан у хоксорларни жонни куйдирувчи қаҳр оловига ташладилар. Сарқашлик ва мутақаббирлик хаёли бошларида бўлган гарданкашларнинг бошларини хатти найзаларнинг парчами<sup>437</sup> қилдилар.

#### Н а з м:

Хамма аскарбошиларнинг бошлари тандан  
жудо бўлиб,  
Уларга қалқон ёстуғу, жавшан қафан бўлди,  
Тиғнинг учи қон сочувчи қора булутдай бўлиб,  
Булутнинг қўкраги тиғ тобиши билан  
тўлди.

Гўё бутун жаҳон қон йиғлади.  
Ўлдирилганларнинг кўплигидан ер буқилди.

Зафардасттоҳ сипоҳ душманни тутсалар ўша замон бошини танидан жудо қилиб, қоптоқдек от оёғи остига ташладилар.

#### Н а з м:

Савсан тусли ҳинд тиғидан  
Арғувон рангли сел ёғар эди,  
Тиғ мўр дарахтининг шохи бўлиб,  
Барги гулнор тусида эди.  
Гўё анорнинг барги бўлиб,  
Устида анорнинг доналари бор эди.

Жаҳонгир шахриёрнинг дили Абдуссаттор султоннинг ушланиши билан банд эди. У эса ахтариш вақтида, тақдирга мувофиқ, ўнгу сўл чухраларнинг қўлларига асир тушди. Жаноб Раҳмонқули чухра оқоси ва ҳашаматли амирзода Дўст мирзо чухра оқолари жаноб хоннинг фармойиши билан уни пиёда Исфандиёр султон даргоҳига олиб бордилар; қўлидан тутиб, ажал туркининг қабзасига топширдилар.

#### Б а й т:

Доим филдай бўлиб, руҳга хиёнат қилай деган,  
Абдуссаттор султонни буқун шоҳ олдиға пиёда  
олиб бордилар.

Исфандиёр султон ғоят изтиробдан унинг бошига тиғ билан туширди.

#### Н а з м:

Котибнинг бошини қалам ёргандай,  
Тиғ душманнинг бошини ёради.

Ва бошқалар унинг ишини тамомладилар ва бошини бўйнидан уздилар.

Донишманд кишиларга махфий эмаски, хон шавкатининг қамоли ва соҳибқирон давлатининг қуввати уч ой муддатда Тошкент ва Туркистонда олийлик байроғини фалак авжига етказиб юрган бир тўда султонларни олий ҳиммати юзасидан несту нобуд қилди ва улардан кўнгли тинчиди. Устод Заҳирнинг шу мақомга мувофиқ сўзи таҳрир ипиға тизилди:

#### Н а з м:

Сенга қарши бўлганларнинг ҳар бирини  
бошқа турда

Замона охир замон фитналарига солди.  
Бири ўлди, бирини фалак сенинг ханжаринг  
билан бўғизлади.  
Ва бошқаси хону монидан айрилди.

Сиёсат қўруқбошиси Жонпўлодбий доимо бало майдонининг теварагида айланиб, уруш гардини кўзғотиб, ҳамма вақт ташна киши сувга харис бўлганидай, жангу муҳорабани талаб қилар эди ва камоли ёмонлигидан шамолдан қаноту куйруқ орият олиб, сувдек пастлик оқиб, бошини оловдек юқорига кўтарар эди. Унинг қўл ва гарданини боғлаб олий даргоҳга келтирдилар. Онҳазрат унга ғазаб билан хитоб қилди: «Э хароми, сенга нима ёмонлик қилдимки, вилоятимизни ташлаб душманларга қўшилдинг. Ҳамма вақт фитна кўзғотиб, қон тўқувчи найза билан келишиш жасадини мажруҳ қилдинг?!» Жонпўлодбий бу танбеҳдан кейин бошини юқори кўтаролмади. Бошқаларга ибрат учун онҳазрат уни ўлимга ҳукм қилди... У доду фарёд қилиб охири ўлди.

### Н а з м:

Қоғоз каби икки юзли,  
Қалам каби икки тилли кишининг  
Юзини қоғоздек қора қил,  
Ва қаламдай гарданини кес.

Саброн шахрининг қозиси Бекинчик қози Жонпўлодбийнинг қариндошларидан бўлиб, ўша вилоятнинг соҳибхитиёри ва фармонфармоси эди ва ёшини бир юз ўн тўртда қилиб кўрсатар эди, уни уч ўғли билан зафарнишон ҳоконнинг олий остонасига келтирдилар. Ундан қанча сўз сўрасалар ҳам, камоли хавфу даҳшатдан тили боғланиб, жавоб беришга қодир бўлмади. Ўзининг ёмон феълларидан хижолат бошини қуйи солди. Онҳазрат буюрди: «Аввал кўз олдида ўғилларини ўлдирсинлар, кейин «ёмон юрма йиқиласан, чоҳ қазима ўзинг тушасан», деган машҳур мақолга мувофиқ, ўзини қудуққа ташласинлар». Нусратпаноҳ сипоҳ ғорату талон кўчасига қадам қўйдилар. Торожга қўл узатиб жавоҳирлар, нақдиналар, безаклар, латиф идишлар, ажиб канизаклар, ғариб матолар ва кийик, ос ва савсардан тикилган пўстинлар зафарасар лашкарнинг қўлига тушди.

Зафарасар лашкар душманнинг шу қадар кучли дилларидаги ҳарислик хангомасини син-

дирди ва неъматларнинг мўллиги муҳтожлик дарвозасини уларнинг хотирига беркитди.

Алқисса, машҳур мусулмон шахарларидан бўлиб, қадимда катта олимлар маскани ва улўф фозиллар жойи бўлган Саброн вилояти соҳибқирон хазрат фармонбардорларининг тасаруфларига кирди. Онҳазрат то кечаю кундуз йўқ бўлмагунча айланма фалак айланиб турар экан, рўзғор саҳифасида ёзилиб қоладиган шундай номдор фатҳ муяссар бўлгани учун Тангрига шукрона саждасини бажо келтирди. Мардоналик кўрсатган амир ва баҳодирларнинг ҳар бирига яхши марҳаматлар қилиб, уларни баланд мансаблар билан сарфароз қилди. Ўша шахар қозилигини у ерда туғилиб катта бўлган мавлоно Абдига топширди; ҳокимлигини жаноби аморатпаноҳ Эсонкелдибий ўторчига тайин қилди, токи улар ақлларининг кўплигидан раъийятнинг тинч ва роҳатда туришига эҳтимом қилсалар; ариқларга сув келтириб экин экдиришга тиришсалар; хароб бўлган жойларни обод қилиб, аввалги ҳолига келтирсалар. Сўнгра фатҳномалар ёзишга буюрди. Равшан фикрда ягона бўлган мавлоно Ҳайдар Муҳаммад мунший жавоҳир тўқувчи қаламни ҳаракатга келтириб, яхши маъноларни марғуб истиоралар билан адо қилиб, ўша вилоят фатҳини таҳрир қилди ва фатҳномаларни теварак-атроф мамлакатларга, хусусан, давлат ва иқбол маркази бўлган Бухорога юборди. Эртасига хон нусратасар сипоҳ билан Ясси қамалига қасд қилди ва Исфандиёр султонни бошқа амирлар билан лашкарга манқило қилди.

### ИСКАНДАР ФАРМОНЛИ ҲОКОННИНГ ТУРКИСТОН ҚАЛЪАСИГА ЮЗЛАНИБ, ТАНГРИ ЁРДАМИ БИЛАН, УНИ ФАТҲ ҚИЛИШИ

Тангри хоҳиши билан Саброн шахри зафарпаноҳ сипоҳнинг тасарруфига киргандан кейин мана бу андиша онҳазратнинг хотирига тушди: юмшоқ тилли хушгап бир кишини элчи қилиб Туркистон томонга юборса, у бепок жамоалар хатарли жойда турибдилар, шояд, ўжарлик ва гарданкашлик йўлидан қайтиб, Ҳақни таниш мақомига келсалар; Туркистон қалъаси қилич ва найза ишлатилмасдан ҳукму фармон остига кирса, Тангри иноятининг қалиди саодат ва бахт эшикларини давлат юзига очса. Онҳазратнинг юборган одами юзини Яс-

си томонга қаратиб, фармонга мувофиқ, элчилик шартини бажо келтирди ва бадий гапларни латиф маънилари билан оро бериб, насихат марваридларини яхши иборалар ипига терди.

### Н а з м:

Лафзинг дур бўлиб, маънилари садафдир,  
Раъйинг жон бўлиб, маънилари суратлардир.  
Сўзинг адаб боғининг меваси бўлиб,  
Караминг сўз тухмининг хосилидир.

У шукуҳлик гуруҳ қалъанинг мустаҳкам-лигига ва захираларининг кўплигига инониб, ҳар қанча ваъда ва кўрқитувчи сўзлар ҳеч бир йўл билан у бетадбирлар дилларидан жой олмади, чунки шавкат ва сон-санови кўплиги жихатдан мағрур бўлиб, сардорлик хаёли бошларидан жой олган эди. «Вакт ўтгач, сон-сановининг кўплиги нафъ бермайди»<sup>438</sup> деган сўздан ғофил бўлиб, «қазо келса, мақсад йўли танг бўлади»<sup>439</sup> деган сўзни фикр қилмадилар. Бу хабар ҳазрат хоннинг нурли хотирига равшан бўлиб, у гумроҳларнинг сўзлари унинг шарафли қулоғига етгандан кейин, муборак пешонада ўзгариш асари пайдо бўлиб, чимирилган қошдан кина нишонаси зоҳир бўлди.

### Н а з м:

Онҳазрат хайбат билан фалакка қараб овоз  
килса,  
Сомон йўли туялари бир-бирларидан  
бўйдаларини узадилар.

Подшоҳнинг қасди қазою қадарга яқин, фатҳу зафарга ҳамнишиндир. Алқисса, у Туркистон қалъасини муҳосара қилишни жазм қилди.

### Н а з м:

Жаҳон унинг тақдири ҳукмида бўлиб,  
Зафар доим унинг жиловидадир.  
Умид ва орзу унинг азми билан ҳамшира  
бўлиб.  
Ажал унинг урушлари билан ҳамхобдир.  
Қазо унинг тиғи билан ҳамроҳ бўлиб,  
Қадар унинг раъйи билан кучоклашган.  
Унинг фазли адаб маркази, буйруғи қазони манъ  
килувчидир.  
Найзаси ўлиш паркори, тиғи ажалнинг  
чизғичидир.

Ва у зудлик билан оёғини Ой юришли,  
Зухра пешонали, Муштарий нурли, Қуёш бе-  
закли,

### Н а з м:

Арслон каби диловар, оху каби чопқир,  
Фил танли, балиқ каби сузувчи,  
Юксакликда ой доим қулоғидан захмдор  
бўлиб,  
Тақасиниш шакли сабабли ер доим ой суврати  
билан тўлган,

туёғи билан даштларга одам бармоғи билан  
дафтар варақларига ёзганида хат ёзадиган от-  
га миниб, Ясси томон юрди ва ой ўқларидан  
кўрқиб, қумуш қалқонини кўлидан туширади-  
ган ва қуёш шамшири хавфидан тилла ханжа-  
рини бир ёққа отиб ташлайдиган кинали си-  
поҳ билан сел каби душманлар томонга йў-  
налди.

### Н а з м:

Нусратли лашкар заррадек сонсиз-саноксиз  
бўлса ҳам,  
Лекин офтоб каби жаҳонни олувчилиги исбот  
этилгандир.  
Ҳаммалари яқдил, шамолдек ҳамнафас,  
Ҳар бири сарвдек бир-бирларига баробар ва  
тол каби ҳамзабон эди.

Яна шаъбон ойининг бошларида<sup>440</sup> мустаҳ-  
кам ва баландликдан фатҳ қилиниш сурати  
ҳеч кимнинг хаёлидан ўтмаган Туркистон  
қалъасининг теварагини,

### Н а з м:

Юмалоклик, мустаҳкамлик, баландлик ва  
кенгликда  
Фалакнинг ҳамма сифатлари тўпланган  
У қалъа қошида бўлган ҳар бир бебок,  
Ўлиш ва ўлмай қолиш улар олдида баробар  
бўлади,  
душманни банд қилиб, қалъани очадиган жанг-  
чи паҳлавонлар,

### М а с н а в и й :

Ҳаммаларининг ишлари курашиш ва чопиш  
бўлиб,

Фикрлари раъийятни кўтариш бўлди.  
Кўлларида чақмоқ каби тиғ, эгниларида фалак  
каби совут,  
Остларида шамолдай от ва бошларида кўёш  
каби дубулға,

ғилофдай қалъа ойнасини ўраб олдилар. Шо-  
хона нағоранинг садоси фалакка етди, сурнай  
ва карнай овози осмонни титратди.

Искандарнишон хон, давлату ҳашамати дои-  
мий бўлсин, ўша Туркистон қалъасида вилоят  
манкабатли, ҳазрат алавий сайидларнинг ху-  
лосаси шайхулислом Хожа Аҳмад Яссавийнинг,  
у кишига Тангрининг раҳмати бўлсин, мубо-  
рак қабри ва табаррук мазори борлиги учун  
хукм қилди: «Сипоҳ то икки ва уч кунгача  
жанг ва муҳорабадан қўл тортиб турсинлар.  
Ўқ, тўфанг, аррода ва замбаракни қалъа то-  
монга отмасинлар, шояд, Туркистон халқи ки-  
личу найза, ўку камон ишлатилмасдан салта-  
натга тобе бўлиб, бахту саодат ёрдами билан,  
залолат дарёсининг қаъридан хидоят соҳилига  
рларини етказсалар». Қалъа девори тагига бир  
кишини юбориб, шу хабарни етказди: «Бун-  
дан илгари қалъани таслим қилмаслигининг  
сабаби шу эди: айтар эдингизким, «Қалъа  
подшоҳимизнинг уйи, уни бизга топширган.  
Охирги нафасгача уни сақлашга тиришамиз.  
Осонлик билан бермаймиз, бошимизни тик-  
канмиз». Бу ҳикоя шундак вақтда яхши бў-  
лур эдики, Бобо султон тирик бўлса. Холбу-  
ки, у Тангри ёрдами ва подшоҳ қуввати билан  
казою қадарга поймол бўлиб, ҳаёти саҳифаси-  
га хат тортилган. Энди кимнинг этагига осил-  
ласиз ва қайси ҳийланинг паноҳига қочасиз?»  
Қалъа аҳли, хусусан, шариат қозиси, бир тў-  
да найзадор ва ўқ отувчи кинали турклар итти-  
фоқи билан, онҳазратга бош эгмади. Афв ва  
хилмини сўрамади. Яна исён чангини кўзғо-  
тиб, ботил ҳаёл билан ҳаво ва ҳавас отининг  
жиловини дев қўлига бериб, ғурур қуши унинг  
димоғига уя солди.

Н а з м:

Агар душманнинг бошида савдо ғалаба қилган  
бўлса,  
Унинг дафъига афғиймун сингари тиғинг  
кифоядир.

Қози шунча хавфу қўрқинчи бўла туриб,  
манманлик байроғини кўтарди, мутақкабирлик

мақомида «Тангрига ёпиш-у, ордан сақлан»<sup>441</sup>,  
деган даъвони қилди. Ақл зеваридан яланғоч-  
лиги сабабли шундай яхши ҳаёт неъматидан  
макруҳ ва ўлим суратини ортиқ кўрди. У  
қалъани сақлашда тамом эҳтимом қилиб, мана  
шу мазмунни изҳор қилди:

Н а з м:

Яхши ном билан ўлсам раводир,  
Менга яхши ном, ўлимга тан керак.

Хуллас, у тўданинг душманлиги ва нодон-  
лиги чўзилди. Хоннинг қазо нуфузли мана бу  
фармони содир бўлди: «Юлдуз шуқухли, ер  
саботли, олий ҳимматли, равшан раъйли, соф-  
дил сипоҳлар атрофу теварақдан келиб, улар-  
га мурчил учун жой тайин қилсинлар. Тири-  
шиб тасхир каманди бошини осмонга етказган  
у номдор қалъа кунгирасига ташласинлар, қо-  
рағозий ва жаҳонгир қазонларни келтириб,  
қалъа қаршисига жойласинлар. Агар ҳожат  
тушса уларга ўт берсинлар». Фармонга муво-  
фик, иззатли сипоҳ балиқ сифатида тез ҳара-  
кат қилиб, арслонга ўхшаб овчилик ва баланд  
ҳимматлилик, йўлбарс каби уришувчилик ва  
қон тўқувчилик билан,

Н а з м:

Ҳар бирининг найзаси совутни тешадиган бир  
учар юлдуз,  
Ҳар бирининг тошни кесадиган тиғи яраклаган.  
Ҳаммалари Рустам камонли, арш ўқли,

ҳаммалари оҳу каби чопқир отга минган ва  
йўлбарс каби овловчи, қалъа томонга йўна-  
либ, тамом жаҳд билан мурчил учун жой тайин  
қилдилар ва қазонлар учун муносиб ўринлар  
белгилаб, нақб қазишга киришдилар; метин  
зарби билан ер табақасига зилзила солдилар.

М а с н а в и й :

Қалъа аҳли дарвозани  
Ғалаба шиорли сипоҳ юзига ёпиб,  
Қалъа деворига чиқиб  
Бефойда уруш йўлини тутдилар.  
Юлдуз сипоҳли ҳокон буюрди:  
«Лашкар қалъа томон йўналсин,  
Тамом жаҳду эҳтимом билан,  
Юрту мақом тайин қилсинлар.

Тадбир билан ўз жойига,  
Корағозий ва жаҳонгир қазонларни  
ўрнатсинлар.

Метин билан ер тагини ковлаб,  
Қалъа девори тагига ётқизсинлар».  
Замон хонининг фармонига мувофик,  
Искандар нишонлик жаҳонгир подшоҳнинг  
амри билан,

Зафарни мақсад қилиб олган сипоҳ  
Бирданига қалъа томонга йўналди.  
Эгниларига совут кийган ҳамма сипоҳийлар  
Танга балиқ шаклида кўринардилар.  
Ҳаммалари чакқон, косабоз суратида бўлиб,  
Уруш учун бошларига темир қулоҳ кийганлар.  
Отлиқлар пардан кўпчук қилганлар,  
Гўё эгар устидан фитна кўзғолган.  
У замон саркашларининг қўлларидаги  
найзалари

Гўё осмоннинг ўқи бўлган эди.  
Бир-бирига ёндошиб осмонга кўтарилган  
найзалари

Қуёш кокилига тароқ бўлган эди.  
Совут кийган чиройли жангчилар бошларига  
пар санчганлар,  
Гўё ҳар бир чашмада бир ўрдак бош чиқарган  
эди.

Аскарлар гўё дарёга ғавғо солувчи кўп  
балиқлар бўлиб,  
Ғавғоларидан дарёдаги садафнинг қулоқ  
пардаси йиртилган эди.

Зафарёр, нусратқарин сипоҳ,  
Ўнгу сўлдан бир-бирлари билан ёндошиб,  
У баланд қалъа атрофида  
Зўр қасд билан ўрин олдилар.  
Сипоҳнинг хуруши осмонга кўтарилиб,  
Фалак ой қулоғига пахта тикиб қўйди.  
Қаҳрамонларнинг хуруши еттинчи фалакка,  
Зухал юлдузига етди.  
Ҳар томонга қазон жойлаштирилиб,  
Ундан фитна олови авж олди.  
Тўфанг чақмоққа ўхшаб ловуллаб,  
Унинг жаласи иссиқ ва жон куйдирувчи бўлди.

Қалъа аҳли зафарли сипоҳнинг қасдидан  
огоҳ бўлдилар. Бобо султон ва болаларининг  
хикояси уларга очик маълум бўлди. Ораларида  
саркашлик олови ниҳоятда алангаланган эди,  
баъзилари ўлимдан қутулиш чорасини ва он-  
ҳазратга тобе бўлиш ва гардан қўйишда деб  
билдилар ва тўхтовсиз ўзларини тупрокдай де-  
вор тепасидан пастга отдилар. Шариат қозиси  
бир тўда кина кўзғотувчи қалъадорлар билан,  
уларни манъ қилсалар ҳам, фойда бермади.  
Туркистон кишилари онҳазрат шавкатининг шу-

кухидан кўркиб, қалъани тарк қилиб, бошлари-  
ни хатарсиз жойга қўйдилар ва кунгира тепаси-  
дан ўзларини хокрезга ташладилар. Бунинг  
устига ичкаридагилар чиқиб ўз кишиларининг  
бошини кесар эдилар. Шундай бўлса ҳам, ўзла-  
рини ташлашдан тийилмас эдилар. Охири кози-  
зода аниқ тушундики, агар бундан кейин яна  
уларнинг раъйларига қараб монеликни давом  
эттирилса, онҳазратга уруш очилса, қалъа қўл-  
га киргандан кейин албатта ҳамма жойларнинг  
хароб қилинишига, молларнинг талон бўлиши-  
га ва халойиқ қонининг тўкилишига сабаб бўла-  
ди. Шунинг учун саркашлик авжидан тавба ва  
зорийлик чуқурига тушиб, бир ариза ёзиб Ис-  
кандарнишон Ибодулла султоннинг осмониш-  
тибоҳ даргоҳига юборди. Мазмуни шундай эди:

### Н а з м:

«Жаҳонда менга остонангдан бошқа паноҳжой  
йўқ,  
Бу эшикдан бошқа менга бош урур жой йўқ.

Агар онҳазратга восита бўлиб шафоат қа-  
дамини ўртага қўйсалар, онҳазрат каминанинг  
гуноҳини кечса, подшоҳона марҳаматларига  
махсус бўлиб, бандалик, қуллик, хизматкор-  
лик расмларини ўрнига келтирсам, оёқ билан  
эмас, бош билан югурсам, тазарруъ ва мис-  
кинлик одимлари билан шаҳардан чиқиб жа-  
ҳонгир султоннинг тахт поясига бош қўйсам».

Ҳазрат Ибодулла султон ариза мазмунини  
англади. Ясси шахрининг фатҳини аниқ би-  
либ, бетўхтов хоннинг олий остонасига бориб,  
умид қўлини афв этагига уриб, онҳазратдан  
шариат қозисининг гуноҳини сўраб, бу иш-  
нинг ислоҳига ғоятда саъй ва эҳтимом қилди.  
Онҳазратнинг асли ва зори қарам ва марҳамат  
эгаси бўлгани учун биродарининг шафоатини  
қабул қилди; уни риоя қилиб, хоҳишидан таш-  
қарига чикмади. Шунинг учун қозизода афв  
сулҳ этагини ушлаб, қалъани ташлади; ожиз-  
лик билан шаҳардан чикди; лойиқ пешкашлар  
ва муносиб тухфалар олиб султоннинг ўрдуси  
томонга борди ва ўзини қуллар ва асирлар  
каби шахриёр боргоҳига етказди.

### Н а з м:

Салом вақтида қаддини камон шаклида буккан  
киши  
Қазо ўқидан саломат қолади.



Қозизода амирлар ва аркони давлат воситчилиги билан ҳазрат султон мажлисига кириш йўлини топди. Сўнг бандалик ва куллик эоши билан фалакиштибох боргоҳ ходимларининг оёқларини ўпишга борди, юзини ожизлик тупроғига сурган холда узр баён қилиб, афв этагига осилди.

#### М а с н а в и й :

Душман қўлида чора қолмаса,  
Фармон хаттига бош қўйиб, паст бўлади.  
Ўзининг ёмон феълларидан пушаймон бўлиб,  
Тил очиб юз турли узр айтади.

Фатҳу зафар байроғи яхши кунларга етиш осмонига кўтарилди. Нусрат ва бахт аломатлари қуёш ва фалак саҳифаларига ёзилди.

#### Н а з м:

Саодат қуши унинг бақо қарчиғайининг оёғи  
остида,  
Фатҳ шақари унинг давлат тўтисининг оғзида,  
Зафарнинг осойиши унинг тахти байроғи  
соясиди,  
Жаҳоннинг осойиши унинг тахти поясидадир.

Хуллас, Дашт қалъалари ичида машхурроқ бўлган Туркистон қалъаси тасарруф остига кирди. Муқаррарий одатга мувофиқ, ҳокон ҳар шаҳарда ҳам машойих ва ақобирларнинг мазорлари зиёратига борар эди ва у аҳлуллоҳларнинг<sup>442</sup> руҳониятидан мадад сўрар эди, шунинг "чун авлиёлар қутби ва атқиллар ғавси, шайхулислом ва мусулмонлар шамс ул-милласи ва лд-дини ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий, Тангри сиррини пок қилсин, турбатининг зиёратига нузул қилди ва у равзаи муборақ ва букъаи шарофатга етди ва оламдаги толеи ёварасар сирлар нурини топди. Муносиб кишиларга кўп назру ниёзлар берди. Хосу омм пешонасига инъом қўшининг соясини солди. Олам аҳлига раҳмат паноҳидан ва лутфу марҳамат соясидан жой берди. Яхши иноятлар қилиб, шаръий ва суннат равзасини адолат нури билан ёруғ айлади ва тароватлантирди. Бу ифтихорли иши ҳаммага маълум ва машхур бўлди.

#### Н а з м:

Подшоҳ адлидан яхшироқ нарса борми?  
Унинг адлидан доимо абад

Шариатга таровату зулмга завол,  
Халққа фароғату, подшоҳликка низом.

Раҳматининг комиллиги ва меҳрибончилигининг ҳаммага шомиллигидан аввал бутун раъийят ва фуқарога ўзининг ҳиммати зиммасига лозим бўлиб ва яхши аҳдига вожиб билиб, саъй ва тиришиш асарларини ҳаммага етказишни, бузуқи ва золимларнинг дафъига бел боғлаб, уларнинг зарарларини ожизлардан, балки бутун халқдан узоқ қилишни лозим билди.

#### Б а й т:

Чумоли жонга қасд етказадиган илонга  
айланишидан бурунроқ,  
Фурсатни қўлдан бермай, уни оёқ остида эз.

Шунинг учун Тангрининг илхоми ва ёрдами билан қувватланган қазою қадар қаби олий фармон содир бўлди: «Ўша вилоятда душманлик йўлига қадам қўйиб урушиш бошини қўтарганлар бор; хилоф ва уруш камарини жон белига боғлаб, душманлик шеvasини зоҳир қилиб юрганлар бор. Мамлакат гулзорини ўша оламни куйдирувчиларнинг тиканларидан тозалансин ва уларнинг фитналари оловини вилоят майдонидан ўчирилсин».

#### М а с н а в и й :

Душман кучсиз бўлиб, сен кучли экансан,  
Фурсатинг борича унинг дафъини қил.  
Ўтни алангаланмасдан ўчириш керакки,  
Ундан олам қуяди.

Ўша куни қуёш чиқиш вақтидан то ботгунича булутдан ёмғир ёғгандай тиғдан қон ёғар эди. Паҳлавонларнинг бошлари отларнинг оёқлари остида қоптоқдек юмаланар эди. Ўлдирилганларнинг қўплигидан даштнинг майдони тепа ва тоғ ҳукмини олди. Ўлдиришнинг авжга чиққанлигидан ўша саҳрода қондан селлар оқди.

#### Н а з м:

Ер тўқилган қондан мавж урган дарё бўлди,  
Унда суворий худди кемаю, ўлик лангар

бўлди.

Ажалнинг ҳамма тарафга қулоч отиб юриши,  
Худди ўша қон дарёсида сузиб юрган киши  
бўлди.

Диловар киначилардан фитна оловини кўз-  
ғотиб ноҳақ кўп қон тўкилишига сабаб бўлган  
бир қанча кишилар, хусусан, Турумбий қиёт,  
Мискин баҳодир ва бошқалар олов каби қи-  
лич зарби билан йиқитилдилар ва уларнинг  
танлари тупроғини ниёзсизлик шамолига со-  
вурдилар.

### Н а з м:

Тиғи душманнинг ақлсиз бошларидан  
Фалакнинг икки насрига, бургутга хумор суяк  
берганидай, устухон беради.  
Ажал шамоли душман умрини баргрезда<sup>443</sup>  
хазон қилишда  
Бахорга куз фаслининг табиатини берарди.  
Яраклаган тиғ маърака боғининг атрофига  
Ўлдирилганлар қонидан арғувон рангини  
беради.  
Душманнинг фосику фожирлиги ундаги хосият  
сабабли,  
Жавшан ва ёпинч сиртидан кўриниб турарди.

Алқисса, нусрат ва зафар субҳи давлат уф-  
қидан тулуъ қилиб, муборак байроқлар маҳ-  
часи оламтоб офтоб каби унинг толеи тепаси-  
дан бош чиқаргандан кейин,

### Н а з м:

Байроқларинг хамиша шундай мансур,  
Қувватли ва музаффар бўлсин,

фармонга мувофиқ равшан замири дабир мав-  
лоно Ҳайдарки, унинг тез ёзишидан тез сайр-  
ли ой хайрат бармоғини тишлар эди, соф зеҳ-  
нига хайратда қолиб, тўғри тадбирли ўқ та-  
факкур бармоғини хайратланиш тишига кўяр  
эди, қаламининг овозидан хушнаво Зухра рашк  
қилиб чанг, борбат ва бошқа созлардан шод-  
лик қўлини тортар эди, дур таратувчи лафзи-  
нинг нурларидан зар сочувчи куёш осмон па-  
лосидан қокилини йиғиштирарди, номдор фатҳ-  
ни мушкбор қалам тилига олди, зулол сув ва  
сеҳр каби сўзларни тизиб бир қанча кишилар  
орқали теварак-атрофларга юборди. Қутли  
фатҳ овозаси ер юзига тарқалди.

Онҳазрат хотирини вилоят ишларини тар-

тибга келтириш ва мамлакат юмушларини ни-  
зомга солишга қаратиб, Туркистон ҳукумати-  
ни шижоатли амирлардан Ёрийбий ибн амир  
Сотилғонга таслим қилди; Ўтрорга Суюнчқо-  
ра баҳодир ҳашамат байроғини тикди. Шунга  
ўхшаш ҳар ерга яхши фикрли кишини тайин  
қилди. Улар ҳалал ва фасод йўл топган ҳам-  
ма жойларда интизом тадорукига киришдилар,  
вилоятдорлик одобини қаҳрли давлатнинг одату  
қонунига мувофиқ иш юргиздилар, зулм қў-  
лини қалта қилиб, адолат паноҳида мазлум-  
ларга жой бердилар, токи тўғрилиқ мевалари-  
ни ростлик дарахтидан терсинлар.

### Н а з м:

Ҳисоб-китоб қунида одил кишилар ҳалослик  
топадилар,  
Сен ҳам ўшалардан бўлишга тириш.  
Бу растада тўғрилиқ қил,  
У растада ҳам тўғрилиқ саналасан.

Онҳазратнинг саъй-ҳаракати жаҳонга ёйил-  
ди ва кетма-кет бўлган фатҳлар денгиз ва қу-  
рукликдагиларга тарқалди.

### Б а й т

Унинг овозаси шамолдай у оламдан бу оламга,  
Унинг зикри сувдай бу мамлакатдан у  
мамлакатга ўтди.

Адл биноти мустаҳкам бўлиб, юзида зул-  
мат бисоти йиғилди; ҳаттоки каклик қарчиғай  
билан ҳампарвоз бўлди.

### Н а з м:

Қарчиғайнинг чангали какликка уя бўлиб,  
Бўрининг кўзи қўйда бўлди.

Онҳазрат матлаб ва мақсадларни қўлга кир-  
гизиб, хавоси ва фазоси оловдек нур сочувчи ва  
зийнат берувчи ва шамоли жонни парвариш  
килувчи, муаттар тупроғи ғамларни кеткизувчи  
Бухоро томон муборак жиловини бурди.

### Н а з м:

Мол кўп, дин қучли, толеъ баланд,  
Мақсуд хосил, бахт юкори ва фалак

итоатдадир.

Муборак байроқлар бахту икбол соясида йўлга тушди; шоҳона довул овози Баҳром ва Ой буржларига чикди. Жаҳонгирлик чатрининг қарчиғайи Фарқад ва Аторуд бошларига соя туширди ва муборакфол зафар Хумоси канотини фалак авжига ёзди.

#### Н а з м:

Замон хоконининг чатр Хумоси парвоз  
килганда,  
Унинг соясида нусрат шункори уя қилади.

Хоқон шаъбон ойининг охирларида<sup>444</sup> азиат отини жавлонга келтириб, Хўжанд сувининг лабига етди. Фармонга мувофик ҳамма кемаларни ўтадиган жойларидан тўплаб, хоннинг ўтиш жойига келтирган эдилар, хоқон кема билан дарёдан ўтди.

#### Б а й т:

Жам рутбали хоқон кемага тушди  
Ой сув буржига<sup>445</sup> кирган каби.

Дарё лабида Сассиккўл<sup>446</sup> томонни қасд қилиб, у кўнгил очадиган сахрога етди. Салтанат кўзининг нури, давлат равшанлиги, олам за оламдагиларнинг кўз нури Абулфатҳ Абдулмўмин султон, ходим ва қўлларига рухсат эериб, шикорни ҳавас қилди ва рамазон ойидан ўн кун<sup>447</sup> муддат ичида у поёнсиз сахрода :конивор отиш билан машғул бўлди.

#### Н а з м:

Подшонинг раъйи овни хохиш қилган эди,  
Олдин лутф билан замон дилини сайд қилди.  
Саодат ва бахт отига миниш билан  
Ер юзининг подшоҳларига ифтихор бўлди.

Номдор сипоҳ ва саодатасар лашкар атроф ва жонибдан кириб шикорчилар сафига қўшилшлари билан ўргатилган итлар чопишга, юзлар ғариллашга, шункор ва лочинлар, қарчиғай ва қирғийлар парвозга кирдилар.

#### Н а з м:

Қарчиғай сайд учун канотини ёзса,  
Куёшу ойга хавф тушади.  
Қарчиғай қайси қушни каноти остига олса,

Ўша қуш эртасига Тубо дарахти соясида донатеради.

Даштда ваҳшийларда чопишга қувват, ҳавода қушларда учигдга мажол қолмади. Онҳазрат бир гуруҳ отликлар ва овчи курашчилар билан саодатли соатда ой каби тез юрувчи хилол тақали отга куёш осмонга мингандай миниб, сахрою биёбонни ваҳшийлар қонидан лозазор қилди. Ўлдирилган охуларнинг қолгани ваҳший ҳайвонларга майшат бўлди.

Шикордан кейин зафарасар мавкаб ҳаркатга келиб, хоконнинг овдан қайтиш овозаси ҳаммага тарқалди. Атрофу жавонибдан кетмакет сардорлар ва шижоатли амирлар умид юзини кутли даргоҳга қўйиб, фалак ҳашаматли ходимлар оёқ ўпиш шарафига етишдилар. Ҳар бирлари пайғамбарлик боғидан бир шох ва жувонмардлик чаманидан бир сарв, саодат ва бахт буржидан бир юлдуз, сиёдат қутичасидан бир марварид бўлган сайид ва улуғлар пешвоз чиқиб, кўп нисорлар сочдилар ва эъзоз билан сарфароз бўлдилар. Манзил ва марҳалаларни кезиб, Иштихон тавобиъдан бўлган Темир қобук<sup>448</sup> мавзеига етганларида, ҳазрат қудсий манзалат, машойихлар хулосаси, ҳидоят осмонининг куёши, вилоят сирларининг махзани Хожа Саъдуддин Абубакр Саъд Хожажонхожа, баракоти доимий ва ҳаёти узун бўлсин, шарафли мулоқот ва зиёрат учун ҳозир бўлдилар. Хоқон шикорда юрганда ул зотнинг келган хабарини эшитган эди, абадий саодат ҳосил қилиш мақсадида валийларга муҳаббат ва муридлиги бўлгани туфайли, тўхтовсиз ул зотни кўришга қасд қилди. Ул жаноб ҳам хоқон истиқболига бориб, олий фармонга мувофик, от устида туриб мулоқот бўлди; тухфа ва пешкашларни жаҳонгир шоҳ назарига келтирди. Онҳазрат ҳам учрашиб суҳбат қилганига ғоятда хушвақт ва шодмон бўлди. У жойдан Ҳазорага тобе бўлган Иқжоб<sup>449</sup> дарасига қараб юрди. Ҳар кўкламда ўша дарада кўп сел тўпланиб, лекин унинг суви экинга етишмас эди. Шунинг учун буюрди: «Аҳмадали оталик найман ўша дарага Сомон йўли шаклида бир тўғон қурсин, токи дехконлар ўша жойда тўпланган сувни бўлишиб экинларни суғорсинлар». Ўша фирдавсмонанд манзилда, биринчидан, онҳазрат тарбиятида улуғ олим ва фазл эгалари: Хожа Муҳаммад Тохир Сиддиқий, устодимиз ва махдумимиз мавлоно мулла Те-

мир, Мирзо Зулфиқор кабилар амир Кулбобо кўкалтош воситачилиги билан мулоқот шарафига етдилар. Шоирларнинг малоҳатлироғи мавлоно Мушфикий, шунингдек, фақирларнинг ходими, бу варақларни қора қилғувчи Ҳофиз Таниш ҳам олий подшоҳ мулозаматига етдилар. Ҳар бирлари ул жаноб мадҳига қасида айтган эдилар, олий даргоҳга пешкаш қилдилар. Малойикҳашам ҳокон қарам юзасидан уларга неъматлар бериб, ҳар бирини ўз тенгидан даражасини юқорига кўтарди.

Ўша куни Абдулқуддус султон ҳам болалари билан қутли лашкаргоҳга етишди. Шаҳриёр биродарларини бағрига олиб, аҳвол сўради ва Шохрухия амирларини унга берди. Эртасига у жойдан кўчиб, фойзасар Нур мақоми<sup>450</sup> нусратли лашкарнинг манзили бўлди. Ўша жойда ҳазрат шайхулислом ва мусулмон ҳақиқат аёнларининг нури Абдулвали Порсо<sup>451</sup>, у кадрли бўлсин, ташриф буюрди. Искандарнишон ҳокон ота-бобосининг таъзими учун ул ҳазратнинг қушхонасига келиб, дилжуйлик қилди. Ундан кейин шикор учун Карминага борди. Илоҳий нурлар қошифи, тариқат пири ҳазрат Азизоннинг<sup>452</sup>, Тангри унинг руҳини пок қилсин, нузли мазори зиёратига йўналди. Унинг руҳини хушнуд қилиш учун хатми Қуръон буюриб, хосу оммга ош берди. Ўша мазорда донишманд уламолар ва фазлу хунарли фозиллар, дарсу фатво аҳлларининг қудси, зухду такво асҳобларининг хулосаси эдилар ва зўр фазилат, оройиш саодатига эга бўлганлар, шариатнинг низомини муборак қалами билан ёзганлар ва диннинг усули марҳамларининг кайфияти ўша фирқаларнинг фатвоси билан равшан бўлган, «Тангри хоҳлаган кишига хикмат беради»<sup>453</sup> башоратномаси етиб, илмлик кишилар илмсиз кишилар билан тенг эмаслар либоси билан мушарраф бўлганлар, бир неча олим ва фозиллар, яъни буюк олимлар пешвоси мавлоно мулла Мир охунд, фанлар жомеъи, илму хикмат рамзларининг қошифи, аллома, «Тангри инсонга билмаган нарсаларини билдирди»<sup>454</sup> ояти шаънига тўғри ва ҳар бирлари ҳасаб ва насабли рутбали амир Садриддин Муҳаммад, фазл девонининг жамловчиси, қонунларни тайинловчи, мушкулотни ҳал этувчи Хожа Муҳаммад Тоҳир<sup>455</sup>, ҳар бирлари ҳам ҳасабда ва ҳам насабда баланд даражали эдилар, умрлари узун бўлсин, шарофатли учрашув билан фахрланиб, қўл ўпиш

шарафи билан сарфароз бўлдилар. Онҳазрат уларни таъзиму тақрим этиб, инъомлар билан хушвақт қилдилар.

Рамазон ойининг охирларида<sup>456</sup> ул баракотли жойдан нусратнишон байроқни ҳаракатга келтириб, салтанат уйи Бухорога келиб тушди. Умуман жаҳон ақобири ва хусусан Бухоро аҳолиси, бозор ва хунар аҳллари пешкаш маросимини ва табрик шароитини бажо келтириб, шу сўзни тараннум қилар эдилар:

### Н а з м:

Тангрига шукр, соҳибкирон подшоҳ қайтиб  
келди,  
Зафар олдида, бахт орқасида ва саодат  
жиловида келди.  
Қандай яхши, Фаридун рутбали хонки, қутли  
лақаблари,  
Шаҳаншоҳ, фалакқадр, малаклар унга посбон  
ва қоровул бўлиб келди.  
Қаҳрининг тиғи мамлакат эгаларини оёқдан  
йиқитди.  
Гарданкашлар гарданига унинг қўлидан  
нималар келмади.

Сайидлардан жаноби олий насаб нақиб Муртазо Аъзам, малак хулқли,

### М а с н а в и й :

Қасби сайидларининг пешвоси Мир Асад,  
Шундай кишиким, унинг файзи ҳар кимга  
етади.  
Мумтоз набий авлодининг фаҳри,  
Сайиди Муртазо авлодининг сараси,  
Иқтидор буржидан тулуғ қилган бир юлдуз.  
Фахрланиш сандукчасидан порлаган бир  
гавҳар.  
Иқболи шараф авжининг офтоби.  
У марварид, қуёшу ой унга садафдир,  
Фалак унинг улуғлик қасрининг куббаси,  
У куббага ой ва кун бир кандил ўрнида,

Қасбидан чиқиб онҳазрат шикор қилиб юрган Жуктой мавзеига борди ва унда мулоқот шарафини топди. Искандарнишон хон ҳам унга бениҳоят иззат-икром кўрсатди ва аҳволини сўраб, тенгқурлари ҳасад қиладиган даражага етқизди. Уни ҳамроҳ қилиб бир неча кун овда юрди ва унинг кадру мартабасини баландлик авжига чиқарди.

ФАЛАК ҲАШАМАТЛИ ХОННИНГ ИСКАНДАРНИШОН  
ОТАСИ БИЛАН КЎРИШИШИ ВА АЙРИМ  
ВИЛОЯТЛАРНИ УНИНГ БАЪЗИ БИРОДАРЛАРИ ВА  
АВЛОДИГА СУЮРҒОЛ ҚИЛИШИ

Хокон атрлик хотирини душманлардан фориғ қилгандан кейин, иззу жалол марказига келиб ва иқбол маснадига тақя қилиб, ҳашамат ва жоҳ саропардасини қуёшу ойнинг тилла куббасига етказиб тикди.

Н а з м:

Сафардан қайтгач, иқбол маснадига ўтирди,  
Қутлик юлдуз, яхши кун ва яхши толеъ билан,  
Қимматли лашкарни иззат марказигача  
келтириб,  
Кенглик йўлини ўнгу сўлдан маҳкам қилди.

Зафарнишон байроқ неча кун марказда турди; атроф мўътабарлари ва мулк бошлиқлари ва гуруҳ шарафлари турли тухфалар ва ҳадялар келтириб, ул шарофатли олий боргоҳ тупроғини ўзларига саждагоҳ қилдилар.

Н а з м:

Ёғин уни покларнинг берган бўсасидан  
Ўртада тўсиқ бўлмаса ер ёрилмайди.  
Унинг узуги узук эмас, балки иззатнинг кўзи.  
Қиличини эса қилич эмас, ноз қилувчиларнинг  
ширин тили дейсан.

Сардорларнинг боши эгилиб, саркашлар гардани тобелик ипига кирди, муборизу қаҳорлар унга мутеъ ва амрига тобе бўлдилар.

Н а з м:

Оламда сенга душман бўладиган киши  
колмади,  
Агар бирор киши қолса ҳам, у ҳам сенга мутеъ  
ва тобе бўлди.  
Хукмингдан бош тортган киши йикилиб йўқ  
бўлди.  
Унинг бошида тупроқ, сенинг бошингда тож  
бўлди.

Онҳазрат ийди рамазон ойининг бошида<sup>457</sup> Бухоро доруссалтанатида бўлди. Чингизий подшоҳларнинг расмлари бўйича, шаҳардан намозгоҳга бориб, ийд намозини адо қилди; намозгоҳдан қайтиб ийд базмини тузди; шавку

беғамлик эшикларини аркони давлат ва марсаррат асхобининг юзларига очди.

Б а й т:

Султонлик базми тартиб берилди, шохдан  
сўраб нима қиламан?  
Шохнинг бахтли юзини кўргандан кейин ойни  
кўриб нима қиламан?

Ўша куннинг охирида дўстликни хуш кўрувчи хон ийд табриги учун, бахт ёрдами билан, Искандарфармон отасининг хизматига борди ва тугал одоб билан туриб «муборак бўлсин!» сўзи шарафи билан саодатга етди. Сийлаш ва ҳолу аҳвол сўрашдан сўнг ҳазрат Искандархон ўша мажлисда «Мамлакат ва вилоят кенглиги Тангри таоло тақдири ва давлат қуввати билан зиёда бўлди», деб яна қуйидагиларни айтди: «Муносиби шулки, Тошкентни, жамий тобе ерлари билан, Абдулқуддус султонга берилса, чунки у мамлакатни забт қилиш уҳдасидан чиқади; ҳар қандай кенг бўлса ҳам, етук фарзандлари бор, умрларини бандалар тинчлигига ва шаҳарларни обод қилишга сарф қиладилар. «Фарзандларингизни икром қилингиз»<sup>458</sup> мазмунига мувофиқ, ислом куббаси Балхни саодатманд фарзанди Абулфатҳ Абдулмўмин султонга суюрғол қилиш керак, чунки ҳарчанд йигитлик аввалида ва ёшлик даврида бўлса ҳам шамоийида раъийятпарварлик ва адолату дўстлик нишонлари сезилади. Фарғона ҳукуматини азиз фарзандимиз Исфандиёр султонга топшириш муносибдир. Мўмин султонни эса Шаҳрисабзга келтириб, ундан хотирини жамъ қилинса». Онҳазрат отасининг амрларини ризо қулоғи билан эшитиб, васиятларини бошу кўз билан қабул қилди. Эртасига, отасининг фармониغا мувофиқ, ҳукм бўйича, балоғатнишон, мунший асарли Абдулқуддус султон учун Тошкент мамлакатининг нишонини ёзди. Сифатлари яхши ул зот абадий саодат сабабли ҳамиша хуш аҳвол ва яхши қилиқлик бўлганидан насихатга муҳтожлиги йўқ эди. Лекин онҳазрат шафқат юзасидан қуйидаги мазмунда, насихат тариқасида, бир неча калима сўзлади: «Шу замонларда оламо роъй муктазосича, Ўратепа ва Тошкент вилоятларини ҳамма музофоти билан олий даражали биродаримга, яъни Абдулқуддус султонга меҳрибончилик қилдик ва ўша

вилоятларнинг тамом ихтиёрини унинг эҳтимом қўлига топширдик. Лойиқ ва лозими шулки, вилоятдорлик расми ва ойинини сақлашга ҳаракат қилиб, адлу инсоф танобини шарку ғарбга еткизса. Раъийялар Тангрининг сояси сабабли осойишта бўлса; олим ва фозил кишиларни эъзозу икром қилишни яхши одат ва карам жумласидан билиб, қаламларининг учи фазл рўйномасининг фурсати бўлган дарс ва фатво аҳлини астойдил хурмат қилса ва ҳар битталарини тартиб билан даража ва мартабаларини оширсан, исёнчилар билан уруш кунларда қонхўр ханжарларининг тили фатху зафарга таржимон бўлувчи тиф ва найза эгаларининг аҳволига яхши қарашни ўзига лозим тутса; аскар ва ходимларнинг дилларини ва бегона бўлган хотирларни хуш адл ва марғуб инъомлар билан ором берса.

#### М а с н а в и й :

Қўлингни зулмга чўзма,  
Чунки обод мамлакат зулмдан хароб бўлади.  
То жу тахтдан бошқа нарсага муносиб бўлмаган  
кишига

Ақл, раъй, ҳазина ва лашкар керак.  
Кимки подшоҳлик тахтига ўлтирса,  
Белини боғлаб икки қўлини очиши лозим.  
Агар шоҳ тамом зулм ахтарувчи бўлса,  
Бўридан қўй галаси тўзиб кетади».

Шунга ўхшаш Балх вилоятида ўн йилдан бери ҳукумат тепасида ўлтирган Назарбекка хат юбориб, хузурига чақиртирди; вилоятнинг ихтиёрини эса азиз номдор фарзанд Абдулмўмин султон қўлига топшириб, баландлик поясини осмонга еткизди.

ХОҚОННИНГ ХАШАМАТ ОСМОННИНГ ҚУЁШИ,  
ДАВЛАТ ҚУЁШИНИНГ ОСМОНИ АЪЁН КЎЗ  
ҚОРАЧИҒИНИНГ НУРИ АБУЛФАТҲ АБДУЛМЎМИН  
СУЛТОНГА БАЛХ ВИЛОЯТИНИ ТОПШИРИШГА ЁРЛИҒ  
БЕРГАНИ

«Тангри таолога шукрки, давлат ва хашамат тожимизни авлодимиз, жигарларимиз марвариди ва ёқути билан безади. Иқболимиз буржи авжидан оламни ёритувчи бир қуёш тулуғ қилиб, олам зурриёдларининг зарраларига назарини ташлади ва давлат хонадонимизни бу нузли чироқ шуъласи билан шундай ёруғ қилдики, юлдуз сипоҳли қуёш ўз рўзғорини ёри-

тиш учун нур тилаб шуъла этагини унга тутди.

#### Б а й т:

Қуёшимизнинг талъати равшанлигидан  
Олам ахли кўп йиллар омонликда бўлсинлар.

Хилофатимиз ёрлиғига қазо имзо қалами билан улуғлик туғросини ёздики, унинг саҳифаси мазмуни «хоҳлаган кишимизни юқориларга кўтарамиз»<sup>459</sup> тавқеини қиёмат кунигача ўзида тутсин. Унга хос зехн бериб, ғайбий илҳомлар суратини ва нур аксини унинг Ҳақни қабул қиладиган дилига омонат қўйди, токи ҳар ранг ҳоллар унинг қутли сифат хотири ойнасида тафсил ва ижмоли билан аён кўринсин.

#### Н а з м:

Қандай улуғ Тангриким, инсонга  
Шундай шараф бердики, уни бир олам деб  
гумон қиласан.  
Инсоннинг танг димоғига  
Осмон майдонидан ҳам кенгрок зехн ойнасини  
қўйди.  
Подшоҳларга шундай қудрат ва далирлик  
бердики,  
Тадбир билан етти фалакни турли ишларда  
ёрдамчи қиладилар.

Бу карамли вужуд қуёшининг улкан тухфасини жаҳонбонлик, қомронлик наврўзу навбахорида бизга берган шукронасига, бизга фарзи айн, балки айна фарз шулки, аввал кўз қорачиғини тазарруъ билан банданавоз подшоҳ даргоҳига қўйиб, дониш кўзига қуҳлул жавоҳир<sup>460</sup> билан равшанлик берайлик, токи ибрат ва инсоф кўзи билан олам ишлари атрофига мулоҳаза қилайлик. Қайси вилоят ва мамлакатда йўл ва аскар ишларида дағал ва халал зоҳир бўлгани кўринса, у ерга бир кўз нуруни туширайлик. Шунинг учун шу пайтларда унинг жаҳоноро раъйи истадики, «Олам кўзини давлатманд фарзанди, насл ипига тизилган ва давлатимиз фалаки талъатида равшан бўладиган Абулфатх Абдулмўмин султонни янгидан кимёасар назарга манзур қилсак ва унинг қадр мартаба поясини Жавзо авжидан ўтказсак, чунки унинг очик пешонасидан ва унда бўлган мустақил жаҳондорлик далил-

ларидан шахриёрлик асарларини ва яқинда давлати офтобининг денгиз ва курукликка ҳамда етти иқлим атрофига равшанлик беришини аён кўриш ва англаш мумкин». Шунинг учун олий асос Балхни тобелари ва кенг атрофи билан жаноб фарзандимиз Жонибийга<sup>461</sup> топширдик. Уша кенг вилоят муҳимларини, хосу омм маслаҳатлари саранжомини у курратулайин девонининг навбоби амир Жонкелдибийга тегишли қилдик. Унинг басират кўзига, Тангри уни сакласин, илохий нурлар ва бениҳоят асрор асарлари равшанлик берган бўлиб, ўгутнасихатнинг қуҳлул жавоҳирига эҳтиёжи қолмаган бўлса ҳам, биз ғоятда шафқат ва меҳримиздан хоҳладик: «Тангри хоҳлаган кишини ўз нурига йўллайди»<sup>462</sup> хидояти нурларининг тобишидан ёқилган ўзимизнинг офтоб нурли раъйимиздан унинг азиматларига бир чироғни пешво қилсак ҳамда фатҳ нишонли байроғини юқори осмон тепасига кўтарсак; чироғ нурлари рўшнолигида жаҳон майдонининг пасту баландликларини бутун очик кўз билан мулоҳаза қилса ва унинг чуқурликларини эҳтимом ва ижтиҳод билан фитна ахлининг ёмон кўзларига тўлиқ қилиб кўрсатса. Энди муносиб ва вожиб шу кўринадики, давлату жоҳ боргоҳининг асосини ақл иршодининг миҳлари ва адл мададининг устунлари билан мустаҳкам қилса, токи Тангри омонати бўлган раъийятлар оммаси учун адли соябони паноҳида тинчлик юз берса ва адолат нағорасининг тантанаси овозасини шундай баланд қилсаки, унинг ғулғуласидан Нуширвон юз шоду хуррамлик билан уйқусидан турса. Зулмнинг қўпол зилзиласини ер остига шундай юборсаки, Заҳҳок<sup>163</sup> аҳдигача тўхтамасдан кетига қараб қочса ва мамлакат чорсусининг бошига инсофнинг икки алифидан сиёсат дорини баланд қуриб, ўғри белгили золим сипоҳларни осиб, кулоқларини товласа.

#### Б а й т:

Кадри манзилларининг энг пасти тахт бўлсин,  
Душманнинг мартабаларининг энг юкориси дор  
бўлсин.

Шариатда маошининг важҳи муқаррар бўлган тўғри қаламли рост ёзувчини зўр машғул бўлиши билан мушарраф қилсин. Наштар тарзлик қонхўр қалам учи билан жигар қонини

оқизиб, уни ўз айшининг шароби биладиган бераҳм золим қўлига қалам бермасин, балки бармоқлари учини қалам қилсин, яъни қирқиб ташласин.

#### М а с н а в и й :

Подшоҳ тарафидан кўчага кўйилган амаддор  
хотин бўлса,  
Фигон ништардан бўлмасдан, ништар  
урувчидан бўлади.  
Сурувда ит эчки боласини олувчи бўлса,  
Чўпонга, «ўкни итга от, бўрига отма» дегил.  
Халқ конини тўкиш ёмонлардан содир бўлса,  
Товони подшоҳлар зиммасига бўлади.  
Подшоҳ улуғ бўлса иши ҳам зўр бўлиб,  
Хар қайси поядаги иши бўлса ҳам катта  
саналган бўлсин.  
Унинг иши ва равиши қайси жойга етса,  
Бир жаҳон киши унинг ишига тобе бўлсин.  
Энди яхшиси шулки, подшоҳ ўз тиришишидан  
Аҳдини ўз холи билан зийнатласин.  
Ёмон конунидан олам аҳволи ёмон бўлади.  
Чунки подшоҳ расми шаҳр дастури бўлади.  
Тож эгаси билимдон бўлиши лозим,  
Токи торожга хирож отини қўймасин.  
Ўзи душман ишини қилаверса,  
Киши душман зулмидан ким дод десин?  
Агар боғбоннинг тешаси чакмоқ каби  
ёндирувчи бўлса,  
У боғбон билан болта урувчи ўртасида нима  
фарқ бўлади?  
Подшоҳнинг нозли ҳам ниёзли бўлиши яхши.  
Забардаст золимни куйдириб, қўли паст  
мазлумга ёрдамчи бўлсин.  
Подшоҳ хар ишда доно бўлса,  
Унга тумордан халқнинг дуоси яхшироқ.  
Подшоҳ томондан хар қайси жойга роҳат етса,  
Барча халқ унинг дуоғўйи бўлди.  
Подшоҳ шу йўллардан дилига жой берса,  
Бошида подшоҳлик тожи кўп туради.

Очлик қийнаганидан бир иссиқ гардни кўрса,  
қуёш кулчаси деб гумон этувчилар, икки  
хафталик нонни тўлган ой кулчаси ҳисоблайди-  
ган ва ғоятда хомтамалиқдан кечаси ой хирма-  
нидан дона кўз тутувчилар, жон куйдирувчи,  
очлик оловидан қуёш кулчаси умидида танур  
каби оғизларини очиб наҳор ётувчи бетўшак  
ғариблар ва хар бурчакдаги фақирлар аҳволи-  
дан ғофил бўлмаслик лозим. Ва уларнинг қо-  
ронғу кулбаларига ва танг кўчаларига иноят  
чироғини ёқиб, риоят матоини муайян қилмоқ

лозим. Мамлакат қоидаларини мустаҳкамлашда шундай хушёр бўлсинки, офат хаёлини тушида ҳам кўрмасин. Фалак ҳашаматли ходимларнинг жидду жаҳдларида шундай эҳтимом қилсинки, агар тадбир билан ўйнашувчилар уруш нарди осмонини ўйнасалар, уларнинг кечаю кундуз бисотларини ёруғ ва қора муҳралари каби чакқонлик билан йиғиб олсинлар. Ва давлат ҳарамини ҳимоя этувчи, мулку миллат ҳавзасини сақловчи лашкар тоифасининг мартабаларига муносиб риоясини вожиб санасин ва уларга яхши сўз ва очик юзлик ва дил овлашлар қилсин.

### М а с н а в и й:

Лашкарнинг дили осуда, қорни тўк бўлса,  
 Подшоҳ ҳасмини тезда босади.  
 Лашкар ўз бошининг баҳосини ейди,  
 Унинг қаттиқчиликда қолиши инсофдан эмас.  
 Подшоҳлар сипоҳдан молини аяса,  
 Сипоҳ учун қўлни тизга бериш ҳам қийин  
 бўлади.  
 Сипоҳнинг қўлида ҳеч нарса бўлмай иши  
 зорликда бўлса,  
 Уруш сафида қандай мардлик қилади?  
 Сипоҳнинг иши даромадлик бўлмаса,  
 Уруш қунида қандай дилини ўлимга қўйсин?

Олам атрофига машриқ султони, яъни куёш каби рост мухбирлар қўйсин, токи куёш бир дарвишу камбағал кулбасининг туйнугидан иссиқлик билан бошини суқолмасин ва асли олий ва Алининг новдаси бўлган сайидлар «яқинларга дўстликдан бошқа мукофот сўрамайман, дегил»<sup>464</sup>нинг мужиби ва мафҳумига мувофик, риояси мулоҳазасини вожиб ва лозим билсин. Ва у олий тоифа ҳолларини таъзим этиб, зарурий ҳожатлардан фориг қилиб, тинчлантисин. Нуроний машғаллар ва нурли замирларининг шамъидан зулмат оламини ёритувчилар ва илмларининг фуруғи абадий саодат нури бўлган раббоний уламоларга инъомлар бериб, уларни бағоят икром қилсин. Ва дин ишининг «қавому сироту мустақим» ҳадиси азалу абад асроридан огоҳ «менга хос Тангри билан»<sup>465</sup> хилват саройининг маҳрами бўлган ислом машойихларининг файзбахш хотирини ва офтоб нурли замирларини тамом ниёз билан топсин, токи у улў тоифанинг нурларидан унинг давлат рўзғори чехрасига равшанлик ва яраклашни тушурса.

Ва шунга ўхшаш у вилоят аёнлари, ватандошлари, муомала арбоблари ва қолган зиуроат аҳллари ва саноат эгалари ул салтанат тожининг дурраси ва мамлакат кўзининг курраси фарзандимизни ўзларига истиклоллик ҳоким ва волий билсинлар. Молу дунё, ҳосилот ва муомалаларини унинг омилларига тамом ва камол билан етказсинлар ва вилоят мутаважиҳотларининг адосида ҳеч бир узру баҳона келтирмасинлар. Ва ўзларини яхши адоликда ожиз ва молларни тамоман етказишда ўзларини кам тутмасинлар. Ва унинг омилларини югуриб-елишида қайта-қайта учрашишдан эҳтиёжсиз қилсинлар. Унинг рифъатли ва ҳашаматли хизматчиларни қўп ҳурматласинлар. Унинг меҳрибончилиги ва хулқларининг яхшилигига дил қўйиб, бизнинг амру фармонимизни фармонбардорлик билан қабул қилсинлар, токи марҳаматнинг зиёдатига ва отифатнинг камолига муносиб бўлсалар. Агар ҳудо хоҳласа».

Аъло ҳазрат номдор фарзандининг салтанат асбобини муҳайё этишга иккинчи марта буюрди. Шижоатли ва жалодатли амирларни унинг мулозаматига тайин қилди. Салтанат наввоблигини ва ҳаллу ақд ихтиёри ва жиловини нўёни аъзам амир Ғиёсуддин Жонкелдибийнинг соҳиб раъйи ва тўғри фикрига қўйиб, ақлу донишининг қўплигига эътимод қилсин, токи, масалан, фикрининг ошиқлигидан юзини мамлакат ишларини тартиб беришга ўгирсин. Вилоятининг ҳалли ва ақдини тўғри раъйли амири аъзам нўён амир Ғиёсуддин Жонкелдибий раъйига қўйса ва унинг ақлу донишига эътимод қилса, токи у зийраклигининг камолидан мамлакат ишларини тартибга солса.

### ЖАНОБИ РИФЪАТНИШОН ДЎСТИМБИЙ ҚУШЧИНИНГ МЎМИН СУЛТОН ТОМОНИГА ЮБОРИЛИШИ ВА ШАҲРИСАБЗНИ АНДИЖОН БИЛАН АЙИРБОШЛАШ ЁРЛИҒИНИНГ БЕРИЛИШИ

Яна ўша кунларда жаҳоноро ҳоконнинг фармони эълон қилинди: «Кўп йиллар ва кўп замонлар Самарқандда амирулумаролик ва марҳум Абдуллатифхонга<sup>466</sup> оталиқ мансабига эга бўлган Дўстимбий ибн амир Тангрикулибий қушчи аввал Шаҳрисабзга бориб олий ҳукм содир бўлган Хусравнишон Исфандиёр султонга, оталиқ жиҳатидан, от тортиқ қилсин. Сўнг тўхтовсиз Ўратепага бориб, Марғилон



ва Андижон бадалига берилган Шахрисабз хукуматининг нишонини Муҳаммад Мўмин султонга юборсин. Унга юмшоқлик қилиб, бедахшат бу томонга мойил қилсин». Дўстимбий фармонга мувофиқ, Чингиз расмида, оталик мансаби жихатидан, шамолдан тез тўпчоқ бир отни пешкашлар ва ҳадялар билан Исфандиёр султон назарига тортди. У олий пояга кўтарилиб ўз биродарларидан юқори ўринни олди.

Дўстимбий оталиқ у жойдан қасд жиловини Ўратепа томонга бурди; у жойда туриб нишонни Андижонга, Мўмин султон хузурига юборди. У киши кам ақлигидан зўр ишни зиммасига олиб, онҳазрат меҳрибончилигини назарга олмай, беҳужжат ва бедалил, бошини итоат ипидан чиқариб, Косонда Ҳошим султон олдига тўпланган хешлари, хусусан, Абдулғаффор султон, Бўзахўр султон ва биродари Бобо султонлар билан кўшилди. Бу маҳол ҳаёл сабабли унга етадиган бало етди ва кўрадиганини кўрди. Яқинда бу воқеа зикр қилинади.

#### ИҚБОЛЛИ ҲОҚОННИНГ ОВ УЧУН ЧАҚОРЖЎЙГА ЙЎНАЛИШИ ВА У ЕРДА ҚИШЛАГАНИ

Онҳазратнинг хотири вилоятлар ишидан фориғ бўлиб, партавини сипоҳ ва раъийят бошига ташлади ва ҳар мамлакатга бир шахриёр ва сардор тайин қилиб, хотиржам бўлди.

#### М а с н а в и й :

Тож кийган подшоҳлар  
Унга жаҳонга лашкар тортувчилар воситаси  
билан эга бўлганлар.  
Мамлакатда у каби қилич урувчи йўқ,  
Лашкарга оро бериш ва душман лашкарини  
синдириш қандай яхши.  
Талабкорларга агар киши зар берса,  
У зар ўрнига шаҳару иқлим беради.  
Унинг одамларга қилган саховати,  
Бирор одамнинг ҳаёлига ҳам келган эмас.  
Икки қўли яраклаган чакмоқ каби узатилган,  
Бири тиғ урувчи ва бири тож берувчи.

Ёзнинг охирларида, шаввол ойининг ўртасида<sup>467</sup> ҳали чаман гўзалларининг бетларидаги забаржад ранг сабза сабабли ғоятда тароватда бўлиб, гулшан атрофи гултожихўроз шуъласидан равшан эди.

#### М а с н а в и й :

Бўстон хузур ахлининг таъби каби,  
Ҳали латофатда хур чехрасидай эди.

Иктидорли хокон сайру шикор учун Қорақўл томонга йўналди. Зулқаъда ойининг аввалларида<sup>468</sup> Амударёдан ўтди. Ва ҳазрат шариатшиор ва тариқатасар, жаҳон пешвоси Хожа Калонга, Тангри уни саломат ва боқий этсин, киши юбориб, хузурига ташриф қилишини сўради. Ва ҳазрат Хожа Калон тўхтовсиз муборак ўрдуга йўналди. Подшоҳ ҳожазодани эъзозу икром қилиб, Чаҳоржўй атрофига баланд чодир қурдирди ва ул ҳазрат билан ўша ерда турди. Шу орада Хирот томондан Абулқосим булужнинг ўғли келиб, ҳадялар тортди ва бандалик изҳор қилиб, арз қилди: «Отам бундай деди: Мен онҳазратнинг хизматкориман. Хизмат камарини белга боғлаб, тоат халқасини кулоққа осиб, фармонга мунтазирман; ҳар нима ҳукм қилсалар, ҳозирман. Агар марҳамат соясига олсалар, барча яқин кишиларим билан оёқ ўпишга бориб, хизматкорлик хаттига бошимни кўяман». Абулқосим ғоятда шижоатли, баҳодир, кўп ходим ва яқинлари бўлиб, ҳеч бир кишига итоат қилмас эди. Бундан бурун онҳазратнинг амакиси Пирмуҳаммадхоннинг<sup>169</sup> олдига келиб тамом имтиёз топган ва амирлик мартабасини олиб, Андхуд ҳукумати билан мумтоз бўлган эди. Иттифоқо, шу кунларда Хурсонда танглик рўй бериб, у ердагиларга қийинчилик йўл топгани учун Абулқосим ўғлини олий остонага юбориб, арзини етказди. Қисқа тарзда бу воқеанинг шарҳи бу: Таҳмосп<sup>170</sup> тўққиз юз саксон тўртинчи йил аввалларида<sup>471</sup> дунёдан охиратга кўчганидан кейин, тожу тахт унинг ўғли Исмоил мирзога<sup>472</sup> қарор топди. Таҳмосп имомия мазҳабида<sup>473</sup> бўлганидан, Ироқ шоирлари унинг вафоти тарихига «ўн икки имом»ни тарих топдилар<sup>474</sup>, чунки ўн икки марра имом лафзи тўққиз юз саксон тўрт санага тўғри келади. Мовароуннаҳр фозиллари шоҳ Таҳмосп шиъа мазҳабида бўлганидан сунна ва жамоа ахлининг йўлини пастлашда жуда ҳаддан ошар эди, деб вафоти таърихини «шоҳи дўзахиён», яъни «дўзахийлар подшоси» сўзи билан таҳрир қилдилар.

Исмоил мирзо отасининг йўлидан чиқиб сунна ва жамоа ахлининг йўлига кирди. У шиъанинг йўқ бўлишига тамом эҳтимом кўр-

сатар эди. Ётимодлик кишилардан эшитилганки, бир йил муддатда шиъа ва рофизийларнинг ўтакетганларидан тўксон минг кишини ўлдирган, ақида ва мазхаби ётимодли кишиларни вилоятларга ҳоким қилган. Охир бир тўда шиъа мазхаблилар унинг синглиси билан иттифоқ бўлиб, уни захар бериб ўлдирдилар. Буни ҳеч кимга билдирмадилар. Унинг ўлимига «шоҳ рафт»<sup>475</sup> сўзи тарих бўлди.

Тўққиз юз саксон бешинчи йил охирларида<sup>476</sup> ҳукумат унинг иниси Муҳаммад Худобандага тегди. Унинг кўзлари кўришдан қолган эди. У доимо кайфу сафо билан машғул эди. Шунинг учун фитнаю фасод юз берди. Ҳар вилоятда бир сардор бўлиб, иш хилоф ва низога айланди. Ҳирот ҳокими Алиқулихон Машҳад ҳокими Муртазо султон билан олишди. Неча марта унинг устига лашкар тортди. Лашкар йўлидаги шаҳарлар хароб бўлди. Шунинг учун Машҳад вилоятининг одамлари ватандан кечиб, Ҳиротга келдилар. У ерда қимматчилик бўлиб, тамом Хуросон танг бўлди. Шунинг учун Абулқосим фалакиштибоҳ даргоҳга юбориб арз қилди. Онҳазрат унинг ўғлига ҳашамлик либослар ва кўп инъомлар бериб, яхши ваъдалар билан умидвор қилиб, қайтишига ижозат берди.

Шу аснода совуқ лашкари бошланиб, эътидол сипохи қоча бошлади ва булут қора саропардасини юкори олам майдонига тикди. Чақмоқ шамширининг ярақлашидан фалакнинг кўзи хира ва раъд маст филинининг овозидан Кайвон қулоғи қар бўлар эди.

### Н а з м:

Ойнаси яшин ва зўр фили ярақлаган булут  
бўлиб,  
Кўк тусли оти устига гажими тўқилган  
мусаффо булутдир.  
Киш пайтида оғзидан олов тўқиб келган  
хавонинг филини кўрдим,  
Совукдан ожиз фил бўлиб қолибдир.  
Булут лашкари ҳар тарафдан рангли камонини  
қўлига олган,  
Унинг қудратли қўли ёмғирни нишонага  
отилган ўкдай тўққан.

Онҳазрат хавонинг совуқлигидан ов ва сайр учун отланмади. Ўша вақтда жафокор замона табиати хоҳлаганини қилди ва хоннинг муборак мизожида андак беқувватлик пайдо бў-

либ, эътидолдан чикди. Баҳорнинг эътидоли билан зийнатланган қуввалар ўзгарилди. Онҳазратнинг вужуд дарахти бир неча кун тол дарахти каби соғлик мевасидан маҳрум қолди. Шунга кўра Бухорога, қозилар қозиси қози Нуриддинга киши юборди. Қози ота-бобосидан тортиб салтанат хонадонига хизмат қилиб келар эди. Қозилиги устига қулай ва жузъий, ҳамма муҳим ишларни ҳал қилиш ва бартираф этиш жиловини уни кифоятасар қўлига берилган, мамлакатнинг ихтиёри унга топширилган эди. Ва хон ҳукм қилди: «Мазкур қози Бухорода то беш тош жойгача ҳар ерда бузрукворларнинг мазорлари бўлса бориб, муносиб кишиларга назр ва таомлар бериб, арвоҳларидан мадад сўрасин». Шариатпаноҳ қози, фармойишга амал қилиб, имомлар ҳамроҳлигида машойих ва авлиё зиёратларига бориб садақалар, фақиру бечораларга инъомлар бериб, ҳаммани шоду хуррам қилди ва ҳамма арвоҳни васила қилиб, *Ҳакими беиллат*дан зоти олийга шифо ва сихат сўради. Шунингдек, муҳаррам ойи, тўққиз юз тўксон биринчи йили<sup>477</sup> ҳаво хали ҳам эътидолсиз бўлиб, ўша вақтда унинг совуқлиги шу даражада қаттиқ бўлдики, жонни хатардан саклашга ҳеч кимда қувват қолмади. Искандар тамкинлик, дину миллат ва дунё хонининг амрига мувофиқ, хайр учун сўзсиз катта маблағ ажратилиб, дарс ва фатво аҳли, зухду тақво асхоблари ва бошқа фузалар ва оқиллар ва қолган талабалар ҳамда мадраса, масжид, хонақоҳ ва ибодатхоналарда бўлган фақирларга, мартабалари, даражаси қадрига қараб, тақсим қилиб берди. Ва аъло ҳазрат мана шу улуғ инояти билан фозиллар, хусусан, *Ҳожа Муҳаммад Тоҳир Сиддиқий* ва маҳдуми устод мавлоно Темур Муҳаммад, мавлоно Абдулхай ва Мирзо Зулфиқорларни ўз тенгқурларидан сарфароз қилди. Ва ўзи буларнинг исмларини хушбўй қалам билан ёзиб, уларга тенгқурларидан кўра кўпроқ маблағ тайин қилдилар. Ва бу сатрлар муаллифи мартабада улардан паст бўлсам-да, мени ҳам ўшалар қаторига ёздилар. Ул ҳазратнинг умуман фазл аҳлларига қилган иноят менинг номимга ҳам ёзилди. Жаноб садр ва амир Қулбобо кўкалтош, унинг қадри зиёда бўлсин, йигирма минг хонийни Самарқандга олиб бориб, муносиб кишиларга тақсим қилди ва ўн беш минг хоний Балх талабаларига юборилди ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарлари, қаердаки ил-

му таҳсил қилаётган аклу камол арбоблари бўлса, уларга ҳам онҳазратнинг хати билан насибалари юборилди. Ул ҳазратнинг ёрдами билан совуқнинг қаттиқлиги балосидан қутулиб, саломатлик ва офиятга юз қўйдилар.

#### ҲИСОР ТОМОНДАН ЎЗБЕК СУЛТОННИНГ ЭЛЧИСИ КЕЛИШИ ВА МУЗАФФАР СУЛТОН БОПШНИ ПОЙТАХТГА КЕЛТИРГАН

Шу пайтда Ҳисор томондан Ўзбек султоннинг элчиси келиб, олий даргоҳга борди ва Музаффар султон ибн Жувонмардали султоннинг бошини восита қилиб, қўл ўпиш шарафига етди. Онҳазрат уни қимматбаҳо сарупо ва инъомлар билан сийлаб, қайтишига рухсат берди. Яна шу вақтда адолатнишон Абдуссамадбий хон фармонига амал қилиб, Андижондан чиқиб Бухорога йўл олди; Марғинонда Бўзаҳўр султоннинг биродари Бобо султонни тутиб, хилофат тахти поясига юз қўйди.

#### УЛУҒ АМИР АБДУССАМАДБИЙ ТУШ КЎРИБ ВА ЖАҲОН ХАЛКИНИНГ МАҲДУМЗОДАСИ, АЪЁНЛАР КЎЗИНИНГ НУРИ ҲАЗРАТ ХОЖА КАЛОНХОЖАГА, ИЗЗАТИ ДОИМИЙ БЎЛСИН, АРЗ ҚИЛГАНИ ВА УЛ ЖАНОБНИНГ ТАЪБИРИ ТЎҒРИ КЕЛГАНИ

Таҳқиқ ва тадқиқ эгаларининг қошида топгани шулки, ҳар бир саодатли кишининг мижди мўътадил ҳолда бўлса, маъни тўқувчи мабдага шунча яқинроқ бўлади. Ҳар қачон унинг нафси сезув қуввалари тўсқинлик берадиган нарсалардан холи бўлиб, юқори оламга қўшилиш пайдо қилса, фалак нафсининг хазиначисига накш олган ҳодисалар, тугал муносабати сабабдан, унинг нафсига шуъла ташлайди. Агар нафси нотика зўр бўлиб, хаёл қувваси кучсиз бўлса, унга тегмасдан сақловчи қуввага топширади. Уйғонгандан кейин сурат ўзгарилмасдан беиштибоҳ юз кўрсатади. Бу хаёл ва бу мақолни келтиришдан мақсад будир: шижоатли Абдуссамадбий бирмунча вақтдан бери Накшбандия силсиласининг, Тангри уларнинг руҳини муқаддас қилсин, этагига ирода қўлини уриб, ниёз бошини Хожа Саъдуддин Абубакр Саъд, унинг баракоти доимий бўлсин, остонасига қўйган эди. У киши, яъни Абдуссамадбий айтди: «Бундан неча йиллар бурун иззату иқболли хон Самарқанд, Тошкент ва Туркистон сул-

тонларини йўқ қилиш учун ҳали оёғини узангига қўйгунча ҳам йўқ эди, бир кеча, «кечани сизларга либос қилдим»<sup>478</sup> мазмунига мувофиқ, замона оқшом танига қора либосни кийгизиб, кўз сезувчи қуввасини суратли нарсаларни сезишдан озод қилди ва бадан мамлакатидида сезувчи қуввалар амалдан тўхтаб, уйқу қаҳрамони тан вилояти устидан ғалаба қилди. Шундан кейин роҳат бошини истироҳат ястуғига қўйиб, шу тушни кўрди: Бир куни ҳокон отга миниб ов орзусида фармон берди: «Тавочилар лашкарга хабар еткизсинлар, токи жамъ бўлиб шикор учун ҳаракат қилсинлар; дашту саҳрони айланиб, ваҳшийларни ов жойига ҳайдасинлар». Сипоҳ тайин қилинган жойга ҳокон билан етиб келди. Ногоҳ бир баланд тоғ кўриниб, шундай зоҳир бўлди: ўша баланд жойда қўллари шунқор қўндирган иккита отлик киши турибди. Булар ким бўлса экан, деб ўйлардим. Ногоҳ ўша баланд бир киши тушиб келиб айтдики, ўша икки отлик кишиларнинг бири Хожа Калонхожа ва яна бири жаҳонгир Абдуллахондир. У хондан фармон ҳам келтирди: «Юлдуз ҳашаматли сипоҳ ҳар жойдан шикоргоҳга қараб ҳаракат қилсинлар» ва менга хитоб қилиб айтдики, «Уз гуруҳинг билан шарқ томондан кир, қирғий ва лочинларни ғозу турналарга учириб, бу томонга йўнал». Итоат этувчилар фармонга амал қилдилар. Ҳамма хизматчилар гуруҳи ва ходим табақалари жойларидан ҳаракат қилиб, ваҳший ва паррандалар ғулғуласи еру осмонга етди. Шершикор шаҳриёр ҳам фирузасар лашкар билан отга миниб, ҳар тарафга чопиб, ғозу турналарга шунқору лочин соларди.

#### М а с н а в и й :

Шоҳ овга кириши билан  
Ов хайвонларига замона кўрғон бўлди.  
Юз кийикнинг гарданидан тутиб,  
Қарчиғай қирғовул кўкрагини узди.  
Хаво қарчиғай, бургут ва лочинлар қанотидан  
Март ойининг булути каби бўлди.

Онҳазрат кўп турна ва ғозларни овлаб турганда, мен ҳам шарқ томондан келиб от чопдим. Қўлда тарбият топган бир чиройлик ғозни сайд қилдим. Чиройилиги учун уни сақладим. «Ногоҳ уни ҳам сўй!» деб муборак ҳукм бўлиб, амрга мувофиқ, уни сўйдим ва лочинимни ундан тўйдирдим. Бир вақт уйқу-

дан уйғондим. Хожа Калонхожа хузурига бо-  
риб, воқеани арз қилдим. У киши бу тушнинг  
таъбири шундай бўлади деди: «Сайднинг со-  
нича Самарқанд, Тошкент фитначи султонлар-  
дан ҳар бирининг руҳ куши ажал бургути чан-  
галига тушади ва сенга ҳам биттаси асир бўла-  
ди». Ўша кишининг таъбири қандай бўлса,  
сурати шу кунларда юз кўрсатди. Бу воқеа-  
нинг шарҳи шулки, олам подшоси Улуғтоғ са-  
фаридан қайтиб, марказда ором олдилар. Аб-  
дуссамадбий ҳам буйруққа мувофик, Мўмин  
султондан айрилиб, ҳазрат хон хузурига кел-  
ди. Қандибодомга етганда эшитдики, Бўзахўр  
султоннинг биродари Бобо султон Аҳсига кел-  
ган Хожамқули қушбеги ва Шохназар девона-  
лар мақсудга етолмай қайтиб келиб эдилар,  
ажал турки умрининг ёқасидан тутиб, бу та-  
рафга келтирибди. Амир тездан унинг тара-  
фига бориб, у жойнинг муқимларидан битта-  
сидан уни бир тўда тожиклар билан топди.  
Қўл ва гарданига оғир банд солиб йўлга туш-  
ди. Самарқанд пахлавонларидан бир гуруҳи  
орқасидан бориб, уни халос қилмоқ учун қан-  
ча урушсалар ҳам матлаблари ҳосил бўлмади.  
Амир уни асир қилиб, Бухорога еткизди ва ўз  
биродари Абдулвосеъ мирохўр билан Чоржўйда  
хоқонга воқеани арз қилдилар. Онҳазрат мин-  
нат ато этувчи зотга шукр қилиб, амир Абдус-  
самадбийга подшоҳона иноятлар қилди. Би-  
ринчидан, унга ўн минг хоний, тилла камар,  
қатор туя ва ҳачирлар, чодир, саропарда, бор-  
гоҳ ва мадинатур-рижол<sup>479</sup> Термиз вилоятини  
тамом инъом қилди.

#### Б а й т:

Олийнасаб хоқон шукрона учун  
Унга кумуғу тилла инъом қилди.

Хоннинг меҳрибончилик баракотидан у бош-  
қа амирлардан мумтоз бўлди. Қимматбаҳо  
хилъатлар ва кўп инъомлар билан иноятнома  
олди.

АМИРЗОДА АБДУЛЛАТИФ СУЛТОНГА ШИБИРҒОНДА  
КУТИЛМАГАН ВОҚЕА ВА ТАЪСИРЛИ ҲОДИСА ЮЗ  
КўРСАТГАНИ

Муҳаррам ойининг охирларида<sup>480</sup> хоқон Чор-  
жўйда эди. Шибирғондан киши келиб, шахзода  
Абдуллатиф султоннинг қутилмаган воқеасини

арз қилди. Бу воқеанинг шарҳи шулки, шахзо-  
да ўша кунларда май ичишга шундай ҳарис  
бўлган эдики, гуландом соқийлар қўлидан гул-  
ранг майдан бошқа нарсани олмас эди ва кайф  
ғалабасидан кечадан кундузни айиролмас эди.  
Базм мажлисининг тароналари осмоннинг энг  
юқори чўққисига етар эди; нишот жоми инби-  
сот соғаридан бир қултум тортган. У емишни  
кам тановул қилабошлади. Охири қанча бир  
бирига зид иллатлар унинг табиати устидан  
ғолиб келиб, муборак мизожи истиқомат йўли-  
дан четга чиқди ва табиий қувват ғоятда заиф  
бўлиб, иштаҳа мутлақо қолмади. Бошни нота-  
вонлик ястуғига кўйиб, тандурустлик кундузи  
беморлик кечаси билан алмашинди.

#### Н а з м:

У бетоб бўлиб, наргис қулга ўлтиргандай  
бўлди,  
Ва ғамхўрлик майдан кўзида хумор пайдо  
бўлди.  
Бинафша унинг умрига офат етишидан нишон  
топиб,  
Чопонини нилга ботириб, ўлишдан олдин аза  
тутди.  
Лола унинг оламдан кўчишини эшитиб,  
Лолазор ўртасида ғамдан юзини қон билан  
ювди.  
Гул унинг бу гулзордан тезда кетишидан огоҳ  
бўлиб,  
Танидаги жомани йиртиб ғамгинлигидан  
тиканни тўшак қилди.  
Унинг кетидан руҳига очик дуо қилиш учун  
Чинор дуогўйларга ўхшаб ҳар томондан  
қўлини бошига кўйди.

Хуллас, табибнинг қўли илож этагига ет-  
мади, берган дорилари фойда қилмай, тесқари  
натижа кўрсатди.

#### Б а й т:

Қазодан исқанжабин сафрони ортдириб,  
Бодом ёни қуруқлик пайдо қилди.

Охири хожагон тариқатида имом, жаноб  
хидоятмаоб ва валоятиктисоб, ҳақиқат буржи-  
нинг ахтари, тариқат дуржининг гавҳари, фа-  
соҳатнисор, шариатосор, ислом ва миллат рук-  
ни мавлоно Оғаҳ, тариқатида хожагонларнинг  
сийнаси, Тангри уларнинг руҳларини муқад-

дас этсин, султон ястуғига келиб, ахвол сўради. Жаноб султон шайх хузурида тавба ва надомат олови билан ҳамма қилган гуноҳлари хашагини куйдирди.

Б а й т:

Кимни эшитдингки, бу базмда бирдам  
хурсандчилик билан ўлтириб,  
Сухбат охирида афсус билан турмаган бўлса.

Бирон соатдан сўнг мижози тамом ўзгарилди. Ўзи билдирдики, хол бошқача экан. Шаходат калимасини<sup>481</sup> қайтарди. Зулҳижжа ойининг охирларида<sup>482</sup> бу бахтсизлик водийси азобу уқубат тиканзоридан роҳат гулистонига кўчди ва ажал соқийсининг қўлидан бир қадамай ичиб, мутлако хушёр бўлмайдиган бўлди.

Б а й т:

Давр базмида рўзғор соқийси қўлидан  
Бир қултим ичди-ю ундан асло хушига  
келолмади.

Унинг жасадини вақтинча ўша жойга, яъни Шибирғонга қўйдилар.

Б а й т:

Рўзғор бир оламни тупроқдан кўтарди,  
Яна тупроққа ёдгор тариқиди топширди.

Бу ходисанинг воқеъ бўлиши муборак қулоққа етиши билан, бирдан сабру қарор файзасар хотиридан ва ўзини тўхтатиш жиловидан кетди. Иккинчидан, дарёдил хокон ўша воқеада Тангри таоло қазосига рози бўлиб, «бизлар Тангрининг бандасимиз ва унинг томонига қайтамыз»<sup>483</sup> калимасини муборак тилга жорий қилиб, унинг руҳини шодлаш учун камбағалларга садақа ва таомлар берди. Бу ходисадан сўнг Шибирғонни, ҳамма музофоти билан, амир Абдуссамадбийга бериб, унинг давлат мартабасини фалакка етказди.

МАСКОВ ТОМОНДАН НЕЧА ТЎҚУЗ ШУНҚОР ВА  
БОШҚА УРУШ АСБОБЛАРИ БИЛАН ЭЛЧИ КЕЛГАНИ

Яна ўшу замонда Хоразм томондан киши келиб арз қилди: Онҳазратнинг шунқор ва жав-

шан учун Масковга юборилган элчиси яқин ерга етиб келди. Хавф борки, Хоразм султонлари мабодо қўл узатсалар, илтимос шулки, киши бориб, уни Хоразм вилоятидан ўтказса. Онҳазрат бу хизматни ҳожийи ҳарамайн, шариатшиор Ўтамиш ҳожига буюрди, токи Хоразмга бориб, шоҳларга таҳдид қилсин ва хокон томонидан уларни қўрқитиб, нарсаларни ва элчиларни, ҳамма ҳамроҳлари билан, саломат ўтказиб, тезлик билан фалакхашамат тахт соясига етказсин. Ўтамиш хожи тездан хизматни ўрнига қўйиб, элчи келтирган тухфаларни бирма-бир нузли назарга тўғри қилди. Тухфалар жумласидан неча туя, Дарбанд совуллари ва ўн иккита ўргатилган шунқор бор эди. Ҳаво қаттиқ совуқ бўла туриб, Русия пойтахти Масковдан хоконнинг иқбол марказига Бухорога шунқорлар саломатликда етдилар. Мовароуннаҳр султонлари шунча даражалари юқори бўлса ҳам, ҳеч битталарига шунча шунқор бирдан иқтидор қабзасига кирган эмас эди. Онҳазрат ирода ва муҳаббат юзасидан ҳазрат қудсий мартабалик Хожа Саъуддин Абубакр Хожа Калон ибн Хожа Муҳаммадга ҳадя тариқада бургут савлатли учта шунқорни юборди. Фалак бургутни қўрқадиган иккита қувватли шунқорни жаноб Назарбийга берди, чунки у, жаҳон итоат этувчи ҳукмга биноан, Балхни улуғ шаҳзода, пайғамбар хулқли, малоикатвор, одамийлар кўзининг нури, халқу дин ҳомийси Абулфатҳ Абдулмўмин султоннинг, шон-шарафини олий қилсин, гумашталарига топшириб, ўрдуга келган эди. Ва уч нафар шунқорни улуғ амир, бош нўён Шохимбий арғунга берди.

Хокон сафар ойида<sup>484</sup> ҳукм қилдики, Хожамқули қушбеги, бошқа сарҳад амирлари билан Чечакту ва Майманадан Абулқосим булуж томонга юзлансин, чунки у ўғлини юбориб, тобелик изҳор этган эди; уни ваъдаларга суянтирсин, токи забт остига кирсин. Олий ҳукмга амал қилиб, амир Хожамқули қушбеги, сарҳад амирлари билан ва осмон юлдуздай қўп сипоҳ билан, рабиъ ул-аввал ойининг бошида<sup>485</sup> унинг томонига юрди. Ўшандай ажиб сайдни илинтиришга қасд лочинини парвоз қилдирдилар. Қиш совуқлиги пасайиб, Хут буржи<sup>486</sup> юз кўрсатганда, онҳазрат иззат қароргоҳига қайтишни қасд қилди ва Амударёдан ўтиб, манзиллар кезиб, Жўйи Зар<sup>487</sup> мақоми унинг кутли қудуми сабабдан кўк фалак мартабаси-

га етди. Саъдуддин Хожа Калонхожа бошқа улуғлар билан мархум султонзода Абдуллатиф султон таъзияси учун бориб, ўша Жўйи Зар мавзеида учрашдилар.

#### М и с р а :

Куёш таъзиятига борди.

Хоқон буйрак заифлиги касали сабабли хозиргача хумоюн мизожи ўзгарилган эди, отга миниб жиловини тортиш ташвиш берар эди, унинг учун отга минмасдан, ой ва куёш куббаси каби миҳоффага ўлтириб, имом Абубакр Саъдининг нур тўкувчи мазорига тушди ва у жойни тақягоҳ қилиб, бошқалар олдин ўтмади.

#### М а с н а в и й :

Куёш Хут буржини манзил қилиб,  
Қиш ва совуқ охирига етиши билан  
Малак кадрли, Сулаймон ҳашамли хон,  
Фаридун шукуҳли, Искандар ҳашаматли хон,  
Амударёдан ўтиб, йўлга тушди  
Иззату жоҳ маркази томон.  
Жўйи Зар лабига тушгач,  
Худди икки дарё бир-бирига етишди.  
Шаҳриёр азасини сўраш учун  
Улуғлар қўлларида нисор билан келдилар.  
Заифликдан асар борлигидан,  
Отга минмай йўлга тушди.  
Куёш нилуфар рангли фалакдан жой олгандай,  
Яхши толеъ билан миҳоффага кирди.  
Максудини юргизувчи шоҳ атрофида,  
Бахту саодат каби бир киши пиёда эди.  
Ростлик юзасидан кумуш танли боши,  
Юқори шоҳ томонига ниёз юзини қўйдилар.  
Шоҳ ўша остонага юзини қўйиб,  
Назру ҳадя бериш учун карам қўлини очди.  
Ўша остонанинг камбағаллари бой бўлиб,  
Дарё ва кон каби тиллага эга бўлдилар.

Давлатманд хоқон ўша дилга ёқимли жойда неча кун тўхтаб, салтанат мартабасининг баландлиги билан ожизлик юзини у сир маҳрамининг даргоҳига қўйди ва юзини суртган жойни кўз ёши билан намлаб, тилини муножотга очди.

#### М а с н а в и й :

«Эй, борлиқнинг ҳаммаси сендан пайдо бўлган,  
Нотавон тупроқ сендан қувват топган.

Неча кун ҳамма хосу омм ишларини бу нотавон қўлига топшурдинг, адлга ва шаҳарларни обод этишга бу бандани муваффақ қилгайсан». У олий зотнинг қанча қуввати қанчалик камайган бўлса ҳам, ибодатга машғул эди ва ҳамма қарз, фарзу вожиб ва суннату мустаҳабларини ўрнига келтириб *Бейллат ҳакимдан* шифо сўрар эди. Арасту\*<sup>88</sup> манзалат ва Букрот<sup>^</sup>манқабат жаноб Шамсуддин, Исо нафасли Мир табиб ҳазратга ёқимли даволар ва авқотдан, тавсиялар талаби ва камбағаллар толеи сабабидан сихату саломатлик куёши роҳат машриқидан тулуъ қилди ва «хар қачон касал бўлса, ул зот менга шифо беради»<sup>490</sup> шифоҳонасидан сурати юз кўрсатди.

#### ОНҲАЗРАТ ЗАФАРПАНОҲ СИПОҲЕҲИНИНГ ОЛИЙ ИСМЛАРИ ВА НОМЛАРИНИ ТАҲРИРГА БУЮРИБ, БАДНОМ БЎЛГАН МЎМИН СУЛТОН ВА УНИНГ БИРОДАРЛАРИНИ ТАГИ-ТОМИРИ БИЛАН ҚУРИТИШ УЧУН ЮБОРГАНИ

Куёш Жамшиди азимат жиловини Саъди акбар хонасидан шараф буржи томонига бурди<sup>491</sup>, яъни куёш Хут буржидан Ҳамал буржига ўтиб, янги йил кирди ва ўсимликларнинг сипоҳий турлари қоровули зоҳир бўлиб, совукнинг қаттиқлиги ўрта холга келди.

#### Н а з м :

Куёш шоҳи Ҳамал буржидан юзини кўрсатиб,  
Ўстириш амалдорига қайтадан амал берди.  
Лола лашкари тоғ устига саф тортиб, ясол  
қилган эди,  
Қишнинг шиддатли лашкари қочди.

Рух очадиган ҳаво асаридан бақо сурати ҳаёт либосини кийди. Шоҳ ва барглар куёш ва булут файзларидан яшнадилар.

#### Н а з м :

Агар қалам учи билан бир сурат тортсалар,  
Ҳавонинг мўътадиллигидан ўша сурат жонвор  
хукмини оларди.  
Ўсимлик ўстирувчи руҳдан қувват олдимикин?  
Гул доирасини парқорсиз тўғри тортди.

Баҳор лутфу карамининг файзи еру дарахтзорларга тозалик бериб, боғу бўстонлар майдонини қўқ осмон каби гулу сабзалар билан бе-

заб, гул дилкаш юзини олам кўзига кўрсатди. Осмон табақаларини сабзу суман ва турли рангдаги насрин, ёсуманлар безаб, фирдавси аълодек зийнатлик ва ранг-баранг қилди. Базморо гулнинг дилрабо чехраси, атру нофа сочувчи эайҳоннинг зулфи ва сунбулнинг порлоқ нури, айшу хурсандлик иси оламни кўрувчи кўз ва жон бағишловчи ҳидларини димоғларига етказди.

#### Н а з м:

Айшнинг муждаси етиб, баҳор шамоли эсди,  
Сабза кўкариб, гулзорда ғунча очилди.  
Улфатларнинг хурсандчиликлари ва  
майхўрларнинг ёзилишлари учун  
Ер юзи сабзадан палос пайдо қилди.  
Бу боғда ғунча очилиб, махмур наргис  
хуморини дафъ этиш учун  
Кўлтиғидан олтин соғарни чиқарди.  
Лола кўлига жомни олиб гулга соқий бўлди,  
Чунки лоладай қизил юзли маҳбублар юзига  
май келишади.  
Ҳаво оқар сувга зулол хосиятини бериб,  
Сабо ҳар бир жоладан аттор сандукчасини  
очди.

Шу кунларда Андижондан кетма-кет хабар етдики, Мўмин султон бевафолик қилиб, тескаричилик йўлига қадам қўйди, Дўстимбий кушчи Андижон бадалига Шаҳрисабз ёрлиғини унга олиб борса, назарга илмасдан ўша шоятномага илтифот қилмади. Шаҳриёр бу хабарни эшитгандан сўнг, қаҳрининг олови кучайиб кетди.

#### Н а з м:

Шундай бир жаҳондорки, ғазаби харсангни  
ёндириб,  
Тиғи тошдан олов чиқарди.  
Кўзининг чакнашидан анбардан олов пайдо  
бўлиб,  
Хулқининг иси сабабидан оловдан анбар  
кўкарди.

Хон аркони давлат ва аъёни билан кенгаш қилиб, тубандаги сўзни айтди: «Хдммаларингизга маълумки, кўп йиллардан бери Мўмин султон бизларнинг марҳаматимиз билан Марғинон, Андижон ва бошқа шаҳарларда ҳукумат тахтида ўлтириб, иноятимиз сабабидан ўз тенглари ичида боши юқори бўлиб келади. Кат-

таю кичик, амакивачча ва қариндошлар саркашлик қилган эдилар, ҳаммалари ерга бош қўйдилар. Тескарилик қилиб юрган хешу ақраболари оёқдан йиқилдилар. Унинг умр дарахти ва биродарлари ҳам марҳамат анҳоримиз ёрдами билан сероб бўлиб келдилар. Биздан уларга шунча яхшилик етиб турса ҳам, нафсоний хаёллар билан мустақиллик орзусини димоғига жойлаб, итоат халқасидан бўйинни тортди ва шунча ҳақларимизни риоя этмади. Энди муносиб, балки вожиб ва лозим кўринадики, ундан бир катта фитна зоҳир бўлишдан ва ёмонлик олови шуъла кўтаришидан олдин яхши фикр билан унинг хаёти оловини ўчиришга киришмоқ лозим ва унинг тириклиги саҳифасига қалам тортиш керак». Шунинг учун Ўратепани Тошкентга қўшиб, укаси дарвишнишон Абдулқуддус султонни ул тарафга юборди. Ундан сўнг ҳукм қилди: «Амирзода Муҳаммад Боқибий дўрмон зафарнишон сипоҳдан илғорга юбориладиган амирлар, аркони давлат, эшик оқолар ва чухра оқоларнинг рўйхатини тузиб, олий назарга кўрсатсин». Ҳукмга мувофиқ, мазкур нўён нусратшиор лашкар номини ёзиб, онҳазратга тутди. Соҳибкирон хоқон фасохат билан сўзлаб ҳукм қилди: «Хусравнишон Исфандиёр султон Шаҳрисабз сипоҳи билан ва Суюнчмуҳаммад султон Соғарж ва унинг тобелигидаги лашкар билан ва Таваккал султон зафар мавкабини ҳаракатга киргизишидан олдин иқтидорли амирлардан Абдулбоқибий, Келдишбий, Иқимбий, Бегибий, Жонмуҳаммадбий, Дўстимбий кўрчй<sup>492</sup> ва чухра оқолардан Раҳмонқули чухра оқоси ва Дўстим мирзо чухра оқоси қабилар ва яна кўп халқ билан илғор йўлида тезлик билан, ҳаммалари рўзғор майдонида осмону ой қаби, Хитой жавшани танда, Гилон қалқони қўлда бўлган ҳолда, шохий нағора овози ва ҳарбий най садосини фалакка етқизиб, Миррих ва Зухал юлдузлари қаби меҳр ва кина мақомида турсинлар.

#### М а с н а в и й :

Шундай сипоҳки, уларни ҳар жойга юборса,  
Ундан хотиржам бўларди.  
Уларнинг қўлларидан боғланмаган оёқ ва  
захмларидан  
Мажруҳ бўлмаган шамол ҳам қолмади.  
Агар тоққа найза урсалар,  
Тоғдан кадрү шуқухни кўтарар эдилар.

Ва агар учиб турган кушни ўқ билан урсалар,  
Қўркишдан Зухра ва Аторудлар титрадлар.  
Агар юқорига каманд ташласалар,  
Ва агар даштда от чоптирсалар,  
Бундан балиқ орқаси мажруҳ бўлиб,  
Ундан ой юзи боғланарди.

Яхши хислатли Абдулқуддус султоннинг ма-  
дадига эригдиб, душманни таг-томири билан  
йўқотиш учун Андижон тарафга борсинлар».

Ўзи рабиъ ул-аввалнинг бошларида<sup>193</sup> дав-  
лат аъёни ва ҳазрат аркони хос мажлиси ва  
базм аҳллари билан Насаф томонга шикор учун  
йўналдилар ва ўша дилга ёқимли жойда бир  
неча кун ов қилдилар.

### М а с н а в и й :

Шоҳ хисобсиз лашкар билан ов қасдида  
Шаҳардан ташқарига чикди.  
Насафда атрофи очик ва кенг  
Ажиб бир саҳро бор эди,  
Тупроғи тамом абир исли бўлиб,  
Шамоли хурсандчиликни кўзготувчи эди.  
Унда яшовчи ваҳший ва кушлар зебо суратли  
бўлиб,  
Ҳаммаси ипакли кийимга туширилган нақш  
каби эдилар.  
Сабзаси анбар исли маҳбуллар хатти каби  
бўлиб,  
Лоласи гўзалларнинг юзи каби эди.  
Шоҳ ўша саҳрода чодир тикиб деди:  
Сипоҳлар ҳар томондан овоз қияптилар:  
Ваҳшийларни тамом тўпласинлар, деб.  
Токи шикор аҳли доим ризкланиб турсин.  
Халқ ов хайвонлари атрофига саф тузиб,  
Ҳар тарафдан раҳналарни бекитдилар.  
Чакқон овчилар тиғларини туғ қилиб,  
Ов хайвонларининг қўлу оёғини қалам  
килдилар.  
Охунинг кўзи, ўлган қулон бошида мотам  
тутиб,  
Йиғлаганидан кўзлари ёшга тўлган эди.  
Кўннинг уйқуси қочиб,  
Кўзини қайта уйқуга юрмаган эди.  
Уша тўполонда тулки қўрққанидан  
Думини итлар йўлида супурги килди.  
Ҳавога учиб чиққан ҳар бир паррандани  
Ўқларнинг бири сихига тортарди.  
Бирор оху ердан сакраса,  
Чакқон бир арқон оёғини боғларди.

Шу пайт Хуросон ҳокими Алиқулихон ол-  
дидан элчи келиб, унинг давлатхоҳлиги ва

тобелигининг изхори мазмунида шаҳаншоҳга  
арзнома келтирди. Арзномадаги гап шу эди:  
«Исмоил мирзо дунёдан кўчиб, ҳукумат унинг  
биродари Султон Муҳаммад Харбанда<sup>494</sup> кў-  
лига ўтди. Мен унга тобелик қилмай, онҳазрат-  
га қуллик рақамини хаёл тахтасига ёзиб, ҳа-  
миша хуш қулоғини онҳазрат томонига қўйиб,  
дилу жонни унинг фармони йўлига берган-  
ман.

### Б а й т:

Ҳамма аъзоларимиз нима буйруқ қилсан, деб  
кўз-қулоқ бўлган,  
Кўринармикинсан деб, ҳамма таним кўз  
бўлган.

Ғараз шулки, Султон Муҳаммад Харбан-  
да бизнинг томондан қаршилик сезиб, бени-  
ҳоят лашкар тўплаб, Рум чегарасидан Хуро-  
сонгача келиб, бизга ҳужум хаёли бор эмиш  
деб, эшитилди. Агар марҳамат қилиб унинг  
ҳужумидан бурунроқ бизга ёрдам учун бир  
қисм аскар юборсалар, икки лашкар бирла-  
шиб, душман дафъига ҳаракат қиламиз; бу  
онҳазратнинг яхши номига сабаб бўларди». Онҳазрат юборилган элчи аҳволини яхши сў-  
раб, инъом ва саруполар берди; ваъда ва мар-  
ғуб жавоб ёзилган мактуб бериб, қайтишига  
руҳсат қилди.

ИСКАНДАРНИШОН ҲОҚОННИНГ СИПОҲ КЕТИДАН  
ИЗЗАТУ ТАВОНЛИК БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛГАНИ ВА  
ИЛГАРИ МАЪЛУМ БЎЛМАГАН ПАРИШОН ВОҚЕАЛАР

Рабиъ ул-аввал ойининг ўртасида<sup>495</sup> Жам-  
шиднишон ҳоқон Қарши вилоятида ўзи обод  
қилган Файзобод қишлоғида эди. Абулқосим  
булуж учун кетган Хожамқули қушбеги бош-  
қа амирлар билан бориб уни ва ўша қабила-  
нинг катталарини мол ва одамлари билан ту-  
тиб, Маймана ва Гарчистонга келтирди. Ун-  
дан Абулқосимни икки ўғли билан, Искан-  
дар Қипчоқ ва Динмуҳаммад булуж, Шоҳбоз  
булуж, Хожадўст булуж, Абдул булуж ва  
Султонмурод қоқчиларни олампадох даргоҳига  
келтирдилар. Ҳукмга мувофиқ, уларнинг ҳам-  
малари тиғдан ўтказилди. Ундан сўнг шаҳ-  
риёр ҳоқон Хожамқули қушбегига буюрди:  
«Сарҳад амирларини олиб Хуросон чегараси-  
га борсинлар, агар Султон Муҳаммад Хар-




банда Хирот устига келса, муқобил туриб хабардор бўлсинлар, мабодо муслмонлар вилоятга у тоифадан бирор захмат етиб қолмасин. Шундай бўлиб қолса, ислом аҳолисининг номуси этагига ор ғубори ўтирган бўлади». Уни подшоҳона инъомлар билан бошини осмонга етказиб яна Маймана ва Гарчистон томонга қайтарди. Ўзи эса бошлиқлардан бир гуруҳ киши билан, хусусан, иззатли амир Кучак ўғлон, Муҳаммад Боқибий дўрмон, Беқойибий туғбеги, Наврўзбий парвоначи ва Ганжиали шиғовул қабилар билан, бахтсиз душман томонга юрдилар. Қутли ҳаракат ва азимат нағорасининг садоси Қайвон айво­нига етиб, осмондагиларни ўйинга солди.

### Н а з м:

Комрон ва иқболли шох,  
Зафарнишон, зафаршиор хокон,  
Ўзига ҳамроҳ бўлган бир тўп сипоҳ билан,  
Душман томонига юзини ўгирди.  
Иззату чидам билан шамолдай тез юрувчи,  
Ва тоғдай маҳобатли бир отни кўзғотди.  
Қандай отки чопган вақтда,  
Мазлумлар охидай тез борувчи,  
Ўриндан яшиндек сакрашидан  
Булут оти хижолат тортиб, терга фарқ бўларди.  
Кўёш каби олтин камарбандни боғлаганда,  
Тугини белида тоғнинг камаридай кўринарди.  
Бошидаги парининг Ҳумоси устига жой қилиб,  
Қудсийлар бошига соя соларди.  
Унинг ёнидаги ўқдан тўлган таркаш  
Гўё уруш учун пар чиқарган эди.

Унинг зафарасар байроғига «Биз сенга очик фатҳ бердик»<sup>496</sup> ояти ёзилиб, «Мамлакатлар Ўқлимларини очдик»<sup>497</sup> ояти иқбол туғининг кунгираси тепасига кўтарилган эди. Шундай чоҳ ва шундай шавкат билан яхши йўлга, балки Тангри фазлига юз қўйди. Чакмоқ каби самандни жойидан кўзғотиб, душман қасдига ҳаракатга киргизди ва муборак мавқаб ва қутлуғ ўрду Насаф вилоятидан жўнади. Ҳар манзилда одатича аҳли ирфоннинг сербаракот мазорларига бориб, уларнинг руҳларига сиғинарди. Хусусан, ҳазрати Азизоннинг мунаввар ва муаттар мазорига етиб, мадад талаб қилди. Фарроҳин<sup>498</sup> атрофига чодирлар тикканда, хогирига азиз ақобирларнинг муқтадоси, сайидларнинг мурожаат ўрни, пок Тангрининг марҳаматига маҳсус Низомуддин Ҳасанхожа на-

қибнинг, унинг иззатини доимий қилсин, бевоблигини сўрашга тушди, чунки мазкур Ҳасанхожа Улуғтоғ сафаридан қайтгандан бери бетоб бўлиб, касали кундан-кунга кучайиб, кечалари иситма ҳароратидан шуъладай ёнар эди; табиат қуввати ғоят суст бўлиб, ҳаётбахш ҳаво олиш учун, ота-боболарининг қадамжойи ва ўзининг аслий ватани бўлган Шофирком туманига борган эди. Шу ҳолда ҳам иззат-иқболли шахриёр дуосини қиларди. Онҳазрат унинг ҳолини сўраш кечикканига узр баёнини ва тузини ҳалоллиги ва у кишининг ҳам кечирешларини ичига олган мактуб ёзиб меҳтар Холиқберди керак яроқ<sup>499</sup> орқали Ҳасанхожа томонига юборди. Ўзи тезлик билан душман томонига қараб юрди. Самарқанд тобеотидан ғоятда кўнгиш очувчи Чаҳоршанба мавзеига тушди. Ўша манзилда Балх тарафдан яхши хислатли амир Қулбобо кўқалтош келди ва кўп йиллардан бери у вилоятда мустақил девон бўлиб келган Хожа Муҳаммад Қосим девонни ўзи билан бирга олиб келди. Муҳаммад Қосимдан ўша кунларда ҳисобот юзасидан катта маблағ талаб қилар эдилар. У эса ўша маблағни адо қилишда ўзини ожиз санарди. Қаҳр қўруқчиси уни қалмоқлар қабзасига топширди. Қанча оғзига туз солиб, ширин умрини унга аччиқ қилсалар ҳам фойда чикмади. У киши ожизлик кўрсатар эди. Охири қийноқ остида ҳаёт омонатини ўлимга топширди ва бу фоний саройдан Уқоб манзилига кўчди. Осаф сифатли жаноби Хожа Камолуддин Ҳусайн вазир унинг вафоти тарихини «қалмоқ кушт»<sup>500</sup> лафзида топди. Бу воқеадан кейин онҳазрат Хожа Камолуддин Ҳусайн ҳам девондан четлатилиб, вазирликни натижатул-вузаро Хожа Мирам Мирзабекка топширди. Бедана кўриғига тушганда Ҳасанхожа нақибнинг ўғли келиб, отаси ўлгани хабарини етқизди. Олий ҳазратларининг аълонур хотирини бу ходиса чангу ғубори билан қоронғу қилди. Бу бақосиз гулшанда кимнинг қўлига гул тушиб, кетидан муродсизлик тикани халқумида синмади? Бу қарорсиз саройда кимнинг лабига бир хўплам май тегиб, хумор бош оғриғига гирифтор бўлмади? Кимнинг давлату иқбол куёши тулуғ қилиб, кейин замонанинг оғир меҳнатига учрамади? Қайси соҳибкамолнинг яхши ниҳоли нашъу намо ариғидан сув ичиб, юқорига кўтарилди ва сўнг бахтсизлик шамолидан оёқости бўлмади.



## Н а з м:

Умид боғининг ариқларида кездим,  
Кўқарган тоза бирор дарахтни топмадим.  
Оламни нурли қиладиган қуёшни ва қуёшдан  
нур оладиган ойни  
Бемаҳок ва безавол топмадим.

Бу воқеа таҳриридан мақсуд, у саодат буржининг юлдузи, набий авлодининг фахри, пайғамбар ва Алининг мукаррам набираси Ҳасанхожа бетоблик ястуғига бош қўйгандан доимо хаёлида шу маъни бор эдики, онҳазрат биз ожизларга яхши йўл билан муомала қилармикин, ё йўқми? Меҳтар Холикберди керак яроқ онҳазрат фармойиши билан холини сўраган сабабли у бу ташвишдан қутулиб, меҳтар Холикберди керак яроқ қайтгандан кейин, мазкур санада жумод ул-аввал ойининг аввалларида<sup>501</sup> рухи куши тан қафасидан жаннатнинг дилкушо фазосига парвоз қилди ва Тангри раҳмати атрофидан жой олди. *Сенинг наздингда сидқ билан туришга иқтидорим бор; сидқ мақомида ором олди ва поклар ҳузурида унслик мажлисини ихтиёр қилди. Фоний дунё билан хайрлашиб, абадий ризвон боғчасига келди.*

## Н а з м:

Софликнинг эски саройи турадиган жой  
бўлмагандан кейин,  
Нима учун одам йўқлик мулкига қадам  
қўймади?  
Борлиқ шаҳар бандидан шундай дилтангман,  
Ажабки, йўқлик манзилида чодир қурмайман.

Бу катта воқеа юз кўрсатиши билан унинг ўғли Юсуфхожа Бухорога қозиюл-қуззот<sup>502</sup> эди, имомлар, шайхлар, мударрислар, муфтийлар ва бошқалар ҳамма халқ ва жамият билан Бухородан тахминан беш фарсах масофада жойлашган Шофиркомга боришларини сўраб киши юборди. Чаҳоршанба кечаси<sup>503</sup> унинг мағфиратлик жасадини пайғамбар шаръининг ойини, Мустафонинг қоидаси билан ота-бобосининг қадамгоҳига дафн қилдилар. Бу воқеа тарихига калам шу назмни рўзғор саҳифасига ёзди ва ёдгор қолдирди.

## Р у б о и й:

Эй дард ва аламки, замон хонининг накиби,  
Жаҳон мулкидан жаннат томонга юз ўгирди.

У накиб сайидларнинг сарвари эди, шу  
жихатдан  
Унга «сарвари содоти жаҳон»<sup>304</sup> сўзи  
таърих бўлди.

Фаридуннишон, Искандар ва Сулаймонойин хокон Ардахшон дарасидан чиқиб, манзилига тушди. У манзилда олдиндан киши келиб хабар бердики, Мўмин султон биродари Маҳдий султон, Марғинон, Андижон ва тобе ерларнинг сипоҳларидан кўп жамият тўплаб, эҳтимом камарини белга боғлаган ҳолда Марғинон теварагида ўлтирибдилар. Дўстимбий ва Бегибийлар қалъа ичида истехкомланиб, мудофаага тайёрланиб, жанг нағмасини чалар эдилар. Охири онҳазратнинг олдиндан юборган илғорини эшитиб, Марғинондан Андижон томонга қочдилар.

АРКОНИ ДАВЛАТ ВА ҲАЗРАТ АБЁНИНИНГ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ВА АНДИЖОН ТОМОНЛАРГА БОРИШИ ВА МАРҶИНОН ҚАЛЪАСИГА ҚИРИБ УНИ ТУЗАТИШЛАРИ БАЁНИ

Бу воқеани шарҳи шу: Мўмин султон Дарвишхон болаларини олиб, биродарлари билан биргаликда, Ўратепадан Андижонга жўнади. Дилини фитнага қўйиб тинчликдан кечди. Онҳазрат Ўратепа вилоятини Хўжанд билан қўшиб Тошкент ва Туркистонга қўшиб қутли нишон Дўстим султоннинг биродарига топшириб, ҳукм қилди: «Миёнқолда бундан ортик турмай, жамий фарзандлари билан Ўратепага бориб, у ўлкадан хабардор бўлсин». Шунинг учун, султон фармонига амал қилиб, Ўратепага борди ва у жойда қарор топди. Ўша ерда мана буларни эшитди: Маҳдий султон Исфара ва Марғинонни ўз кишиларига берган эди. Улар қўрқиб ўз бошларини олиб қочиш йўлини тутдилар. Шунинг учун амр қилди: «Онҳазрат фармони билан Ўратепага борган Бегибий ва Дўстимбий қушчилар Марғинон томонга бориб ўзларини у жойга етқизсинлар ва агар қўлдан келса, Марғинон қалъасини маҳкам қилсинлар». Жаноб амир султон фармонига мувофиқ, Марғинон томонга йўналдилар. Қалъани душманлардан холи топиб, унинг ичига кириб, уни тузатишга киришдилар. Маҳдий султон эса уларнинг аҳволидан огоҳ бўлиб, амирлар билан қайтиб келди ва жасорат йўлини тутиб,

хорлик тупроғини давлат пешонасига сочиб,  
амирларни камал қилди.

#### М а с н а в и й :

Душманлар мамлакатдан кўнгил узгач,  
Андижон тарафга юз тутдилар.  
Дарвиш хулқли султон буюрди,  
Уруш кунларида хусуматли султон буюрди,  
Жамнишон шоҳ сипоҳининг ҳаммаси  
Душман томонига борсинлар.

Дарвиш Дўст султоннинг амри билан, ҳам-  
ма феълү атвори такводан иборат султоннинг  
бўйруғи билан,

#### Н а з м :

Рўзгорнинг пахлавони Бекойбий бахрин,  
Марду мардоналикда машхур Бекойбий,  
Юзларча душман сафини бузувчи Дўстимбий  
кушчи,

Душман қасдида белга камар боғлаб,  
Дин душманлари тарафига қараб юрдилар.  
Иқбол билан маҳкам ва мустаҳкам осмон каби,  
Баланд бир қалъага етдилар.  
Кенгашдан кейин кинали лашкар  
Қалъа ичига ўрнашдилар.  
Қалъанинг ҳар жой-ҳар жойида вайроналик  
бор эди.

Тезлик билан уни тузатдилар.  
Маҳдий султон уларнинг ҳолидан хабар  
топгач,

Қалъанинг аҳволи не эканлигини билгач,  
Уруш қасдида тез ва дамсоз бўлиб,  
Кетаётган йўлидан қайтди.  
Дарҳол қалъа деворининг теварагига жойлашиб,  
Амирларга офият ва тинчлик эшигини ёпди.

Маҳдий султон, биродари Ҳоди султон би-  
лан бирликда, доимо фитнаю фасод этагини  
;гнод белига маҳкам қилиб, душманлик била-  
пши кибр енгидан чиқариб, қалъа томонга ке-  
лар ва қалъа деворининг очилишига тегишли  
"лган ишга тутинар эди. Ичкари томондан  
хам амирлар эрталабдан кечгача, кечдан эрта-  
лабгача уринар, тамом жидду жаҳд билан бур-  
жу боруни сақлашга тиришар эдилар. Қалъа-  
ни халос қилиш учун душманлар қалъа қама-  
лида бўлган муддатда ўк, тўфанг, аррода ва  
:анбарак зарби билан уларни қалъа яқинига  
келишга қўймас эдилар. Амирларнинг қалъа-  
ла қамалиб ётганларига ўн беш кун бўлди.

Зафарнишон илғор қиссаси Маҳдий султонга  
кетма-кет аниқланиб етишди, ночор уруш  
майдонидан оёғини тортди ва саросимага ту-  
шиб қочиш йўлини қабул қилди. Қисса шул-  
ки, мазкур ҳодисалар олий ҳоконнинг қулоғи-  
га етгандан кейин, иккинчи марта ҳукм қил-  
ди: «Подшоҳнинг зафарли узангисида сипоҳ-  
дан бир неча номдорлардан бошқа киши тур-  
масинлар. Садр амир Қулбобо кўкалтош, унинг  
қадрни зиёда бўлсин, саодатнишон амир Кучак  
ўғлон, Мухаммад Боқибий, Қанбарбий, Нав-  
рўзбий парвоначи ва Ганжиали шиғовуллар ҳам  
бошқа аскарлар билан бурунги илғор кетидан  
жўнасинлар». Мазкур амирлар ғоятда хаша-  
мат ва зийнат билан тўхтовсиз, шамолдан  
юришни қарз олиб, йўналдилар. Манзиллар-  
ни босиб ва йўлларни кезиб Ўратепага етиб, у  
жойдан наввоб Дўстим султон билан бирга-  
ликда олдин юборилган илғорга қараб йўнал-  
дилар.

#### М а с н а в и й :

Замон хони яна эшитдики,  
Маҳдий султон қочиш йўлини тутган эмиш.  
Иккинчи марта шахриёр буюрди,  
Фалак рутбали, жаҳон мардори хокон буюрди:  
«Букун иззатли ўрдуда  
Озгина сипоҳдан бошқа киши қолмасин.  
Сипоҳдан кимки бўлса,  
Суръат билан душман томонга борсин».  
Иқболли подшоҳнинг буйруғи билан  
Ханжар урувчи машхур суворийлар  
Уруш қасдида камондай камар боғлаб,  
Душманларнинг пайига тушдилар.  
Шундай сипоҳларки, мардлик ва жанг вақтида  
Филнинг бошини ва наҳангнинг миясини ёрар  
эдилар.

Ҳаммаси камонли ва қилич осган,  
Гўё йўлбарсни йикитувчи ва шерни олувчи  
арслон эдилар.

Мавкабдаги нусратли бу гуруҳ Марғинон  
вилоятида бурунги илғорга етдилар.

Хусравнишон Исфандиёр султон ҳамма  
амирлар ва аркони давлат билан Дўстим сул-  
тонга ҳамроҳ бўлиб, душманларни йўқотиш  
учун жўнадилар. Таваккал султон, ҳамма эшик  
околари, чухра оқосилар ва ясовуллар, хусу-  
сан, Бахтиш ясовул ва Жамоқбий ясовуллар  
арслоннишон қоровуллар олдинга тушиб, тар-  
тиб билан, сарсар шамолидай, душман томо-

нига иўналдилар, чунки бундан бурун хабар келиб турар эдики, Мўмин султон ҳамма биродарлари, кўч ва тобелари билан Андижондан ва Хошим султон Абдулғаффор султон билан биргаликда Аҳси ва Косондан чиқиб, иттифоқ билан Кошғарга келдилар, беихтиёр саросима бўлиб, сабо шамолидай тоғу даштга бош урдилар.

Алқисса, зафарнишон сипоҳ Андижонга етган эдилар, душманлар у вилоятнинг сарҳади бўлган Ўшга келдилар, деб эшитдилар. Булар ҳам тўхтовсиз душманларнинг кетига тушдилар. Ўшга борганда душманнинг Кошғар тавобеидан бўлган даштга бориб, ундан бир кеча кундузлик масофадан зиёд бўлмаган Кошғар қалъасига қочганликлари эшитилди. Булар ҳам уларнинг орқаларидан юрдилар. Чўлу дашт кезиб, ваҳму хаёл ойнасида дев ва ғўл юзидан бошқа нарса кўринмайдиган ўтишнинг сурати хотирига келмас эди.

### Н а з м:

Тоғининг қиррали учидан осмон кўкрагига  
қилич урилиб,  
Тиканининг учидан аждаҳо томирига наштар  
санчилган эди.  
Тоғнинг баландлигидан дедим:  
Ажабки, осмон йўли бекилиб қолмабдир,  
Тепасининг чўққиси кўзга кўринмайди,  
Тўқайи тиғиз ва қалинлигидан ваҳмга ҳам  
ўтишга йўл бермайди.

Унинг иссиқ шамоли Симурғ канотини шундай куйдирадиди, у энди қиёматгача учишдан маҳрум бўлди. Сарсар ундан кўркканидан чаққонлик билан биринчи марта ундан ўтди. Ва шундан буён югурувчан бўлиб қолди. Сабо қушининг кўзи у ерда сув чашмасини бирор кеча тушида кўрмаган ва нақбо<sup>505</sup> чопарининг қадами у ерда бирор саробга етмаган.

### М а с н а в и й :

У ерда на қуш бир катра сув кўрган,  
Ва на дев фарзандини топган.  
Хавоси олов, ери чўғ,  
Гиёхнинг ҳаммаси захар, шамоли гармселдир.  
Қаттиклиги дилнинг доғи каби бўлиб,  
Узунлиги жаҳон рўзғори каби эди.  
Жаҳон кенглигидаги пастлик ва баландлигини  
Йиғилиб ва ёзилиб турган бир палос дер эдинг.

Жумод ул-аввал ойининг йигирма иккинчиси, душанба куни<sup>506</sup> Олтой даштининг қўли унинг этагида бўлган Зухал маҳалли бир сўқмоқ йўлга чиққанларида ўша қочганларнинг у бепоён саҳрода чодир тикиб, ғафлат ястуғига бош қўйганларини кўрдилар. Шунинг учун тўхтовсиз қалин лашкар гуруҳи фалак куёши каби тиғ уриб ва қалқон тутиб, Симок Ромихдай найза ушлаган, уруш совутини кийган, баҳодирлик дубулғасини бошга қўйган ҳолда бутун қуролланиб уруш отини ҳаракатга келтирдилар; оч қолган қарчиғайдай тоғ тепасидан пастга тушиб, душманга ёпишдилар. Сурнай ва карнай садоси аср куррасидан ва фалак доирасидан ўтди. Ёшу қари хуруши уруш майдонидан Ою Аторуд тепасигача чиқди.

### М а с н а в и й :

Ҳар тарафдан нағора овози чиқиб,  
Ундан кўк гумбази титради.  
Карнай хуруши фалақдан ўтиб,  
Кайвон саросимага тушди.

Лекин Мўмин султон, Хошим султон ва бошқа биродарлар ёмон бахт каби ғафлат уйқусида, истироҳат тахтида фароғат билан ором олган эдилар.

### Б а й т:

Эй, кечанинг аввалида шодланиб ухловчи,  
хушёр бўл!  
Албатта, ходисалар кечанинг охирларида  
келади.

Карнаю сурнай овозлари, диловарларнинг шовқин-суронлари душманларнинг қулоқларига етиб, бало уйқусидан уйғондилар, саросималик билан яланғоч отга миниб қочиш йўлини тутдилар. Аммо шижоатдан дам урадиган Маҳдий султон ва Абдулғаффор султон чала сўйилган хайвондай қўлу оёғини уриб, типирчилаб, баҳодирлик қилган бўлиб, зафарпаноҳ сипоҳ билан олишиб турдилар. Зафарасар лашкар сарсар шамоли каби уларни ағдариш йўлига юз тутдилар. У ғайрат гирдобида саргардон бўлган гуруҳдан қайси бирига етсалар, дарҳол фитначи бошини обдор шамшир билан танидан жудо қилиб, темир танли отларининг оёқлари остига ташладилар.

### Н а з м:

Найза — юлдузу, тиг — куёш бўлди,  
Темирдан еру, чангдан булут пайдо бўлди.  
Дейсанки, куёш парда остига кирди,  
Ер бўлса така остида колди.

Хаво занги юзидай қора бўлиб, ўлдирилганларнинг кўплигидан даштдан йўлни кўрмай қолдилар; гўё осмон отларнинг чангидан қора либос кийган, ер темир кийимларнинг кўплигидан жавшандор осмон бўлган, дер эдинг.

### М а с н а в и й :

Чангдан осмон қора бўлиб колди.  
Совут кўплигидан ер балиқ сирти каби бўлди.  
Найза ошиқларнинг дилидан сабрни олувчи ишк  
каби  
Тандан хайбат билан жон олувчи бўлди.  
Қилич махбублар кокилининг учидан чигилни  
ечадиган шамол каби  
Совут бандларини очувчи бўлди.

Ниҳоят, осмоний саодат Хумоси соҳибқирон сипоҳининг бошига фатҳу зафар соясини : ширди ва онҳазрат ёрдамчиларининг очиқ лешоналаридан нусрат нурлари тулуъ қилди. Таваккал султон Тангрининг қувватлаши ва подшоҳ давлатининг ёрдами билан Махдий султон ва Абдулғаффор султонларни тутиб тўхтовсиз ўлдирди. Уларнинг мол-ҳоллари ва аҳлу аёллари зафарли сипоҳ қўлига тушди. Нақлна ва жавоҳир кўплигидан нусратасар лашкар дарё ва қон каби тилла ва марвариддан : эй бўлдилар.

### М а с н а в и й :

У майдонда талон-торож кўплигидан,  
Сипоҳ шунча кўп ғанимат олдики,  
Сахронинг юзи олинган нарсадан тўлиб,  
Жаҳон гавҳар билан безалди.

Улуғ Тангрининг жамил фазли ва лутфи : нлан фатҳ сурати зафар ойнасида юзини очиб, >>шд субҳи мурод матлайдан қулиб боқди. Онҳазрат кулларининг бу давлатни топганларига хурсандликлари зиёда бўлди, шавку хушнудлшс моддалари ҳаддан ошиб, гарданкашларзшг бошларини олиб, қайтиш жиловини бур-

дилар; тезюар отга миниб, онҳазрат хизмати-га чопдилар ва Марғинон вилоятида муборак ўпиш билан мушарраф бўлдилар. Подшоҳлик палосини ўпиш сабабидан тамом саодатга эга бўлиб, қимматбаҳо ташрифлар ва баландпоя хилъатлардан бахраманд бўлдилар. Мартаба жихатидан шундай юқорилашдиларки, ойнинг бошига қадам қўядиган бўлиб, давлат майдонида фалак шахсуворидан мусобакани ютадиган бўлдилар. Давлат офтоби иқбол уфқидан тулуъ қилиб, саодат субҳи иноят машриқидан кўринди. Онҳазрат «бизларни бандаларининг кўзидан ортиқ қилган Тангрига раҳмат»<sup>507</sup> мазмунига тилини жорий қилиб, ўзининг ожизлик ва камчиликларига иқроқ бўлдилар. Хоқон фатҳу зафарни Ҳақ таоло иноятидан билиб, Тангрининг бениҳоят неъматларига юқори даражада шукр қилдилар. Шахзода амирлар, шижоатли баҳодирларга, уруш майдонида ва мардлар маъракасида мардоналик асарини кўрсатганларга подшоҳона инъомлар бериб, қадрларини юқори кўтарди.

### Н а з м:

Бир киши инъом қилиб зар берса,  
Бу билан уларга мамлакатлар берган бўлади

Масалан, бутун Фарғона вилоятини, Хўжанддан тортиб то Ўшгача ва Андижон атрофи билан Хусравнишон Исфандиёр султонга суюрғол қилди. Ахсикат вилоятининг ҳаммасини Дўстим султоннинг ўғли Поянда Муҳаммад султонга берди. Гарданкашларнинг бошларини тавочилар билан жамий вилоятга, хусусан, куббатул-ислом Бухорога юборди. Бир фатҳномани Искандарнишон Искандар баҳодирхонга ва битгасини жаҳон аҳлининг маҳдумзодаси ҳазрат Хожа Калонхожага юборди. Ўзи ўша жойдан зафар ва ғалаба билан, ғоятда хурсанд бўлиб, қайтиш байроғини кўтарди. Хўжанд атрофи уғруқ маркази бўлиб эди, ўша жойда эшитилдики, Дарвишхон авлоди, урушдан қочгандан кейин, Бадахшон сарҳади ва Қоратегин ҳокими Ҳакимбек олдига бориб туриб қолган эдилар. Ҳашаматли амирзода ва зебу зийнатлик Худойберди ясовулни элчиликка номзод қилиб, ҳукумат асбобидан ҳокимга муносиб бўлган туғ ва байроқларни муҳайё қилди ва мазкур киши билан унинг томонига юбориб, подшоҳона ваъдалар қилди. Элчилик

мазмуни шу: «Бу томоннинг савлатидан қанча киши қочиб у томонга борибдилар. Мумкин қадар ҳаракат қилиб, уларни тутиб юборсин, ёки уларнинг кибрдан тўлган бошларини кессин, мабодо у паришон тўдадан фитна туғилиб, тадоруки қийин бўлиб қолмасин. Унда мусулмонлар оммасига тамом зарар бўлади». Ўзи Шайх Маслаҳат<sup>508</sup> мазорида Хожа нақиб таъзияти учун ош бериб, унинг руҳига роҳат етқизди. Ўша манзилда Худойберди ясовул Қоратегиндан келди ва Дарвишхон авлодининг бошларини келтирди. Яна Ахсикат томондан Поянда Муҳаммад султоннинг одами келди ва Ахсикат ҳокими Хошим султон бошини тўхфа қилиб, хилофат тахтининг поясига ташлади. Ҳамда ўша кунларда Таваккал султон ўз хотиридан бежо тараҳхумга йўл бериб, хийлаю найранг билан онҳазратдан айрилди; макру ни-фоқ қилиб Дашти Қипчоқ томонга йўналди. Унинг ахволининг баёнини вақтнинг сиғдиришидан умид қилинади. Аммо сарсарнишон тавочилар гарданкашларнинг бошларини дорил-хилофатга етқиздилар. Уларни фатҳ учун ёзилган олийнишон билан замон имоми ва раҳмон халифаси ҳазрат Искандар баҳодирхоннинг нурли назарига манзур қилдилар. Онҳазрат ўшандай фатҳ воқеъ бўлганига ғоятда шодмон бўлиб, тавочига подшоҳона инъом ва иқром кўргизди. Гарчи хурсандлик субҳи машриқдан тулуъ қилса ҳам, жафокор замона табиатининг хоҳишини изҳор қилди. Фурқат, алам ва зулмат кечаси жонни куйдурувчи воқеа юз бердики, бу ҳеч кимнинг хаёли ойнасида йўқ эди. Бу воқеа онҳазратнинг Искандармисол, ғуфрон оқибатлик отасининг дунёдан ўтгани, яъни Искандар баҳодирхон бу қўрқинч садолли олам равзасидаги нусратлилар учун захри қотил ва одам фарзандининг мизожи учун захри халохилдир, вафоти ходисаси эди.

#### ҒУФРОНПАНОҲ ПОДШОҲ ВА ҲУМОЮНФОЛ ШАҲАН-ШОҲ ИСКАНДАРХОННИНГ БУ БЕМАДОР ДУНЁДАН ДОРИЛҚАРОРГА КЎЧГАНИ

##### Н а з м:

Жаҳоннинг аҳди сусту, биноси мустаҳкам эмас, Фалакнинг беш кунлик меҳрига эътибор йўқ. Эътимод қилиб бу жаҳон уйига қадам қўйма, Чунки бу эски чириган бино барқарор эмас. Фалак муҳридан кўп нарса нақш олди,

Фақат рўзгорнинг хотимаси бўлмаган  
«бақо»нинг нақши йўқ.

Басират илми эгаларининг соф замирларига ва яратиш корхонасининг воқиф зотлари хотирларига равшандирки, «Тангри зотидан бошқа ҳар бир нарса ҳалок бўлувчидир»<sup>509</sup> ояти тақозосича, ҳар бир мавжуд нарсанинг йўқ бўлиши вожибот кабилидан бўлиб, ҳар бир мумкиннинг боқий туриши чиринди ният навъидандир.

##### Н а з м:

Озода кулга фонийлик хатини берадилар.  
Кечаю кундуз саҳифасида боқийлик ҳарфи  
йўқдир.

Ҳодисалар уфқидан бирор давлат куёши тулуъ қилиб, унга завола етмаган йўқдир. Зухур майдонида бирор ҳашамат биноси бошини осмонга кўтариб, сўнг фано зилзиласидан бузилмагани кўрилмагандир.

##### Н а з м:

Бу боғда қайси сарв бошини кўтариб,  
Охири уни фано шамоли илдиридан  
кўпормади?  
Қайси вақтда даҳр боғларида бир гул очилиб,  
Ажал сарсари уни хор қилиб ерга ташламади?

«Ҳар бир махлуқ ўлади»<sup>510</sup> нидосига мувофиқ, тездан ўлмайдиган ҳеч бир махлуқ йўқ. «Ҳар бир ризқланган тезда йўқ бўлади»<sup>511</sup> мафҳумига мувофиқ, тездан ўлмайдиган ҳеч бир ризқланувчи йўқдир.

##### Н а з м:

Кимки бу фасодга, юртига қадам қўйса,  
Яна йўқлик йўлига юз ўгирмайдиган ким?!

«Ҳар бир нафс ўлимни тотувчидир»<sup>512</sup> мазмунига биноан Тангри таоло ҳар бир тубан ва юқори юзига ўлим нилини тортган. «Ер юзидаги ҳар бир киши йўқ бўлувчидир»<sup>513</sup> нинг ғуборини тубанлар ва олийлар бошларига сочганлар. Хоҳ ҳокон, амир, султон, вазир, мунший ва хоҳ адиб ва каттаю кичик бўлмасин ўлим юқини тортадилар. Хоҳ хору шариф бўлсин ва хоҳ кучли ва заиф бўлсин, барибир. фано шарбатини тотати.

Қодир экансан, жаҳонга дил қўйма,  
Чунки жаҳон маҳкам ҳам эмас, меҳрибон ҳам  
эмас.

Ақлу дониш гавҳарини тешган кишилар  
Жаҳонни қари бир кампир деганлар.  
Шундайки, ўзини етмиш ранг билан кўрсатади,  
Сенга гоҳо асал, гоҳо итқовун беради.  
Жаҳоннинг вафосига дил боғламай,  
Ҳар ҳолда ундан қўл тортган киши яхшидир.  
Ҳар бир манзилга янги киши яхшидир,  
Ҳар бир манзилга терилган янги ғишт  
Кайқубод ва Искандар каби подшоҳларнинг  
бошларидир.

Гулшандаги арар дарахтининг шохи  
Бир кумуш тан қаддидан намунадир.  
Гулистондаги ҳар бир гул  
Бир дил элтувчининг оқ юзидир.  
Бу жомда подшоҳлар конидан бошқа нарса йўқ.  
Бу даштда маҳбублар тупроғидан бошқа нарса  
йўқ.

Ҳаётни тотувчи қувват ўлим шарбатини ҳам  
тотиши зарур бўлиб, ҳуш қулоғи ажал замза-  
масини эшитиши лозим бўлганидан иродат тиз-  
гинини мурод этакчиси қўлига топшириб, му-  
род жиловини казо қўлига топширсин.

Хусусан, подшоҳни баланд асосли ифти-  
хор либоси билан эъзоз тариқасида «У шун-  
дай зотки, сизларни ер юзига халифа қил-  
ди»<sup>514</sup> зийнатлаганлар. Зодагонлик иқтидори  
тожининг безаги «Биз Зулқарнайнга ер юзи-  
да имкониятлар туғдирдик»<sup>515</sup> гавҳари билан  
мурассалаганлар. Бу жавлон майдонида ун-  
дан бадтари шулки, бу саботсиз сарой ва  
этиборсиз торликда яширин нарсаларни юза-  
га чиқариш қудрат ва иқтидор айвонида пок  
манзиллар билан унс бўлиши билан шодки,  
«Албатта, сизларнинг биз томонга қайтишлар-  
рингиз бор»<sup>516</sup> мужибига саломатлик хонаси-  
да бахтиёрлик билан яшаб, меҳнат тенглиги-  
дан халос бўлиб, интиҳосиз раҳмат қайтиб  
келса.

Бу мақол ва сўздан мақсуд Искандармисол  
хокон дунёдан кўчганининг баёнидир. Бу хо-  
дисанинг шарҳи нгу: Сулаймонмакон хоқон Аб-  
дуллаҳон душманларни йўқотиш мақсадида Ан-  
диджон томонга кетган эди. Отаси Искандар-  
хон ҳар кунги одатича бомдоддан кейин отга  
миниб, Бухоро атрофига, то бир фарсахгача,  
бориб қуш ов қилар эди.

Бир шохки, йўқликдан борликка юз қўйиши  
билан,  
Унинг ҳамма умри яхши бахту толедан иборат  
бўлди.

Аслида қуш овлаб юрган бўлса ҳам,  
Аммо мақсади раъийят дилини овлаш эди.

Ўша вақтда тўсатдан мизожида бир ғубор  
пайдо бўлиб, ҳаётда бир бахтсизликка учра-  
ди. Қувватлари сусайиб, кундан-кунга соат ба  
соат кучсизлиги зиёда бўлди. Масиҳодам ҳа-  
кимлар қанча муолажа қилсалар ҳам фойда  
бермади. Миср Юсуфининг жони агар касал-  
лик чоҳига гирифтор бўлар экан, ҳеч қандай  
дори-дармон ипи унинг касалини тортиб олол-  
мади. Ночор ҳодисанинг воқеъ бўлишига дил-  
ни қўйиб ҳамма вақт тилни «Тангри истаган  
нарсасини қилади ва истаган нарсасига ҳукм  
қилади» оятига<sup>517</sup> очар эди. Ва онҳазратнинг  
касали қаттиқ бўлиб, умр дарахти сихат ме-  
васидан қолди. Қозиюл-қуззот Нуриддин Му-  
хаммад ходиса суратини ёзиб, онҳазратга (Аб-  
дуллаҳонга) юборди. Ва яна бир аризани Ис-  
кандархоннинг касаллигини ёзиб Ибодулла  
султонга юборди. Қисса шулки, «Тангри ҳар  
бир қилинадиган нарсага ҳукм қилади»<sup>518</sup> нинг  
муқтасосига мувофиқ, «ҳар бир ажалга китоб  
бор»<sup>519</sup> қозихонасида «Оллоҳ нимани истаса  
йўқ қилади»<sup>320</sup> рост гувоҳи билан онҳазрат ум-  
рининг васиқаси муҳрланган эди. Жумод ус-  
соний ойининг аввалида, чаҳоршанба кечаси<sup>521</sup>  
куёш ботишдан олдин ва олам юлдузлар под-  
шохининг сипоҳи ғойиб бўлганидан ва қора  
либос кийгандан кейин, охириги сўзи «Ло ило-  
ҳа иллоллоҳ» бўлган киши жаннатга кира-  
ди»<sup>22</sup> мазмунига амал қилиб тавҳид калимаси-  
ни<sup>523</sup> айтишга жорий қилди. Рухни «эй ором  
олувчи нафс, Раббинг томонга рози ва мар-  
зий ҳолда қайт»<sup>524</sup> чақирувчисига топшириб,  
бу ғурур уйидан сурур уйига кўчди ва пок-  
лик кўрғонида борликлар билан улфат ва му-  
нис бўлди.

## Маснавий:

Афсус, у яқин мулкининг шаҳаншоҳиким,  
Шариат ва дин ундан қувват топар эди.  
Афсус, у Искандар эшикли ва Жамшид  
нишонли.  
Шоҳким худди олиймакон Сулаймон эди.

Дариғо, у Умар адлик, Сиддиқ феъллик  
шоҳким,  
Унинг гапу сўзи Тангрининг зикри эди.

Амиру вазир, сағиру кабир, ёшу қарилар-  
нинг фарёд ва зорлари фалак қулоғига исирға  
бўлди. Нола ва бекарорликлар фалак авжи-  
дан ўтди. Онҳазрат вафот этган кечаси Ибо-  
дулла султон изтироб ва шитоб билан Самар-  
қанддан етиб келди. Отасининг фирокидан кўп  
ғамгин бўлиб, сабр ихтиёрини қўлдан берди.  
Аркони давлат, хазрат аёни ва ашроф, ҳатто  
бозор кишилари ва бошқа синфлар, тожику  
турклар, хуллас, ҳамма саросималик билан кўз-  
ларидан ёш тўкдилар. Оху афғонлари чакмо-  
ғу момақалдирик бўлиб жаҳонни куйдирди.

### М а с н а в и й :

Ҳар тарафдан нолаю фарёд туриб,  
Ўнгу сўлдан оху нола кўтарилди.  
Халойиқ танларидоги либосларини йиртиб,  
Ўлим дастидан бошларига тупроқ сочдилар.  
Булут каби кўздан кон селини окизиб,  
Нолаю фиғонни еттинчи осмонга еткиздилар.

Ўша кунни Ибодулла султон, жаҳону жаҳон-  
нийлар хожазодаси ва аёёнларнинг нури дийда-  
си хазрат Хожа Калонхожа ҳамма аёни би-  
лан либосни ўзгартириб, аза кийимини кийди-  
лар ва онҳазратнинг жанозасида олий арқдан  
қадимги Бухоро жомеъ масжидигача пиёда кел-  
дилар. Жаноза имомлигини, жаноб султоннинг  
иттифоқи билан, Сулаймонмакон ҳоконнинг  
жанозасини ўқишни замон аълами Хожа Али  
Ромитонийнинг набираларидан бўлган ола-  
мийлар хожазодаси, муҳаққиқлар мубтадоси  
ва мудаққиқлар зубдаси ва замон олимлари-  
нинг аълами жаноб Хожа Азизонга топширди-  
лар. Ундан сўнг улуғ Хожа Муҳаммад ибн  
Муҳаммад Нақшбанд файзасар мазорининг ёни-  
га етдилар ва отасининг ўзи тайёрлатган тахт-  
да, «Жаннат оналаримизнинг оёқлари остида-  
дир»<sup>52и</sup> мазмунига мувофиқ, унинг оёғи тагида  
тупроқ остига топширдилар.

### М а с н а в и й :

Агар кадр жихатидан тахтни осмонга чиқарса  
хам,  
Охири ер остига матоини олиб боради.  
Эшитдимки, бир киши айтар экан:

Жаҳон даврига кўп така килмаки,  
Бу бизсиз кўп кулок эгасини кўтариб,  
Равшан қуёш ва тўлган ойдай килади.

Онҳазратнинг гўри бошига қорилар тайин  
қилинди; фақирларга таомлар ва садақалар бе-  
рилди. Бешинчи кунни Хожа Калонхожа, та-  
моми аёён, улуғлар ва ҳамма синфларга дас-  
турхон ёзилди. Онҳазрат руҳини шод қилиш  
учун қадимги Масжиди жомеда ранг-баранг  
таомлар пиширилди. Еттинчи кунни Ибодулла  
султон буюрди: «Ҳамма камарбасталар ош тар-  
тибида ҳозир бўлсинлар». Ҳамма улуғлар, си-  
поҳлар ва саркардалар ва бошқалар тўпланиб  
ҳар ким ўзига муносиб жойда ўтирди. Маж-  
лис садри жаноб Хожа Калон эди. Қорилар  
Қуръон тиловат қилдилар. Хонсолорлар дас-  
турхон ёзиб, таом тортдилар ва «таомни, ўз-  
ларига керак бўла туриб, мискинга, етимга ва  
асирга бердилар»<sup>52б</sup> мазмунига мувофиқ, таом  
бердилар. Жаноб султон тамом фақирлар ва  
мискинларга турли марҳаматлар қилди. Ўша  
мажлисда олимлар ваъзу насихат чилвири би-  
лан султоннинг хотири ойнасидан малол зан-  
гини кеткиздилар ва «бирор мусибат етган ки-  
шилар айтадилар: «биз Тангриники ва унга  
қайтувчимиз»<sup>52в</sup>. «Ҳақиқатан ўлган киши халқ-  
нинг унга йиғлаши билан азобланади» ҳадиси  
мазмунини унинг муборак қулоғига еткизди-  
лар.

### Н а з м:

Агар воқеа кўп мушкул ва жонни койитадиган  
бўлса ҳам,  
Сабр қилишга турунги, Тангрининг лутфи  
сабр этувчи биландир.  
Фарёддан ғусса кўпайиб, дил озор чекади,  
Сабр килувчи, қутулиш эшигини оч!

Охири Ибодулла ризо қўлини сабр этагига  
осилтириб буюрди: «Халқ таъзия шиоридан  
чиқсинлар». Сўнг уларни шоҳона меҳрибон-  
чилик билан эъзоз ва инъом қилди.

Бу воқеада шоирлар ва фозиллар ёқимли  
таърихлар, беназир марсиялар битиб, жаҳон-  
гир султонга тақдим қилдилар. Шу жумла-  
дан, бу варақларни қораловчи ҳам шаҳаншоҳ  
марсияларига ҳаёл хазинасидан сафол майда-  
ларини холга яраша назм ипига тиздим. У  
байтлар шулардир:



## Н а з м:

Хеч ким бако мулкида муқим бўлган эмас,  
Бирор киши бу эски фалак ичида абадий тирик  
колмаган.  
Умидсизликни кўргинки, агар ҳаёт Нух<sup>28</sup> умри  
каби узун бўлса ҳам,  
Умид кемаси уни хавф тўфонидида ғарқ бўлади.  
Фалак ҳар соатда зулм тиғини тортиб,  
Дилларни соат шишаси каби икки бўлак  
килади.  
Умр дарахти пайвандининг сузтигини кўрки,  
Агар бир киши ногоҳ тилига насим сўзини  
олса, йиқилади.  
Жаҳон онаси хеч вақт меҳр боласини туғмайди,  
Ҳа, у кампир насабдан қисир бўлиб келган.  
Қачон умр нақди фано торожидан саломат  
қолса,  
Соғлом ақл фалакнинг табиатини шундай  
топган.  
Ҳашаматлик шох дину дунё қутбининг вафоти  
Фалакнинг меҳрсизлигига етарли далилдир.  
Ваҳки, Сулаймон қадрлик, Жамшид  
фармонлик хокон кетди.  
Иккинчи Искандар баҳодирхон қолмади.  
Адолат тахтида Сулаймон каби ўтирган зот  
кетиб,  
Муҳридан даврон саҳифасида нишон қолмади.  
Унинг вафоти овозаси Руму Чинга етиши  
билан  
Қайсарнинг<sup>29</sup> шавкати, хоконнинг ҳашамати  
қолмади.  
Юзининг қуёшидан одам кўзига нур хосил  
бўладиган у зот кетди,  
Энди усиз аён кўзида равшанлик қолмади.  
Унинг фироқида мардум йиғлаб кўзларида ёш  
қолмаганидан,  
Ёш ўрнига дил қонини тўқадилар.  
Мардум оҳининг дуди осмонни қора қилгани  
учун,  
ТПў вақтда қуёшу ойда заррача равшанлик  
қолмади.  
Равшан субҳ нима учун қора шом каби  
бўлмасинки,  
Мулк осмонидан қудрат авжининг қуёши  
кетди.  
Афсуски, кўз олдидан динпаноҳ подшоҳ,  
Ва ҳақиқат мулкининг хусрави, қудсий огоҳ  
хон кетди.  
У маънининг ганжи подшоҳ остини ўзига  
такягоҳ қилганидан,  
Ганжнинг қарори энди ер остиди қандай  
мумкин бўлади.  
Унинг замонида рух тоза, умр узун бўлди,

Бунинг аксичаки, у кишининг замони умрни  
қисқартирувчи бўлмади.  
Мадраса фақиҳининг ҳаёлида кечаю кундуз,  
Хонақоҳ шайхи эртаю кеч уни зикр қилади.  
Етимлар оҳининг сарсари у ҳодиса сабабли шу  
тарзда осмонга чиқиб,  
Қуёшу ой чироғини ўчирса лойиқ ва арзийди.  
Шу мусибат сабабли чекилган оҳнинг дуди  
фалакка чиққанидан,  
Ҳар сахарда ситора кўзидан шаҳоб ёши  
тўкилди.  
Аҳли хол оҳининг дуди паст табиат фалакка  
чиққан сабабли,  
Хилол яна қайтадан тутилишидан кўрқади.  
Эй раббим, у Искандар қадрли, Жамшид  
салмоқли қани?  
Муҳаммад хулқли, Мусо қўлли ва Хизр асарли  
хон қани?  
Эй раббим, подшоҳлар бошига тож бўлган зот  
қани?  
Бошқа шохлар сар бўлганда, уларга сардор  
бўлган зот қани?  
Қадрининг қамолидан ва айни шарафидан  
Мулк мухитида унинг зоти шохга лойиқ бўлган  
зот қани?  
Яқинлик ҳарамига кирганда иззат топиб,  
Ғайрлар захмати ундан узоқ бўладиган зот  
қани?  
У шундай шох эдики, Жунайд унинг  
боргоҳидаги аскарлардан бўлса,  
Адхам ўғли Иброҳим унинг жалол ва улўғлиги  
қасрининг дарвозабони эди.  
Пешонасидан Ҳақ нури ярқираб турган,  
Ғайбий сирларнинг ҳазинаси ва нурлар матлаи  
бўлган зот қани?  
Замон хонининг мотамида устихон мағзи  
қуйиб,  
Аҳли дилнинг устихони найдай мағздан бўшаб  
қолди.  
Афсуски, ул қуёш фалак гардишидан кетди.  
Жаҳон аҳли шафақ каби қон йиғласалар  
арзийди.  
Зухра қонунини чалишга юраги йўқ,  
Чунки одам аҳлига бу мотам сабабли  
қонундан бошқа ҳам ғам бор,  
Бу жонни қуйдирадиган дарддан қуёшга ўт  
тушибдир,  
Заррача қарори йўқ, сабрсиз ва оромсиздир.  
Бу ғам сабабли Аторуд қалам ва қоғоз тутишни  
қўйди,  
Муштарий бу ғамдан кўк ридо<sup>30</sup> кийди.  
Бу ғамдан нилуфар бошига кўк ўрама белбоғ  
боғлаб,  
Лоланинг дили доғ бўлди ва бинафшанинг  
боши буқилди.

Гўё хон мотами тоғу конга асар қилдики,  
Тоғ юзини тирнаб коннинг дили қондан иборат  
лаъл бўлди.  
Олам аҳли унинг фироқида бошларига тупрок  
сочиб,  
Дамбадам ғам хунобидан юзини намлайдилар.  
Подшоҳлик авжининг қуёши жахондан  
кетгандан бери,  
Бу ғамдан осмон кўк чопон кийди.  
Унинг фироқидан фарёд ва фиғон фалакка  
чиқиб,  
Туғнинг парчами дилбарлар зулфи каби қора  
бўлди.  
Махбублар қоши каби қалқон чимирилди.  
Бу ғамдан ўк махбублар ғамзаси каби бурчакда  
ўлтирувчи бўлиб ўзини четга олди.  
Камон бу мотамдан ошиқлар қадди каби  
букилиб, халқа бўлди.  
Бу мусибатдан сипоҳнинг қўлу билагини  
титроқ босиб,  
Найза кумушбаданлар қомаги каби буралди ва  
букилди.  
Сиртмоқ унинг фитроқидан узоқ бўлганидан  
буралиб,  
Камар унинг белидан ажраб, ўзига ўралди.  
Унинг ғамида совут бошдан-оёқ кўк бўлди,  
Токи унинг мотамида ҳар бир кўзи билан  
ийғласа ҳам,  
Унинг андухидан ғамли бўлмаган ҳеч бир кўз  
йўк.  
Ғамлик бўлмаган бирор хотирнинг борлиги ҳам  
эсда йўк.  
Бақо ва вужуд гулзоридан этагини ғунчадай  
ийғиб кетди,  
Бирор сабр кўйлаги йўқки, ёқаси йиртилмаган  
бўлса.  
Вужуд денгизининг у покиза гавҳари қўлдан  
кетди,  
Ундай соф дил ва пок замир ҳеч кимда йўк.  
Фалак шишасида абадий май бўлмагандан  
кейин,  
Фано жомидан унинг қомига бир журъа тегса,  
не айб?  
Илму фазл эгаларига қоронғуликлар юз  
беради,  
Идрок ойнаси нур оладиган зот энди йўк.  
Лоларанг рубъи маскун юзини шундай  
туғишганди,  
Унинг фироғидан бошга сочиш учун бир каф  
тупрок йўк.  
Бу гулзордан кетиб жаннат мисол ўринда  
жойлашди,  
Тубий мисол қадди Кавсар лабида жой олди.  
Жаҳон хонининг умри асосига футур етган бўлса  
ҳам,

Қадрининг овозаси қиёматгача тарқалсин.  
Унинг ётган ерида мағфират шамъининг нури  
бўлиб,  
Мазорида жаннатдан бир боғ пайдо бўлсин.  
Жаҳондан беҳуд бўлиб, фирдавс азмини  
қилганда,  
Уни жаннат томонига тортадиган сиртмоқ  
хурнинг қокили бўлсин.  
Унинг футухли руҳининг файзи тирик  
ҳолидагидай,  
Қиёматгача халқдан узилмасин.  
Раббимнинг раҳмат булути унинг қабри устига  
қуювчи бўлиб,  
Пок жони нур дарёсида ғарқ бўлсин.  
Гарчи у абадий қасрларда айш топган бўлса  
ҳам,  
Авлоди умрининг биноси камчилик ва  
нуқсондан холи бўлсин.  
Садаф сингари бўлса ҳам, гавҳарнинг кадри  
ошсин,  
Қутича йўк бўлган бўлса ҳам, марварид кадрли  
бўлсин.  
Яъни у фалак кадрлик, фаришта посбонлик хон,  
Ғозий подғноҳ, мулк фарёдига етувчи  
Абдуллаҳон,  
У шундай зотки, тақдирни ўз фармонида тобе  
топиб,  
Қазо каби давлат ишида у тақдирни имтиҳон  
қилди.  
Шоҳлик суккасини қиладиган вақт келди,  
Жаҳонгир шоҳ лақабларини ўз дилига нақш  
қиладиган вақт келди.  
Муштарий олтинчи фалак минбарида туриб<sup>531</sup>,  
Ҳазрат соҳибқирон номи билан хутбани  
зийнатласин.  
Ўшандай вақт келдики, жаҳон хони қуёш каби  
Машриқдан мағрибга юз қўядиган вақт келди.  
Пайғамбарлар шохининг миллатини Масихога  
ўхшаб янгилайди,  
Охир замон Маҳдийсини иззат аҳлида  
жойлайди.  
Қуёш тўртинчи фалакда ўрнашган вақтда<sup>532</sup>,  
Унинг байроғида иқбол маҳчаси давомлик  
бўлсин.  
Яна Жамшид кадрли, Искандар қудратли,  
Шер юракли Ардашир, олий насаблик  
Кайхусрав.  
Очик фикрлик, адолат қуёши Абдулмўмин  
султон,  
Ҳар сахар унинг бошига юлдузлардан гавҳар  
сочадиган,  
Гарчи у кичик ёшда бўлса ҳам,  
Каттаю кичик подшоҳларнинг ҳаммаси унинг  
оёғига бош қўядилар.

Садафнинг эхсон чўнтаги марваридлардан  
 бўшаб колди,  
 Чунки унинг гавҳар сочувчи булут кўли  
 катраларни ёғдирарди.  
 Унинг замонни забт қилиши шу даражада  
 бўлдики,  
 Шамол унинг буйруғисиз бўстонга киролмади.  
 Агар хайбат осмонга қараб бонг урса,  
 Сомон йўли туялари бир-бирларидан  
 бўйдаларни узадилар.  
 Нахлий қуллар эгаси бўлган подшоҳнинг  
 дуосини қилади,  
 Тангри у тилак берувчи, тилакка етувчи ва  
 икболи бўлсин.

### Наз м:

Жамшид нишонли шоҳ Исқандархон  
 Шариат ва тақвонинг химоячиси эди.  
 Динпаноҳ эдиким, адлининг сайқали  
 Замона ойнаседан занг кетказар эди.  
 Шундай қаҳрамон эдики, унинг сиеватидан  
 Шамол бирор кишининг йўлидан гард  
 кўтаролмади.  
 Адолат уйи унинг томонидан мустахкамланиб,  
 Зулм рахнаси унинг томонидан бекитилди.  
 Фоний оламдан жаннат томонга кетиб,  
 Дилга минглаб ғусса ортди.  
 Афсуски, оқибати саодатли шоҳ  
 Жаҳондан қудс олами томон юз кўйди.  
 Ой бу мотамдан юзини юлиб,  
 Фалак ўз уйини аччиқ қилди.  
 Субҳ бу ғуссадан кўйлагининг ёқасини йиртиб,  
 Шафақ кўзидан қон тусли ёш тўқди.  
 Вафоти учун икки хил таърих бўлсин деб,  
 Қалам шундай бир байт ёзди.  
 «Дарвишлар подшоҳининг вафотидан афсус,  
 Яхши оқибатли шохнинг вафотидан дод».

Шу ўринда анбар хидли қалам хоннинг рас-  
 >ш ва султонлик қонунларидан, саодатли хо-  
 коннинг яхши фазилати ва латиф шамойили-  
 дан баъзисини ёзади. Онҳазратнинг васфлари  
 жуда юқори бўлиб, қалам мингдан бирини ёзиб  
 тамомлаёлмасам ҳам, тарих ёзувчиларнинг қои-  
 даларига мувофиқ фазлу хулқларидан бир оз  
 гаҳрир қилади.

У шундай улуғ хонки, мартабаси юқори-  
 лик ва катталиқда ҳамма тождор шохларнинг  
 ардори эди. Фанлар фазилатида ҳаммага  
 маълум ва таникли бўлиб, салтанат чопони  
 гнинг бўйига муносиб тикилган эди. Ҳамма  
 шаҳарларни адл нури билан ёритиб, таъби-

нинг ўткирлигидан илму фаннинг ҳамма соҳа-  
 лари унга мафтун эди. Зехнининг тезлигидан  
 ғариб ҳақиқатлар ва бадий маънилари баён  
 қилишга қодир эди. У динпаноҳ бир подшоҳ  
 бўлиб, ҳамма халойиқни химоясига олган, шаф-  
 қату марҳамат эшикларини қуйи ва юқори,  
 кучли ва кучсизлар юзига очган эди.

### Маснавий:

Тангри номи билан қасамёд қиламанки,  
 Қандай яхши, у Жамшид тахтлиқ, муборак  
 талъатлик, хуршид бахтлиқ эди.  
 Гарчи суратда замон ҳокони бўлсам ҳам,  
 Агар билсанг маънида жаҳоннинг жони эди.  
 Зоҳид сифатлик, пок динлик,  
 Мужоҳид шевали, яқин эгаси бир шох эди.  
 Зоҳирда<sup>533</sup> тариқат йўлининг танувчиси,  
 Ботинда<sup>534</sup> ҳақиқат сиррини олувчиси эди.  
 Тариқат йўлида тамкин аҳли эди,  
 Ҳақиқат сирларида диннинг муҳйиси эди.  
 Подшоҳлик либосига ўралган холда,  
 Маърифатнинг энг мустахаммасоси эди.  
 Дарвишлиқ маънисининг қамоли унда бўлиб,  
 Оламдаги дарвишларнинг пешвоси эди.

Файзни қабул этувчи хотирининг лавҳаси  
 ва куёш нурли замирининг саҳифаси азалий  
 қаромат ва илҳомий латофат тушадиган жой  
 бўлиб, муборак пешонаси ғайб нурлари тулуғ  
 қиладиган маҳал эди. Ёшлиқ чоғидан оқибат-  
 ни ўйловчи, ақл ёрдами билан йигитлик тако-  
 зоси бўлган нафсоний шаҳватлардан ўзини сақ-  
 лашни лозим билар эди. Юзага чиқиб танил-  
 ганидан то ўлгунича вақтларини тоатдан бош-  
 қа ва ибодатдан ўзга ишга сарф қилмас эди.

### Рубоий:

Эй дил, бу фоний саройида биргина иш бор,  
 Қодир экансан бекор турма,  
 Икки кунлик тириклик деб,  
 Абодий ҳаётни қўлдан берма.

У авлиё ва машойихга этиқод ва ихлос  
 қилиб, Нақшбандиянинг олий силсиласига,  
 Тангри уларнинг руҳларини пок қилсин, их-  
 лос ва ақида боғлар эди. «Бола ота-бобосига  
 ияради»<sup>535</sup> мазмунига мувофиқ, *Субҳоний* баз-  
 мининг надими мавлоно Хожа Аҳмад Косо-  
 нийга, Тангри унинг руҳини хушбўй этсин,  
 мурид бўлди. Ҳамма вақт хотирига Ҳақнинг  
 зикридан бошқа нарсани келтирмаслиги унинг

суратидан кўриниб турар эди. Ҳамма замон ва соат, балки ҳамма вақт ўз нафсини сақлаб, хотирига Тангрининг ёдидан бўлак ҳеч нарса ни олмас эди; доим аҳли илм, машойих ва корилар билан суҳбат қилиб, уларни иззат ва икром қилар эди.

### М а с н а в и й:

Одил дилли, Искандар даргоҳли,  
Ой юзли ва арслон шавкатли шох;  
Тож-тахтга ундай шох келган эмас,  
Бахт авжида ундай ой ҳам бўлган эмас.  
Сурат ва маънининг султони,  
Яъни дунё ва охират шоҳи эди.  
Илоҳий поклик билан муқаддас,  
Инсоний нуқсонлардан четланган,  
Улуғлик кенглигининг кезувчиси,  
Фаришталар майдонининг иш буюрувчиси эди.  
Кудсий тасбиҳчиларининг ҳамдами,  
«Ўз руҳимдан бердим»<sup>536</sup> сирини билувчи эди.  
Тавҳидда<sup>537</sup> замонанинг ягонаси,  
Фано тавҳиднинг мазҳари,  
Шариатшиор, суннатни мустаҳкамловчи,  
Асру асрларнинг пешвоси эди.

Агар сўз чўзилиб кетмаганда, унинг фазлу камоли ва иззату ғурури фахридан бир хар-фига шуруъ қилар эдим, аммо ҳимматим бо-рича таҳрир ва тақрир қилдим.

### М и с р а:

Сўзланган васфлар Кулзумдан<sup>538</sup> бир катра сув  
Уммондан сизиб томган бир томчи кабидир.  
ва

ЖАҲОН МАҲДУМИ ХОЖА КАЛОНХОЖАНИНГ  
ГЕТИСИТОН ХОҚОННИНГ ИСКАНДАРНИШОН ОТАСИ  
ТАЪЗИЯСИГА БОРГАНИ

Искандарасар хоннинг кўрқинчли воқеаси ҳаммага маълум бўлиб, Фарғона фатҳи ҳам ҳамма тарафга таралиб, узоқ ва яқиндагилар-нинг қулоқларига етди. Эрон, Турон, Кобул, Бадахшон, Хуросон ва Мовароуннаҳрдан кат-талар ва ашрофлар подшоҳ даргоҳига юз кел-тирдилар. Олий ҳазрат, юқори мақтовли ва-лийлар натижаси, ҳидоят авжининг қуёши, ва-лоят осмонининг ойи, диннинг солики, яқин мамлакатларнинг молики, ислом нури, сиёдат дарахтининг меваси, аъёнлар кўзининг равшан-

лиги ҳазрат Хожа Калонхожа замони, Танграм уни севсин ва мартабаси замон аҳлининг пе-шонасида бўлсин,

### Н а з м:

Ул зот каландарлар бошлиғи, автодлар  
кўзларининг нури,  
Иршод аҳли унинг зоти билан фахрланувчи.  
Фалак унинг хонақоҳига чироқ ёқувчи бўлиб,  
Фаришта унинг йўли хошокларини  
супурувчилар.  
Осмон унинг хонақоҳидан бир жандапўш  
бўлиб,  
Ҳилол унинг боргоҳидан қулоғига халқа  
таққанлардан эди.  
Жисмонийлар девони сафини синдириб,  
Рухоний ҳурлари ёнида ўтирган,  
Носут саҳифасига қалам тортиб,  
Лохут дафтаридан сабоқ ўқиган.  
Жаҳон унинг кўлида бўла туриб,  
Жаҳондан тасарруфида ҳеч нарса йўқ эди.  
Шу маънидаки, жаҳонда унинг дилидаги ҳеч  
нарса йўқ.  
Икки оламдан четга ўлтириб,  
Икки оламини ўртага қўйган.  
Бухородан бир тўда улуғлар билан боргоҳ  
қуббасига бордилар.

Ҳасанхожа нақибнинг ҳаждан эндигина қайтган катта ўғли Юсуфхожа ва муҳтарам амир Турдикаҳон ва мўътабар амирлардан бў-либ, рўзғор ҳодисалари сабабидан ҳоқоннинг эътибор назаридан тушган кишилар, масалан, улуғ нўён Назарбий ва Сархун оталиқ ҳидоят либосли хожанинг иноят этагида таъзияга юз-ландилар. Жаҳон маҳдумзодасининг боргоҳга етиши хабари онҳазратнинг (Абдуллаҳоннинг) олий қулоғига етиши билан тўхтовсиз Хўжанд-дан, хожа билан учрашмоқ қасдида, отга ми-ниб Уратепа тавобеъидан бўлган Нукрандий мавзеига тушиб, таъзим маросимини жойига қўйди. Ҳазрат хожа ҳам Искандарнишон ва Доро мартабали хон таъзияси расмларини адо қилди. Ҳоқоннинг дили ойнасидаги хафалик зангини ёқимли сўзлар сайқали билан покиза қилиб, фасохат тилини очиб айтди: «Жаноб ҳоқоннинг фалак каби чатри бани одам бош-ларига соясини қиёматгача давом эттирсин; ҳар қандай ўлум бўлган нарсанинг тадориги мум-кин ва ҳар ғойибнинг келиши жоиз, лекин кетган хонни қайтаришдан ҳамма ақл эгалари ва тамоми илму фазлли кишилар ожиз келиб.

тадбирига қазога рози бўлишдан бошқа чора топмадилар ва ирода жиловини қудрат қўлига топширишдан ўзга андишани қилмадилар. • Ҳийлага қодир бўлмадилар ва унга йўл топмадилар»<sup>539</sup>. Онҳазрат у дарёдан зоҳир бўлган жавохирларни кулоққа тақиб олди.

### М и с р а:

Шундай марварид шохларнинг кулоғига  
лойикдир.

Улуғ ҳокон мухтарам хожазода Юсуфхонининг пешонасидан давлат асарларини ва бахт нурларини кўриб, уни тарбият қилиш мақсадида унга киши юбориб тайин қилдики: «Бизнинг мулозаматимизга келмасинлар, биз отанининг таъзияси учун бориб, аҳволини сўзаймиз». Ҳокон ўша куни намози дигарда хожазода манзилига ташриф буюриб, таъзият маросимини адо қилди. Хожазоданинг отаси вафотига афсусланиб айтди: «Ажаллар жиловини Тангрининг тақдири қабзасида ва умрларнинг жнлови унинг иродаси қўлида. Уни афсус ва надомат дафъ қилолмайди. «Тангри хоҳлайдиган нарсасини қилади ва ирода қиладиган нарсасига ҳукм қилади»<sup>540</sup>. Энди муносиби шулки, сабрга чанг уриб, ризо бошини қазо ёқасига тортиш ва сабр этагидан бошқа нарсага оёқ урмаслик лозим». Хожазода онҳазрат ваъзини хуш қулоғи билан эшитиб, мазмунига амал қилди. Таом тортиб ва хатми Қуръон қилгандан сўнг хожазода отасидан қолган нарсаларни ёзиб, одамлар садри Қулбобо кўкалтош волгачилиги билан онҳазрат назарига қўйди. Ҳокон хожазоданинг меҳрибончилигидан, чопқир бир отни олиб, бошқа нарсаларни ўзига берди. Иккинчи куни онҳазратнинг тахтга ўлтириши воқеаси бўлиб, замона унинг табригига тил очди.

ХАЗРАТ СОҲИБҚИРОН ИСКАНДАРИ СОНИЙ  
АБУЛҲОЗИЙ АБДУЛЛАХОННИНГ ХОНЛИК ТАХТИ ВА  
ХОҚОНЛИК МАСНАДИГА ЎЛТИРИБ, ХУТБА ВА  
СУККА СУЛАЙМОНМАКОН ХУСРАВНИНГ НОМИ  
БИЛАН ЗИЙНАТЛАНИШИ

Латифалар билан безалган ва мазмунлар билан тўла эъжоз асарли, Тангри таолонинг «шундай кишиларки, уларни ер юзига жойлаштирадиган намозни барпо қиладилар, закот бера-

дилар, яхши ишга амр қилиб, ёмон ишдан қайтардилар; ишларнинг охири Тангрига махсусдир»<sup>541</sup> каломи мазмуни шуни билдирадики, шариат ишининг тикланиб туриши ва мамлакатдорлик низоми бир қориндан туғилган икки бола қабидир. Ислому раънақи пайғамбарнинг шаръий баракотидан бўлади.

### Ш е ъ р:

Давлатнинг боши шариатдан юқори бўлади,  
Шариат ҳам давлатдан ривож олади.

Мулк боғида дин чашмасидан тароват ҳосил бўлади ва дин чашмаси салтанат қиличининг суви билан жорий бўлади.

### Н а з м:

Мулк боғида саодат ниҳолининг кўкариши  
Шариат чашмасининг сувисиз бўлади, деб  
тамаъ қилма.  
Лекин дин булоғининг ширин суви  
Иқболли шохлар сиёсатининг ёрдамисиз қачон  
оққан?

Подшоҳларга шаръий маслаҳатларни сақлашдан яхшироқ, сифат ва макбулроқ одат йўқ, чунки бу одат иқбол ва интизомнинг доим бўлиб туришига ва диннинг фароғатига сабаб бўлиб, охиратда нажот мевасини беради. Шунинг учун жаҳондорлик мансабида бир соҳибдавлат бўлиши лозимки, фикри шариат байроғини юқори кўтариш, давлат ва иқбол чаманида орзу ниҳоли юқори кўтарилган ва энг яхши меваси маъруф нарсаларга буюриш ва ёмон нарсалардан қайтариш деб билади. Саодат боғчаси шафқат ва иқтидор ариғидан сероб бўлиб яшнаганда, сарфарозлик ҳосили ожизлар оёғидан тиканни суғуриш ва саргашталар ишлари чорасига қиришиш деб ҳисоблайди.

### М а с н а в и й :

Шоҳлик ва олийликдан мақсади —  
Раъийятни севиш ва динпарвар бўлиш.  
Эҳсон билан халқ хотирини шод этиб,  
Адли билан жаҳонни обод қилиш.

Бу ҳикоятни келтиришдан ғараз шули, иккинчи куни Искандарасар шаҳриёр Хўжанд атрофида кўчиб эди, дарё лабида жаннатми-

сол Хавос мавзеида Хожа Калонхожа, унинг масъул, толели юлдузини Тангри саодатли қилсин, хон манзилига ҳозир бўлди. Онҳазрат ул зотнинг кенгашисиз ҳеч бир ишга қадам қўймас эди, шунинг учун ихлос жихатидан хос кишилар билан хусусий мажлис қилди. Хутба ва сукка тўғрисида кенгаш йўлини ўртага ташлади. Хожа ўзининг иноят булутидан шу маънилар жавохирларини ёғдирди: «Чингиз тариқи ва расмида кимнинг ёши каттароқ бўлса, хутба ва суккани ўшанинг номига муқаррар қилиб, салтанат тожини унинг бошига кўядилар. Аммо ҳанафий мазҳабнинг муқтазоси шулки,

#### Н а з м:

Бахтиёрлик тожига муносиб бўлиб,  
Иқболнинг тахтини безовчи

шаҳриёр шундай киши бўлсинки, адолат ва динпарварлик қуёши пешонасидан равшанлик, адолат нури жабҳасидан пугъла бериб турсин.

#### Н а з м:

Шоҳлик тожини шундай кишининг бошига  
кўйсинки,  
Ундан Оллох нури ёғилиб турсин.

Ҳар вақт зафар тиғи Тангри ёрдами билан ярақласа, хотирида яхшиликдан бошқа нарса нақш олмайди ва хилофат тожини бошига қўйса, ханжар суви билан адл дарахтини қўқартиради». Жаҳон ҳожазодаси бу сўзни эшитгандан сўнг, марҳамат қилиб айтдики, «Шу кунларда исломни ривожлантириш ва шарият ҳукмларига қувват бериш мулозимларнинг қаддига мувофиқ қилиб тикилган хилъат ва марваридлар билан зийнат берилган бир тождирки, онҳазратнинг ҳумоюн бошига лойиқдир. Энди муносиброғи шулки, хутбани жаноб ҳокон номига ўқилса, танга ва тиллалар юзига хон ҳазратнинг исми билан зийнат берилса». Ҳазрат ҳожанинг оғзидан шу гавҳар чиққандан сўнг, онҳазрат оёқ устига туриб, тавозеъ юзасидан, бошини қуйи солиб, яна қайтиб ўз жойига ўтирди ва белини онҳазрат ҳаводорлиги билан боғлади. Шу ўртада амирлардан бир гуруҳи ҳазрат хожага арз қилдиларки, буюк ҳоконлар ва олий шаънлик султонларнинг расм равишлари ва қонунлари шулки, ҳар қачон бир давлатмандни подшоҳлик маснадига лойиқ

ва жаҳонпаноҳлик тахтига муносиб кўрсалар, уни бир оқ кигизга ўтқизиб, ўрнидан кўтардилар. Шунинг учун ҳазрат ҳожанинг бисотида бир оқ кигиз бор эдиким, аввалги эгаси ҳажга борганда уни Замзам суви билан ювган эди, ўша кигизни мажлисга олиб келдилар. Онҳазратни ўша оқ кигизга ўтказдилар. Ҳазрат хожа бир гуруҳ арқони давлат, масалан, нақобатли ҳожазода Юсуфхожа, ҳожийи ҳарамайн Турдиқохон, улуғ нўён Назарбий ва иззатли амир Турсунбийлар билан олдинга келиб, онҳазратни подшоҳликка кўтариб жойига қўйдилар ва уни хонлик тахтига лойиқ ва ҳоконлик тожига муносиб деб бўйсунуш бошини унинг фармон хаттига қайтадан қўйдилар. Қўпчилик халқ иттифоқлик билан унга янгидан аҳд паймон қилиб, унга хайрихоҳлик билан белини боғладилар ҳамда хонлик мадҳига тил очдилар.

#### М а с н а в и й :

Эй, қутли шафқатинг боргоҳ зийнати бўлган зот,  
Сенга тахту тож расми ярашади.  
Дилларимиз тамом сенинг фармонингда,  
Ҳамма аҳду паймонингиз остидадир!  
Ҳаммамиз яздонпараст бандамиз,  
Гев ва Гударз ким бўлса-да бандангмиз.

Саодатли хожа, давлатининг овозаси зиёда бўлсин, мажлиснинг табриги учун саховат қўлини енгидан чиқариб, хон бошидан эллик минг хоний нисор сочи ва юз нафар енгил оёқ туя, икки тўққиз<sup>542</sup> думи тугилган ва қўз тегмасин деб бўйнига мунчоқ осилган чопқир отларни подшоҳ назарига тўғри қилди. Шунга ўхшаш арқони давлат ва ҳазрат аъёнлари мажлис расмида бўладиган урфу одат юзасидан нарсалар тақдим этдилар. Тилла, кумушлардан ва бошқа асбобларни ҳам тахт поясига нисор қилдилар ва иттифоқ билан

Тилла ва гавҳарни бошидан сочдилар,  
Ва унинг номини «шоҳи номвар» деб атадилар.

Хон эртасига у жойдан кўчиб, Зоминга қўнди. Ўша кун қорилар пешвоси ва фозиллар зубдаси, неча йилдан бери Бухоронинг олий мажлисида хатиб бўлиб келган Камолуддин кори Иброҳим бир олий хутба иншо қилиб,

шаҳриёр хоннинг исму лақаби билан музайян қилиб эди, даргоҳ муншийси бу маъни суратини ёзиб, атрофу жонибга юборди:

### М а с н а в и й :

Жаҳон атрофига фармон юбориб,  
Хутба асосини янгидан тузди.  
Ҳар томондан саркашлар шоҳ хизматига келиб,  
Олий даргоҳ тупроғига юзларини суртдилар.  
Белини боғлаб, бошни тобелик чизигига қўйиб,  
Фармонга итоат қилиш жойида турдилар.  
Ҳамма олам ихлос билан,  
Хос хилватда дуо қилардиларки,  
Умринг фармон юргизувда,  
Мақсудга етиш билан,  
Подшоҳлик шаъну шуқуҳи билан бўлсин,  
Етти иқлим мулкининг калиди  
Унинг қуллари қўлига таслим бўлсин.

Онҳазрат, яъни

### Н а з м:

Халил дўстлик, Юсуф юзлик, Хизр илҳомлик,  
Муҳаммад оятлик, Исо дамлик ва Мусо  
сўзлик,  
Нурли руҳлик, ақл суратлик, муборак тож  
бошда ярашадиган,  
Либоси танда бўлган холда

шаҳриёрлик тахтига ва жаҳондорлик маснади-га баланд ҳиммат қадамини қўйди. Адлу эҳсонни риоя қилишда сифатини Хотам<sup>543</sup> ва Нуширвондан ўтказди. Адлининг яхшилиги ва раъийятпарварлиги сабабдан еру осмон эмин умонга яқин бўлди. Ҳамма вилоятларда бандалар аҳволнинг экинзори золимлар озорининг тиканларидан эмин бўлди; хосу оммнинг орзу ва умидлари унинг инъом булути қатралари сабабли мақсуд ғунчасини очди.

### Н а з м:

Адли соясида исломни ухлатиб,  
Иқлимга тиғ мавжи билан сув берди.  
Риояни жаҳонга қоровул қилиб,  
Карамни сиёсатга соябон қилди.  
Адл билан динга янги оройиш бериб,  
Яқин аҳлига қўп навозишлар қилди.

Қўл остидагиларга шундай назар ва марҳамати бор эдики, шукрини тилга олиб адо қилиш мумкин эмас эди.

### ОЛИЙ ҲДЗРАТНИНГ ЮСУФХОЖА САЙИД ОТОЙИГА НАКИБЛИК МАНСАБИНИ БЕРГАНИ

Аъло ҳазрат ҳимматининг интихоси шунга боғланган эдики, қобиляти яхши, истеъдоди баланд ва салоҳиятли, «шукр у худогаки, бизни кўп бандаларидан ортиқ қилди»<sup>544</sup> демакка лаёқати бор, мушкул ва дақиқ масалаларда юқорилик даъвосини қилаоладиган кишиларнинг аҳволини риоя қилади. Хусусан, зоти шарифли, пайғамбарларнинг садри, дину дунё хожасига насаби етган бўлса, ҳасаб тўғрисида диний илмларга ва яқиний фанларга комил ва имтиёзлик бўлса, масалан, фозиллар жамъи ва яхши хислатлар эгаси, ёш бўлса ҳам илмларнинг дақиқларини таҳқиқ этувчи, маъқул ва мафҳумларнинг ҳақиқатларига етиш учун тиришувчи жаноб Юсуфхожаки, тараққий меърожининг авжига етган эди, бунинг устига марҳум отаси олий даргоҳига лойиқ хизматларда бўлган эди, шунинг учун ўтмишдаги ҳукмга биноан, «ҳар бир кишининг қилган ишига кўра даражалари бор»<sup>545</sup>, хоқон салтанат ишларидан ва давлат тахтига ўлтиришдан фориғ бўлгандан кейин, ўша Юсуфхожани юқори кадрли нақиблик мансабига кўтарди. У ўзининг пок зехни ва идрокининг қуввати билан бу маъсулиятли ишни бошлаб, ўзининг яхши маошини ўз ўрнига етказса ва ҳиммати-ни баланд қилиб, ҳар бир кишини қобилятига яраша шаръий ишни қилувчи баланд мартабаларга тайин қилсин. Иккинчи кун хоқон Зомин вилоятдан кўчиб, Дизах мавзеига тушди. У манзилда амирзода Муҳаммад Боқибий дўрмонни саодатли биродари Ибодулла султонни чақириш учун Самарқандга жўнатди, чунки муборак хотирга келдики, бу юришларда жаноби киромий биродарини ҳамроҳ қилиб юрмаганидан дилида ғубор пайдо бўлганмикин деб. Шунинг учун Ибодулла султон етиб келгунча Дизахга тўхтади. Ибодулла султон онҳазратнинг талабидан шод бўлиб, Самарқанддан ҳаракат қилиб келди ва қўл ўпиш давлатига етишди. Онҳазрат биродарининг аҳволини суриштирди ва меҳрибончилик изҳор қилиб, оғушига олди. Ўша мажлисда маҳдумзода Хожа Калонхожа ҳам ҳозир эди. У шундай мажлисларга муносиб фойдали сўзларни баён саҳифасига рақам қилиб ва уларнинг кимёсар хотирларига иттиҳод ва муҳаббат мазмунини нақш қилди. Ўша насихат мажлиси та-

мом бўлиб, кутли базм ниҳоясига етди. Он-хазрат биродарига бениҳоят ва бағоят каромат қилиб, Самарқандга қайтишга ижозат берди ва ўзи дорилмулк Бухорога азм жиловини бурди. Муборак байроқ Хумоси қанотини ёзиб, манзил ва марҳалаларни кезар эди. Зафарнишон байроқ лочин қанотини ёзиб, хосу омм бошларига шараф соясини солар эди. Қудум тантанасининг овозаси Кайвон айвонига етди. Ҳамма аҳли ҳол, иззату жалол эгалари манзил баманзил истиқбол қилиб. Шу мақол мазмунини унга етказар эдилар.

### Н а з м:

Келгилки, подшоҳ иқболининг махчасига етди, Динпаноҳ ҳокон келишининг хуш хабари етди. Шавқ тантанасининг овозаси фалакдан ўтди, Башорат нағорасининг даранглаши ой қулоғига етди.

Ниҳоят, ҳокон шаъбон ойининг ўртасида<sup>546</sup> Муштарий саодатдан топадиган толеъ билан Бухоро доруссалтанатига келиб тушди ва янги-дан бахтиёрлик тахти ва давлат маснади онхазрат зоти билан зийнат топди. Саодат нурлари унинг пешонасидан шаҳар атрофига партав берди. Жаноб қозиюл-қуззот қози Нуриддин Муҳаммад онхазратнинг отаси Искандархоннинг футуҳли руҳини хушнуд қилиш учун кўп от, қўй ва қора молларни Хожа Нақшбанд мазорига олиб бориб ош қилди ва онхазратнинг ўзи бошқа куни аркони давлат ва хазрат аёни, акобир, ашроф ва олимлар билан хазрат хожай бузург зиёратига эътиқод боғлаб, аввал валоятпаноҳ даргоҳга бориб, остонасини ўпди. Кейин хожанинг авлодига ва ул жойнинг муқим ва мулозимларига икрому инъомлар қилди. Ундан отасининг мунаввар тупроғи ва муаттар мазорига бориб, тамоми таъзим ва эҳтиром билан зиёрат шароитини бажо келтириб, пешонани тупроққа қўйди. Фақирларга садақалар ва шоҳона бахшишлар бериб, хушнуд қилди. Қироат замзамалари фалакни ўйинга соладиган хушхон қориларни ҳар куни хатми Куръон қилишга тайин қилди. Уларга кечаю кундуз таом етказиб туришга муқаррарий одам қўйди. Ҳокон мазорлар зиёратида бўладиган саодатларни ҳосил қилиб қайтди ва хилофат ва салтанат тахтида ором олди.

Адл бисотини ёзиб, жабру зулмни кўтариб

ташлади, раъийят тарбиятига киришди. Ҳамма ҳимматини тоат ва ибодат, суннат ва мустаҳаб, фарзу вожиблар адосига сарф қилди. Шунинг учун давлатининг офтоби ҳар куни равшанроқ бўлиб, иззату иқбол, азимату жадалининг овозаси ҳаммага тарқалиб туради. У адолат устаси шундай адл иморатларини қуриб турса, унинг замонида рубъи маскуннинг тамомийси обод бўлса, ажиб ва ғариб эмас. Ҳамма олам аҳлига далиллари билан очиқ маълумдирки, фалак даврининг муддатида офтоб ҳеч вақт шундай подшоҳ пешонасига шуъла ташлаган эмас. Осмон остида, рубъи маскунда хилофат маснади ва жалолат тахти бундай шаҳаншоҳга такаюғ бўлган эмас. Тангри таоло шу шахриёр, давлат эгасининг қиёматгача ҳалойиқ бошига соясини ёйиб қўйсин ва салтанатининг қуёшини завол ва сўнишдан омон сақласин.

### Р у б о и й:

Жаҳон ҳамиша ҳокон мақсудига мувофиқ бўлиб,  
Чарх ҳоконнинг йўрға оти бўлсин.  
Оламда бор ҳамма хутба ва сукка,  
То олам бор ва бўлиб турар экан, ҳокон номига бўлсин.

Бу яхши сифатларнинг ва ёқимли хулқларнинг умр узунлигига сабаб бўлишида шаку шубҳа йўқдир. Бу маънига ва «аммо инсонга манфаатли нарса ерда узоқ туради»<sup>547</sup> мазмунидаги оят кифоя қиларди ва вафоли бурхондир.

### Б а й т:

**Манфаат** етказувчи дунёда узоқ замон қолади.  
Унинг давомига бу **бир** оят кифоя қиладиган далилдир.

### НОТИҚЛАРНИНГ ФАСИХРОҒИ ВА МУДАҚҚИҚЛАРНИНГ КОМИЛРОҒИ МУЛЛА МИРЗОЖОННИНГ ХОН МАДРАСАСИГА МУДАРРИС БЎЛИШИНИНГ ВОҚЕАСИ

Ақлий ва нақлий масалалар ва рисоаларнинг муҳаккиқ ва мудаққиқларига равшан бўлса керакки, «қалам ва ёзилган нарсалар билан қасам ичаман»<sup>548</sup> мадрасасининг олими, «сизлар билмайдиган нарсани албатта мен биламан»<sup>549</sup> дарсгўйлигида ва «Тангри исмларнинг



хаммасини оламга ўргатди»<sup>550</sup> таълими билан ер юзининг халифасига оламнинг зийнати бўлган илм хилъатини берди. «Бўл дегач, бўлади»<sup>551</sup> маъкамасининг ҳокими ва «биладиган кишилар билмайдиганлар билан тенгми?»<sup>552</sup> мартабасини тайин қилишда ва «илм берилган кишиларда даражалар бордир»<sup>553</sup> талқини билан олимларнинг бошларини илми яқин тожи билан зийнатлади. Икки олам мударрисининг «бўлган ва бўладиган нарсаларни билдим»<sup>554</sup> деган лафзи унинг маънилариининг комиллигига гувоҳдир ва пайғамбарнинг «бурунгилар ва кейингиларнинг илмини ўргандим» деган ҳадиси ул зотнинг ҳақиқат баёнлигини кўрсатади. «Олимнинг жохилдан ортиқлиги тўлган ойнинг юлдузлардан ортиқлиги кабидир» деган ҳадис унинг ҳикмат мартабасининг олийлигига равшан далилдир. Ҳеч шаку шубҳа йўқки, «Мулк бир жисмдир ва дин унинг аъзоси»<sup>555</sup> деган калиманинг мафҳумига қараганда, мамлакатдорликнинг биноси дини ислом устунисиз мустаҳкам бўлмайди. Бу маънини ҳосил қилиш ва вужудга чиқариш олимларни тарбиялаш ва фозилларга ёрдам бериш билан >гуяссар бўлади. Олимлар табақасини сийлаш ва яхши кўриш Тангрининг розилигига сабаб бўлади. Бу сўзларни таъкидлашдан мақсад шу: у фазлу ҳикматларнинг жомеъи, таҳқиқ ва тадқиқ маслагининг солики мавлоно Мирзожон Шерозийки, донишворлик мажлисининг чироғи «киши ҳиммати қаноти билан учади»<sup>556</sup> мафҳумига мувофиқ, ҳамма ҳимматини фазл тўплашга сарф қилиб, илмлар ҳақиқатини ҳосил қилишга яхши саъй-ҳаракат қилган; фатонат ва фикрат қалами билан ҳикмат илмларининг ноаниқликларини ва рамзларини зоҳир қилган. Унинг донишворлигига ҳар қайси фанда тасниф қилган китоблари далолат беради. У даставвал Шероз томонидан Балх вилоятига келди ва Қулбобо кўчалтош воситачилиги билан онҳазратга учрашди. Ўша мажлисда аъло ҳазрат уни эъзозу икром қилиб, Бухоро томонга юборди ва ўзининг олий мадрасасига мударрис қилиш хабари билан хушнуд этди. Бухорога келгандан бери Мовароуннаҳр олимлари билан унинг ўртасида мубоҳаса ва мунозаралар бўлмади. Ҳамманинг хотирида бу олим билан бошқа олимлар ўрталарида илмий мубоҳасалар бўлиб, мавлавий Мирзожоннинг аҳволи очиқ маълум бўлса, деган фикр оғизларда сўзланар эди. Буни хос мажлисда аъло ҳаз-

ратнинг қулоғига етқиздилар. Бу воқеа уни мударрис қилиш ваъдасига қўшилди ва онҳазратнинг дилига мавлавийни ўзининг янги мадрасасига мударрис қилиш хаёли тушди. Шунинг учун буюрди: «Уламо «Фатх» сурасини»<sup>557</sup> мутолаа қилиб ва тайёрланиб мажлисга келсинлар». Мирсайид Шариф Журжоний<sup>558</sup> мулла Саъдуддин Тафтазоний<sup>559</sup> билан қилган мунозарасида Тафтазонийдан бошқа кишининг мунозарасига аралашмаслигини талаб қилганидай, мулла Мирзожон ҳам мунозарага тайин қилинган кишилардан бошқанинг дахл қилмаслигини талаб қилди. Шунинг учун онҳазрат олимлар орасида жаноби Низомиддин амир Садриддин Муҳаммаднинг сайидлиги устига «Унга қошимиздаги илмдан ўргатдик»<sup>560</sup> хилъати билан ораста бўлиб, ҳамма фан ва жамий илмда ҳаммага мусаллам ва ҳамма яхши сифатларнинг эгаси бўлган кишини имтиёз шарафи билан сарфароз қилиб айтди: «Мазкур амир мубоҳаса вақтида мунозарага кирсин ва мавлавий келтирган ҳар бир уқдани диққат қилиб фатонат калиди билан очиб берсин». Ўша мажлиснинг қозилигини ва иккаласининг ўртасида бўлган мубоҳасани ажратиш усул ва фуруъ ходиси, ҳамма аклий ва нақлий илмлар жомеъи жаноб ҳазрат мавлоно Мирий Косагаронийга топширилди. Жума куни ҳокон Бухоронинг энг олий буқъаларидан бўлиб, тароватда жаннат гулшанини ва баландликда Кайвон айвонини эслатадиган олий мадрасасида аркони давлатдан ва ҳазрат аъёнидан бир гуруҳ билан, хусусан, хожазода Юсуфхожа нақиб, онҳазрат даргоҳида баланд даража ва мартабали ҳазрати олий насаб, шариатнисор ва ҳақиқатасар, миллатнинг низоми қози Ихтиёр, ва «Тангри сизни шакллантирди ва чиройли қилиб тузди»<sup>561</sup> мавҳумига мувофиқ, абдоъ мусаввири, қудрат қалами билан тасвир қилган жаноби садрул-аном Қулбобо кўчалтош, «одам болаларини мукаррам қилдик»<sup>562</sup> мафҳумига мувофиқ камол васфларининг ҳаммасига мазҳар бўлиб, Жонқулибийки, ёшлигидан доимо ҳоконлар ва султонлар хизматида кун ўтказган, хусусан, онҳазратнинг фалакиштибоҳ даргоҳида ўсган, ихтиёр ва эътиборга эга бўлиши устига «Тангри байт ул-ҳаром Каъбани инсонларга қиём ва мадор қилди»<sup>563</sup> нидосини эшитиб, йўлга тушган ва «унга кирган киши қутулди»<sup>564</sup> ва «қўрқишларидан кейин Тангри уларга аҳамият беради»<sup>565</sup>

сифатлари билан тавсиф қилинган хона зиёрати билан мушарраф бўлган жаноб амир Жонкулибий, аҳли илм суҳбатларини дўст тутувчи амир Кучак ўғлон, хожалар зубдаси Хожа Муҳаммад Исломхожа Жўйборийнинг инобат халқасига муридлик бошини киргизган хожиюлхарамайн нўён Турдиқохон, эскидан кушбегилик мансабини эгаллаб келган, хон ҳазратга манзур жаноб, рифъатли ва ҳашаматли амир Фатхуллалар ҳозир бўлдилар. Фасоҳат ва балоғат эгалари бўлган олимлардан тубанда номлари кўрсатилганлар муносиб ўринларга ўтирдилар: масалан, олимлар зубдаси ва фозиллар хулосаси нажобатпаноҳ Хожа Хурд Азизон, илм ва иши билан танилган жаноб фақиҳ, миллат ва дин нури мавлоно Поянда охунд, ақлий ва нақлий илмларнинг ҳаммасига мохир, хусусан, ҳадис, усул ва калом илмида<sup>566</sup> баланд қўлли жаноби муаззам мавлоно маҳдум имом ва мусулмонлар кўёши Кувомиддин, мавлоно Мир Охунд, олий мартабали ҳазрат, қудсий манзалаат уламо ва фусаҳо етакчиси, комилларни такмил қилувчи, ҳасаб ва насаб эгаси, дин нури Хожа Муҳаммад Тохир ва истеъдодли кишилардан яна бир тўдаки, онҳазрат тарбияти билан балоғат ютуғига эга бўлганлар, хусусан, олий ҳимматли хожазода Хожа Хурд ҳазрати қози ўғли, агар ёш бўлса ҳам, фазилат майдонининг отлиғи эди, жаноб фазилатмаоб Хожа Муҳаммад Тохир Лайлакийки, насаби таҳқиқ бўйича Абубакр Сиддикқа<sup>567</sup> уланади ва заковат ва фатонат қонунларининг тайинловчиси, хаёл ва диққат биносининг қурувчиси, фазилат ва хулқ китобининг қотиби, ақлий ва нақлий маънилларнинг олими мулла Темур, пайғамбар авлодининг етуқларидан, тўғрилиқ йўлининг муршиди Мир Абдулбоқи, Абузиё ва Абуризо исмлари билан номланган яна фасоҳат ва балоғат осмонининг кўёши мавлоно Абдулхайким, сўзлари сариҳ оятларга<sup>568</sup> ва саҳиҳ ривоятларга мувофиқ бўлиб, тафсир ва ҳадис қийинликларини очишда тенгқурлари орасида мумтоз эди, илму фазл камолининг марказида замонанинг яғонаси, ҳаммага машхур Мир Зулфиқор, улуғлар хулосаси, суварий ва маънавий ҳақиқатлар жомеъи хожазода Хожа Абулқосим Мехнавий, камол осмонининг юлдузи, шаъну шараф эгаси Абулбақоқи, идрокли зехни хикмат тарозусида комил ҳисобни олган эди, мажлисга тўпландилар.

Қисса шулки, мунозара мажлиси очилди. Мажлисга йирик олимлар ва фозиллар келиб, ўзларига лойиқ жойда ўтирдилар. Жаноб мавлавий Мирзожон қоида ва одат бўйича ўз жойидан олдинга келиб ўтирди. Сўзлашишга тил очиб мунозара учун мувоҳаса белини боғлади. Муколама тахрирининг араб тили билан бўлиши мувофиқроқ бўлса ҳам тушуниш енгилроқ бўлсин учун форсий иборат билан тасвирланди. Мавлавий «Фатҳ» сурасининг биринчи ояти<sup>69</sup> таржимасидан сўз очди. Бу фақир ва икки фасоҳатли сўзамолларнинг Мирзожон ва амир Садриддинларнинг сўзлари мазмунини адо қилишида қанча камчилик қилса ҳам ва баён қилишда тил қанча қосир бўлса ҳам, тахрир суратини айём саҳифасига ёздим: «Улуғ ва карамлик Тангрининг номи билан, биз сенга зохир фатҳни ҳукм қилдик»<sup>570</sup>. Таҳқиқ арбобининг замирларига ва таҳқиқ асбобининг хотирларига махфий қолмасинки, аҳли хабар китобларида ёзилган сўзга биноан, ҳазрат пайғамбар, унга энг яхши салават ва тўлиқ саломлар бўлсин, Макка фатҳидан<sup>171</sup> икки йил бурун тушида кўрган воқеаси сияр имомлари ва хабар аҳллариининг китобларида ёзилгандир. Мадинаи мукаррамдан Маккаи муаззамга эҳром боғлади, зот ва роҳилани мухайё қилиб, «Қусво» исмли туясига минди. Маккага яқин Худайбия исмли қудуқ бор жойда мушриклар билан пайғамбар ўртасида сулҳ бўлди. Пайғамбар ўша жойдан Мадинага қайтди. Саҳобалар туши воқеасига назаран шу йил Макканинг фатҳи муяссар бўлади, деб гумон қилар эдилар. Лекин у сурат юз кўрсатмади. Тангри таоло ислом аҳлининг хотир паришонликлари жихатидан «Фатҳ» сурасини пайғамбарга, унга салоту салом бўлсин, юборди. У мусоҳала ва воқеанинг тафсили ва кайфияти катта китобларда ёзилган ва тилларда мазкурдир. Тўла дириятли имомларнинг сўзларига қараганда, оятнинг таржимаси шундай бўлади: «Албатта, биз сен учун ҳаммага равшан фатҳни ато қилдик». «Мубийн» лафзи «абона»дан олинган бўлса, «фатҳ»ни зохир деб сифатлаш, ё фатҳнинг ўзини зохирлигига кўра бўлиб, тақдирда тавсиф ҳақиқий бўлади. Ёки фатҳни зохир деб сифатлаш, фатҳнинг диннинг зохир ва яқин мартабасининг юқори бўлишига сабаб ва боислиги жихатидан бўлиб, бу тақдирда тавсиф мажозий бўлади. Гоҳо «мубийн» лафзи мутааддий (ўтимли)

«абона»дан бўлиб, бунда изҳор маънисиди келлади. Нахвий таркибга кўра «мубийн», ё «фатҳ»нинг сифати бўлади, ёки «фатаҳно»нинг фойлидан холи бўлади. Яъни «ҳақ динни равшан қилувчи бўлганимиз ҳолда очдик». «Муснадун илайх» бўлган «инно»нинг такдими, ё таҳсис ифодаси учундир. Бу ихтисоснинг фойдаси ё фатҳда ҳақдан бошқа, масалан, куруллар, сипоҳлар ва бошқаларни мустақил деб билган кишиларнинг радди учундир. Бу хил таҳсисни истилоҳда «қасри қалб» дейдилар. Бу тақдирда оятнинг маъниси бундай бўлади: «Биз фатҳ қилдик, бошқа эмас». Ёки, ихтисоснинг фойдаси фатҳда бошқаларни Тангрига шерик ва ҳамкор қилувчиларнинг радди учундир. Бундай таҳсисни «қасри ифрод» дейдилар. Бу вақтда оятнинг маъниси «бошқаларнинг иштирокисиз танҳо ўзимиз очдик», бўлади. Агар айтсаларки, «*Мухотаб*» оятда ҳазрати расулдир, фатҳда ҳақдан бошқанинг мустақил, ё шерик бўлишининг ваҳми нима билан изоҳ қилинади?» Бундай жавоб бериш мумкин: хитоб пайғамбарга бўлса ҳам мақсуд унинг суҳбатдошларига ва мункирларга эшиттиришдир. Ёки «муснадун илайх»ни тақдим қилиш ҳукмини қувватлаш учундир. Бу тақдирда ҳам айтилсаки, ҳукмини қувватлаш шаклланувчи тингловчига, ёки ҳукмга инкор қилувчига нисбатан бўлади-ю, ҳукмини қувватли ва таъкидли қилишнинг сабаби нима? Жавоб бундай бўлади: Ҳукмини қувватлашга ва мустаҳкамлашга боис бўладиган шак ва инкор муҳбирнинг хабар беришидан кейин бўлмай, илгари бўлган бўлади. Демак, Оллоҳ таоло, азза ва жалла, фатҳни хабар беришдан илгари халқда фатҳ ҳақида иккиланиш вужудга келган бўлади. Шунини йўқотиш учун ҳукмини қувватлаган ва таъкидлаган бўлади. Зеро, сўзловчи бу каломда Тангридир. Унинг сўзи ва ҳукмида иккиланиш йўқдир. Эшитувчида хабар беришдан илгари иккиланиш бўлса ҳам, хабар бергандан кейин у иккиланиш таъкидсиз хабарнинг ўзи билан йўқ бўлади-ку, энди не вужуддан хабарни қувватланади ва таъкидланади дейилса, жавоб қиламиз: бу ерда ҳам таъкиддан мақсуд бошқаларга эшиттиришдир. Ёки таъкид эшитувчиларнинг ҳоллари хабар беришдан илгари зоҳир бўлгани учун, ёки ҳукмга эҳтимом бериш учундир.

Ва сийратли нуктадонларга махфий эмаски, Ҳақ таоло, «инно фатаҳно» ояти билан

хабар берган фатҳ ҳозир эҳтимолга кўра Макка фатҳи эди. У фатҳ оят яратилишидан икки йил кейин воқеъ бўлди. Келгуси замонда бўладиган фатҳдан ўтган замон лафзи билан таъбир қилиш бир нуктага муҳтож бўлади. Бу таъбирнинг важҳи музориъ маънисининг мозий маъниси сингари аниқ ва муқаррар собит бўлишидан келгандир. Тангри хабар берган музориъ ҳақиқатдан собит бўлишда мозий маънисига ўхшайди. Мақсуд шулки, шаксиз собит бўлган мозий маъниси каби Ҳақ хабар берган музориъ маъниси аниқ собит бўлажакдир. Орадаги мана шу ўхшашлик муносабати билан собит бўлишда муболағани ва хабар берувчининг улуғлигини ифода қилиш учун «мозий» лафзини «музориъ» маънисиди истеъмол қилдилар. Бу ерда фаҳмландики, бундай хабар берувчининг назарида келгуси ва ўтган ҳукмнинг фарқи йўқдир. Яна бу эҳтимол ҳам борки, у маънининг келгусиди муҳаққақ воқеъ бўлишига кўра унга мозий ҳукм берилиб, мозий эътибор қилинган бўлса, бу ҳолда мозий лафзни худди мозий маънида ишлатилган бўлади. Киноя баҳсиди шундай очиқ айтилган.

Араб фанларини текширувчиларга махфий эмаски, музориъ маънидан лафз билан таъбир қилиш мажоз бўлади. Бу ҳолда таҳаққуқда ўхшашлик алоқаси мавжуд бўлганидан истиора сурати юз кўрсатади. Алоқаси ўхшашлик бўлган мажозни «истиора» деб юритадилар. Алоқаси ўхшашлик бўлмаса, «мажози мурсал» деб танидилар. Бу «Мутаввал» номлик<sup>572</sup> китобда ёзилгандир.

Арабшунослар феълдаги ва феълдан олинган нарсалардаги мажозларни истиорадан ташқари бўлмайди, деганлар. Бундай чегаралаш қаноат бермайди, чунки булардаги алоқа ўхшашликдан бошқа бўлиши мумкин. Истиорани «истиораи аслия» ва «истиораи табаййя» номлари билан чегаралаб, шу икки хилдан ташқари бўлмайди, деганлар. Яна феълдаги ва феълдан олинганлардаги истиорани «истиораи табаййя» деганлар. «Истиораи аслия»да айтдиларки, сўзловчи бирини «мушаббах»<sup>573</sup> ва яна бирини «мушаббихун бих»<sup>574</sup> деб ҳукм қилиш учун мустақил равишда маъний фаҳмланиши керак. Бундай бўлмаса, «мушаббах» билан «мушаббихун бих»ларни айриб бўлмайди. Феъл ва феълдан олинганлар мафҳумларида нисбатан англашилганлик жиҳатидан мустақил деб ҳисобланмайдилар. Феълнинг ўз

мавзуидан ташқари истеъмолини кўриб, заруратан феълдан олинганларда табаийят йўли билан истиорага қойил бўлдилар. Шундай қилиб «истиораи табаийя» ни эътибор қилдилар. Гўё сўзловчи бир масдар маънисини бошқа бир масдар маънисига ўхшатиб «мушаббахун бих» масдар лафзини мушаббах масдар маънисидан истеъмол қилган, ундан кейин мушаббах маънида бўлган масдардан феъл чиқарган, масалан, «қатала» феъли мозийсини «зараба зарбан шадидан» маънисидан истеъмол қиладилар. Мана шу хилда музорий мозий лафз билан таъбир қилишни баъзи муҳаққиқлар «истиораи табаийя» деганлар. Шу тариқада гўё сўзловчи келгусидаги фатҳни таҳаққуқдан ўтган замондаги фатҳга ташбиҳ қилган. Бундан «яфтаху музорий» маънисини «фатаҳа мозий» маънисидан ташбиҳ қилиш лозим. Ундан кейин «фатаҳа мозий» лафзини «яфтаху музорий» маънисидан истеъмол қилинган бўлади. Ташбиҳни аввал икки феълдан қилинмасдан икки масдарий маъниларида, яъни ўтган замон вақиласи замон фатҳларида қилинган табаийят билан иккала феъл маъниларида ҳам ташбеҳ воқеъ бўлди».

Аммо жаноб мавлавий Мирзожон Шерозий айтадики, «Замоннинг феъл маънисига жузъий бўлишини эътибор қилиш билан «истиораи табаийя» ни қўллаш мумкин. У ваҳжда эмаски, мозий лафзи мустақбил маънига истеъмол қилинган бўлса. Балки бу тариқадаки, келажак замонни мозий замонга ташбиҳ қиламиз. Икки тарафда «умури нафсул-амрия» муҳаққақдир. Шу жиҳатдан мозийга далолат қиладиган лафзни келажак замон маънисидан истеъмол қиламиз. Жаноб Мир Садриддин жавобда шундай деди: «Истиора танҳо замонга далолат қилувчининг эътибори билан дуруст эмас, чунки замонга далолат қилувчи ҳайъатдир. Ҳайъат эса калима эмас. Истиора калимада бўлади, чунки истиора олимлари истиорани шундай таъриф қилганлар: истиора ўзининг мавзу лаҳу ваъзи маънисидан бошқа маънига мушоҳаббат алоқаси сабабли истеъмол қилинган калимадир». Жаноб мавлавий Мирзожон шундай деди: «Олимларнинг эътиборларида кўрдикки, мутлақ ҳадасни бошқа бир мутлақ ҳадасга ташбиҳ қилганлар ва «мушаббахун бих» ҳадасга далолат қиладиган лафзни мушаббахга

истеъмол қилганлар. Шундай бўлса, бу ерда ҳам келаси замонни ўтган замонга ташбиҳ қилсак, «мим», «алиф», «зод» ва «ё» харфларидан мураккаб бўлган мозий лафзини мустақил маънига истеъмол қиламиз ва унинг табаийяти билан феъли мозийни музорий маънисидан истеъмол қилсак ғариб бўлмайди». Ҳазрат Мир Садриддин яна айтди: «Олимлар «мушаббахун бих» бўлган ҳадас лафзини мушаббах ҳадасга истеъмол қилганлар ва мушаббахга истеъмол қилинган ҳадас лафздан феъли иштиқоқ қилганлар. Физзарурат ўша мушаббахнинг маънисики, масдарнинг лафзи унга истеъмол қилинган эди, феълда малҳуз бўлади. Феълнинг моддаси ўша масдарнинг ўзи бўлганидан, унинг табаийяти билан феълдан истиора ҳосил бўлади-ю, лекин ҳар вақтки, «мим», «алиф», «зод» ва «ё» харфларидан мураккаб бўлган мозий калимада истиора ҳосил бўлса, мустақбил калиманинг маънисига қиёсан қандай таъсир қилади, токи унинг табаийяти сабабли мозий феълдан истиора ҳосил бўлса».

Агар у икки йирик олимнинг музокараларини тўлиғича ёзилса, қисса чўзилиб кетади. Бу китоб бундан ортикни ёзишга йўл бермайди. Шунинг учун мазкур мувоҳасани хулоса ва у маънилари ҳолатда мўъжаз иборалар билан муҳтасар қилинди. Бу маҳаснинг тарих китобига муносабати бўлмаса ҳам, бу мунозара хутба ва сукка ҳоконнинг мувоҳарак номи билан зийнатланган йилда воқеъ бўлгани учун бу китобда сурати кўрсатилди. Биринчи мақола тамом бўлган эди<sup>575</sup>; эҳтимомини шу мувоҳаса билан бўлишини муносиб кўрилди.

## М и с р а:

Сўзни чиройли хотима билан тамомлаш  
яхшидир.

Алқисса, мажлис охирига етди. Музокаралар тамом бўлди. Хонсолорлар турли таомлар ва ҳар хил меваларни ўша мажлисда ҳисобдан ташқари тортдилар. Аҳли илм ва талабалар зўр баҳрамандликка етишдилар. Таом ейилгандан кейин у муҳтарам тоифани яхши саруполар ва кўп инъомлар ва шамол каби юридиган отлар билан сарфароз қилдилар.





(ИККИНЧИ МАҚОЛА\*)

**ХАТЛОН ВИЛОЯТИ, БАДАХШОН МАМЛАКАТИНИНГ  
ВОЛИЙСИ ШОҲРУХ СУЛТОНДАН БИРМУНЧА  
АДАБСИЗЛИК ИШЛАР СОДИР БЎЛГАНЛИГИ САБАБЛИ  
ХАТЛОН ВИЛОЯТИ, БАДАХШОН МАМЛАКАТИ ХАМДА  
У ЖОЙЛАРДАГИ ҚАЛЪАЛАРНИ ОЛИШ ҚАСДИДА  
СОҲИБҚИРОН ҲОҚОННИНГ ЎША ТОМОНГА ЮРИШИ  
БАЁНИДА**

Ақлли зотларнинг нуроний кўнгилларига равшан, фазилатли шахсларнинг нуқтадон дилларига ошкор бўлсинки, бу подшоҳ шундай подшоҳдирки, бутун вужуди, пок қалби порлок, дин ва нурли миллатга қувват бериши билан мақталади. Айниқса, у бор ҳимматини мамлакатининг ободонлигига сарф этади, халқларнинг фаровонлигини сақлашни доим кўзда тутиб, унга эътибор беради.

Б а й т:

Кўнгли халқ тинчлигининг ташналарига ҳаёт  
сувидир,  
Ҳиммати эса жаҳон ободонлиги Хусравига  
Шириндир.

У барча ҳолатда, кеча-кундузда ҳаракатланиши, ором олишда ва юриш-туришда ёмонлик алангасини сўндириш, бузукчилик шуъласини ўчириш, зулм бедод асарини йўйиб юбориш ўз мақсадига қибла бўлиб, ҳимматига йўналма қилишидан бошқа талабни қилмайди.


\* Ҳу ердан Юнусжон Ҳакимжонов таржима қилган айрим ўзига хосликларга эга қисм бошланади. — *Муҳаррир.*

«Кимда-ким Тангри учун бўлса, Тангри унинг учун бўлади», деган ҳадис иқтизосича, улуғ талаблари, зўр хожатларида ҳар бир мақсаднинг нақши кўнгил лавҳасига, қуёшдек нуроний хотири ойнасига тушса, илоҳий фазилат файзи интиҳосиз саодат бахшиши билан ҳосил бўлиши шубҳасиздир. Унинг жаҳонни олувчи кўшини агар юришни қасд қилса зафар, иқболнинг суръатлик пешвозчиси дарҳол уни қарши олади. Жаҳон кезиш мақсади билан кўзғолиб ҳаракат келса, осмоний қувват унинг умид орзу эшигини унинг юзига очмай туролмайди.

М а с н а в и й :

Кимда-ким унга душманлик кўрсатса,  
Замони унинг ўлимдан бошқа нарса билан  
қарши олмайди.  
Кимда-ким унинг ҳукмидан бош тортса,  
Давроннинг қўли оёқдан йиқитади.

Бу ҳикоятни ёзишдан ва бу ривоятни сўзлашдан ғараз узоқ вақтдан бери чўзилиб келётган ур-сур, яъни Сулаймоншоҳнинг ўғли Иброҳим мирзо ва унинг ўғли Шохрух мирзо







мамлакатнинг ҳамма томонида жаҳон ҳоконининг муборак номига пул зарб қилиниб, хут-5580 ўқ<sub>илди</sub>. Мовароуннаҳр, Фарғона шаҳарларининг тамомийси Мўғулистон<sup>81</sup>, Тошканд ва Туркистонгача, ундан то Дашти Қипчоқ интиҳосигача ва бу жойлардан бошқа ерларнинг ҳаммаси подшоҳ хазратнинг мамлакатдорлик тадбири учун қўйган кишиларнинг тасхири ихотаси, тасарруфи чангалида қарор топди.

Ҳар бир томондаги замондош ҳокимлар ва нуфузли подшоҳлар кетма-кет бўйсунуш таклифига «лаббай!» деб жавоб қилдилар, ҳожатлар Каъбаси, мақсадлар қибласининг эҳромини боғладилар. Олий пойтахти остонасига ҳозир бўлиб, икки жаҳон саодатининг ҳосил бўлишига сабаб ва нафсоний истакларига етишга васила бўлган подшоҳнинг пок зоти, нуроний унсурунинг хизматига эришиш давлатини қидириб, истаб келдилар.

#### Н а з м:

Жаҳон ахволи абадий равнак топди,  
Фалак эса саргардонлик одатини бошидан  
чикарди.

Бирмунча кун хотиржамлик билан истирокат ястуғига бош қўймасдан илгари, юкорида айтиб ўтилган сабаблар билан, Бадахшон томонига юриш қасди улуғ ҳоконнинг олий ва шарафли кўнгилларидан бош кўтарди. Энг мақбул одатлардан бўлган кенгашга риоя қилиб, кенгашув ва маслаҳатлашувнинг гўзал йўли билан унинг фалак итоатли, қуёш шуълали фармони ижро этилиши шарафини топди. Миррих савлатли тавочилар, йўлбарс сифатли ясовуллар мамлакатнинг ҳар тарафига, «Вилоятнинг ҳамма атрофига таралиб кетган зафарнишон сипоҳийлар ва аскарларнинг ҳаммасига! Баҳорнинг аввалида Бадахшонга юришга тайёргарлик кўрилади», деб жар солдилар. «Аскарларнинг тўпланадиган жойи Насаф<sup>82</sup> вилояти, кучу қувватлари етгунча зўр бериб ҳаракатга тушишлари лозим. Баҳона кўрсатишни жоиз демасунлар», деб буюрдилар. Шу пайт Бадахшондан, Шох Ҳасан мирзо ҳузуридан, Термизнинг олий насаб сайидларидан сайидлар хулосаси Шох Ҳасан нодир тухфалар, қимматли совғалар билан остона упиш шарафини топишга шошилди. Қутблар қутби, валийликларга мансуб, ўз даврининг

пушту паноҳи, хосу оммнинг мурожаатгоҳи, сайидлар фаҳри, иззат саодат манбаи, улуғлик, мансабдорлик нишонини баланд кўтарувчи, бахту иқболга боис бўлган ахлоқларни ўзига йиғувчи, жаҳон машойихларининг натижаси, авлиёлик мансабига муносиб ва меросхўрликка лойиқ,

#### Қ и т ъ а:

У валийлик пойтахтининг султонидир,  
Остонаси Каъбадек одам авлодига қибладир,

замона авлиёларида бор бўлган ҳар бир фазилатнинг кўпроқ хиссаси ул хазратда борлигига ҳамма таслим қилади, бу зот эса дину дунё, обрўли ислом миллатининг низоми Хожа Саъдуддин Хожа Калонхожадир<sup>83</sup>, бу кишининг иззату саодати давомли бўлсин, бу зотнинг воситаси билан Шох Ҳасан қўл ўпиш шарафини топди; ром бўлиш, итоат қилиш аломатини ўз ичига олган тавба, надомат билан тўлган аризасини ҳам олиб келди. Муборак палоси четини ўпиб, олиб келган аризасини унинг арзига етказди. Подшоҳ<sup>84</sup> хазрат элчининг Шохрух мирзонинг макру фирибидан хабар берган ва макру хийлага асосланган ҳикояларига эътибор берса-да, Бадахшон вилояти томонига қайтишига ижозат берди. Лекин ноумид қилиб зиёнкорлик билан жўнатди. Хоконнинг ўзи чаманнинг нозикандом гўзал сабзалари ва лолаю настарин каби гулчехралари совуқ лашкари ғоратидан бош кўтариб барг ёзмасдан илгари,

#### М а с н а в и й:

Лола юзини ажин босиб,  
Сув ойнаси эса гўё темирдан ясалган эди,

подшоҳ ўзининг одати бўйича бор химматини улуғ машойихлар арвоҳидан файз олишга, тамомий нияти юзасидан халқ акобирларидан ёрдам сўрашга қўйганлигидан, аввал бошлаб улуғ имом Абубакр Саъднинг, Тангри қалбини пок қилсин, нурли қабри, хушбўй машҳади томонига юрди. У муқаддас жойнинг жўш урган нури таъсирини кўриш, у баракотли зиёратгоҳнинг зиёратини адо қилиш бахтини топиш билан файз топди, саодатга эришди. Турли муродлар, хилма-хил саодатларни ҳосил

килгач, у ердан кайтиб келиб, иккинчи куни нақшбандийлар султони, хожатмандлар қибласи, муножот килувчиларнинг файз асарли зиёратгоҳи ва Каъбаси, яъни Хожа Баҳоул-хақ вал-хақиқат вад-дин Муҳаммад Нақшбанд мазорига борди. Баланд даражадаги ихлоси, комил этикоди, холис нияти билан ёлвориш пешонасини ожизлик ерига сурди. Муножот пайтида корсоз, банданавоз даргоҳда ул хазратнинг пурфутуҳ руҳини васила қилиб, хожатини арз қилди, фатху зафар топиш, душман устидан ғалаба қазониш, яхши кунларга еткизишни сўради. Дуоси ижобат, муддаоси хосил бўлиб, муроду мақсадига, истаган матлабига етиб қайтди. Зиёратгоҳдан қайтгач, иккинчи куни, муҳаррам ойининг олтинчисид<sup>585</sup>, жума куни, хижрий йилнинг тўққиз юз тўқсон иккинчи йили, у сичқон йилига мувофик эди, Насаф томонга юришни ирода қилди. Хожа Саъдуддин Абу Саъд, ул зот ўз номидек доимо саодатли, бахтли бўлсин, ҳамроҳ сифатида Хожа Даргир, ул кишига Тангрининг раҳмати, ризоси бўлсин, баракотбахш мазорларигача хонга ҳамроҳ бўлиб бориб, от устида туриб таъсирли фотиҳаларини подшоҳнинг пок қўнғилларига ишорат йўли билан Тангри инояти уфқ бурчагидан фатху нусрат муқаддимасининг зоҳир бўлишидан умидвор қилди. Тамом қувват, сўзсиз башорат билан иззатли, улуғ хонни қувватлантириб умидини мустаҳкам қилиб, қўнғилини кўтарди. Соҳибкирон хон хазрат Тангри лутфига таваккал қилиб, фалак савлатли сипоҳлари, тоғ шавкатидан зўр, кўпликда юлдуздан кўп, унчамунча деб тахмин қилишдан ортиқ аскар билан йўлга тушди. Уларнинг ҳар бири баходирлик, зўравонлик тўқайининг йўлбарси, шижоат, ботирлик дарёсининг наханги эдилар, мардлик, мардоналик кўрсатиш пайтида ўткирлик, донишмандлик замонида, жангу жадал майдонида олтин рикобли ойдан етти осмон супрасининг бодипаймоси куёшдан мусобақа нисорини оларди. Жанг ўтини ёқишда, ҳарб ўтини тезлатишда Миррих қалбини қуйдирарди,

#### М а с н а в и й :

Ғазабга ўчманд, интикомчи сипоҳлари,  
Дилрабо махбубларнинг қон тўқувчи ғамзаси  
тусини оларди,

Уларнинг ҳар бири кина сақлаш дарёсида  
наханг,  
Мардоналик тоғида бир йўлбарс эдилар,

тартиб сақлаш, интизом кўрсатиш, сафни безашда комил эдилар. Араб, Ажам<sup>586</sup> подшоҳлари киссасида Туркистон, Дайлам<sup>587</sup> ҳукмдорлари тарихида ҳеч кимса уларнинг мисолини кўрган ва ўқиган эмас; осмонда макон тутган фаришталар, ер юзида гўшанишин бўлган инсонлар уларга ўхшашни эшитган ҳам эмас.

#### М а с н а в и й :

Хокон хазрат бахт, саодат билан йўлга тушди,  
Тангри ёрдами, нусрат унга ҳамжиловдир.  
Фатху зафар ўнгу сўлида бўлиб,  
Тангри томонидан иззат, иқбол унга  
мадақкордир.

Муборақ ялов, саодатли қўшин манзили марҳалаларни<sup>588</sup> босиб ўтиб, Нахшаб вилоятига етгач, Насаф сабзаворининг ҳавосини қоплаган ғалабали, шарафли қўшин тўзонига Чин<sup>589</sup> шаҳрининг ҳиди, олий жаннат иси рашк қиларди. Мамлакатнинг ҳар бир томонига тарқалган, айни шу пайтда ҳукм суриб турган ҳокимлар, ҳурматли волийлар, шавкатли амирул-умаролар, шижоатли қон тўқувчи аскарлар зўр тезлик билан, сарсар шамоли суръатида, оёқ ўрнига бош билан юриб, фалак кўринишли даргоҳга юз қўйишиб, ер ўпиш шарафини топдилар. Олий даргоҳга қадам қўйиш шодлиги, салом маросимини бажо келтириб, хоқонга муносиб тортиқлар, нодир ва нафис тухфалар тутдилар. Чунки қадимги хизматкорлик ҳуқуқини риоя қилиш фалак иқтидорли подшоҳларнинг яхши одатларидандир. Бандаларини бандалик кўчасида тўғри тутишга риоя қилиш баланд даражали шоҳларнинг гўзал расмларидандир. «Аввалдан бўлиб келган Тангрининг одатидир. Тангри одатига тадбир (ўзгариш) топмайсен», деган оят<sup>590</sup> мазмунига мувофик шарафли хотири, Тангри шарафининг тақозоси доим бу қоидани сақлашга сарф этилиб, бу одатга тўхтатилган эди. Подшоҳлик эҳтимоми, эътибори бу қонунга риоя қилишга хос бўлиб, меҳрибонлик ва марҳамат соясини содиқ қўллари қўнғилига мувофик, хизматкорлари бошига солди. Уларнинг хос қулик дарахти ихлос кўчатини шоҳона марҳаматининг сувидан хусравона илтифоти томчисидан кўкартириб, яшнат-

лн. Уларнинг ҳар бирининг муборак жамоли-  
-н қабул қилишда давлат дастури ва хизматга  
**лойиқ** кўриш муборак зийнати билан зийнат-  
:ади. Яхши ваъдалар, рағбатли сўзлар билан  
ўнгилларини кўтарди. Ўша манзилда, яъни  
Насафда Искандар савлатли, салтанат буржи-  
**инг** ёруғ юлдузи, шараф ва иззат садафи-  
зшг нодир гавҳари, юлдуз сипоҳли подшоҳ,  
?:тирохат осмонининг тўлин ойи, Сулаймон  
сннаматли, Жамшид фармонли, Абунаср Аб-  
: лмўмин султон, Тангри унинг умрини  
узайтирсин,

### Б а й т:

Удир баланд осмои авжининг куёши,  
Камолот буржининг нуроний юлдузи,  
Удир муродбахш бахт-икбол соҳиби,  
Удир максадига етишган шахзода,

г-юнки у Искандар насабли, Кайхусрав, До-  
:: шавкатли, Афридун<sup>391</sup> яловли, Жамшид<sup>092</sup>  
афарли шоҳ ўзининг Бадахшон вилояти то-  
: нига жўнаганини эшитдиргач ва ўғли шах-  
ланинг тўхтовсиз ирода уловига миниб жў-  
**шагани**, фатҳ нишонли яловини Хулкар авжи-  
**га**. Жавзо буржиги кўтарганини билиб, хоқон  
: пойтахтида ҳозир бўлган озгина сипоҳи би-  
: ^н кўзғолиб, ер майдонини зилзилага, кўк  
бази, яъни осмонни ғулғулага тушириб ке-  
**даётган** хабарини эшитгач, ўзининг тезликда  
лдан-қўп аскар билан кетаётганини билди-  
**риб**, то қудратли кўшин етиб боргунча ўз жойи-  
: ^н кўзғолмасдан туришга буюриб, истаги хо-  
**съял** бўлган фарзанди шахзодага киши юбор-  
::: «Қайси жойга етиб келган бўлса, ўша  
-::йда тўхтасин, юришга ҳаракат қилмасин»,  
*Исб* буюрди. Ҳазрат шахзода эса, ўша вақтда  
лом куббаси деб аталган Балхдан чиқиб,  
инг олдинги музофоти бўлган Бобошохвор-  
э. етиб келган эди. Олий ҳазратнинг юборган  
ллшлари етиб келиб, муборак фармонни ун-  
га етказдилар. У кўшинини шу жойга қўйиб,  
хоқон ҳазратларининг истиқболига жўна-  
хя. Хоқоннинг зафар тавсифли яловининг ой  
! :аклидаги қоши жума масжиди бурчагидан  
- эингач, улуғлик паркорининг маркази, яъни  
● **ззат**, ҳайбат, мустақиллик доирасининг нуқ-  
-а:и, саодат буржининг юлдузи, давлат, дунё,  
:::н ёрдамчиси ҳазрат султон, яъни шахзода,  
жззати давомли бўлсин, зафар асарли кўшин-

га тезлик билан етишди. Соҳибқирон ҳазрат  
эса кўнгил қўйган фарзанди, жигарғўшаси ва  
жон пайвандини от устида туриб шафқат, меҳ-  
рибонлик оғушига олди ва ундан вилоят, ас-  
кар ҳамда фуқаро аҳволини кўп суриштирди.  
Шаҳзоданинг мамлакатдорликда тутган яхши  
йўли, баракотли адолати маълум бўлгач, уни  
бағоят сийлаб, унга чексиз таҳсинлар ўкиди.  
Шунингдек, мамлакат атрофидаги ҳокимлар,  
халқ ақобирлари ва шарафли зотларни, маса-  
лан, яхшилик ва жуду эҳсон манбаи бўлмиш  
Сиддиқ ва Муртазо набираларининг сараси,  
Мустафо авлодининг хулосаси, қудсий<sup>593</sup> сир-  
ларнинг махзани, унсий нурларнинг тушар ери,  
улуғ машойихларнинг пешвоси шайхулислом<sup>594</sup>  
Ҳожажон ҳазрат ўзининг етишган авлоди, улуғ-  
лар кўзининг нури Дилдорхожа, жаҳон маҳ-  
думзодаси Қосимхожа ва булардан бошқа амир-  
лар, эътиборли султонлар, шахзодалар у жойда  
муборак оқибатли кўшинга келиб қўшилдилар;  
шоҳона илтифотлар, хусравона марҳаматлар  
билан мумтоз бўлдилар.

Зафар интисобли хоқон муҳаррам ойининг  
охирида, душанба куни амирлар, сипоҳлари,  
аскарлари билан кўзғолиб, Балх кўрғонини  
ўзига қароргоҳ қилиш учун ташриф буюрди.  
Аввал ўзининг бино қилган олий мадрасаси  
томонига қараб юрди. Сўнг ул саодат инти-  
зомли жойдан кўчиб, саодатли султон ҳазрат-  
нинг манзили бўлган олий арқга келиб тушди.  
Зўр шавкат, иззат-ҳурмат билан суяниб ўл-  
тирди.

КУЁШ ЮЛДУЗЛИ, ОЛТИН ЯЛОВЛИ УЛУҒ  
ХОҚОННИНГ ШОДЛИК БИЛАН БАЛХТА ҚАДАМ  
ҚЎЙГАНИ ТАБРИГИ УЧУН ФАРИШТА ХИСЛАТЛИ  
ШАҲЗОДАНИНГ ОЛИЙ ТҶЙ ВА ЗИЁФАТ БЕРГАНИ ВА  
ДАРЁБАҲШИШ ҚЎЛИНИ ТАНГА, ТИЛЛА СОЧИШГА  
ОЧГАНИ БАЁНИДА

Ул давлат ва салтанат бўстонининг янги  
ниҳоли, мансаб, улуғлик дарахтининг меваси,  
Тангрининг хоҳиши, иродаси билан «Фарзанд  
отанинг сирини кўрсатувчи ойнадир», деган  
мақол ариғи ёнида бош кўтарди. Катталиқ,  
иззат чаманининг ғунчаси, улуғлик, мамлакат-  
парварликнинг янги ниҳоли, Тангрининг раб-  
боний қудрати ҳикмати билан абадий гулшан-  
да «Эй Раббим, менга ўз наздиндан бир дўс-  
тингни менга меросхўр бўлсин учун ато қил»<sup>595</sup>  
деган оятнинг хуш иси билан очилиб, кундан-

кун давлат, иқбол нишони, шавкат, бахтиёрлик аломати, иззат, жаҳондорлик камоли ундан жаҳон халқига зоҳир бўлди. «Яхши фарзанд шарафли, эътиборли оталарига эргашади», деган мақол тақозосича, подшоҳлик сирларининг аломати, шоҳлик нурларнинг нишонаси унинг пешонасида пайдо ва кимё таъсирли қалби саҳифасида ошқорадир.

Б а й т:

Муборак толеъ, бахту иқболли,  
Салтанат боғининг гўзал ниhoли,  
Фаридун дабдабали, Парвиз мансабли,  
Сулаймон шавкатли, Доро тожли,  
Куёшга лаъл ранг нур унинг узугидан келган,  
Иқбол субҳининг тулуъи унинг пешонасидан  
кўрингандир.

Вақти-вақти билан унинг олдида сажда қилиш учун куёш билан ой унга таъзим қилди. Ҳарис<sup>396</sup> дарвиш ганжи фикрини очгандай, фалак оёқ босган тупроғининг орзусида бўлди. Соҳибқирон ҳазратнинг жаҳонга оро берувчи раъйи, тўғрилиқ кўрсатувчи тадбири ислом куббаси деб аталган Балх вилояти волийлиги, ҳукмронлигига шаҳзода ҳазратни тайинлашни тақозо қилди<sup>397</sup>. Сўнгра хурматли ақиблардан, катта амирлардан бир гуруҳини ой рикобли шаҳзодага ҳамроҳ қилиб жаннат равзаси каби жаннатнишон пойтахтига жўнатди. У жойда мамлакатни сақлаб, вилоятни барқарор тутиб юришга, адолат билан иш олиб боришга, халқпарварликка тўлиқ эҳтимом қилишга буюрди. Бу тўғрида меҳрибонлик билан панду насихатлар, падарона ваъз ва ишоратлар баён қилиб айтди:

М а с н а в и й :

Сипоҳлар билан пойтахт тарафига жўна!  
Лекин насихатимни бошдан-оёқ унутма,  
Сўзларимни бирма-бир ёдингда тут.  
Давлат қуввати билан дилингни шод эт!

Максуди ҳосил бўлган султон улуғ даража, зўр қудрат билан давомли салтанат қароргоҳида қарор топди. Адолати ва инсофи нури баракотидан, инсофу адолат гўзаллигидан Балхнинг кўнгили очувчи майдонида, унга олий жаннат рашк этарди ва Чин нақшхонаси кулчилик қиларди,

М а с н а в и й :

Нуширвон, яъни шаҳзода адолат биносин  
қурган пайтда,  
Жаҳон унинг адолатидан тамоман обод бўлсин!

Шаҳзода замон хоқонининг насихатига шу қадар амал қилдики, амрида — маънида ҳеч кимсанинг кўнглини ранжитмади. Ота сўзини шу хилда бажо келтирган ўғилга Тангрининг раҳмати бўлсин!

Хурматли султоннинг ул жаннат интизомли шаҳарга қўйган муборак қадами баракоти билан барча халқ, хосу омм тинчлик-омонлик бешигида, адолат-эҳсон бисотида фориғболлик билан ҳаёт кечирарди. Ўша мамлакатда жойлашган ул жаннатмисол вилоятда ватан қилганлар у улуғ даражали мансаб эгасининг марҳамати қаноти остида тинч, роҳат билан ором оларди. Чунки адолат яловини фуқаро устида баланд кўтармасдан, фуқарога ва ожизларга баробарлик, адолат жорий этмасдан туриб, салтанатнинг олий босқичларига, мамлакатнинг юксак даражаларига кўтарилиш мумкин эмасдир.

Б а й т:

Эй подшоҳ, адолат коидасини ортдир,  
Чунки адолат билан мамлакатнинг майдони  
кундан-кун ортади.

Султон ҳаёти дафтарида, айшу нашот саҳифасига адолат ва инсоф нақшини ёзди. Сулм, адолатсизлик рақамини ундан ўчирди. Очқ кўрсатилган шариат кечасидан сайид ул-мурсалин<sup>598</sup> миллатига ривож берди. Бутун кўнглини, фикрини хонақоҳ<sup>599</sup>, масжид, мадрасалар асосини қуришга сарф қилди.

Жисмнинг ўсиб турган пайти — ёшлиқнинг аввалги давридир. У даврда салтанат биноси асосини қуриб, мансаб — катталик арқонини мустаҳкамлаш бунёди тарҳини тузди. Жаҳон даврининг аввалидан то бу пайтгача қўрилмаган, Одам Ато<sup>600</sup> замонидан то бу дамгача эшитилмаган мушкул бандлар ва қийин тугунларни ечди.

Б а й т:

Агар кўп даврлар айланиб турган бўлса ҳам,  
Бундай даврни фалак кам кўрган эди.

Агар куппа-кундузи ёппа-ёлғиз бир жон, бир тан қуёшдек олтин табакни бошига қўйиб шарқдан ғарбга қараб йўл юрса, ҳеч кимса унга кўзининг кирини ҳам ташлай олмайди.

Соҳибқирон ҳазрат у вилоятга ташриф буюрган вақтларида кадрли, номдор фарзандининг адолат ва халқпарварлиги баракотидан ислом куббаси деб аталган Балхнинг оросталигини кўриб дурсочар тилини макташга, таҳсин айтишга очди. Султоннинг иззати, мансаби тўнининг ёқасини хурмат-иззат уқаси билан зийнатлаб, имтиёз берди. Ҳазрат султон эса ҳоконнинг саодатли кудуми табриги учун кеча-кундуз тинмай кетма-кет подшоҳона тўй тартиб берди. Доимо олий беҳишт мисолида базм тайёрлади. Жаннат улхулд<sup>601</sup> каби мажлисини Чин нақшхонасидек комил зийнат билан зийнатлади. Завқ-шавқ ва шодлик эшиги очилди. Айш, роҳат асбоби тайёрланди.

#### М а с н а в и й :

Ишрат асбобини замона тайёрлади,  
Давлат эшикларини фалак очди.

Хушовоз хонандалар, соз чалувчи созандалар нағма наво қилдилар. Давомли давлат қонунидан бахту саодатнинг чангу удидан ортиқ созлар чалинди. Бир созни ишрат қонунига мувофиқ чалсалар, бир созни хурсандлик доирасидан бошлашарди.

#### М а с н а в и й :

Зухра оҳангли хонандалар ҳар томондан  
Шодмонлик панжасини чанг этагига урдилар.  
Навосозлар наво туздилар,  
Шодлик, хурсандлик хонишини бошладилар.

Кўнгилоҷар базмнинг чамани равнақ топиб, гуллаган, руҳланган зиёфат боғи, айшу ишрат чаманининг сабзозори шодлик, севинч булути катралари билан яшнаган эди. Севинчли давлат, гўзал оқибатли саодат хосу омм<sup>602</sup>, барча халқни завқу сафога чақирарди. Ишрат, улфат асбоби умиду орзулар жиғилдонига сиққунча муҳайё эди.

#### М а с н а в и й :

Шундай бир подшоҳона зиёфат тайёрланган  
эдики,  
Хурсандлик ялови кўтарилиб донишманд  
шаҳзоданинг иқболига лойик,  
Ҳузуру ҳаловат асбоблари муҳайё этилганди.  
Ўнгу сўлда номдор шаҳзодалар туриб,  
Эътиборли амирулумаро ва ўзга зафарпеша,  
ғалабашиорлар,  
Ҳар бири ўзларига лойик мақомда, интизомли  
жойда,  
Бағоят мувофиқ суратда орому қарор олиб  
турдилар.

Жаҳон тутувчига мансуб остонанинг навбатчилари мамлакатдор улуғ даргоҳнинг дарвозабонлари, иззатли мансабдор амирзодалар, булардан бошқа бахтиёр йигитлар фалак тусли боргоҳнинг ичкарасига кириб, қуёш, ой тева-рагидаги юдуз каби ўз мартабаларига лойик ўринга келиб ўтирдилар.

#### Б а й т:

Шавкатда уларнинг ҳар бири бир Афросиёб,  
Сиёвуш<sup>603</sup> хашаматли олижаноб эдилар.  
Иззату мансабда Жамшиддек қутлуғ давлатли,  
муборак мансабли,  
Улуғлик фалакининг қуёши кадр-қиммат  
тахтида,  
Жамшид нисбатли соҳибқирон давлатидан  
Ҳаммаси қомронлик маросимини олдинга  
сурган эдилар,

Бирмунча кун илгари жуда кўп таом, ҳаддан ортиқ емак-ичмак ҳозирланганлигидан ҳар кимнинг кадрига лойик, мартабасига муносиб бўлган овқат унинг олдида тортилди. Хурматли султон таом бериб бўлгандан кейин, ҳоконнинг қадами муздига бахшиш қилиш, марҳамат кўрсатиш қўлини инъому эҳсонга очди; нисор сочиш расмини танга, тилла билан саховат қилиш қоидасини бажо келтириб, шу қадар кўп олтин қумуш, дурру жавохир сочдики, ер юзи ғайратда баланд осмондан ҳам ўтиб кетди. Жуда кўп миқдорда қимматли тортиқлар, мақбул бўладиган тухфаларни тўкиб ташладики, фалакнинг кўзи уни кўришдан хира бўлди.

## М а с н а в и й:

Олтин, кумуш, тайёр кийим, шоҳона  
жавоҳирларни  
Ҳисобдан ташқари кўп берди,  
Давлат аъёнлари, ҳазратга нисбатли арбоблар,  
дарвозабонлар ва хизматчилар бошликлари,  
Маҳрамлар, амирзодалар, куллар ҳаммаси

ул кўнгилоҷар базмда ва зебо мажлисда шоду  
хуррам бўлдилар. Уларнинг ҳаммасини фахр-  
ли либослар, қимматли кийимлар шарафи би-  
лан мушарраф қилдилар. Подшоҳона илтифот,  
шоҳона марҳаматлар ҳар бирларини фахрла-  
ниш ва донг чиқариш даражасига етказди.

## М а с н а в и й:

Ул мажлисда иззат кўриш, мақсадга етиш  
билан меҳмондорчилик бажо келтирилди,  
Хизмат йўсини билан сочиқ сочиш,  
меҳмондорчилик қилишни чекига етказдилар.

Тўю зиёфат базмидан кейин, шодлик-хур-  
сандлик сўнгида нусрат эгаси ҳокон фалак даб-  
дабали хизматчилар билан яна Бадахшон ви-  
лоятига юриш хусусида кенгашди. Ҳар бир  
вақтда ҳар бир ишда огоҳ бўлиб турган иззат-  
дор, мансабдор, давлатхоҳ амирлар, жаҳонпа-  
ноҳ подшоҳ даргоҳида туриб мамлакатга оро  
бериш ва уни обод қилиш ҳақида тўғри фикр,  
комил ирода баракоти билан ўзларига ишонч  
ҳосил қилдирган эдилар. Улар ҳар бир ҳолат-  
да, энг нозик дақиқаларда ҳар бир ишдан во-  
қиф эдилар. Тўғри ўйлар, очик фикрлар би-  
лан эртаги ишни бугун маълум қилардилар.

## Б а й т:

Уларнинг раъйи казо сирри пардасига маҳрам,  
Диллар эса Тангри лутфи назарида  
тутилгандир.

Очик ақллари нури, узокни кўрадиган  
фикрлари ёруғи воситаси, мустаҳкам иродалар-  
и, комил ва қимматли зийракликлари алоқа-  
си билан тамом ишларни бажаришда, ҳамма  
муҳим ишларни ечишда сут билан шакардек  
келишган, гулоб билан сувдек шодлик етки-  
зувчи ва ёқимлидир. Мушкул ишларни ечиш-  
да, уларни текширишда, халқлар ўртасидаги  
кийин ишларни осонлаштириш тадбирида улар

бири-бирига шундай мувофиқ ва иттифоқдош  
эдиларки, агар улардан бири бир маслаҳат бо-  
бида сўз очса, бошқалари ақл-хуш қулоғини  
унинг сўзларига шу қадар тутардиларки, гўё  
олий қулоқларга соф марварид, эритилган лаъл  
қуйилгандек хосу яқин мақомда, давлатхоҳ-  
лик, ихлос даражасида туриб уларнинг би-  
лимдон табиатига мувофиқ, доно ақлига муно-  
сиб хикояларни бу бобда ҳоқоннинг қуёш нур-  
ли, кимё таъсирли кўнгилларига арз қиларди-  
лар. «Ҳар бир замонда бир ҳолат бор» деган  
мақол мазмунича, вақтнинг тақозосига кўра,  
ҳар бир маслаҳатни муносиб кўрсалар, шуни  
арз қилиш саҳифасига ёзардилар. Амирлар-  
нинг тўғри тадбири олий ҳазратнинг хоҳишла-  
рига мувофиқ келгач, Бадахшон томонга юриш-  
ни Оллоҳга таваккал айлаб жазм қилди. Танг-  
ри ёрдами соясида фатҳ нишонли яловни кў-  
тариб, у жойдан қўзғолдилар.

## Б а й т:

Подшоҳнинг фатҳнишон, қуёшинтисоб ялови  
Тангри муҳофазатидаги лашқари билан  
жўнади.

Ялов кўтарувчиларнинг оёғи узангида, су-  
ворийларнинг фатҳу нусрат жиловиди, ҳокон  
қуббат ул-ислом Балхдан чиқди. Унинг одати,  
ҳар бир жойга борса, у ердаги Оллоҳнинг дўст-  
лари мазорларидан ва ўзга огоҳ бандалардан  
ёрдам талаб қиларди. У яхши оқибатли ви-  
лоятларда ётган улуғ машойихлар, кароматли  
ақибирларнинг пок деб мақталган қабрларига  
таважжуҳ қилиб, уларнинг муборак, қутли бо-  
тинида файз олиб, мадад сўради. Уз зотлар-  
нинг фаришта шаклли арвоҳларини васила қи-  
либ, сўнгра инсонларнинг афзали, улуғ авлиё-  
ларнинг пешвоси, валийлик саропардасининг<sup>604</sup>  
султони, хидоят фалакининг қуёши, авлиёлар  
дафтارينинг дебочаси, асфиёлар<sup>605</sup> девонининг  
байт ул-қасидаси, яъни энг гўзали, унинг ҳа-  
қида пайғамбар: «Эй Тангри, уни дўст тутган  
кишини дўст тут, душман тутган кишини душ-  
ман тут!», деган эди, танзил, яъни Қуръон  
оятининг қотиби, таъвил, яъни Қуръон  
ганжининг хазиначиси, ҳамма талаб аҳлининг  
матлуби, Оллоҳнинг ғолиб шери, мўминлар-  
нинг амири Али ибн Абу Толиб<sup>606</sup>нинг, Тангри  
ул кишидан рози бўлсин, турбатига қараб  
юришни ният қилди. Ул жанобнинг муқаддас

машхади, покиза марқади атрофига етгач, у жой фалак асарли аскарларга манзил бўлди. Сўнгра хокон ёлвориш пешонасини ва мисршлик жабҳасини ул хожатмандлар қибласи, муножотчилар Каъбаси бўлган баланд равза, элий турбатга қўйди. У нурсочар муборак мазор, табаррук манзилнинг баракотидан ўзига мадад топди. Унинг ихлоси қандили чароғининг нури хослик шишасида тавфикнинг муэорак дарахти ёғидан эди, ҳақиқат оройиши *ъса*. ундан ёндирилдики, гўё у порлаган юлдуздан нишон берди. Катта ва шарафли зафарлар билан ёлиб бўлган, фатху зафар, нусрат рақами ва яхши ҳаёт умиди пешонасига ёзилган ғайбий футухот, шаксиз баракот эшилди ахволи юзига очилди. Ўша сафарда тез-тез унинг асари шундай рўй бердики, файз асарли хотири нур сочиб турган мазор зиёфатидан фориғ бўлгач, инъому эҳсон қанотини хожатмандлар умиди орзуси бошига ёзиб, уларга эахшиш дастурхонини ёзди. Аршга уйғунлашган манзилда ёлиб қўшин тўрт томондан узилмасдан, кетма-кет, тўп-тўп бўлиб, дарёдек мавж билан жўш уриб, қутлуғ қўшинга ошиқич разишда келиб қўшилиб турарди. Кўпликда юлдуздан нишон берган аскарлар бу ерда турган фалак кудратли аскарлар билан қўшилиб, оёқ •ниш шарафи бахтига етишдилар.

Мақсадига етган хоконнинг фил йикитувчи, ^;ер овловчи, музаффар кудратли аскарлари қўпвда Парвардигор инояти ёрдами химоясида бўлган зафар иқтидорли яловни зўр шаъну ~авкат билан кўтардилар. Жаҳонгирлик овозагининг уни, олам кезиш тантанасининг садоси Балак жомига мой шишасини отди. Унинг си~оҳлари шундай сипоҳлар эдики, бахту иқболнинг равшан кўзига жанг майдони тўзонидан, уруш маъракаси ғуборидан бошқа нарса билан сурма тортмас эди. Улар ўзларининг садоатли юзи рангини шижоат нишонли жангчилар қонидан бошқа нарса билан гулранг қилиб бўя-айди.

### Б а й т:

У даштдаги аскарнинг кўплигидан насим  
шамоли  
Ўтолмай, йиқилиб-қўпиб қайтар эди.

Улар бош кўтарган атоқли, жаҳонни ёндирувчи суворийлар, уларнинг баъзиси жанг ис-

таш, кина кўзғаш билан донг чиқарган ботирлар эдилар, уларнинг ҳаммаси йўлбарс билакли, бабр қувватли бўлиб, найзаси учи билан булут юзини тирнади. Тўда-тўда, совут кийган, ўч олувчи, дарёдек мавж уриб кўтарилувчилар эдилар, уларнинг ҳаммаси маст бўлган филдек қўлларида тиғ, ханжар билан ҳаракатланувчилар, яккама-якка туриб уришни хоҳловчи, кина сакловчилар эдилар, ҳаммаси саркаш, ўткир табиатли бош кўтарган эдилар, узоқ йўллари босиб хавфу хатарли манзиллардан кесиб ўтиб, Қундузга<sup>607</sup> қарашли машхур жойлардан бири бўлган Оксаройга етдилар. У жойдан ишончли амирлардан ва ғур Шох Саъидбий қарлуқни Коҳмард<sup>608</sup> вилоятларини озод қилишга юборди. Иккинчи куни сарсар асарли арғумоғини жилвалантириб сафарнинг олтинчисид<sup>609</sup>, у хайру зафар билан тугасин, жума кунида Қундуз кальаси атрофи фалак интизомли чодирни тикиш ўрни бўлди. Диловарларнинг кўтарилиши, муборизларнинг ҳаёхуси, суворийларнинг сурони<sup>610</sup> фалак доираси авжидан, Муштарий буржи<sup>611</sup> камонидан ўтди.

Иқболли хокон олижаноб султонзода ҳамроҳлигида сарсар юришли отига миниб, шарқдан чиққан куёшдек яшил осмон бурчагидан тулуғ қилиб, куёш каби фалак даврала қалъа атрофидан айланди. Унинг атрофига илтифот назари билан қараб эҳтиёт қилди. Зафарнишон аскарларнинг тушадиган манзили ўрнига чаккон фаррошлар чодир, боргоҳ, саропардаларни куёш билан ой чўккисига кўтариб тикдилар. У қутли манзилга хоконнинг муборак қўниши сабаби билан Ҳамал буржининг<sup>612</sup> шарафи рашк этарди.

### М а с н а в и й :

Боргоҳнинг боши осмондан ўзди.  
Фалак унга чанбарак куёшдек махча бўлди.  
У чеккадан бу чеккагача кўтарилган, балки  
жаҳонни тутган чодир соябонлар,  
Руйин хун нағора, карнай овозидан баланд  
осмон жойидан кўзғолди.  
Гул рангли байроқчалар ва яловлар  
жилваланиб,  
Пари шаклида қанот-қуйруқ ёзарди.  
Зирхга ғарқ бўлган пахлавонлар ўрнидан  
туриб,  
Искандар саддидек саф туздилар.  
Совут кийганлар хавфидан диллар сув бўлиб  
окди.

Жаҳон мавж уришда симобдек эриди.  
Ботирларнинг ҳаёҳуси осмонга етди.  
Отликлар сурони кўкдан ошди.

Шоҳрух мирзо эса юборган элчиси Шох Хасан фалак иштибоҳли даргоҳ тарафидан қайтмасдан, муборак ялови кундан-кун ривож топиб турган давлат байроғи қайси томонга юз қўйиши маълум ва мафҳум бўлмасдан туриб, Бадахшон вилоятидаги мўътабар сайид ва у ердаги халқларнинг амирулумароси ҳам Толиқон<sup>613</sup> шаҳри ҳукуматдорлигини ўз тасарруфи қабзасига олиб турган Шох Имод ўз ўғлини Жаҳонгир кўкага қуёв қилиши муносабати билан Толиқондаумумий тўй бошлаб, Шоҳрух мирзонинг давлат арбоблари билан Бадахшон вилоятининг аён ва ақобирларини қўшиб тўйга чақирди.

Бир неча кунгача кетма-кет қушо-қуш<sup>614</sup> обнус рангли осмонга етган, айшу ишрат палоси, шоду хуррамлик дастурхони ёзилган эди.

Тўғри хабар келтирувчилар, воқеадан тўғри огоҳлантирувчилар зафарнишон аскарнинг унинг томонига қараб юрганидан шунчаликки огоҳлантирдилар.

Ундан давлатни қайтганиданми, у асло сўзга ақл қулоғини тутмади; давлатхоҳ бўлган кишиларнинг сўзини ел ўрнида гумон қилди.

Ҳазрат ҳокон унинг юборган элчисига Жайхун лабидан қайтишга ижозат бериб, ноумид ҳолда уни бир кина сақловчи, фитна кўзғовчига улфат қилиб юборди. Иттифоқо, Шоҳрух мирзо тўйда бўлиб турган пайтида юборган элчиси келиб ҳокон ҳазратнинг келаятган хабарини унга бирма-бир етқизди.

Кўнгил тўзониким, бахтсизлик думининг уқдасига ўлтирган эди, ўшанда ҳам унинг сўзига асло ишонмади. Фатҳ оятли яловнинг келаятганлиги аниқлангач, чорасиз қолиб, ҳаяжонланиш ўти қалбига туташди. Тўхтаб туриш оёғи ўрнидан кўзғолиб, ларзага тушди. Ҳайро-ну саргардон бўлиб, ўй ўйлаб, иқболсизлик оятини ўзига-ўзи ўқиди. Сўнгра ўзига қарашли кишилари кўп қул, хизматчиларнинг чеки йўқ, зўр қудратга эга бўлган Кўрчибекни Қундуз ва Бақлонни сақлаб туриш учун юборди, чунки унинг салтанатига, шижоатига, кучи қувватли халқига шубҳасиз ишонарди. Мазкур тўйда ҳозир бўлган Бадахшон вилоятининг эътиборли кишилари ва ҳар бир сардорларини қалъалар, шаҳарлар, фалакка етган бандарларни сақлаб туришга юборди. Ўзи эса хо-

қон яловининг ой нишонасини кўрмасдан тўхтовсиз қочиш йўлига юз қўйди. Бахтсизлик тупроғини давлати бошига сочиб қочиш йўлини тутди. Кўрчибек эса ёрдамчи ва мадаккорларини илғор тарзида юбориб, ўзи Қундуз қалъасига кирди. Борлик ҳиммати, сўзсиз жидду жаҳди билан қалъанинг буржу деворлари муҳофазасига тутинди. У бу хизматини кўрсатган ҳимматига юз қилди. Қалъанинг теварагини тузатиб, ҳар бир кунгираси, девори бошига бир иш биладиган шарафли кишини қўйди ва ҳар бир қадам жойга яхши ўқ отадиган мерганни тайинлаб, душманни тўсиш биллагини юқори қўтарди. Қутли қўшин эса бахтли толеъ, ортиб бораётган катта бахт, ҳадду ҳисобдан ташқари аскар билан Қундуз қалъасига етди. Совут қўйлақлик паҳлавонлар қалъа теварагида саф тортдилар. У қалъа жуда ҳам мустаҳкам бўлиши билан нгуҳрат қозониб, маҳкамлик билан донг чиқарган эди.

#### М а с н а в и й :

Ошиқлар аҳдидек маҳкам кўрғондир,  
Тангри паноҳ берсин, Хайбардан<sup>615</sup> ёдгордир.

Унинг девори, буржининг баландлиги шу даражада эдики, иззатли, зўр мартабали подшоҳлар ҳимматининг каманди у қалъанинг авжидан ошмасди, жаҳонгир подшоҳлар тадбирининг ўқи унинг кунгиралари баробарига етмасдан қайтарди. Кўрғон деворларининг баландлиги шу даражада эдики, чумоли жосуслари ўтар-кетарда ундан хатарда бўларди. Чўнқир хандақларининг кенглиги шу миқдорда эдики, тез учадиган уқоб<sup>616</sup> узоқ йилларда ҳам унинг масофасини кесиб ўтолмасди.

#### Қ и т ь а :

Осмон мисол кўрғондирки, унга нисбатан  
Искандар садди ўргамчик торидек бебунёддир.  
Баландлиги шу қадардирки, ақл фикр  
камандини кўрғон деворига ташлаёлмайди.

Мустаҳкамлиги шу даражада эдики, фалак манжаниқи ходисот тошини отиб, деворидан бир сомон чўпини ҳам юлиб ололмасди.

Сўзнинг қисқаси, инсон йўлининг чангидан қутулиб, ўзларига тураржой тайинлаш тарадудиди бўлиб, тушадиган жойлари эҳтиётини



килиб турган пайтларида тўсатдан жанг маъра-ка майдонидан жангу жадал шарораси осмон-га кўтарилди. «Тут буни!», «ушла уни!» садолари ердан фалак-ул афлокка етди. Кина кўзготувчи йигитлар найзали, қиличли ботирлар боходирлик отига миниб, қалъага юз кўйдилар. Жидду жажд қадамани уруш маъра-касига, жангу жадал майдони томонига қараб юрдилар.

Биринчи тўқнашишда икки томон фитна кўзготувчилари ва уруш иставчилари бир-бирлари билан олишдилар, баходирлик билан ғалаба қозониб, ботирлик билан жанг қилдилар. Мардонавор ҳаракат қилиб, жангчиларча қурашадилар. Уша пайтда қалъа ичидан жуда кўп тўда халқ хайбат билан чиқиб, жангчилар сафига келиб қўшилдилар, қўпчилик ҳужум билан сиртдагиларни қайтардилар. Шу пайтда иззатли ва тамкинли амирзода, баходирлик майдонининг улови Надир кўрчиким, узоқ вақт ва муддатдан буён мартабали кўрчилик мансаби унга топширилган эди, Раҳмонқулихожа Боқий мирзолар, Валижон жалойир ва шулар каби бир тўда шижоатли, ўткир фикрли ботир йигитлар тоғ хайбатли отларига миниб, жанг майдони томон отилдилар.

### М а с н а в и й :

Душманга ёлғиз ҳужум этувчи дадил Надир  
кўрчи,  
У бабрдек йиртади, йўлбарсдек хайқиради.  
Олтин дубулғаси бошига қўйган тожидир,  
Бошидаги тожи олтин дубулғадир.  
У бир ишни қасд қилса рағбат билан югуради,  
Жанг сафидан асло кўркмасди, хавф ҳам  
қилмасди.  
Қиличини қўлига олиб майдон сари жўнайди.  
Мен тимсоҳ аждаҳони олганини кўрмаган эдим.  
Яна бири Раҳмонқулихожа бўлса, жанг  
пайтида ғавғо кўтарарди.  
Донг чиқарган бу баходир гўё ўч олишда  
йўлбарс эди.  
Чунки йўлбарс билакли, бабр қувватли, жанг  
қунида аждаҳо қиёфалидир.  
Душмандан ўч олиш пайтида бошлиқларга бош  
эди.  
У қувватли йигит, қуч синашувчи, дадил,  
Душманни бойловчи, қалъа олувчи эди.  
Ўч олиш отига миниб, душман қасдида  
жиловини қўяберди.  
Улардан бошқа бири Боқи мирзодир.  
Ундан душманлар жонига кўрқинч бўлсин!

& Н \*31

Белига безатилган олтин камар боғлаб,  
Жавҳари тўкилиб турган шамширини осиб,  
Булут остидаги қуёшдек тўни остида совути  
яшириниб турар эди.  
Гўё осмон қуёши сийнабанд бўлгандек  
кўринарди.  
Боши устидаги олтин дубулға анор дарахти  
устиди очилиб турган анор гулидек кўринарди.  
Бузилган атриёт чеккаси дуди юқори  
кўтарилиб бораётган шамъидек,  
Юзи эса ойдан ёруғроқ, оғзи камардаги  
мимдек<sup>61</sup> эди.  
У дев насли отига минганда,  
Гўё шамол устига жилва қилиб кетаётган  
паридек кетарди.

Темирга чўмган баходирлар совут, жавшан остига кирган интиқомчи дарёдек мавж урардилар, йўлбарсдек одамга ташланарди. У фитна дарбандининг палангларига ҳамла қиларди. Ярқиратган қиличларига у хоксорлар қонидан ранг бериб, шу қадар жангни олдинга суришдики, шамшир чопувчи Баҳром айланиб турган осмон авжида жангчилар атоқли амирзодаларнинг билак кучига минг-минг офарин ва таҳсинлар ўқирди.

### Б а й т:

Ботир йигитларнинг қиличидан шу қадар қон  
тўкилдики,  
Ер юзи одамлар кўзига худди тирналган юзга  
ўхшаб қолди.

Пировардида душманлар ғолиб баходирларнинг ҳамласига чидаб туролмай орқага қоча бошладилар. Улар жанг қилиш жиловини жанг майдонидан буриб, қалъа томонга юз ўғирдилар. Мазкур йигитлар шавкатининг хайбатидан кўрқиб, мағлуб бўлиб қалъага кирдилар ва дамани чиқармай, қаптардек ҳар бир тўсик ортига ва ҳар бир ғорга кириб яшириндилар. Тўртинчи фалак<sup>618</sup> рашки келадиган Қундуз қалъаси бурчагидан қуёш хайбатли соябоннинг ой нишони кўрингач, осмонсимон яловнинг номдорлиги яшил осмоннинг бошидан, шишаранг фалакнинг тепасидан ҳам ошди. Бу вилоятда олий ҳазратга қуйидаги сўзларни арз қилдилар: «Бадахшон вилоятининг халқи, Арханг<sup>619</sup>, Хатлон фуқаролари, сахар, тоғ сипоҳлари кўп йиллар, узоқ муддатлардан буён олий мартабали жаноб шайх Халилуллоҳга<sup>620</sup> нисбат пайдо



килганлар, у зот эса хидоят паноҳи, валоят маснаднишини, илоҳий файзининг манзили бўлган шайх Хусайн Хоразмийнинг<sup>621</sup> халифаларидандир. Бу халқ шайх Халилуллоҳга ғоятда эътиқод қиладилар. Холис ният билан ирода рақамини дил лавҳасига, хотир саҳифасига нақш этардилар. Асло унинг амрига, шаънига бўйин товлашни, тажовуз қилишни жойиз кўрмайдилар. Энди муносиби, лойиғи шундай кўринадики, шайхни талаб қилиб, унинг маълум жойи, ўрганган макони бўлган Бурсакка йўқлаб киши юборсунлар. Агар шайх Халилуллоҳ хазратлари бу даргоҳга келадиган бўлиб, ташрифи қадам этишни лойиқ кўрсалар, ҳамма вилоят халқи баҳонасиз у кишига итоат қилиб, ожизлик билан бош эгиш ридосини кулик, бандалик елкасига ташлаб, тобелик бошини хоқонга аҳд-паймон қилиш халқасига қўйишадиде», дейишгач, уларнинг арзига биноан, хоқон Оллоҳнинг хос бандаларининг пешвоси, огоҳ куллар сараси шайх Халилуллоҳга муридлик изхори билан тўлган чин эътиқод нишонини ўз ичига олган мактубни юборди. Ўз хузурига ташриф қилишларини сўради.

Бирмунча кун юлдуздек кўп сонли сипоҳлар куёш заррасидек кўп, чексиз булутлардан ёққан ёмғир қатрасидек кўп аскарлар ўша атоқли қалъани фатҳ қилишда, маҳкам ва мустаҳкам қалъани кўпоришда жидду жаҳд билан курашдилар, саъй-ғайрат бажо келтирдилар. Шижоатнинг чекига, мардоналикнинг ниҳоясига етгунча ботирлик кўрсатдилар. Қалъа олинмасдан илгари хушхабар келтирувчи хабарчилар кетма-кет «Шоҳрух мирзо ғалаба қозонувчи аскар билан тўқнашишдан кўрқиб, жанг майдонидан юз минг оху нола билан йўлга тушиб, Кишм<sup>622</sup> атрофидан қайтиб, Толиқонга келиб кўнди. У жойдаги олий қалъага кириб буржу боруларини маҳкамлаб олишга кўнгил қўйиб, ҳиммат камарини белга боғлади», дедилар. Хоқон хазрат эса мардлик, мардоналик отига минган Хожамқули қушбегини Толиқон томонига юришга тайинлади. Бир тўда марди майдон йигитлар, жанг сафидаги баходирларни унга ҳамроҳ қилиб кўшиб юборди. Хожамқули қушбеги хоқон хазратнинг фармонига биноан, тўхтовсиз нияти, қасди жиловини Толиқон томонга бурди. Икки кеча-кундуз ичида осмондан нишон берган қалъа атрофига етгач, Тангри иноятининг кули мақсуд нақдинасини унинг енгига солди, чунки Шоҳрух

мирзо зафар яловли аскарнинг хужумидан огоҳ бўлиб, бахти қайтганлиги сабабли, тожу тахтдан қўл ювиб, ҳасрат ёшини пушаймонлик кўзидан тўкиб, ўзининг иттифоқчилари билан Кишм томонга қайтди. У ноҳиялардаги фуқаролар унинг зулмидан, тажовузидан омонда бўлиб, халқлар унинг ифлос нафси шароратидан кутулди. Чунки у шундай шахзода эдики, у давлат тепасида турган пайтда адолат, инсоф деган нарса ундан кўрилмаган, адолат, инсоф кўнглига ҳам келмаган эди. Фуқарога меҳрибон бўлиб, халқларга марҳамат кўрсатишни ҳаром ёки бидъат деб ўйларди. Кечакундуз қоранишон вақтини фиску фужурга бағишлаб, шаръан манъ этилган ҳар навъига: ўйин-кулги, гуноҳ ишларнинг ҳар турига умрини сарф қиларди. Унинг мизожи тузук эмас эди, тамоман ўзгарган эди, чунки у андак гуноҳи учун катта демай, кичик демай бирини тирик қўймай ўлдирарди. Сўнгра фатҳ нишонли, зафар унвонли яловнинг у томонга қараб юрган овозаси қулоғига етгач, хайрат дуди мияси тешигидан шуъла урди, фикри торайди, хуши учди; ғоятда хаяжонланиб, хайронликда қолди. Унга баъзи давлатхоҳлари қуйидагиларни айтган эдилар: «Лойиқ ва муносиби шулки, қайси жойдан бўлса бўлсин, аскар тўплаб Кишм саҳросини аскаргоҳ қилиб, улар билан курашайлик. Агар давлат ёр бўлиб, бахт мувофиқ келса, тавфиқ чавғони билан мурод уйини уриб нишонга етказурмиз. Агар бахт ёр бўлмас экан, у пайтда маломат ўқиға нишона бўлмаймиз. Халқнинг бизнинг ҳаққимизга тил чўзиб, шунча вақтдан бери бу хонадон, яъни Шоҳрух мирзо хонадони бизларга ҳукмрон бўлиб, бизлардан мол олди, бож олди, хирож олди, аскарнинг кийим-кечаги, емак-ичмаги, отининг ем-хашагини олди. «Эндиликда ишлаш вақти етиб, жанг пайти келганда қочиш оятини ўқиб, қароргоҳидан юз ўғирди» деган гапга қолмаймиз», дедилар. Мирзо Шоҳрух кўрқинчининг зўридан хавф-хатарга тушди. Уни даҳшат, умидсизлик қоплаб олганлигидан, уларнинг меҳрибонлик билан айтган сўзларини ёдида сақлаб туролмади.

Б а й т:

Тож пайида бошингни елга берма,  
Онадан тож учун, подшоҳлик учун туғилган  
эмассен!

Шохрух мирзонинг раъии подшоҳлик этагини кўлдан беришга, қасд юзини қочиш тарафига ўгиришга бўлди. Хушидан айрилган ҳолда саросимага тушиб, Бадахшоннинг Тунук йўли билан қочишни ихтиёр қилди. Толиқон вилояти эса, ҳукуматдорлар тасарруфидан холи эди. Хожамқули қушбеги у вилоятни тасарруф қилиб, қалъа калидини у вилоят қозиси ҳамроҳлигида соҳибкирон ҳазрат хизматига юборди. Мирзо Шохрухнинг қочганлиги Бадахшон вилоятининг энг чет жойи томон йўл олганлиги хабарини аризада маълум қилиб, ёзиб юборилган эди, ҳокон ҳазрат «Дарҳол иқтидорли ботир амирлардан амир Абдулбоқибий ибн амир Абдуссамадни, Қанбарбий, чухра окосилардан Раҳмонқули чухра ақоси, Лўсмирзо чухра<sup>623</sup>, Мирзо Севинч, Хожамқули қушбегиларни олиб, душман кетидан тезлик билан чопсинлар, чин қасд билан, жазман таважжуҳ қилиб, йўлга тушсинлар. Уларни топсалар ажаб эмас», деб буйруқ бергач, амирлар, олий ҳазрат буйруғига биноан, душман томонга таважжуҳ қилиб, йўлга тушдилар.

Қундуз қалъаси шуқуҳини, қалъа устидаги душманнинг дафъи учун қўйилган тешиқларни, қалъа девори остидаги чуқур хандақларни, баланд деворларини кўриб, қиска ўйлаб яқинни кўрадиганлар назарида қалъани фатҳ этиш ва уни олишни кўз олдига келтириш муҳол кўринган бўлса ҳам, уни олиш нусратли амир Қулбобонинг ширинсўзлиги билан андақ >гуддатда рўй берди. Бу ҳодисанинг шарҳи, бу воқеанинг юз бериши шундай бўлди: Қундуз қалъасининг қамали саккиз кунга етгач, давлат таянчи, салтанат ишончи, иззатли улуғ бошчи амир Қулбобо кўкалтош қалъа ёнига бориб Қўрчибек билан сулҳ тўхтамини тузиш тўғрисида сўзлашиб, ҳашаматли ҳоконнинг фармони билан, ҳамма нарсани яратувчиси улуғ Тангрига таваккал қилган ҳолда, қалъага кириб ҳокимини йўлга солиш, унга тўғри йўл кўрсатишга жидду жаҳд сарф этиб, нодонлик, гушунмасликни йўқотишга зўр куч сарфлади. Сулҳга келиб, тўғри йўлга қайтиш тариқини кўрсатди. Фитна ўтини ўчириш, ғавғони пайсатириш учун ваъзнинг тиниқ чашмаси, насихатнинг ширин сувлари йўлини унга очди. Насихат тили билан унга қуйидагиларни айтди: «Ўзингни ҳалокат гирдобига ташлама, халқ эилан ўйнашма,

## М а с н а в и й :

Қалъа орқасида нима деб тўхтаб турибсан?  
Бизнинг қўлимизда тошнинг мумдек эришини  
билмасмидинг?  
Қўрғонига ва унинг хандақларига мағрур  
бўлма,  
Хандақ бир чуқурлик, қўрғон эса бир тепалик.  
Хандақ сувини сен ўзингга паноҳ қиласан,  
Аммо бизнинг тимсоҳлар дарё бўлса ҳам парво  
қилишмайди.  
Агар қалъанинг девори осмонга бош тортган  
бўлса-да,  
Бизнинг бургутлар фаришта қанотлидир, ундан  
учиб ўтади».

Қўрчибек Тангри иноятининг далолати билан подшоҳнинг куч-қувватини ўз кўзи билан кўргач, агар итоат қилиш бошини фармонбардорлик ҳалқасига солмасдан, жаҳон подшоҳининг қиличидан омон тилаб, ўз иқтидори жилавини олийқадр шохнинг хизматчилари ихтиёрига топширмасдан, ишнинг олдини олиб, унга бошқа чора кўришга имкон қолмаганлиги унга равшан бўлди. Амир Қулбобонинг панду насихати кўнглидан жой олди; унинг ширин сўзларидан байъат қилишга шамъдек боши қизиди. Тўхтовсиз кибрнинг баланд авжидан мискинлик тубанлигига тушиб, қалъанинг эшигини очди. Подшоҳга лойиқ хилма-хил туҳфалар тайёрлаб, мазкур ойнинг ўн олтисиди<sup>624</sup>, якшанба куни Муҳаммад Замонбек Шерозийким, у ҳам Шохрух мирзо умароларидан эрди, унинг иттифоқи билан қалъадан чиқиб, олий боргоҳга етиб келдилар. Иззатли, олий мартабали давлат таянчи амир Қулбобо шафоати ва воситачилиги билан муборак палосининг четини ўпиш бахтига мушарраф бўлдилар. «Агар бизларни ярлақамасанг ва бизларга раҳм қилмасанг, бизлар албатта зиён тортувчилардан бўламиз»<sup>625</sup>, деб овоз кўтардилар. Ҳокон ҳазратлари амир Қулбобо кўкалтош шафоатини қабул қилиб, Қўрчибекнинг гуноҳи жаридасига афв рақамини чекди, марҳамат тўнини унинг бахтли қоматига ёпди. У яна амирлар қаторига кириб, интизом топди.

Қундуз қалъаси шундай олий бир қалъа эдики, ҳеч бир вақтда олий шаънли ҳоконларнинг тасарруф қилувчи қўли деворининг тешиқларига ҳам етмаган эди. Бу қалъа тадбирли амир Қулбобо кўкалтош воситаси билан фатҳ этилди.

Хокон ҳазрат аввал у қалъанинг волиийлигини Жонибек султоннинг ўғли саодатнишон Динмуҳаммад султонга берди. Пок қалбли Дўстимбий кушчиқим, ғоятда холис ниятли, гўзал ақидали эрди, иродаси бошини Оллоҳга хос тариқат арбоби бўлган бандаларга инобат қилиш ҳалқасига суққан эди, илм, камол арбоблари, фикру хаёл фирқаларига аралашиб, азиз умрини уларнинг номдор, қутли мажлисларида кечирарди, хокон муслмонларнинг холини кўзда тутиб, уни Динмуҳаммад султонга оталиқ<sup>626</sup> қилиб тайинлади. Барча куллий ва жузъий муҳим ишларнинг жиловини унинг кифоядор қўлига, донишмандлик қабзасига топширди. Бу қалъанинг фатҳи эса зийрак, нуқтадон кишилар олдида соҳибқироннинг кўзларига улуғ бир башорат эди, чунки бу фатҳ Бадахшонга юришни қасд қилиш олдидан рўй берди. Бу қалъанинг фатҳи муборак бўлди, негаки бу қалъа ғоятда баланд, осмон авжига бош тортган эди. Қалъа деворлари эса жуда ҳам мустаҳкам, қаватма-қават қурилган бўлиб, сиртида ниҳоятда чуқур хандақ қазилган эди.

Б а й т:

Дунёнинг аввалидан охиригача ип пишитилса,  
Ул хандақнинг тагига етмасди.

Қалъанинг ичи эса шундай фирқалар билан тўлган эдики,

Б а й т:

Улар мардлик майдонида уруш жанггоҳида  
туриб,  
Жанг ишларида йўлбарсдан гаров оларди.

Қалъа эса қалин қилиб қурилиб, ғоятда мустаҳкам ишланган эди. Шунчалик маҳкам бўлса ҳам андак таважжуҳ билан осонлик ила олинди. «Фотиҳа» сураси Қуръон бошланмаси бўлганидек, бу фатҳ вилоятлар фатҳининг аввалида шунга ишора бўлдики, Бадахшон вилояти, Хатлон мамлакатининг тамомийси андак замонда, заҳмат чекмасдан, кулфат, машаққат тортмасдан, жаҳонгир сипоҳларнинг тасхири қабзасига, тадбири тасарруфига киргай. Аввалда рўй берган нарса охирида ҳам юз кўрсатиб, мурод ойнасида жилвагар бўлгай. Донишмандлар фикри бу фатҳ вуқуьидан

кейин фатҳ ва зафар куёшининг тулуғига жазм пайдо қилди, чунки жаҳонга оро берувчи фикр фалакда кезувчи булут катраларидан саҳро боғларининг яшнашига далил исбот бўлади. Тўғри томонни кўрсатувчи кўнгил баҳор шамолининг эсишидан райҳонлар ва тоза гулларга интиқол қилади.

Қ и т ъ а:

Ишнинг ҳақиқатидан огоҳ бўлувчилар бундан  
андоза олиб,  
Ҳар нарсанинг аввали қандай бўлса, охири ҳам  
шундай бўлади, дедилар.

Хокон ҳазрат қалъа ишларидан кўнгилни тинчитиб, зафар топиб, нусрат қозониб, мақсадга етишиб, «Жамшид шукуҳи, Ардавон<sup>627</sup> шавкатидек ғалаба нишонли ялови билан улуғ даражали Келдишбий, Жондавлатбий, Жўлтойбий, Беккойбийларни Қалъайи Шохназар<sup>628</sup> томонига юборди, «Улар бориб қалъани тасарруф қилиб, у жойнинг халқини, уларнинг уруғ аймоқларини, қавму қариндошларини йиғиб, муборак ўрдуга юборсинлар», деб буюрди. Хоконнинг ўзи Толикон Бадахшон вилоятидаги жойларнинг яхшиси бўлгани учун иродаси яловини у томонга кўтарди. Сўнгра Толикон атрофи юлдузнишон чодирларнинг қароргоҳи бўлди. Ул манзилда иззат-қудратли султон, яъни Узбек султоннинг<sup>629</sup> ўғли Ҳазора султон Ҳисори Шодмон<sup>630</sup> томондан тезлик билан келиб, хоконнинг муборак қўлини ўпиш саодати билан ғоятда шараф, комил бахт топди. Хокон ҳазрат марҳамат қўлини унинг кифтига кўйиб, уни хилма-хил меҳрибончилик, турли-туман яхшилиқларга хос қилди. Толикон вилоятига султон Сулаймоннинг шижоатнишон ўғли Маҳмуд султонни ҳоким қилиб қўйди.

Кўп йиллардан буён олий даргоҳда иззату, иқбол билан ясовул<sup>631</sup>, маҳрам<sup>632</sup> бўлиб, маҳрамлик мартабасида даража топиб келган Хуши ясовулни унга оталиқ қилиб тайинлади. Унинг тарбиясига тоза кўнгил қўйди. Сўнг у жойдан давлат тожини Баҳорак<sup>633</sup> томонга юриш қасди учун ялов кўтарди. У жойнинг ҳавоси қутли қўшиннинг қўниши билан мушқу абир исли бўлиб кетди. У жойда иззатли, баланд мартабали хоконнинг таклифига биноан, халқларнинг пушти паноҳи, улуғ машойихлар

пешвоси шайх Халилуллоҳ ташриф буюрдилар. Кутлуқ учрашиш шарафи билан ғоятда иззат-икболи ортди. Хоконнинг олий мажлисига кирмасдан аввал хоконнинг улуғлигини, шавкати кўргач, хоконлик хайбати, хонлик сиёсатидан зўр даҳшат, кучли ваҳшат шайхни истило қилган эди. Рухсатдан кейин кирди ва хокон хазратнинг қўлини ўпишга бир неча қаддам қолганда ундан таъхирлик рўй берди. Мутафаккир хокон унда бу ҳолни кўргач, унинг жуда мутаккабирлигига, ғоятда саркашлигига, ўзини катта тутганлигига йўйиб, шу мажлиснинг ўзида буни шайхнинг юзига изҳор қилди. Ҳақиқатда, бу воқеанинг пайдо бўлиши, ўзига берилиб кетганлигини кўрсатарди. Жавобга мутасаддий бўлолмади. Кўп вақт, узок муддатдан буён шайхнинг одати, тутган йўли шу эрдик, ҳар йил иқтидорли хонақоҳлар услубида, баланд даражали султонлар расмида тоғ халқининг тош юракли, урушқок, найза тутган, қилич тақинган жангчиларидан йигирма мингча кишини йиғиб, Тирсак атрофида қарор олган, Катур<sup>634</sup> томонидаги кофирларга қарши қўзғолон кўтариб, улар билан ғазот, жиход қилиш қасдида ялов кўтарарди. Унинг бу ҳолини билгач, шак-шубҳанинг ғубори, хавф-ташвиш тўзони хокон дилининг лавҳидан, хоотири ойнасидан рўй берди. Шайх томонидан кўрсатилган саркашлик сурати нуруний кўнглининг саҳифасидан юз кўрсатди. Шунга биноан унинг жаҳон итоатлик ҳукми шайхнинг қутли қўшин ичида тўхтаб туришига бўлди. Уни сақлаб, аҳволини кузатиб туриш, халқ бошлиғи, ҳурматли амир Қулбобо кўкалтош жанобларига топширилди. Аҳмад Алибий найманни эса, у Бадахшон сипохийларидан эди, у вилоятларнинг йўлини, расму русумини яхши биларди, юксак даражали улуғ мансаб эгалари ва уларнинг молу манолларини таҳқиқ қилиш ҳамда Тирсак, Хўст, Фархор вилоятларининг<sup>635</sup> шайхи шайх Халилуллоҳнинг аҳлу аёлларини келтириш учун юборди. Хоконнинг ўзи зафарнишон яловини у жойдан Шохбек қалъаси томонига кўтарди. У қалъадан ҳам ўтиб обу хавосининг яхшилигидан Арханг, Соли сарой<sup>636</sup> тарафларига қараб юрди. Бир неча кун ўша кўнгилочар жойда шункор, лочин билан турна ва ғоз овлаш учун тўхтади.

ҒАЛАБА НИШОНЛИ АМИРЛАРНИНГ КУЧ-ҚУВВАТ  
БИЛАН ДУШМАН КЕТИГА ТУШИШЛАРИ БАЁНИДА

Бу воқеанинг тафсили шулки, олий хокон хазрат Оксарой<sup>637</sup> мавзеидан Шохруҳ мирзонинг ҳамшираси билан никоҳда бўлган амир Низомиддиннинг тасарруфи остида маҳкам бўлиб турган Ғури қалъасини тасхир қилишга давлат таянчи Шох Саъидбий қорликни юборди. Бу ҳақда аввалда ҳам ёзилган эди. Амир Шох Саъид бахтли хоконнинг буйруғига биноан, қасд жиловини у томонга буриб, ўз кишилари билан тезликда Ғур томонга жўнаб кетди. Бақлон<sup>638</sup> мавзеига етганда амир Низомиддиннинг қочганини эшитди. Тўхтовсиз Ғури томонига қараб юрди. Шунчаликки, жойнинг одатдаги хавосининг хилофида совуқ жуда юқори даражага етган эди. Қорнинг кўп миқдорда ёғганлиги шу мартабага етган эдики, наमत ёки шунга ўхшаш нарсаларни оёқ остига ташламасдан ўтиш қийин, юриш мушкул эди. Шу ҳолда йўл юриб, Ғури хисорига етдилар. Ҳарбий асбоб ишлатмасдан, найза қилич ишлатмасдан ғоятда мустаҳкам бўлган Ғури қалъасини ишғол қилди. Уни мусаххар қилиш илгариги зўравонларнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Сўнгра олий остонага вилоятнинг мусаххар бўлган хабаридан иборат аризани юборди. Кўнгил бу ташвишдан тинчиди.

Шавкатли хокон бу воқеани эшитиб хурсандлик, шодлик, секинч изҳор қилди. Ул жойнинг ҳукмронлигини амирлар пешвоси бўлган Дўстимбий чашми абру жанобларига топширди. Амир Шох Саъидни эса покошён остонасига чақиртирди. Тадбирли, фикрли амир жаҳонгир хоконнинг мулозамати шарафи билан мушарраф бўлди. Шунинг учун ўша кунларда Бадахшон вилоятининг бошлиқларидан бир тўда ботирлик хаёлидаги амирлар жафокор, кина қўзғотувчи гуруҳлар баҳодирлик отига миниб жанг майдонида саф тортиб, кўпданкўп эҳтимом қилмоқда эдилар. Улар бўлса мазкур бўлган амир Низомиддин, Шерхон бўлакчи, Шох Ҳасан Термизий, Мирзо Муҳаммад, мулла Асирбий ва булардан бошқа ўткир феълли, кина сақловчи, жанговар йигитлардан бир тўдаси оила, мол-холларини кўчириб, баланд довлонлардан ошириб, қор устида йўл юриб, Кобул томонга элтиб қўйган эдилар. Шох Сулаймон, мирзо Шохруҳ элчилари эса бу гуруҳга қўшилиб, иззатли, олий даражали

Жалолуддин Акбар подшоҳга<sup>639</sup> хабар бериш учун Ҳиндистонга кетди, деб эшитилгач, ҳокон ҳазрат Гадоӣ султон, Махмуд султон, Шоҳ Саъидбий, Али Мардон баҳодирнинг ўғли Турди мирзо ва андижонлик амирлардан Шоҳназар девонларни душман кетидан юборди. Ғалаба асарли аскарлар, шоҳ фармони тутиб, қасд отини жилвага келтирдилар; отлари жиловини тўлғаб, душманнинг пайига тушиб, уларни топишни ўз ҳимматларига таважжух қилдилар. Икки кеча-кундуз душман кетидан елиб-югуриб, қор босиб бориб, Андаробга<sup>640</sup> етдилар. Шоҳ Саъидбийнинг кишиси Амир Солиҳ амир фармони билан у жойдан душман хабарини топиб, текширишга киришди. Хинжон<sup>641</sup> мавзеида юқорида номлари зикр қалами билан ёзилиб ўтилган Бадахшон амирларига етишди. Душманларни қўлга олиб қайтишга даст қўйди.

Шоҳсаъидбий мазкур бўлган амирлар билан ғалаба қозониб, қайтиб келиб, Норинга<sup>642</sup> етганида, олий ҳокон ҳазрат томонидан ўша жойга одам келиб, қуйидаги фармонни етказди: «Шоҳ Саъидбий Ҳузмулхон ҳамроҳлигида Бадахшон вилоятидаги бир жамоа мўғулларни ҳам қўлга олсин, чунки у вилоятда улардан кўра шижоатлироқ киши йўқдир. У халқнинг ботирлик овозаси, баҳодирлик бонги ҳаммага ёйилгандир. Қайси жойга етган бўлса ҳам, у жойдан Коҳмардга<sup>643</sup> қараб юрсин. Зўр эҳтимом билан у фалак интизомли қалъани мусахар қилсин». Шу фармонга биноан, амирлар амири Шоҳ Саъидбий жаноблари қўлга олган асирларни Амир Солиҳ, Жамолиддин Ашкий билан хоннинг олий даргоҳига юбориб, ўзи ёмғир қатрасидек ҳисобсиз аскарлар, тўфондек жўш урган сипоҳлар билан мардоналикда ягона бўлиб, журъат билан, Коҳмард томонига жўнади. У қалъанинг ҳукуматдорлиги эътиборлик амирлардан Ханжар Алибекнинг тасаруфи қабзасида қарор топиб, Шоҳрух мирзо томонидан икки баҳодир кишини унга ёрдамчи қилиб тайинланган эди, улар амирнинг савлатидан, жаҳонгир аскарларнинг зарбасидан кўрқиб, биринчи осмонга<sup>644</sup>, дўнгалик фалакка баробарлик кўрсатган, балки ундан ҳам юқори турган қалъани ташлаб, саросима бўлиб чекиниш йўлига кириб, қочишга юз қўйди. Ғалаба қозонган амир Шоҳ Саъидбий фатҳу зафар билан қалъага кириб ўлтирди. Қалъанинг буржу бурларини сақлаш учун ҳиммат камарини

белига боғлаб, рўй берган мазкур фатҳни, яъни қалъанинг олинishi суратини тасвирлаб ҳокон ҳазратга ариза ёзиб юборди. Бу воқеани эшитгач, қуёш толелик ҳокон ва Муштарий юлдузли подшоҳга севинч устига севинч қўшилди. Амир Низомиддин билан Шерхонни сақлаб туришни давлат таянчи бўлган Шоҳимбийнинг тасаруф қабзасига топширди, Қоракўл<sup>645</sup> тарафга, унинг олдига юборди. Ўша жойда сақлади. Бу билан иккаласидан бошқа амирларни сақлашни олий давлат арбобларининг бошқа бир фирқаларига топширди.

Шоҳ Саъидбийга келсак, унга подшоҳона марҳаматлар, шоҳона инъому эҳсонлар изҳор қилиб, Коҳмард вилоятига бирмунча аймақларни қўшиб, унга инъом қилди. Мазкур мазмун таъкидланган олий нишон ҳам юборди ва у вилоятда таваққуф қилиб туришга буюрди.

#### МАРДОНАЛИҚДА ЯГОНА БЎЛТАН АМИРНИНГ ҒУРИ, КОҲМАРД ҚАЛЪАЛАРИ ТОМОНИГА ЖЎНАШ

Бу дилкаш воқеа, гўзал қиссанинг баёни шулки, иззатли, олий даражали амирлар найза санчиш, қилич чопиш пайтида, сарбозликда ўткир қиличлардан ўзини олиб қочмайдилар, ҳарбу жанг майдонида, душмандан ўч олиш пайтида, мурод юзини зафар ойнасида жилва қилиб тургандек кўрадилар.

#### М а с н а в и й :

Шундай сипоҳдирларки, фатҳ уларга мансуб,  
зафар уларга йўлдош,  
Улар салобатда тоғдек, тезликда сувдекдирлар.  
Ҳаммасининг қўнгли кина билан, бошлари  
ғазаб билан тўлган,  
Улар душманнинг қони билан кўзларини  
қорайтирган эдилар.  
Улар маҳбублар кўзидек бирма-бир ўткир  
жангчилар.  
Уларнинг жанг пайти тошдан ҳам каттиқдир.

Узоқдан Қундуз қалъасини кўриб, ҳокон |  
ҳазрат фармони бажаришга улар тоғ как-  
ликларининг тўпланиб турганидан хабар топ-  
ган лочиндек, ёки шамолнинг қўзғотиши би-  
лан куриб ётган пахтага тез туташган оловдек. "  
елдек югурувчи бодпой отлардек бўрон ҳара-  
катли ботирлардирлар.

## Б а й т:

Отлари сабо шамолидан тезроқ елади,  
Юриш пайтида у сарсардан ҳам ўзади,

нгундай чопкир отларни тақимлари остида жилвага келтириб, ҳиммат жиловини дадиллик кўлига олиб, ғоятда иттифоқлик билан у нифоқ аҳли сармоясини топиш учун Толиқон томонга қараб жўнади. Ул манзилга етгач, Шохим мирзонинг Кишм томонга, Қалъайи Зафарга қочганини эшитиб, тўхтовсиз у жойдан Хожам қушбегини олдиндан юришга қоровул<sup>646</sup> қилиб йўлга тушдилар. Пок Тангри инояти ёрдами, хокон давлати қуввати билан кўнгилларини тўқ қилиб, Тангрига таваккул қилган холда душман кетига тушдилар. Шохрух мирзо эса ғалаба қозонган сипоҳлар келаётганини эшитгач, Кишмдан чиқиб, ўзининг Жаҳонгир кўка, Мехр Алихон, Мухримхон каби амирларини Зафар қалъасига қўйиб, ўзи зафар таъсирли аскарнинг бир зарбасига тоб беролмай, саросима бўлиб қочиш йўлига тушди. Нусратнишон сипоҳлар Шохрух султоннинг қочган хабарини у жойдан яна эшитдилар. Сўнг юришни шамолдан ҳам ўтказиб, шошилиб, сайр қилишни сарсар шамолидан ўрганиб, Кишм ва Зафар қалъаси томонига қараб жўнадилар. Давлат душманларини топиш учун ҳиммат қулочини ёйдилар. Катта тезликда Кишмдан ўтиб, Зафар қалъасига етдилар. У шундай осмон хайъатли қалъаки, осмон ҳам унга баробар келолмас эди. Уни тўхтовсиз қуршаб олдилар. Зафар қалъаси шундай маҳкам кўрғон, мустаҳкам қалъа бўлиб, у тоғ устида яхлит бир бўлак қилиб қурилган эди. Унинг баландлиги шу даражада эдики, унинг буржи ва деворлари кўк осмондан, Сурайё буржидан<sup>647</sup>, балки Сидратилмунтаҳо чўққисидан<sup>648</sup> ҳам ўтган эди. Агар йиллар бўйи хаёл жосуси юқори кўтарилса, ҳиммат қўли унинг кунгиралари этагига етолмасди. Тезучар қуш қанот ёйиб, сарсар шамоли тезлигида учса ҳам, ярмига етолмасди, йўлда қоларди.

## М а с н а в и й :

Зафар қалъаси осмон иқтидорли қалъадир.  
Мустаҳкамликда у фалақдан давра кўтарганди.  
Баландликда эса боши осмонга етади,  
Эшиги бахиллар эшигидек доимо беркитилган  
холатида туради.

Гўё ер осмон устига чиқиб, қуёш қулчасига  
Дўнғалак хонтахта бўлганидек.

Жаҳонга паноҳ бўлган қалъанинг ҳар бир буржига фалақ тупроқ, ой кўза бўлиб, унда гўё Қулзум дарёси<sup>649</sup> тўнтарилиб сув қудуғи бўлган. Ундаги сув қуёш чашмасидан тўлдирилган эди. Кўкча дарёси<sup>650</sup> эса, у Жайхун сувига қўйиларди, шу қалъанинг девори тегидан сурканиб ўтади. Унга чиқадиган йўлни ҳар жой ҳар жойига ёғоч боғлаб ясалган зинапоя қўйилган эди. Агар у зинапоядан бирини олиб юборилса, унга чиқиш, тушиш қийин бўлиб қоларди.

Қиссанинг давоми шулки, иккинчи куни бу кўк манзарнинг эгаси, яъни Тангри олтин хайкал, яъни маҳчасини кўтаргач, тонг тиғининг порлаган зиёси найза, ханжарнинг нур сочган ёруғи жаҳонни равшан ва нуроний қилиб юборди.

## М а с н а в и й :

Иккинчи куни юлдузқадр сипоҳ эгаси подшоҳ  
бу қалъа фатҳига ялов кўтарди,  
Ўша куни тонг отиб, фалақ турки, яъни қуёш  
бошига олтин дубулғасини қўйгач,  
Қуёш нури уфқ, яъни осмон қанорасидан тоғ  
белига тиғ урди,  
Ой ўз қалқонини сувга тахлади, осмон қуёш  
нуридан сийнабанд бўлди.

Сўнгра зафар асарли сипоҳлардан жангчилар, баҳодирлар, интиқомчи аскарлар Зафар қалъасининг тасхирига ҳиммат юзини ўғирмасидан, журъат қадамини шижоат йўлига босмасдан, далирлик бошини ботирлик мақомига қўймасдан илгари, баҳодирлик чўққисининг қоплони Дўст мирзо чухра оқоси жанг чопонию, жадал либосини кийиб, пўлод дубулғани бошига қўйиб, жуссасини совутга ғарқ қилиб, дурру жавоҳир билан безалган асил, ўткир қиличини белига осиб, тез елувчи арғумоқ, чопкир отини ўрнидан кўзғатди. У томондан кўп халқ, ёшу қари, тўсатдан зимистон кечада отган ўқининг учи билан ёмон андишали зангининг юзидаги холини юлиб оладиган, бошидан оёғигача дубулға, совут остига кириб темирга ғарқ бўлган, гўё у мавж урган дарё жўш уриб хуруш кўтарганидек, икки-уч минг пиёда халқ юқоридан пастга тушиб, бирдан жанг майдонига қараб юрди, макру фириб иш-

латиб, бир тўдасини жанггоҳга юборди, бошқа бир тўдасини интиком олиш учун пайт пойлаб, камингоҳга қўйди. Бу томондан Дўст мирзо чухра оқоси ўзига тобе бир қисм ва ёрдамчи сипоҳлар билан душманга қарши турди. Баҳроминтиком қиличини ҳиммат қинидан суғуриб ва душман сафига ташланиб кон тўкувчи қилич, фитна кўзготувчи найзаси учи билан жуда кўп халқни мажруҳ қилиб, бирмунчаларини бежон қилди.

#### М а с н а в и й :

Дўст мирзо сафни йиртувчи йўлбарс,  
Ундан душманларнинг дили шикастадир.  
Жанг пайтида совутга ўралиб, дарёдан балик  
кўрингандек кўринарди,  
Кон тўкиш учун бу йўлбарсни банд қилувчи  
тимсоҳдир.  
Махбублар мижгонидек шамширни осиб  
чиқади.  
У арабий насли оти жиловини тутса, унинг ола  
оти ўйинга тушади.

Фитначи душман Баҳри аҳзар мавжининг тўлкинидек мавж уриб, қўл узатиб, мардоналик билагини кўтарди. Ботирлик оёғини маҳкам қўйиб, далирлик билан жанг қилишни олдинга сурди. Дўст мирзо чухра оқоси қаршисидаги қоплон ҳайбатли тўдаларга наъра торган йўлбарсдек ҳамла қилди. Қонсочар найзаси захми билан душманнинг кўкрагидан, жигаридан туйнуқлар очди. Охирда душман тўсатдан саросимага тушиб, жанг майдонидан юз ўгириб, ўз камингоҳларига қочди. Дўст мирзо чухра оқоси ўзига ҳамроҳ бўлган кишилар билан қочганлар орқасидан тушди. Иттифоқо, камингоҳда жойлашган гуруҳлар жойларидан чиқиб, икки томондан қарши чиқиб, жанг қилдилар. Бир номарднинг қўлидан отилган ўқ Дўст мирзо чухра оқосининг чап кўзига келиб тегиб, уни захмдор қилди. Гўё замоннинг ёмон кўзидан унга захм етди. Ўша ҳодисанинг таърихини «Чашми захми»<sup>651</sup> деб хотирланади. Андаккина бўлса ҳам шундай захм рўй бердики^ ҳол тили бу сўзнинг тараннумига бундай тил очди:

#### Б а й т:

Бадандиша душманлар мендан қилич юзию,  
Камон орқасидан бошқа нарса кўрмайдилар.

Иккинчи навбатда ҳамла қилиб, уларни олдига солиб қувдилар. Ўлим тупроғини ботирлар қони билан бўяб ғоятда мардоналикни ихор қилдилар. Бу вилоятдаги зафар асарли аскарлар мавж урган дарёдек гуруҳ-гуруҳ, кетма-кет етиб келиб, тўхтовсиз ул жамоа билан жанг қилдилар. Душман уларнинг зарбасига тоб беролмай, қасд жиловини қочиш тарафига буриб, ҳар томонга қараб чопдилар. Бир гуруҳ қалъага кириб қутулишга ҳаракат қилди. Зафар асарли сипоҳлар қайтиб келиб, Дўст мирзо чухра оқосининг ярасини боғладилар, олдига келиб мим ҳарфи халқасидан ҳам тангроқ халқа қуриб ўлтирдилар. Натижада тўртинчи куни душманнинг сабот билан маҳкам босиб турган оёғи титраб, сабр-тоқати, биноси ўз-ўзидан йиқилди. Тулкидек у маккор, хийлакор гуруҳлар бабр оловчи йўлбарслар хавфидан кўркиб, сабабсиз ожизлик, чорасизлик жиловини қочиш йўлига буриб, қалъадорликни тарк этиб, кечаси қалъадан пастга тушиб, Кобул томонга қараб жўнадилар. Амирлар душманнинг қочганидан хабардор бўлгач, сабо шамоли тезлигида йўл юриб, манзилларни кесиб ўтиб, душман кетидан чопдилар ва бориб-бориб Бадахшон этагига етдилар. То шу пайтгача Шайбоний хонларидан ҳеч бири у жойга етмаган эди. У жойда уларни топмадилар, асарини ҳам кўрмадилар. Шохруҳ мирзо томонидан улар қорнинг танг, тор қоронғи довларидан ошиб, жуда кўп айланма, ингичка йўллардан ўтиб, Кобулга етдилар, деган хабарни эшитдилар. У жойдан илгарига ўтишга буйруқ бўлмаганлиги учун у жойдан қайтдилар. Қайтганда ҳам кўп ғанимат, ҳисобсиз ўлжалар билан қайтдилар. Бошқалардан бир кун илгари Қанбарбий, Дўст мирзо чухра оқоси Танг афрас тоғига етдилар. У тоғ ғоятда баландлигидан чўккисининг боши осмон авжига бош урган, хаёлнинг тезрав хабарчиси унга етиши ғоятда муҳол иш саналган тоғ эди. Шу сабабли бирмунча жамоа фикрсиз, тadbирсиз, фикри бузуклар уларнинг кўп-озлигини тасвирлаш ойнасида рўй бермасди. Танг афрас устига келиб яширинган эдилар. Зафарнишон сипоҳларким. амирлар кетидан кетган пайтида уларнинг ғалабаси, ҳужуми хавфида тарқалиб кетган эдилар, сўнгра улар мустажоб бўлган дуодек, ҳар томондан ўшал осмонмонанд тоққа келиб йиғилишган эдилар, иккинчи куни қуёшнинг ға-



лабали Жамшиди осмон чўққиси устида ту-  
луь ва зухур яловини кўтариб, юлдузлар си-  
поҳини осмон ошуби устидан қочириб тарқа-  
тиб юборди.

#### М а с н а в и й :

Иккинчи куни Жамшид чехрали шоҳ, яъни куёш  
Айланиб турувчи фалак устига чиқди.  
Уфқдан шавкатли субҳи содиқ билинди,  
Тоғнинг маст туяси оғзидан кўпик сочмоқда эди.

Амирлар кетма-кет етиб келди. Бахонасиз  
хар томондан шижоат ўрмонининг йўлбарсла-  
ри, мардоналик, ботирлик, мушкул йўллар-  
нинг тимсоҳлари жангу жадал асбобини, хар-  
бу каттол олатини тайёр ва мухайё қилдилар.  
Нағора-сурнай овози, суворийларнинг сурони,  
«ол!», «тут!» деган садоси, тахлил<sup>652</sup>, такбир<sup>653</sup>  
замзамасининг хуруши олий фалакка етди. Жу-  
да кўп жангу жадал, ҳисобсиз тортишувлар  
сўнгида зафар қудратли яловни ўша фалак  
нишон тоғнинг устига тикдилар.

Яманий қиличлар бош кесишни илгари сур-  
ди, хатти найзалар<sup>654</sup> ўч олишни қабул қилди,  
калкон чини Чин тиришқоклигини ташлаб ўт-  
ди, ўт очувчи милтиқлар Айман водийси<sup>6-13</sup> хир-  
манидек ўт сочди. Тамомий тош, тупроқ, ул  
эшакмунчоқ рангли фосиқ-фасодчиларнинг қо-  
нидан ёқут рангли бўлиб кетди.

#### Б а й т :

Душманлар танаси оёғ остида тупроқ бўлди,  
Тошлар қондан лаъл тусига кирди.

Жанг пайтида найзанинг ниҳоли бир бош  
мева қилган хурмога ўхшарди, милтиқлар эса  
^т сочишда Айман водийсининг хурмо дарах-  
тидек кўриниб, милтиқлар зиёсидан жанг  
майдони ёруғ бўлиб турарди. Натижада Танг-  
ри ёрдами баракотидан, соҳибқироннинг шон-  
шавкати гўзаллигидан душманнинг сабру қа-  
рори ва чидамнинг суянчиғи зилзилага кел-  
ди, ул гумроҳлар сабр-тоқатининг биноси еми-  
рилди. Иложсиз бўлиб ожизлик, ночорлик жи-  
ловини тўхтовсиз жанг майдонидан буриб қоч-  
дилар, қасд отини мағлуб бўлиб қочиш томо-  
нига кўзғотдилар. Амирлар, аскарлар хужум-  
га ўтиб, ўт чакнаган қилич ва ўткир найзалар  
билан исёнчилар тўдасининг ҳаётини ҳалокат-  
га учратдилар. Фойдасиз ишга уринган туп-

роқдек кадрсиз бўлганларнинг кўпини оёқдан  
йикитиб, нобуд қилдилар. Ҳисобсиз кўп ғани-  
мат ва чексиз ўлжалар зафарнишон сипоҳлар  
кўлига тушди. Кўпчилик халқ асирлик — ги-  
рифторлик камандига бош қўйди. Қалъанинг  
фатҳи, очилиш сурати мурод кўзгусида жилва  
қилгач, зафар иттифоқли сипоҳлар қасд жи-  
ловини Рустоқ<sup>656</sup> томонига бурдилар. У ви-  
лоятни қўлга олиб, тасарруф қилганларидан  
кейин хабар эшитдиларки, Толикон ҳокими  
Абдуррахмонбек сувчибошининг мирзоси бўл-  
ган Мир Оташ, Мирзо Муҳаммад садгов, Мир  
Султон Муҳаммад бошқа фирқалар билан би-  
рикиб, Рустоқ тавобеъидан бўлган Баччамурғ-  
да жойлашган ул олиймақом ва мустаҳкам ман-  
зилда туришибди. Шунга биноан, иззатли ва  
қудратли амирлар Муҳаммад Замонбекни ис-  
тимолатнома<sup>6-57</sup> билан уларни чақириб келишга  
юборди. Муҳаммад Замонбек тезликда Бачча-  
мурғга етиб, истимолатномани у ерда яшири-  
ниб ётганларга кўрсатди ва уларни хоннинг  
меҳрибончилиги, ҳоконнинг лутфу марҳамати  
билан умидвор қилиб, бўйсунушга чақирди.  
Бир неча марта мурожаат қилиб, хат бериб,  
хат олгандан кейин, амирлар юқоридан пастга  
тушиб, Муҳаммад Замонбек ҳамроҳлигида хо-  
коннинг амирлари томонга қараб йўлга туш-  
дилар. Сўнгра аскар бошлиқлари, олий дар-  
гоҳ мўътабарлари давлат душманларидан хо-  
тиржам бўлиб, ғалаба қозониб, зафар топиб  
ҳисобсиз ғанимат, жуда кўп асбоблар билан  
шижоатда машҳур бўлган подшоҳ томонига қа-  
раб жўнадилар. Имом мавзеига<sup>658</sup> етганда, олий  
жаноб даргоҳига тезда етишиб, подшоҳлик  
инъоми, унинг чексиз ҳурмати марҳамати би-  
лан мумтоз бўлдилар. Подшоҳ ҳазрат Абду-  
рахмонбекни, Шохрух мирзонинг бошқа си-  
поҳлари билан бирликда, подшоҳона лутфу  
марҳаматлари билан сийлади. Уларни ўз ас-  
карлари қаторига қўшди.

Шу жойда турган пайтларида Кўлоб<sup>659</sup> то-  
монидан бир киши келиб хабар берди. Унинг  
айтишича, бир тўда олийнасаб сайидлар, Чит-  
рол амирлари Шохрух мирзонинг ўғли Му-  
ҳаммад Замон мирзони олиб, Кўлоб қалъасига  
кириб олганлар. Қалъадорлик йўсунида инти-  
ком олиш пайтида зарур бўладиган нарсалар-  
ни тайёрлаб, эхтимом камарини белгабоғла-  
ганлар. Шунга кўра, соҳибқирон ҳазрат ша-  
хар олувчи, қалъа очувчи амирлардан Жон-  
давлатбий найман, Жўлтойбий хитойни Кўлоб

томонга юборди. Муҳаббат уйғотувчи сўзлар', насихатомуз ҳикоялар, итоат қилиш, хайрихоҳлик кўрсатиш, амрга бўйсунуш каби сўзларни ўз ичига олган таъсирли мактуб ҳам йўллади.

#### **ЭЪТИБОРЛИ АМИРЛАРНИНГ ХУСТ, ФАРХОР ВИЛОЯТЛАРИНИ ТЕКШИРИШ, ТАҲКИҚ ҚИЛИШ УЧУН БОРИБ БАНДГА ТУШГАНЛИКЛАРИ БАЁНИДА**

Бу воқеанинг зикри, бу ходисанинг пайдо бўлиши шулки, эътиборли катта амирлардан Муҳаммад Боқибий бир неча амирлар билан, подшоҳнинг фармониغا биноан, Хуст, Фархор вилоятларини текшириш учун жўнадилар. У кўк фалакка, Жавзо буржига бош урган осмон нишонли жойдаги амир Сухроб, Шох Мансур каби амирлар, сайидлардан Хожа Калон, Сайид Ҳошим кабилар, аввалдан итоат бошини тобелик халқасига суқиб, муносиб тўхфалар, лойиқ тортиқларни ихлос дастурхонига қўйдилар. У жойда амирларнинг ҳаммасига бир жойда сиғиб турадиган жой мумкин бўлмаганлиги учун уларнинг ҳар бирига алоҳида жой тайин қилиб, хизмат қилиш камарини белга боғлаб, оёқ устида туриб хизмат қилдилар. Сўнгра Кепак девона ошнаю бегоналарга номаъкул муомала қилиб, нолойиқ ҳаракатларни олдинга сурди, мусулмонлар моли тамаъига оёқ қўйди. Улардан бирининг оиласи номусига зулм билан қўл узатди. У халқ ғазабгинлик, ботирлик, фитнаангезликда ҳаммадан мумтоз эди. Юзсизликда, қон тўкишда уларга тенг келадиган халқ йўқ эди. Улар бу хислатда ҳаммадан устун турардилар. Подшоҳнинг одамлари ўзларини катта кўрсатганлиги, такаббурланганлигига чидай олмадилар, тоқат қилиб ҳам туролмадилар. Ўйламасдан тобелик, боқиндилик ридосини елкасидан улоқтириб, уни ҳамма тобелари бирлан ўлдирдилар. Бу даҳшатли воқеа пайдо бўлиб, бу зўр ходиса рўй берганидан кейин, у фитнани ихтиёр қилган, шижоатли фиркалар кўрқинчдан юраги тарс ёрилиб, жони хавф остида қолди. Ўша ноҳияда баҳодирлик, мардоналик билан донг чиқарган шижоатли донишмандлар кенгашиб, бундай дедилар: «Энди бизда ихтиёр қолмади. Биздан улар девонанинг қонини тугал сўрайди. Яхшиси шулки, ихтиёрни қўлдан бермайлик, қудратимиз жиловини ул эътиборли жамоанинг кафига

қўймайлик». Улар бу маънига иттифоқ бўлиб, итоат кўчасидан ташқарига оёқ босдилар. Исён кўтариш ҳаракатини эълон қилдилар. Туғён қилиб, саркашлик кўрсатишга ошиқиб, бир тўда «мен Рустамдан кам эмасман», деб юрган бебокларни йиғиб, зўр ғалаба, сўзсиз ҳужум билан эҳтиромли амирларни тутишга, бандга олишга юбордилар. Аммо уларнинг бузук ҳаёлидан, касодга учраган савдосидан амирларнинг хабари йўқ эди. Ҳеч кимнинг ҳаёли ойнасида бу нарса юз кўрсатмаган, сипоҳларга шундай макру хийлани ишлатди, деб андишага ҳам келмаган эдилар. Шунинг учун улар ўз оромгоҳларида фориғбол ўлтиришган пайтда, у йўлдан адашган, қон тўқувчи, бебок, юзи қоралар тўсатдан иззатли, улуғ мансабли сипоҳларга етишиб, уларни тутиб бандга солишга уриндилар. Биринчи тўқнашишда икки томондан қаттиқ жанг рўй берди, зўр ўлдиришлар сурати юз кўрсатди. Икки томондан қўп кишилар ҳалок бўлди. Ўртадаги тортишув беғоят авжигача чиқди. Амирлар гуруҳидан мардоналик тоғининг қоплони, донишмандлик дарёсининг тимсоҳи Муҳаммад Боқибий эса баҳодирлик, ботирлик йўлида, шижоат, ўчмандлик дастуридан лозим бўлган нарсаларни ишлатди. Қувват ва қудрати етгунича, жигарининг нами қолгунча, қучи етгунича ҳаракат қилди.

#### **М а с н а в и й :**

Икки томон аскарлари бири-бирининг устига  
ташланди:  
Фил устига ташланувчи интиқомчи қоплонлар  
Ҳар томондан жанг кўзғотдилар, қилич қўлида  
бир-бирига ҳамла қилдилар.  
Бу тўдадан фалак иқтидорли амир жанг учун  
майдонга қадам қўйди.  
Мардоналик билан лойиғича иш қилди.  
Қуёш юзи унинг қахридан сарғайди,  
У маломатзада душманларнинг ҳужуми,  
ғалабаси уст-устига кучайди,  
Кўпайиш ҳар вақт ортиб турди.

Амирларнинг одамлари соат сайин камайиб борди. Амирлар вақтнинг тақозосига қараб, жангдан қўл тортдилар. Бандга қўнғил қўйиб, каманд қайдига бош эгдилар. Ҳа, шундайдир анор дона ёқут. То қонда маҳбуслик қайғусини чекмаса ҳоконлар остонаси тупроғини ўпиш шарафига етолмайди.

## М и с р а:

Ганж илон билан бирга, гул эса тикан билан  
биргадир.

Кундуз, Бақлон, Кишм, Толиқон, Кохмард, Ғур, Норин, Хинжон, Бадахшон танги каби Бадахшонга тобе кўп вилоятлар иззатли, қудратли ходимлар қўлига киргач, зафар нишонли сипоҳлар у вилоятларни мусаххар қилгач, фатҳу нусрат хабарини ўз ичига олган комил ихлос ва ишончини билдирган мактубни ва қадами билан мушарраф қилишларини талаб қилган аризани хоқон ҳазрат Бухорога, яъни инсон кўзи қорачуғининг нури дийдаси бўлган Хожа Калоннинг, Тангри унинг файзи доимий қилсин, хизматига юбордилар.

Хоқон ҳазратнинг умри узун бўлсин, унинг амрига биноан ёзилган мактуб айнан келтирилади. Олий ҳазратнинг Бухоро томонига саодат нишонли хожа учун ёзиб юборган мактубининг сурати будир: «Эй хожа, сенга таъзим учун осмондаги фаришталар эшигининг тупроғини кўзларига тўтиё қиладилар. Дуо, ихлос арзи сўнгида қиладиган арзимиз шулки, ҳазратларининг таважжухлари баракоти билан Зафар қалъаси, Кишм, Русток, Толиқон, Кундуз, Ғур, Кохмард, Бақлон бошлиқ Бадахшон вилоятининг ҳаммаси юлдузнишон сипоҳ тасарруфига кирди. Кўлоб қалъасига ҳам одам юбордик. Қатъий умидимиз, чин орзумиз шулки, ҳазратларининг илтифоти баракоти билан у вилоятнинг ҳоқими ҳам, халқи ҳам камарни белга боғлаб, қалъадорликни тарк этиб, ўз хохишлари билан итоат қилиб, мулозим ва амирларимизнинг қудратли қўлига казою қадар мартабали тасарруфи панжасига топширгайлар. Шох Сулаймон, Шохрух султон, шунингдек, бошқалар Кобулга, балки Ҳиндистон мамлакатига кетганлар. Хамма сипоҳлар, эл-аймоқлар хилофатнишон подшоҳ остонасига бош қўйганлар, ҳамду миннатдорлик Тангрига бўлсин, Парвардигор инояти, файз асарли хотирларининг ёрдами билан бу дуоғўйларнинг кўнгли ҳар бир томондан тинчиди. Қуёшдек нуруний кўнгилларига равшан бўлсинки, аввало жонимиз ҳазратларига нисордир. Иккинчи сўзимиз шулки, Бадахшон вилояти обу хавосининг тозалигига жаннат боғининг рашки, абдий бўлган олий жаннатнинг ғаяурлиги келади. Обу хавосининг латофати ёқимлилиги ус-

тига, экилган экинлардан бир ботмон уруғдан, юз ботмон ҳосил олинадиганлигини одамлар оғзидан эшитилди. Сўзнинг қисқаси, шарафли мулоқотни топиш учун иштиёқ ва орзумандликнинг ҳадду ҳисоби йўқ. Агар марҳамат қилиб, сайру саёҳат йўли билан ташриф қадамларига лойиқ кўриб, бу муштоқ, айрилиқда қолганларни суҳбатлари нури билан шод қилсалар, ҳукм ўзларида, ғаразимиз дуо арзи эди. Ортиқча густохлик қилинди: «Салом валиқром».

МАҚСАДИ ҲОСИЛ КОМРОН ҲОҚОН ХОНЗОДАНИ  
КЎЛОБ МУҲОСАРАСИГА ЮБОРГАНИ БАЁНИДА

Бу воқеанинг рўй бергани бундан илгари тилга олинган эди. Ҳурматли хоқон Имом мавзеидан ҳашаматли амирларни Кўлоб томонга, бахтсиз душманларни итоат қилдириш учун юборган пайтида, улар итоат қилиш вожиб бўлган фармонга биноан ҳам муҳолифларнинг таклифи бўйича у томонга тезлик билан жўнаган эдилар. Улар хабар юбориб, мақсадга етмасдан, қайтишга қасд жиловини буриб, Кўкча суви<sup>660</sup> лабига келиб туриб хоқон ҳазрат томонига одам юборишди. Амирларнинг юборган мулозими олий остонага ариза келтирди ва адаб тили билан ариза мазмунини оғзаки ҳам арз қилди. Арзни қўйидагича адо этди: «Улар, яъни душманлар, жуда кўп йиғилган халқ шаъну шавкат билан келган жамоадир. Уларнинг ҳар бири баҳодирлик майдонининг бошлиғи, шижоат кўрсатиш кунининг яғонасидир. Кўлоб қалъаси эса унинг маҳкам ва мустаҳкамлигининг тавсифидан фикр тили қисқа, хаёл қалами ул осмон мисол қалъанинг буржу девори баландлигини тасвирлашдан ожиз ва қисқадир. Улар шу қалъага жойлашиб олишиб, ғурурлик билан бузук ният касодга учраган фикрни олдинга суриб, у фалак интизомли қалъанинг муҳофазати учун химмат камарини белга боғлашган эканлар. Амирлар шунчаки юмшоқ тил билан муросою мадоро йўлини тутиб, олий хоқон томонидан фойдабахш хикоялар, кўнгилга ёқадиган сўзларни айтишди. Лекин улар юмшамадилар, у сўзларга асло қулоқ солмадилар. Ҳақиқатда у тадбирсиз тўдалар кўнгилда ўқнинг пайконидек жой оладиган ширин сўзларни хаводаги елдек гумон қилдилар. Хоқон ҳазрат душманнинг қарши туришида қаттиқ хусумат қилиш-

да собитқадам эканлигини эшитгач, ғазаб ўти аланга олди, ғайрат ирқи, мардоналик томири кўзғолди. Шу жойда дарҳол Искандар нишонли, Исо нафасли, Мусо калим сўзли ҳоқон фаришта сипоҳли аскар, «Адолатли султон ер юзида Оллоҳ соясидир», деган ҳадисга тўғри келган, ислом паноҳи бўлган шахзода, у Тангри илҳомининг эгаси, яздоний раҳматнинг мужассами, бедор бахтли, зафар насибали, фуқаропарвар, бадиат сўз шахзодадир, у — подшоҳлик пойтахтини чексиз адолати зийнати билан зийнатлагандир. Шохлар шохининг қароргоҳини амрлар, манълар оройиши билан ясаган, зулм, бедод зангини бунёдсиз жаҳон саҳифасидан кеткизган, адолат, эҳсон юзини бахшиш билан ўзидан миннатдор қилиш оинасида жаҳон халқига кўрсатгандир,

#### Б а й т:

Адолат нури билан жаҳон атрофини нуруний килди.  
Ҳа, шундай адолатдан жаҳондорлик йўли равшан бўлади.

Сулаймонмакон, Искандарнишондирки, жанг пайтида уруш ўтини тўсатдан ёндиради. Обдор найзасининг шуъласи шарорасидан, яшин таъсирли ханжарининг чакнаши фойдасиз ишга уринган тупроқ мисол душманнинг ғурури, хом ҳаёлини яшин каби куйдиради.

#### М а с н а в и й :

Агар чақин чакнатувчи қиличи бош кўтарса,  
Барқнинг ичига ўт туташтиради.  
Шамъдан шарора тўкилганидек,  
Душман конидан томчилар ёғдиради.

Ул шахзода Ҳотам хилқатли жўмарддирки, лутфу марҳамати чашмаси сувидан андак томадиган бўлса, гуноҳидан пушаймон бўлган гуноҳкорлар саҳифасидан журм ғуборини, гуноҳ нардини ювиб юборади; шижоати саховатгаёқин, салтанати сиёсат билан ҳамнишиндир.

#### М а с н а в и й :

У бир подшоҳдирки, унинг хайбатидан Йўлбарс тўқайда тинч ухлолмайди.  
Унинг сиёсати ҳаммани ўраб олганлигидан,  
Ариққа унинг фармонисиз сув келмайди.

Сахийликда нима қилса холис карамидир,  
Сўзлаганда нима деса у ҳақиқатда тўғридир.

Яъни у, замона султонларининг паноҳи Абулмузаффар Абдулмўмин султондир, Тангри давлати соясини замона аҳли бошига абадий қилсин! Уни ҳоқон зафар билан қайтувчи ғолиб сипоҳлар билан Кўлоб қалъаси томони-га юборди. Яхши хислатли, хушфеъл султонзода,

#### Б а й т:

Жаҳондорлик гулшанининг янги очилган гули,  
Салтанат боғининг навнихол хурмо дарахти,  
Эҳсон доирасининг маркази,  
Ўзидан миннатдор қилиш, яхшилик етказиш паргорининг нуктаси,

яъни Ўзбекхоннинг ўғли Ҳазора султондир. Яна сиёдат ҳам саодат маржаъи, нақобатпаноҳ, нажобатдастгоҳ, Оли Або<sup>661</sup> авлоди набирасининг пешвоси, пайғамбар хонадони дарахтининг мевасики, улар ҳақида, «Тангри сизларни пок қилмоқлик билан тозаллади»<sup>662</sup>, дейилган ислом ва мусулмонлар нури, анбиё ва расуллар вориси, у шундай зотки, олий ҳазратнинг нақиблиги мансаби бу кишининг шарафли вужуди, нозик унсурларида тайин топган, нажобатли подшоҳ марҳаматига хос бўлган Юсуфхожа нақибдир. Сиёсат, аморат эгаси бўлиш улуғ вазир, адолатли ва карамли амир, подшоҳлик даврининг муҳофазатчиси. улуғ мансаб муҳимларининг бошқарувчиси. давлат таянчининг сараси, сиёсат, аморат, балки дину дунёнинг улуғ арбоби Жоналибий найман, у эса кўп йиллардан бери хожатмандларнинг гапу сўзига, орзу-умидига ёрдам кўрсатиб келган, завқу шавқ аҳлининг ҳолидан хабардор бўлган кишидир. Унинг вужуди ҳамма томондан комилдир. Халқпарварлик қонунида адолат маросимида унга ўхшаши, тенгдоши йўқдир. Унинг шафқати хосу оммга баробар шуъла солади ва яхши хулқининг юлдузн доимо тўлган ойдек меҳрибонлик уфқидан тулуғ қилиб туради. У ўзи билан бирга осмон нишонли аскарларга ўнгу сўл эшик оқоларига йўлбарссимон ясовулларга, қутли қўшинга ва кундан-кун ўсиб турган давлат суворийларига келиб қўшилишга буйруқ берди. Тангри ёрдами билан қувватланган олижаноб султон со-

хикбирон хоконнинг фармониға биноан салоҳланди. Унинг сув қатрасидек тиниқ, жавохирдек ярқираган қиличи, уни кўрсанг мийно рангли савсан баргига ёмғир қатраси марвариди билан безалиб зийнатланганми, ёки Сомончи йўли<sup>663</sup> юлдузларининг порлоқ дурлари билан ясатилганми, дейсан киши.

Асл жавҳари саҳифаси оқидан зоҳир эмас эди, балки олмос бетида чумоли оёғининг излари кўринарди.

#### Б а й т:

Яшилликда кандона<sup>664</sup> баргидек ям-яшил,  
Аммо жанг бўстонида арғувон<sup>665</sup> шохидек  
кип-қизилдир.  
Нилуфар сувда пинхон бўлса ажаб эмас,  
Бу бир нилуфардирки, сув унда пинхондир.

Тавсиф этилган бу қиличи билан белига оро бериб, шон-шавкат кўрсатди. Агар тезқаддам оти, кумуш туёқ, олтин юган арғумоқнинг яшин нишонли жиловини қўлдан қўйиб берса, жаҳонкезар сабо шамолидан ҳам ўзарди.

Жаҳонни ўраб олиб, тез айланувчи сарсар шамоли унинг гардига ҳам ёндошолмасдан ожиз қоларди. Еру тоғлар атрофида сайр қилувчи фалаклар, фалакнинг сардори, яъни қуёш ул этнинг монандини кўрмагандир. Замоннинг ола оти, яъни кеча билан кундуз даврон майдонида унингдек тез чопадиган отни эшитган эмас.

#### М а с н а в и й :

Фалак айланиб ерни кезади,  
Қуёш чашмасидан сувни ичади,  
Терга ботар бўлса хар бир пайтда,  
Ёмғир аро яшин бўлиб ўтади.  
Жанг учун майдонга тушар пайтда  
Юз сабо шамоли етмас гардига!  
Султон отини жилвага келтириб фатх,  
Оятли яловни кўтарди.

#### Б а й т:

Унинг чопкир оти майдондан чанг кўзғотиб  
юборгач,  
Ер миннат остида, осмон тўзон остида қолди.

Темир тоғдек аскар, дарёдек мавж урган  
:ипоҳлар билан ғоятда шижоат, ниҳоятда мар-

доналик, ботирлик кўрсатиб, тимсоҳ оғзидаги тишини синдирарди. Жанг қилиш, бири-бирига осилиш, фитна, хусумат кўзғотиш пайтида қонтўқар найзаси ўқи учи пайкони йўлбарс жигарию қоплон кўкрагини изларди. Жойидан кўзғолиш баробарида тоғни зилзилага, халқни доду фарёдга келтирарди.

#### М а с н а в и й :

Иккинчи куни фалакжаноб шох (қуёш)  
Осмон бурчагида ўз ялови маҳчасини кўрсатиб,  
Бир тиғ уришда жаҳонни қоплади,  
Жаҳон кўрғонини сўзсиз мусаххар қилди.

Сўнгра Сулаймон даргоҳли, Искандар нишонли, Кайюмарс<sup>666</sup> чодирли, Фаридун яловли, Минучехр<sup>667</sup> қонунли, Доро хашаматли, юлдуз сонли аскаргоҳга эга бўлган олий гавҳар, яъни Абулфатх Абдулмўмин султондирки, жанг кунида унинг кўрқинчидан Қоф тоғи<sup>668</sup> ларзага келади; агар унинг қаҳри қиличдан ўт чакнатар экан, булут табиатидаги ёмғир қатралари чўғга айланиб кетади. Агар кафтининг булути шабнам тўқадиган бўлса, эҳсоннинг мавжига жаҳон аҳли ғарқ бўлиб кетади. Султон араб оти наслидан бўлган, яшиндек елиб, елдек учадиган отига минди; тўсатдан, гўё осмон баландлигидан тонг билинадигандек муборак юзли султон кўринди. У жанг учун бел боғлаган эди. Ажал эса унинг хизматида камар боғлаб туради. Олтин қалова тўн билан безалган ўқдони ўқу совут тўлган эди; ўткир қилич султоннинг белига осилган; қиёмат ўти гўё жанг ўти ичида юрарди. Лашкар жанг учун жойидан кўзғолди, қарнай-сурнай овози Хулқар юлдузидан ҳам ошди. Нағоранинг хуруши симоб тусли осмон куббасини жўшга келтирди. Қуёш панжаси қўтонлади. У офатдан осмон қалби сув бўлиб оқди. Хар бир томондан қўнғироқ овози кўтарилди, қарнай садоси фалакдан ҳам ошди. Рангдор яловлар, ялов бошига осилган ранг-баранг тасмалардан ҳаво қизил тусга, осмон гунафша тусга кирди. Пўлатдан ясалган жанг тўнлари, от ёлпўшлари кўзга кўрингач, бирдан жаҳонни темир қоплагандай бўлди. Жангчиларнинг ўқ, найзаси қўплигидан тоғлар, ўрмонлар бошдан-оёқ қамишзорга айланиб кетди. Ҳаво қилич тафтидан қизиди. Ер темирга, тоғ симобга айланди. Водийлар, сахролар жангчилар найзаси қўп-

лигидан тиканзорга айланди, қалқони шаклидан гулзорга айланди. Султон душман қасдига жилов бургач, «юр!», «юр!» овози жаҳонни тутди. Чодирнинг боши осмондан ошди; олтин нишонли ялов маҳчаси қуёшга етди. Султоннинг жўнаган пайтида қуёш ғоятда қиздириб турган пайт эди. Мевалар кун қизигидан сувсиз бўлиб турарди; иссиғининг зўрлигидан хаводан ўт сочиб турганга ўхшарди. Жаҳон дўзах тобишидан нишон берарди. Шу ҳолатда халқ эгаси ҳоконнинг фармони билан Доро жанобли султон йўлга тушди. Унинг ёнида ёшу қари халқ бирга жўнадилар. Улар тўлган ойнинг атрофидаги юлдузга ўхшардилар. Аскарнинг юргандаги тўзони жаҳонни тутди. Қўшиннинг ғубори гўё етти иқлимга етди. Совут кийган жангчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Уммон дарёсидек<sup>669</sup> мавж уриб келарди. Уларнинг ҳаммаси найза кўтарган, қилич осганлар эдилар. Улар жанг ҳаракатида меҳрибончиликдан кўн-гил узган жангчилар эдилар. Аскарлар отининг туёғи, нағали нақшидан ер юзи Хулкар билан ойга тўлиб кетди. Йўл юриб, манзили марҳалаларни босиб ўтиб, рабиъ ус-сонийнинг ўртасида<sup>670</sup> султон чодирининг қутли хумоси Кўлоб билан бир тош оралиғидаги Халвойи мавзеига ғалабали қанотини ёзди. Сўнгра: «Улуғ вазир, иззатли амир Жоналибий ва ўзга аскар бошлиқлари, олий даргоҳнинг бош кўтарган кишилари билан бирликда Кўлоб қалъаси томонга бориб, хос кишилар тушишига лойиқ жой, мувофиқ ўринни текшириб кўрсинлар. Бу билан бизни хотиржам қилсинлар», деган муборак фармойиш содир бўлди. Сўнгра зафарли амирлар ул осмон баландлигидаги қалъа томонга яқинлашдилар. Ғолиб сипоҳнинг аскаргоҳига муносиб майдонни топдилар. Жангчилар, ботир аскарлар ўз аскаргоҳига бориб тушмасдан аввал, ўзларини илгарироқ Кўлоб атрофига етқишига, контўкар найзалари зарби билан душманнинг кўкрагини ёриб, журъату жасорат билан мардоналик, ботирлик кўрсатиб, жаҳонга номларини ёйиш, донг чиқариш учун бир-бирлари билан талашдилар. У томонда ҳам шулардек қон тўқувчи баҳодирлар, бебок жанг кўзғотувчиларидан бир тўдаси шижоат қадамини ботирлик йўлига қўйиб, ғалаба қилиш, мардлик кўрсатиш учун муқаммал салохланиб, ҳаммадан илгари қалъадан чиқиб юқорида айтилган сипоҳларга йўлиқдилар. Сўнгра иззатли, қудратли амир Жонали-

бий душманнинг ҳужумидан хабардор бўлгач, бирмунча аскар билан жанг майдонига ташланди. Майдонда, баланд бир жойда қарор тутиб, мустаҳкам бир мақомда ором олиб, душман холини, ғалабали аскарларининг кўп-озлигини кузатиб турди. Агар жанг қилишга сазовор харбу зарбга лойиқ топмаса, аскарни тўхтатиб туриб қайтармоқчи эди. Тадбирли амир мамлакат олувчи йигитларни жанг майдонидан шунчаки тўсди. Ҳеч қандай фойда рўй бермади. Охири икки томоннинг жанг талабкорлари, энг қимматли бисоти бўлган нақди жонларидан қўл ювиб, ундан умид узиб, дафъатан бир-бирлари устига ҳужумга ўтдилар, аянчсиз қилич зарби билан жанг майдонида қонга беландилар.

### М а с н а в и й :

Икки тараф лашкарлари жангга тез киришгач, Саломатлик тинчлик чорусидан қочди. Душманларнинг ҳужуми, уларнинг издиҳоми, Соат сайин ортиб борди.

Нусратли сипоҳлардан аввал бошлаб Тошпўлод мирзо ва Гулбод мирзолар чорасиз жанг майдонига юзландилар, қудрат қўлини жанговарлик енгидан чиқариб, шижоат қадамини олдинга босдилар. Кўпгина ҳаракат, саноксиз жанглардан кейин бесаранжом душманнинг ҳужуми кўплигидан чопқир отлари устидан тушиб қочишдилар. Жангга аралашмай турган душман уларни бандга олиб асир қилиб олишига оз қолди.

Тўсатдан иззат, мансаб уловдори бўлган Курбонбий қушчи ўғли Ҳожи мирзо мардлик-мардоналик отини жойидан кўзғотиб, душман устига суриб, унга ҳужум қилди. Отидан айрилиб қолган йигитлар ул кўрқинчли жанг майдонидан юз ўгирдилар ва соғ-саломат чиқдилар. Хожа мирзо ҳам душман орасида танҳо қолиб, эгардан ерга қулаб тушгач, қўлини шижоат этагига маҳкам урди. Жанг қилиб бориб, охирида у ҳам уларнинг ичидан саломат чиқди.

Сўнгги фармонга биноан зикр этилган Қосим мирзо, Тошпўлод мирзо буларнинг ҳар бири ўша пайтда гўзаллик, улуғворликнинг янги етилган, ноз билан бош кўтарган сарви эдилар, иззату дилбарлик осмонининг холис нуридан яратилган ойи эдилар.

### М а с н а в и й :

Чашмали жойга борган парий хилидек,  
Жанг учун совут остига яширинган эдилар.

Ёшининг кичиклиги, ғурурлиги, гўзаллик, камолга етганлик нашъаси устига ҳар бири шижоат дарёсининг ғазабли наҳанги, мардлик, баҳодирлик тоғининг коплони эдилар. Улар зафарнишон отини жилвалантирдилар. Ўт чақнатувчи қиличларини ялов қилиб, мардоналик билагини қўтариб, душман томонга юз қўйдилар. Тезлик билан фитначи душманга етиб, унга хужум қилдилар. Қон тўқувчи найза, жон олувчи тиғ билан душманнинг жигарини ёриб, кўкрагини тешиқ-тешиқ қилиб юбордилар.

### М а с н а в и й :

Ўч олиш учун агар улар қилич кўтарса,  
Баҳодирлар танига раҳналар солади.  
Ўлим у раҳналардан кириб,  
Жон матосини танидан олиб чиқарди.

Улар бири-бири билан олишганда конни тупроққа қориштириб юборардилар. Мазкур амирзодалар, шижоат билан танилган машхур йигитлар ўша жангда ботирлик кўрсатдилар. Қудратлари етгунча жангчилик йўлида майдонда юриш қонунида лозим бўлган нарсаларни бажо келтирдилар. Лекин душман хужум билан ғалаба қилиб, уларни ўраб олиб, бандга олди. Оғир кишанлар билан кишанлаб, саркашлик яловини баланд кўтардилар.

Иккинчи кун эрта билан олтин узангилик Жамшид, яъни куёш осмон қалъаси фатҳи касдида олтин чеккан яловини айланиб турган фалак буржигга кўтаргач, собита, сайёра юлдузлар сипоҳининг бу кўк кўрғон, яъни осмон куббасида юз кўрсатиб туришларини тарқатиб юборди.

### М а с н а в и й :

Юлдуз сипоҳли шоҳ, (яъни куёш) субҳ  
ойнасидек юзини кўрсатди,  
Камар боғлаб бошига тож қўйиб ясанди.  
Бошига олтин дубулға кийиб безангач,  
Бу кўкранг қалъа (яъни осмон) тасхири  
учун тез юрувчи отига мингач,

юлдуз сипоҳли, хусрав тахтгоҳли соҳибқирон султон, ундай жаҳонгир шаҳзодани ҳамма жа-

хон кўз ва кўз қорачуғи бўлган, ҳамда ҳеч бир замонда кўрилган эмас, фалак саҳнаси, ер юзининг ҳамма вужуди қулоқ бўлганда ҳам бу мартабадаги Жамшид ҳашаматли зот донғини эшитмаган, у шундай баҳодирки, жанг пайтида жангнинг ёқимли майдонига тота, йўлбарсга ҳамла қилади, тулки мижозли душман қочишга жой топмайди, у бир саф йиртувчидирки, ҳар вақт уруш майдонида ўч олиш қилишини субҳи содиқдек<sup>671</sup> ўз кини уфқидан чиқарса, бахти қора душманга қочишдан бошқа чора бўлмайди, осмонсимон қалъанинг атрофини куёшдек айланиб текшириб кўришни қасд қилди. Чунки Миррих интиқомли аскарлар, йўлбарс химматли кўшинлар учун тураржой тайинламоқчи эди. Давлат оёғини бахт узангисига қўйди, йўк, йўк у Сулаймон, унга Тангрининг раҳмати бўлсин, устига ўлтирган тезўтар шамол ёки у минган дев насабли жиндир.

### М а с н а в и й :

Осмон кадрли жаҳонгир султон,  
Фаридун хайбатли, Искандар нишонли,  
Жаҳонда донг чиқарган атоқли подшоҳ  
Яхши ирим билан давлат тахтига минди.  
Белига безатилган камар боғлаб,  
Жавоҳир қадалган қиличинини белига осди.  
Боши устидаги соябон муродига етди,  
Гўё янги туғилган ой куёш билан тўкнашгандек  
бўлди.

Чодирнинг нурли хумоси қайтадан жилва қилиш учун қанот ёйди. У ялов аждаҳоси хайбатидан, кўриниши тўқай йўлбарсларини тўқайдан қочирди. Сурнай овози, нағора садосидан осмон саросимага тушди. Нағоранинг хуруши узоқ-яқинга кетди. Табира<sup>672</sup> овози қиёматдаги Исрофил суридан<sup>673</sup> хабар берарди. Ҳар бир томондан аскарлар тўда-тўда бўлиб келавердилар. Ер юзи дарё каби мавж урди. Аскарларнинг ҳаммаси ўтқур табиатли, ханжар санчиш, билак кучини кўрсатишда Исфандиёр<sup>674</sup> эдилар. Совут, жавшан<sup>675</sup>, баргуствонларнинг кўплигидан гўё жаҳонни темир қоплагандек бўлди. Жангда ишлатилаётган рангли қалқонлардан дашту сахро ўзига гулзор тусини олди. Иззатли, тамкинли шаҳзода шу тартиб, шу интизомда зафарли аскарлар билан ул мустаҳкам қалъа тагига етгач, таҳлил, такбир овози мустажоб бўлган дуодек, асирли

фалак куббасига, юмалоқ осмон савмаасига<sup>676</sup> юзланди. Иккинчи тарафдан, жаҳолат тўқайининг йирткичлари, тоғ маконининг девлари туғён, залолат ўраб олган ёмон тоифалари қалъа ичидан чиқиб келдилар. Улар зўр жуссалик, темир чангаллик тўдалар, тош юрак, бағоят жанговар халқлар эдилар.

#### М а с н а в и й :

Улар дўзах йўлагидан чиқиб, қон ичиш учун  
келган девлар эдилар.  
Бошдан-оёқ совут, жавшан остида, журъат  
камарини белга боғлаб чопиб чикдилар.  
Ҳинд қиличини кўтариб,  
Хатти найзаларни ялов қилиб, қасд юзини жанг  
майдони томонга ўтирдилар.

Султоннинг зафарогоҳ аскарларидан диловар, ботир Хўжа Мирзо Тўфангча баҳодир ўғликим, кўнгили олиш базмининг порлаб турган шамъи, гўзаллик мажлисининг ёритиб турган чароғи эди, бовужуд ёшлик аввали ҳар ишда ошиқиш пайтидир, яшиндек чакнаган отини жилва қилдириб, олтин нишонли қиличини кўтарганича душман устига от солди. Етти осмон даштининг ёлғиз сайёри, яъни кўёшдек ёлғиз ҳамла қилишни олдида тутиб, бирмунчаларни тупрокка отди; уларни ер билан баробар қилди. Пировардида душман кўпчилик куч-қувват билан қарши туриб, хандақ қовлаб тезучар ўқу, найза захми билан уни оёқдан йикитдилар. У оғир яраланган эди, бошини танидан жудо қилдилар. Душманлик қўлини юқори кўтардилар. Шу пайтда ул ғазабли, кинали тоғлиқларнинг бу қадар қилган журъати сабабли кучи, қуввати бирга юз бўлди. Лекин баҳодирлик тўқайининг йўлбарси, шижоат дарёсининг тимсоҳи, жанг майдонинг диловари Иброҳим ошқора, бошдан-оёққача совуту жавшан остида ғарқ бўлиб, тоғ шуқуҳли отига меҳимиз<sup>677</sup> уриб тезлатди. Булут парчасию, яшиндек қиличини қўлда тутиб душман тарафга юзланди.

#### М а с н а в и й :

Кўёғотди отин донолик билан,  
Душман қасдида мардоналик билан.  
Қалқони кифтида, қилич қўлида,  
Чақнаган яшиндек, ё нурли булутдай.

У душман тўдасига етишгач, тўхтовсиз уларга ҳамла қилди. У шуқуҳли гуруҳ отлиқ ва уловлиқлардан жуда кўп халқ тўсатдан унинг устига ёпирилди. Ўқнинг тезучар қушлари камон ошёнасидадан учиб келиб, унинг отини жароҳатлантирди. У шунчаки қасд отини душман томонга суришни, ўзини у жоҳил фирқалар тепасига етказишни истади, лекин мақсадга муяссар бўлмади. Чунки, отининг жароҳати ҳаддан ошиқ бўлганидан қадамини қадамидан айиролмади. Жанг маърақасининг қизиган пайтида от юришдан, чопишдан ҳайқалдек тўхтаб қолди. У ўзини дарҳол эгар устидан ерга отди. Ўткир қиличи турк гўзаллари кўзи ғамзасидек қон тўқувчи эди. Отини яшиндек жилвалантириб, мардоналик қалқонини юзига тутиб, у гарданкаш халққа қилич солди. Душман биринчи зарбада ҳамлага тоб беролмасдан жанг маърақасидан орқа ўтириб жарларга, кавакларга қараб қочди. У жанг мажлисининг шамъи куйдириб турган ўтдек, ёритиб турган чароғдек далир, баҳодир эди. У душманга қарши жанг қилишга машғул бўлди. Ўзини жарларга, камингоҳларга отиб, душманга етиб бориб, ўша ўзига ўзи ишонган фирқаларни аянчсиз ҳолда қилич захми билан мажруҳ, балки жонсиз қилиб ташлади. У хатарли ҳалокат ўрнидан, ўқ ёғиб турган жойдан Тангри инояти, ёрдами, султон ҳазратлари давлатининг қуввати билан фатҳу нусратга яқин бўлиб, қайтиб чиқиш билагини кўтарди.

#### М а с н а в и й :

Оти мажруҳ бўлиб ишга яроксиз бўлгач,  
Эгар устидан тезликда ерга тушди.  
Ўч олувчи қиличи билан жангга киришди.  
Кечиктирмасдан интиқом олиш пайида бўлди.  
У қилич кўтариб ҳамла қилганда,  
Тўқайда туриб йўлбарснинг ранги ўчди.  
Унинг қиличи дамидан қон тўкилиб турарди,  
Мен сувдан ўт сочилганини кўрмаган эдим.  
Баҳодирлар унинг қиличи дамидан қочарди,  
Чунки ундан учқун шаклидан тез ўткир ўт  
сочилиб турарди.

Жанг маърақасидаги давлат арбоблари, султон ҳазратнинг ақоиблари, Иброҳим ошқора ботирлигининг мардоналигини кўрдилар. Унинг шижоати ҳаммага зоҳир бўлгач, унга таҳсин ўқидилар. Динпаноҳ султон уларни яхши ваъдалар билан рағбатлантириб, кўнглини кў-



тарди. Унга турли йўсинда шоҳона лутфу, марҳаматлар, хусравона хилма-хил илтифотлар билан ўз тенгдошларидан мумтоз қилди. Бундан бошқа, донишманд йигитлар, ўч олувчи жанговарлар ҳам ўша куни бир оз жанг қилиб, сўнг икки томон жангу жадал бисотини йиғиб, жанг қилишдан тўхтадилар. Ҳар бирлари ўз қароргоҳларига қайтиб, ором олдилар.

#### М а с н а в и й :

Жанг хангомаси олдидан кетгач,  
Кун подшоҳи (яъни куёш) ўз даргоҳига  
кайтди.  
Ур-йикит, жанг тўхтади.  
Икки тараф ўз жойига қайтди,  
Кузатиб турувчи аскарлар ҳар томондан қараб  
турдилар.  
Қоровуллар паркордек<sup>678</sup> ҳар бир нуктани ўз  
ичига олиб сақладилар.

Кечада ложувард қўрғон, яъни осмоннинг шахсувори, яъни куёш осмоннинг зарнигор буржига қараб чопди. Ухлаш сифатидан пок бўлган Қодир эгам, яъни Тангрининг қудрат қўли санъатидан кеча қоронғулиги хилъати, яъни кийимининг ўриш арқоғи мушк тусли нуктани топди.

#### М а с н а в и й :

Кундузнинг жангига монёв бўлган кечада  
Жаҳонни ёритиб турган шамъи пинхон бўлди.  
Кечанинг зангиси шомнинг тутилган сочини  
ёйди,  
Ой эса юлдузлар базмига қадаҳ келтирди.  
Мажарра<sup>679</sup> бу дарёга қўприк бўлди,  
Юлдузлар билан бу манзара ясатилди.  
Бу боргоҳ пештоқидан қора тусли кеча қора  
пардасини осилтирди.  
Уфқ нилуфар тусли ипаксаро пардани,  
Бу мино рангли хонанинг айвонига тутди (яъни  
қоронғулик тушди).  
Сомон фонуси<sup>680</sup> чароғсиз бўлгач,  
Жаҳон қора зоғча паридек коп қоронғу бўлди.

Иззатли, баланд мартабали султон аскар бошлиқлари ва олий даргоҳнинг бош кўтарган одамларига «Ой билан куёш қандили рашк этадиган ёруғ машъаллар ёндириб, тун бўйи ҳушёр турсинлар. Жанг асбоблари: найза ва қилич, яроқларни тайёрлаб, яхши мулоҳаза билан узокни ўйлаб эҳтиётда бўлсинлар, бир

дақиқани ҳам бўш ўтказмасинлар, бир нуктани холи қўймасинлар», деб буюрди.

#### Б а й т:

Жаҳонгир султоннинг буйруғи билан,  
Тангрининг меҳрибонлиги, қаҳр далилини  
қўргил.

Кечалари аскар атрофида соқчилар юриб турди, қўнғироқларнинг овози ердан осмонга кўтарилди. Занжир, қўнғироқ садосидан айла-ниб турувчи фалак саросимага тушиб, жойидан кўзғалди. Ҳар бир булукдан одамларнинг дод-фарёди кўтарилди. Чалинган жомларнинг овози фалақдан ўтди. Тунларда Жамшид иродали ботирлар уруш асбобини тартибга солардилар. Уларнинг бири душман жони ҳалоки учун заҳри билан найза тайёрласа, иккинчиси камон қошига тугун бойларди. Уларнинг ишига осмондаги фаришталар таҳсин ўқирдилар. Бирлари душман қалбига яшиндек ўт қалаш учун ўтсочар қиличига сув берса, яна бири ўк пайкони<sup>681</sup> ўч олиш олмоси билан жанг учун ўтқурланди.

Иккинчи куни тонготар пайтда олтин яловли подшоҳ, юлдуз ҳашаматли шоҳ, яъни куёш шуъла сочганда таралган олтин тусли чизгиси билан безатилган камандини осмон кўк қалъаси буржининг чўққисига отди.

Ўша мустаҳкам қўрғон устига хужум қилган юлдузлар аскарини унинг безалган ялов маҳчаси ҳамда ярқираган чодирини шуъласининг намоён бўлиши уларни йўқ қилиб юборди.

#### Б а й т:

Тонг отиш аввалида жанг ғалабали шоҳ,  
Фируза рангли қалъадан чикқач,

нағора ва довул овозлари Искандарнишон шахзода қўшинидан осмон авжига, Зухал юлдузли<sup>682</sup> чўққисига кўтарилди. Султоннинг зафарнишон ялови, Тангри ёрдами соясида жилвага келди. Иқтидорли султон еддек юришли, кийик кўринишли отига минди. Шер овловчи, қумурсқа сонли аскарлари, донгдор, ўчманд сипоҳлари билан, давлат барқарорлигида, фатҳу зафар ўнгу сўлида ўрнидан кўзғолди. Эъти-модли химматини, холис ниятини Қўлоб қалъасини фатҳ этишга қўйди. Бу тартиб ва бу

йўсунда акли, босиклиги билан Хожа Ҳалвойидан кўчиб, Кўлоб қалъаси тевараги яқинига бориб тушди. Кўшин чодарларини, хос чодирни, саропарда ва боргоҳни ой манзилига етказиб тикци.

### М а с н а в и й :

Оламда бош кўтарган Искандар тахтли,  
Сулаймон узукли,  
Тахамтан, Сиёвуш жилвали,  
Фаромурз ўкли,  
Завора<sup>683</sup> камонли султон,  
Агар тахтдан тушиб эгар устига ўлтирса,  
Тангри фатху зафар жиловини унинг кўлига  
топширади.

Султон жанг учун кўзғолди. Аскарни ҳам ўрнидан кўзғатди. Нағора фарёд урди, най нола қилди. Тоғ хаяжонланиб ларзага тушди. Ер дарё сувидек равона бўлди. Найза боши самок (яъни балиқ)дан самок (яъни ой манзили)га етди. Зухал эса фалак авжидан ўтди. Сўнгра ул жойда чодир, соябонлар танобини тортди. Зафарнишон султон қалъа очувчи, душманни бандга солувчи аскарлари билан олдинга келиб тушди. Бир баланд жойга чиқиб эҳтиёт кўзи билан ул қалъанинг баланд-пастини кузатди. У бир атоқли, мустаҳкам, берк қалъа эди. Унинг бунёди соҳибкирон ҳазратлари химматидек маҳкам, асоси баланд, кутли нишон султон қасди, иродасидек мустаҳкам эди. Унинг буржу боруси минтақатул-буруж<sup>684</sup> чўққисидан муаддилан-наҳор<sup>685</sup> доирасидан ўтган, кунгираси, девори эса ғоятда баландлигидан осмондаги ой билан сўзлашарди. Ҳақиқатан, Кўлоб қалъаси машҳур қалъалардандир. Унинг маҳкам ва мустаҳкамлиги, пишиқ-пухталиги тилларда сўзланиб, оғизларда мақталарди. Гўё у баланд кўтарилган арш эди. Унинг осмондек баланд кўрғони айланасида жуда чуқур бир хандақ қазилган эди.

### М а с н а в и й :

Уни қалъа дема у бир хайбатли тоғдир,  
Ундаги жангчилар тоғ крплонларидир.  
Унинг камингоҳи авжидаги посбонлар етти  
осмон қулоғига сўз сўзлайди,  
Эшиги Искандар саддидек мустаҳкам, осмон  
кўрғонидек абадий ва маҳкамдир.  
Ҳар тарафида юздан ортик бурж,

Ул буржлар Зухал айвони, Асад  
буржидекдир<sup>686</sup>.  
Эшиқларига фўлол тахталар парчинланган,  
Хулқар юлдузи каби пештоқидан осилган.  
Атрофида Нил дарёсидек чуқур хандақ  
казилиб,  
Айланасидан бир неча милгача оқади.  
Буржларининг деворлари устида юз мингча  
жангчилар тайёр турарди,  
Улар шундай гуруҳларки, меҳрибончиликдан  
кўнгил узган,  
Туну кун ўч олишга ҳозирлик кўрмакда.  
Уларнинг ҳаммаси жидду жаҳд билан ҳаракат  
килиб,  
Ўзларига тинчликни ҳаром қилган.  
Бошлари тўла ғалаба орзуси, диллари тўла  
кўркинч,  
Доимо ишлари кузатиб туриш, посбонлик  
килишдир.

Қалъанинг эса мустаҳкам уч дарвозаси бор эди. Бири шимол тарафда, Чорсу дарвозаси деб аталади. Иккинчиси — ғарб томонда, Имом дарвозаси дерлар. Учинчиси — жануб томонда, Дарбул-хайвон дерлар. Қалъанинг шарқ томони тоғга туташган қадимий бир қалъа эди.

Эътиборли неъмат эгаси бўлган подшоҳлардан бири шу тоғдан қалъага жой кўрсатган экан. Икки томони доvon бўлиб, шимоли ҳамда жануб томони обканд, яъни зўр жарликлар эди. Бу жар, шу қалъанинг чети бўлиб, шимол томонидан ўтган эди. Ҳар икковида ҳам тиниқ сув оқиб турарди. Ғарб томонида чуқур бир кўл бор эди. Сувнинг жанубдан шимолга қараб оқиши билиниб турарди. Қалъанинг шимол, жануб томонидаги сувлари ҳам кўлга куйиларди. Бу уч сув бирикиб, Қизилсув дарёсига кўшиларди. Токқа ёпишган шарқ тарафидан дарча ҳам очилган эди.

Сўзнинг қисқаси, султон ҳазратлари рабиъ ус-соний охирида<sup>687</sup> зафарли аскарлар билан Кўлоб қалъаси яқинида қарор топди. Нағора ва довул садоси осмон гумбазини қоплади. Нағора, карнай овозидан чирманда халқалар ва жез кўнғироқлар фиғонидан хола<sup>688</sup> дек ўз қулоғига ойдан пахта қилиб тикди. Ул тарафдан сайидлардан Катта Шоҳ Солих, Кичик Шоҳ Солих, Шоҳмуҳаммад Баён, булардан бошқа Хатлон вилоятининг ботир-баҳодирларидан, Бадахшон ноҳиясининг жангчиларидан бир тўдаси юлдуз нишонли аскарларнинг ўткир қиличлари, жон олувчи найзалари зарбидан қочиб мазкур қалъа-

ни ўзларига паноҳ қилган эдилар. Шаҳарни кўрғонга бадал қилиб, қалъадорлик қонунини тутиб, ўчмандлик йўлига қадам қўйишди. Бир неча жойга биттадан чакқон ўқ отадиган камондорлардан қўйдилар. Шоҳрух султоннинг балоғатга етмаган ўғли Муҳаммад Замон мирзони доимо елкасига кўтариб, қалъа устида айлантириб ҳамма жойга етказишиб турардилар. Буржу боруларни саклаш учун пиёда чоптирардилар. Ўша куни жаҳонни ёритувчи шахзода дўстини севинтирувчи, душманни куйдирувчи аскар билан қалъа остига етди. Ғоятда баланд жойда, жуда маҳкам бир маконда туриб қалъанинг ҳар бир томонини, атроф-теварагини, чиқиш-тушиш йўлини текшириб кўрди. Иккинчи навбатда яна у осмон манзарали қалъадан тоғлик ботирлар, кина кўзғотувчи баходирлардан жуда кўп киши чиқиб мардоналик йўлида, ботирлик ва девоналик равишида илгаригидан кўра кўпроқ эҳтимом кўрсатдилар. Улар қалъадан чиқиб келиб, зўр кучга, чексиз ҳайбатга эга бўлган аскар қаршисида саф тортдилар. Қалъанинг буржу деворлари устида тўда-тўда халқ шукуҳ билан ҳар жой-ҳар жойда туриб қаллашиб турарди. Улар ўз одамларига зафар асар, ғолиб ва қудратли аскарларни дафъ этишга тезлаб, кўнгилларини кўтариб турурди. Улар жанг майдонидан, жанг маъракасидан ўзга ерга қадам босмасдилар.

#### М а с н а в и й :

Осмон кадрли, атокли шоҳ, қалъа атрофига  
хисобсиз кўп аскарлар билан етишгач,  
Отлик, пиёда аскарлар суронининг садоси  
осмонга етди.

Ул тарафдан қилич тортган ботирлар,  
Жанг учун қалъадан чиқиб келдилар.  
Уларнинг ҳаммаси интикомчи, кучли,  
қувватли,  
Жанг учун бел боғлаган кишилар эдилар.

Фаридун шавкатли султон ўзининг атокли, фатху зафар қозонишига ишончли сипоҳларидан Мирзо Муҳаммад чухра оқоси ва Тумонча чухра оқосини жанг қилишга рағбатлантириб, тарғиб қилди. Ҳаммани бирдан пастга тушишга буюрди. «Журъат юзини ботирлик майдони томонига ўгириб ирода қадамини илгари қўйсинлар», деб буюрди. Шу фармонга биноан, уларким тўқай йўлбарси, биёбон арслони уларнинг зарбасига тоб беролмасдан ўз тў-

қайига изини пинҳон қиларди. Филга ҳамла қилувчи арслон, жанг маъракасини синдирувчи йўлбарс уларнинг савлати хавфидан, қуввати, шукуҳи ҳайбатидан қон қусарди. Жанг асбобини кийиб, керакли салоҳлари билан силоҳланиб, ҳиммат этагини белларига боғлаб, рангли қалқонларини қўлларига тутиб, яшин сифатли қиличларини ялов қилиб, журъат, шижоат юзини мардоналик, ботирлик майдонига бурдилар. Жаҳли чиққан қоплондек ул хунук фирқаларга ҳужум қилиб, бошкесар қиличларини жанг майдонининг паҳлавонлари бошига етказишди.

#### М а с н а в и й :

Икки томондан саф тузилди.  
Ўнгу сўлдан карнай овозлари кўтарилди.  
Жангчи ботирлар ва қорзор мардлари  
Бир-бирлари устига ҳужумга ўтдилар.  
Улар қиличдан ҳам ўткур паҳлавонлар,  
Йўлбарсдан ортик чопувчи баходирлар эдилар.  
Бир-бирлари устига ташландилар,  
Қилич, найза билан бир-бирига аралашдилар.  
Бало эса воқеа ўтини ёндирди.  
Жаҳон ҳодисалар тобишидан тамом куйди.  
Жангнинг рўзи бозори шу қадар қизидики,  
Нафас олиш йўли паҳлавонларга танг бўлди.  
Яловлар аждаҳоси оғзини очди.  
Тўқайдан ўрмон йўлбарси қочди.  
Тезлик билан мағрурларга камондан ўқ узгач,  
Ҳар томондан таҳсин овози кўтарилди.  
Ҳар икки томонда ўткир қилич сувидан қиёмат  
ўти ёнди,  
Найза ўч олиш ўти билан эриб душманга таъна  
этишга тил узатди.  
Қилич захмидан жангчилар танасидан қон  
сочди,  
Совут кўзларидан қон равон бўлди.

Сўзнинг қисқаси, дашту саҳрода қон сел бўлиб оқди. Гўё шафақ осмон этагини қон қилди. Аскарлар тўзони осмонга қадар кўтарилдики, қуёш осмонда йўлини йўқотиб қўйди. Қилич, ханжар чакнаганда худди булут орасидан чакнаган яшиндек ҳаммани ёритарди. Қиличдан чиққан нгуъла шундай авжга келдики, ер юзида қон дарёдек мавж урди. Жангу жадал ўти, талош-тортиш олови зўр алангаланди. Жангчиларнинг «ушла!», «тут!», «хой-хуй!» овози жанг майдони остидан айланиб турган осмон авжига кўтарилди.

Ўша куни зафарли аскарларнинг ҳар бири

қоплон ва юздек<sup>689</sup> тўхтовсиз кўп халқни оёқдан йикитдилар. Жанг майдони тупроғини ўчмандлар қонининг ранги билан бўядилар. Икки томондан жангу жадал шуъласи учқуни баланд кўтарилди. Юқоридан (осмондан) казо билан ажал ҳужумчиси туша бошлади. Чанг, тўзон жанг майдонидан тез айланувчи осмон авжига кўтарилиб, булутга айланди. Учқуннинг ёнғини, қилич машғали — унинг шарора куйдирувчи пайкониدير.

#### М а с н а в и й :

Икки лашкар дарёдек жўшга келди,  
Уларнинг шовкин сурони осмон томини тешди,  
Икки саф ўртасида жанг суҳбати бошланди,  
Душманни жанг дастурхонига чакирилди.  
Ҳар тарафда ялов баланд кўтарилиб,  
Душманга ўзини каманд қилиб кўрсатди.

У шуқуҳли водийда икки тоғ ўртасида оққан анҳордек қон оқа бошлади. Ҳазаб тимсоҳи жафога мойил бўлди. Бало дарёси ҳаракатга келди. Кескир қиличдан ҳеч ким ўзини қутқазаолмади. Ўлганлардан қочиш йўли тўсилди. Қалқон устига ўқ келиб қадалди. Уни кўрсанг кўп куббали кафғирни ёдингга келтирасан, киши. Ўчмандликдан дил ўқдонини бўшатиб бор ўқини аскар юрагига қадади. Душманлик билан сулҳ қилиш кечиктирилди. Икки томондан ҳам ўқ ёғдирилиб турди.

Натижада, охирида, душман олий ва ғолиб аскар ҳужумига тоқат қилолмасдан, жанг майдонига орқа бериб бахтсизлик юзини қочиш томонига ўгирди. Улардан кўпи оёқ остида босилиб, оёқ, қўли эзилиб, ранжу машаққат тортди. Қутулиб қочганлар минг машаққат билан ўлим бургути чангалидан қутулишни истаб, қалъага кириб олиб, дарвозалар маҳкам, буржу боруларни мустаҳкам қилдилар. Зафарпаноҳ лашкар эса иззат ва ғалаба билан, Тангри инояти, илоҳий қуввати билан ғоятда қувватланиб қайтди.

Сўзнинг қисқаси, бир ой муддатдан буён икки томондан уруш ўти, жангу жадал ғоятда алангаланиб, шуъла урмоқда эди. Ўртада элчи жанг пайтида борди-келди қилиб турарди. Аммо ундан ҳеч бир натижа йўқ эди. Кун чиққандан то кун ботгунча икки аскардан саф йиртувчи баҳодирлар, ўч олувчи жонбозлар ўтдек алангаландилар. Кучли ел кўзғотувчи

жангчилар дарёдек хурушга келиб, бир-бирлари устига ҳужум қилди, мавж балиқдек ўзини урган Мухит денгизига ташлаб, жанг майдонига мийно рангли қиличи билан анор рангли ёқут тусини берди. Олмос нишонли найза тешадиган асбоб билан жангчилар кўзи ва қулоғидан Бадахшон лаълига қон очди.

#### М а с н а в и й :

Кун бўйи темир қулоҳли баҳодирлар,  
Одам йикитувчи ботирлар,  
Ўч олувчи далирлар  
Қўлларида ўткир, кескир қиличлар тутиб,  
Бир-бирлари билан жанг қилдилар.

#### **ХОЖА КАЛОН ҲАЗРАТНИНГ ТАШРИФ БУЮРИШЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АРҲАНГ МАВЗЕИДА УЛУҒ ХОҚОННИНГ ТЎХТАБ ТУРИШНИНГ БАЁНИ<sup>690</sup>**

Ўша кунларда фалак унинг ғуломи бўлган хоқон Имом, унга саломлар бўлсин, мавзеига ташриф буюриб, дам олиш, ов қилиш шодлиги жиловини ихтиёр қўлига, иқтидорли кафтига олди. Хоқоннинг тўхтаб туришига сабаб, олий даражали, баланд мартабали, халқнинг пушти паноҳи, ислом мамлакатининг муртазоси, куфр қоронғулигини кеткизувчиси, Пайғамбар, у кишини Танфининг раҳмати бўлсин, шариатининг ҳимоячиси, ислом динининг улуғ шайхи, умматнинг йўлбошчиси, ҳамма яхшилик, миннатдорчиликларни ўзига йиққан, инъом-эхсон ва саховатни ихота қилган Саъдул миллат вад-дунё вад-дин Хожа Калонхожанинг, футуҳи баркотлари давомли бўлсин, саодатли ташрифга қадам қўйишлари яқинлашганлик хабари етганлиги эди. Хоқоннинг муборак зоти кундан кун раванқ топиб турган давлат ялови томонга юз қўймасдан аввал Кўлоб қалъасининг фатҳ этилиши умиди ҳам бор эди. Қалъа фатҳининг суратга келиши чингизхонийлар сулоласининг пешвоси бўлган хоқон ҳазратнинг таважжуҳи билан бўлиш орзусида олийнишон султонни юбориб, хоқоннинг ўзи ул жойда тўхтаган эди. Султоннинг фатҳ нишонли ялови Кўлоб томонга жўнатганига уч кун бўлгандан кейин валийлик маржаъи, ҳидоятпаноҳ ҳазрат Бухоро томондан олий кўшинга етиб келди. Искандар қадрли, Доро фикрли хоқон давлат арбобларини, амирларни ўзидан илгари ҳидоятга мансуб

бўлган жанобга пешвоз чиқишга буюрди. Уларнинг кетидан ўзи ҳам истикболга чикиб таъзиму тақрим шароитини бажо келтирди. Бир неча тош<sup>691</sup> жойгача бориб иззат-хурмат кўрсатди. Ва шу йўлда лозим бўладиган лавозимотларни чекига етказиб адо қилди. Подшоҳдан содир бўлган комил ихлос, чин эътиқод, холис ният, ғоятига етган ирода ва муҳаббат тақозоси шуни кўрсатадики, ул ҳазратга бўлган меҳмондорчилик маросимини шавкатли подшоҳ ўзига лойиқ йўсинда тақдим этишга азму қарор қилди.

Валийлик маржаъи бўлган ҳазрат йўл гардидан иззатли-қудратли кўшин хузурига келиб подшоҳона тўй берди. Хилма-хил овқатлар, турли-туман емак-ичмаклар ҳадду ҳисобдан зиёда бўлди. Хитой курсилар кўйилиб, мажлисга бошқача тартиблар билан оро берилган эди. Хокон ул ҳазратнинг қудсий даражали<sup>692</sup> суҳбатларидан етарлик насибалар, тўлиқ фойдалар олди. Ул зотнинг файзбахш хотирларидан қуёшдек ярқиллаган кўнгилиларидан ҳиммат ва мадад талаб қилди. Ул жойда бир неча кун турган бўлсалар, хожа ҳазратлари бир кун олий даргоҳда хозир бўлсалар, иккинчи куни Искандар мартабали хокон ул ҳазратнинг суҳбатларига борарди. Сўзлаган пайтларида дур сочувчи тилларидан бу сўз содир бўлган эди...

АВЛИЁЛАР ПЕШВОСИ, ЯЪНИ ХОЖА КАЛОНХОЖА  
ҲАЗРАТНИНГ ҚАРОМАТИ БАРАКОТИ БИЛАН  
ШАВКАТЛИ АМИР МУҲАММАД БОҚИБИЙ ВА БОШҚА  
АМИРЛАРНИНГ ДУШМАН ХИБСИДАН ХАЛОС  
ТОПИШИ ВА ШАЙХ ХАЛИЛЛУЛОҲ ТўҒРИСИДА ВА  
ОЛИЙ ХОҚОНГА ВОСИТА БўЛИБ ШАҒОАТ  
КИЛИШЛАРИ ВОҚЕАСИ БАЁНИДА

Шаҳар ва мамлакат фатҳининг иродаси билан аскарлар йўлга тушиб, сипоҳлар отланган пайтида, замонанинг сараси, инсонлар пешвоси, ўн икки имом хонадоннинг хулосаси Хожа Калонхожанинг хузурига тақлиф қилиш одати Искандарнишон, олийнасаб хоконда бўлмаганлигидан бу ишда нима сир бор экан деб ҳамманинг кўнглига келган эди. Холбуки, валийлик мартабали ҳазратнинг тезликда у вилоятга боришларида бирмунча махфий хикмат сирлари ғайб пардаси орқасидан юз кўрсатди. Улар жумласидан бири ботир амир Муҳаммад Боқибийнинг бошқа нусратли амирлар билан бирликда душман хибсидан халос

бўлиши эди. Бу қисқа сўзнинг тафсили шулки, ул ҳазрат Бухорода турган пайтида Муҳаммад Боқибийни у томонга юборилганлигини ва у жойда бандга тушганлигини эшитиб, дурсочар тилларидан «Ҳеч вако бўлмайди», деган сўз содир бўлган эди. Ундан кейин саховат билан машҳур бўлган хожа нусратли хоконнинг хоҳишларига кўра Имом мавзеида хокон хузурига ташриф буюрган эдилар. Биринчи мажлисда амир Боқибий хусусида сўз очиб, унинг халос қилинишига ҳиммат кўрсатдилар. Ул ҳазратнинг бир томондан эъти модлари, ишончлари бор бўлган амирулмўминин Хайдарга (Алига) нисбати бўлган олий даражали сайидлардан Мир подшо каби зотдирки, у фазлу дониш зийнати билан зийнатланган, ақлу бийниш жамоли билан мумтоз бўлган, ҳақиқат арбобларининг ҳақиқатшиор калималарини ёдда сақлашда ва тариқат асхобларининг дақиқасар нукталарини ёддан ўқишда ўзига монанд тенгдошларидан устун ва сарфароз эди, уни Хўст<sup>693</sup> томонга юборди. Иқтидорли улўғ амир хумоюн асарли қутлуғ Абдулбоқибий ҳам йўлга тайёр бўлиб, керакли асбобларни олиб, Мир подшоҳ билан бирга боришга ирода билагини кўтарди. Иттифоқо, Хўст довонига етишлари ҳамоно бошқа амирлар ҳам банддан халос бўлиб тоғ тепасига келдилар. Амир Абдулбоқибийнинг душман бандидан қутилиши сурати, халос бўлиш воқеасининг тафсилоти шулки, жаҳон кадрли кўшига валийлик мақтовли ҳазратнинг ташриф буюрган кечалари Муҳаммад Боқибийга уйку билан уйғоқлик ўртасида шу воқеа рўй кўрсатди: хожа ҳазратлари пайдо бўлиб, уни банддан халос қилиб, кўнглини уларнинг макру хийласидан бўшатди. Ўша кечанинг субҳида иқтидорли сайидлар ва ҳазора амирлари ўша амирларни ўлдиришга иттифоқ ва яқдил бўлишган эдилар. Эртаю кеч, балки доим хурматли амирлар ҳаётини асосидан йиқитишга иттифоқ тузишарди. Уларнинг тошдан ҳам қаттиқ диллари меҳрибонлик ўти тобишидан тўсатдан мумдек юмшади ва амирларнинг банддан бўшатишга кўнгили кўйиб, уларни макр ва фириб бандидан озод қилишди. Сўнг йўлбошловчи кўшиб, хокон кўшини тарафига юбордилар. Бу воқеанинг ғайб пардасидан юз кўрсатиши ул ҳазратнинг таважжухидан, шавкатли хокон давлатининг қувватидан бўлди.

Қиссанинг оқибати: ғолиб умаролар банддан озод бўлгач, кун бўйи юрдилар, узок масофаларни пиёда кесиб ўтдилар. Чунки у хайбатли тоғнинг усти нотекис бўлганлигидан, уловга миниш имкони бўлмади. Довон устидан пастга тушгач, отга миниб кўшин турган томон жўнадилар. Олийнасаб хоқон, хидоятга мансуб хожа ҳазратнинг мулозаматлари бахти билан бахт топгач, барча амирлар шоҳона марҳамат, хусравона инъомлар билан бахтиёр бўлдилар. Муҳаммад Боқибий эса бошқа муқаррар бўлган вазифалар, муносиб ҳадялар, чексиз ҳурматлар билан амирлардан ва ўз тенгдошларидан мумтоз қилинди. Мартабасининг даражаси кўк гумбази авжидан, Муштарий буржининг чўккисидан ҳам ўтди.

Иккинчи воқеа эса тариқатогоҳ бўлмиш шайх Халилуллоҳ воқеаси эди. Чунки шайх Халилуллоҳ кўп йиллардан бери ўша шаҳар ва у ноҳияларда катта шайхлар йўли билан эмас, балки иктидорли подшоҳлар тарзида кун кечирарди. Унинг доимо олдига қўйган мақсади ва қилган химмати саркаш кофирлар, яъни Катур кофирлари ва ўзга ёмон зиёнчиларга қарши жанг қилишга қаратилган эди. Искандар сифатли хоқон билан учрашган пайтида хоқон ундан саркашликни ва мутақаббирликни сезгач, шу сабаб билан нуроний дилларига айрилиқ тўзони қўнган эди. Шунга биноан, у ҳақиқат аҳли йўли билан юрмасдан, тариқат салла-тўнини ўзгартириб, ҳаёт кечирганлигидан, катта маблағни ул қадрли шайх устига юклади. Шайх эса унинг адосидан ғоятда ожиз ва у маблағни топиб беришдан кўли қисқа эди. Уни юқорида айтилиб ўтилди. Шу сабабдан валийликка мансуб бўлган ҳазрат амирлар пешвоси амир Қулбобони<sup>64</sup> чақиртириб, буюрдилар: «Бу мискин эса подшоҳ неъматига ғарқ бўлиб, шаҳаншоҳ марҳамати билан мумтоздир. Аммо подшоҳнинг диний ва дунёвий салоҳияти, дунёвий ва ухравий<sup>65</sup> саодати нимадан рўй берса уни бекитиш бир навъ хиёнат бўлади. Бу сўздан мақсад шулки, жаҳон аҳлининг ҳаммасига, одам болаларининг жумласига муқаррар ва муайян ҳолда кўзга кўриниб, ошқора бўлиб турган бир ҳолатдирки, улуғ Тангри ҳукмронлик, фуқаропарварлик ва адолат биносини ҳамма хунарларга нисбатан зўр восита ва улуғ бахшиш асосига қўйган, у бинонинг асосини қуриш мақсадларини тузиш Тангри даргоҳининг қалби пок бандалари ил-

тифоти, огоҳ машойихлар таважжухисиз муяссар бўлмайди. Чунки, ҳақиқатда иззатли ва мартабали подшоҳларга уларнинг марҳамати, химоясининг сояси оромгоҳ ва пушту паноҳдир. Шайхулислом Аҳмад Жом<sup>66</sup>, Тангри унинг қалбини пок қилсин,

### Ш е ь р:

Ул зотларки, заррадек хайъатдан ҳақирдирлар,  
Аммо маъни мулкида улар нуроний  
куёшдирлар,

деганларки, «Бу оёқялангларга хорлик кўзи билан карама. Ақл олдида улар кўрар кўздан ҳам азизроқдирлар. Улар зоҳирида ожиз кўринсалар ҳам, маънида қалби кучли бандлардирлар. Кўринишда мискин, ҳақиқатда эса бойдирлар. Улар бу кунда жаҳон неъматларидан кўз юмганлар. Тонгла улар жаннатга ноз билан қарайдилар. Жулдур тўн кийган подшоҳлардирки, уларнинг пўстинлари остидаги (химоясидаги) Жамшид, хоқон ва қайсарлар улар химоясида бўлганларнинг энг кичигидан хисобланадилар». Бу олий тоифани риоя қилиш лозимдир. Уларнинг орзуларини эса бажо келтириш муҳим лавозимотдандир. Хидоятпаноҳ шайх Халилуллоҳ жаноблари эса узок муддат ва кўп вақтдан буён Бадахшоннинг ҳамма шаҳар ва қалъаларида шайхлик йўлида сабот билан қадам қўйган зотдир. Сухбат, жамият ва хилват расмини пок тутишда тўғри эътиқодли соҳибнафасдир. Агар у кишидан баъзи ахволлар, у улуғ зотнинг шаънига муносиб бўлмаган бир хил воқеалар содир бўлган бўлса, танбех қилиш лойиқдир. Аммо шунча иш воқеъ бўлган бўлса ҳам, кўп яхшиликларни ўз ичига олган «эшонлардан ўтган хатоларни кечирувчиларни Тангри дўст тутуди»<sup>69</sup> деган оят мазмунини хоқон нуроний назарида тутиб, афв рақамини дил ва кўнгил саҳифасига нақш қилиши талаб қилинади. Агар шайхнинг бу вилоятда туришидан муборак асарли кўнглига бирор андиша ўлтирган бўлса, уни ўзига тобе кишилари ва қўшиладиган одамлари билан Бухоро томонга юборсин. Ана шундагина бу ташвишдан кутуладилар.

Халқ бошлиғи ҳурматли амир Қулбобо қутли фикрларига арз қилинган, хоқон тўхтовси; равишда хожа ҳазрат шафоатини эътиборга олиб ва қабул қилиб, қарши олди. Шайхдак

талаб қилинган нарсани ва унга солинган соликларни ўчирди, ғаш диллари ойнасига ўтирган ташвиш ғуборини эҳсоннинг тиниқ сувида ювиб, ҳурмат чашмаси билан пок қидди. «Олий даражали, баланд мартабали ҳокон ҳазрат қайтишга ирода қилган пайтда шайх ҳам ўз тобелари билан ҳазратнинг ёнида юрсин», деган амр бўлди. Хожа ҳазратлари шайхнинг ташвишидан кўнгил тинчитгач, олий даражали ҳокон ҳазрат у вилоятнинг бошқа шарафли кишиларидан ҳам андак ранжиганликлари учун хожа уларга ҳам илтифотлари соясини солиб, ҳокон уларнинг гуноҳини ҳам кечишини, хатоларини афв қилишни сўраб олий остонага одам юборди. Улар томонидан узр айтишга, гуноҳларини ярлақаланишини сўрашга тил очиб, таважжух қилди. Жаҳонгирлик бўстониинг улуғ дарахти, давлат ва мамлакат чаманининг самарадор ниҳоли бўлган соҳибқирон ҳазратнинг жаҳондорлиги, адолат булутининг томчилари, инсоф ёмғирининг қатралари билан яшнаб, сероб, хушҳол ва шодмон бўлсин, гуноҳини афв этиш, хатосидан кўз юмиш суви билан ювди. Шоҳона меҳрибончилик, хусравона навозиш рақамини у фирқа номига ёзди.

### Б а й т:

Инъом бахш этувчи, узр қабул қилувчи ҳокон Ёшу қарининг гуноҳидан ўтди.

Кимда-ким узр сўраса, ўч олишдан афв қилиш яхшидир. Сўзнинг қисқаси, одамларга яхшилик қил, чунки яхшилик ишнинг оқибати яхши бўлади.

ЭКИН ЭКИПШИНГ МАДҲИ ВА ТАВСИФИ ЗИКРИДА,  
ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛИШНИНГ ШАРОФАТИ БАЁНИДА

Ақлли, фаросатли кишиларнинг кимё таъсирли назарларига, зийрак, зехнли шахсларнинг кўнгилларига махфий қолмасинки, зироат қилиш энг лойиқ касблардан, экин экиш керакли санъатлардан биридир. Деҳқончилик ҳамма манфаатни ўз ичига олади. Бу касб номи улуғ Тангри олдида касбларнинг энг покизаси, мақсадлар, ҳожатларнинг фойдалироғидир. Бундан ҳам шарофатлироқ касб бормикин, ўзи! Жаброили амин ҳамма оламни тарбия қилувчи Тангри фармони билан махлуқотнинг сара-

си бўлган Одам Атога у касбни таълим берган бўларди. Дин акобирлари, тадқиқот ва жазм аҳллари деҳқончилик бобида Пайғамбардан воқеъ бўлган ҳадисларни ўз асарларида келтирганлар. Бу касбнинг фойдаси ва манфаати ҳақида келтирилган ҳадисларни ёзган таснифларида баён қилганлар. Жумладан, Имом Муслимнинг<sup>698</sup> ҳадис китобида рисолат чаманининг тоза ниҳоли, пайғамбарлик дарахтининг меваси, дунё ва охираат зироатгоҳининг хулосасидан, яъни Пайғамбардан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади. Ҳадис мазмуни: «Жаҳон чаманида, охираат зироатгоҳида ҳар бир давлат эгаси бўлган зот давлат ниҳолини ўтказса, ё саодат тухмини сочса, инсон тоифасидан бир зот унинг меваси билан ҳаётини сақласа, ё хайвон жинсидан биронта хайвон унинг зироати маҳсулотидан андаккина баҳраманд бўлса, унинг эгасига то киёматгача садақа савоби етади» сўзининг маъноси, доимий фойдаси тўхтамасдан, савоби узилмасдан унинг эгасига етиб туради, демакдир. У экилган экин, ўтказилган дарахт эътиборига биноан ерга сочилган дона ҳосилдан, ўтказилган дарахт шохини силқитганда тўкилган мевасидан ҳосил бўлган ажру савоб эгасига етади. «Мишкот»да *Мавжудот хожа*-скдан, ул кишига раҳматнинг афзалроғи, саломнинг улуғроғи бўлсин, қуйидаги ҳадис нақл этилади: «Кимда-ким бир ўлик ерни тирилтирса, унинг ажру савоби ул кишига бўлади. Чунки ундан бошоқчилар ейди, жониворлар озикланади». Шу тариқада қанчалик ҳосилдан нобуд бўлса унга садақа савоби берилади. Калом аҳлининг афзалроғи, тадқиқотчиларнинг комилроғи «Тоҳа» ва «Ёсин»<sup>699</sup> хонадонининг фаҳри, яъни Амир Бадриддин ибн Амин бу бобатда бирмунча китъа келтирганлар. Улар жумласидан бири будир:

### Қ и т ъ а:

Агар кимёгарлик сифатини хоҳласанг, сенга  
«Олтин яшаш нимадир?» дейман.  
Кимёгарлар кимёни қаллоблик билан қалбаки  
қилиб,  
Унинг кўпайтиргани ҳақиқатда камайтиришдир.

Деҳқончилик касбида фойда кўпдир. Уларнинг тақдиридан ақл ожиздир. Чунки унинг бир донаси етти юз дона ҳосил беради. Унинг аслига ва кўпайишига қара! Бундан ҳам кў-

пайиши Тангри раҳмати билан бўлади. Оркага кетиб камайиб қолиши, эй деҳқон, сенинг камчилигингдандир.

Ул олий жаноб, хидоят маржаъи, валийлик қароргоҳи, тариқатга мансуб, ҳақойиқ шиорли, дақойиқ жомали, ҳақиқат сирларини очувчи, шариат нурунинг манзили, раббоний марҳаматлар, субҳоний воридотларнинг тушар жойи Рукнуддин Абулмакорим шайх Алоуддаула Симноний, унинг азиз қалби поклансин, айтади: «Улуғ ва олий Тангри ерни ва экинзорни ҳикмат билан яратади, унинг обод бўлишини, халққа ундан фойда етишини хоҳлайди. Агар халқ фойда олиш, даромад қилиш учун исроф билан бўлса ҳам, дунёни иморат қилганда савоб бўлишини билса эди, харгиз иморат қилишни тарк қилмас эди. Агар иморат қилишни қўйиб, ерни бўш қолдирганда қандай гуноҳ ҳосил бўлишини билса эди, асло ободончилик асбобини хароб бўлишига йўл қўймас эди. Масалан, агар бир киши кучи еткунча миқдордаги ерни зироат қилиб, харйили ундан минг ботмон ғалла ҳосил олиб турган бўлса, сўнгра бепарволик билан ишлаб, тўққуз юз ботмон ҳосил олса, кейинга қолдириб, қўлга киритолмаган юз ботмон миқдор учун жавобгар бўлади». Сўз ҳосили шулки, Пайғамбаримиз ҳадисларининг ҳадиқасидан зоҳири, маънавий камолотнинг ўзига муҷассам қилган дин арбобларининг фасохат интизомли сўзидан бу мазмуннинг анбар исли ели маъни гулларига қарагувчилар қулоғини қўйидаги сўзлар билан равшан қилади: «Деҳқончилик касбида ухравий манфаатларни мукамал қилишга боис бўлган дунёвий фойдаларни ҳосил қилиш муқаррар ва тўплангандир». Пайғамбар, ул кишига Тангри раҳмати бўлсин, «Дунё охират зироатгоҳидир», деганлар. Бу хаёлни яқинлаштириш ва бу сўзнинг зийнатлаштириш шунчаликки, саодатдастгоҳ, вилоятпаноҳ ҳокон ҳазрат шу қадар зўр даража ва улуғ мартабалари, мол, ҳол ва тобеларининг кўплиги билан деҳқончилик касбида иззат, шарофат борлигига биноан зироатни кўпайтирдилар. Дарахт ўтказиш ва иморат солиш ишларини тартиб билан олиб борарди, ундан олган чексиз манфаат, ҳисобсиз фойдаларни неча ҳисса қилиб ожизалар, заифлар, мискинлар ва солиҳ бандаларга сарф этади. Шу кунларда эса унинг жаҳонга оро берувчи раъйи бинокорининг яхши эҳтимоми билан

обод бўлган, жаҳон ободонлигига жаннатнинг рашки келади, жаҳон хурлари қасридек бўлди, унга Эрам боғи, байтул-маъмур<sup>700</sup> ҳасад қилади. Инъоми файзининг булути доимо умумхалқнинг умиди бўстониға, аҳволи боғи кечаю кундуз тўкилиб, ёғиб туради. Ҳаммага тегишли бўлган ёрдами булутининг қатралари умидворлар орзусининг экинзорига пайдар-пай ёғиб турган баҳор булути қатраларидек тўкилиб турмоқда.

#### Б а й т:

Ҳоконнинг жаҳонда гавҳар тўкиб турган кўли  
баракотининг олдида  
Янги баҳор булути уялганидан терга ғарқ  
бўлди.

Динпаноҳ ҳокон Бадахшон вилоятининг ҳамма халқини ҳожатмандлик, фидокорлик арзгоҳига келтирганидан кейин, унинг кимёасар назари Имом даштига тушди. Чунки Имом дашти сахийлар ҳиммати соҳасидек кенг эди. Лекин Карбало водийсининг<sup>701</sup> лаб ташналаридек оқар сув йўқлигидан лаби қуриган, ташна жигар эди. Ҳожатмандлик йўли билан арз тилгач, «Хатлон, Қундуз, Бағлондан баъзи одамлар кўчиб Имом Архангига келиб жойлашсинлар. У кенг водий ва маҳкам биёбоннинг ободонлиги учун Жайхундан янги анҳор қазигга киришсинлар», деган мазмунда олий ҳукм содир бўлиш шарафини топди. Тангрига шукр, ул ҳазратнинг илтифоти баракоти, ҳашаматли ҳокон давлатининг қуввати билан ул биёбон, кўп йиллардан буён экинсиз ётган чўл «экинсиз водий»<sup>702</sup> дан кИноя бўлган эди, бу кунда у, гўзал боғ, яшнаган бўстонликка айланди. «Ерни ўлгани сўнгида Тангри уни қайтадан тирилтиради»<sup>703</sup>, деган гўзал мазмунга яқинлашиб, ўлган ерлар сабззор бўлиб, ғайратда яшил фалак экинзоридан ҳам ўтди. Кўпинча ул жойнинг зироатидан бир ботмондан юз ботмон ҳосил олинади. Валоят маржаъи бўлган ул ҳазратнинг ўзларига хос бир юз йигирма жуфти гов<sup>704</sup> экилиб турибди. Ул ҳазратнинг вакиллари буйруқлари ижобича, у ерлардан олинган маҳсулотнинг баъзисини ҳазрат Имомнинг нуруний мазорларида ётган муҷовирларга сарф этилса, баъзисини келиб кетадиган зиёратчиларга сарф этадилар. «Биз Тангри ризоси учунгина таом берамиз»<sup>705</sup> де-



ган оят мазмунича, зиёратчиларнинг ейиши учун ҳам таом тайёрлашади.

#### УЛ ЖОЙГА АРХАНГИ ИМОМ ДЕБ НОМ БЕРИЛИШИ ХАКИДА

Агар воқеада бир машхур ваҳж бўлмай, балки унинг хилофи зикр этилиб, тарих китобларда ёзилгандир. Лекин у жойнинг одамлари ўзларидан илгари ўтганлардан қуйидагича нақл қиладилар. Убайдулла ибн Зиёд<sup>706</sup> Карбалога аскар юборди. Халқ имоми, Пайғамбар, ул зотга Тангрининг раҳмати бўлсин, авлодининг пешвоси, мўминлар амири Ҳусайни, Тангри ундан рози бўлсин, шаҳид қилдилар ва ул ҳазратнинг муборак бошларини Шом томонга Язид<sup>707</sup> олдиға юбордилар. Йўлда Пайғамбар хонадони аҳлини, улардан Тангри рози бўлсин, дўст тутувчилардан бири ўз фарзандини ул ҳазратга фидо қилиб, ўғлининг бошини Имомнинг муборак бошлари ўрниға қўйиб, Имомнинг бошларини олиб, жидду жаҳд қадамини эса Хуросон томонға қўйиб, Соли саройға<sup>708</sup> етишди. Ҳозирги кунда ақобир ва ашрофларға қибла ва тавофгоҳ бўлиб турган жойға, ер бағриға қўйилган ганждек қилиб қўйди. Бу воқеа суратини бегоналар назаридан яширди. Кўп замонлар ўтгач, султонлик навбати султон Ғозий, яъни Султон Санжар Мозийға<sup>709</sup> етгач, у Имом Ҳусайн ҳазратларининг, ул зотдан Тангри рози бўлсин, муборак бошлари устиға олий гумбаз бино қилди. Обод, маҳсулдор экинзорларни унга вақф қилди. Ундан кейин подшоҳлик олий хонадондан дину дунё кутби Амир Темур кўрагонға, унга Тангрининг ризоси ва раҳмати бўлсин, қарор топди, ул ҳазратнинг набираси, яъни Мирзо Муҳаммад Жўқий ибн Шохрух мирзо ул жаннат мартабали равзанинг зебу зийнатини орттирди. Шу жумладан, етти маъдандан бир қозон қуйдириб, ул жойға қўйди. Унинг катталиги, кенглиги шундай эдики, унда уч юз қўйнинг гўштини пишириш мумкин эди, Тангри иккалаларининг савобли амалини қабул қилсин!

ОЛИЖАНОБ ШАХЗОДАНИНГ АРИЗАСИ ХАЛҚ ЭГАСИ  
ХОҚОН ҲАЗРАТЛАРИГА ЕТГАЧ, ХОҚОННИНГ КЎЛОБ  
ҚАЛЬАСИ ТОМОНИГА ЮРИШЛАРИ БАЁНИДА

Иззатли, баланд мартабали хоқон бир ой давомида Соли саройда, яъни Архангда ғоз,

турна овлаш билан машғул бўлди. Кўпроқ вақтда валоятнишон ҳазрат, яъни гўзал сифатли хожазоданинг баракотбахш суҳбатларига бориб-келиб турди. Бу вилоятда турган пайтида тўсатдан Кўлоб қальаси томонидан халқ эгаси султон Абдулмўмин олдидан киши келиб, хоқонға қуйидаги мазмунда арз еткизди: «Душман қальаға кириб олиб истехком қуришда жидду жаҳд кўрсатмоқда. Улар ўз гумонида қальанинг мустаҳкамлигини орқа қилмоқчилар; қальадорлик, интиқомчилик расмини бир дақиқа ҳам бўш қўймоқчи эмаслар, бир нуқтаға ўрин қолдирмоқчи эмаслар. Шомдан тонг отгунча, тонг отгандан шомгача мудофаа камарини белға боғлаб, қальаға кириш-чиқишға монелик кўрсатишни олдиға суриб қарши турмоқдалар. Қальанинг буржу борулари истехкомиға тиришиб, уни сақлаш, муҳофаза қилиш бобида эҳтимом қилмоқдалар. Султон ҳазратлари ул осмоннишон қальанинг муҳосарасиға машғул бўлганларидан бошлаб, то бу кунгача улар асло шафоат талаб қилиш қўлини узр айтиш этагиға урмаётибдилар. Туну кун фитна кўзғотиш пайида турибдилар. Пўлод юзбеги бўлса ғалабали сипоҳлардан қочиб, саросима бўлиб, саҳрода, тоғлик ерларда саргардон, хайрон, паришон бўлиб юрарди, у ҳам келиб ўзини қальаға урди. Қальанинг буржу боруларини маҳкам тутиб туришиға қальа ичидаги одамларни мустаҳкам қилиб қўйди».

Искандар мартабали жаноб хон Кўлоб қальасидаги кина изловчиларнинг бу бобдаги ботирлиги, саркашлигини эшитиб, ғазаб асари муборак сиймосидан зоҳир бўлиб, эрлик томири жунбушға келди; қаҳр ўти алангаланиб, тўхтовсиз аскарнинг йиғилишиға ва ҳар бир ноҳияларға тайин бўлган мўътабар амирларнинг ҳозир бўлишиға фармон берди. Хабарчи жарчилар ҳар бир томонға елиб-югуриб, ғалаба нишонли сипоҳларнинг ҳозир бўлишлари учун хабар етказдилар. Тавсифу мактовларға сазовор сипоҳлар ҳар томондан узлуксиз, кетма-кет қутли ялов остиға йиғилдилар. Хоқон ҳазрат яна бир бор марҳамат назарларини аскарнинг тартибига, муҳим интизомига ташлади. Подшоҳлик олий яловини сафар қасдида кўтариб, шоҳона байроғини зафар осмонига, ғалаба бурчагиға еткизди, ирода юзини Кўлоб томонға ўгирди. Катта-кичик нағоралар хурушидан замини замон зилзилага келди. Зафарнишон аскарлар тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб,





кетма-кет чиқишидан хабардор бўлгач, дархол жанг куроли билан қуролланиб, тўда-тўда бўлиб, жўш урган дарёдек мавж уриб, ҳар томондан ҳаракатга келдилар. Диловарлар ҳамласининг ўткир ели билан жанг ўти аланга олиб, жанг хирмани куймасидан илгари, қилич, найза орзусининг ҳукми жон ишини тугатмасидан аввал, яъни жасадни жондан холи қилмасдан бурун, олий насабли халқ сардори Сўфихожа нақиб жанобларики, ул зот ғоятда улуғликларидан ҳеч кимсанинг хаёли ойинасидан бу маъни юз кўрсатмаган эди, чунки у жанобдан жанг қасди жиловини баҳодирлик қўлига тутқазди ва шижоат юзини жангу жадал майдонига буради, деган умид йўқ эди, номбардорлик кийимини, жанговарлик хилъатини кийиб, хусуматли жанг оти жиловини силкитиб, жанг майдонига юз қўйди. Ўткир қиличинини жанг қилиш, қина қасдида байроқ қилиб, қалъа ариғидан чиқиб, жанг бошлаган тўдалар устига от сурди.

### М а с н а в и й :

Жанг майдонида икки томон сипоҳлари саф  
тортган пайтда,  
Шарафли донгдор хожа жанг қасдида темирга  
пинҳон бўлган қоплон шаклида совут кийди.  
Мен хануз наҳангнинг домга тушганини  
кўрмаган эдим,  
От кўзининг нури олтин совут бошида  
бахтиёрдир.  
Янги ойни, қуёш устида ким кўрган;  
Унинг жанг пайтида пешонасида қоши қалқон  
шаклида тиришиб кетарди.  
У чопқир отини тезлатиб жанг майдонида ғавғо  
кўзғотди,  
Йўлбарсни йикитиш қасдига йўлбарседек  
душман томонга жўнади.

Бадахшон сипоҳларидан ўқ отишда моҳир бўлган ёшу қари, ҳаммаси, шижоатли хожанинг рўбарўсида салмоқли камонини қўлига олиб, олдинги томонга ўтиб андишасиз, тўрт пардали ўқларини уч пайли камонлари қабзасига қўйиб, қулоғини қулоқларигача тортиб туриб, унинг томонига отди, хожа жаноблари мудофаа қалқонини юзига тутиб, ўзини уларга етказди, у ҳайбатли тўдадан қанчасини жон олувчи қиличи захми, ўткир ханжар кескирлиги билан ҳалокат тупроғига улоқтириб, мажруҳ қилди. Жангу жадал вақтида, уруш-талаш

пайтида тоғдек кўзғолмай турган тоғликларни жойидан кўзғотиб, сув чиқадиған тарновни улардан тўсиб, бузиб ташлади. Тангри ёрдами, баракоти, хоқон давлатининг гўзаллиги билан сихат-саломат қайтиш билагини баланд кўтарди. Айнан ўша қуни хоконнинг зафарнишон сипоҳлари, султоннинг куч-қувватли аскарлари ҳайбатидан тоғ ҳам танг бўлди, мавж урган дарёдек жўш уриб хурушга келиб, фавж-фавж бўлиб ғалабанишон аскарлар отларини тоғдек кўзғолмай турган душман устига бостириб келиб, ғоятда зўр шижоат изҳор қилдилар. Булар жумласидан, ғарбий дарвоза муқобилидан Жулма девона ўғли Нор мирзо, Мир Шерим ибн Турсун мирзо, унинг ўғли Назар мирзо: буларнинг ҳар бири ҳусну жамол зийнати, гўзаллик оройиши билан музайян бўлишлари баробарида, мардоналик, баҳодирликда ҳам ягона эдилар. Юзтери ясовулнинг биродари Жолтери бўлса ҳашаматли хоқон даргоҳида кўп муддатдан буён ясовуллик хизмати билан маҳрам эди, шоҳона эҳтиром, хусравона икромлар билан ўз баробарлари ичида мумтоз ва муҳтарамдир, булардан бошқалар ҳам ботирлик отига миндилар. Гўзалларнинг контўқар ғамзасидек аждаҳо нишон найзаси билан илгари ўтиб душманга ҳужум бошладилар.

### М а с н а в и й :

Баҳодирлар икки томондан от суриб,  
Қон тўкишга қўл кўтардилар.  
Булутдек гуруллаб хуруш қилдилар,  
Чақиндек ярқирайди қилич қўлларида.  
Ҳаммаси ўч олувчи, қилич тортувчидир,  
Ўткирлик, тезликда маъшуклар мужгонидек.  
Жанг қасдида устига совут кийган,  
Душманлик дарёсида наҳангдек жилва  
килувчидир.

Аскар тўзонидан ҳаво хира бўлди,  
Одамлар кўзига жаҳон зимистонга айланди,  
Аскар тўзонидан ҳаво қоронғу бўлди,  
Балки жанг дуди кўтарилди.  
Далирлар қиличинини ғилофидан суғиргач,  
Душманлик тўнидан хилоф субҳи зоҳир бўлди.  
Каманд эса камингоҳдан чиқиб, хиқилдоқдан  
олди,

Баҳодирлар ҳам тадбир қўлида қолди.  
Жон олувчи найза санчиш қалидини узатди,  
Қалқон қаттиқ юзликни пеша қилди.  
Ўқнинг тезучар қуши ўлим хабарини  
ёшу қарининг жон қулоғига етказди,

£

Р ^ £ ^ ? ^

Ғайб илҳомчиси шак-шубҳасиз  
Дилозор ўлим нидосини жангу жадал  
майдонининг баҳодирлари  
қулоғига эшиттирди.

Мазкур баҳодирлар, шижоат билан танилиб шухрат қозонган жонфидолар журъат билан Тахтакўприккача етишдилар. Қилич теги-зиб қайтишди. Қайтган вақтларида жарлардан, камарлардан ўтишга тўғри келди. Тўсатдан душман ғалаба қилиб ҳужум бошлади. Улар ўқи, тиру тўфанги захми билан Назар мирзони эгар устидан ерга йикитдилар. У фитначи, ғавғочи тўдалар тезлик билан бошини танидан жудо қилдилар. Нор мирзо, Жолтери ҳам шу ҳодисага йўликқан эдилар. Аваз девона, Нор мирзонинг биродари Жолтери душманга ҳужум қилди, мардоналик кўрсатиб, уларни олиб чиқди.

ҒОЛИБ ҚЎШИШПШГ ШАВҚАТ ВА ХАЙБАТ БИЛАН  
ЕТИБ КЕЛИБ, У МАҲКАМ ҚЎРҒОН ВА МУСТАҲКАМ  
ҚАЛЪАНИ ҚАМАЛ ҚИЛИШИ БАЁНИДА

Ул фалак интизомли қалъанинг атрофи му-борак анжомли чодирнинг манзилгоҳи бўлди. Чаққон йигитлар ҳоконнинг тушишига шаҳарнинг ғарбий тарафидаги Имом дарвозаси муқобилига олтин танобли махсус чодирини тикдилар, ранг-баранг ниқобли соябонни булут чўққисига, балки куёш баробарига етқиздилар. Нағорачилар карнай, сурнай, нағора садосидан, довул хурушидан тоғ билан дарани зилзилага туширдилар. Муҳтарам шаҳзода, халқ мақбули бўлган султон, улуғлик бўстонининг гулбуни, адолат шабистонининг чароғи, ансоб ва азамат буржининг юлдузи, қудрат, мустақиллик дуржининг гавҳари, жаҳонгирлик майдонининг шахсувори, ҳукмдорлик мамлакатининг эгаси, қувват, қудрат ва бахт узугига кўз, фатҳу зафар муҳрининг узуги, замон султонларининг сараси Абунаسر Абдулмўмин султон, унинг давлати абадий бўлсин, эса бозорнинг шимолий томонидаги Чорсу дарвозаси муқобилига куёш нишонли яловни кўтарди. Шоҳона ҳимматининг ҳаммасини фалак иқтидорли кўрғон, юқорида қайд этилган қалъанинг фатҳига қаратди. Шарқ билан шимол ўртасида, иззат шавкат эгаси, давлат арбобларининг пешвоси, мулк интизомининг бошлиғи амир Жонали найман, нақобат маржаъи

Юсуфхожа нақиб барча эшик оқолари<sup>713</sup> билан, баланд даражали Раҳмонқули йигит оғоси жаноблари ўнг чухра оғалар билан мурчил қовлашни муқаррар қилдилар, ғалабали яловни Жавзо чўққисига ва Хулқар қуббасининг авжига кўтардилар. Ғарб билан жануб ўртасида оммага мақбул халқ етакчиси амир Қулбобо кўкалтош ва хожиюл-ҳарамайн<sup>714</sup> Турдиқохон ва Иқим хожи, тадбирли, софдил, равшанзамир Муҳаммад Боқийларни навбатга тайин қилдилар. Зоҳид<sup>715</sup> ва тақводор амир Рустамбий, баланд даражали амир Наврўзбий навбатда туриб, ҳиммат камарини белга боғлаб, туну кун қалъа фатҳида ишнинг хал бўлишига жидду жаҳд кўрсатдилар. Ғарб билан шимол ўртасида жанг ва китол маърақасининг уловдори Дўст мирзо чухра оқоси сўл йигитлар билан қарор топди. Қўшоёғ чухра оқоси эса подшоҳ хизматига хос бўлган чухралар билан ором ва қарор топди. Бирлари бирларининг ёнида чодирманд, настарин<sup>716</sup> рашк этадиган ранго-ранг чодарларни тикиб, ором олишди. Шарқ томонда иззату мансаб эгаси, ғалаба ва зафар уйғотувчи, эҳсон, адолат асарининг зуҳроғи султонзода Абулфатҳ Ҳазора султон турди. Қибла томонидан, Кичик дарвозасига яқин жойда, Хожамқули кушбеги ўзига тобе йигитлари билан бирга турди. Унинг ёнида шижоат ва диловарлик буржининг юлдузи, ботирлик, баҳодирлик қутисининг гавҳари Абдуссамадбий турди ва унинг ёнига улуғ амирзода Қанбарбий, Али Мардон баҳодирнинг ўғли Турди мирзолар жойлашдилар. Ҳаммалари юзини тамоман қалъа фатҳига ишлатиладиган асбоблар интизомига ва уларни тартибга солишга бурдилар. Анжиркон дарвозасида қудратли, шавкатли амир Абдулбоқибий, баъзи сўл эшик оқолари билан, манзил қилди. Шижоат ва баҳодирлик овозасини зангори осмон жомига отди. Шунингдек, бошқа улуғ султонлар, ҳурматли амирлар, Миррих интиқомли баҳодирлар ва ўзга ўнгу сўл сипоҳлар, ҳар бирлари ўз мартабалари ва мақомларига муносиб, мурчилларга тайинландилар: Муҳит дарёсидек у қалъанинг чор атрофини ўраб олдилар. Унинг қўйлак канорасидек айланасидан давра тортдилар. Ҳазрат рисолатпаноҳ Пайғамбар, Тангрининг раҳмати ва саломи ул олий зотга бўлсин, қачон кофирлар билан жиҳод қиладиган бўлсалар, аввал насихат қилиш, огоҳлантириш учун элчи юборар эдилар.

Ул зотнинг суннатлари тақозосича, ҳокон ҳазрат ҳам, илгаридан келаётган удум ва мақтовли расмлар бўйича, ҳокимлар пешвоси, ҳурматли амир Қулбобо кўкалтошни қалъа тарафига юборди. У қуйидаги мазмунда қалъага хабар юборди: «Подшоҳнинг қасди қазою қадарга<sup>717</sup> яқин, фатҳу зафарга ҳамнишиндир. Қачонки у истаган бир мақсадини ҳосил қилишга, мақсади ва ҳожатини раво қилишга ҳиммат қилса, ўзини унга бағишлайди, тасарруфи остига олиб, забт қилмагунча ундан қўл тортмайди.

Сўзнинг хулосаси шулки, соҳибқирон ҳазрат ушбу қалъанинг фатҳига шахсан ўзлари жўнадилар, то қалъанинг қалиди бахтли вакиллари қўлига тегмасдан, бу жойдан қайтишлари асло мумкин бўлмади. Эндиликда узр айтиш эшиги бойланмасдан, ихлос, хайрихоҳлик, дўстлик эшигидан кирсинлар, умид қўлини узр келтириш этагига уриб, ёлвориш қўли билан қалъа эшигини очсинлар. Агар бундан ортиқ душманлик йўлини тутсалар, зулмбедодлик тариқини, душманлик расмини яхши кўрсалар қаҳр паркорининг нуқтаси ғазаб доирасининг маркази бўлиб қоладилар». Лекин, ул бахти қайтганларнинг ҳаммаси насиҳатдан юз ўгирдилар, ҳеч қандай панд-насихат у жамоанинг кўнглига жойгир бўлмади. Ҳоятда қамақлик қилиб, зўр иш, катта ҳаракатга уриниб, гумонлари орқасини қалъанинг маҳкамлигига, буржу брусининг мустаҳкамлигига қўйдилар, фармонбардорлик халқасидан бош тортдилар бўйсуниб, хизмат қилиш кўчасидан оёқ тортиб, оғизларини нотўғри жавобларга очдилар. Чунки Қўлоб қалъаси тоғ бағрида жойлашган бўлиб, ҳоятда баланд эди. У ниҳоят даражада баландлигидан осмон авжига бош чўзган эди. Ер қурраси унинг девори тагида заррадан ҳам кичикроқ кўринарди.

#### Б а й т:

Осмон унинг пастида айланиб,  
Унинг остидан юлдузлар чиқарди.

Уларнинг бор таянчи қалъанинг маҳкамлиги, ул қудратли кўрғоннинг мустаҳкамлиги эди.

Ул маҳкам қалъа ва мустаҳкам буржу борунинг фатҳини ўзга шаҳарлар қалъасидек асбоб-олот билан очиш мумкин эмас эди. Шундай бўлса ҳам, қалъа фатҳи учун олий ҳукм

ижро этилиш шарафини топди. Ҳокон қорабағир тўпларни<sup>718</sup> қалъа теварагига олиб келишни буюрди. Уларнинг ўқи Бухоро вазни билан уч ботмон келарди. У тўпларни сақлаб туришни бир тўда олий давлат арбобларининг тасарруф қўлига топширди. Амири аъзам, вазири ақрам Абдуссамадбийга тупроқ келтириб, уларнинг қовлаган хандақини кўмишга, қалъанинг фатҳига ҳиммат қилишга буюрди. Сўнг-ра бирмунча кун зафарли амир тупроқ ташишга зўр эҳтимом кўрсатди. Чоштгоҳ вақтида сайёра сипоҳли подшо, яъни қуёш бу қалъагоҳ (осмон) буржининг авжига чиқиб, шарқ яловини тикиб, юлдузлар қўшинини, ёруғ юлдузлар тўдасини тарқатиб юборди.

#### М а с н а в и й :

Иккинчи куни жаҳон ёритувчиси шамъ (қуёш)  
Тонг бурчагидан тулуъ қилиб, тун кундузга  
айланди.  
Узоқ-яқин осмон равоқлари қуёш нурига ғарқ  
бўлди,  
Гурзи қошини шундай чимирдики, осмон унинг  
ғазабидан ҳалқаланди.  
Қилич совутга қараб жилва қилди,  
Совут бўлса қалқонга қараб елиб-чопди.

Мазкур Абдуссамадбийнинг одамлари исикнинг зўрлигидан ҳар бирлари сояга бориб осойишталик билан истироҳат қилиб туришган эдилар, тўсатдан қалъа ичидан кўп халқ, саноксиз жамоа пиёда ҳолда чиқиб келди.

#### М и с р а:

Уларнинг ҳаммаси ўт отувчи, қилич  
чопувчилар эдилар.

Амирнинг лаҳм кавлаётган ерига ўзларини етказишдан мақсадлари айёрлик йўли билан ғалаба қозониб, шу журъат, мардоналиклари билан ўз номларини ҳамма жойга машҳур қилмоқчи эдилар. Улар беиболик билан келиб, жангу жадал қилдилар. Ўнгу сўлдан келиб жанг ишини бошладилар. Мардоналик тўқайининг йўлбарси Абдуссамадбий турган мурчилда ўз биродари Абдулвосеъбийдан ва бирмунча санокли одамлардан бошқа киши йўқ эди, булар душман ҳужумидан хабардор бўлгач, тўхтовсиз ҳар иккала биродар дубулға шан кийиб, жанг қасдида қўл кўтариб, ғолиб

қиличини осиб, юзларига қалқон тортиб, саф йиртувчи йўлбарсдек, фил йикитувчи арслондек душманга қарши чопдилар.

### М а с н а в и й :

Душманни банд этувчи, одам овловчи амир,  
Ва бирмунча қилич чопувчи тўдалар,  
Кўйлакчан жанг майдонига чопиб, бошларига  
қалқон тутиб жанг қилдилар.  
Хавонинг иссиғидан сувдек оққан терга фарқ  
бўлдилар,

Кўлларидаги ўт чакнаган қиличлар гўё  
яшиндек эди.

Икки томондан пахлавонлар етиб келишди,  
Баходирларнинг ўқларига нишона бўлдилар,  
Бурғу<sup>719</sup> овозидан жанг қизиди,  
Қонтўқар қиличга душман ем бўлди.

Икки томондан душманлик ошкора бошланди,  
Шу даражага етдики: ўртада қон тўкишдан  
бошқа нарса бўлмади.

Жанг майдонида ҳар томондан ўк ёғиб  
турарди,

Улар ўзларини жанг сафига урарди.  
Ёшу қари жонининг ойнасидан ўк ёмғири  
зулм тўзонини ювди.

Зафарнишон сипоҳлар қарши туриш оҳангини тузиб, қахрамонлик, ботирлик созини чалдилар. Жанг қонуни найза санчиш, қилич чопиш созини жанг кўзғотиш мақомида туриб жанг мирзоби<sup>720</sup> билан тезлаштирдилар. Тангрининг ёрдамига, иззат, мансаб эгаси хоконнинг қувватига таяниб, Оллоҳга таваккал қилган ҳолида, ул гумроҳ тоифаларга юз ўгириб, қудрат қўлини шижоат микёси қилидан чиқариб, жангу жадал қадамини харбу зарб майдонига кўйдилар. Бу вилоятда душман аскарлари зафарнишон сипоҳга қарши фитна кўзғотиш, жанг қилиш устида эди. Ичкари, ташқаридаги кишилар баланд жойларга чиқиб Ж9.Н гу жадални томоша қилишарди. Юқорида зикр этилган амирлар, шижоат билан танилиб машҳур бўлган баходирларнинг ғалабаси билан душманларнинг қарор олган қадами жойидан кўзголишга, сабру саботининг ипи узилишига яқин қолган эди. Шу ҳолда турганда мардоналик ва жангу жадал чўққисининг қоплони Хожамқули қушбеги ўзига тобе йигитлари, уруш кўзғотувчи қоровуллари билан етиб келди. Душман ғолиб ва олий сипоҳларнинг хужумидан хабардор бўлгач, ихтиёрсиз сабру чидам

жиловини қўлдан берди, жанг майдонига орқа ўгириб, иродаси юзини қочиш томонига бурдилар. Саросима, саргашта ва паришон бўлиб, қалъага қайтиб, бир неча қун дам олишди. Абдуссамадбий ва ўзга бахтиёр амирлар ғалаба билан жанг майдонидан қайтишга жилов буриб, хушҳол, шод кўнгил, фатху зафар қозониб, соҳибқирон ҳазратнинг остонасига ошиқиб билан етиб келдилар. Абдулмўмин султоннинг ёрдами, хоконнинг чексиз илтифоти билан ўз қаршисидагилар ва тенгдошларидан мумтоз бўлдилар.

### ХОҚОННИНГ ИЗЗАТЛИ, ҚУДРАТЛИ СИПОҲЛАРИ, СУЛТОННИНГ ЗАФАР НИШОНЛИ АСКАРЛАРИ ХУЖУМИ ВА ТАНГРИ ТАОЛО ЁРДАМИ БИЛАН ҚАЛЪАНИНГ ФАТҲ ЭТИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Қалъа халқи Тангрининг ёрдами билан қувватланган зафар асарли сипоҳлар, интиқомчи, донгдор аскар билан жанг қилиш инсоннинг кучу қувватидан ташқари эканлигини билсалар ҳам, такаббурлик қилиш, ўзини қатта кўрсатиш йўли билан ғоятда ғурурланиб, шавкат ва қудрат оёғини буржу бора устига кўйдилар. Тонг отгандан шомгача, шомдан тонг отгунча қалъанинг муҳофазасига зўр эҳтимом қилиб, шижоат қадамини журъат ва зиёнкорлик кўчасига кўйдилар. Уларнинг итоат халқасидан бош тортиш, тобелик нуқтасидан бўйин товлаши ҳаддидан ошди. Зафарнишон аскарларнинг эса ул мустаҳкам қалъани сақлашга қаттиқ тиришиш, жидду жаҳд кўрсатиши узокка чўзилди. Хоқон ғазабининг фаввораси жўш уриб, «Кимда-ким ўзига муқобил жойдан кучу қуввати юзини қалъа томонга бурса, бирдан жангу жадал ўтини ёндирсин, ўтқир қилич шуъласи, ўт отувчи найзалар шарораси беҳудагўй, хор душманларни хашакдек кўйдирсин», деб буюрди. Хоқоннинг олий фармони ни тутиб, кетма-кет чор атрофдан зафарли сипоҳлар баланддан, пастдан туриб бирданига ҳаракатга келдилар. Нағора, карнай-сурнай садоси, жом, чирманда овози осмон томига кўтарилди. Жангчиларнинг «хайё!» — «ху!»си, суворий ботирлар сурони фалакдан ошиб, Зухалнинг қулоғига етди.

Жумод ус-сонийнинг йигирма биринчисида<sup>721</sup>, жума куни шом сипоҳи юлдузларнинг султони, яъни қуёш кўк тусли қалъанинг буржиги забт қилиш яловини қўтаргач, хокон лаш-

кари шуъласидан чочилган олтин танобли камандини бу олижаноб қалъа кунгирасининг авжигашлади. Интикомчи қоплонлар мавж урган дарё наҳанглари каби жўш уриб жавшанпўш бўлдилар. Болта кўтариб, юзларига қалқон тутиб, Уммон денгизидан хабар бериб турган хандақдан эсиб турган елдек ўтдилар.

#### М а с н а в и й :

Сипохларнинг жанг тайёргарлигини қилдилар,  
«Олдга бос! Олдга бос!» овозидан жаҳонни  
тўлдирдилар.  
Улар гўё ўкириб турган йўлбарс ва кескир  
килич эдилар.  
Ҳеч киши ҳокон фармонидан ўз жонини  
аямасди.

Бир томондан иззатли, мансабли ҳоконнинг сипохлари журъат этагини белига қистириб, нарвон, шотуларни деворга қўйдилар. Унинг баландлигига яшил фалак ва Муштарийнинг учи ҳам етолмаган шундай мустаҳкам қалъага баҳодирлар қадам қўйиб, мардоналикнинг додини бердилар.

#### М а с н а в и й :

Ул зафарнишонли уқоблар  
Ўша баланд ошёна томонга шитоб билан  
учдилар.  
Уларнинг қўлида қалъа девори эзилиб кетди,  
Деворнинг баландлиги пастдек бўлди.

Қалъанинг ҳар бир тарафидан султоннинг номдор аскарлари мукамал салоҳ билан қуролланиб, ҳиммат юзини қўрғон томонга ўгириб, ҳаммаси бирдан сурон солдилар. Тезучар ўқлар захми билан қўрғон девори бошини жангчи ботирлардан бўшатдилар. Душман томондан тошлар, ўқлар қаттиқ ёғган ёмғир қатраладидек қалъа очувчи, шаҳар олувчи йигитлар устига тўкилиб турди. Лекин улар асло шижоат юзини тесқари ўгирмадилар. Озгина ҳаракат, андак журъат билан қалъа деворини ари уясидек қилиб тешиб юбордилар.

#### М а с н а в и й:

Баҳодир ботирлар шону шавкат ва салобат  
билан турди,  
Ўқдан, тошдан андиша қилмадилар.

Қалъа девори устидан қаҳру ғазаб тўфонидек  
ошдилар.

Аскар дарё каби шаҳарга қуйилди.  
Агар Нух пайғамбар тўфони қиёматни  
келтирадиган бўлса,  
Қалъа девори ва унинг кунгиралари нимага ҳам  
ярайди?

Агар осмондан бир офат ёғиладиган бўлса,  
Деворнинг баландлиги нима ҳам қиларди.

Кечанинг бир ҳиссаси ўтмасдан, зафар тонги, иқбол ва яхши кун матлайдан ғалабанишон бошлиқлар юзига тулуъ қилди. Душман давлатининг куни орқага қайтувчи кечага айланди. Чунки Тангри ёрдами, хилофат маржаъи бўлган ҳокон шавкатининг қуввати билан шундай маҳкам, ғоятда баланд қалъа, мустаҳкамликда Хулқар юлдузига баробар бўлган истехком эгалланди. Номдор аскарлар ҳаракатининг овозаси кўк тусли осмон чўққисидан ошди.

#### М а с н а в и й :

Душманлар тўдасига зилзила тушди.  
У шиддатли елдан хасу хашакдек қочдилар.  
Уларнинг бири этагидан жанг тошини тўкса,  
Яна бировга ундан бало етарди.  
Агар бири бошида оғир гурзини кўрса,  
Яна бири кўкрагига санчилган найзани  
кўрарди.

Зафар нишонли сипохлар душмандан интиком олиш қасдида ул оқибати бахтсиз жамоалар устига контўкар қиличларини чопдилар, фано ўтини ёкиб душман вужудларини елга бердилар.

#### М а с н а в и й :

Ўткир қилич зарбидан кўп тана бошидан  
айрилди.  
Уларнинг жанг қилишга қўли, қочишга оёғи  
йўқ эди.  
Агар улар кескир қилич билан  
ўлдирилмаганда,  
Ғоратгарлар қўлига асир бўларди.  
Агар бир гуруҳ халқ асир ва тутқин бўлса,  
Иккинчи гуруҳ бўйни ва оёғига қишан тушарди  
Ва бирмунчалари ўлим нишонли ўқ, қилич,  
найзага емиш бўларди.

Мухаммад Замон мирзо ҳам бандга бўйин қўйди, чунки у мардоналик майдонининг ялов-

дори Рахмонкули чухра окосининг қўлига тушди. Мазкур амир уни нусратли хоқон даргоҳига олиб борди. Унинг қўлига тушиши тафсилотини хоқон ҳазратга баён қилгач, икболли хоқон унинг шоҳона сийлашлар, чексиз меҳрибончиликлар билан кўнглини кўтарди ва ўз баробарларидан мумтоз қилди.

Олийнасаб сайидлар: Катта Шох Солиҳ ва Кичик Шох Солиҳ Жата<sup>722</sup> амирларидан бир жамоаси билан улуғлик оёғини қалъа айвонига кўйиб, доимо жанг қилиш пайида бўлган эдилар, жанг учун эҳтимом камарини белига боғлаб иззатли, ҳурматли сипоҳларга монелик кўрсатиб, мудофаа қилишда жуда кўп жидду жаҳд кўрсатишган эдилар, уларнинг ҳаммаси асирлик қайдига гирифтор бўлдилар. «Уларни сиёсатгоҳга олиб бориб, ишини тугатинглар», деган олий ҳукм содир бўлиш шарафини топди. Иккинчи куни Шарқ куёши, Ғарб буржига яшириниши олдида сайидларни, бошқа асирлар билан бирликда, қатлга етказишди. Жар ёқасида Мирзо Муҳаммад Замонни ва яна Жата аён ва акобирларидан етмиш кишини оёғидан йикитдилар. Кибру ғурур ели бошини қоплаганларнинг боши кескир ханжар, ўтсочар қилич билан тупроқдан бунёд бўлган танидан жудо қилинди. Зафар нишонли сипоҳлар фармон бўйича журъат оёғини талон-торож кўчасига кўйдилар, бебок қўлини талон-торож қилишга, хирож молини олишга очдилар. Жуда кўп асбоб-олот, ҳисобсиз ашёлар, қимматли ҳар навъдаги моллардан шу қадар кўп фалак асарли аскарлар забтига, тасарруфи остига ўтдики, у моллар ортилган оту туя, уловлар кўтаролмасдан корни ерга тегарди.

#### М а с н а в и й :

Хар бир бурчақдан талон-торож бошланди,  
Замона бу ахволдан кўрқиб омонлик сўради.  
Одамларнинг фарёду фиғони осмонга  
кўтарилди,  
Агар кўрсанг қиёмат қойим бўлиб, Исрофил  
карнайини тортибди дер эдинг.  
Хотинлар ҳаммаси томларда, эрлар эса  
кўчаларда,  
Шаҳарнинг ҳаммаси йиғи — зор овози, осмон  
эса тўзон билан тўлган эди.

Сўзнинг қисқаси, шундай маҳкам қалъа,  
бу қадар мустаҳкам кўрғон эдики, маҳкамликда  
Зухалга суянган қасрдан хабар берарди.

Бу қалъа фатҳининг сурати юлдузлар сонича аскарли хоқонлардан, икболли ва шону шавкатли султонлардан ҳеч бирининг мурод оинасида юз кўрсатмаган эди. Бу қалъа осонгина истило этилди. Хоқон ҳазрат мискинлик юзини бандалик ерига суриб, ҳисобсиз саждалар бажо келтирдилар. Улуғ ва азиз Тангри мадҳига, унинг хилма-хил неъматлари шукри баёнига тил очди. У мамлакат подшоҳларининг кўп йиллар давомида йиққан, захира қилиб сақлаган нафис, нозик мол ва буюмлари, фахрли ажнослари бор эди, уларни ҳаммаси умаро ва аркони давлат<sup>723</sup>га баробар тақсим қилиб берилди. Хоқон ул кенг вилоят, ажойиб мамлакат ҳукуматдорлигига катта султонлар хулосаси, саховат, эҳсон оятининг мазҳари азиз султонзода Абулфатҳ Ҳазора султон<sup>724</sup>ни, унинг иззати давомли бўлсин, номзод қилиб белгилади, чунки унинг шарафли отаси султон нишонли султон, Рустам фармонли султон, яъни Ўзбек султон ўз вилояти қаторига кўшиб, унинг таъмири ва ободонлигида саъй-ҳаракат кўрсатган эди. Сўнгра хоқон тоғлиқларнинг мустаҳкамлигига ишониб, кибрланишга сабаб бўлган қалъани бузишга, Халвойи мавзеида халқларга паноҳ бўлишга ва уларнинг химоя қилишга лойиқ қалъа солиб, сўнгра у жойдан иззат яловини кўтариш ҳақида жаҳон халқи бўйинсунадиган фармон содир бўлди. Якшанба куни хоқоннинг шарафли зоти шу манзилда тўхтади, фалак асарли аскарларга мўлжаллаб шу услубда таноб-таноб<sup>725</sup> қилиб ҳар қайсиларга бўлиб берди. Қалъа деворларининг буржларини ошиқлар дилидек синдириб, эскитиб, номини ўчириб қулатиб ташладилар.

#### М а с н а в и й :

Қалъанинг буржидан, деворидан, дарвозасидан  
нишон қолмади,  
У бошқа дардларга асло дармон бўлмади.  
Бу дунё саройи шу хилда бўлган — бири хор  
бўлса, бири азиздир,  
Бири баланд бўлса, бири хавфу хатардадир.  
Шундай бўлгач, кел, дунёйи дундан кечайлик,  
Илму дониш билан ўзга жаҳонни қўлга  
олайлик.  
Чунки жаҳоннинг шодлиги абадийдир.  
Бу жаҳондек у фоний эмасдир.

Мушкин қалам билан ҳозирги пайт тақозосича, осмонсимон Кўлоб қалъаси фатҳида юз





учун жўнади. Зиёрат шарафини топгач, у жойдан сувнинг соҳили орасидан Имом Архангига ташриф буюрди. Иккинчи куни ҳазрат қаршисидаги ердан кемага ўлтириб, Жайхундан ўтди. Имом дашти томонга хоконнинг олий фармони билан қовун экилиб, шу пайтда қовун пишган эди, полиз тепасига борди. Зафарасар қўшин иккин кунгача у жойда тўхтади. У жойдан Толиқон томонга юришга ҳаракат қилди. Амирлар паноҳи амир Қулбобо кўкалтош у вилоятда ҳам аъло ҳазрат рухсати билан Толиқон қалъаси ичига олий бир мадраса тарҳини туздирган эди, у вақтда тезлик билан унинг қурилишини тамом қилди. Толиқон ҳавоси сайёранишон қўшиннинг тўзонидан анбар исли, мушк хидли бўлди. Хокон яшаган жойида тўрт кун шавқ-завқ бисотини ва ишрат дастурхонини ёзди. У жойда фалак иқтидорли аскарлар келиб, Бадахшон вилоятининг энг хушхаво жойидан ва энг яхши музофотидан бўлган Кишм мавзеи ҳисобсиз аскарга қўнар жой бўлди. Бирмунча кун у кўнгилочар мақомда тўхтаб турдилар. Ўша мақомда турган пайтларида муборак шаъбон ойи<sup>729</sup> хижоб ниқобини юзидан кўтарди. Сўнг у макондан саодат оқибатли қутли соябонни парвозга келтириб, Мекон тоғ чўққиси томон шитоб билан юрди. Баландпарвоз лочин ҳам унинг устидан ўтолмас эди. Қийинчилик билан ўтиб, Дарлун томонига жиловини бурди. У жой ғоятда кўнгилочар, фарахбахш, хушхаво, ҳисобсиз боғу бўстонларни ўз ичига олган водий эди. Иккинчи куни чодир, хос саропарда ва боргоҳнинг қароргоҳи Аргу деган манзил бўлди. Зафар нисбатли яловнинг ой суратли нишони фалак авжидан, ой чўққисидан ошди. Астойдил талашувчи хокон у манзилдан қиёмат асарли қўшиннинг нағораси овозини яшил осмон қуббасига, Жавзо буржи чўққисига етқизди. Хинжон мақомига зафарли қўшиннинг келиб қўнишига ва шон-шавкатига фалак рашк этарди.

Шу куни хоконнинг тенги йўқ зотларига, мисли ва монанди йўқ унсурларига, ёмон кўз таъсири билан қаттиқ бетоблик зоҳир бўлди. Шу сабабли айланиб турган фалак бу воқеанинг пайдо бўлишидан саросима ва саргардон бўлди. Жаҳонга партав солиб турган қуёш бу ходиса вуқуьидан ҳайратда қолиб, ҳаяжонга келди. Муборак мизожларининг тағйир топишидан кундан-кун ўсиб турган давлат бандалари ғоятда паришонхол ва ғамгин бўлдилар.

Еруғ кунлар эр ва аёллар кўзига ошқора ва махфий ҳолда қайғу меҳнат кечаларидан ҳам қоронғурок кўринди.

Ҳол арбоблари<sup>730</sup> ва донишманд фиркалар тилидан фасоҳат, балоғатли бу байт сўз ипига тизилди. Жаҳондор зотнинг муборак вужудларини дур ва жавоҳир каби назм билан зийнатланди.

Б а й т:

Нозик танинг бетоблик етиши билан дард  
тортмасин,  
Барча халқнинг сарасисен, сенга озор етмасин.  
Барча халқнинг умид ипи сенинг қўлингдadir.  
Иситма қизитишидан мўйнинг бошича сенга озор  
етмасин.  
Одамлар кўзи жўғдонидagi<sup>731</sup> қорачуғи сенга  
етган озор дафъи учун исирик донаси бўлсин,  
Сенинг нотавонларга дарду алам етишини  
қўрмаган қалбинг ёкимсиз табиблардан даво  
истамасин.

Етган бетоблик, касалликни подшоҳ ҳазрат икки кун тортди. Бовужуди яхши адолат мунтазам бўлган вужудларга мувофиқ келмаган иллат сихат томонига юзланди. Тангри иноятининг шифохонасидан ўзга жойда шифо қонунини кўз тутиб бўлмайдиган корсоз ҳаким, яъни «Қуръондан шифо бўлган ва мўминларга раҳмат бўлган нарсаларни»<sup>732</sup> деган оят дорихонасидан учинчи кунда толиб подшоҳ вужудига тандурустлик ато қилди. Бетоблик қайтишга юз қўйди. Касалликнинг ғалаёни сўнди.

Б а й т:

Мизожи ўз қалбига тушиб, мўъгадил бўлди  
дейман,  
Балки жаҳон учрашгандан эмин бўлди, деб  
айтаман.

Халқларнинг умид орзусининг боғи шодлик, хурсандлик райҳонлари билан яшнади, равақ топди. Халқ шукр айтишга тил очди. Замон аҳлининг шукронаси осмон авжидан, Зухал чўққисидан ошди.

Б а й т:

Тангрига ҳамд бўлсинки, ўз лутфи ёрдами  
билан  
Тандурустлик шодлиги кийимини қайтадан  
кийди шоҳ.

Жаҳон ва аҳли жаҳоннинг саломатлиги унинг саломатлигига, жаҳон ва аҳли жаҳоннинг мустақимлиги унинг тандурустлигига боғлиқ бўлган иқтидорли ул подшоҳ зоти мўътадиллик холига келди, халқларга жуда кўп садоқат, чексиз назрлар сарф этгач, қайтишни ирода қилди. Давлат арғумоғига миниб, шодлик саодати ва баракоти билан ҳаракатга келди. Жаҳон кўзи ҳам жаҳонгир ҳоконнинг саломатлигини кўриб, ёриди ва нурланди. Катта-кичиклар дили фалак тахтли подшоҳнинг сихатланиши мутолааси билан шод бўлди, жуда ҳам севинди. Аммо баҳодир Динмуҳаммад султон<sup>733</sup> ва ўзга зафар нисбатли умаролар Искандар узукли ҳоконнинг фармони билан қарорсиз душманларга мутаважжих бўлдилар; ошиқиш жиловини дину давлат душманларини учратиш томонига буриб, Кўкча суви лабига етканда, уларнинг қочган хабарини эшитдилар. У жойдан тўхтовсиз ҳаракатга келиб, қочганларнинг кетига тушдилар. Тангри инояти, шоҳлар шоҳи давлатининг ёрдами билан кўнгиллари тўқ қилиб, уларнинг пайига тушдилар ва узоқ йўлдан юриб хавфли манзилу манозилларни кесиб ўтиб, Хулқар авжига, яшил осмон чўққисига бош тортган, бағоят баландлигидан Зухал айвони билан беллашган Ҳиндикуш<sup>734</sup> девонига етдилар. У манзилга етганда душманнинг тоғнинг орқасига ғоятда катта шавкатдор аскар билан келиб тушганлигидан, интиқом олиш камингоҳида пистирма куриб, баҳодирлик қанотини очиб турганлигидан хабардор бўлдилар. Чунки душман аскарининг адади ҳисобдан ташқари кўп бўлса ҳам, зафарнишон сипоҳлар юз элликдан ортиқ эмас эди.

Тангри хидояти этагига талаб қўлини уриб, пок Тангрининг маънодор ояти «кўпинча оз бир гуруҳ Тангри изни билан кўпчиликни ташкил қилган тўда устидан ғалаба қозонади»<sup>735</sup> деган оятни кимё асарли назарлари олдида тутиб, мардлик, мардоналик отини тўхтовсиз жойидан кўзғотдилар. Азиз Тангри ёрдамига, шавкатли ҳокон давлати қувватига суяниб, совут, жавшанга ғарқ бўлган ҳолда, темир тоғдек бўлиб, ўша довондан ошдилар. Яшиндек чақнайдиған қиличларни тортиб, аждаҳокирдор найзаларни кўтариб, ҳаммалари бирдан жангга кирдилар. Мирзо Сулаймон ва Шохрух султон қазо ва қадар кучли аскарнинг хужумидан хабардор бўлгач, саросима ва сар-

гардон бўлиб, девнишон отларига миниб, гумроҳлик жиловини буриб қумирска ададли, девшаклли, шайтон нишонли тўда аскарлари билан ботирлик юзини жанг қилишга ўтириб, саф тузиб, жанг қилиш мақоминда турдилар. Иттифоқо, зафар нишонли аскар қўлига ханжар, ўқ, гурзи, қилич тутиб, зафарли отларини жилвалантириб, чиғатоийларга от қўймасдан илгари, шавкат, давлат душманлари бирдан хижо<sup>736</sup> харфидек ўзидан-ўзи сочилиб, бир ҳамлага тоб беролмадилар. Балки, ярим зарбага ҳам чидолмай қочиш йўлини ихтиёр қилдилар. Шох Сулаймон, Мирзо Шохрух холи хароб душманлардан бир озгинаси билан кўп меҳнат, ҳисобсиз машаққатлар чекиб, ўша қон ичувчи ҳалокат ўрнидан бир йўли жонини қутултирдилар. Баъзи бирлари жонини зафар асарли қиличга топширдилар. Нусрат шиорли амирлар Тангрининг ҳифзу ҳимоясида зафар топиб, мақсадга етишиб, қайтдилар. Фатху нусратга йўлиқиб, иззат, саодатга ёр бўлиб, фаришта сипоҳли даргоҳга юзландилар ва ҳокон ҳазратнинг узангисини ўпиш шарафини топишга ошиқдилар, қайтган пайтларида мулозамат саодатини топдилар. Ҳокон ҳазрат эса уларнинг ҳар бирини жанг майдонида мардлик, мардоналикни қўлдан бермаганлиги учун мумтозлик даражасига етказди. Ўз баробарлари ўртасида зўр мансаб, улуғ мартабалик қилди.

Қиссанинг охири Хатлон вилоятининг кўп қисми, шунингдек, Бадахшон мамлақати ҳоконнинг яхши адолату ва эҳсони билан яшнади. У мамлакат шаҳарлари душманларнинг ифлос вужудидан поклик, тозалikka етишди. Ўша юришда турли-туман саодат ва каромат ҳокон ҳазратдан рўй берди, фатху зафар гўзали қутли ялов соясида юз кўрсатди. Донгдор фатҳлар, улуғ воқеалар овозаси жаҳон атрофига кетма-кет тарқалди. Соҳибқиронлик манокйби, фаҳри ва шуҳрати жаҳон гўшаларига ёйилди; бидъат, фасод қоида-қонуни ва вайроналикка юз тутиб, зулму, бедодлик асоси тамом йиқилди. Ҳокон ҳазрат ўша юришда забти остига, тасарруфи ихотасига олган ҳар бир қалъа ва шаҳарларга атоқли сардорлар, бош кўтарган улуғ зотларни кўйди. Сўнгра иззат ва иқбол марказига, улуғлиги қароргоҳи томонига қайтишга жилов бурғач, зафар нишонли яловини, осмон чодирни куббасига, кўк фалак соябони бўлиб, илоҳий қувват муҳофазатчисини бўлсин, фалак чанбари тугагунча қуёш, ой, Зух-

ра<sup>737</sup>, Муштарий сайри тамом бўлгунча жаҳон  
Искандари сонийнинг<sup>738</sup> тасхири қабзасида, тад-  
бири хавзасида бўлиб, Сулаймон мулки во-  
рислиги барқарор бўлсин, кундан-кунга фатҳу  
зафар эшиги у жаҳонгирлик уловдори ва жа-  
хондорлик майдонининг шоҳсувори муроди  
юзига очилсин.

### Б а й т:

Эй Тангри, бу нуроний осмонни кўёш, ой,  
Аторуд<sup>739</sup>, Зухал ёритиб турган муддатда,  
Шарқ подшоси хоқон жаҳонга оро берувчи  
бўлсин.

Замон ўз ўрнида бокий бўлиб, ер ўз жойида,  
барқарор бўлган холда жаҳон хоқон ҳукми  
остиға кирсин.

Фалак мақсадига эришган шоҳнинг амри,  
фармонида бўлсин.

Ундан кейин қудратли кўшин Қундуз тўғ-  
рисидан ўтган пайтида ва у хайрли мақомда  
муборак рўза ойи<sup>740</sup> туғилди, хоқон ҳазрат-  
нинг келиши шуҳрат топти. Мамлакатнинг ако-  
бир, ашроф ва маволилари, олию паст дара-  
жали халқлар ҳар тарафдан ул олиймақом  
қиблагохга юзланишди. Ҳамманинг дилидаги  
нияти, орзусининг хулосаси хоқон ҳазрат оё-  
ғини ўпиш давлатига етишиш бўлди. Балх-  
нинг музофотидан бўлган Бобошоҳ мавзеида  
тўртинчи рамазонда<sup>741</sup> жаҳон ва жаҳон халқи-  
нинг маҳдуми, ақобиру ашрофлар кўзининг  
нури, яъни Хожа Калонхожа ҳазрат хоқонга  
мулоқот бўлиши шарафи билан мушарраф бўл-  
ди. Чунки улуғ авлиёларга муҳаббатни васила  
қилмасдан, мухтарам такво аҳлини севиш, дўст  
тутишни восита қилмасдан диний ва дунёвий  
мақсадларни ҳосил этишни, зоҳирий<sup>742</sup> ва  
маънавий ҳожатларга етишишни хаёлга келти-  
риб бўлмайди. Шунингдек, хоқон ҳазрат ҳам  
ҳурмат қилиш, улуғ тутиш ва шу қабилдан  
саналадиган ишларни бажо келтирди. Уни ғоят-  
да сийлаб, ниҳоятда ҳурматлаб, назру ниёз,  
ийсор ва нисор тўқди. Ул яхши мақомда бу  
анбар рангли китоб муаллифи хоқоннинг қа-  
дам келтириш шарафига етишиб, олий маж-  
лисида ўлтириш мартабасини топгач, Бадахшон  
фатҳи ва унинг тасхири тарихи ҳақида қасида  
иншо қилган эди, уни хоқонга тутди. У қаси-  
да будир:

### Қ а с и д а:

Тангри соябони соясидан жой олган хоқон  
Эрон мамлакатини Тангри ёрдами билан олди.  
Сулаймон мансабли, Искандар кадрли олий  
мартабали хон,

Фағфурдан<sup>743</sup> хоқонлик тожу тахтини олди.  
Қалам тилига агар олий тавсифи келар экан,  
Унинг донгдор номи замон Дороси ва иккинчи  
Искандарлик ўрнини олди.

Унинг оти нағали устурлобини эрта-кечда  
Юноний Афлотун кўрар кўзи олдиға олди.  
У шундай хоқонки, агар мусулмонлик  
қалъасининг даҳанаси бўлса,  
Унинг шон-шавкати асосининг бинокори адолат  
юзидан уни олди.

У шундай хоқонки, хизматчиларининг  
хизматкорлиги учун жон жисмоний дилгирлик  
вайронасидан жой олди.

Ул хоқоннинг иззати остонасида Зухал қафига  
михвар<sup>744</sup> хатидан чўб олиб,  
Дарвозабонлик машғулотини ўз устиға олди.  
Қачонки дарёга қаҳр оташидан бир учқун

тушса,  
Садаф ичидаги дур руммоний<sup>745</sup> ёқут рангини  
олди.

Хар кун сахарда фалак ерга юлдуз тухмини  
сочиб,

Осмон адолати даврида дехқончилик қилиш  
маросимини олди.

Фалак унинг замонида юлдуз кўзларини боқиш  
учун,

Чўпонлик қилишдан кўлига чакмоқ таёғини  
олди.

Кўлининг булуту саховати вақтида дур сочади,  
Инжу тўқиш расмини найсон булуту<sup>746</sup> ундан  
олди.

Қушлар ичидан бойўғлини одамлар ёмон  
кўрарди.

Чунки у хоқон даврида вайронага мойил  
бўлиб, уни ўз ихтиёрига олди.

Давлат ишларида сомон, яъни саранжом  
киладиган сардор лозим эмас.

Чунки у Исмоил Сомоний<sup>747</sup> тахтини олди.  
Унинг найзаси аждаҳоси душман танини ҳалок  
қилди.

Чунки у бу равишни хоссатан Имрон ўғли  
Мусодан олди.

Ҳаммага бош кўтарганларнинг боши тўп деб  
саргардон бўлди.

Қачонки у жойидан кўзғолди,  
Хоқон уни чавғони чанғалига олди.  
Ой, шижоатпешона хоқон, шундай хоқонсанки.  
Уруш кунда олтин нишон қилишни кўёш  
кафидан олишга кодирсан.

Душман сенинг фалакка бош кўтарган яловинг'  
 ой нишони тулуғидан пешонасига хайрат  
 кўлини қўйиб, пешонасини тутди.  
 Душман кўзи қиличнинг ойнасига тушгач,  
 хайронликдан иягини кўлига олди.  
 Жанг кунида камон булутидан ўқ ёмғирини  
 тўккач,  
 Душман бошидаги дубулғаси борон шаклини  
 олди.  
 Хамма халқнинг кўнгли сенинг икболинг билан  
 жамъ бўлди,  
 Аммо ошиқ гўзаллар хатидан<sup>748</sup> ўзига  
 паришонликни олди.  
 Қаҳринг ўтига юз тубан йиқилгач, душман  
 руҳининг куши кабоб шаклини олди.  
 Сенинг инъоминг тиниқ чашмасидан маҳрум  
 бўлмаган бўлса,  
 Нима учун оби хайвон<sup>749</sup> қоронғу қудукдан жой  
 олди.  
 Жаҳонни мусаххар қилиш пайтида  
 подшоҳларга мушқил бўлган нарсаларни  
 иктидорли хокон осонлик билан олди.  
 Хоконнинг замонида бор бўлган ҳар бир хон ва  
 султон,  
 Унинг кудрати хайбатидан жаҳондорликни  
 тарк этди.  
 Хасаддан душманларнинг дили ёқут каби қон  
 бойлагач,  
 Унинг узуги Бадахшон лаълидан зийнат олди.  
 Бадахшон ғалабасининг ели қаттиқ эсгач,  
 хоннинг савлатидан душманинг аъзосини  
 ларза олди.  
 Хокон Сулаймон шохдан Бадахшон мулкини  
 олгач, Шохрух султон, бу ғам султонлигини  
 тарк этди.  
 Нахлий Бадахшон фатҳи йили таъриҳини  
 ақлдан сўрагач, нукта ақл «мулки  
 Сулаймон гирифт»<sup>750</sup>, деди.

Иккинчи куни хокон ва лашкар у ердан  
 кўчиб, такводорлар имоми, мўминлар амири  
 Асадуллоҳ ал-Ғолиб Али ибн Абу Толибнинг,  
 Тангри унинг зотини сийласин, улуғ машҳади  
 олий томонига юриш иродасида йўл олди. У  
 жойга етгач, зиёрат одобини тавозеъ ва синиқ-  
 лик шартини адо этди. Турли садақалар ва  
 ҳар хил ҳадя ва назру ниёзларни фақирларга  
 ва хожатмандларга улашди. (Туғи) осмонга  
 тиралган аскар Давлатобод мавзеига етганла-  
 рида Каёний тожли, Искандар тахтли, зафар-  
 ли, бахтли Абдулмўмин султон меҳмондорлик  
 асбобини кераги ва лойиғича тартиб бериб,  
 мухайё қилгач, жаҳонпаноҳ хоқон даргоҳига  
 борди. Бир қанча кун жаҳон ёритувчи хоқон

шарафли Балх атрофи ва ноҳияларида муқим  
 бўлиб турган муддатда ов қилиш, қуш солиш  
 шодлиги рақамини дили сафҳаси, кўнгли са-  
 хифасига ёзди. Иззат ва олий даражали сул-  
 тон зиёфат шароитини ҳар рангдаги назокат  
 билан бажо келтирди. Шодлик бисотини ёйди,  
 ишрат ва хурсандлик яхши одатини нашр қил-  
 ди. Доимо шоҳона базм, хусравона мажлис  
 тартиб берди ва унга ҳозирлик кўриб турди.  
 Ой чехрали муғаннийларнинг<sup>751</sup> хуш сўз, ши-  
 рин адо хонандалар кўнгилочар тарона садо-  
 сини, жонга ёқар нақаротлар замзамасини Су-  
 райё авжига, яшил осмон чўққисига етказди  
 лар. Чанг ва уднинг дилтортар оҳангига, руду  
 суруднинг навозиши харфларини саждага  
 (уйкуга) юборди. Қутли сарқорлар ва дастур-  
 хончилар тортган «навъ-навъ таомлар, ранг-  
 баранг емишларни тановул қилдилар»<sup>752</sup>, де-  
 ган оят мазмунича қуш гўштлиридан торти-  
 лар, хилма-хил таомлар ҳаддан ташқари бўл-  
 ди. «Ёйдиганларингиздан кўп мевалар бор»<sup>753</sup>  
 ояти мазмунича, хитойи хонлар устида таом-  
 лар қаторида хилма-хил мевалар тартиб билан  
 кўйилиб, мажлисга оро берилган эди. Унс,  
 улфат, шохлик мажлиси охирига етди; севинч,  
 беғамлик чекига бориб тўхтади.

Султон ҳазрат хокон хузурига адаб билан  
 кирди. Шоҳона пешкаш<sup>754</sup>, хусравона тухфа-  
 лар ҳаёл жиғилдонига сикқанидан зиёда, ин-  
 сон тоқати кўтарган ортиқча нарсаларни тақ-  
 дим этди. Арбоби давлатдан ва аъёни ҳазрат-  
 дан тартиб, то бу каминага фалак кадрли дар-  
 гоҳнинг чоқарларидан кимда-ким бўлмасин,  
 сийлаш ижобича лойиқ бўлган инъоми, эҳсо-  
 ни ва берган савғоти билан бойлик конига,  
 мамнунлик дарёсига айланди. Улуғ хокон ҳам  
 султон ҳазратнинг холига муносиб жуда кўп  
 иноят, чексиз марҳамат кўрсатди. Султоннинг  
 муборак зотини яхши ваъдалар, рағбатли на-  
 возишлар билан сийлади. Аммо султоннинг му-  
 борак зоти насихат зийнатида, ваъз инжусига  
 мухтож эмас эди. Шундай бўлса ҳам, оталик  
 шафқати чекига етганлигидан ширин баён ти-  
 лини сўзга очиб қуйидагиларни айтди: «Улуғ  
 ва олий Тангри олий давлат тожини бир дав-  
 латманднинг бошига қўйса, у барча хизматини  
 пайғамбар динини қувватлашга, Муҳаммад  
 Мустафо, унга Тангрининг раҳмати бўлсин,  
 шариатини ривожлантиришга сарф этишга ти-  
 ришсин ва уни бахтли, салтанатли тахтга, улуғ  
 ҳашаматга муттако<sup>755</sup> қилсин! Унинг адолати

шуъласининг нури жаҳон атрофи равшанлиги устига равшанлик орттирсин! Шаънини улуғ Тангри шундай улуғ хибба<sup>756</sup> ва зўр ато билан кўтаргач, бу марҳаматнинг шукронасига лозимдирки, ҳамма ҳолатда адолатнинг мақбул бўлган йўлига юргайсан, пок кўнглингни тамоми умрингда равшан шариатга қувват бериш йўлига юргайсан. Бир миллати байзонинг<sup>757</sup> асосини мустаҳкам тут, токи Тангри инояти билан «биз сенинг учун ошқора фатҳ қилдик»<sup>758</sup> деган маънодор оятига мувофиқ, ҳар бор харакатингда сенга фатҳ кушоиш ва нусратни яқин қилгай. «Тангри сенга зафарли ёрдам билан ёрдам беради»<sup>759</sup> деган чексиз фазл файзининг ижобича, «ҳар бир кўзғолишда давлат яловини саодат бурчагидан кўтаради». Ҳокон султоннинг ақл қулоғини жавоҳир шугуллари билан тўлдирди ва ул жанобга ўз вилоятида туриб қолишига ижозат бериб улуғ яловни давлат қуёшининг матлаи, саодат субҳининг машриқи бўлган Бухоро доруссалтанати томонига қараб кўтарди. Муборакфол Ҳумо, яъни иззату иқбол ялови қанот-қуйруғини ёзиб, зафар чодирининг лочини нусрат нишонли байроғи уқобининг шарафли соясини жаҳон ва жаҳон аҳли бошига солди. Муборак асарли қадам келтиришлари тантанасининг овозаси Зухал айвонидан ошди. Улуғ мансаб ва давлат арбоблари, иззату иқбол эгалари ошиқлик билан манзил ва марҳалаларда унинг истиқболига чиқиб, хол тили билан бу байтни тараннум қилдилар.

#### Б а й т:

Тангрига шукр, адолатпарвар хон қайтиб  
келади,  
Етти иқлим подшоҳи, одил шоҳ қайтиб келади.

Хазон пайти, меҳржон<sup>760</sup> вақти бўлган  
тийрамоҳ<sup>761</sup> охири эди.

#### М а с н а в и й :

Хазон пайти шамол агар эсиб турса ҳам,  
Чаманнинг рангу рўйи хазон рангли бўлмади.  
Хазондан тоқлар кизил, сариғ бўлиб кўрингач,  
Чаман раъно гуллар билан тўлгандек  
сезиларди.

Боғ ташқарисида юрган гўзаллар нарғисдек  
кўзга юзи гул, кўзи чароғ бўлиб кўринарди.

Шаввол ойининг аввалларида<sup>762</sup> қутли фол кўшинининг туғи ойнишон қуёш шаклида осмон чўккисидан тулуғ қилабошлади. Сулаймон ҳашаматли ҳокон аввали ирода қадамини улуғ хожа, яъни Баҳоулҳақ вад-диннинг<sup>763</sup>, Тангри сиррини пок қилсин, нур сочиб турган мазори томонига қўйди. Зиёрат риоятини бажо келтириб, таъзиму тақрим шароитини зоҳир этди. Фақирлар ва ҳожатмандларга инъом, эҳсон қилди, садақалар берди. Сўнг у жойдан давлат оёғини саодат узангисига қўйиб, фалак нишонли отига миниб, қадимий тахтгоҳи бўлган Бухорога, ўз салтанатига жўнади. Сайидлар, қозилар, ақобирлар, аъёнлар, паст даражали ва олий даражалилар ва оддий халқ, шарафли, шарафсиз зотлар, қавий ва заиф фуқаро ва умумий халойиқ ҳар навъи туҳфа ва ҳадяларни йўл устига олиб келдилар. Астойдил ва самимий қалблари билан подшоҳ жаҳон аҳлини дуо қилди. Жаҳонгир хон қуёшдек ярқираб адолат, инъому эҳсон, лутфу марҳамат бурчагидан тулуғ қилди. Ойнинг ўн иккиси<sup>761</sup>, жума кунида шаҳар чорбоғи ҳоконнинг муборак дийдори равшанлиги оройиши билан осмон фазоси рашкини орттирди. Хосу авом ғоятда хурсандликдан шодлик ва кўнгилчочлик изҳор қилдилар. Хон давлати соясиди фориғбол кенгрўй аҳвол билан ором олдилар.

#### М а т л а ь:

Шукр бўлсин Тангрига, хон ҳазрат адолати  
кунларида  
Паришонликдан ҳамма халқнинг хотири жамъ  
бўлди.

ФАРИШТАСИФАТ ҲАЗРАТНИНГ ҚАЙТИБ  
КЕЛГАНЛАРИДАН КЕЙИН РЎЙ БЕРГАН  
ВОҚЕАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЗИКРИ

Соҳибқирон ҳазрат бахту иқбол билан кўнгил тинчителиб, шодлик билан Бадахшон вилоятидан қайтгач, улуғ қароргоҳига келиб тушди. Унинг фармонравонлик овозаси мийно рангли осмон авжидан ўтди. Кошғар худудидан тортиб то Мўғулистонгача, Дашти Қипчоқ ноҳиялари ва Туркистондан то Хуросон вилояти худудигача, Хоразм вилояти ва Табаристонда бўлган фармоннавоз жаҳон ҳокимлари, Сулаймон дастурли замон султонлари, ҳар хил восита ва

василалар билан фалак ҳайбатли даргоҳга элчилар, мактублар юборишардилар. Ўз аҳволларини билдириб, илтимослари, баёнотлари ва хожатларини, улуғ амирлар, ишончли, мўътабар зотлар воситаси билан, хоконга арз қилишардилар. Уларнинг ҳамма муҳим ишлари истаганларидек бажариларди. Хоконнинг барчага баробар бўлган инъомию икромии чексиз анжом топарди. Ўз хоҳиғаларига кўра қайтишга ижозат олиб, ўз вилоятларига қайтишардилар.

#### М а с н а в и й:

Фалак қадри, олтин туғли хокон,  
Удир қувватли Хумо, удир Фаридун шавкатли,  
хоқон

Бадахшон тарафига аскар тортган пайтида,  
Сипоҳининг тўзони осмонга етди.  
Иродалп отига миниб жилва қилганда,  
Фатҳу зафар элчиси жilовини тутди.  
Уининг бахт юлдузи авжига чиққач,  
Иқболи овозаси осмонни тутди.

Тожу тахт ва ғалаба билан бош кўтаргач,  
Мамлакатда унинг ишига Тангри чорасоз  
бўлди.

Унга бахт, давлат хамроҳ бўлгач,  
У жойдан ватан тарафга қайтди.  
У ҳашаматли тахтга иззат билан ўлтиргач,  
Фитнаннинг бошини, зулмнинг оёғини  
синдирди.

Хоқон оёғини ўпиш учун ҳар бир шаҳардан  
ҳисобсиз халқ етиб келди.  
Султонлар унинг жонига дуоғўй бўлиб,  
Ҳаммаси унга юз тутиб яқдил бўлдилар.

Бу вилоятда вазирлик ойинида сиёқ илмида<sup>765</sup> санъат ва китобатда бармоқ билан кўрсатилиб келинган Хожа Мирим Мирзобек девон ўғли, икки йил муддатдан буён девоннинг муҳим ишларини ва Бухоро саркорлигини унинг раъйига топширилган эди, унинг бир нуксони сабабдан, мансабидан четлатилди. Олий шавкатли хон асл ватани, ўсган-унган, туғилган жойи Бухоро бўлган улуғ вазир ва вазирлар дастури Хожа Разиуддин ал-Аҳмад ал-Алҳофийни ўзига вазир этиб тайин қилди. Очиш, ёқиш, ушлаш, бўшатиш, девоннинг ҳамма ишлари, хоконга тегишли ҳамма муҳим ишлар у кишининг билармонлик зиммасига юклатилди. Тўққиз юз тўқсон учинчи йилда<sup>766</sup> бу баракотли жойда муҳаррам ул-ҳарам<sup>767</sup> ойи юз кўрсатди. Қуёшнинг Қавс буржиги<sup>768</sup> ўтиши ҳам

шу ойда рўй берди. Соҳибқирон ҳазрат хавонинг совуклиги ва қишнинг қаттиқлигидан Бухоронинг олий аркида ўрнашди. Совук аскарининг ҳужумидан, қиш сипоҳининг ғалабасидан қиш бўйи сайр этиш, ов овлаш одати билан отланмади. Унинг мақтовли одати ва энг яхши сийрати ижобича, ҳамма табаррук мазорларга ва муборак машҳадларга жуда кўн назрлар юборди; фақирлар мухтожларга-ниҳоятда кўп таом берди. Катта маблағни ўз тарафи аён, ашрофларга, катта-кичик ҳамма халққа ва дарс, фатвога мутасаддий зотларга, зуҳду тақво<sup>769</sup> эгаларига бахшишлар қилди. Бу улуғ хиббалар, зўр саодатлар устида улуғ ва олий Тангридан хожат сўради, жаҳонга партов солиб турган куёга Далв буржидан Хут буржиги<sup>770</sup> кўчгач, «Агар куёш Хут буржиги кирса, совук тугайди», деган ибора мазмунига қараганда, Баҳман<sup>771</sup> сипоҳи шикаст топди.

#### Б а й т:

Жаҳонни нурлантирувчи куёш Хут буржиги  
киришга юзлангач,  
Совук аскарши шикаст еб қочди.

Улуғ хоқон сабза, райҳонлар сигюҳи боғу бўстонлар қалъасини эгалламасдан илгари, бодди сабо шамоли насими Исо мўъжизасини кўрсатмасдан, яъни ерларни тирилтирмасдан бурун, Хут аввалида иззат, шараф ялови остида Насаф томонга қараб жўнади? Баҳор пайтида Нахшаб<sup>772</sup> ва Хузор атрофнда сайду шикорга мутаважжих бўдди.

Аммо, жаҳон шахзодаси, соҳибқирон қўшини қайтгандан кейин, меҳржоннинг ҳамма кунларида Балх доруссалтанатида қарор топди. Қишнинг аввалида атласпўш фалак қиш совуғидан булут синжобини<sup>773</sup> ўз устига спган эди, тоғу сахро эйвак, қоқум<sup>771</sup> пўстидан пўстин кийган эди. Зардак чўли<sup>775</sup> томонига бориб ов овлашга иродаси жilовини бурди. Чунки у ноҳиялардаги ваҳший хайвонлар бу биёбонга жамъ бўлар эдилар. Зафар огоҳли сипоҳ умидининг орқаси ул ҳазрат ёрдамига таянган эди. Бу бепоён биёбоннинг ҳаммаси сув юришли, ўт суръатли, елпой отлар туёғи остида поймол бўлди. Ўқнинг тезучар лочинлари камон қарғаси ошёнасида жилва қилди. Сув тусли ханжар хавфидан сахро хайвонларининг дили қон бўлди. Тош ёрувчи пайконлар ғун-

часи мушкин нофа охулар кони рангидан лоло ундирди. Сайдлар кўзидан кон чашмасини оқизди. Сўзнинг кискаси, киш бўйи у бепоён чўлда беҳисоб сайду шикор қилишардилар. У кенг водийни ҳар турли ов овлайдиган жониворлардан бўшатдилар. Иқболли шахзода ов овлаш завқидан, сайд этиш шавқидан кўнгилларини бўшатгач, қайтиш яловини саодат осмони авжига кўтарди ва рабиъ ул-аввал ойининг охирларида давлат қароргоҳига, ҳашаматли маснад марказига келиб тушиб, иззат такагоҳида ором олди.

#### ҲАСАНБЕК УМАРИЙНИНГ ШОХНАЗАР ДЕВОНА БИЛАН ЖАНГ ҚИЛГАНИНИНГ БАЁНИДА

Бу вилоятда олий ҳазрат Бухоро дорилмулкига ташриф қадам қилган пайтларда жаҳон шахзодаси Абдулмўмин султон Зардак чўлида сайду шикор рақамини тортарди. Бадахшон кишиларидан қалби қоронғу кечадан ҳам қоронғуроқ бўлган мулла Бобо Вали<sup>777</sup> деган бир киши улуғ кубравия тариқатида<sup>778</sup> ўзини шайх ва пешво тутарди. У Ҳасанбек Шайх Умарий билан иттифоқлашиб, фитна кўзғаб, атрофига жуда кўп тоғлиқлар ва сахройи халқларни тўплаб, Кишм атрофидан то Бешагоҳ довонигача бўлган жойларни босди. Вилоят хукмдорлиги билан Шохназар девона мумтоз эди, унга Бадахшон вилоятида турган нусратли аскарлар келиб қўшилгунча бўлмасдан, тезлик қилиб ўзи билан бирга бўлган жамоаларни олиб душман томонга отланди. Тўхтовсиз иродаси жиловини давлат душманлари томонига бурди. Юқорида айтилган довон бошида фитна кўзғотувчи душманлар билан унинг ўртасида тўкнашиш рўй берди, икки ўртада қаттиқ жанг бошланди. Тоғлиқлар эса кўпчиликни ташкил қиларди. Соат сайин уларнинг хужуми орта борди. Шунга биноан Шохназар девонанинг одамлари ундан юз ўгирдилар. Шохназар девона то жони танида, томири баданида бор муддатда мардоналик кўрсатди, кучи етганича жанг қилди. Охири осмони қазо иқтисосича оёғидан йиқилди, оёқ ўрнига бош қўйди. Унинг одамлари қочиш йўлини тутдилар. Душман жуда кўп асбоб-аслаха, туя, отни ўлжа олди. Бу ғалабани ғанимат билиб, у жойдан Кобулга, балки Ҳиндистонга жўнади. Бу хабар барчанинг додига етувчи ҳоконнинг қулоғига етгач, шарафли хотирига оғир ботди.

Заруратдан Кишм ҳукуматдорлигини Шохназар девонанинг укаси Ҳафиз Алига берди ва мартабасини ғоятда юқори кўтарди. Ҳоконнинг ўзи Жавзонинг охирида Нахшаб ва Ҳузор атрофларида сайду шикор томошаси билан машғул бўлди. Ҳилолсимон<sup>779</sup> узангисини Балх томонга қараб ҳаракатлантирди. Жайхун сувидан яшин ва елдек ўтиб, у томонга йўналди. Фалак даражали шахзода ҳоконнинг истиқболли учун дарё бўйига қараб чопди ва шарафли мулоқот тугал бахт топди. Ҳокон жумод ул-аввал охирида<sup>780</sup> Балх вилоятига ҳозир бўлиши шарафи билан мушарраф бўлди ва ўз одагича у пок шаҳардаги файз таратувчи мазорлар зиёратига ҳожатмандлик юзини қўйди ва чин ишонч билан ҳожатмандлик шароитини тақдим қилиб, барча фақиру мустаҳиқларга назрлар ва чексиз садақалар берди, инъомикром эшигини уларнинг умид орзуси юзига очди.

У вилоятда ва унинг ноҳияларида сайр қилиб юрган пайтида бахтли фарзанди Абдулмўмин султон билан суҳбатда бўлиб, қутли давлат, зафарли бахт билан жониворларни учиршига майл кўрсатди. Гоҳо ов лочинлари камондан отилган ўқдек улуғ ҳокон қўлидан учарди. Учишда унга Насри тойир ҳамроҳлик қиларди. Ўз навбатида юз оҳуни сайд қиладиган жонивор яшиндек жойидан сакраб, ғайрат ўтини оҳу жонига ташларди. Даштни эса сайдлар конидан бўярди. Ҳавонинг ғоятда иссиқлиги ва иссиқнинг ўткирлигидан кўнгилни ов овлаш фикридан холи қилди. Ҳумоюн сифатли шахзода шодлик, хурсандлик бисотини ёйиб, подшоҳона тўйлар Кайхусравона базмлар мухайё қилди.

Бахтли халқларга айшу ишрат учун жар солди. Шавқ-завқ, шодлик овозасини фалак авжидан, Муштарий чўққисидан ўтказди. Шавкатли ҳокон суҳбатдан фориғ бўлгач, мамлакат тадбири, йўллар, манзиллар эминлиги хусусида сўз очди, чунки Бобо Вали воқеаси пайдо бўлишидан кўнглида малолат ғубори бор эди. Шунга биноан, ҳашаматли, шон-шавкатли амирзода Дўстим бақовулни амирлар интизомига олди.

Душманнинг қулоғини бураш ва душманликка мансуб фирқаларга танбеҳ бериш учун уни Кўлоб томонга юборди ва у бепоён мамлакатни унинг маоши ёрдами учун тайин қилди ва унинг риоясига кўнгил қўйди. Қутли ни-



шон султон, яъни Ўзбек султонга Кўлобни бошқа иқтоъларига<sup>781</sup> кўшиб берилган эди, хокон кўнгил сўраб унга мактуб юборди. Иккинчи куни мамлакат пойтахти Бухорога кайтиш яловини кўтарди. Хазон мавсуми, меҳрон пайти, куз фасли эди. Хазон фарроши боғу бўстон сахнасига тўкилган япроқлардан зарбофт бисот, яъни палос ёйиб ва ҳар томонга етти рангли деболар солган эди. Шу пайтда Жайхундан ўтиб, асл маркази Бухорога мутаважжих бўлди. Йўлдаги пайтда шаввол ойи<sup>782</sup> иззатли ва иқболли жамолини кўрсатди. Искандарнасаб подшоҳ Қарши атрофида рамазон ийдини адо қилди. Ийд куни ва ул шодлик мавсуми тугагач, сайд қилиб, улуғ қароргоҳга келиб тушди. Иззат, мансаб тахти устида қуёш, ой каби така қилди. Бирмунча кундан кейин совуқ сипоҳи, қиш лашкарининг хабарчиси юз кўрсатди, бўстонларнинг сабза, райхонларнинг торожи қасдида талон-торожга қўл узатди. Бу вилоятда совуқнинг шиддати, хавонинг совуқлиги шу даражага етдики,

#### Б а й т:

«Хо» ҳарфи ҳалқумидан лабига келса,  
Шу онда «то» ҳарфидек тугун бўлиб қолади.  
Гўё тоғ бошига қоқумдан кулоҳ қўйилган,  
Чўғ эса санжобдан тўн кийган эди,

соҳибқирон хокон тамом қишни саодатнишон марказида, яъни Бухорода ўтказди. Инъому эҳсони булутидан тамоми халқнинг умиди экинзорини суғориб, сероб қилди ва яшнатди.

#### Б а й т:

Булутнинг вужуди сувсиз қолгач,  
Момақалди роқ шох саховати дастидан нолага  
киради.

Тўққиз юз тўқсон тўртинчи йил муҳаррам, сафар, рабиъ ул-аввал ойларида<sup>783</sup> иқбол салтанати бошланган иззатли, улуғлиги доирасининг нуқтаси бўлган Бухоро дорилмулкида қишлади. Доимо атрофидаги подшолардан, ҳар бир ноҳиядаги гарданкашлардан огоҳ бўлиб, суруштириб турди.

### НУСРАТЛИ ХОНЗОДАНИНГ, ЯЪНИ АБДУЛМУМИН СУЛТОННИНГ ОВ ҚИЛИШ УЧУН ЗАРДАК ЧЎЛИГА БОРГАНИ ВА У ЕРДА СУЛАЙМОНШОХНИНГ ТОЛИҚОНГА ХУЖУМ ҚИЛГАНИНИ ЭШИТИБ, У БИЁБОНДАН ҚАЙТГАНИ БАЁНИДА

Ўша йили яна қазою қадар қудратли шахзода қишнинг кўп қисмида Зардак чўлида нусрат нишонли сипоҳлар билан ов қилди. Баҳромдек ов овловчи хизматкорлар ўша дашту саҳрода кўп жониворларни бандга тортдилар. Шундайки, ҳар хилдаги ҳайвонотларнинг ижтимоидан, жониворларнинг кўплигидан «вахший ҳайвонлар маҳшар бўлгдн вақтида»<sup>784</sup> деган оят кўриниб турарди ва ҳазрат шахзода ҳам чопқир отини ўрnidан қўзғотиб, жилвага солди, майдонга кириб ғоятда кўп ов овлади.

#### М а с н а в и й :

Фалак кадрли олий хонадон султони,  
Муборак юзли, атоқли шохлар шоҳи,  
У даштда ҳайқирган қоплондек, ё сакраб  
остиға овни босган йўлбарсдек бўлди.  
У сайдгоҳ шох ўтгач анбарнок бўлди.  
У ов овлаш жойи, зафарли овчилар дастидан  
ўтловчи жониворлардан холи қолди.  
Ёввойи сигирлар териси бошидан қуйруғигача  
олтин пайкон билан жилваланди.  
Шохлар шоҳи камонини узукдек эгиб, ҳар бир  
ўқни овға отарди,  
Қайси жойдаки камони ўқ узса, унинг  
хавфидан ранглар сариқ тусга айланарди.  
Қаддини баланд кўтариб, юзини равшан қилиб  
ёввойи сигирлар сағрисини бир-бирига уларди.

Султоннинг муборак хотири ов овлашдан тўхтагач, иродаси яловини давлат қароргоҳи томонига қараб кўтарди. Йўлда кетаётганларида ҳар нарсадан огоҳ хабарчилар келиб, даргоҳга яқин бўлган қишлоқлар воситаси билан, арзини қуйидагича етказдилар: «Сулаймоншоҳ кўп йиллардан бери Бадахшоннинг ҳамма вилоятларига ҳукмрон бўлиб келган эди. У яна исён сўзини қайтадан эълон қилиб, ёғийлик, саркашлик ўтини алангалантирмоқда; зулму адоват ўти шуъласини осмон чўққисидан, балки Зуҳал айвонидан ўтказди. Жуда кўп аскар, ғоятда шуқуҳли сипоҳлар билан бирга Бадахшон қабилаларидан, хизматкор наварларидан, Кўлоб ва Хатлон вилоятининг қишлоқ халқи ва тоғликларидан жуда кўп қишлоқларни йиғиб, Толиқон яқинига етган эмиш»,

деди тавочи. Бу воқеанинг кулфат асарли хабари султоннинг олий кулоқларига етишгач, у жойдан Мовароуннахрга, Баҳром ғалабали отаси олдига бу хабарни етказди. Чунки тездан бу томонга юлдуз сонли сипоҳлар, зафарли аскарлар ва кўшинни юбориб; «Душман хужумини дафъ қилиб, муҳолифлар издиҳомини таркатсинлар», деди. «Тангри таваккал қилувчиларни ёқтиради»<sup>785</sup>, деган оят мазмунича, катта-кичик ҳамма *борлицининг холиҳита* таваккал қилди.

#### М а с н а в и й:

Сулаймоншоҳ эса интиком олувчи йўлбарс,  
Жанг вақтида арслон каби маст,  
Чақиндек чақнайдиган қиличини туғ қилиб,  
аямасдан ўт очади,  
У хозир ҳисобсиз аскар билан Кишм томонга  
етиб келиб, чалқаниб турмоқда.  
Агар унга сенинг қиличинг чақинидан офат  
етмаса, фитнасининг ўти тобора  
алангаланаверади.  
Агар сувни бошидан тўхтатилмаса, унинг  
селобидан жаҳон хароб бўлади.  
Агар шох иқболининг қуёши ул вилоят  
буржидан бош кўтарса, \ ' вилоят тунини  
кундузга айлантурса,  
У пайтда симоб билан сўғорилган қиличдан  
душманлар совутининг темири сув бўлиб  
оқади.

Шаҳзода тўхтовсиз, баҳонасиз, фикру андишага тушмай, ғоятда зийнат ва ҳашамат билан у жойдан, иродаси жиловини жилвага келтириб, тўртинчи иқлим нойтахтига, яъни Балхга келиб тушди. Давлат арбоблари ўзига тегишли мамлакат аъёнларини чорлаб дурсочар тилини гўзал баёнотга очди. Уларнинг хуши қулоғини сўз зийнати билан зийнатлади. Бу сўзнинг мазмуни шулки, «Ҳаммаларингиз муайян, муқаррар ва мубайяндирки, Сулаймоншоҳ етмиш йилдан ортиқ Бадахшон вилояти ҳукуматдорлигини ўз тасарруфида тутиб келди.

#### М а с н а в и й:

Ҳашамати, шону шавкати, иззати Гев билан  
Гударзнинг ёнига ҳам келтирмас эди.  
У эски йиртқич бўри, балки у эски ғариллаган  
йўлбарсдир.  
Бутун умрида қон тўкиш водийсида парвариш  
топган,

Ҳеч бир вақт фитна кўзғатиш саҳросидан  
юз ўғирмаган.

Маълум ва машҳурдирки, унинг ўтказган вақти ва кўрган ҳаётида душман билан етмиш икки марта саф тортиб жанг қилгани рўй берган. Аммо уларнинг кўпида фатҳ, зафар унинг томонида бўлган. Ғараз шулки, иш шундай бўлгач, у осонлик билан бу мамлакатдан қўл тортмайди. Бирданига тож-тахтдан кўнгил узиб, эҳтиёжсизлик рақамини умид саҳифасига ёзмайди. Эндиликда дурусти шулки, бундан ортиқ саркашлик оёғини у чандик бошига қўйиб, туғёнчи тўдалар боғи жамоаларини ёнига олиб, фитна кўзғотувчилик этагини тутмасидан аввал зулм ва истибдоднинг додини бериш ва унга муносиб жазони қучоғига қўйиш лозим», деди шаҳзода. Номдор шаҳзода у олий мажлисда ва қутли мажлисда бу бобда узун бир фаслни тугатди. Улар даргоҳ яқинларнинг ва шавкатли, улуғ даражали амирларининг фикри қулоғини фойдали хикоялар жавоҳири безағи билан безаб, «подшоҳлар сўзи — сўзлар подшоҳидир» дейилган, кўнгилни ёқимли сўз дурлари билан тўлдирди. Баҳром нишонли тавочиларни Балхнинг ҳамма вилоят ва тобе ерларига юборди, токи, улар бу зўр воқеа ва катта бир ходиса суратини очик кўрсатсинлар, андак муддатда катта сипоҳ, сонун саноксиз аскар йиғиб, қутли қўшин ҳузурига келсинлар.

#### ИСКАНДАРНИШОН ҲАЗРАТ ШАҲЗОДАНИНГ МУҲОЛИФЛАРИНИНГ ДАФЪИ УЧУН БАДАХШОН ТОМОНИГА БОРИШИ БАЁНИДА

«Тангри жиҳод қилувчиларни жиҳодга бормай ўлтирувчилардан ортиқ қилди» ояти<sup>786</sup> мазмуни маърака ўртасида, дин мужоҳидларининг муборак дилларига махфий ва пинҳон бўлиб қолмасунки, «Тангри ёрдами билан хоҳлаган бандасини қувватли қилади»<sup>787</sup>, деган оят мазмунича, давлат арбобларининг иззати, шавкати туғининг тасмасига фатҳу рақам ели эсиши инъом қилувчи банданавоз подшоҳ, яъни Тангрининг иноятига хосдир. Сипоҳнинг қўплиги, аскарнинг сонун саноксизлигига боғлиқ эмасдир. Мансаб ва шавкат эгаларининг гул бутасида зафар ғунчасининг табассуми, яъни очилиши дўстнавоз ва душмангудоз<sup>788</sup> султоннинг, яъни Тангри лутфи елининг табассумига мансубдир. Жанг аслаҳасининг ортуқлигига ва

харб асбобу олотининг кўплигига боғлиқ эмасдир. Улуғ Тангри айтади: «Айт, эй Пайғамбар, хоҳлаган одамингни азиз қиласан ва хоҳлаган кишингни хор қиласен, яхшилик қудратинг қўлидадир. Албатта, сен хар бир нарсага кодирсен»<sup>789</sup>.

### Б а й т:

Кимда-ким унинг ишини Тангри битирса,  
Унинг аскар ёрдамига эҳтиёжи қолмас.  
Кимда-ким унга пок Тангри дўст бўлса,  
Бутун жаҳон аҳли унга душман бўлса нима  
парвоси бор?

Бу тақдирнинг муқаррари ва бу тахирининг мунаввари шулки, Баҳромийин тавочилар, ғазабли, кина кўзғотувчи ясовуллар атрофу ноҳияларга чопдилар, улар Балх вилоятининг ҳамма жойига сочилган зафар асарли сипоҳни ҳозир қилиш учун боришга жилов бурдилар. Теварак-атрофдан улуғ манқабатли амирлар, зафарнишон суворийлар гуруҳлари кетма-кет ва узлуксиз осмон мартабали пойтахтга келишлари, муборак ялов соясида интизом билан тўда-тўда бўлиб туришлари лозим эди. Шавкатли подшоҳ ҳам ўзига бахту давлатдек муборак рикобида, чин кўнгил билан ва собит қадам бўлган озгина киши билан киш ўртасида, ҳавонинг ғоятда совуқ пайтида душман томонга кўзғолди.

### М а с н а в и й :

Душман ҳолидан хабар топгач шох  
Қутли чодарни ойга еткизди.  
Осмонда чакнаган юлдуздек,  
Ўч олиш томига чакнаган отини сакратди.  
Бошида олтин тожи билан от устида жилва  
килиб,  
Куёшдек баланд тоғдан бош кўрсатди.  
Субҳдек соябони осмондан баҳра топиб,  
Офтоб чўққисига чодир тикди.  
Агар ўқдони билан белини зийнатласа,  
Гўё қанотини ёйган қорақушми, дер эдинг.  
Унинг бошидаги зийнати олтин дубулға эмас,  
Балки бошига соя солган Ҳумодир.  
У сипоҳ бошлиқларини юборгач,  
Гўё ой билан юлдузлар яқинлашди.

Сулаймоншоҳ ва Шохрух султонлар илгари фалак гардишининг тақозоси, сохибқирон

давлатининг кучу қуввати билан Бадахшон вилояти, Хатлон мамлакатини қўлдан бердилар. Ғоятда ҳаяжон билан, саросимага тушиб Кобулга ва Ниҳованд<sup>790</sup> тоғларига қочишга юз қўйишидан кейин, подшоҳ ҳазратлари хар бир вилоятга шавкатли ҳокимлар тайин қилди ва хар бир ноҳияга кўп аскар қўйиб, ўзи жаҳонпаноҳ шаҳзода ҳамроҳлигида, комрону комёблик билан иззат ва шавкат маркази томонга зафарнишон яловини кўтарди. Аммо душман ҳамма вақт ўзига мерос бўлиб келган вилоятни иккинчи марта ўз забтига ва тасарруфи остига олиш пайти келишини кутиб келарди. Умид уфқидан бахт гўзали мурод юзини қачон кўрсатади, деб пойлардилар. Иттифоқо, ўша кунларда, олий ҳазрат қор кўп ёғиб, кишининг қаттиқ бўлганлигидан, совукнинг шиддатидан осмон қадар яловини ва ором туғини Бухоро дорилмулкида барқарор тутди. Жаҳонпаноҳ шаҳзода эса сайду шикорга камоли берилганлигидан, ов қушларидан қарчиғай, шунқор (лочин), чарх (этолғу) ва шохин каби хар хил ов қушларини олиб Зардак чўли томонга жўнаганда, Бадахшон вилояти эгасиз ва сақловчисиз қолган, деб эшитди. Бу ҳолни зўр ғанимат билиб, рабиъ ус-соний ойи охирида<sup>791\*</sup>— Кобул вилоятдан чиқиб, тўхтовсиз, баҳонасиз ва андишасиз фикр, ғоятда зеб-зийнат ва шон-шавкат билан Бадахшон вилоятига жўнади. Бадахшон фатҳ қилинмасдан илгари жон олувчи ўқлардан, куч-қувватли сипоҳларнинг оташнишон найзалари хавфидан узоқ туришни истаб, Кобул ва Ҳиндистон томонга қочган Баҳоуддин Муҳаммадхон бирмунча шавкат асарли аскар билан жанговар, фитна кўзғотувчи тоғлиқларни олиб Кишм атрофи билан Толиқонга ўтиб, ундан манзилу мархалаларни кесиб ўтиб, Гуликон чорбоғига тушди. У ердан Толиқонгача тахминан беш тош эди, у жойга келиб турди. Бу томонга келадиган йўл устига мазкур Баҳоуддин Муҳаммадхон Сом Наримонга, Рустами дostonга баробарлик қиладиган, балки улардан ҳам ортиклик яловини кўтарадиган уч минг аскарни тайин қилди ва бориш-келиш йўлини тўсди. Бу воқеанинг воқеъ бўлиши ва бу ходисанинг пайдо бўлиши ҳамма жойда шуҳрат топгач, Толиқон ҳокими шижоат нишонли Маҳмуд султон, Қундуз ва Баклон волийси Динмуҳаммад султон ва Жулма ўғлон, Шохмуҳаммадбий олачопон, Қидош дўрмон, Наҳой дўрмон, Гулобод баҳодир би-



Ул тадбирсизлар тўдасидан кўп халқ ўқ, қиличга ем бўлди. Баҳоуддин Муҳаммадхон ҳам бир ўғли билан асир тушди. Бўйнида ғул, оёғида занжир билан боғланиб келди. Узга улуғлар йиқилиб-кўниб, саросима ва саргардон бўлиб, тоғу биёбонларга бошларини олиб кетдилар. Жанг майдонидан юз ўгириб, қасд қулочини қочиш томонига очдилар. То Сулаймоншоҳ олдига боргунларича, зафар қозонувчи сипоҳлар кўрқинчидан ҳеч бир жойда тўхтамадилар. Зафар нишонли аскарлар Баҳоуддин Муҳаммадхонни ва унинг ўғлини, яна бир тўда асирларни олиб келиб Искандар даражали, Доро мадуроли шаҳзода истикболига чопдилар ва ҳам йўл устида жаҳонпаноҳ хусравнинг узангисини ўпиш давлатини топдилар. Подшоҳ ҳазратлари уларнинг ҳар бирини шохона инояти чанги, хусравона инъомлар уди билан кўнглини кўтарди, яхши ваъдалар, рағбатли навозишлар билан умидвор қилди ва ўзга янги туғилган ойдек рикобини ҳаракатга келтириб, улуғ Тангри паноҳи ва ёрдамида, иззату иқбол билан бадандиша душман томонига чакнагандек чакнаган, жаҳонкезар сабо гардига, тез етолмаган, тезэсар шамол пасту баландда тўтиёдек ғуборини топмаган отига минди. У от шундай тез юрардики, агар у жавлон қилган пайтда дарё юзидан ўтса, елдек юриш таъсиридан сув нақш бойларди. Унинг туёғи шу қадар қаттиқ эдики, унинг қутлиқ нағали зарбидан тоғу тошлар юзига янги туғилган ой шакли тушиб қоларди.

#### Қ и т ь а:

Ер юзи унинг изидан ҳилол шакли билан  
тўлди.  
Осмон юзи унинг юришидан тўзон билан  
қопланди.  
Гўё у тоғ суратидаги ел, ёки ел оёқли тоғ эди.  
Балки булут билан ўралган чақин, ёки  
чақиндек булут эди.

Хокон агар даштдан ўтса осмон ундан хижолатда, агар сахрога кирса дарё ундан уятли, жанг пайтида у йўлбарс кўзига сакрарди. Сайд вақтида гоҳо дашт оҳусини қувиб етарди. Олтин эгар, айилини тортиб булутдек жўш урувчи момақалдиқдек хуруш қилувчи, ўқ қўлли, пайкон қулоқли оти устига миниб жўнади. Зухал мақомли подшоҳ жумод ул-аввал ойи бошида<sup>797</sup>, Кишм атрофиким, у хийлакор

ва маккор жамоанинг тўпланган жойи эди, у жойга етди. Зафар нисбатли аскар билан у жанговар тўданинг баробарига бахту иқбол билан келиб тушди. Чодир, боргоҳ саропардаларини ой манзили яқинига тикди.

#### М а с н а в и й :

Подшоҳ сипоҳ билан йўл тўзонидан чиққач,  
У пайтда сахролар, тўкайлар, маҳшаргоҳ  
тусини олди.  
Осмон авжида қуёш кўтарилгандек,  
Гўзал чодирлар баланд кўтарилдилар.

Кечаси шом сипоҳи сайёраларининг подшоҳи, яъни ой, зафарнишон яловининг ой нишонини кўк рангли қалъа, яъни осмон буржига кўтарди. Шуъла танобидан шуҳратлантириш камандини бу дўнгалак кўрғон қунгирасига ташлади. Курраи хокдан осмон чўққисига қадам қўйиб, жаҳон майдонини ўз арғумоғига жавлонгоҳ қилдилар.

#### Қ и т ь а:

У қора рангли кеча қоронғусидан туйнуқлар  
тутилган ойдек қоп-қоронғи бўлди.  
Гўё замон сахрога кийр тўккан ёки осмон  
кўча-қўйларга дуда сочган эди.  
Фикр, ақлу андиша водийсида саргардон  
бўлди.  
Узоқни кўзлайдиган ваҳима зулмат водийсига  
гирифтор бўлди.  
Шамол насимидек бўлган хаёл хабарчиси  
тасарруфдан,  
Фикр жосуси ғоятда қоронғуликдан юрар  
йўлини йўқотди.

#### Қ и т ь а:

Исён қилувчиларнинг қиёмат қунида номаси  
қора бўлганидек,  
Жаҳон қоронғу бўлди.

Кеча қоронғулигидан ошиқлар дилидан чиққан оҳ лабига етолмади. Тангри тарафидан қувватланган динпаноҳ шаҳзода жанг майдони атрофи посбонлар қўйишга буюрди. Жавшанли ботирлар, совут кийган далирлар пешонасини тириштириб юз-кўз билан қутиб турдилар. Ҳушёрликка риоя қилиб, эҳтиёт йўлига юриб, бир дақиқани ҳам бўш ва бекор ўт-

казмадилар. Шаҳзода сипоҳ бошлиқларини, давлат гарданкашларини гуруҳ-гуруҳ чакириб тил миСқаби<sup>798</sup> билан маъни дурларини тешди, инжу тўкар лабларини сўзга очиб, деди: «Рисолатнаоҳ, яъни Пайғамбар, у кишига Тангрининг чексиз раҳмати бўлсин, айтди: «Аниқки, Тангри шижоатли бандаларини дўст тутди». Агар сизлар истасанглар, Тангри севган бандаси бўлишни истасанглар, шижоат қаддини далирлик йўлида маҳкам тутинглар, жанг пайтида ва жанг майдонида мардоналик қўлини баланд кўтаринглар, токи сизларнинг савлатингиз овозаси жахонни тутсин ва ҳамма жойда шуҳрат топсин». Кеча бўйи ёлвориш пешонасини ерга қўйиб, ниятининг камоли холислигидан шикасталик, камтаринлик билан улуғ Тангри даргоҳига бош қўйиб, яна деди: «Эй бори худо! Мен нолойиқ вужудимни подшоҳлик маснади, мансабига ва катталиқ тахтига лойиқ деб айтолмайман. Агар фуқаролар кўнглини тинчитиш, халқлар ахволини тарбия қилиш менинг тадбирим қўлидан, тасарруфим қабзасидан келадиган бўлса, мулкингни менга бер. Агар шуидай бўлмаса, кимни хоҳласанг шунга бер.

#### М и с р а:

Эй Тангрн, мулкни кимдан хоҳласанг ол, кимни хоҳласанг унга бер!»

Заруратдан бу баракотли нияти ва бу гўзал эътиқоди сабабидан бовужуд ёшлиги биланки, ёши энди л'н олти-ўн еттига етган найтида, улуғ султонлар, турк хоконлари бунга тобе, бу ҳаммасига бошлиқ ва ҳамма подлоҳлардан ва \?зга гарданкашлардан мумтоз ва мустасно эрди. Ҳар куни, балки ҳар соатда Тангри боргоҳидан иноят асари унинг ҳақида кўпдан-кўп зоҳир бўлиб туради. Давлат, иқбол гўзали улуғ Тангри тарафидан ҳар бир жангда тезлик билан қарши олади. Сўзнинг қисқаси, окшом аввалида юлдуз сипоҳли шох, яъни ой осмон майдонида ҳоладан чодир тиккач, то сахар вақтигача қилич чопувчи баходирлар, саф ёрувчи жангчилар жанг андишасида, ному нанг ҳаёлида б}'лдилар. Жанг асбоби тартибига ва олоти интизомига, найза санчиш, қилич чопиш дастурига эҳтимом қилдилар.

#### М а с н а в и й:

Қачонки жаҳон кезувчи қуёш тез елувчи ола отидан, яъни ксча ва кундуздан окшом тахтига тушгач, Ул даштда чодир, боргоҳларини қурди, ой кандилидан машғал ёритди. Баходирлар кечадан то сахаргача ухламай эртага зафар кимга ёр бўлади, айланиб турган фалак кимнинг фойдасига айланади? Андух, хорлик кимнинг насибаси бўлади, деган андишага чўмдилар. У кечада ходисалар қўрқинчидан ботирлар илтижо билан раҳмат аршидан пастга тушмадилар.

У томонда Шох Сулаймон ҳам ғоятда кўп сипоҳ, чексиз аскарни Бадахшон тоғидан, саҳросидан тўплади. Хатлон вилоятининг водийларидан саноксиз, қурт-қумурскадан ҳам кўп аскар йиғди. Улар фалак давронидек кетма-кет етиб келмакда эди. Залолат яловини кўтариб, жасурлик қиличини осиб, жангу жадал асбобини, харбу китол олотини тайёр қилди. Кишмдан ўтиб, мазкур Гуликоннинг у юзига ўтиб бир жойга келдики, унинг бир томони водий ва бир томони тоғ эди. Сону саноксиз, ғоятда кўп тошларни йиғиб, аскаргоҳи атрофини одам бўйи баробарида ўраб олди. Ўша кечада тун бўйи тўрт томони тоғ бўлган хайбатли манзилни кўриқчилар маҳкам тутдилар, то тоғ отгунча сақлаб туриш шароитини риоясиз қолдирмадилар.

#### М а с н а в и й:

Кечалар то тонг отгунча, Эртага кимнинг номи баланд кўтарилади, кимга бахт юлдузи ёр бўлади? Кимнинг юлдузидан бахтсизлик рўй беради - Деган андишада бўлишдилар.

ИККИ ТОМОННИНГ ЎЧМАНД СИПОҲИНИНГ БИР-БИРИГА РЎБАРЎ БЎЛШПИ ВА ЁМОН ЎЙЛИ ДУШМАННИНГ ШИКАСТ ТОПИШИ БАЁНИДА

Иккинчи куни бу етти манзар осмон қалъасининг волийси, яъни қуёш бошидан оёғигача ўзини олтин дубулға, олтин ҳафтон<sup>799</sup> билан ясади, олтин найзани, чақиндек қилични олиб хабаш занги, яъни кеча коронғуси сипоҳи билан жанг қилиш пайида қузғолди.

### М а с н а в и й :

Сахар пайтида Рум ғуломи, Фағфур юришли  
отиға миниб,  
Найзани, қилични ялов қилнб- қўтариб,  
Ҳабаш сипохини, яъни кеча қоронғусини  
тарқатиб тоборди,  
Субҳ ялови ошқора бўлгач,  
Юлдузлар синфи тор-мор бўлди.

Фаришта сифатли шахзода бомдод намозидан кейин ҳожатмандлик юзини Тангри даргоҳига ўгириб, фатҳу зафар талаб қилди. Бешақу гумон ғайб оламидан, фаришта тилидан акли қулоғи билан дуосининг ижобат бўлган хабарини эшитди. Сўнгра подшоҳ мактовли, хиёнатсиз, кудуратсиз, пок ҳолда сарви озоддек жанг чаманидан бош қўтарди. Душман хийла билан жанг қилиш учун жиҳод камарини белига боғлади, бошдан-оёқ ўзига оро берди. Наргис каби бошда олтин дубулғани бошига қўйди. Серобликдан печи тобга туштан сабзадек, қадди ниҳолини совут, жавшан билан ясатди. Гул шохи каби учқунли найзасини жанг тиканидан ўтқур қилди; қизил тусли қалқонини орқасига осди.

### М а с н а в и й:

Душман қасдида қаддини рост қилгач,  
Ёмон ўйли душманга бало қўзғолди.  
Олтиндан дубулғаси, қуёшдан қулоҳи,  
Гўё осмон қуёши билан ойни зийнатлади.  
Ботир йўлбарс устига жавшан қийгач,  
Маънида шер суратда бўлди.  
Белига олтин камар боғлаб,  
Қуёшдек бошига жиға санчди.  
Осмон тахтли шох совут остида,  
Гўё булут остидагп қуёшдек турди.  
Шоҳнинг атрофидаги совут қийганлар,  
Ой атрофидаги юлдуздек турарди.  
Қалқони қўли учида,  
Аммо қуёш унга қалқон ўрннда эди.

Устидаги олтин дубулға қуёшдан нишон берарди. Олтин қилич, қумуш ханжар билан қуёш Жамшидидек белини зийнатлади. Ўралган камандини гўзалларнинг мушкин зулфи толасидек бандини жанг учун ғоятда эътимодли салоҳ ва такаюғ қилди.

### М а с н а в и й:

Душман жанг учун белини боғлагач,  
Шахзода қуёшдек олтин қиличинини белига  
боғладн.

Душман тўдасини бандига тортиш учун,  
Камандини гўзаллар қоқилидек бола камон  
килади.

Ёнидаги ўқ билан тўлган ўқдони,  
Жанг учун гўё ўзига пар боғлаган эди.  
Уқни зихдонига<sup>800</sup> қўйгач,  
Унинг ҳилоли заҳрни қафига берди.  
Камони икки бошли аждаходир.  
Иқболли подшоҳ жангга тайёрлангач,  
Давлат отига миниб ясунади.

Сипоҳ бошлиқлари ва улуғ даргоҳ гарданкашлари ҳамда ўзга қон тўқувчи аскарлар ою қуёшдек ҳаммаси қилич чопадиган, қалқон тутадиган эди. Симоки Ромих<sup>801</sup>дек найзадор ва яшиндек ханжарбардор, улар ўт, жўшу хуруш билан ўзини тупроққа ургандек душманга урдилар. Сув билан шамол кирдоридек совут қийган жавшаниўш эдилар.

### М а с н а в и й:

Агар ғазаб билан тиғ тортадиган бўлса,  
Булут жисмидаги сув қонга айланади.  
Агар у учиб кетаётган қушга қараб отса,  
Миррих билан Аторуд қўркинчдан титрайдп.  
Агар камандини баландга ирғитса, ёки даштга  
от қўйса,  
Бу томонда балиқ, у тарафда ой ўз жойида  
туриб қолади,

Ўзга нусратли сипоҳлар, шижоат билан донг чиқарадиган аскарлар, хавфидан юлдузлар шох қуёш, фалак сипоҳи юлдузлар қумуш қалқонни кўлидан ташлайди. Қуёш боргоҳининг хусрави шамшири хайбатидан хар бпр олтин ханжари кўлидан қўяди,

### Б а й т:

Девни бандга солиш, қалъа очнш бн.тан донг  
чиқарган сипоҳлар эса,  
Баходирларни, йўлбарсларни оёғидан  
йикитадиган қутли фикрли сипоҳлардир.  
У сипоҳлар дубулға, қалқон билан ўзларига  
оро берган.  
Отлари эса чақиндай тез, шамолдек ўтқур,  
Бурокқа нима хамки, уларга чақиндек  
баробарлнк лофини уради.  
Рахшга нима қувватки, жилва пайтида,  
Соя қуёшга тенглик даъво қилганидек,  
Тенглик даъвосини қилади.  
Узайғи оғирлигидан бўғумларида сустлик йўқ.

Жилови ҳаракатидан табиатида нафрат йўк.  
Туёғи нағалидан ер сатҳи янги ой шаклини  
оладиган,  
Ҳаракатидан ҳаво юзини найза тутадиган  
отларга айланиб,  
Олий даргоҳга юз қўйишдилар.  
Бир-бир қарши келиб хизматда ер ўпдилар,  
Тарафдорлик камарини белга боғлаб жон фидо  
қилишга тил очдилар.

### М а с н а в и й :

Фақат сенинг ҳукмингга, раъйингга тобемиз,  
Йўлингга ётган хокипойингмиз,  
Агар бошимизга фалакнинг гардишидан қилич  
келса,  
Сендан жонимизни асло аямаймиз.  
Сипоҳлар гуруҳининг итоатини кўргач,  
Уларга юз офарин деди шох.

Вақтики зафарнишон сипоҳ, ғолиб қўшин-  
қўшин бўлиб муборак пойтахтга йиғилдилар,

### М а с н а в и й :

Сўнгра икболли подшоҳ отини кўзғотиб,  
Зафар узангисига оёқ қўйгач,  
Эгар усти билан шараф топти,  
Гўё эгар Чин парихонаси бўлди,  
Минган отининг жилва қилишдан бошқа иши  
йўқ эди.  
У шодлик, қувнокликдан бир жойда тўхтаб  
турмасди.  
Қайси жойга кўзи тушса,  
Назари хабарчисидан илгари ўзи тезрок  
етарди.  
Жилва билан қачонки у йўлга тушса,  
Унинг на сояси ва на ўзини киши кўрмас эди.  
Муборак юзли шох арғумоғи устида,  
Гўё янги ой, қуёш устида тургандек  
кўринарди.  
Ўқдони зийнатидан шукуҳи ортади,  
Гўё у бир Хумо, ўқдони эса унинг болу пари  
бўлди.  
Боши устидаги зафарнишон соябони,  
Қуёш устидаги баланд осмондек эди.  
Шавкатли аскарини йўлга солди,  
Улар дарёдек жўш урган, тоғдек салмокли  
эдилар.  
Ҳар томонда турклар ўқларини камонлари  
зиҳига қўйиб,  
Совутдек халқа уриб турдилар.  
Улар жанг майдонида жавлон уришда яқдил,

Ҳукм юргизиш пайтида Хулкардек гавжум  
эдилар.  
Аскарнинг сафи темир остида пинхон бўлиб,  
Искандар саддидек саф тортган эдилар.  
Нағора жанг йўлини очди,  
Довул тинч ётган фитнани кўзғотди.  
Қиёмат овозли карнай жаҳон халқи жонидан  
фиғону нола кўтартирди,  
Ҳар тарафда туғлар кад кўтарди ва хар  
томонда жанг бошланди,  
Интиқом найзалари фалак авжига чиқди,  
Улардан ою қуёш даврасида юпқаланди.  
Гўзаллар бошида гул рангли яловлар,  
Ҳаммаси ўтдек ёнарди ва ўтдан нишон  
берарди.  
Чаман гўзаллари бошидаги қалқонлари,  
Товусдек зулфлари бошларига соябон эди.

Сўнгра динпаноҳ шох ғалаба қозонувчи си-  
поҳларининг шу қадар баланд даражаси, изза-  
ти билан жанг майдонига етиб келди. Ши-  
жоатли жангчиларнинг «хой-хуй», «ушла!»,  
«тут!» садоси, чопқир отларнинг кишнаши  
айланиб турувчи осмон устига етди. У томон-  
да Сулаймоншоҳ ҳам гумроҳлик отига миниб,  
ўзининг хаёл жиғилдонига сиғишдан зиёда, ун-  
ча-мунча деб ҳисоб қилишдан ортиқ, кўплик-  
да дарё мавжидан ва биёбон қумидан ҳам кўп  
сипоҳларига оройиш берди. Унинг аскарлари  
ашаддий интиқомчилигидан, пайкон тиканини  
найза тирноғини, гул ғунчаси, бўстон сабзаси  
ўрнида тутишарди. Жанг қилишга найза уриб,  
қилич чопишга ғоятда ташналикларидан, тиғу  
олмос ютумини райҳон шароби ўрнида кўз ол-  
дига келтиришарди. Уларнинг ҳаммаси совут,  
жавшанни жавоҳир ўрнида, пўлод қалбига ўти-  
риб, аждаҳо нишонли найзалардек, жонфидо-  
лик камарини тарафдорлик белига боғлаб, қон-  
хўрлик пайконига заҳар билан сув бериб, уч  
пайлик камонни билакка, Кайвоний қалқонни  
елкага ташлаган эдилар.

### Б а й т:

Фариштадек ҳамма поклик даъвосини қилади.  
Аммо, кимда-ким азалда шайтондек малъундир,  
Ёки кирдикори замона ҳашоротидек ва  
саранжомдир,  
Ё табиати фалак ҳаракатидек вазнсиздир,  
Ё Намруддек<sup>802</sup> мутақаббирликдан осмонга бош  
кўтаргандир,  
Ё Қорундек<sup>803</sup> бахилликдан ерга киргандек,  
Буларнинг ҳаммаси на покликда қолади.



Качонки икки томон аскари бир-бирининг баробарига етишгач, боди сарсардай, яшил дарёдек мавж урди, икки томондан Баҳромнишон тавочилар ғазабли, ўчманд ясовуллар олтин чумок, кумуш таёқларини қўлларига олиб, ел юришли отларига миндилар, жилва қилиб ўзларини кўрсатдилар. Чунки бу хилда қилиш саф тузувчилар одати ва қоида-қонундан эди, уни бажо келтирдилар. Ҳар ким ўзига лойиқ жойга бориб ўрин олди.

Икки жамоа бир-бирининг муқобилида икки тоғдек бўлиб турдилар. Суворийларнинг отлари туёғи остида ер ўта бекарор эди. Гарду тўзон хаво юзида бир бошқа осмондек кўринарди. Аммо донгдор шахзода томонидан ботир сипоҳлари аввал,

### М и с р а:

Ботирлар маст филни хартумидек милтиғини  
қўлга олдилар,

хамма сафдан илгарига ўтиб, интиқом олиш камингоҳида фурсат кутишиб тўхтаб турдилар. Сўнгра улардан камондор, одам овловчилар, ҳар бир бурчакдан чиқиб, жанг пайтида жон фидо қилдилар, тез отар камонларини жанг қасдида қўлга олдилар. Қалқон чинидек пешоналарини тириштириб олдинга ўтишни ихтиёр қилдилар. У шуқуҳсиз жамоа қасдида,

### Б а й т:

Гўзалларнинг қон тўкувчи мижгонидек ўткур  
найзани қўлга олиб,

интиқомчилик қасдида, додҳоҳлик мақомида туриб совут халқаларидек жангу жадал учун кўз очдилар.

У жамоалар кетидан яна бир тўда ботирлар яшил осмон сафҳаси юлдузлар билан музайян бўлганидек, жавохирлар билан мунаққаш бўлган, ўткур қиличлар билан белларига зеб беришган эдилар. Ут чакнатадиган ханжарлар жанг пайтида чақин ва яшин хосиятини изхор этарди ҳам ўз дастасига букиларди. Шоҳ ҳазратларининг ўнг томонида ва сўл тарафида Муҳит дарёси кучли шамолдан мавж урганидек, жамоа-жамоа бўлиб қилич чопувчи турклар, саф ёрувчи жанговарлар, худди одам овловчи гўзалларнинг қонтўкар ғамзасидек, совут ва жавшан остида, темирга ғарқ бўлиб

турдилар. Тоғ шаклида ғоятда хайбатли саф тортиб, жону қонларини хатарга дучор қилдилар. Жанг шакли ва ҳарб хайкали ўзини изхор этгач, икки томондан аскар жамоалари ҳаракатга келиб, бир-бирига сарсар шамолидек ҳамла қилдилар. Ҳаммадан аввал шижоат нисбатли султон, яъни Динмуҳаммад султон Қундуз, Хатлон сипоҳлари билан ботирлик отини жойидан кўзғотди. Ўткур қиличини ғилофидан суғуриб душманга ташланди, жанг ўтининг шуъласи жанг маърака майдони этагидан шуъла сочиб, осмон чўккисидан ўтди. Жанг ўти жанг майдонидан то осмон авжигача алангаланди.

### Н а з м:

Агар султон жангга буюрса бир дарё пайдо  
бўлади,  
У дарёнинг аждаҳодек мавжи хавфидан кўз  
кони ортади.  
Унинг пари тўзони, мавжи, қилич кемаси,  
Одам кўпиги, жавшан тимсоҳи, ўт отувчи  
найза ва балиғи олтин пайконли ўқдир.  
Одам ўлдирувчи мардоналарнинг боши у  
дарёда садаф дурдонасидир,  
Лабидаги қон маржондир, тиш эса садафдаги  
дур кабидир.

Динмуҳаммад султон уч марта душманнинг тош билан ўралган истехкомига етди, аммо ноумид бўлиб қайтди. Чунки душман яжуж-мажуж<sup>804</sup> гуруҳидек хужум қилиб, шу қадар ҳамла қилдиларки, тўхтаб туришга мажоллари қолмагач, отларининг жиловини орқага бурдилар. Подшоҳ махсус сипоҳлар жамоа-жамоа бўлиб, Уммон денгизидек жўшу хуруш билан жўш урдилар. Худди осмоннинг турк жангчиси, яъни қуёшдек ҳаракатли, ўт суръатли ошларини жилвага келтирдилар, қуёшдек қўлларини қонхўр қиличлари, олмос кирдикорлик найзалари қабзасига уриб, душманга қарлш от қўйдилар.

### М а с н а в и й :

Икки томондан сипоҳ баҳодирлари жанг  
майдони томон жўнадилар.  
Икки томондан сурон олиб, атоқли баҳодирлар  
ёпирилиб жанг майдонига кирдилар.  
Баҳодирлар совут булути остида ғарқ бўлиб,  
чақиндек қилич тортардилар.

Улардан бир тўдаси жанг сафида яркираган  
куёшдай, хаммаси найзадор эдилар.  
Уларнинг хаммаси душман қасдига бел боғлаб,  
жон олувчи найзаларини қўлида тутишган  
эдилар.  
Кимда-ким қилич билан боши кесилса, у бош  
иккинчи бошга уриларди,  
Яркираган чақин булутга ғарқ бўлгандек, совут  
сувига чакнаган қилич ғарқ бўларди.  
Гул рангли тасмалардан найзалар зийнат  
топди, у тикандан, яъни найзадан ўт шиддат  
билан осмонга кўтарилди.  
Найзалар бирма бир хурмо дарахтидек ошқора  
бўлди.  
У шундай дарахтдирки, меваси одам  
бошидандир.  
Турклар мижгонидек фитнагарликда икки  
бошли найза қон билан ўткир бўлди.  
Қилич мийно чашмасидан ёқут селини окизди,  
олмос сафҳасига маржон рангини сочди.  
Тутун ичидан ўт кўрингандек, тўзон  
қоронғулигидан қилич зоҳир бўлди.  
Жаҳонга партав солиб турган куёш шуъласи  
булут пардасидан кўрингандек,  
Жанг кўзғотувчи найза тил узатиб баҳодирлар  
жонига ўлим хабарини етказди.  
Кўз қорачуғидан ёш ўрнига ариқ-арик қон  
окизди.

Нусратли сипохлар, ботирлик билан маш-  
хур бўлган диловарлар душманни олдиға со-  
либ қувиб, уларнинг тош истехқомигача етди-  
лар. У фитна кўзғотувчи жамоалар қалъа ис-  
техқомига орқа қилиб, маҳкам туриб олдилар;  
дарёдек жўш уриб, жамоа-жамоа бўлиб, ғоят-  
да тоғдек ҳайбатли саф тортдилар, дилларини  
хатарга, жонларини қазою қадарга топширди-  
лар. Илондек ўқларини аждаҳодек камонла-  
рига қўйиб, ҳужумга қўл узатдилар. Гарду тў-  
зон жанг майдонидан кўтарилиб, осмонга чарх  
урди, жанг майдонининг тупроғи саркашлар  
ва гарданкашлар қони ва мияси мағизи билан  
аралашиб кетди.

### Н а з м:

Зафар талабгорлари ўт устидаги симобдек  
чайқалди.  
Жаҳонга ўт қўйиб қуйдирувчиларнинг темир  
қалби ўтдек пинхон бўлди,  
Анор суви ғалвир устига,  
Совутнинг кичик халқаларидан қон жўш уриб  
кайнаб чикди.

Конхўрлар найзаси пайкони фақирлик,  
йўқсулликдек кўкракка кадалди.  
Жангчилар қиличининг боши одамни  
найкамишдек қулатиб,  
Ташналар тили оғзида ўтга тушган лаълдек  
бўлди,  
Дубулға остида миялар хавончада янчилган  
сурмадек янчилди.  
Кўзлар эса коса хонасидан хар томонга сачраб  
чикди,  
Гўё жанг майдони нард тахтаси, унинг соқаси  
гардан муҳраси бўлди.

Сулаймоншоҳ ҳам дарёдан, тоғдан ўзига па-  
ноҳ ва омонлик берадиган жой ҳозирлаб, де-  
вор кўтарган эди. Узи эса унинг сиртига чи-  
қиб ҳужум қиларди. У ботирлик отини ўрни-  
дан кўзғотиб, баҳодирлик қанотини ёзди. Ел-  
дек тез чопадиган, тупроқдек оғир кўзғолмайди-  
ган отлиғу пиёда халқлардан жуда кўпини йи-  
ғиб, тўсатдан жанг ўтини ёндирди. Оғир тош-  
ли тоғдек оёғини жанг майдонига маҳкам  
қўйиб, юз хил фитналар тўплади. Қачонки  
жаҳонпаноҳ шахзода Абдулмўмин, доимо у ну-  
фузли бўлсин, сипохлар ва мансаб душманла-  
ри ҳужумидан хабардор бўлгач, отга минган  
пайтида, ўтдек чакнайидиган жонфидалик пайти-  
да, сувдек оқадиган ботир аскарлар тўдасига  
фармон берди,

### Н а з м:

Жанг ҳаракати пайтида одамларининг хаммаси  
ўтдек чакнайди, сувдек окди,  
Хилол нишонли камонларини қаҳру ғазаб  
қўлига тутдилар,  
Чақин нишонли ўқларини миҳвар чарх ўқи  
шаклидаги камон ипиға қўйиб,  
Гумроҳларнинг мағлуб бўлиб қочишини  
химматларига хулоса, ниятларига қибла қилиб  
олган эдилар,

қалбларини Тангри ёрдамига, шоҳлар шоҳи  
давлатининг қувватига топшириб ҳаммадан ил-  
гари олдинги сафга ўтиб жанг бошладилар,

### Н а з м:

Йўлбарс каби ботирлар ўқлари ва камонларини  
олиб,  
Душман қони қасдида шу қадар ўқ уздиларки,  
Душман кўксига тегиб, то паригача ботди.

Жанговар турклар уки одамни оти билан  
қўшиб тикди.  
Нина ипакли молдан ўтганидек, ўқлари чин  
хафтонидан ҳам ўтди.  
Ўқ қалқондан ўтган пайтида  
Қалқон қапгир шаклига кириб қолди,  
Душман жанг хавфидан қочишга қанот ёзди.  
Совут эса захарли пайкон захридан,  
Икки юзу кўзидан қон тўкарди.

Ўша куни тонг отиб турки хитойи, яъни қуёш жаҳонни ёритиб турган юзини қон билан ювиб, осмон ўртасига туш пайтига етишгач, икки томон паҳлавонлари ғазабланган аридек бир-бирига ёпишдилар, жанг қилиш, қилич чопиш, найза уришдан ёқалашига ўтдилар. Қон оғиб завол вақти келгач, зафар ели аждаҳо пайкарли ялов сари эсди, андак-кипа баҳона билан хорлик тупроғи душман умиди юзига сочилди. Сулаймоншоҳ жангу жадал сафидан чиқиб, умидсизлик билан жанг майдонига орқа ўгирди, яъни подшоҳ лашкари хавфидан ва ғоятда кўрқинчдан жанг майдонидан қочишга юз қўйди. Чунки чақин шиорли қилич хандасидан, жон овловчи ханжар табассумидан жанг майдони садосига ажал булутидан ўлим ёмғир қатрасидек бўлиб ёғди. Ғам найзаси йиғисидан фатҳу зафар субҳи мийиғида қулди. Бадахшон арбоблари, Хатлон мамлақати бошлиқларидан кўплари ғазаб ўти шуъласидан сувга ўт рангини бердилар. Жанг майдони юзасидан елдек ўтишди. Қон гирдоби ўртасида, балиқ сувда сузгандек, сузишиб қон дарёсига ғарқ бўлдилар. Димоғида такаббурлик ели бор ул хоксор жамоадан кўпининг ҳаёти дарахти бало ўтида қуйди. Фано селоби билан бақо қулбаси хароб ва вайрон бўлди; ўлганлар жони пардек пастдан юқорига кўтарилди. Ер юзасидан осмон чўққисига чиқиб, асл маркази ва хақиқий қароргоҳидан қарор топди.

#### М а с н а в и й:

Улардан бири қадидан муроди жиловини  
бериб.  
Хавас оти устидан ерга йиқилди.  
Яна бирининг бошидан олтин дубулғаси,  
Лола рангли май жомидек қонга ботиб  
тўнтарилиб тушди.  
Бирининг эса боши танидан, тани бошидан  
жудо бўлди,

Шунингдек, оири бошидаги тожидан  
айрилди.  
Йиқилиб ётган ўликлар кўринишидан  
Тоғдек, пушта бўлиб кўринарди.

Машхурдирки, ўша куни саккиз мингга яқин одам олийнасаб шахзоданинг ғазаби тиғи билан ўлдирилди. Уларнинг бошини танидан жудо қилинди: муҳолифларга ибрат, бошқаларга танбеҳ учун ҳар жой-ҳар жойда қалладан қадди билан миноралар кўтарилди. Тангри фазлининг ёрдами, чексиз файзининг мадади билан жаҳонни ёритган зафар қуёши яхши кун ва порлоқ иқбол соясини ғолиб давлат устига солди. Давлат туғи, фатҳу нуерат ялови, қўқ осмон авжига, Жавзо буржига бош кўтарди. Зафар юлдузининг нури тиғу ханжар шарқидан тулуъ қилди. Иzzат ошёнанинг тоқи «насрун азизун» нақши ва китобаси билан, шону шавкат айвони фатҳи ошқора рақами билан зебу зийнат топди.

#### Н а з м:

Қиличинг фатҳидан бошқага ғилофидан  
суғурилмайди.  
Ўқинг бошқага қамондан отилмайди.  
Э, зафар билан мамлакат очган,  
Душманни эса бандига солган,  
Ва Тангри томонидан қувватланиб шаҳар олган,  
Олтину қумуш бахш этган подшоҳ!

Мамлакат майдони муфсидларнинг ифлос вужудидан пок бўлди. Подшоҳона гўзал асар билан донғи, хусравона фахрлар овозаси еттинчи осмондан ўтди. Подшоҳ ҳазратлари эса у вилоятнинг зебу зийнатига, раванқ топиб яшнашига, жузъий ва қуллий ишларига олий қўнглини қўйди. Эҳтимоми рақамини ҳожатмандлар умиди саҳифасига ва амали тахтасига чекди. Мулку, миллат қоидалари халқ хоҳиши тақозосигача ораста бўлди. Дину давлат ишлари иродаси андозасигача интизом топди.

#### Н а з м:

Сенинг асрингда жаҳон интизом трпди.  
Кофурнинг<sup>80-1</sup> арфа хймойеига эҳтиёжй  
қолмади.  
Сенинг адолатинг соя солган мамлакатда  
Қуёш зоҳир бўлса заррадек кўринади.

Сўнгра фатхнома ёзиш тўғрисида фармон бериш лозим ва жорий бўлгач, тафаккур пешали мунший, дақиқ андишали дабир Аторуд каламини дурафшонликка келтирди. Маъни инжуларини сўз ипига ҳўб яхшилаб тизди. Энг керакли максадларни ғоятда мўъжаз қилиб адо этди. Иззатли, улуғ даражали жарчилар шамолдай учар отларига миниб, фатхномалардан бошларига зеб бериб, ҳар бир томонга жўнашдилар. Тез юришни сарсар елидан ўрганиб, фатх суратини жаҳон халқи назарида ошқора қилдилар.

Жаҳон аҳлининг бу хабар зуҳуридан ва бу асар тулуғидан севинч ва хузури моддаси ортди. Айпугу хурсандлиги камолига етди. Бу ишорат башорати роҳат ва фароғат мояси бўлиши билан бирга, завқ-шавқ, севинч ва тасаллига боис бўлди. Улуғ Тангрининг, исми шарифи азиз бўлсин, гўзал лутфи, туганмас фазли билан зафар субҳи умид машриқидан кўрина бошлади. Муроди тақозосига мувофиқ ишлар кўнглидагидек бажарилди. Соҳибқирон шахзода у жойдан қайтиш қасдида мурожаат жиловини буриб, бахту иқбол билан қутли яловни кўтариб, Балх томонга жўнади. Ҳар бир манзил ва ҳар бир мақомда Балх вилояти атрофидаги валийлар, ҳокимлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб истиқболга чопиб чикдилар. Адолатли ва инсофли шахзоданинг оёғини ўпиш бахти билан мушарраф бўлиш шарафини топдилар. Балх атрофига етишгач, барча ақобирлар, ашрофлар, мамлакат ва атроф уламолари, бозор аҳлидан тортиб ҳар синфдаги халқлар, жумладан, олий ҳазрат, баланд манқабатли, қудсий манзалатли, каррубий макруматли<sup>806</sup> шайхулисом, ҳозирда инсон тоифасининг йўлбошчиси, ақобирлар маржаъи, фахрланувчилар паноҳи, муртазои аъзам, мужтабойи<sup>807</sup> мукаррам, хошимийлар хонадонининг<sup>808</sup> пешвоси, сиддиқий<sup>809</sup> ва фаррухийлар сулоласининг<sup>810</sup> сараси, хидоят нури билан нурланган, улуғлик инжуси билан безалган зот, яъни Хожа Али Порсо<sup>811</sup>, ул зот номдор фарзандлари ва барча кадрли авлодлари билан истиқбол шарофатини ошиқиш билан бажо келтирдилар. Шахзода мактовига, фатх табригига тил очиб, подшоҳона марҳамат, хусравона илтифотлар билан ўз тенгдошларидан мумтоз бўлдилар. Подшоҳ ҳазрат ул хожагон хонадонининг эътимодлиси ва машойихларнинг пешвоси бўлган бу олий манокбли хожа қаршида ниёзмандлик билан кам-

тарлик изҳор қилдилар. Дур сочувчи қўлини саховатга очди. Жуда кўп инжу, саноксиз олтин-қумуш нисор қилдилар. Фойдали насихатлари, нуқтадонлик сўзлари дурдоналарини маъқуллаб, ақлу ҳуш қулоғини тўлдирдилар. Иккинчи куни шахзода у манзилдан ул бемисл ва тенгдошсиз зот субҳидан қуёш шакли яловини давлат маркази, мансаб ва шавкат қароргоҳи томонида кўтарди. Бахту иқбол ва қомронлик билан жумод ус-соний ойи охирида<sup>812</sup> Балх доруссалтанатига келиб тушди. Бу билан гўё шарқ қуёши раёсат тахти бурчагидан тулуғ қилди.

### Н а з м:

Искандар боргоҳли, бахтли, зафарли шох, Фаридун шавкатли, ғалаба асарлидир. Душман тесқарилигини синдирувчи ул донгдор хусрав, Ҳашаматли тахтига ўлтирган пайтда **Шахар** аҳли офарин деб табрикка тил очдилар. Улар шодлик билан ҳамма шаҳарларни безаб, **Майин** чолғуни, нағмаларни чалдилар.

### ИСКАНДАР НИШОНЛИ ХОҚОННИНГ СУЛАЙМОНШОҲНИНГ ТОЛИҚОНГА КЕЛИШИДАН ХАБАР ТОПГАНИ БАЁНИДА

Аммо соҳибқирон ҳазрат Сулаймоншоҳ Бадахшоннинг энг нариги чекқасидан Толиқонга келишининг қулфат асарли хабарини эшитгач, тўхтовсиз аввалидан нақибликка мансуб Юсуфхожа жаноблари муҳофазатига топширилган Шохрух мирзонинг ўғли Муҳаммад Замон мирзо хусусида кўнглини тинчитди. Сўнгра «Беккойбий Насаф ва Ҳузур сипоҳлари билан ва умдатулмулк Абдулбоқибий Термиз аскарлари Ҳисор ва унинг тобелигидан бўлган бошқа ерларнинг зафарасар аскарлари билан жуда тезликда Балхга жўнашга эҳтимом қилсинлар», деб буюрди. Хоқоннинг ўзи жумод ус-сонийнинг аввалида, Ҳутнинг ҳам аввали эди, иззату шараф ялови юзини Нахшаб ва Насаф томонига қараб кўтарди. Иродаси қулочини сайд қилишга, айниқса бахтли шахзода ёрдамига баланд кўтарди. Жигдалик ва Ҳузур хавоси зафарасар қўшиннинг гардидан Ҳўтан мушки ва тотор нофасининг рашқини орттирди. У манзилда, вазири аъзам Қанбарбийким. Шаҳрисабз ҳукмронлиги унинг қўлида эди,

чунки у жой жогирлик<sup>813</sup> йўсунида унга берилган эди, ошиқиш билан олий остонага келиб оёқ ўпиш шарафини топди ва иззатли мажлисда ўз мақомида турди. Одоб оёғини букиб, хокон хазратни Шахрисабзга бориш билан шарафлантиришларини сўраб у тарафга таклиф қилди. Ул хазрат унинг илтимосини қабул қилиш тавқеи билан зийнатлади. Иккинчи куни сайд қилган ҳолда, иродаси қадамини Шахрисабз томонга қўйди. Зикр этилган амирзода меҳмондорчилик асбобини вожиб ва лойиқ бўлган ҳолда тартиб берди ва мухайё қилди. Таомлардан, мевалардан, шарбатлардан хаёл жиғилдониға сиғишидан зиёда, унча-мунча деб ҳисоблашдан ортиқ бўлган нарсаларни дастурхонга қўйди. Мажлисда ҳозир бўлган осмон ҳашаматли амирларга ва ходимларга, ҳатто фуқарога, елдек юришли отларни олтин билан зийнатланган эгар-жабдуқлари билан тортиқ қилиб, хар тур ипакли кийматбаҳо ва хар хил кийим-кечаклар берди. У жойда фалак мартабали, бахту иқболли шахзоданинг фатҳи ва шодиёна кунининг хабари ва бахти қайтган душманининг енгилиши, иқболининг пастлиги овозаси етгач, умид ғунчаси шодлик табассуми билан очилди. Хоқон хазрат ҳам ўша манзилдан иродаси жиловини буриб, дилбанд фарзандининг фатҳининг табриги учун Балх вилояти томон йўл олди. Аммо, иқболли амир Қанбарбийнинг кўнглида: «Хоқон хазрат меҳмондорчилигидан, зиёфатдан кейин Шахрисабзнинг боқий қолган ҳосилотини менинг улуфам, яъни маошимга қўшиб беради», деб ўйлаган эди, бу мақсад ўйлаганидай бўлмади. Бу иш кечиктирилди. Хоқон хазрат ислом қуббаси бўлган Балхга жўнаганидан кейин, амир Қанбарбий Шахрисабзни ташлаб, тўхтовсиз Самарқанд томонга, бахтиёр Ибодулла султон хузурига бориб, унинг катта амирлари қаторида интизом топди.

Муборак қўшин Жайхун дарёсидан ўтганлиги овозаси ҳаммага тарқалди. Зафар нишонли шахзода Балхнинг шарафли зотлари ва ақобирлари билан тезликда йўлга чиқиб, улуғ қўшинни бахту иқбол билан кутиб олди. Давлат тожини бошга қўйган улуғ хоқонни қарши олиб, қўлини ўпиш шарафи файзи билан фахрланиб, сарфароз бўлди. Сочик сочиш ва тухфа қилиш йўсини билан жуда кўп тухфа ва ҳадяларни хоқоннинг кимё асарли назарларидан ўтказди. Хоқон хазрат давлатманд фар-

зандини чексиз илтифот, ниҳоятсиз марҳаматлар билан сарбаланд қилди. Шафқат, меҳрибонлик билан бағрига босди. Сўнгра донишманд шахзоданинг душман билан ўртасида рўй берган жангини суриштирди. Сўнг у жойдан ўз дастури ва шавкати билан кўчиб, Балх пойтахтига бориб, давлат қароргоҳида, халифалик марказида қарор топди ва Искандар сифатли шахзоданинг муборак зоти жангдан саломат келганлиги шукронасини адо қилди. Дарё бахшишли қўлини олтин-кумуш сочишга очиб, ҳожатманд факиру йўқсилларни дарёдек бой, тоғдек олтинга қон қилди. Балх вилояти даромадидан ўзига тегишли сақлаб қўйган махсулотини амирларига қолдириб, қолганини хоқон хазратга инъом қилди. У вилоятнинг сахро халқи, қабилалари, хизматкорларининг ойлик маошларини орттирди. Иқтидорли амир Абдуссамадий Шибирғон вилоятининг хокими эди, Қанбарбийдан кейин холи қолган Шахрисабзга тайин қилди. Шахрисабз ҳукумати топширилгандан кейин, унга яна бир юз эллик минг хоний олтин танга инъом қилди. Шахрисабзнинг бошқа даромадини унинг учун муқаррар қилди. Хоқоннинг яхши одатидан ва суюкли йўлидан бири аввалдан шундай эдики, у шаҳарнинг жаннат сифатли ва баракотли мазорларини тавоф қилиб, зиёрат қилиш эди. Хожа Абу Наср Порсо<sup>814</sup>, хазрати Сиддик, Шайх Шақиқ<sup>815</sup> ва равзаи Султон Аҳмад Ҳазравия<sup>816</sup> каби нур сочувчи мазорлар зиёратига бориб, уларнинг руҳониятидан мадад тилади. Эҳсонга қўл очиб фуқарога, мустаҳикларга садақалар берди. Муҳтож, ҳожатмандларнинг вақтини чоқ қилди. Сўнгра қадимдан у шаҳар султонларининг маскани бўлиб келган олий аркнинг хонлик тахтига, халифалик, жаҳонбонлик саририга ўлтирди. Теварак-атрофдаги халқлар узилмасдан биринкетин ер ўпиш иродаси билан жаҳон арбоблари, олампаҳо даргоҳга мутаважжих бўлдилар. Қийматли тухфалар, кадрли совғаларни давлат хизматчилари, хоқон хазрат аъёнлари воситаси билан унга тортиқ қилдилар ва фасоҳат тилини табрик айтишга очдилар. Уларнинг ҳар бири мақсадиға эришиб қайтдилар.

Дин паноҳи бўлган шахзода иззатли, улуғ мансабли хоқоннинг шодлик келтирган қадами учун бахту иқбол ёрдамида тўй тартибига, базм расмиға ишорат қилди. Жаннат дастурли мажлис Чин нақшхонаси рашк этадиган, ба-

ланд осмоннинг ғайирлиги келадиган тусда барно бўлди.

### Н а з м:

Жахон хоқонига султоннинг тўйи муборак  
бўлсин,  
Чунки у осмон кадрли хоқонга жаҳонбонлик  
тожи ярашди.

Давлату камол арбоблари, жоҳу жалол ас-хоблари, шодлик палосини солиб, ишратнинг додини бердилар. Айшу шодлик, шавку завк эшигини замона юзига очдилар.

### Б а й т:

Рўй берган хар бир хушвақтликни ғанимат  
бнлгил.  
Ишнинг охири қандай бўлишини ҳеч ким  
билмайди.

Шу аснода Туркистоннинг бир чеккасидаги турган Таваккал султон<sup>817</sup> саҳронишин, авбошлардан кўп киши билан Тошканд устига келганлиги, дарвишларга ихлосли дарвишлар ҳам унга эргашиб, дарвишлар султони Дўстим султон<sup>818</sup> аскари устидан ғалаба ва истило қилганлиги шуҳрат топди. Мазкур воқеанинг зоҳир бўлиши шулки, Таваккал султон хоқон ҳазрат Андижон юришидан қайтган пайтда<sup>819</sup> зафар асарли қўшиндан ажралиб, кўнгли кибру ни-фокка тўлиб, Дашти Қипчоқ томонга кетиб қолган эди. Кйтобнинг биринчи жилди охирида бу сўз мазмуни қайд этилган эди. Дилида бузуклик, ниятида маккорлик борлигига сабабли, у нафсоний васваса, шайтоний хаёлот билан Туркистон вилоятига ҳужум қилишни хотирида тутарди, орзусига эришиш учун узок масофаларни босиб келиб, журъат ва жасорат бошини баланд кўтарди, ч-унки у бу вилоятда Сулаймоншоҳ Кобул ва Бадахшоннинг энг на-риги чеккаидан чексиз сипоҳ, ҳисобсиз аскар билан Толиқон томонига юрганини эшитди. Ислом шаҳзодасининг бахти қайтган душман дафъи қасдида жўнаганини, қутли қўшиннинг Жайхун дарёсидан ўтганини эшитди. Пайтни мақсадга етишга зўр васила деб билди, фурсатии ғанимат деб таниди ва тўхтовсиз бошии фитнаю фасодга кўтариб, саркашлик оёғи-ни туғён водийсига қўйиб, Туркистон мамла-катини, яъни Тошканд, балки Самаркандни

қўлига киргазишни ўзига жазм қилиб жонбоз-лик найтида яқдил турадиган, жанг майдони-да совут йиртадиган ёшу қарилардан кўп халқ-ни ўзига ҳамроҳ қилиб иродаси қанотини из-затли, баланд даражали султон (Дўстим сул-тон) томонга ёзди.

Бу хабар адолатли султоннинг нуроний ку-лоғига етгач, тўхтовсиз ғайрат ўти унинг қал-бидан аланга олиб, баҳона кўрсатмасдан, Танг-рига таваккул қилиб, қалъадан ташқарига чи-қишни ихтиёр қилди. Аммо, марди майдон-лардан, жанг кунининг ботирларидан, қутли қўшинда, кундан кун тараккий этиб турган давлат рикобида озгина киши бор эди, у олий даргоҳ ботирлари ва ҳазрат хоқои боргохи-нинг яқин кишилари тезлик билан бориб, душ-ман билан жанг қилишларини манъ қилиб, айт-дилар.

### Б а й т:

Лочннга кабутарни ейиш ор-номус дерлар.  
Йўлбарсга шағолни овлаш уётдир.

Дўстим султоннинг аскарида расм-одат шу эрдик, қўлидан иш келадиган ёшлардан тор-тиб то кексаларгача, ҳамма мукамал қурол-ланиб чиқарди. У ўз одатича, ялов юзини дав-лат душманлари томонига қаратиб, иродаси жи-ловини у томонга бурди. Қуёш Хут буржида эди, ҳавонинг совуғи зўр, қиш қаттиқ эди. Тошканднинг машҳур мавзеи Шаробхонада<sup>820</sup> хар икки томоннинг ўчманд сииохлари бири-бирига етдилар, мардоналик отини ўйнатиб. бири-бирига от қўйдилар.

### Н а з м:

Икки томондан аскар бири-бири устига  
тўкилди.  
Шижоат найзасини кўзғотиб, гуруллаган  
булутдек икки томон хурушга келди.

Гўёки икки ўт дарёси хурушга кирди. Икки томондан жанг ўти ёнди. Алангаланган жанг ўти ботирлар жонини куйдирди. Сахро аскар-ларида харбий қурол-аслаха тайёргарлиги кам-рок, таъну зарб асбоблари озрок кўринарди. Совут ўрнига тири ярчок, дубулға ўрнига ту-моқ билан баданини саклашган эдилар. Ҳазрат хоннинг йўлбарс сифатли аскари ўзининг кучу

қувватига мағрур булиб, илтифотсиз сахро аскарига хужум қилдй. Душманни кўз олдига келтирмади, назарига илмади. Ҳаммаси бирданига жангга қадам қўйди. У алдамчи фиркалар ҳам фидоийлик сифатида жангу маърака майдонига қадам қўйиб, жанг қилдилар. Иқтидорли ғолиб қўлини баланд кўтардилар. Тангри қазоси иқтизоси, фалакнинг гардиши билан андак фурсатда султон ҳазратнинг ботир аскарлари устида ғалаба қилди. Аямасдан уларга қилич чопди. Жуда кўп халқ бсжон ва кўплари мажрух бўлиб, жанг майдонидан жиловни бурдилар. Бу зўр ходисаинг воқеъ бўлиши рўй бсриб ва бу катта воқеа юз кўрсатгач, султон ҳазрат, яъни Дўстим султон ўйламай, андиша қилмай, рикобиди бирга бўлган шижоатли баходир кишиларким, улар ўз баробарларига фахрланардилар, лекин оз эдилар, улар билан қалъа остидан тезликда чиқиб, сарсар шамолидск душман кетидан юришни ихтиёр қилдилар. Ажаб эмаски, душманни топсам дедилар. Аммо шаҳар акобирлари пойтахтга йиғилиб, султон ҳазратни шаштидан қайтардилар. Олий суннат ижобича машварат, кенгатн сўйгида маслаҳатни арзу ниёз йўли билан пайдо бўлган бу балони ва воқеа бўлган азиятни бир вараққа ёзиб, Самарқанд томонга, саодатнишон султон Ибодуллага юбордилар ва унга бу воқсани билдирдилар. Султон нишонли, Минучехр чехрали, хумоюн фармонли султон, яъни Абулфатх Ибодулла султон, Тангри унинг иззатини давомли қилсин, козоқ сипохларининг хужумидан, Дашти Қнпчоқ аскарлари ғалабасидан хабардор бўлгач, ғоятда хаяжонланиб, олий давлат арбобларини ва улуғ ҳазрат асҳобларини чакиртириб, бу воқеанинг дафъида ва ходисанинг кайтариш хусусида уларнинг раъйини сўраб, фикрини Сурайё шуқухли кўнгилларига келди. Сўнгра кенгаш лавозимига, маслаҳат маросимига риоя қилиб, у темир юракли, тош чангалли жамоалар билан жанг қилишга, уларнинг кетидан бориб, жанг ўтини ёқишга, сандон учи билан душман дилини ўзига қўшиб санчишга қасд қилиб, Самарқанд вилоятининг ҳамма ноҳияларидан йиғилган ғоятда кўп халқни олиб, тоғдек шуқух билан иродаси яловини давлат душмани томонига кўтарди. Шу қадар тезлик билан юридики, сабо елининг хабарчиси, сарсар шамолининг тез эсувчи пайки унинг жаҳон кезар оти билан хамрох бўлишга ожиз бўлди.

## Н а з м:

Жанг иродаси билан аскарни кўзғотгач,  
биёботшдан ўтиш йўли танг бўлди.  
Агар у ўз жопидан шону шавкат билан жўнаса,  
унинг хавфидан тоғ чўққиси сув бўлиб оқади.  
Агар унинг отн жилвага келса, соя унга  
етолмай бир тош кейинда қолади.  
Йўл устида юрган отлар нағалидан ер ой билан  
тўлган осмон шаклини олади.

Қутли кўшин мархала ва манзилларни кесиб ўтиб, Сайхундан ўтди. Ғоятда тезлик билан Тошқандга етиб келиб тушди. У пайтда Таваккал султон хали Сайрам<sup>821</sup> атрофида қарор топиб турарди. У жанг майдонида марди майдонлардан ҳеч кимсани ўзига баробар кўрмас эди.

Лекин Таваккал султон Тангри ёрдамига эга бўлган Ибодулла султоннинг келаётганини эшитиб, саросима ва хайрон бўлди, Ибодулла султон ҳазратлари истилосининг овозаси хаяжонланиш, чорасиз қолига селини у саргаштанинг хонумонига сурди. Нусратли аскар савлати унинг жамияти асосини пароканда қилиб, сочиб юборди. Ботирлик қилиш йўлидан оёқ тортди. У вилоятдан қочишга қанот ёзди.

## Н а з м:

Тоғ султон савлати хавфидан сомондек  
тўзиди.  
Тулқида йўлбарснинг канчалик кучу қуввати  
бор?

Муборак анжомли Ибодулла султон у жойдан тугал йўсун ва расм-русум билан, бағоят тезликда жўнади. Сайрамдан ўтиб, жуда кўп дашту биёбонларни кесиб ўтди, лекин Таваккал султонни топмади. Охири мақсадига етолмасдан қайтди. Шону шавкатли биродари, тарикат султони, суфийлар шоҳи, яъни Дўстим султондан бу воқеанинг пайдо бўлиши хақида кўнгил сўради. Сўнгра Сайхундан ўтиб, Ҳамалнинг<sup>822</sup> ярмидаким, у пайтда барча хонадонлар, боғу чаманлар, сахрою гулшанларнинг сабззор бўлган пайти, ражаб ойига<sup>823</sup> тўғри келган вақт эди, давлат қароргоҳига ва шону шавкат марказига келиб тунтди ва шодлик бисотини ёзиб, айшу ишрат мақомида бўлди.

Яна ўша йили ва мазкур ойда ислом куббаси бўлган Бухорода, Тангри уни офатлар ва балолардан сакласин, зўр бир воқеа рўй берди ва улуғ бир ходиса юз кўрсатди. Бу воқеанинг тафсилоти қуйидагича: амирлар пешвоси низомулмулк амир Қулбобонинг отаси Мовароуннаҳр ва Туркистон вилоятларининг машхур гузариди, Саррофоннинг қибла томонида бир қарвонсарой солдирган эди. Унга ўт тушди. У ўтнинг дафъига шу қадар ҳаракат қилдилар, лекин ўчириш мумкин бўлмади. Хунармандлардан жуда кўп киши бу ходиса ўтида шамдек ёндилар. Ўт ўртасида қолиб, ноумидлик доғида зиёнкорлик алангасида куйдилар. Ўша ноҳиянинг фазосида ўтда куйиб кулга айланган молу матолар ҳаво юзасида гуноҳкорлар номасидек, ёхуд куз фаслида дарахт шохидан тўкилиб турган хазондек бўлди. Шунча кўп халқдан масжидни ўзига пана тортиб турган икки кишининг асбобу олотидан ўзгани қолмади. Бу воқеани вилоят арбобларининг сараси, хунарманд ва санъат аҳлининг пешвоси,

#### М и с р а:

Кўнгилининг лавҳаси дунё хавосидан холи,

муҳаббат маржаъи, охират амалига мансуб, яъни Хожа Араб Атласийки, қудрат санъаткори хилқат қорхонасида унинг асли матоини, табиати қумошини<sup>824</sup> «Тангри сенга берган неъматини тутатди»<sup>825</sup>, деган оят арқоғи, «сенга Тангри яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил»<sup>826</sup>, деган оят ўриши билан тўқилган меҳрибонлик матоини, Тангри яхшилик қилганларнинг муздини зоеъ кетказмайди»<sup>827</sup>, деган оят бозорида ноумидлик доғидан зиёнкорлик тамғасидан омон топган зот тилидан ёзилди. Бу ажойиб воқеанинг зикрини китоб асосига ортиқча дахли бўлмаса ҳам, аммо унда бир навъ комёблик бор эди, шунга биноан мушкин қалам бу нома остига ёзди.

Ўзини-ўзи катта қилиб кўрсатган Таваккал султоннинг Тошканд ва Туркистон вилоятлари устига ҳужум қилганлиги ва султоннишон Дўстим султон аскарлари устидан ғалаба қозonganлиги воқеаси соҳибкирон ҳоқоннинг олий қулоғига етди. Ул ҳазратнинг раёю тадбири ойнасида, нуроний кўнглининг жаҳоннумо жомидида куйидаги маъни акс топди: «Дарвишлар султони Дўстим султон қадимдан мансабига ва улуғ даражасига марказ, иззат ва иқболга қароргоҳ бўлиб келган жойи Миёнқолга қайтиб келсин, сўнгра Рустам фармонли султон, яъни Ўзбек султон эса давлатни пос тутишда, мамлакатни саклашда ғоятда сиёсатдондир; унинг мамлакатдорлигидаги ва фуқаро устидан фармон юрғизишдаги ўткирлиги, савлати, оғир-босиқлиги чексиздир, аскарлари эса интизомлидир; ботир сипоҳлари ҳар доим ўзи билан бирга; у кеча-кундуз жаҳондорлик нақшини фикри лавҳасига нақш этган; уни Тошкандга юборилсин, чунки агар Ўзбек султон у вилоятга ўринлашиб қарор топса, вилоятда катта-кичикнинг кўнгли жанг ҳаяжонидан, тинчсизликдан таскин топиши мумкин. Лекин катта-кичик, ҳар бир муҳим ишлар, жаҳон ва жаҳон аҳли хожаси, улуғлар кўзининг нури, яъни Хожа Калонхожа ҳазратнинг олий фикрларига мувофиқ бўлмасдан вужудга келмайди», деди. Шунга биноан ҳоқон Бухорога ҳазрат хожанинг олдига одам юборди. Арзу ниёзни ўз ичига олган мактуб ёзди, унда қуйидаги мазмунни маълум қилди: «Ҳидоят даражали ҳазратга йўлиқишимиз жуда ҳам муҳим, агар мақбул бўлса Термиз вилоятига ташриф буюрсалар, чунки сўзимиз бор, оғзаки сўзлашамиз, вақтига кўра нима маслаҳат кўрилса, шунга амал қиламиз», деди ҳоқон. Хожа Калон жаноблари Искандар мартабали ҳоқоннинг чақириғига биноан, сафар асбобини тайёрлашга машғул бўлди. Бу мақсадга таважжух қилишни ўз ҳимматига қибла қилиб, шаъбон ойининг аввалида<sup>828</sup> ихтиёри жиловини Яратганнинг қудрат қўлига топширди. Давлат арғумоғини тақимига олиб, бирмунча манзилу мароҳилларни босиб ўтиб, Термизга етди. Иззатли ва иқболли ҳоқон бемонанд хожанинг қутли қадам келтиришидан хабар топгач, тўхтовсиз Балх томонидан қайтди. Жайхундан



ўтиб, тезликда мадинатур-рижол, яъни эрлар шаҳри Термизга етиб келди. Бир-бирлари билан учрашиш шарафи билан мушарраф бўлишгач, халифалик паноҳи хокон ҳазрат вазири аъзам Жонкелдибий, низомулмулк Қулбобо кўкалтош, умдатуссалтанат Муҳаммад Бокибий каби эътиборли амирларни ҳидоятпаноҳ ҳазрат ҳимояси остида Ҳисор томонга жўнатди ва қуйидаги сўз мазмунини хабар қилди: «Мамлакатни яхши тутишни билишда, фуқарони яхши сақлашда ёшининг улуғлиги маҳкам ва мустаҳкам асосдир. Шунга биноан, Тошканд вилоятини ўзига тобе кенг далалари билан хизматга муносиб бўлган биродарига Хожакалон воситаси билан топширдим, чунки у мамлакат аҳволига камчилик йўл топмасин ва одамларнинг кўнглига мумкин бўлмаган ҳаёл келмасин. Зарурдирким, султон тўла зийраклик билан у вилоятга жўнаб, у ерда ҳукмронлик қилсин».

#### БУХОРОДА ВОҚЕЪ БЎЖАН ТАСОДИФИЙ БАЛО БАЁНИДА

Бухорода бирмунча милтиқ дорини эҳтиёж тушганда керак бўлади, тайёр ва муҳайё бўлиб турсин, деб йиғиб қўйилган эди. Тўсатдан дорихонага ўт тушди. Тангри ғазабининг ўти алангаланиб, казо қўли дўзах табақалик эшигини фано аҳли юзига очди. Бир томонини, остинки ва устинки хужралари, ток-равоклари, айникса, мийно рангли, осмон тоқига олий фалак равоқига бош сурган дарвозаси тамоман қуйиб тўкилиб тушди. Катта-кичикдан, ёшу қаридан кўп халқнинг ҳаёти шуъласи ўт қураси алангаси билан ўчди. Иттифоқо, ажойиботлардан бири шулки, сарой халқ оммасининг юрадиган йўлида эди. Савдо қилиш, фойда олиш пайида юрганлар доимо у жойда тикилинч билан бир-бирга фойда келтириб юришарди. Шунчалик бўла туриб, вилоят маддоҳларидан бири у саройнинг дарвозаси олдида ҳикоягўйлик қиларди. Латифали сўзлар, табиатга ёқимли ҳикояларни айтарди. Бу гузаргоҳда кўпроқ одамлар жамъ бўларди, халқ хуружи бу ерда беҳад ва беҳисоб кўп эди. Шу тарика саросима бўлиб юрган кўпчилик халқнинг кўпроғи тупроқ супрасига оёқ босиб, бошини барбод берди, жону танини беҳожат ўтга қуйдириб, бало гирдобиди халок бўлди. Милтиқ доирасининг ўти шу даражада кучли

бўлдики, барваста одамларни, ғишт, тахта, тоғтошларини ва шу саройга ишлатилган хайбатли йўғон ёғочларни ҳавога учуриб кетди. Бир неча соатгача осмондан қўл, оёқ, тош, ёғочдан бошқа нарса тушмади. Нуктадон донишмандларнинг кўнглига махфий қолмасинки, бунинг каби воқеаларнинг пайдо бўлиши кўпроқ фосик, фожирларга танбеҳ учун, золим ва бевурдларни ёмонликдан тўсиш учун бўлади.

Ажойиб воқеалардан яна бири шу бўлдики, шундай асоси мустаҳкам бинонинг остинустин бўлиб, кўп халқ бири-бирига урилиб халок бўлган кунда сарой дарвозасидан отаси билан чархчилик қилиб ўлтирган кичик бир бола устига улуғ Тангри ўз қудрати билан муҳофазат этагини ёпди, қудрат қўли имконият қабзасида тутиб шундай кўрқинчли ҳалокат ўрнидан тош, тупроқ остидан соғ-саломат чиқарди.

Шу вақтда рўй берган ажойиб воқеалардан яна бири савдогарларнинг тижорат асбоби, молу матои Кобулнинг машҳур вилоятларидан бўлган Пешовар<sup>829</sup> вилоятида ўтга қуйиб кетиши бўлди. Бу воқеанинг тафсилоти қуйидагича: Кўп замон ва узун муддатлардан бери кўп савдогарлар, ҳисобдан ортиқ бадавлат халқлар Ҳиндистоннинг Дакан, Гужорат, Малибар каби шаҳарларининг ҳаммасига тарқалиб чочилган бир шаклга келган эдилар. Олди-сотди муомаласининг асосини икки жаҳоннинг фахрли сармоясини, сармоянинг орқа таянчи деб гумон қилишардилар. Улар «Тангри олдидаги нарса ўйин-кулгидан ва тижоратдан яхшироқ»<sup>830</sup>, деган оят мазмунини доимо эътибор назарида тутишиб, барча муомалада инсоф йўлини тутардилар. Ҳамма вақт махфий ва ошкор сирларни билувчи Тангри ҳозир деб билиб, тўғрилиқ, диндорлик омонатдорликдан ўзга одатни олдга сурмас эдилар. Улар «Ватанни севиш имондан» деган муборак ҳадис тақозосича, ўз ватанларига қайтишни ирода қилиб, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Туркистон томон жўнардилар. Ҳиндистондаги ҳамма қалъа ва шаҳарлардан ва тамоми теварак-атрофдан ҳинд молларидан энг нафис қимматбаҳоларини ҳинд қирғоқларига ва бандарларга юборардилар. Йўлнинг кеча-кундуздаги машаққатларига чидаб, сафарнинг хавфу хатарларини назарда тутиб, Кобулнинг машҳур шаҳарларидан Пешовар шаҳрига етиб келдилар. Божу тамға ва хирож олиш учун ўзларининг маи-

шатларига ва эҳтиёжларига лозим бўлган нарсаларни тайёрлаш учун у жойда тўхтадилар. Афғонлардан Равшанпир деган бир афғон, унга аксинча шундай ном қўйилган эди, хақиқатда у ок соқолли бир занги эди, у асбобу олотининг мўллигига ва одамларининг қўплигига, тайёргарлигининг мукамаллигига ишонарди. Баланд тепа ва мустаҳкам тоғ устига жойлашиб олганлигига мағрур эди. У ҳақшунослик доирасидан чиқди, балки кўрнамаклик ҳалқасига бош сукди. Мусулмонлар қонини тўкиб, молини талон-торол қилишни ғанимат кўрди. Аммо у гоҳи-гоҳида йўл устига тушиб, келадиган-кетадиган савдогарларнинг йўлини тўсиб, таарруз қиларди. У жойлашган маконнинг маҳкамлиги, масканининг мустаҳкамлигидан у ақлсиз, тadbирсиз жамоани бўйсундириш осон эмас эди. Қўлга тушириш ҳам муяссар бўлмасди. Бинобарин, қалъанинг ҳокими савдогарларни қалъа ичига олиб кирди, юкларини ҳам ўзлари билан бирга олиб борди. Булардан бир, ё икки киши қалъа сиртидаги тошдан бино қилинган жомеъ масжидга кириб, азиз ва олий Тангри уйини ўзига паноҳ қилган эдилар. Аммо у жойдаги ва Ҳиндистон вилоятларидаги одамлар уйларини қамишдан қуради, унга ҳар хил тақаллуф ва зеболик билан ислимий ва хитойи ва румий нақшлар билан рашк қиладиган шаклда безардилар.

Қалъа волииси эса инсонлар сайиди ва сараси Пайғамбарнинг «меҳмонни сийланглар» деган сўзи ижобича, савдогарларнинг бошлиқлариини давлат меҳмонхонасига тақлиф қилди. Зўр зиёфат мажлиси ҳозирлаб, анвойи овқатлар ҳадди ҳисобдан ташқари таомлар, унчамунча деб тахмин қилишдан ортиқ ширу шарбатлар тортди. Ҳануз умид, орзу хони, яъни нозу неъмат билан тўлган дастурхон ёйилган эди, тўсатдан ошхонага ўт тушди. Кучли шамол кўзғалди. Тангри ғазаби етди. Савдогарларнинг минг туядан ортиқ келадиган юклари куйиб кул бўлди, юкларнинг кўпи, Дакан<sup>831</sup> шаҳридан келган юклар эди. Юклардаги молнинг қиймати қанчалигини ноқидлар билдилар.

Қачонки вилоят асарли ҳазрат Хожа Калонхожа катта амирлар ҳамроҳлигида Ҳисор вилоятига етдилар, кутли қўшин шарафидан у вилоят ҳавосига Чин мамлакати хиди, тотор мушки рашк этарди, аввал бошлаб жаноби сулгон, яъни Ўзбек султон давлат акобирлари,

вилоят аёнлари иззатли ва қудратли амирлар билан қарши олиш учун ошиқиш уловига миниб чиқиб, яхши насабли хожанинг мулоқоти шарафи билан иззатга, бахтга сазовор бўлди, Ҳазрати хожанинг фасоҳат ва балоғатли тилларидан ширин ҳикоялар, кўнгилга ёқадиган насихатомуз сўзлар эшитди, у сўзлардан чексиз манфаат, туганмас фойда топди. У сўзларни дили тахтасига ва хотири саҳифасига ёзди. Иккинчи кун олий насаб хожа Тошканд вилояти ва унга тобе жойлар нишонини топширди. Хожа жаноблари бу марҳамат билан унга тасалли берди. Шундай бўлса ҳам, бир жамоа фитна-фасодга, шарру инодга бошчилик қиладиган кишилар иғвоси унинг кўнглини олий мартабали хоқондан ўринсиз ваҳм билан тағйир торттирди ва уни беқиёс саросималикда қолдириб, кўнглига хавф, дилига ваҳм солди. Ҳар дамда ва ҳар соатда унинг қулоғига хоқоннинг унга нисбатан мизожи ўзгарганлигини, шак-шубҳа тўзони, тагавиш ғубори унинг дарё катрали кўнглига ҳаммадан зиёда жой олганлигини англатиб, ҳар ҳолда бу мулкдан қўл тортмасдан, шояд, бу жой ҳукуматдорлигини бошқа кишининг ихтиёри қабзасига қўйса керак деб, айтишдилар. Саодатли хожа икки томон муҳаббатини таъкидлашда ва икки тараф дўстлигини мустаҳкамлашда етарли даражада ҳаракат қилиб, унга бундай деди: «Агар биродарлар, оға-инилар ўртасида меҳрибонлик билан унсу улфат ва раҳимдиллик йўлига тобе бўлинмаса, дўстлик интизом топмайди. Бир-бирига мувофиқлик ишлари яхши йўлга қўйилмайди. Агар дўстларнинг шод бўлиши, душманларнинг хароб ва хор бўлишини хоҳласанглар, бирларингиз иккинчи бирларингизга ёрдамда бўлиб, занжирдек мувофиқлик йўлига кирингиз; ёмғир томчисидек бирларингиз бирларингизга улашингиз. Ҳар бир вақтда душманлар тўда-тўда бўлиб ҳужум қилса, уларнинг дафъи ва манъига бир тану бир жон бўлингиз; иттифоқлик юзини нифок бадгумонлиги тирноғи билан юлмангиз». Султон эса бирмунча кунгача эшитилмайдиган узрларни тутиб, олий ҳазрат воситачилигини хотирида тутмади. Ҳисор вилоятидан чиқиш ва у вилоят ҳукуматдорлигини тарк этишда фурсат сўраб, кечиктиришни жойиз кўрди. Амирларни ваъда билан хижолат қилди.

Шу ўртада ажойиб бир воқеа рўй берди, ғарониб бир ҳодиса юз кўрсатди. Улар гау

холда турган мазгилларида қуёш ботиш пайтида булут устида олтин карнай шаклида ёруғ бир юлдуз пайдо бўлди. У юлдузнинг боши ғоятда катта, думи эса узун ва ингичка эди. Жануб тарафдан тулуъ қилди ва тезда шимолга ўтди. Узун масофани кесиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Одамлар унинг пайдо бўлишига ғоятда хайратда қолишдилар.

ЮҚОРИДАГИ ФАЗОДА БАЪЗИ ВАҚТЛАРДА ХАР ХИЛ  
ВАЗИЯТЛАР ЗОХИР БЎЛАДИГАН АЖОЙИБ  
НАРСАЛАР БАЁНИДА: НУЖУМ АҲЛИ УЛАРНИНГ ХАР  
БИРИГА НОМ ҚЎЙГАНЛАР

Билгинки, нужум санъати асбоблари, табиат ва таквим аҳкоми эгалари шундай ёзадилар: «Ҳавода пайдо бўладиган ўтлар етти навъ бўлади. Уларга «юлдузлар ибодатхонаси», деб ном берилади. Думли юлдузлар ҳам дейишади. Уларнинг ҳар бирининг суратига муносиб алоҳида номи бор. Шунингдекки, биринчисини ниёзак, иккинчисини шаҳоб, учинчисини амуд, тўртинчисини барқ, бешинчисини хона, олтинчисини зузаноба, еттинчисини зузанаб дейишади. Буларнинг ҳаммаси бахтсиз бўлади. Шунингдекки, ҳар бир шаҳар, ё мамлакат ва ё ноҳияда булардан бири пайдо бўлса, фитнес-фасодга, шаҳарлар ва ўлкаларда тинчсизликка, ўлимга, ўлдиришга сабаб бўлади. Улуғлар, султонлар, ҳокимлар, волийлар алмашинадилар, фазилат ва камол аҳлининг пешвоси Ҳамдуллоҳ ал-Муставфийи Қазвиний<sup>832</sup> «Нузхат ул-қулуб» китобида қуйидагиларни келтиради: «Унсурларнинг аралашishi натижасида ҳавонинг қуруқлиги, ҳўллиги ўзгаришидан, пастдаги қуррада бухорот пайдо бўлади, унинг зимнида иссиқлик мавжудлигидан марказга майл қилади. Пастдан юқорига кўтарилади. Унда тутунлик қуввати кўплигидан ҳавони йиртиб, ундан ўтади. Агар унда мойлик модда бўлмаса, марказга етади. Холис ўт бўлади. Агар унда мой моддаси бўлса, унга ўт туташиб ёнади. Агар моддаси ердан узилган бўлмаса, Зузаноба ва Зузанаб кўринади ва агар моддаси ердан узилган бўлса, Шаҳоб ва Ниёзак ва шунга ўхшайдиганлар кўринади. Шайтон ружуми ҳам шунинг кабидир. Улуғ Тангрининг бу сўзи ундан хабар беради: «Ҳақиқатда биз дунё осмонини чарх юлдузлар билан зийнатладик ва уларни шайтонлар учун хайдовчи қилдик»<sup>833</sup>. Зузаноба эса худди инсон бошидек бўлади;

очилган сочдек ўт ундан зоҳир бўлади. Зузанаб шундай юлдузки, унинг думи ўздан бўлади. Айтишларича, думи қайси томонга бўлса, фитнес ўша томондан кўзғолади ва ўша томон хароб бўлади. Ва Зузаноба кўпинча тонг отиш иайтида шарқ томонда зоҳир бўлади. Зузанаб ғарбда кечаси пайдо бўлади. Уларнинг қайси бири кўпроқ туриб қолса, шу баробарда ўша томонда пайдо бўладиган жанг ҳам чўзилиб кетади ва каттиқроқ бўлади. Ва уларнинг катта-кичиги ҳам шу ҳукмда бўлади. Аммо қолган бештасининг таъсири уларнинг боқий қолишига кўра камроқ бўлади, чунки улар кўп турмайди. Бу ҳамма ўтлар, юлдузларнинг ноиб ва ўринбосаридир. Уларнинг табиати юлдузлар табиатидекдир. Жаҳоннинг фасодида яхшилик-ёмонлик таъсирида улар шерикдир. Зузаноба ва Зузанаб Зуҳал ва Миррих табиатидандир. Самараи Батлимуслининг<sup>831</sup> мавлоно Муаззамдан бошқа шориҳи китоби охирида ҳикоя қилинади. Бир вақтда Зузаноба Мисрда кўриниб, бир соатга яқин турди, сўнгра ўша вақтнинг султони ўлдирилди. Нил дарёси ҳам қуриди. Ажнабийлар аскарлари Мисрда кирди, зўр бузғунчиликлар қилди. Айтишларича, тарих олти юз олтмиш иккинчи санада, йигирма саккизинчи рамазонда<sup>835</sup> шарқ томонда, тонг отиш пайтида, матлада пайдо бўлди. У вақтда қуёш Асад буржида эди. Ўша кечаси қуёш тутилди. Зузанобанинг катталиги одам бошидек эди. Кўринишида ундан чиққан дуд юқорига бош кўтариб, қуйдираётгандек қлфинарди. Ўт ҳамма томонга ёйиларди ва у Тиббат<sup>836</sup> ерига, Шарқ вилояти, Туркистон Чинига, Кошғар, Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросон томонга ўтди. Кейинги кечаларда кичикроқ кўринди. Қибланинг жануб томонида ғойиб бўлди. Йигирма иккинчи зулҳижжагача<sup>837</sup> турган муддати саксон беш кун бўлди; равшан бўлиб турди. Унинг таъсири шундай зоҳир бўлдики, шарқда муҳолафатчилик рўй берди, қучли жанг кўзғолди, подшоҳларга кўп ранжу кулфат етди, кўплари ҳалок бўлди. Мовароуннаҳрда харобалик юз кўрсатди, подшоҳлар, мамлакат ақибчилари ўлдирилди, бойлар, дарвишлар кўнгли вайрон бўлдилар; ўғрилиқ, хиёнат ошқора бўлди; йўллар бекилди; онанинг болага қарата меҳрибонлиги ўртадан кўтарилди. Бирмунча йилларгача қаҳатчилик ва вабо бош кўтарди. Бу ҳол Хуросонга ҳам таъсир қилди. Шаҳзода Барок<sup>838</sup> нифоқ билан тўлган сипоҳ-

лари, аскар ва байроқлари билан Жайхундан ўтиб, талон-гужга, экин-тикин, уй-иморатларнинг вайронгарчилигига, ўлдириш, асир олишга қўл чўзди. Кучли жанглар қилиб, охирида шикаст топиб қайтди. Тўрт йилгача Мовароуннахрнинг кўп шаҳарларида ўт ёққан, макон тутган киши бўлмади. Жаннатдек обод бўлган мамлакат олий бинолардан холи қолди. Хурлар чехрасидек ораста қасрлар бўри, тулки, қуёнларга уя бўлди. Аммо Мовароуннахр ва Хуросон аскарлари ўртасида ўн уч марта зўр жанг воқеа бўлди. Ҳоятда кўп жанг, ҳисобсиз ҳарбу зарб юз кўрсатди.

Сўзнинг қисқаси, фалак ул-қамар ҳаво юзасида Шаҳоб шаклида кўринди. Нужум аҳли ҳукмига биноан, яқинда бир ажойиб воқеа рўй беради ва бир нодир ҳодиса шаку гумон никобидан, ғайб пардасидан юз кўрсатади, деган маъни кўнгилларга келади. Бу Ибодулла султоннинг кўрқинчли суратда шаҳид бўлиши воқеасига тўғри келди<sup>839</sup>. Ўша пайтда бу воқеа тезликда зоҳир бўлди.

#### ШАВКАТЛИ СУЛТОН, ЯЪНИ ИБОДУЛЛА СУЛТОННИНГ ЎЛДИРИЛИШИ; БУ ВОҚЕАДАН ЎЗБЕКХОННИНГ ХАБАРДОР БЎЛИШИ БАЁНИДА

Бу воқеанинг шарҳи шулки, қачонки саодат анжомли рамазон рўзаси мийно рангли осмон бурчагидан кўринди, рамазон рўза истилосининг овозаси билан машруъ ишларга буюриш номасруъ ишлардан тийиш у ойда осмон авжидан ва Зухал айвони чўққисидан ҳам ўтди. Яхшилик маржаъи бўлган «Эй имон келтирган мўминлар, сизларга рамазон рўзаси фарз этилди»<sup>840</sup> деган оят жаҳон аҳли ва одам болаларининг ҳамма тоифаси қулоғига етди. «Кимда-ким бу ойда ҳозир бўлса рўза тутсин»<sup>841</sup>, деган оятнинг олий нишони, яъни ҳар бир мусулмон албатта рўза тутсин, деган нишон билан нишонланди. Шодлик бўстонидаги дўстларнинг шодлик ниҳоли оташ рангли сув, яъни май билан яшнаган эди. Гуноҳ ва ўйин-кулги чароғини номашруъ ишлар ва ўйин-кулгилар қуёшини гумроҳликнинг ўткур шамоли ёндирган эди, ўчди.

#### Н а з м:

Рўза оийи келиши билан шодлик қўлдан кетди.  
Ҳамкорларнинг бутун дили жом шаклида

синди.

Зикр этилган муборак ойнинг аввали, раҳмат ваъдагоҳи ўртаси ярлақаш нузулининг жойидир. Адолат ва дин кўмакчиси саодат нишонли султон, яъни Ибодулла султон илоҳ амрини маҳкам тутиб, лабини емак-ичмакдан тийди. Тангрига қайтиш шамъини итоат хилватгоҳида ёндириб, умид ва орзу шишасини тақво ва парҳезкорлик тоши билан синдирди. Хусайнбий дўрмон ўғли Мирзо Абдурахимни ихтиёрсизликнинг тубан мартабасидан бахтиёрлик даражасининг авжига етказган эди, кўп йиллар подшоҳлик ишларига дахлдор қилиб девондаги котибларни назорат қилиб туришга, яъни мушрифлик<sup>842</sup> мансаби топширилган эди, у ўз ихтиёрича юрарди. Кўп пайтларда вақтиний ўйин-кулги билан ўтказар эди, хурсандлик билан кечирарди. У қуни ул гуноҳкорлик майидан маст эди, султон ҳазратнинг олдида киргач, кўзлари унга тушди. Муборак оқибатли султон доимо, кеча-кундузда тўхтовсиз бидъатлар ва гуноҳ ишларни ўртадан кўтариш, ўйин-кулги моддаларини тугатиш учун жидду жаҳд қиларди. «Шариат хилофидаги нарсадан яхшиликка на тўсик»<sup>843</sup> деган оят ҳукмича, амри маъруф манъ этишлигининг вожиблиги ҳамма учун, жаҳон аҳли бўйсунадиган ҳукмдир, шариати Муҳаммадийни қувватлантириш, миллати Аҳмадийни жорий қилиш, ислом аҳлининг ҳаммаси тобе бўлиши лозим бўлган буйруқдир. Шу сабабдан уни қаттиқ тафтиш қилди ва унга етарли даражада танбех берди ва кўп сиёсат кўрсатди. Кўп кишиларнинг табиати ёмонлик тарафига мойил бўлади ва кўпинча инсонларга зарар етказишга роғиб бўлади. У бадбахт, қалта фикр чидаёлмай, ҳаддидан илгари оёқ босиб, белидаги ханжарини қўлига олиб Ибодулла султонга яқин бориб, ул ҳазратнинг муборак зотига ханжар урди. Бир урган зарбаси билан у йиқилди, «Рожиъуна» оятини дурсочар тилига жорий қилди, ҳаёт омонатини ўлим мутасаддиси қўлига топширди. Оят мазмуни: «ҳақиқатда биз Тангрининг мулкимиз ва унга қайтажакмиз»<sup>844</sup>. Қачонки бу воқеанинг пайдо бўлиши маълум бўлди, бу жонсиз ҳодисанинг ўти барчанинг: чўри, уруғ-аймоқларнинг ичига туташди.

#### Н а з м:

Сипоҳларнинг ҳаммаси баробарига мотам

тутди.

Хаммаси кўку қора кийим кийди.  
Қайғудан бошларига тупроқ сочдилар,  
Хаммаси жон ёқасини чок-чок қилдилар.

Мотам кийимини кийиб, нолаю зор овозини зангори фалак тосига етказдилар. Нолаю афғоннинг кўплигидан фаришталар гуруҳи кўк гумбазда сокинлар кўзидан шафақ рангидек қон тўқдирди. Рақибликка маржий<sup>845</sup>, нажобатга мансуб, ислом мамлакатининг муртазоси, халқ тоифасининг сараси, шариат ва аҳком мулкининг ҳомийси, бидъатлар ва зулматларни кеткизувчи сайидлик ва нақиблик нури, яъни Ҳасанхожаким ул ҳазратнинг нақиб эрди, улуғ вазир, катта ва мукаррам амир, султон ҳазратларининг яқин кишиси ҳокон давлатининг ишончли одами, яъни Муборизиддин хожи оталиқ ва давлатнинг бошқа амирлари ва ул ҳазратнинг ақобирлари, мансаб ва ҳашамат марказига, жаноби султон салтанатининг қароргоҳи бўлган Самарқанднинг олий аркига тезлик билан етиб боришди. Қотилни ва қотилга алоқадор кишиларни топиб, бошқаларга ибрат бўлсин учун, ўт ёқиб, уларни хашакдек куйдирдилар, содир бўлган воқеани ёзиб, Балх томонга, халофатпаноҳ, салтанатдастгоҳ жаноби ҳокон ҳазратнинг хузурига юбордилар. Сўнгра олий суннат тариқи билан гўру кафан асбобини ҳозирлаш билан машғул бўлдилар, мағфират маржаъи бўлган тобутини нақобатнишон хожа кўтариб, тезликда Бухоро вилоятига келтириб, унинг пок жасадини валоят суянчиғи Хожа Баҳоуддин нуруний мазори ёнидаги отабобларининг олий марқади остида дафн қилдилар.

### Н а з м:

Жамшид шавкатли Ибодулла султон,  
Султонлик аҳди билан жаҳондан кетди.  
У Чингиз хонадонининг сараси,  
Шайбоний сулоласининг пешвоси,  
Ҳазрат Искандархоннинг ўғли,  
Биринчи Жамшид, иккинчи Искандар эди.

У муборак шаъбон оий аввалида<sup>846</sup> қазойи субҳоний билан шаҳид бўлди. Зулм тиғи билан ўлдирилиб, фоний жаҳондан жаннат томон рихлат қилди.

### Н а з м:

Юлдуз сипохли Абдуллахон эса, ул Сулаймон  
тахтининг хусравидир.  
У олий кадрли подшоҳ қоон осмонининг  
күёшидир,

бу мусибатдан унинг дили лоладек доғ-доғ бўлиб ўртанди, лекин уни пинҳон тутди. Ибодулла султоннинг вафоти таърихи учун ақлга «Ҳеч нимани билдингизми?» дедим. Кеча тўсатдан ғайб оламининг хабарчаси айтди «хайф Искандархон»<sup>847</sup>. Унинг жаҳонда кечирган ҳаёти муддати эллик бир йил бўлди. Жаннатми-сол Самарқандда султонлик даври олти йил. Ундан Ёдгор султон исмли бир ўғил ёдгор бўлиб қолди. Икки қиз қолди. Бир қизи Бубай султон<sup>848</sup> ўғли Кепак султон қизидан бўлган. Яна бир қизи Шоҳмирзо манғит синглисидан бўлган. Нақобатнишон хожа ғуфронпаноҳ, салтанатдастгоҳ султоннинг жасадини ерга қўйишдан фориғ бўлгач, Самарқанд томонга қайтди. Умдатулмулк Ҳожибий билан иттифоклашиб, шаҳарни забт этиш ва уни сақлашга машғул бўлди. Шу орада олий гавҳар султон ва Фаридунфар подшоҳ Абулфатх Абдулмўмин султоннинг Самарқанд томонга жўнатганлиги хабари келди.

### УЛУҒ ҲОҚОН ҲУРМАТЛИ ШАҲЗОДАНИ САМАРҚАНД ТОМОНГА ЮБОРГАНЛИГИ БАЁНИДА

Бу сўзнинг шарҳи шулки, бу жон ўртовчи ходисанинг кулфатасар хабари соҳибқирон ҳоконга эшитилган кунда қайғу, унинг ҳасрат қарвони улуғ хожири ва нуруний қўнғиллари-га келиб етди. Жаҳон шаклининг ўзгариши, одам болалари ҳаёти асосининг қўзғалиб туриши воқеъ бўлиб турадиган иш экан, ўлим майфуруши ҳаётнинг доимо сингимли шароби пайида юриши ҳаммага тарқаладиган ҳукм бўлгач, кўп тафаккур қилиб англадики, ортиқча қайғу чекиш ҳосилсиз матлабдир, ғам дарёсининг ўрқачлаган мавжи, дарду алам тўдасининг хужуми фойдасиз бир натижадир. Шунга биноан, олийшон ҳокон, «сабр қил, сабринг худо учундир»<sup>849</sup> деган мухтарам оят ижобича, ғам нақшини кетказувчи, зўр ажру савоб ҳусулини ўзига лозим тутувчи гўзал сабрни дили ва хожири саҳифаси ёзди. Розилик қўлини фазо этагига уриб, «албатта, сабр этув-

чиларга муздларини ҳисобсиз тўлиғича берилади» оятининг<sup>850</sup> мазмунича, макбул бўлгаи сабру қарор ва орому виқор йўлига қадам қўйди. Аввало, ҳақли ва ҳақиқий ўринбосари, жаҳон шахзодаси, замини замон соҳибқирони Абунаслр Абдулмўмин султонким, Тангри мулқтаги ва султонлигини абадий қилсин, унинг фаҳму фаросати, зийраклиги ва донолипти, халқ ва раъийятшшг тинч сақлаши, сиёсату, адолатни нос тутигаи соф ва нуруний пешонасидап барқ ўриб турарди; гўзал ва комил ахлоқи ҳаммага макбул, яхши одати муборак чехрасидан ошқора кўринарди, ҳокон уни Самарқанд томонга жўнатди. Сўнгра, бу кўркинчли воқеани хабар қилиш учун Ҳисор томонга, жаҳон хожаси, улуғ зотлар нури дийдаси, яъни Хожа Калонхожага ва бошқа олийгаоп давлат арбобларига одам юборди. Хоконнинг ўзи ҳам кетма-кет сафар иродаси яловини кўтарди. Шону шавкатли султон рамазоннинг ярмида<sup>85\*</sup>; адолатпарвар ҳокон шаввол ойининг аввалида<sup>812</sup> бир-бирларининг кетидан жаннатмисол Самарқанд шаҳрига етиб келдилар. Ибодулла султон жанобларига тегишли кишилардан марҳамат ва меҳрибонлик тили билан ҳол сўрадилар, марҳум Ибодулла султон руҳини йўқлаб шод қилиш йўли билан фақиру мискинларга ош беришга қадам қўйдилар. Самарқанд сипохи бахтиёр султондан айрилиб қолганларига кўнгиллари ғамгин эди, ҳаммаларидан ҳол сўраб, кўнгилларини кўтардилар. Баланд даражали ҳокон марҳамат қанотини фуқаро ва сипоҳлар бошига ёйди. Азадорлик, мотам либосида бўлганларга қимматбаҳо кийимлар бериб кўнгилларини кўтарди. Уларнинг ҳар бирига, ўз кадрига муносиб, мансаб ва мартабалар бериб, тенгдошлари ва замондошларидан мумтоз қилди. Самарқанд вилояти нақиблигини сайид ҳамда саодат мартабали, баланд мактовлик, олий ҳазрат, яъни Ҳасанхожага берди. Ул жаннат асарли вилоят ҳукуматдорлигини амирлар пешвоси, арқони давлат сараси Низомиддин хожининг қудратли қўлига топширди. Ёдгор султон учун маош ва моҳоиа тайин қилди. Унинг ҳамма ишларини бошқариб туришни Болта Алибийнинг тасарруф қўлига тоиширилди. Шарафли хогири бу ташвишдан бўшагач, қимматбаҳолик, нодир нарсалар, нозик ипак моллар, ҳар жинс ҳарбий аслаҳаларни ёдгорлик учун кадрли фарзанди, номдор ўғли, яъни Абдулмўмин султон жанобларига берди. Унга

ўз давлати маркази ва ҳагаамати қароргоҳи томонига қайтишга ҳам ижозат берди. Шаҳзода шаввол ойида иззату ҳурмат билан иродаси юзини Балх томоига ўгирди. Иззат тахтига ўлтириб, адолат, инсоф яловини етти осмон авжига кўтарди.

Шу орада валоят асарли, ҳидоят иродали, катта-кичикнинг пушти паноҳи, яъни ҳазрат Хожа Калонхожаюшг Ҳисор вилояти томонидан Ўзбек султон билан бирга шарафли қадамлари вусули рўй берди. Бу воқеанинг сурати шулки, қачонки жаноб Ибодулла султон чорасиз ўлимининг хабари жаҳон хожасига ва иззатли ва қудратли амирларга эшитилгач, тўхтовсиз бу маънини Ҳисор волийси Ўзбек султоннинг қулоғига етқиздилар. Ҳазрат Хожа Калон давлат арбобларининг бири орқали уни чакиртириб, куйидаги сўзни ўртага қўйди: «Ушбу пайтда султон жаноблари бу фоний дунёдан юз ўгирди; ҳаёт манзилени кесиб ўтди ва жаннат қароргоҳи ва руҳонийлар манзплига етди; энди бундан ортиқ баҳоиа излаш ва сабаб кўрсатишни вақт кўтармайди. Агар бу вилоятни топшириб чиқишни бундан ортиқ кечиктирадиган бўлсак, соҳибқироп жанобнинг хогири саҳифасига ва дили ойнасига шак-шубҳа тўзони ва кина ғубори ўлтириши мумкин. Бу билан икки ўртада кудурат рўй беради. Бундай пайтда панд-насихатнинг тиниқ суви ва ширин шарбати билан ҳам у ювилмайди. Саркашлик моддаси, такаббурлик қилиш, ўзини катта кўрсатишнинг фасоди уни бир жойга етказадикки, унинг тадорикки ҳаёл баробарига ҳам келмайди». Дили бузук ғаразгўйлар ғаразли ҳикоятлар, нафрат кўзғатадиган сўзларни Ўзбек султон жанобларига етказишганлигидан дили саҳифасига чексиз ваҳму кўркинч, беҳад хавфу ҳаёл ўрнашган эди. Кўнглида ҳаддан ташқари даражада ваҳм борлигидап, осонлик билан қалъадан чиқишга ва у вилоят ҳукмдорлиги этагини қулдан беришга кўнгил қўймади. Шу сабабли валоятга мансуб ҳазрат (Хожа Калон) бошқа амирлар билан Ҳисор ўрамидан чиқиб, жаннатмисол Самарқанд томонга ирода юзипи ўгирди, давлат жиловини таъзия билдириш, хилофат мартабали ҳокон ҳазратлари билан кўришиш учун бурди. Ҳаво эса бахтли қўшиннинг ғуборидан, вилоят арбоблари пешвосининг тўзонидан мушқин ва муаттар бўлди. Ўзбек султон жаноб эса ихтиёрсиз Ҳисордан отлик, писда, жуда кўп халқ

билан чиқиб, тезлик билан у жойга, яъни Хожа Калонхожа турган жойга етиб келди. Шу қадар баҳонажўйлик билан ўй ўйлаб андишага тушганлиги сўнгида иродаси қўли билан хазрат Хожа Калоннинг шафоат этагини маҳкам тутиб, хамроҳ бўлиши учун чопди. Узр айтишга тил очиб, қуйидагиларни арз қилди: «Бу вилоятда тўхтаган муддатимда кўнглимда ёвлашиш андишасини қилганлигимдан, узр нақшини дилим саҳифасига ёзган бўлсам ундай эмас, лекин баъзи беҳуда сўзловчи саркаш, фасод уйғотувчи мулозимларнинг қўрқинчли, беҳуда айтган сўзларини қулоғимга етказишган эдилар. Шундан кейин тараддудга тушиб қолдим. Бу вилоятдан чиқишга асло кўнгли қўёлмадим. Қачонки шарафли хотирни кўзготувчи таважжуҳлари икки тарафнинг топиғишига ва икки ўртанинг ислоҳига қаратилганлигини фаҳмлагач, тўхтовсиз юришни сабо шамолидан олиб, Тангрига таваккал қилган холимда, олий даргоҳни ирода қилдим».

### И з м:

Иқболингшг этагига қўл урдим,  
Агар бугун бошим кетса ҳам ундан оёқ  
тортмайман.

Хазрат Хожа Калон ўта завқу шодлик билан унинг узрини эшитиб, шу захоти унинг пиёда аскарларининг ҳаммасини уловли қилди. Сўнгра ирода оёғини саодат узангисига қўйиб, мақсад томон жўнади. Манзил, мархалаларни кесиб ўтиб, шаввол ойи ярмида<sup>853</sup> Конирил водийсига келиб тушдилар. Олийшон ҳокон Хожа Калон ва жаноб Узбек султоннинг шарафли қадам қўйишларидан хабардор бўлгач, уларга одам юбориб, огоҳ қилди. «Агар Ўзбек султон жанобларининг бу томонга олдип келишга кўнгилларида тараддуд ва ташвиш бўладиган бўлса, ўша жойда тўхтасинлар, жанг ваъдагоҳи шарафли манзиллари бўлсин», деди. Шунга биноан, хожайи жаҳон буюрдилар: «Фаррошлар хизмат камарини белга боғлаб, ипак танобли чодирларни тиксинлар, зис таратувчи қуёш шаклидаги ранг-баранг соябонларни булут чўққисига кўтарсинлар, дастурхончилар кўп таом ва шарбатларни хитой хонлари устига қўйиб, мажлисга оро берсинлар ва зиёфат тартибини мухайё қилсинлар». Иккинчи куни Искандар асарли ҳокон олийгавҳар хожанинг зийнатмисол манзи-

лини ҳозир бўлиш шарафига лойиқ кўрди. Ҳокон билан жаноб Узбек султон ўртасида мулоқот рўй берди. Шундай бўлдики, бир гиламда, балки бир маснадда ўтирдилар. Ҳасадгўй мунофиқларнинг бу гўзал иттифоқликдан хотири қирилди. Яқин орадаги иа магфират ишонлик султон, яъни Ибодулла султоннинг чорасиз воқеасининг зоҳир бўлиши рўй берган эди. Аввало бу шарафли мажлисда ўлтирган қироат арбобларининг пешвоси, фасохат асхобларишг сараси ҳофиз Иброҳим хатибга Тангрининг каломидан бир неча оятни қироат қилишга ҳокондан фармон бўлди; шунга биноан, фасохатга мансуб жаноб «Гўзал овозларингиз билан Қуръоига оро берипглар», деган ҳадис ижобича, ёқимли овоз, дилкаш замзамаси билан мусибат етган пайтда, тоқат қилинган ҳодисалар воқеъ бўлганда қайғу юкини кўтарган, сабрли, виқорли собирларга башоратни ўз ичига олган оятни тиловат қилди. Ҳокон хазратнинг ойнадек кўнгилларида биродарлари мусибатидан ўлтирган ғамгинлик, малолат тўзонини Тангри каломининг тийиқ суви билан кстқизди. Инъоми омм, икромии томм бўлган Тангри каломининг хатмидан кейин ҳурматли ҳокон ўртадан кулфатни кўтариб юбориш, жаноби Узбек султон томонидан сезилган хиралик, хавср ва қўрқинчли дафъ қилиш учун сўз очиб, гавҳар сочувчи тилларини гўзал баёпотга очиб, шунингдек, подшодан у мақомга лойиқ бўлган барча ҳикоятларни баён қилди. Икки тарафнинг бир-бирига бўлган муҳаббатини, бирлик ва иттифоқини ўз ичига олган сара сўзлар, маъқулланган ҳикояларни изҳор қилди. Узбек султоннинг кўнгли ойинасида айрилига шакли акс этган эди, ҳокон уни меҳрибонлик чагамаси суви билан махв этди ва уни хотирини у ташвишдан фориғ қилди. Ҳидоят нишонли хазрат хожа беихтиёр осмон иқтидорли ҳоконнинг ҳақиқа чин ихлос билан дуо қилди; таъсирли фотиҳа ўқиб, ,цўслашмак биносининг таъкидига, мувофақат арқоиининг истехкомига, улфат асосининг баробарлигига, меҳрибонлик ва шафқат биносининг янгидан қуриш лойиқлигига далолат қиладиган сўзларни ўртага ташлади. Сўнгра баковуллар ранг-баранг, ҳар хил овқатлар «жаннат аҳли орзу қилган нарсалардан қуш гўштарипи ейдилар»<sup>а></sup> деган оят мазмунича, қуш гўштаридан ҳаёл жиғилдонига сикқанидан ортиқни тайёрладилар. «Жан-

натда мевалардан ихтиёр қилганларини ейдилар»<sup>855</sup>, деган оят мазмунича, турли мевалардан тортдилар. Улуғ хоқон ҳурматли султон билан бир табақда еб-ичдилар.

Мувофиклик шакли, иттифоклик нақши икки томоннинг хотири саҳифасидан, кўнгли лавҳасидан юз кўрсатди. Бу иттифоклик жаҳон ва жаҳон аҳлининг маҳдуми, улуғлар кўзининг нури, яъни Хожа Калонхожанинг таважжужлари билан бўлди. Заковат, зийраклик, доҳийлик, донишмандлик арбобларига махфий ва мастур бўлмағайки, бу воқеа Султон Аҳмад мирзо билан биродари Умаршайх мирзо ва Султон Маҳмудхонлар ўртасида рўй берган ислоҳга ва икки томоннинг топишганлигига ўхшайди<sup>856</sup>. Валоятпаноҳ ҳазрат, хидоят дастгоҳли ғавсул-аъзам Хожа Носириддин Убайдуллоҳ, Тангри таоло унинг жаннатдаги ўрнини пок қилсин, ўша воқеадаги иштироки бу зафар нисбатли китоб муқаддимасининг охирида баён этилган эди.

Сўзнинг қисқаси, мажлис охирига етгач, олий ҳазрат хоқон отланиб, иззату мансабининг қароргоҳига, осмон шаклидаги боргоҳига бориб тушди. Иккинчи куни жаноб Ўзбек султоннинг риоясига ва аскарлари эҳтиёжига кўнгил қўйиб, султонга хос сарупо, совут, ўқдон, дубулға, елдек юришли отлар, қатор-қатор хачирлар, тоғ шаклли, булут кўринишли туялар, чодирлар ва хос чодир, саропардалар, боргоҳ ва булардан ўзга подшоҳона зийнатларни, шаҳаншоҳликка лойиқ асбобларни унга юборди. Кўп кишиларини ҳам шоҳона хилъатлар ва хусравона инъомлар билан фахрлантириб, бошини баланд кўтарди. Сўнгра унинг хиссасига тайин этилган Тошканд вилояти томонга боришга ижозат берди. Пок Кармина шаҳри дарвишлар султони ва улар қалбининг маҳбуби Дўстим султоннинг табиий ватани, асли маркази эди, унинг нишонини Тошкандга жўнатди. У ёрликнинг мазмуни шулки, «Қачонки баланд даражали Ўзбек султон Тошкентга етса, Дўстим султон тўхтовсиз вилоятни унинг ихтиёрига топшириб, Карминага қайтиб келиб бир неча кун замонанинг ўзгаришидан, айланиб турувчи фалакнинг давронидан халос бўлиб тургай. Сўнгра, вақтнинг маслаҳатига биноан, бўладиган буйруқ ижобига қараб амал қилгай». Олийнишон Ўзбек султон фармонга биноан Тошканд вилоятига жўнади. Иззат маснадида, давлат

такаягоҳида ўринлашиб, подшоҳлик сиёсати, халқ риояти, мулк оройишига машғул бўлди. Унинг адолати баракоти ва гўзал риояси билан у мамлакат саҳнаси тугал равнақ ва интизом топди. Ва у вилоят аҳволи Искандар нишонли мулк соҳибининг шарафли хотири таважжужу билан тўғри бир ҳолга келди. Олийшон султон, яъни Дўстим султон ҳазрат ҳам Кармина вилоятига етди.

Пок қалбли хоқоннинг кимё таъсирли хотири бу воқеадан фориғ бўлгач, Ҳисор шаҳрини иззатли ва қудратли Поянда Муҳаммад султонга<sup>857</sup>, Нурота кишлоғини олийнишон султонзода Бобур Муҳаммад султонга<sup>858</sup> инъом қилди. Вазири аъзам ҳурматли Амиржон Давлатбий найманга оталиқ мансабини берди. Кубодиённи<sup>859</sup> муборак феълли амир Дўстимбий чашм абруга берди, Ҳисор вилоятининг қолган қисмини ҳашаматли ходимлардан кимдаким вилоятни сақлашга, халқни кутишга лойиқ бўлса, уни тайин қилиб юборди. Хоқоннинг ўзи куз фаслида меҳржон — мезон кунларида Ўратепа ва Хўжанд атрофларида шодлик ва кўнгил очишга биноан, қирғий, лочин учуриб сайд қилиб, тезўтар замонда ходисалардан куёшдек қалби ойнасида рўй берган малолат тўзонини кўтарди. Хоқон Самарқанд шаҳрига, Тангри уни офатлардан сақласин, ташриф буюриши баробарида сайидлик маржаъи, саодатга мансуб, дину миллат юлдузи амир Қурайшким, мўътабар сайидлардан ва замонанинг аъёну ақибларидандир, у фикру тадқиқотда, зеҳну зийракликда, раъю мулоҳаза юритишда, эътиқоду ихлосда, олис ақидада замонининг сардори ва мумтози эди, элчилик йўсуни билан олийжоҳ, Жамшид шуқуҳли, Фаридун иштибоҳли Жалолуддин Муҳаммад Акбаршоҳ<sup>860</sup> жонибига, Ҳиндистон томонга боришга рухсат олди. Подшоҳликнинг шарафли нишони билан нишонланган олий ёрлиғ, атоқли тухфалар, қимматли совғалар, қарчиғай, лочин каби ов жониворлари, сарсар шамолидек учадиган този итлар, елдек юришли отлар, Бурокдек еладиган, баркдек ўтадиган туялар, булардан бошқа ҳар хил шоҳона тухфалар, хусравона хадяларки, подшоҳга лойиқ ва сазовор бўлур эди, уларни бирга олиб жўнади. Юборилган мактубнинг мазмуни қуйидагича: «Узоқ вақтдан ва узун муддатдан буён Хуросон вилоятининг кўп жойларидан шарафли икки ҳарамга, Тангри ҳар икки ҳарамнинг шарафини



ва хурматини орттирсин, ўтадиган йўл бўлиб келган эди, аммо у жойлар қизилбошлар<sup>861</sup> ва бошқа авбош фирқаларнинг забти ва тасарруфи остидадир. У тоифалар умр бўйи у шаҳар ва у қалъаларда саркашлик, жабр-зулм билан фисқу фасод яловини кўтарган, суннат ва жамоат ахллариининг мактовли йўлларни ташлаб, туғён, залолат, гумроҳлик, бидъат водийсига қадам қўйганлар, шариати Муҳаммадий ва миллати Аҳмадий доирасидан ташқарига оёқ қўйиб, Пайғамбар саҳобаларини, пок завжаларини ҳақорат қилишга тил очадилар. Зиммамизга ва барча мусулмонларга у тоифани дафъ қилиш вожибиётдан, балки фарзиётдандир. Аммо бу томонда рўй берган баъзи ходисалар вуқуи сабабли биз бу кунгача уларнинг мудофаасига машғул бўлмадик ва уларнинг манъ қилиш ва қайтариш ишига иродамиз қўлини кўтармадик, Тангрига ҳамду миннатдорчилик бўлсинки, Яздон инояти ва ёрдами баракоти билан ҳисобсиз кўп аскарларимиз бор, иктидор юзасидаги бутун мамлакатимизнинг аҳволи ғоятда мустақим, равнақи ва тозалиги ниҳоятсиздир. Ҳеч бир жиҳатдан қутлуғ қўшиннинг қўзғолишига монёв бўладиган тафриқа, паришонлик воқеъ эмасдир. Биз шундай қарорга келдикки, келгуси йили баҳор аввалида, ердан кўкарадиган наботот сипоҳи қўзғалиб, ер жўшу хурушга келгач, зафар нишонли аскар биланки, уларнинг ҳар бири гулдираган булут, чакнаган яшиндекдир, ул гумроҳ тоифанинг дафъи учун таважжуҳ қиламиз. Уларни манъ этиш, кўчириш учун имкон борича ҳаракат қиламиз. Умид шулки, агар у томондан сўз билан ҳам, амалда ҳам ёрдам бермаган чоғингизда ҳам, ул кашқир ҳайбатли тоифалар агар бизнинг зафар асарли аскаримизнинг қонхўр қиличи, ўт чакнатадиган найзаси зарбидан қочиб, олий шохга паноҳ тортиб борган пайтида, йўл бермагайсиз. Ва мамлакатингиз атрофида ҳам қўймай, ҳайдагайсиз. Пайғамбар ва унинг авлоди ва асҳоби хурматидан, эй Тангри, шохнинг олий мансаби давомли бўлсин ва Тангри раҳмати ҳидоятга тобе бўлганларга бўлсин».

Яна шу кунларда муборак ҳукм ижро этилиш шарафини топди, Назарбий ўз авлодлари билан, Қанбарбий, Шодибий, Боқибийлар бир мунча нолойиқ ишларни қилдилар. Юқорида унга ишорат қилиб ҳам ўтилган эди. Энди улар «кимда-ким бориш-келишга қудрати етса, Тангри учун ҳаж адо қилади»<sup>862</sup> деган оят

ижобича, икки шарафли ҳарам, Тангри иккаласининг шарафини орттирсин, томонига жўнашсин, «керакки озод тавоф қилсинлар хонани»<sup>863</sup>, деган оят ижобича ҳаракатланувчилар қаторига киришсин. «Кимда-ким ул уйга кирса эмин бўлди»<sup>864</sup> деган ажойиб интизомли оят мазмунича, ярлақаш хилъати раҳмат ва амният кийимини кийиб, хотиржамъ ва эминликда бориб, қайтишсин. Биз ҳам пок қалбимизни уларнинг тарбиясига қўйиб, мадад маошларини орттириб, ҳар хил яхшиликлар билан мумтоз қиламиз. Мансаб ва улуғлик майдонининг кенглиги, мулку молнинг мўллиги билан ўзга тенгдош ва замондошларидан ўтказамиз», деган олий ҳукм улар ҳақида ижро этилиш шарафини топди. Назарбий эса фарзандлари хамроҳлигида бир гуруҳ қариндошлари ва ўзига алоқадор кишиларни ҳам олиб, амир Қурайшга рафиқ ва йўлдош бўлган ҳолда, Ҳиндистон томонига жўнади. Уларнинг оқибати холи вақтнинг мусоидасидан умид қилинади.

Искандар фармонли ҳокон ҳазон фасли ва куз кунларининг ҳаммасида Ўратепа ва Хўжанд атрофида давлатманд сипоҳлар билан шодлик сабабидан қарчиғай, лочин учириб, тез ўтар замона ходисаларидан қуёш мисол қалбига рўй берган тўзонни кеткизарди. Қурбон ийдини кўнгилочар биёбонда жонга роҳат мақомда ўтказди. Ийд ҳайитнинг шодиёна мажлиси одобини ва у бахтли куннинг расму русумини барпо қилишга тиришиб ҳаракат қилди. Бу кунга ва бу мажлисга лойиқ ва сазовор бўлган нарсаларни муҳайё қилди. Тўққиз юз тўқсон бешинчи хижрий йилига мувофиқ бўлган муҳарам ул-ҳарам ойи<sup>865</sup> боши шу хайрли мақомда кўринди. У дашту саҳрода бўладиган ҳавонинг совуқлиги рўй берди. Ҳокон ҳазрат зимнан дилни сайд қилишдан совутиб, иродаси юзини давлат қароргоҳи, мансаб ва шавкат марказига бурди. Мазкур ойнинг охирида<sup>866</sup>, қуёш Қавсинг ўн еттинчи даражасида эди, иззати ва улуғлиги маснадига ўлтириб, шаъну шавкати такагоҳига така қилди ва шу йили иззатли ва иқболли, паст ва юқори табақадагиларнинг паноҳи амирзода Дўст мирзо чухра окоси Фаридун шуқухли ҳокон фармонига биноан, зўр шону шавкат билан Кошғар томонга элчи сифатида жўнади ва бу сўзнинг тафсили шулки, биринчи жилднинг охирида ёзилишича, Амин султоннинг ўғли Муҳаммад Мўмин султон ўғли ва Бобо султоннинг ўғли Абдул-

ғаффор султон ва Ҳоди султонлар мухорабаси рўй берди. Сўнгра хоннинг зафарнишон сипоҳлари шавкати ва шукуҳидан у султонлар мағлуб бўлдилар. Ўша воқеада Абдулғаффор султон ва Ҳоди султон қўлга тушиб оёғ ўрнига бош қўйдилар, яъни ўлдирилди. Мўмин султон эса у ўртадан сакраб чикиб, қочиш жилловини Олой даштидан Кошғар томонига бурди. Бу байт ижобича,

### Н а з м:

Мулкка раҳна солувчишг боши кесилгани  
яхши,  
Аҳди бузук аскарнинг тарқалгани яхши.

Китобнинг биринчи жилди охирида ўтган сўзнинг баёни шундан иборатки, қачонки Амин султоннинг ўғли Мўмин султон Олой даштидан мағлубият жилловини буриб, Кошғарга қочди, бу вилоятда хоннинг шарафли хотирларига унинг у вилоятда эканлиги жазман бўлгач, хон Дўст мирзо чухра оқосига Кошғарга боришни буюрди. У бориб Мўмин султонни тирик қўймай бошини олиб келтириши лозим эди. Бу мазмунни ўз ичига олган нома ва қимматли совғаларни у томоннинг султонларига юборди. Мазкур амирзода жуда кўп ҳадяларни олиб, ҳисобсиз шону шавкат билан ўзини Кошғарга етказди. Номани ва оғзаки топшириқларни Кошғар султонларига етказгач, уларга лойиқ совғаларни назарларидан ўтказди. Ул жойнинг волийси Абдулкаримхон, бошқа султонлар ва амирлар аввал бу маънини қабул қилишдан бош тортдилар ва бу мақсуд саҳифасига рад қаламини чекдилар. Дўст мирзо чухра оқоси эса бирмунча кун у ерда туриб хон ва султонларни гоҳида ваъда, баъзида пўписа қилди, гоҳида эса сиёсат билан қўрқитди. Бир пайт инжусочар булутдек қўлини олтин, қумуш сочишга очди. Бу матлабни ҳосил қилиш учун олтин, қумушдан ва ўзга асбоблардан нимаки бўлса уларга улашди; саъй-ҳаракат оёғини орқага тортмади, охирида «инсон эҳсоннинг қулидир» деган мақол ижобича, кошғарликлар шарманда бўлдилар. Қазога кўнгил қўйиб, розилик бошини силкитдилар. Дўст мирзо чухра оқоси тасодифан унинг яширинган жойидан хабар топди. Унинг ҳаёти саҳифаси азалда тайинланган ажал муҳри билан муҳрланган эди, ўтқир қилич билан бошини танасидан жудо қилди.

Яна ўша иили Хирот ҳоқими Аликулихон томонидан фасоҳатли элчи келиб, баланд даражали Хожамқули қушбеги жаноблари воситаси билан оёқ ўпиш шарафига эришди. Хирот мулкининг қалиди билан олиб келган аризасини шохона тухфалар билан қўшиб, арз пойгоҳида туриб улуғ остонага топширди. Ариза мазмуни бундай: «Бирмунча муддатдан буён бу камтарин зот чоқарлик ва хизматкорлик, бандалик ва фармонбардорлик камарини жон белига боғлаб, бандалик қўчасида муқим, тобелик йўлида мустақим бўлиб турдим. Агар илгаригидек бу шаҳарнинг ҳукуматини бу банданинг тасарруфи қабзасига қўйиб берсалар, тайин этилган ҳар бир маблағни ҳар йили хазинага юбориб турсам. У мумкин бўлмаган тақдирда, кимни муносиб кўрсалар юборсинлар, токи банда қалъани, вилоятни унга топширсам». Хокон ҳазрат унинг элчисига аҳволни суриштириб турадиган жой тайинлаб, эҳтиёжига керакли нарсалар муҳайё қилдирди, «Хожамқулибий уни ўзи билан бирга олиб турсин, унинг мурожаатини кейинга суриб турилсин», деб буюрди. Қачонки киш сипоҳи, совуқ аскар тоғу саҳро фазосидан мағлуб бўлиб, қочиш яловини қўтариб, баҳор наққоши ажойиб нақшларни дашту саҳро саҳифасига, чаман баргларига ёзган рабиъ ул-охирнинг ўртасида<sup>867</sup> иқтидорли хокон Бухоро дорилмулкидан чикиб, сайд қилиш учун аввал Қаршига, ундан Хузорга ўтиб, катта амир Рукнудавла Қулбобо кўкалтошга Самарқандга жўнашни ҳукм этди, токи у бориб Самарқанд вилояти ва унинг ноҳияларини текшириб, ҳақиқат қилсин. Шунга биноан у иззат ва қудратли амиру улуғ девонбегиларни тадбирли ва интизомли вазирларни ўзи билан бирга олиб Самарқанд вилоятига жўнади. Улуғ вазир Хожамқули Муҳаммад Қосим неча йиллардан бери у вилоятда вазир бўлиб келган эди, подшоҳлик девонига бутун давлат арбобларини, юрт улуғларини жамъ қилди. Қулбобо кўкалтош баҳор аввалидан саратонгача Самарқанд вилояти ва унга тобе жойларни текширди, ҳунар ва санъат эгаларига, зироат ва дехқончилик арбобларига тўлаш қудратларидан келадиган микдордаги маблағни тайин қилди. Бу ташвишдан кўнгли фориғ бўлгач, олий даражали вазирлар иттифоқи билан ирода юзини хокон ҳазрат томонига бурди, чунки вилоятда таҳқиқот юргизган дафтарни олий ҳазратнинг кимё асарлар

назарларидан ўтказиш лозим эди. Шу пайтда олийшаън ҳокон Испара, Марғинон томонларида сайд қилиб юрар: Гуликандоз қўриғида турна ва ғоз овлаш билан машғул эди. Шу жойда муборак оқибатли амирзода Дўст мирзо чухра оқоши Мўмин султоннинг бошини васила қилиб, рўмолга тугиб қутли бисотнинг четига тортиқ қилиб қўйди.

Иззатли ва олий даражали султон Дўстим султон хилма-хил шоҳона инъому эҳсонлар, турли-туман хусравона илтифотларни унинг борасида сарф этди. Амирлар қаторига қўшиб, меҳрибонлик ва ҳурмат кўрсатди. Олий ҳокон ҳазрат эса рўза хайити ва қурбон байрамини саҳрода ўтказди. Шарафли хотирини Мўмин султон ташвишидан тинчитиб, мазкур йилда зулҳижжанинг охирида<sup>868</sup> ирода жиловини давлат маркази ва ҳашамат қароргоҳи томонига бурди. Иззат маснадида жаҳондорлик ва сиёсат тақиягоҳида ором олди. Бу вилоятда қиш ва совуқ сипоҳи талон-торож билан боғу саҳрони кўзғатди, булут эса кофур қатраларини чаман атрофига, гулшан саҳифасига тўкди.

#### Н а з м:

Қиш, совуқ аскарлари яна бир марта етиб келди.  
Ўсимликлар сипоҳи эса боғ фазосидан қочди.  
Қуёш Далв буржида эди.  
Совуқнинг шиддати, қиш совуғининг хиддати  
кундан-кунга ортди.

Бағоят фуқаропарвар, инсофли ва адолатли, қуёш ханжарли, фалак булутли, Симок найзали, субҳи содиқ, Хулқар авжли, дарё мавжли, фатҳ қарни, нусрат дастурли, осмон раҳшли, дин паноҳи, зариф дастгоҳли, Тангри ёрдами билан қувватланган шаҳзода давлати абадий бўлсин,

#### Н а з м:

Зухал мақомли, фалак даражали, фаришта  
кадрли, замона феълли,  
Ер ҳалимли, қуёш атоли, осмон ҳашаматли, олий  
шуқухли,  
Зухал кадрли, юлдуз қўшинли, Баҳром  
жангли, моҳ юзли,

яъни Абдулмўмин султон, шу вақтда Назар ясовул жалойирни Мовароуннаҳрга юборди.

Чунки у ҳамма жойга бориб, султон ҳазрат Тангри ёрдами билан қўлланиб, қуфру инод арбобларига қарши ғазот ва жиҳод қилишга ҳиммат камарини маҳкам боғлади, қуёш нишонли яловини шу ирода билан Ҳирот ва ўзга вилоят томонларга кўтарди. Саъю ижтиҳод қаддини йўлга қўйди. «Кимда-ким Ҳирот томонига бориб жиҳод қилиш ҳаёлини, ғазотга бориш орзусини қилган бўлса, жуда тезликда муборак қўгаинга келиб қўшилсин, чунки унинг бу ҳаракати жуда зўр ажру савобга ва қўп яхшиликларга сабаб бўлади», деб жар солсин деди. Баҳона кўрсатиш, сустлик қилишдан холи бўлган Назар ясовул Жайхундан ўтиб, ҳар бир жойга борса ушбу ҳукм мазмунини жар солиб халққа маълум қилди. Ботир йигитлар, шижоатли қариялар ғоятда шодлик билан ғазот қилиш иштиёқларидан, ирода жиловини Балх томонга бурдилар. Тез юришда шамолдан ҳам ўтиб, сувнинг у юзига қараб шошилдилар. Назар ясовулнинг жар солиб юрганлиги ҳикояси ҳашаматли ва тааммулли ҳоконнинг шарафли қулоғига етишгач, хон ҳазратнинг илгари улуғ имомлик мансаби топширилган Субҳонқули хофизни ҳар жинсдаги қимматли ипак либослар ва ҳар турдаги энг нафис моллар билан аввалу охирининг пешвоси бўлган шаҳзода хузурига юборди. Юборган қимматли тухфалар билан бирга, муҳаббат анжомли нома ва дуолар, дўстона оқибатли тақия ва саломлар билан тўлган, ҳар навъ илтифот, меҳрибонликлар ва ҳар хил лутфу марҳаматларни ўз ичига олган мактубни подшоҳлик ва компроликнинг мевадор дарахти, давлат ва жаҳондорлик дарахтининг меваси бўлган дилбанд фарзанди,

#### Н а з м:

Мевали дарахтнинг меваси,  
Тоҷу тахт эгаси,  
Мамлакат аҳли кўзининг қорачуғи,  
Подшоҳлик кўрар кўзининг нури

Муинуддин Абдулмўмин султон, унинг давлати давомли бўлсин, томонга юборди. У мактуб доимо мансаб ва улуғлик мужиботи ортишини, иззату иқболи жамъ бўлишини иташдан иборат эди. Мактуб мазмуни қуйидагича: «Дуо ва салом сўнгида тўғри йўл кўрсатувчи фикримиз шулки, ҳамма ҳимматимиз на борлик

ниятимиз шариат асосини тиклашга, мулку миллат биносини қуришга сарф этилади. Пок хотир ва кимё асарли қўнғилнинг таважжуҳи хилма-хил мазҳаблар арконини йиқитишга, янгидан пайдо бўлган ёмон маросимларни, хусусан шиъаларнинг нотўғри йўллари йўқотишгадир. Мақсаднинг ҳосили шулки, баҳорнинг аввалида, олтин нақшли ялов Ҳиротга ва боқий вилоят ва шаҳарлар томонига қараб қўтарилади. Алхол ўз иродаларини тўхтатиб, Хутнинг охирида<sup>869</sup> Андхудга келиб, муборак қўшиннинг етиб келишга мунтазир бўлиб турилсин, у вақтда тўхтовсиз зафар нишонли ялов у томонга мутаважжих бўлади. Салтанатнинг давомли сояси бандалар бошига нун ва сод хурматидан то қиёматгача соя солсин!» Субҳонқули ҳофиз мактубни олиб, шитоб билан Балх томонга жўнаб кетди; бажо келтириш лозим бўлган фармонни у ерга етказди. Султон жаноблари итоати вожиб бўлган фармонга бўйсуниб камарини белига боғлаб, мунтазирлик йўлида ўлтирди. Бундан кейинги ажойиб нақшли қаламнинг қарори шулки, Искандар нишонли ҳоқон, Сулаймон маконли хонзода воқеаларидан рўй берган нарсаларнинг катта-роқларини баён саҳифасига нақш этгай, токи мусаффо хотирларига малолат йўл топмагай.

ИСКАНДАР СИФАТЛИ ХОННИНГ ҲИРОТ ВИЛОЯТИГА  
БОРИШТА ИРОДА ҚИЛГАНИ ВА У ВИЛОЯТНИНГ  
ЭҲСОНЛИ ТАНГРИНИНГ ИНОЯТИ ЁРДАМИ БИЛАН  
ФАТҲ БЎЛГАНИ БАЁНИДА

Тангрининг мўъжиза низомли каломининг мазмуни, муборак маъноли оятининг тушунилган маъноси инсон тоифасининг хулосаси ва сараси бўлган зотга хуш келадиган хитоб билан воқеъ бўлган,

Н а з м:

Олий сифатли Пайғамбар ҳазратики,  
Поклик сифатида муқаддас зотдир;  
Лавлок халъатини тўн ўрнида кийди,  
Ламрук тожини бошқа қўйди,

улуғлик карвонининг йўлбошчиси, анбиё силсиласининг хотимасидир, Пайғамбарга хитобан Тангри «эй Пайғамбар, кофирлар билан жанг қилишга мўминларни кизиктир»<sup>870</sup>, деди. Пайғамбарга ва унинг хонадонига ва асхобла-

рига Тангрининг раҳмати ва салоти бўлсин! Бу оят фиску фасод аҳли, куфру инод арбоблари билан жиҳод ва ғазот қилишнинг фазилатида қатъий далилдир. Гумроҳлар тўдаси. тўғри йўлдан адашганлар фирқаси билан муҳораба қилиш, баланд мартаба, юксак даража эканлигига олий ҳужжат ошқора ҳукмдир. Бу фикрнинг тасвири ва бу сўзнинг таҳрири шулки, узун муддат ва узоқ вақтлардан буён қизилбош деб танилган кофирлар тоифаси, фосиклар тўдасининг энг ёмон йўллари билан бири бўлган шиъалик йўлини ихтиёр қилган, ҳаммага макбул бўлган йўлдан чиқиб, суннат ва жамоат аҳлининг мактовли расму русумларини ташлаган, ошқора куфру залолат аҳкомини таратиб, зулму тааддий қанотини ёзган, Хурсоннинг тамоми вилоятларида, Ироку ва Исфаҳондан тортиб, ҳамма мамлакатлардан келадиган-кетадиганлар ва катта-кичикларни тинчсизлантирган, тажовузкорлик мақомида туриб, ярамас табиатлари тақозосича қароқчилик яловини тиклаб, қон тўкиш йўлига юриб. «ер юзида бузуқчилик қиладиган ва қон тўкадиганларни қўясанми»<sup>871</sup> оятини муборак сўз деб таниб, баланд овозали Ҳижоз<sup>872</sup> йўлига хавф туғдириб келган бу вилоятда, яъни Ҳиротда эса олий ҳазратнинг олий ҳиммати дини мубинга қувват беришни пайғамбарлар сайидининг, Тангрининг раҳмати ул кишига ва олу асхобларига бўлсин, шариати аҳкомини ижрс қилишни кўзда тутиб, у бузуқ фикрли ва ёмон андишали тоифага қарши ғазот ва жиҳод нияти билан жанг қилиш олий хотирларидан бош кўтарди. Тобе бўлиши лозим бўлган ҳукми. жаҳон итоат қиладиган фармони пистирмадан зоҳир бўлди. Ул ҳазрат, яъни хон даргоҳида даража топган Баҳром савлатли, йўлбарс ғазабли ясовуллардан Баҳши ясовул, Иқим ясовул, Шерим ясовул, Эшим ясовул каби ясовулларга «Дархол зафар асарли сипоҳларни ҳозир қилиш учун мамлакатнинг ҳар бир шаҳар ва туманларига тарқалиб, тезлик билан қуйидаги мазмунда жар солсинлар, баҳор фасли аввалида Насаф (Қарши) вилоятида иззату иқболли толейнинг матлаига мансуб ва улуғлиги нуроний юлдузлари машриқига, яъни ҳоқоннинг иззати ва шарафи чодирининг соясига жамъ бўлсинлар. Бир йил юришни тахмин қилиб тайёргарлик кўрсинлар ва шунга қараб ўзларига оройиш бериб, ором ва қарор топсинлар», деб буюрди. Наврўз фаслининг гўзал

пайтидан, зафар субҳининг муборак тулуғидан илгари осмон боргоҳининг хусрави, юлдуз сипоҳли шох, яъни куёш булутлар саропардасини ранг-баранг чодарини гулзор фазосига ёймасдан бурун, Хут буржидан чиқиб, шарафли манзил бўлган Ҳамал буржида қарор ва ором олгунча бўлмасдан, Далв буржи охирида муборак оқибатли ҳокон у гумном тоифаларнинг дафъи учун бутун химмати билан интиқом камарини белига маҳкам боғлади. Аввалги одатича, иродаси юзини баракот ва нур сочувчи мазорлар тавофига ўгирди. Бошлаб халқлар пешвоси, улуғ имом Саъдуддин Абубакар Саъднинг, Тангри ундан рози бўлсин, муаттар машҳади, пок қабри томонига юрди, чунки у ижтиҳод арбобининг улуғи, эътиқод асхобларининг ифтихори эди. Ул ҳазратнинг қушойишбахш руҳидан, кимё хосиятли химматидан мадад сўрагач, зўр файз топти. Сўнгра олий насабли, баланд даражали жаноб, валоят маржаъи, ҳидоят маҳсулдори, ғайб олами аҳволининг хабардори, буюклик асрорининг кашф этувчиси, улуғлар нури дийдаси, яъни ҳазрат Хожа Қалон, иззат-икромидоимий бўлсин, меҳмондорлик тартиби ва лавозимини кераги ва лойиғича мухайё қилди. Хилма-хил таомлар, ранг-баранг емак-ичмакларни ҳаёл жиғилдонига сикқандан ортиқ, ҳадду ҳисобдан ташқари, кўп ҳозирлади. Жуда кўп мевалар, саноксиз сабзавот, қовун-тарвуз, ҳасайний узумлар шу миқдор кўп эдики, у пайтда уларни келтириш эътиборли кишилар назарида ғоятда ғариб ва душвор кўринарди. Нафси нотика уларнинг кўплиги нақшини тасаввур қилишдан саросимага тушиб, ҳайратда ожиз ва нотавон қолган эди. Шу миқдордаги кўп нозу неъматларни ҳокон олдига тортди. Таомлар ейилгандан кейин, яхши оқибатли мажлис тугагани сўнгида, олиймаком хожа Жамшид ҳашаматли ҳоконнинг мутаважжих ишлари ҳақида тамом ихлис билан баракотли фотиҳа берди. Шубҳасиз файзлар навозиши, ғайбий футуҳотлар хушхабари билан ҳоконнинг муборак сифатли зоти ни қувватлантирди.

Иккинчи куни шону шавкатли ҳокон ҳидоят манқабатли, валоят мартабали, ислом ва мусулмонлар ғавси, анбиё ва пайғамбарлар вориси, Тангри ҳазрат сараланган бандаларининг пешвоси, яхши сийратли хожа, яъни Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд, Тангри у кишининг сиррини пок қилсин,

Н а з м:

Фақру паноҳнинг раиси Хожа Нақшбанддир.  
Унинг фақри бойлиги ганжининг сармоясидир.  
У ҳар бир йўлдан тойган фиркаларга  
йўлбошчидир.  
У гуноҳкорлик жаҳони аҳлига маслаҳатчи,  
ғамхўрдир.  
Лавҳи маҳфуз унинг дарси соҳасидан бир  
варақдир.  
Унинг варағида ладуний илмдан сабоқ бордир.  
Чўнқир дарёдаги ноёб дурдек,  
Унинг қалбида ирфон гавҳари ақиқ бўлгандир.  
Жаҳон унинг тавсифи билан тўлгандир.  
Аммо у тавсифлар кароматидан бир варақдир.  
Унинг эшигида осмон бир камтарин бандадир.  
Унинг ҳарамиди фаришта кабутар ўрнидадир.  
Унинг қабри боши қайдаю жаннат равзаси  
қайда.  
Иккаласи ўртасидаги фарқ осмон билан  
ерчадир.  
Ҳар дамда абадий бўлган жаннатдан унинг  
равзасига минг офарин бўлсин,

ҳокон мана шу зот мазори зиёратига бориб ожизлик, шикасталик билан ҳожатмандлик, мискинлик юзини Каъба мартабали улуғ остонага сурди ва ўзини ул ҳазратнинг фатҳ бахш этувчи руҳига топширди. Сўнгра у жойдан тарих тўққиз юз тўқсон бешинчи йилда, у йил тўнғиз йили эди, рабиъ ул-аввал ойининг олтинчи куни ҳар бир навдаги абадий саодатлар ҳусули, ҳар хил давомли матлаблар вусули билан мурод арғумоғини тақимига олди ва иззату шараф ялови Ҳумосининг иродаси Насаф томонга қанот-қуйруғини ёзди.

Н а з м:

Искандар ҳашаматли, Жамшид нишонли ҳокон  
Интиқом олиш отига минди,  
Яъни арабий нажод отига минди.  
У жойдан шамол каби жўнади.  
Замон ҳокони у жойдан жўнаб сафга оройиш  
берди.  
Сипоҳлар ҳаммаси ўч олувчи, Баҳром ғазабли  
эдилар.  
Унинг ялови боши осмондан ҳам ўтди.  
У яловнинг ой нишонидан куёш курсиси  
кўринарди,  
Карнай овози Хулкар авжига етди.  
Шу даражага етдики, нағора, карнай овозидан  
кекса осмоннинг боши айланди.

Осмон тосида овозлар ўралашиб колди.  
Шу қадар ҳашамат билан у жаҳонгир шоҳ  
Ҳузур, Насаф томонга от сурди.

Нахшаб, Ҳузур зафарли ва қудратли қў-  
шин тўзонидан Чин нофаси ва тотор мушки-  
дек хуш исли бўлди. Зафарли подшо бир қан-  
ча қунгача у қўнгилочар ноҳияда сайд қилди,  
қирғий ва лочин солиш томошаси асносида  
дили ғунчаси қанот ёзди. Ул оқибати яхши  
мақомда Чечакту<sup>873</sup> томондан от билан Хожам-  
қули қушбеги келиб оёқ ўпиш шарафини топ-  
ти ва Ҳирот хокими томонидан ёқимсиз хи-  
қоялар келтирди. Ва хонни у томонга юриш  
қилишга қўзғатди. Сўнгра зафар асарли ас-  
карлар ҳамма томондан подшоҳ ўрдусига кет-  
ма-кет узилмай етиб келди. Юлдуз сипоҳлари  
олтин тожли ой теварагида хужум қилиб тур-  
ганидек, ҳокон ҳазратни ўраб олиб турдилар.  
Қоплонга ташланадиган йўлбарслар, сафбузар  
ботирлар жамиятидан кенг ер юзи узук халқа-  
сидан, нина тешигидан ҳам тор қўриниб кол-  
ди. Қутлуғнишон аскарларнинг қўнлигидан,  
«Тангри ери кенг»<sup>871</sup> деган оят мазмунича, жа-  
ҳоннинг кенг майдони чумоли қўзи, илон  
дийдасидек торайган эди. Жамшид ҳашаматли  
подшоҳ бутун шану шавкат ва тамоми йўсун  
ва дастур билан у манзил ва у мақомдан қўз-  
ғолди. Қўп аскарнинг савлати ва чексиз шуқу-  
ҳи ва хайбатидан, «қиёматда ернинг қимирла-  
ши зўр нарсадир»<sup>875</sup> деган муборак мазмунли  
оят мазмунича, замин у замон ҳаракатга кел-  
ди. Карнай, сурнай хурушидан, фарёду фиғон  
ғавғосидан айланиб турувчи осмон ва олий фа-  
лак ҳаракатдан тўхтади.

#### П а з м:

Охирзамон фитнаси сипоҳининг дафъи учун  
Жаҳонгир хусрав Ҳирот шаҳри тарафига  
жўнади.

Ул иззат иқлимишгаг волийси, қарам  
мулкининг эгаси,

Дину дунё сарфарози, инсу жинсининг  
подшоҳидир.

Ғайбий сирларнинг маҳзани, қудсий  
нурларнинг матлаи,

Шаксиз асарларнинг манзили бўлган  
олийнишон иодшоҳидир.

Яъни адолат боғининг Тубийси, шараф  
бўстонининг сарви,  
Саодат буржининг юлдузи, миннатдорлик  
қутисининг гавҳаридир.  
Хусрави Парвиз кадрли, Искандар, Доро  
жанобли шоҳ,  
Абулғознӣ Мунззуддавла Абдуллахондир.

Ҳузурга тобе машҳур Янгикент мавзеига хо-  
кон ҳазрат чаҳоршанба куни етиб келиб, қўш  
Кайвон манзалатли, қудсий манқабатли, фа-  
ришта макраматли, Тангри ёрдамнинг маври-  
ди, субҳоний илҳомларнинг маржаъи, маъри-  
фат тухуми, «у бир донага ўхшайдики, у доиа  
етти бонгоқ ундиради; хар бошоқда юз доиа-  
дан дон бўлади»<sup>876</sup> деган оят мазмунича, мубо-  
рак ботинларида уни ундирган, ҳурмат қўли  
билан уни қўтарган ва вужуди хирмангоҳида  
«кимда-ким ирода қилса, охират экинини орт-  
тирамир»<sup>877</sup> деган оят мазмунича, уни захира  
қилиб тайёрлаган, яъни у тенгдош ва асрдош-  
ларнинг, балки ҳамма шарафли арбобларнинг  
сараси Хожа Калон Саъдуллоҳ ҳазратдир,  
Тангри толеларини бахтли қилсин, унга хои,  
ишонч ва ихлос юзини қўйди. Иккинчи маро-  
таба ўфталарида учрашиш рўй берди.

Салтанатшиор ҳазрат ул ҳидоят асарли  
зотнинг эҳтироми ва таъзимида бир дақиқани  
ҳам бекорга ўтказмади ва ул зотни иззат қи-  
лиш, улуғ тутиш, унга ҳурмат қўрсатишни  
таъзим қилиш қалами билан муборак хо-  
тири лавҳасига ёзди. Жаҳон аҳли хожаси ҳам чек-  
сиз тортилган дастурхондан жуда қўп, хил-  
ма-хил таомларни едиргач, «Тангри жиҳодга  
борган мужоҳидларни бормаганлардан ортик  
қилди ояти»<sup>878</sup> мазмунича, жазму игаонч май-  
донининг ғозийларига ёрдам ва иноят билап  
мадад қилишни ўз ҳиммати зиммасига лозим  
ва вожиб билиб, давлат арбоблари, ҳокон ҳаз-  
ратнинг мулозимларидан кимда-ким бўлмасин,  
энг тубан даражадаги шавкатли аскарларга-  
ча, фахрли асбоб, жуда қўп молу маноллар,  
сарсар ва сабо шамолдек еладиган отлар, туя,  
ҳачирлардан бурундук иплари билан қатор-  
қатор берди. Ул оқибати қутлуғ фирқалар,  
муборак аҳволли гуруҳларни инъому эҳсони  
булутининг томчилари неъматини, яхшилик чаш-  
масининг нисори билан сероб қилди ва яш-  
натди.

Иккинчи куни у жойдан зўр дабдаба ва  
пғону шавкат билан зафар нишонли яловни  
қўтарди. Зафар қўзғотувчи сипоҳларига Жай-

хундан ўтишга ижозат бериб, ўзи эса даргоҳининг озгина хос кишилари, боргоҳининг мажлисдошлари билан Ҳузур томонига таважжух юзини кўйди; қуёш нурли яловининг ой нишони Ҳузур матлаидан тулуъ қилди. Мо-вароуннахрдаги аймоқлардан мулла Муҳаммадбий батошнинг ул вилоятда бино қилган масжид, работ, ҳаммом, мадрасаларини сайл қилди. Мазкур амир, у жойнинг ҳокими Иқим хожи, «кимда-ким йўлга қудрати етса, Тангри йўлида ҳаж қилиш инсонларга лозимдир»<sup>879</sup> деган чақирикка жавобан, «керакки та-воф этсинлар ғарқдан озод уйни»<sup>880</sup> деган оятга биноан ҳаракат қилувчилар қаторига қўшилиш шарафини ҳосил қилишган эди. Шу манзилда кўп таом, саноксиз озуқалар, сингимли шарбатлар тортилди. Ҳаддан ташқари кўп емак-ичмақлар, саноксиз ва ниҳоятсиз кимизни тайёрладилар. Иккинчи кун нусрат асарли ялов ўз соясини Коркинжак қудуғи ёнига ташлади. Андижон томонидан хусрав нишонли султонзода Исфандиёр султон<sup>881</sup> иқтидорли ҳоконга бу сафарда ҳамроҳ бўлиш учун кичик бир жамият, кўп умид билан, осмон иқтидорли даргоҳга етиб келиб, қўл ўпиш шарафи билан сарфароз бўлди ва ғоятда шараф топти. Муборак палосга адаб билан оёқ босиб, пешкаш ва сочик маросимини барпо қилишга қадам қўйди. Ҳоконнинг муборак умрининг узайиши, давлати қудратининг кундан-кун ортиши учун дуога тил очди. Ҳокон ҳазрат уни риоя қилиб, меҳрибонлик оғушига олди ва ул салтанат шабистони шамъи аҳволини сўради; ғоятда шавқланиб шод бўлганлигидан ва камоли айш хузуридан мазкур султон учун ўз даргоҳининг бел боғлаган мутасаддийларига белни маҳкам боғлаб, тўй асбобини тартибга солишга, шодлик бисотини ёзишга буюрди. Шунга биноан, чаккон кўлли фаррошлар чодир ва хос чодирларни, саропарда, боргоҳларни ой манзилига яқин кўтариб тикдилар; мажлис мутасаддийлари шохона базм тартиб бердилар; хусравона мажлис тайёрладилар. Султон жаноблари ўзи билан доимо хос мажлисдош ва анис, йўлдош бўлиб турганлар билан борди. Хушовоз нағмачилар, кўнгил кўтарадиган тароначилар ва соз чалувчилар дугор, сеторларга чанг уриб, шавқ-завқ палосини Саратон буржигга етказдилар, рубоб, уд навосини кўк рангли осмон чўққисидан ўтказдилар.

## Н а з м:

Соз чалувчиларнинг жўр овозидан Зухра  
юлдузи кўзғолди,  
Уларнинг ҳаммаси булбул овозли тўтидек  
ширинзабон эдилар.  
Торини чертганда эру аёл дилини ўзига  
тортарди.  
Уларнинг ҳаммаси сарв қадли ва ой юзли  
эдилар.  
Ҳаммаси хушовоз, хушгап, латифачи эдилар.  
У қутли базм аёғлагач, султоннинг ҳамма  
ишлари саранжом топти,  
У мажлис охирига етди ва дилкаш базм тугади.

Ҳокон ҳазрат султоннинг умидли қоматига мурод зебу зийнатини бахшиш қилди ва ўз вилоятига қайтиб кетишга ижозат бериб, қадри, мартабаси ва даражасини баланд кўтарди. Сўнгра ҳокон садоратпаноҳ Қулбобо кўкалтош жанобларини ҳамма зафарнишон сипоҳлардан илгари дарёдан ўтишга буюрди. Мазкур амир бир гуруҳ нусратли сипоҳлар билан тўхтовсиз дарёдан ўтиб, икки кунгача унинг соҳилида турди. Шу кунда Кобул томондан амир Қурайшнинг Ҳиндистон томонидан, Ҳинд вилоятининг жумлатулмулки Ҳаким Абулфатҳнинг биродари Ҳаким Хумом ҳамроҳлигида қайтганлиги ва Ҳаким Хумомнинг бу томонга элчи бўлиб тайинланганлиги хабари етди. Шунга биноан ҳокон ҳазрат олийнишон ва олийшон фармонни амир Қурайш учун юборди ва унга тезлик билан олий остонага етиб келишини буюрди. Кобул ҳокимига ҳам «Агар элчилар Кобулга келишган бўлсалар, уларнинг керак яроқларини тайёрлаб йўлга солиб юборилсин, бу ташвишдан кўнгил тинчисин», деб фармон юборди. Ҳокон ҳазратнинг мактубларини олиб келган элчи рабиъ ус-соний охирида<sup>882</sup> Кобулга етиб келди, элчилар ишига эҳтиром қилиш учун Кобул ҳокими номига юборилган фармонни ҳокимга топширди. Шу пайтда Ҳиндистон томондан амир Қурайш ва бошқа элчилар беҳад тўхфа ва катта ҳадялар билан Кобулга келдилар; ҳокон ҳазратнинг фармони олийсидан хабардор бўлсалар ҳам, ўз муҳим ишларининг интизоми учун Кобулда мақом тутиб турдилар. Кобул волийси эҳтимоми билан муҳим ишлари тайёрланди ва ҳамма ишлари битди. Жумод ул-аввал ойнанинг охирида<sup>883</sup> йўлга тушдилар. Бутун жамият билан Кобулдан чиқиб, эҳтимом иродасини Балх томонга бурди.

Бу вилоятда юлдузлар шоҳи, яъни куёш ба-  
хор фаслининг мўътадил пайти нуқтасига ет-  
ди. Ёвлашишдан дам урган давлат душманла-  
рининг қасдида ва тадбирида ўткир қиличини  
ғилофидан суғирди. Ўн тилли гулисапсар му-  
холифлар таънасига зумурраднишон тиғини ўт-  
кир қилди. Пайкони гулнинг ғунчасини заҳар  
билан суғориб, ўқдан тикан чиқарди.

### Н а з м:

Баҳор султонининг қўшини лоланинг  
найзасини қўлга тутгач,  
Киш аскарига қочишдан бошқа илож қолмади.  
Чақин машъалининг шуъласи жангчилар  
қиличидек ярқиллади.  
Ботил йўлни тутганларнинг бошчиси бўлган  
мунофиқларнинг бошига  
Яшин, момақалдирак ва дўл тошларини сочди.  
Куёшнинг сипоҳи жангу жадал учун Ҳамал  
сабззорига ялов тикди.  
Кишнинг қонхўрлигига қарши райхонлар,  
ўсимликлар сипоҳи гиёҳлардан дудама тиғлар  
тортди.  
Гул каби тикандан найза тайёрлаб, киш билан  
жанг қилишда маҳкам турди,  
Ғунчадан бошига дубулға қўйиб, гулдан қўлига  
қалқон тутди.  
Бу фируза рангли саҳрода гуллар шоҳи ҳар  
томондан жанг нағорасини чалди.  
Булут ўти офатидан ҳар томонда мавждан сув  
совут қийди.  
Замона хони учун сабо лоладан, оқ гулдан  
чодир тикди.

Сулаймонмакон ҳокон ҳазрат жумод ус-со-  
ний ойнинг аввалида<sup>884</sup> муборак саропардани  
Жайхун дарёси бўйига ўрнатди. Сўнг осмон  
елканининг кенглиги унинг олдида ҳақир са-  
наладиган, тўққиз фалак равоқининг кемаси  
унинг ёнида ғоятда кичик кўринадиган катта  
кемага ўлтирди ва тўда-тўда аскар билан мав-  
жи яшил денгиз фалак авжидан ўтган дарёдан  
ўтди.

### Н а з м:

Замон ҳокони кечада уйқуни тарк этиб,  
Субҳ пайтида дарё лабига туғини тикди.  
Сипоҳлар гуруҳи билан дарё кирғоғига келиб,  
Дарё лабида манзил тутди.

Сўнгра Кубод<sup>885</sup> унинг чоқари бўлган жа-  
хонгир ҳокон Жайхун дарёсидан елдек ўтди.

Дарёда кезган наҳангларнинг тамомийси сув  
қушидек дарёдан ўтдилар. Шу куни фикрли ва  
тадбирли амир, тоза ниятли, равшан кўнгилли,  
адолат ва инсоф асарли, баҳодирлик уловдори  
Рукнуддавла Абдуссамад баҳодир Шаҳрисабз  
томондан бир минг нафар ботир, жонбоз ва  
мард йигитлар билан давлатнинг маҳкам ипига,  
мустаҳкам дастасига чанг уриб етиб келди. Улар  
ишонч оёғини бўйсунтириш кўчасидан бошқа ёққа  
босишмаган, итоат ҳалқасини, тобелик ва қул-  
лик ипини бўйнидан бошқа ерга тақишмаган,  
ҳамжихатлик камарини ихлос ва тарафдорлик  
белбоғини жони белига боғлашган эдилар. Улар  
келиб оёқ ўпиш шарафини топдилар, шохона  
марҳаматлар билан фахрландилар.

Саноксиз қўшин Андхуд вилоятига етгач, у  
кўнгилочар жойнинг ҳокими тадбирли ва фикр-  
ли амир Жўлтойбий ҳокон ҳазратни тушиши  
учун тайёрланган чорбоғига туширди. Унда ҳар  
хил зиёфат асбобларини тайёрлаган эди, икки  
кун давомида подшоҳона тўй, хусравона маж-  
лисни тартиб бериб, муҳайё қилди. Турли-ту-  
ман таомлар, ранг-баранг озиқ-овқатлар, хил-  
ма-хил шаробларни тайёрлади. Зиёфатдан бў-  
шагач, у оқибати хайрли жойда ҳурматли амир  
Шоҳимбий юлдуз интизомли сипоҳ билан ос-  
мон шавкатли даргоҳга етиб келиб, муборак  
палос четини ўпиш бахтига етишиб, ғоятда из-  
зат ва шарофат топди: ҳокон инояти куёши-  
нинг шуъласи, химояси зиёсининг партави  
унинг бошига тушди. Шу куни ҳоконнинг итоат  
қилиши лозим бўлган фармони қуйидагича  
амалга ошиш шарафини топди: «Улуғ амир  
Абдуссамадбий саодат дастгоҳли сипоҳнинг ба-  
ланд кадрли ўнг қўл амирулумаролиги манса-  
бини ўзига топширилганлигини билиб, шунга  
биноан ҳаракатини қилсин. Мамлакатнинг ма-  
дори Шоҳимбий зафар кўзғотувчи аскарлар-  
нинг улуғ сифатли чап қўл амирулумаролик  
мансабини ўзига топширилганлигини тан олиб,  
илғор туриб, ҳаракатини қилсин». Кичик лан-  
гар, муборак асарли ялов нузулидан яшил ос-  
мон, нилуфар рангли гулшан рашк этарди.  
Самарқанд сипоҳидан Ёрмуҳаммад султон.  
Келдишбий ва бошқа осмон асарли аскарлари  
билан олий остонага бориб, ҳазрат хоннинг  
оёғини ўпиш давлати шарафига етди. Манзил-  
ларни босиб ўтиб, марҳалаларни кезиб Панда  
ва Маручоқ<sup>886</sup> мавзеига, нилий равоқ, яъни  
осмон рашк этадиган зафар иттифоқли қўшин  
билан етиб келди. У жойда шом намози пайти-



да Балх томондан осмон фазоли, фалак кадрли, Баҳром савлатли, Биржис, яъни Муштарий талъатли, Нохид, яъни Зухра ишратли, Куёш манзалатли, Аторуд зехнли, Муштарий хосиятли, Зухал мартабатли, Ой сийратли, Искандар шавкатли, Доро қудратли, Парвиз<sup>887</sup> хашаматли, Ҳотам саховатли, Мусо ҳимматли, Юсуф тароватли, Халил хислатли, Муҳаммад мактовли, Сиддиқ садоқатли, Умар салобатли, Усмон ҳалимли, Ҳайдар шижоатли, Кисро насабли, Қайсар ҳасабли, Ҳокон лақабли, Қоон адабли, Тангри сояси, Яздон раҳмати, Фаридун шуқухли, Кайхусрав тахтли, Искандар тадбирли, ёш давлатли, қари тадбирли, замон султонларининг адолатлироғи, даврон ҳоконларининг улуғи, хашамат ва ҳукмронлик ҳазинасининг қимматбаҳо гавҳари, жаҳонгирлик, султонлик буржининг юлдузи бўлмиш шаҳзода Абдулмўмин ҳазратнинг, бу тавсифлар унинг базмидан бир зарра, размларининг, яъни жангу жадалларининг назокатли мактовидан бир катрадир;

#### Б а й т:

Жангу жадалда бир шаҳарни қўлга  
келтиради,  
 Базмда баҳшиш пайтида бир отликқа бир  
шаҳарни беради ва бир саволга жаҳонни  
 топширади;

Арши аъло подшоҳи, улуғ ва олий Тангридан кейин, ундан олим ва ундан одил ҳеч подшоҳ йўқдир, унинг мактовли зоти ва сифати доимо вилоят ободонлиги, халқ шодмонлиги, шаҳар оройиши, барча халқнинг осойишига бағишлангандир, унинг олийнишон ҳиммати фуқародан зарарнинг дафъига, мискинлар ва заифлар аҳволи тарбиясига, раъийятнинг орзу-умидига етказишга сарф этилади;

#### Н а з м:

Фикри зўр, атоси кўп, ёши ёш,  
 Ҳиммати баланд, баҳшиши кўп, дарёдек  
атолидир;  
 У Хизр жанобли, Искандар нисбатли, Исо  
нафасли;  
 Али шиорли, Ҳасан сийратли, Хусайн  
хислатли,  
 Осмон шуқухли, юлдуз сипоҳли, арш  
хайбатли;

қутлуғ давлатли, муборак бахтли жаҳон ва жаҳон аҳлининг шаҳзодаси, яъни Абулфатҳ Абдулмўмин султон, Тангри унинг давлатини абадий қилсин, зафар асарли сипоҳи, қоплонга ташланадиган, йўлбарсни овлайдиган аскарлари;

#### Н а з м:

Барчаси мардоналик тўқайининг йўлбарси,  
жанг майдонининг қашкири;  
 Ҳамла чоғида душманга ташланади, жанг  
пайтида яккама-якка саф ёради;

шундай аскарларки, ҳар пайтда улар, Тангри иноятига таваккал қилиб, подшо давлатининг қувватига ишониб, шунқордек, ёки лочиндек паришонҳол душманнинг жони қуши сайдига парвоз қиладилар, жанг ўтини алангалатиб, такбир, таҳлил садосини фалак авжига, гирдак осмон чўққисига кўтарадилар; жон олувчи найзалар, фитна нишон салоҳлар зарби билан душманни, агар тоғдек мустаҳкам қадамли бўлса ҳам, ўртадан кўтариб ташлайдилар, ўткир қилич шуъласидан, чақин шиорли ханжарлар яшинидан паришонкор душман кибри ва худбинлиги хирманига ўт туташтириб, унинг бирини ҳам тирик қўймайдилар, бу сифатдаги аскарлари билан етиб келиб, боргоҳга ҳозир бўлиш шарафи билан мушарраф бўлди ва шу кечада фазилат адабли султон олий насаб ҳоконга мулоқот бўлиш шарафи билан бахт топди ва саодатининг камоли ортди.

#### Н а з м:

Бахтлидир ул ўғилки, ҳокондек отаси бўлса,  
 Хурсанддир ул отаки, Абдулмўмин султондек  
ўғли бўлса.

Муборак оқибатли ҳокон ҳазрат донгдор фарзандини меҳрибонлик ва марҳамат кучоғига олди ва мактовга тил очди. Ширин забонлик билан иссиқ-иссиқ ҳол-аҳвол сўради. Иккинчи кун дарвишлар султони Дўстим султоннинг саботли авлодларидан Ёрмуҳаммад султон, Пўлод султон Янги Ҳисор қишлоғи тарафидан ҳисобдан ташқари аскар, яроғ-аслаҳа ва жанг асбоблари билан зафар иқтидорли қўшинга келиб қўшилдилар ва қўл ўпиш давлатига етишиб, ғоятда шараф топдилар. Шу кун Кубодиён томондан муборак феълли, дар-

виш табиатли амир Дўстимбий чашм абру бир минг нафар жанг майдонида қоплон терисини бошидан шиладиган, наҳанг тишини оғзидан суғирадиган интикомчи жангчилар билан етиб келиб, динпаноҳ хоқоннинг ва зафар дастгоҳли шахзоданинг оёғини ўпиш шарафига мушарраф бўлди. Ҳамма тарафдан кетма-кет узилмай ол ялов сояси ва баланд пояли туғ остига аскар жамъ бўлди. Уларнинг ҳадди ва адади ваҳму хаёл нақшхонасига сиғмайди. У юлдуз нишонли сипоҳларнинг қўплигидан ҳисобига ҳеч бир муҳандиснинг билиш қуввати ундан ожизлик қилади. Иккинчи куни тонг отиб, субҳнинг етакчиси, яъни куёш осмон фазоси кучоғидан тулуғ қилди ва куёш нури-нинг асари жаҳон бурчагидан зоҳир бўлгач,

### Н а з м:

Субх аввалида фалак мақомли шох, яъни куёш  
тезюрар отига минди.  
Ва олтин чодирини бошига тутди.  
Олтин занжир билан уни юкори кўтарди.  
Олтин камарни белига боғлади, олтин  
қалқонни билагига осди.  
Олтин дубулғани бошига кийди,  
Ўз шуъласидан найза тайёр қилди.

Хоқон ҳазрат билан хонзода у жойдан зўршон-шавкат билан чексиз, ҳисобсиз зафарнишон яловларини кўтариб, шабдиз қадамли отини ғазаб тепингиси билан тезлатиб, йўлга тушдилар. Мазкур ойнинг ярмида<sup>888</sup> бахту давлатга яқин, иззату саодатга ҳамнишин бўлган зафар асарли аскарларга йўл устида жойлашган Чечакту манзилгоҳ бўлди. У фарахбахш шаҳарнинг анбарзор тўзонига тотор мушкининг рашки келарди. Шижаот хазинасининг гавҳари Хожамқули кушбегига у вилоят, унинг мадад маоши учун тайин этилган эди, ғоятда севинганлигидан ўша жойда дилкаш тўй, зийнатли мажлис ва комил суҳбат ўтказиш учун оройиш берди. Ер устига шодлик бисотини, хурсандчилик дастурхонини ёзди, меҳмондорчилик тартибини шу қадар бажо келтирдик, кекса фалак унинг монандини кўрмаган ва замона қулоғи унингдекни эшитмаган эди. Шунинг учун муборак одатли ҳазрат хон унинг қобилиятли қоматига қийматбахо кийимлар кийгазиб, зебу зийнат берди. Бошига каромат тожини қўйиб сийлади. Шохона иноятлар, чексиз марҳаматлар билан кадри ва мар-

табаси қадамини осмон авжидан ҳам ўтқизди ва ҳам ўша жойда улуғ хоқон хурматли султонлар ва ҳашаматли амирлар, яхши оқибатли йигитларни чақиртирди ва улар билан Хирот томонга юриш маслаҳатини ўртага ташлади ва бу хусусда кенгаш ва маслаҳат ўтказди. Зафар кўзғотувчи улуғ амирлар, иззату мансаб эгалари арз жойтоҳига келиб, «Хоқон ҳазратнинг бу жойда турганлари яхшироқ ва муносиб кўринади, чунки янги етилган йигитлар, ботирлик билан донг чиқарган баҳодирлар «адолатли султон Тангрининг соясидир» деган мақол мазмунича, жаҳонпаноҳ ҳазрат шахзода билан Хирот томонга жўнасинлар; агар Хирот ҳоқими итоат бошини тобелик ҳалқасига сукса, у пайтда мурод ҳосил, бордию саркашлик қилса, Хирот ноҳияларини босиб, талон-торож қилиб, қайтиб келишсинлар. Келаси йили, икки томондан ою кун бир буржда жамъ бўлган пайтда ирода юзини у вилоят томонга бургайлар», дедилар. Аммо зафар нишонли аскардан бошқа бир тўдаси иззатли, олий даражали сипоҳлар ва умаролар хоҳишига қарши, Хуросонга юриш тўғрисида ҳаддан ташқари муболаға қилдилар. Хирот ҳоқими Алиқулихон томонидан то ўша вақтгача ихлос, бандалик, итоат рўй бериб, ўзини тарафдорлик даражасида тутиб турди. Хоқон ҳазрат ҳам «далилсиз, ҳужжатсиз муҳолафатчилик қилди», деган номни ўзига қўйилишини истамади. Аммо халқ бандаларни халқ қилувчи Тангрининг топширган омонатидир. Шунга биноан, уларнинг ҳолини эътиборга олиб ва у вилоятдаги халқ туркманларнинг<sup>889</sup> зулмидан бурчак-бурчакларга қочиб нафасини ичига олиб ётганлигини ўйлаб, қутли ирода у томонга жилов бурди. Сўнгра исён нақши саркашлик, туғён қилиш аҳволи унинг, яъни Алиқулихоннинг пешонасидан зоҳир бўлиб, фикри ошқора бўлгач, хоқоннинг подшоҳона ҳиммати хуравона нияти шунга тақозо қилдики, у хорликка сазовор бўлган ҳоқимнинг исёнини дафъ қилишга қасд айлаб, унинг тасарруф қўлини вилоят ўртасидан ва вилоят ноҳияларидан қискартиришга қарор қилди. Шунга биноан, Искандарнишон хоқон иккинчи куни осмон тақвими фалак бахт мувофиқ бўлган вақтда эканлигини кўрсатгач, зафар келтирувчи сипоҳ, ҳадду ҳисобсиз аскар билан душман томонига қараб юрди. Осмон қадрли, фаришта мартабали, фалак соҳали, арш даражали, адолат па-



Гўё Пайғамбар Хайбарга боргандек  
Хирот яқинига подшоҳ аскар тортиб борди.

Аср намози вақтида Фаридун шукуҳли шахзода шону шавкат билан кўрғоннинг киришчиқиш йўлини эҳтиёт билан қараб кўриш учун осмон интизомли Хирот қалъаси тагига етди. Қалъанинг атрофини айланди. Шимол томондан юриб, Малик дарвозасига келганда, ул ҳазратнинг ўзига хос сипоҳлардан найза кўтарган, қилич таққан, филга ташланувчи, йўлбарс оловчи ботир йигитлардан бир гуруҳи ҳарбий силоҳлар билан салоҳланиб, жанг асбобу олоти билан зийнатланиб, ел юришли отларини жилвага келтирдилар. Ўч олиш қиличини туғ қилиб кўтариб, яшинсимон найзаларини елкаларига қўйиб, ирода қадамини катта-катта босиб, ҳиммат юзини давлат душманлари томонига қўйдилар. То шу кунгача Алиқулихон ғафлат уйқусида ётиб, роҳат ёстуғида тинч ётарди. Кун-бакун ортиб турган кўшиннинг ва муборак яловнинг таважжухидан ғоятда ғофил ва бепарво эди. Қачонки юлдуз ададли сипоҳнинг қораси ўжар аҳл, фиску фасод эгалари назарида жилва қилгач, шалдироқ ва олтин қўнғироқ овози, нағора, карнай-сурнай садоси Оллоҳ акбар тоғидан, яшил осмон буржидан Жавзо авжидан ҳам ошди, қалъада турганлар ва шаҳар атрофини ватан қилганлар, бу ходисанинг ҳужумидан ва бу зўр воқеанинг пайдо бўлишидан шу пайтда хабардор бўлдилар, қалъа сиртидаги кишилар тўсатдан саросима бўлган ҳолатда қалъа дарвозаси ва девори томонига қараб чопдилар. Энг нафис моллари, қимматли ажнослари ва ҳамма нарсаларини қолдиришди; ахлу аёл, молу манол, юкларидан фақат кучлари етганича олдилар. Қутлуғнишон аскар ўткир қиличини у фитначи жамоа устига чопди. Яқинлашган ҳолатда бир-бирига ҳужум бошлаб, жанг қилиб, Малик дарвозасигача етдилар. Душманларга қарши жанг оҳангини тузиб, ҳар бир ҳамласида бирмунча халқни бенаво топдилар. Аҳмад Хожабий ўғли Араб мирзо оталиқ мансаби билан мушарраф бўлган эди, шаҳар ичига кириб, ҳар бир ҳамлада бир курашчини ҳалокат тупроғига улоқтирди. Душманларнинг ҳужуми ва у жоҳил ва золим фирқанинг ғалабаси буларнинг теварагида ҳаддидан ошгач, жаҳонгир шахзода давлатининг қуввати билан, балки холис улуғ Тангри тақдири билан жанг қилиб

чиқиб келди; ҳаёт юқини нажот соҳилига етказди ва ўзини ҳалокат ўрnidан қутултирди.

Сўзнинг ҳосили шулки, муборак оқибатли подшоҳ то шом намози вақти бўлиб, бу мийно рангли қалъа, яъни осмоннинг волийси, яъни қуёш ғарбий бурчакка етиб бориб кўздан ғойиб бўлгунча, қалъанинг буржи ва деворини томоша қилди; кирадиган-чиқадиган йўллари ни нуроний назарларидан ўтказиб, жаҳонкезар аскарлари ҳузурига қайтди ва икки кунгача ўша ерда турди.

#### ИСКАНДАРНИШОН ХОҚОННИНГ ЕТИБ КЕЛИШИ ВА ИЗЗАТ ВА ҚУДРАТЛИ ХОНЗОДА БИЛАН ХИРОТ ШАХРИНИ ҚАМАЛ ҚИЛИШИ БАЁНИДА

Ражаб ойининг иккинчиси<sup>894</sup>, душанба куни, тонг отгач, олтин камарли шох, яъни қуёш фируза рангли қалъа тасхири қасдида ёруғликдан пайдо бўлгач, хатти найзасини баланд кўтарди. Қалъани ишғол қилиш камандини осмоннинг тўртинчи кунгирасига ташлади ва юлдузлар кўшинини тарқатиб юборди.

#### Н а з м:

Иккинчи куни олтин узангилик шох  
Бу олий қалъа забти учун  
Шуъласининг хатти камандини кўтаргач,  
Юлдуз сипоҳи тарқалиб кетди.

Мовароуннаҳр сипоҳлариким, ҳар бири жанг кунида тимсоҳ оҳангли, йўлбарс ва номунаг майдонида ақлу донишли қоплон эдилар;

#### Н а з м:

Қачонки улар ўқни камонидан узсалар,  
Гўё осмон чўққисини ерга келтиргандек  
бўладилар,  
Сипоҳлар бошдан оёғигача салоҳ остида  
ғарк, мукамал ва чўмган эди.

#### Н а з м:

Баҳром ғазабли хоқон улар билан кўзғолгач,  
Ер ҳаракатга келди.  
Шунингдек, осмон ҳам айлана бошлади.  
Сипоҳлар эса дарёдек жўш урди.  
Уларнинг ҳаммаси интиқом олиш, жанг қилиш  
ўтида ёнгандир.

Улар чоштгоҳ пайтида қалъа айланасига егишиб, ҳар томондан сурон солдилар; нағора, довул овози кўк осмон чўққисига етди; карнай, сурнай овози осмон қулоғини кар қилди.

### Н а з м:

У тоғ иқтидорли қалъа айланасида атокли  
подшоҳ ва номдор хусрав,  
Зафарнишон сипохлар гуруҳи билан, ойнинг  
айланасидаги холадек саф тортишиб турдилар.  
Довул садоси, карнай овози фалакни ўрнидан  
кўзғатди,  
Раъд нишонли оти жилвасидан осмон  
саросимага тушди.  
«Юр!», «юр!» овози Зухал айвонига етди,  
Осмон хайратда қолиб ҳаракатдан тўхтади.

У донгдор қалъа ва мустаҳкам кўрғон томошасидан кейин зафар иқтидорли ҳокон Кўхи мухтор<sup>895</sup> этагидаги сабззорга олтин нақшли саропардани айланиб турган осмон баробарига кўтариб тиктирди. У жаннат нишонли саҳроки, унга осмон айвонининг рашки келур эди, кунни ўша ерда кечирди. Кеч киргач куёш Жамшиди бу олтиннишон саройдан ғарб хилватхонасига кўчди, жаҳонга оройиш бериб турган юзини парда никоби билан беркитди, муборак ҳукм ижобича, ҳамма томондан зафар нишонли сипохлар, юлдуз сонли аскар ҳимоячи қоровулларни кўйиб, жавшан кийганлар совут остига яширинганлар, кечанинг ҳамласида юз-кўзларини сақлаб чиқишдилар.

Иккинчи куни Искандарнишон ҳокон катта-кичик халқларнинг кўнглини тинчитиш учун Ҳирот атрофидаги қишлоқлар, шаҳар ноҳияларига истимолатномалар юборди, ҳамма халққа адолат қилиш, инсоф кўрсатишга ваъда берди. Ҳокон ҳазратнинг адолат нури пойтахт Ҳирот ва унинг атрофини ёритди. Қалъа сиртида ва бурчак-бурчакларда бекиниб ётган баъзи одамлар ҳокон даргоҳига келабошладилар, тухфа ва пешкашлар тақдим этиш маросимини адо қилишга қадам қўйдилар. Кимда-ким итоат қилиш гарданини тобелик халқасига сукса, олий ҳазрат омонлик либосини унинг устига ёпди, замин у замон этагидан жой бериб, уни омон сақлади. Чоштгоҳ пайтида Тангри ёрдами, Яздон мадади билан Искандар жомли ҳокон ҳазрат, муборак оқибатли шахзода у манзилу мақомдан кўзғалиб, шон-шавкат билан илгари ўтиб, биринчи зарбадаёқ қалъанинг сиртини

эгаллаб, ҳамма аскарга тушадиган жой ва қароргоҳ тайинлаган эдилар, ҳоконнинг ўзи жаннатмакон Султон Ҳусайн мирзо кўрагон<sup>896</sup> мадрасасига келиб тушди, чунки унга монанд иморат ер юзида кўрилмаган ва унинг наққошликка ўхшаган нақшу нигори асло рўй бермаган эди. У жойга чодир тикилди, саропарда, хос чодирлар ой манзили баробарига кўтарилди. «Ушла!», «тут!» овози ва тантанаси рсмон авжига, нил рангли қалъа чўққисига етиб, ҳокон ҳиммат камарини белига маҳкам боғлади. Баланд даражали жаноб Кучак ўғлон ғазаб, интиқом отига миниб, Муҳаммадқули ва Хушим мирзойи баҳрин ва шижоатли йигитлардан бир гуруҳи узангидек халқ хожаси ҳокон ҳазратнинг муборак қадами остида кун кечирардилар, бахту иқбол каби кун-бакун ортиб турган давлатга фатху зафар башоратини етказдилар. Улар ҳам ҳокон ҳазрат атрофига ва мадраса ичига жойлашдилар; бандалик ва хизматкорлик йўлини тутиб чокарлик ва фармонбардорлик шевасини тутдилар. Қибла билан шимол ўртасида халқ ичида Али султон буржи деб машҳур бўлган бурж муқобилига садрликка мансуб Қулбобо кўкалтош, Наврўзбий парвоначи ва бирмунча ўнг эшик оқолар жойлашдилар. Шижоат оёғини ботирлик водийсига қўйиб, қудрат билагини баланд кўтардилар. Ўнг қўл томонда ўтмишда башорат кўрсатган қутли нишон султон, яъни Ёрмуҳаммад султон ўз биродари Пўлод султонга жой ва қароргоҳ тайинлади. Султон жаноблари ёнида қибла томонга қурилган Ироқ дарвозаси тўғрисида муртазойи аъзам Юсуфхожа нақиб, мардоналик довонининг қоплони Абдуссамадбий, баланд тадбир ва фикрли Жўлтойбий хитой, муборак феълли Дўстимбий чашм абру, адоват ва нифоқдан холи бўлган холда ўлтирдилар. Кечаю кундуз қалъанинг фатҳи учун жидду жаҳд камарини белга бойладилар. Ўнг қўлда мазкур жамоадан бошқа бир гуруҳ машҳур амирлар, масалан, давлат ишончи Дўстимбий қушчи, Абдулла Мирзо манғит, Ёрийбий қорлик ва Кўрчибек, ҳаммалари шуқуҳли гуруҳларки, агар душман тоғдек бўлса, улар ҳамласининг бўронидан аъзолари тўкилиб тушарди, булар ҳам ўзларига жой ва қароргоҳ ихтиёр қилдилар. Ҳозирда халқ оғзида Хокистар буржи деб машҳур бўлган бурж баробаридан Ёрмуҳаммад султон, Динмуҳаммад султон ва Боқи Муҳаммад султон каби-

лар набиралари билан бирга жойлашдилар. Мақсад жиловини жидду жаҳд ва бутун химмати билан у номи ўчган душман тоифаси давлати асосини емиришга бурди. Жануб томондаги Фирузобод дарвозаси қаршисига Хожамқули кушбеги Чечакту ва Мурғоб, Панждеҳ<sup>897</sup> ва Маручоқ сипоҳлари билан бирга жойлашиб ором олдилар. Қалъа очиш асбоблари ва жанг қуроллари тайёрлашга зўр жидду жаҳд кўрсатдилар, Малик дарвозаси қаршисига хос мажлисининг суҳбатдоши Раҳмонқули чухра окосики, у замонасининг гўзал пайтини, ҳаёт сармоясини муборак оқибатли ҳокон хизматиға сарф этган эди, у зот ўнг чухралар билан турди. Баҳодирлик майдонининг уловдори Дўст мирзо чухра окоси эса сўл қўлдаги йигитлар билан ўзларига қароргоҳ тайин қилди. Уларнинг чап қўлида шимол томондаги баъзи бурж ва деворлар баробарида шону шавкатли Худойберди ясовул барча Миррих хайбатли ясовулар, тимсоҳ оҳангли, йўлбарс ҳамлали баҳодирлар билан ўзларига тураржой тайинлаб, мардоналик билагини баланд кўтарди. Олий иродаси ва химмати юзини саркаш душманининг дафъи учун осмонга бош тираган қалъа деворининг фатҳига қўйди. Тўбичоқ дарвозаси қаршисига бир ёқадан бош чиқарган сипоҳлардан иззат ва қудратли амирзода Муҳаммад Боқибий дўрмонки, ботирлик, баҳодирликнинг сарқардаси, шижоат ва жанговарлик асҳобининг хулосасидир, ҳокон фармони билан ўнгдан сўлга ўтиб шу чухра оқалар сардорлигини ўзига топширилганлигини билиб, уларнинг муҳимотини кўтаришга эҳтимом қилди. Сўлдагилардан сайидлик маржаъи Баҳодирхожа Сайид Отойи, Юсуфхожа, Бобохожа, Раҳмонқулихожа ва амирлар сардори амирзода Мирзо каби ўзига яқин кишилар билан Турдиқохонини ўғли Муҳаммадқули мирзо, Қурбонбий, ўғил. ари Булуж мирзо, Абдол мирзо, ботирлик уловдори Абдулвосеъ мирохўр<sup>898</sup>, баҳодирлик дарёсининг наҳанги Надир кўрчи ва булардан бошқа ўнгу сўл мирзобошилари Палаҳмон мирзо каби дадилликда, шижоат биланмумтоз йўлдошларидан сарфароз бўлганлардан Муҳаммадёр қорлиқдирки, бахтиёрлик нури унинг пешонасидан порларди, жонбозлик асари унинг юзидан кўриниб турарди, булардан бошқа амирзодаларки, уларнинг ҳар бири шижоат майдонида журъат чавғони билан мусобақа гуйини ўз баробарларидан ўзди-

рардилар, ғоятда ботирликларидан йўлбарс оғзидан, наҳанг халқумидан кутилиб келардилар, буларнинг ҳаммаси иттифоқ бўлиб, илгари ўтиб ўзларига мувофиқ жой хозирлаб хизмат камарини белга бойладилар. Қалъанинг буржу борусидан ошиб ўтиш ҳаёлида фурсат кутиб туришди. Баҳром гулшани деб машҳур бўлган бурж қаршисига Хасанхожа нақиб, умдатулмулк Шохимбий арғун ва Келдишбий ва рукнудавла Сархунбий ва Муборизуддин Иқим ҳожи ва Беқойбий ва булардан бошқалар ўзларига қароргоҳ тайинлашиб, истиқомат қилиб турдилар. Қалъа ва кўрғон фатҳини олий ирода ва химматларига рўқач қилдилар. Жаҳон шаҳзодаси, инсон кўзининг нури, улўворлик осмонининг қуёши, иззату камолот фалагининг тўлган ойи,

#### Б а й т:

Жаҳон тутиш гулбуни, гул тубининг янги  
очилган гули,  
Ҳоконлик боғининг янги кўқарган сарви,  
Шону шавкатли, гўзал оқибатли шаҳзода,  
Ҳасан ширкатли, Хусайн хислатли, Тангри  
унинг халқ устига сарвар қилди,  
Искандарлик йўл-йўруғини берди,  
Олий осмон остида туриб Искандардек  
жаҳонни мусаххир қилса ажаб эрмас,  
Агар тоғ унинг ҳукмидан бош тортса, қуёш тоғ  
бошига тиг ўради,

равшан шарият маросимини тирилтиргувчи, ҳоконий ва нуруний миллат нишонларини баланд кўтарувчи, инсофу адолат асосини қурувчи, бидъат ва гумроҳлик биносини емирувчи, фуқаро ёрдамчиси, халқ фарёдига етувчи, «ҳақиқатан Тангри адолатга, яхшиликка буюради»<sup>899</sup>, деган оят мазмунини маҳкам тутган, ҳар ишда ёрдам сўраладиган подшоҳ, яъни Тангри ёрдамидан қўмак олган Абулғозий Абдулмўмин султон баҳодир, давлати давомли бўлсин, у жанг тўқайининг ғазабнок йўлбарси, ҳарбу зарб довоида жон олувчи қоплондир,

#### Б а й т:

У шундай адолатни забт этадиган шохдирки,  
Бири-бирига зид нарсалар табиатидан  
келишолмасликни кеткизди,  
Жиход йўлини шу қадар тутдики,

Осмон минбарининг хатиби хутбасида шох  
Абулғозий деб ёд килди.

Қалъанинг кун чиқиш тарафидаги Баҳром гулшани деб машхур бўлган буржидан Фирузобод дарвозасигача икки ўртани Абдулмўмин султоннинг зафар билан иттифоқлашган сипоҳлари, ғалабанишон аскарлари ўзларига қароргоҳ ва тураржой қилиб тайинладилар. Султоннинг ўзи Хуш қубба дарвозаси қаршида фалак шубхали боргоҳини қуёшу ой чўққисига етказиб тикди. Қутлинишон чодир ойини осмон авжидан, Зухал айвонидан ўтказди. Илгари ўтиб шу қадар зич ўлтирдик, марказ айланасидаги доирадек халқа бойладилар, андишанинг хабарчиси ҳам уларнинг ўртасидан ўтишни тасаввурга келтиролмасди. Фикр унга йўл топиши маҳол иш кўринади.

Аммо Алиқулихон аввалги холида, бошланғич даврида орзусига етиш маслаҳатига биноан, бир неча кун ўзини тарафдорлар ва хайрихоҳлар каторида тутди, бўйсуниб гарданини адолатли, додхоҳ хокон иқболининг халқасига кўйди. Асосий гап шундаки, у ўзини шу хилдаги тарафдорлик либосида кўрсатиб, гоҳи-гоҳида осмон шуқуҳли боргоҳга одам юбориб, давлат душманларига муҳолиф бўлиб, хокон ҳазратга мувофиқ бўлганлигини билдирди. Шу хийла билан у Хуросон ҳукуматдорлигини аввалгидек ўз тасарруфи остида, ўз фармони ихотасида тутиб қолишни ўйларди. Шу восита билан у Ироқ сипоҳлари ва нифоқ ахлининг аскарлари жангидан қутулиб қолмоқчи эди, лекин тақдир унинг тадбири хилофида юз кўрсатди. Бехуда фикри тескари натижа берди. У тўхтовсиз итоат тавқидан бош тортди. Интиқомчи сипоҳларнинг қорасини кўрган кунидан бошлаб, тездан қалъа атрофида бўлган туркманларни қалъага киришларини талаб қилди. Ўзига энг эътиборли гарданқашлардан жуда кўп фирқалар ва улардан бошқа тумон ва кишлок халқи, Ҳиротга тобе жойлардаги халқлар ва у ерларда жойлашган кишилар ҳаммаси қалъанинг мустаҳкамлигини, буржу девори ва дарвозаларининг маҳкамлигини ўз гумонларига таянч қилди. Қалъанинг атроф ва ноҳияларини ҳарбий асбобу аслаҳалари, жанг қуроллари билан мустаҳкам қилди. Жанг йўсинида қалъадорлик расму русумида зарур бўлган нарсаларни, бир навъ тартиб бериб мухайё қилди. Ундан ортикча тайёргарлик кўришни тасвирлаб бўл-

мас эди. Тайёрлаб қўйилган озиқ-овқат захира-ларидан кўнгил тўқ бўлиб, озиқ-овқатдан фориғ бўлиб, тинч ўлтирдилар. Сув учун тошдан ховуз ва қўл ясаб, сув омбори қурдилар; қалъа дарвозасини давлат эшигидек ўз юзларига ёпдилар. Қалъанинг ҳамма буржу бораларини шаҳар, ноҳия кишиларига топшириб, қалъанинг ҳар бир гўшасида бир жамоанинг туришини қарор қилдилар ва ҳар бир мавзегга қудратли ўқ отувчилар, тўфангандозлар, нафтбозлар, жангсозлар қўйдилар. Алиқулихоннинг ўзи бир тўда хийлагар шиъалар билан шаҳар боғига ёрдам бериб туриш учун турди, қайси бир томондан фитна рўй бериб, мадад беришга ҳожат тушса, деб тайёр бўлиб турдилар. Уларнинг бу ишда бор ишончи ва суянчиғи қалъа ва шаҳарбанднинг маҳкамлиги эди. Ҳақиқатда, Ҳирот қалъаси мустаҳкамликда машхур бўлган ва жаҳонга танилган эди. Унинг маҳкам ва мустаҳкамлиги оғизларда еўзланар ва мақталар эди. Ваҳму хаёлнинг тезюар хабарчисининг у буржу борудан ошишни хаёл қилиш ақлдан бағоят узоқ иш кўринарди. Андиша қушининг «жум-жума» номи билан танилиб машхур бўлган хандақдан ўтиши бир ёлғон ва бўҳтон сўз эди.

### Н а з м:

Уни қалъа дема, у бир бош кўтарган ва фаланглар унда жойлашган тоғдир.  
Ул қалъа кунгиралари сафининг чўққиси эса осмонга бош чўзган, кокили тароғи ойга етган эди.  
Агар кузатувчилар ўт ёкса, осмон чўққисидаги ой билан қуёшдек бўлар эди.  
Сўзнинг кискаси, осмон унинг остида осмон этагидаги булутдек кўринарди.  
Гўё у бир тан унинг кунгиралари тил билан осмондаги ой билан сўзлашмоқда.  
Баландликда олий арш билан бирга туғишгандек,  
Унга Сомончининг йўли гўё нарвондир.  
У шундай маҳкам қалъа, унинг олдида бу олий кўрғон осмон кичик сезиларди.  
Унинг шуқуҳли девори устидаги машғаллар худди тоғдан аждаҳо кўрингандек кўринарди.  
У шундай кўрғонки, унинг олдида бу олий кўрғон осмон кичик сезиларди.  
Унинг шуқуҳли девори устидаги машғаллар худди тоғдаги аждаҳо бўлиб кўринарди.  
У кўрғон минораларидаги совут кийган пахлавонлар кеча-кундуз посбонлик қилиб турмакда эди.

Бу баланд қалъа девори теварагидаги бўш жойларнинг ҳаммаси хандақ ва хокрез билан банддир. Хайрли яхши бандаларнинг хайити бўлган жамият асарли жума кунида «каттакичик барча сипоҳ Доро сифатли хоконнинг қароргоҳи бўлган Султон Хусайн мирзонинг олий мадрасаларига жамъ бўлсинлар, чунки у жойда бутун жамият билан, мусулмон имомлари билан ўқигандек, жума намозини ўқидилар», деган қутли фармон содир бўлиш шарафини топди. Намоз вақти етган пайтда муаззинларнинг овози бу кўк гумбазга, яъни осмонга кўтарилди. Улуғ хокон, хурматли шаҳзода, бошқа зафар асарли сипоҳлар ва шаҳар атрофида бўлган ҳар синфдаги халқлар билан Мирзо мадрасаси сахнида жума намозини ўқидилар; шаҳарлардаги ислом минбарлари, у ярамас ва бадбахт тоифаларга нисбатан халқнинг улуғ халифаларининг, Тангри ризоси, раҳмати то қиёматгача уларга бўлсин, номини зикридан кўп замон ва узун муддатлардан буён холи эди, қайта бошидан улуғ хоконнинг қадами баракоти билан ислом минбарлари мухтарам халифалар ва асхоблар номи билан зийнат топди. Хузур ва ҳаловат нури доно кишилар бошига тобиш қилди. Жума намози адосидан кейин олий хокон ҳазрат шукр саждасини бажо келтирди, шукрона йўсинида кўп миқдордаги маблағни фуқаро ва мухтожларга улашдилар. Сўнгра Мирак тўпчибошининг момақалдинок кўзғотувчи тўпи ҳар қачонгидай аждаҳодек оғзидан жаҳон ўртовчи ўтини қалъага отарди, тўхтовсиз отилган тош зарбидан буржу боруларни панжара шаклида илма-тешиқ қилиб юборарди. У тўпини жуда тезликда у фалак манзарали қалъа айланасига олиб келдилар. Хокон ҳазрат фармони бўйича икки тўпни Али султон буржи қаршисига қўйсинлар, уни сақлаб туришни, тош отишга эҳтимом қилишни Қулбобо кўкалтош билан Наврўзбий парвоначига ва ўзгаларга топширилди, Гавҳаршод бегим жомеъ масжидида бир неча адад тўп қўйишни буюрди. Улуғ вазир Хожа Разиуддин Аҳмад девон буйруғига биноан жуда кўп *мис хулалар*\*-ни зафар асарли сипоҳга озик-овқат қаторида етказди. Асбоблар етарли даражада тўплангач, озгина муддатда етти дона хушқад тўп

қўйдиларки, ҳар бири Бухоро вазнида икки-уч ботмон<sup>900</sup> тош ерди. Ва уларнинг ҳар бири жанг майдонида фитна кўтарарди. Хиротнинг сирти юлдуз ҳашаматли чодирларга, зафар нишонли яловларга марказ бўлди. Подшоҳлик дабдабасининг овозаси, Тангри ёрдами баракоти, чексиз марҳаматининг шарофати билан осмон чўққисидан, ою қуёш авжидан ўтди. Бадмаош авбош фирка, қизилбош тоифаси Хирот атрофида, унинг ноҳияларида ва у вилоятнинг ҳамма кишлоқларида тарқок холда турарди, улуғ хоконнинг қуфру зулмат арбобларини, бидъат, гуноҳ ахлларини йўқотишга қилган томм таважжуҳини ва зўр эҳтимомини эшитгач, улуғ лашкарнинг қиёмат асарли зарбаси хавфидан қўрқиб тезлик билан молу манол ва ахлу аёлларини олдиға солиб қочиш йўлиға тушдилар. «Гўёки улар йўлбарсдан ҳурқиб қочган ваҳший эшаклардир»<sup>901</sup>, деган оят мазмунича, қочиш томониға юз қўйдилар. Баъзилари Сабзавор<sup>902</sup> томонларға, баъзилари Қандаҳор<sup>903</sup> тарафиға қараб қочиш иродаси уловига миндилар; қадам ўрниға бош қўйиб, ғоятда ҳаяжонланиб ва саросима бўлиб қочдилар. Фалак дабдабали шаҳзода, Фаридун мартабали, Доро фикрли, Искандар жанобли, мамлакат фатҳ этувчи нишонли, бахту салтанат осмонининг қуёши, ҳашамат ва комронлик қуёшининг осмони, инсонлар қахрамони, тахтнишон подшоҳлар сараси;

### Н а з м:

Замона султонларининг фаҳри бўлган бу  
подшоҳ,
 Фағфур тахтиға, хокон маснадиға лойикдир;  
 У шундай баланд мартабали подшоҳдирки,  
 Олийлигининг камолидан улуғлиги қасрининг  
ости осмон устидадир;
 Осмон устида ўку ёйи бош тортганлиги эса унинг  
шавкати асоси биносига равоку дарвозадир;
 Юлдуз пешонали сипоҳлари отининг тўзони  
наззорачилар кўзига исфаҳоний сурмадир,

зулму инод аҳли фиску фасод арбобларининг сочилиб кетиши ва парокандаликка учраганлигидан хабардор бўлгач, хос сипоҳларидан бир тўдасини баҳодирлик билан донгдор амирлари, шижоатда ишончли бўлган киши-

\* *Мис хулалар* — матқдан келиб чиқилса, бизнингча, мис маъдани эритмаси қўймаси. — *Мухаррир*.



лардан сайидликка мансуб Бобохожа накиб<sup>^</sup>рукнадавла Абдулбоқибий, хос мажлисининг мажлисдоши Мирзо Шоҳмуҳаммад манғит, эшик оқоларидан шижоатли Худойназар кўнғирот ва Жон Дарвиш оталиқ тубоиларни ул алдамчи фирқалар кетидан юборди. Амри олийга биноан, мазкур сипоҳлар мардоналик билан танилиб шухрат қозонган ботирлар тўхтовсиз у хароб бўлган ва ғазабга учраган халқ кетидан ражаб ойининг охирида<sup>905</sup> жўнашга иродалари отини жилвага келтирдилар. Яздоний иноятга, субҳоний ёрдамга кўнғил қўйиб, хокон давлати қуввати билан қувватланиб, душман томонга юз ўгирдилар. Сўнгра улар ўн икки кеча-кундузгача на кечада ва на кундузда тўхтаб ором олмадилар. Эрта сахар тушиб шу юрганларича Қандаҳор вилояти яқинида ҳашаматли туркман аймоқларидан жуда кўп халққа етишдилар. Икки тарафдан баҳодирлар салоҳланиб, бир-бирларига ҳужум қилдилар. Андак таважжух билан ислом сипоҳи у бахтсиз жамоа, Пайғамбар динига муҳолиф бўлувчи тўда устидан Искандар нишонли, Сулаймон ҳашаматли, Мусо қаломли хоконнинг таважжухи баракотидан ғалаба қозондилар. Жуда кўп асбоб, чексиз юклар ва молларни тасарруфи ва забти остига олдилар. Қипчоқ жамоалари бошлиғи бўлиб келган Оҳанг Пўлод, барча одамлари билан, ислом аскаргоҳига келиб қўшилди. Кўп халқлар тадбир каманди, балки қиличи, ўқи зарби билан асир бўлиб қўлга тушдилар, занжирга боғланиб банд қилиндилар, кўплари хавф-хатар остида қолдилар, зафар асарли аскарларнинг оёғи остида янчилиб, поймол бўлдилар. Ботир амирлар бу воқеанинг келажакдаги ҳамма футухотнинг муқаддимаси деб билиб, шукрона саждасини бажо келтирдилар. Ғоятда кўп ғанимат моллар, қийматли асбобларни ўлжа олиб қайтдилар. Уларнинг адади ва саноғидан қаламнинг тили ожиздир. Улар қутлуғ аскаргоҳга етиб келдилар. Шаҳзода ҳазрат у жамоанинг ҳар бири ҳақида чексиз марҳамат, бағоят меҳрибончилик кўрсатди. Уларнинг қадри, мартабаси, даражасини баланд кўтарди. Оҳанг Пўлодни саноксиз ва ҳисобсиз ғаниматлар билан қўшиб хокон ҳазрат ҳузурига юборди. Хокон ҳазрат уни аввалгидек Қипчоқ жамоасига бош қилди. Вақт маслаҳатига кўра, ҳурматга сазовор қилиб, ҳар турли лутфу марҳамат билан сийлади.

#### ХОҚОН ҲАЗРАТНИНГ НИЙРАТУ ҚАЛЪАСИНИ ФАТҲ ҚИЛИБ, ЗИЁНКОР, БУЗУҚИ ОДАМЛАРНИ КЎПОРИШ УЧУН ХУШИМ МИРЗО ЧУХРА ОҚОСИНИ ЮБОРГАНЛИГИ БАЁНИДА

Яна шаъбон ойининг аввалида<sup>905</sup> давлат арбобларию мамлакат аъёнларидан бир гуруҳи Искандарнишон хокон ҳазратга қуйидаги мазмунда арз етказдилар: «Нийрату қалъасига ҳоким бўлиб турган булуж халқидан<sup>906</sup> фитна-фасодга бош, шарру инодга йўлдош бўлган тоифалари ўзларини зўр худбинлик билан ўзларига бино қўйиб, қучига ишонганлигидан, бузук хаёлни, ўтмайдиган андишани кўнғилига жо қилиб, қалъанинг мустаҳкамлиги, деворининг маҳкамлигига суяниб, зиёнкорлик қўлини журъат ва ботирлик томонига очиб, йўл устига тушиб келадиган-кетадиган йўловчиларнинг йўлини тўсиб, кўпларини оёғидан йиқитиб, мусулмонларнинг жонини, молу холини фанога, оёқ остига ва жафога дучор қилмақдалар». Барча халқ уларнинг жабридан додга келди, «тоқатимиз келмаган нарсани бизга юклама»<sup>907</sup>, деган оятга ва «Жолутга ва унинг аскарига қарши туришга бу кунда бизнинг тоқатимиз йўқ»<sup>908</sup>, деган оят овозини айланувчи осмон чўққисига ва Муштарий айвонига етказдилар. Саркашликнинг бузук моддаларини ўртадан кўтариб ташлаш, бузукликнинг тубан даражадаги таркибини дафъ қилиш хокон ҳиммати зиммасига вожиб ва лозим эди, шунга биноан чухра оқоси Хушим мирзонинг «ҳайё-ху»си, шўру ғавғоси шу қадар кўтарилдики, ундан қари фалак қар бўлди.

Охири фатҳ насими «Тангри хоҳлаган бандасига ғалаба беради»<sup>909</sup>, деган оят маҳзанидан эди. Зафар субҳи яхши кунлар бурчагидан зафар кўзғотувчи сипоҳлар бошига тулуғ қилди, мункирлар томонидан шикаст зоҳир бўлди. Жуда кўп ғанимат, чексиз асбоб шижоатнишон аскарлар қўлига тушди. Улардан бир тўдаси ўқу қиличга ем бўлди, баъзилари эса тақдир чанғалига асир тушди. Хушим мирзо чухра оқоси асирларни, ҳисобсиз ғаниматлар билан қўшиб, осмон иқтидорли даргоҳга жўнатди, ўзи эса ул жойда олийшон фармонга мувофиқ бирмунча кун туришни ихтиёр қилди. Бир қанча кун тургандан кейин ул ноҳиянинг майдонини душманлар ва ҳаддидан ошган туғёнчиларнинг хасу ҳашагидан пок қилди, фатҳу зафарга эришиб, нусрат ва ғалаба қозониб, олий остонага қараб жўнади.

## ДУШМАННИНГ ХОЖАМҚУЛИ ҚУШБЕГИ ТУРГАН МУРЧИЛ УСТИГА ХУЖУМ ҚИЛИШИ ВА ХУСАЙНБЕК ШИЪАНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ БАЁНИДА

Хирот қалъаси аҳли хоқоннинг келишига, қалъанинг қамал қилинишига боис ва энг кучли сабаб шулки, шижоатга мансуб Хожамқули қушбегидир, деб билишарди. Шунга биноан, улар душманлик камарини белга боғлаб, давлат асосини бузиб, унинг мурчилини йиқитишга кучлари егунча уриндилар. Шу мақсадга биноан, шаъбон ойи аввалида<sup>910</sup> у осмондан нишон берган қалъадан Шох Хусайнбек қизилбош тоифасидан ва авбош шиъалар фирқасидан оёғидан бошигача пўлод ва темирга ғарқ бўлган кишилар туш пайтида мурчилда турганлар тинч уйқуда ётган бўлса керак, деган хаёл билан қалъа деворидан пастга тушдилар. Ҳафтон этагини белига қистириб, лаъл рангли қалқонни кифтига қўйиб, хатти найзаларни туғ қилиб қўлга тутиб, баходирлик биллагини баланд кўтариб, Хожамқули қушбеги мурчилига хужум бошладилар. Қалъа девори устида жуда қўп тўфангдан ўт отувчилар олдинга ўтдилар ва ўт чакнайдиган ўқларини милтиқларига солиб, пайт пойлаб турдилар. Қачонки дин паноҳи бўлган сипоҳлар, давлат душманларининг дафъига қарши туришса, юқоридан пастга тушган пиёдалар уларга қарши хужум қилмоқчи, кўрғон тепасидаги ўқ отувчилар тайёр туриб, уларни ўққа тутмоқчи эдилар. Сўзнинг қисқаси, Хожамқули қушбеги душман хужумидан хабардор бўлгач, тўхтовсиз бирмунча саф йиртувчи ботир, жанговар йигитларики, улар тўхтаб турган пайтида салмоқли, душманга ҳамла қилган вақтида бўрондек шуқуҳли эдилар, айниқса жанг майдони қоплони Муҳаммад Боқибий ва унинг биродари Турсун Муҳаммадлар бўйин товловчи душманлар дафъига юз тутдилар. Вазминлик ва собитлик кўрсатиш қўлини андиша қилиш ва сабр этиш енгидан чиқариб, жангу жадал йўлини тутдилар. Икки томондан замона жангчилари ва даврон жонбозлари бир-бирига от солдилар, «ушла!», «тут!» деган овозлар айлашиб турган осмоннинг авжидан, сайёра ва ғайрисайёраларнинг чўққисидан ўтди. Икки томон бир-бирига ташланди. Пастдаги гуруҳлар қарши туриб жанг қилса, юқоридагилар ҳам милтиқдан ўққа тутишарди. Хоннинг зафар кўзғотувчи сипоҳлари ғалаба қозониб, душманни ўз жойида қўймади, у жангда Шох Ху-

сайнбек бир қанча сардорлар билан бирликда оёғдан йиқилди, бошқалари қутуғиб, қалъа томонга қочдилар.

## БАДСИЙРАТ ШИЪАЛАР ВА ДУШМАНЛАРНИНГ ИККИНЧИ МАРТА ҚАЛЪАДАН ТУШИШИ ВА ЧЎЛОҚ СУЛТОННИНГ ЎЛИШИ БАЁНИДА

Шаъбон ойининг ўртасида<sup>911</sup> иккинчи марта қалъа ичидан Чўлоқ султон бир тўда хийлагар Аҳраман<sup>912</sup> дийдор, девманзар, тиш-тирноғигача совут, қалқон билан қуролланган шиъалар билан пастга тушди; журъат этагини белига маҳкам қилиб боғлаб, контўкар қиличларини баланд кўтариб, ўқу ёйидек ранг-баранг сипарларини елкаларига кўтариб, яшиндек товланган найзаларини ушлаб, Хожамқули қушбеги мурчилига юз тутдилар.

### Н а з м:

Иккинчи маротаба халқ қалъа ичидан жанг учун  
чикди.

Уларнинг хаммаси ботир, баходирлар эдилар,  
Елкаларига қалқон, қўлларига найза кўтариб,  
Жанг учун бел боғлаб, қиличларини  
белларидан осилтирган эдилар.

Улар шундай фирқаларки, яккама-якка қилич  
чопади,

Мардоналикда хаммаси саф ёради,  
Уларнинг хаммаси кашқир суратли, бабр  
феълли эдилар.

Хаммаси тўнғиз кўзли, бойқуш юзlidir.

Улар ўт сочувчи қиличларини кўтариб, шу онда жанг майдонига юз қўйдилар. Хожамқули қушбеги у тўдаларнинг жамиятидан ва уларнинг шавкатида хабардор бўлгач, ўз биродари Муҳаммад Боқибийки, ҳар қачон жанг иродасида камон шаклидаги қошини чимирса, пешонасини тириштирса, найза ҳайъатида зулм аҳли ва душман хайли қасдиға бел боғласа. қора мойдан ҳам қоронғи кечада ўқ захми билан қотиб қўлига қаламини тикарди, ўткир қиличи ўти билан Хулқар кўкрагини, Миррих дилини куйдирарди, бир тўда донгдор сипоҳлар, интикомчи аскарлар билан жанг қийимини кийиб, таъну зарб найзасини қўлга олиб. ирода биллагини баланд кўтарди. Жидду жаҳд қадамини илгари қўйди, душманни йўқотишни олий ҳимматиға нишона қилди.

### Н а з м:

Бу томондан атокли қушбеги ҳам  
интиқомчилик пайида тушиди,  
Жанг вақтида жанговар бўлган ботирлар  
гурухи ва ўзининг яқин қариндошлари билан,  
Олтин билан безалган қиличини киндан  
суғириб, лаъл рангли қалқонни қўлга олиб,  
Найзадек жанг учун бел боғлади ва камондек  
кошини чимирди.

Икки томондан баҳодирлар олдинга ўтиб,  
бир-бирларига осилдилар, мардоналик этаги-  
ни белга маҳкам қистириб, ғазабланган ари-  
дек бир-бирига ёпишдилар. Шу пайтда ғазаб-  
нок сипоҳлар томонидан бир-бирлари устига  
ташландилар. Ботирлик қадамини шижоатли  
уловига қўйиб, жангу жадал ва ҳарбу зарб  
қилдилар. Шижоат нишонли Динмуҳаммад  
султон, унинг донгдор биродари Боки Муҳам-  
мад султон бир тўда отлиқ найзадорлар ва  
қилич чопадиган ботирлар билан етиб келди-  
лар ва эгар устидан ер устига тушиб, гумроҳ  
душманларга қараб юзландилар. Шунингдек,  
ҳамма томондан кетма-кет, узлуксиз зафар ни-  
шонли сипоҳлар ёрдамга келишиб, душманни  
дафъ қилишни ўз ҳимматларига рўқач қилди-  
лар. Ул қутурган душманлар эса аввалгидек  
жанг қилиш йўлини, муҳораба расмини тутиб,  
низоъ ва хусумат йўлига кирдилар. Шу ўрта-  
да иззат ва улуғлик дуржининг гавҳари, дав-  
лат ва рифъат буржининг юлдузи, комронлик  
дунёсининг жаҳон ёритувчи кўёши, подшоҳ хо-  
надони базмининг нуроний шамъи,

### Н а з м:

Осмон боргоҳли, Хулқар тахтли,  
Юлдуз пешонали, равшан кўнгилли,

жаҳонгирлар яловдори, фармонраволик оят-  
ларини ўзига жамловчи, Искандар нишонли  
жаноб, Сулаймон мақомли Абулғозий Абдул-  
мўмин баҳодирхон, Тангри унинг умрини узун  
қилсин, етиб келди ва душманни дафъ қилиш  
учун ўткир қиличини кинидан суғирди.

### Н а з м:

Жанг касдида бахтли шахзода арабий отига  
минди,  
Тоғдек хайбат билан душманга қарши жанг  
қасдида бел боғлади.

Шуқухли қиличини баланд кўтариб,  
Хизр ҳаёт чашмасига киргандек муборак  
вужуди совути остига ниҳон бўлди.  
Бахтли подшоҳнинг кифтидаги қалқони  
Баланд осмондаги шайтон камон шаклида  
кўринарди.  
Боши устидаги зийнатлари шамъ устида учиб  
турган парвона тусини оларди.  
Эгнидаги совут, бошидаги дубулға гўё дарё  
мавжи устидаги хубобдек кўринарди.  
Унинг зийнатланган олий найзаси тиканга  
ўхшайдики, ундан душман жонига ўт туташади.  
Махбублар мижғони каби найзалар фитна  
кўзғотди,  
Совутлар эса кўзини жанг қилиш пайида очди.  
Жанговар ботирлар синфи душманлар  
тўдасини дафъ этиш учун, уларга хужум  
бошлади,  
Уларнинг ҳаммаси, шону шавқатли,  
«У»У қувватли бўлиб,  
Гўзаллар кўзидек яккама-якка жанг  
қилувчилар эдилар.  
Улар тез ҳамла қилувчи, шуқухли тўдалардир.  
Тез ва ўткирликда шамолдек тез, салмоқликда  
тоғдек оғирдир,  
Баҳодирларнинг қўлидаги камон ва  
тўфанглари яшин яшнаганидек ярақлайди.  
Сурнаю карнайлар овози эса осмонга етди.  
Гўё қиёмат бўлиб маҳшаргоҳда карнай  
тортилди.

Шахзода қуйидаги ҳукмини эълон қилди:  
«Карнайчилар-сурнайчиларнинг ҳаммаси бир-  
дан карнай-сурнай чалсин. Йўлбарс савлатли  
баҳодирлар ва бабр шуқухли, паланг хайбат-  
ли жангчилар, казою кадар қудратли, ўткир  
қиличини жанг қилиш кинидан суғириб, жан-  
говар билагини баланд кўтарсинлар». Бу фар-  
монга итоат қилиб ёшу қарилардан иззату қуд-  
ратли отлиқ жангчилар, баҳона кўрсатмасдан,  
ўзларини эгар устидан ерга отдилар ва уч пар-  
ли ўқларини белга байлашиб, лаъл рангли қал-  
қонларини душмандан интиқом олиш учун қўл-  
ларига олдилар; қон тўқишга найзаларини,  
жанг учун қиличларини ўтқур қилдилар. Сур-  
най, карнай овозини гирдак фалак авжига,  
Зухра ва Миррих чўққисига етказдилар. Юқо-  
ри табақадаги олам фаришталарининг қулоқ-  
ларини ул маҳшар асарли садодан қар қилди-  
лар. Нифоқ аҳли жаҳон шахзодасининг та-  
важжуҳи ва зафар иттифоқли сипоҳларини  
очик кўргач, бетўхтов сабру сабот оёғини жанг  
қилиш, қарши туриш, саркашлик кўрсатиш

майдонидан тортиб, қочиш иўлига тушдилар. Чўлоқ султон эса бир тўда мункирлар билан оёғига бош қўйди; жон ғаниматини, рух нақдинасини қўлдан берди. Бошқа фирқалар эса саросимага тушиб, изтиробда қолиб, қалъа ичига чекиндилар. Зўр жидду жаҳд билан ул осмон интизомли қалъага ўзларини олиб, дамларини ичига олиб турсинлар.

### ҚИЗИЛБОШ АМИРЛАРНИНГ ШОҲИМБИЙ МУРЧИЛИГА ХУЖУМ ҚИЛИШИ БАЁНИДА

Яна барот ойининг иккинчи ярмида<sup>913</sup> қуфру туғён ахллари, душман ва ёғий арбоблари, фитнаю фасод -асҳоблари ва эътиқоди бузук тоифалар, шайтон юракли маълун фирқалардан Султон Маҳмудбек Ихтиёр ўғли, Думдорбек Исобек парвоначи ўғли, Маҳмудбек эса ғоятда ҳусну малохатли гўзал йигит эди, яна бири Ҳожи Подшоҳ пахлавон эди, булар тунда душманлик жавшанини кийиб, жанг соғарини ичдилар, қонхўр ўқларини белига териб, ўт чакнатадиган қиличини белига ҳамойил ўрнида осдилар, нақшу нигор билан тўлган қалқонини билагидан осилтириб, Баҳром гулшани дарвозаси тўғрисида келиб, юқоридан пастга тушдилар. Ўша куни у мурчилни саклашни ўз устига олган, фикру тadbирли, Муштарий манзалатли, Аторуд мисолли амир Шохимбий эди, унинг мурчилига тўсатдан хужум қилдилар. Амир Шохимбий ғазабга йўликқан фирқаларнинг келишидан воқиф бўлгач, баҳодирлик совутини кийиб, ботирлик дубулғасини бошига қўйиб, олтин нишонли қиличини белига боғлаб, ой шакли, ҳола мисолли қалқонини билагига ташлаб, душманнинг дафъига саъй-ҳаракат қадамини илдам қўйиб, ҳамла пайтида оғир тоғларни олдидан осонлик билан кўтариб ташлайдиган ўтсочар найзаси зарбасидан хомхаёл, хоксор душманларнинг юрганидан дуд чиқарадиган бир тўда нусрат оқибатли сипоҳлар, зафарнишон аскарлар билан душманга қарши туриб жанг қилди. У муртад фирқалар фитнаси ўтини ўчириш ва у девсурат тоифаларнинг ҳаёти шуъласини сўндириш учун иродаси билагини баланд кўтарди.

### Н а з м

Иккинчи маротаба ботир халқ қалъадан чиқиб келди,

Гўё улар йўлбарс билан жанг қилиш учун юқоридан пастга тушдилар. Улар ҳаммаси девсурат, дев юзли эдилар. Жангчи бўри, йиртқич табиатли ҳайвонлар ва уларнинг барчаси — тўнғиз кўзли, ит феълли эдилар. Улар хийлаю макр билан тўлган тулки монанддирлар, Қошлари қалқон шаклида чимирилган, пешонаси тиришган, ҳаммаси бадфеълдирлар. Қиличларини белидан осилтириб, жанг учун қалқон каби бел боғлаган эдилар. Бошида дубулға, эғнида совут, бошидан оёғигага силоҳ билан мусаллахдирлар.

У томонда эса амир Шохимбий турарди. Жанг сафи ундан шикаст топди. У қачонки душман хужумидан хабардор бўлса, уларнинг фитнажўйлик хужумини билса, бошидан оёғига мусаллах бўлиб, душманнинг дафъига эҳтимом қилади. Сўнгра икки томоннинг баҳодирлари бири-бирига етишиб, жанг қиличини кўтардилар, учи ўткир найзаларини туғ қилиб, бир-бирига хужум қилдилар. Пайғамбар динининг ғозийлари, жанг майдони мужоҳидлари, корзор маърақасининг баҳодирлари совут ва хафтон этагини белларига уриб, «утнла!», «тут!» овозини, жангчи йигитлар сурони садосини айланиб турган осмон томига етказдилар. Фазо сийнасига нафасларини таркатдилар; тўфангчилар, нафтандозлар, тирандозу ўқ ёғдирувчилар илон шаклидаги тўфангларидан ўқ ёғдирдилар. Мардоналик, ҳамият ўтини, ботирлик, девоналик алангасини ақлу дониш қонунига мослаштирдилар. Икки томондан жанговар йигитлар бир-бирларига рўбарў бўлмастаридан илгари, шижоат, ботирлик қадамини баҳодирлик ва саф йиртиш майдонига қўйиб, жанг қилмастаридан илгари бу жамоага на душман хужумидан кўрқинч бор, ва на у тўдага зафар асарли аскарлар келишидан хавф бор эди. Шу ўртада улуғ амирлардан улуғ вазир Сархунбий, Иқим хожи, Бекойбий, Келдишбий қабилар ва булардан ўзга амирлар илгари ўтиб, мудофаа мақомида турдилар. Жанг камонларини жилвага келтириб, яшин сифатли ўқларини камон ипига қўйиб, ул шайтон тоифаларга қарши ўқ отдилар. Ўша куни жанг синовлари ва маросимларини, жанг майдонида юриштириш лавозимларини бажо келтирдилар. Душманга қарши туриш ишларида, жанг мудофааларида бир зарра ҳам бепарволик қилмадилар.

Охири Тангри инояти шамоли: «Ёрдам Тангридан»<sup>914</sup>, деган оят хуружгоҳидан эса бошлади. Файб илҳомчиси шаксиз ишорат билан яқинда бўлажак фатҳ башоратига тил очди. Душман саркардаси Маҳмудбек эса ғоятда гўзал малохатли йигит эди, ўқу тўфанг зарби билан оёғидан йиқилди, жонини хатаргоҳга ташлади. У малъун фиркалардан бир тоифаси, уларнинг ҳаммасига Тангрининг лаънати бўлсин, ўлиб тугади. Қолган сипоҳлар тўхтамасдан қочиш йўлини тутиб, фитна ва жангу жадал водийсидан четга чиқдилар. Мазкур амир (Шоҳимбий) ўзга машхур ва маълум амирлар билан зафар ва ғалаба қозониб, жанг майдонидан ўз мурчилларига қайтиб ором ва қарор топдилар. Олий ҳазрат душманлар чиққанидан, баҳодир амирларининг улар устидан ғалаба қозонганидан хабардор бўлиб уларга чексиз таҳсинлар изҳор қилдилар ва уларга шохона иноят, хусравона инъому эҳсонлар қилишга буюрдилар. Фасохатбаён тилини дур сочишга очиб, «Маълум бўлишича, қалъа ичидан энди одам чиқмайди», деди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Тадбирли амирлар қаршисига ул хийлагар гуруҳлардан ҳозирча ҳеч бир киши чиқишини хаёлига ҳам келтирмадилар.

#### ҚИШЛОҚ ВА ТУМАН КАТТАЛАРИНИНГ ОЛИЙ ДАРГОҲТА КЕЛИШЛАРИ БАЁНИДА

Ҳоконнинг салмоқли дабдабаси ва сиёсати овозаси, шавкатли сипоҳлар ҳайбати яшил осмон авжидан ва Сурайё чўққисидан ўтди. Фатҳу зафарли аскарларининг шижоати, баҳодирларнинг донғи ботирлик, диловарлик овозаси ҳамма ерга тарқалди. Хиротга тобе вилоят ҳукмдорлари ва барча халқлари «тўда-тўда бўлиб, Тангри кўрсатган динга кирадилар»<sup>915</sup>, деган оят мазмунича, осмондек олий даргоҳга ва аъло ҳазратнинг олий остоналарига келиб ва итоат халқасини қулоқларига тақиб, тобелик чопонини елкаларига ташладилар. Бош вазир воситачилиги билан комкор ҳазратдан зўр шодликка боис бўладиган ёрликни талаб қилдилар. Талаблари қабул бўлиш шарафини топиб, фахрланиш бошини баланд кўтардилар. Сўнгра Хиротнинг теварак атрофидаги халқлар ҳокон ҳазратнинг бахшиши, инъому эҳсонни кўплигидан умидвор бўлиб, кетма-кет узилмасдан келишиб турдилар. Хуросоннинг машхур вилоятларидан бўлган Ғуриёндан<sup>916</sup> у ви-

лоятнинг арбоблари ва катта кишилари келиб, ўзлари волий ва ҳоким тайин этилишини хоқондан сўрадилар, итоат этиш бошини фармонбардорлик халқасига суқиб, ожизлик пешонасини шикасталик тупроғига сурдилар. Хоқон ҳазратдан: «Жонмуҳаммадбий юз, Бекойбий туғбеги Ғуриён вилояти томонга бориб у вилоятни тасарруф қилсинлар», деган ҳукм жорий бўлди. Мазкур амирлар барот ойининг охирида<sup>917</sup> бир тўда шижоатли сипоҳлар билан Ғуриён вилоятини тасарруф қилиш ва мамлакатни аҳли туғёнлар қўлидан тортиб олиш учун чакнаган чакмоқдек ва каттиқ эсанг шамолдек тезликда жўнаб кетдилар. Бошда у вилоятнинг эътиборли зотлари, иқтидорли арбоблари истикбол маросимини адо қилишда шошилишган бўлсалар ҳам, ўзларини зафар иттифокли сипоҳга нисбатан макру нифоқ шубҳасидан холи тутиб, ғоятда вафоли, муваффақиятли бўлмадилар. Лекин улардан тез орада хилофлик, беҳуда ҳаракат, беҳуда сўз иси хоқоннинг мушк рангли бурунларига етди. «Мабодо улардан макру хийла шакли рўй.бермасин, ё бир шак-шубҳа ғубори ва бир ходиса гарди номус этагига қўнмасин», деб тўхтовсиз орқага қайтишни ва мурожаат йўлини тутишни ихтиёр қилдилар. Осмоннишон даргоҳга етиб келгач, воқеа тафсилотини хоқоннинг нуроний раъйларига арз қилдилар. Бу ходисани эшитиб, хоқон ҳазратнинг ҳамият томири, эрлик асаби ҳаракатга келди, Жонмуҳаммадбийга нисбатан ғазаб изҳор қилдилар ва унинг туғини тортиб олди<sup>918</sup>. Иккинчи маротаба Бекойбийни ўша қалъа тарафига ва у шаҳар жонибига юборди. Ўзига хос йигитлардан бир фирқа жонбоз, ботир, довюрақларни унга ҳамроҳ қилиб, ундан хотиржам бўлди. Иззатли, қудратли амир Бекойбий Тангрига таваккал қилиб, саъй-ҳаракат қадамини қўйди; журъат камарини белига боғлаб, иродаси юзини Ғуриён томонига ўгирди. Хоқон ҳазрат фармонига биноан, у вилоятнинг кўпчилиги ўхшаши, тенгдоши йўқ Тангрининг ёрдами билан мазкур амирнинг келишини йиғилиб келишиб қарши олдилар. Бекойбийни зўр иззат, ниҳоятсиз ҳурмат билан Ғуриён қалъасига олиб кирдилар. У ноҳия майдони жаҳонгир сипоҳлар тасарруфи қабзасига, забти доирасига кириш нишонини ва қўшилиш шаклини топди. Ул шаҳарнинг атрофу ноҳиялари тескаричи кофирларнинг ёмон гуноҳидан «уларнинг ўрни жаҳан-

нам бўлсин, у қандай ёмон қароргоҳ»<sup>9</sup>, деган оятга мувофиқ бўлган ёмон халқлар фитнаси-дан пок бўлди. Комил адолат чашмасининг сирқишидан ва ҳаммага баробар марҳамат бу-лути томчисидан қайтадан равнақ топди, яш-нади. У атрофда Шикибон, Музак, Кирмобод номли бир неча қалъа бор эди. Ўша қалъалар аҳли қалъаларининг мустаҳкамлиги, буржу бо-руси маҳкамлигига ишониб, ғурурлиги ва та-каббурлиги сабабли, қизилбошлар билан тил бириктириб, жангу жадал рақамини дил саф-ҳасига, муҳолифат нақшини хоотири саҳифаси-га ёздилар. Ўша қалъаларга жуда кўп тўфанг-чилар, нафтандозлар тайинланган эди, қалъа-нинг атрофу жавонибларига истехком куриб, жанг қилиш, душманлик кўрсатиш йўлига кир-дилар. Улар билан итоат тавқига тобелик гар-данини қўйганлар, комил ихлос ва давлатхоҳ-лик билан амру фармонларга бағоят бўйсун-иб, ҳамжихатлик бошини кўтарганлар, ўрта-ларида доимо зўр урушлар рўй бериб, бир-бирига муқобил бўлиш шакли, жанг қилиш нақши юз кўрсатгандан кейин, душманнинг тобе бўлмаслиги аниқ бўлди. Бу воқеанинг су-рати ва ходисанинг тафсилоти хоконнинг олий кулоқларига етгач, қуйидаги муборак фармон хокон хазратдан жорий бўлди: «Душманни бандга тортиб, қалъани олиш учун амир Жўл-тойбий хитой бир тўда атоқли сипоҳлар, кўрк-мас ботирлар, жонбоз баҳодирлар, найза-дор, қилич тортувчи жангчилар билан илғор тариқасида у ноҳия ва шаҳарга борсин; ул бепокларнинг ифлос вужудидан қилич суви билан жаҳон майдонини пок қилсин». Хокон-нинг амрига биноан, мазкур амир зўр жамият ва шону шавкат билан бахти қайтган душман томонига қараб жўнади ва тезда етиб борди. Аммо у уч қалъа ғоятда мустаҳкам эди. Шу сабабдан уни ишғол қилиш рўй бермади. Амир Жўлтойбий илгари борган амирлар иттифоқи билан олий остонага ариза юбориб, ёрдам сў-ради ва яна рамазон ойининг аввалида<sup>920</sup> Ҳин-дистон томонига сайид арбобларнинг пешвоси, содот асхобининг сараси амир Қурайш жаҳон-паноҳ даргоҳга етиб келиб, қўл ўпиш шарафи билан фахрланиб, сарфароз бўлди. Сўнгра ке-чалари тун бўйи вилоят аҳволоти, учрашув изоҳоти, ўртадаги гуфтуғўлар баёнотини сар-гузашт ва ҳикояларни арз мақомида етқизди. Сўнг қутли бисот четида тиз чўкиб, арз қилиб деди: «Ҳаким Хумом, Садри Жаҳон ва бош-

қалар бу томонга элчи бўлиб тайинландилар. Улар подшолари томонидан ҳисобсиз кўп тўх-фа, совғалар ва чексиз ҳадя асбобларини олиб келишган эдилар. Кира қилишга туя топилма-ди. Улар: «Андхудда воқеани арз қиладилар, шундан кейин нима рўй берса шунга қараб амал қиламиз», деб ўша ерда тўхтаб қолиш-ди», деди амир Қурайш. Хокон хазратдан: «Амир Қурайш қайта Андхудга бориб шахзо-дага дахлдор вилоятнинг элатларидан туя олиб, элчиларнинг юқларини олиб, элчилар билан ҳамроҳ бўлиб келсин», деган ҳукм жорий бўл-ди. Шу фармонга биноан, амир Қурайш рама-зон ойининг охирида<sup>921</sup> Андхуд томонига жў-нади. Буйруққа мувофиқ туя олиб, элчилар-нинг юқлари ва асбобларини юқлаб, элчилар-га қўшилиб, қайтишга жилов бурди. Ғуриён тарафдан Жўлтойбийнинг одами ва бошқа эътиборли кишилар етиб келиб, адаб аёғи би-лан кириб, аризаларини арз қилгач, хокон хаз-рат буюрди: «Саодатпаноҳ Қулбобо кўкалтош хашаматли ва зийнатли Худойберди ясовул Балхдан келтирган қора буғра номли тўпдан бирини олиб, ул осмон баландлигидан қалъа-ларнинг тасхирига мутаважжих бўлсинлар». Фармонга биноан шижоат нишонли амир ра-мазон ойининг ўртасида<sup>922</sup> харбий асбоб-асла-халарни, қалъа қамалида ишлатиладиган ку-ролларни олиб жўнади. Жўлтойбий ва Бекеш-бийлар халқ сардори Қулбобо кўкалтош ва хурматли амирзоданинг келаётганидан хабар-дор бўлгач, дарҳол тезэсар шамолдек, тезлик билан уни қарши олишга шошилдилар. Бир-бирлари билан учрашиб ва иттифоклашиб иро-да жиловини қалъалар томонга бурдилар. Ав-вал бошлаб Шикибон қалъасики, баландликда Хулкар чўққисидан, Сидратилмунтаҳо усти-дан ўтган эди, маҳкам ва мустаҳкамлик фит-нанинг қўли унинг хокрези этагига етишдан қисқа эди.

### Н а з м:

- Ул қалъа баландлиги олдида осмон паст  
кўринарди.  
Унинг этагига етишдан фитнанинг қўли қисқа  
эди.  
У баландликда осмон баландлигидан ҳам  
ошган эди.  
Унинг кўрғон авжидан осмонга озор етарди.  
Ул қалъа девори ою кундан ҳам юқори  
турганлигидан  
Осмон кўзи уни кўришда хира эди.

У қалъа қуёш ёкасига ўралиб, қуёш панжасига  
урарди,

улар шундай баланд қалъалардан бирига етиб келишди. У қалъада Ҳамзабек ва Фанобек туркман жуда кўп шиъа ва равофиз<sup>923</sup> йигитлари билан турарди. Қалъанинг буржу борулари химоясига тамоман эҳтимом қилардилар. Шунга биноан, ҳашамат ва зийнатли амирлар тўхтовсиз ва баҳонасиз қалъанинг атрофу жавонибини ўраб, уни ўртага олиб, жанг қилишга тарафдор бўлдилар. Биринчи зарбадаёқ ўткур қилич суви билан у бадқирдор, ёмон тоифалардан кўпининг ҳаёт варақасини ювдилар.

### Н а з м:

Жанг ўтини тобиши осмонга кўтарилди,  
Қалъа девори отилган тош зарбидан ари  
уясидек тешик-тешик бўлди,  
Жангчилар хуруши ҳайбатидан,  
Тоғлар томиридан қон оқа бошлади.

Иккинчи куни тонг отгач, юлдузлар хусрави, яъни қуёш найзаси зарби билан фирузаранг қалъани (осмонни) ишғол қилди, олтин суратли яловини Зухал манзарали кўрғон, яъни осмон буржига, кўк фалак, яъни осмон авжига кўтарди, осмон нишонли аскарлар ҳамма томондан «ушла!», «тут!» овозини айланувчи осмон тосига етказдилар, жанг ўтини ёндириб, шижоат билагини баланд кўтардилар. У тенги йўқ қалъада амирлар кўп тўхтаб турмасидан илгари, душман фатҳ аломати, зафар ишоратини муборак нишонли сипоҳлар юзида кўрдилар, ўз ишларида сустлик, ожизлик борлигини сездилар ва кучу қувватлари камлигини билдилар ва ноилож тавба, тазарруъ қўли билан амирларнинг раҳм қилиш, ярлақаш этагига осилдилар; қарши туриш қалқонини ташлаб, қиличу қафанларини бўйинларига осиб, тобелик ҳалқасини қулоқларига тақиб, қалъадан чиқиб келдилар. Нусратга мансуб амирлар афв рақамини уларнинг гуноҳ дафтарига тортдилар ва уларни ҳоконнинг чексиз лутфу марҳамати, турли-туман меҳрибончилиги билан умидвор қилдилар. Сўнг қалъага ўз хизматкорларидан бир жамоани қўйиб, қалъа ақибирларини ўзларига ҳамроҳ қилиб, ирода яловини Қарнобод томонга қараб кўтардилар. Қарнобод атрофи осмон истеъдодли чодирига ман-

зил бўлгач, аввал мустаҳкам қалъа аҳли интиқомчилик камарини ботирлик белига боғладилар, куйру туғён йўлига кириб исён ва туғён русумини тутиб, душманлик кўрғон буржида саркашлик, бузгинчилик мақомида ўлтирдилар. Икки томондан раъд андозлар ва замбарак ишга тушди, пасту баланддан ўқ тўхтовсиз ёғила бошлади. Баҳодирларнинг жўшу хурушидан жангчиларнинг «хойу», «ху»сидан осмон зилзилага, Зухал айвони ғулғулага тушди. Марди майдонлар жанг қунида, жанг майдонига оро берувчиларнинг тили сарбозлик, жонсипорлик мақомида туриб, бу тарона замзамасини бошладилар.

### Н а з м:

Бош кетса агар уни турк қулоҳидан кам тут.  
Тан кетса агар уни гиёҳлар баргидан кам тут.

Бир томондан Қулбобо қўқалтош жанг ўтини ёқишга киришди, баҳодирларни жангу жадалга ҳаракатлантирди. Иккинчи томондан интиқомчи амирлар ботирлик таъсири билан шижоат изхор қилиб, ўз қишилари жанг қилиш йўлига таъну зарб шевасига қизиқтирдилар. Рамазон рўзаси ва ундаги ожизлик, ёз ҳавоси, қилич ўтқуридан нишон берадиган унинг иссиқлигига ҳам қарамай, жангчилар қалъанинг фатҳига, кўрғоннинг очилишига қорғарлик қиладиган нарсаларини тайёрлашга эҳтимом қилдилар. Хизмат ва фармонбардорлик расмининг бандалик қонунини, жонсипорлик, марду мардоналик, ботирлик қонидасини бажо келтирдилар. Шу ўртада, тонг отиши билан, Яздоний қувват, Субҳоний тавфиқ ва бахт соҳибқирон амирларининг ҳозирлиги билан фатҳу зафар шамоли «сизларга Тангри ёрдам берса, сизларни асло мағлуб қилувчи бўлмас»<sup>921</sup>, деган оят маҳзанидан эсди. Нусрату бахт кунининг субҳи: «Фатҳни сизларга қилиши аниқ»<sup>925</sup>, деган оят мазмуни бурчагидан зафар нишонли сипоҳлар умиди юзига тулуъ қилди. Мусибат ели меҳнату озор тўзонини давлат душманлари бошига сочди, туркман халқидан Зулфиқор султон ва Максудбек жалойир, буларнинг ҳар бири жангу маърака майдонида «мен, мандан бошқа йўқ», деб даъво қилган қишилар эдилар, улар шижоат нишонли амирларнинг зўр нуқуҳи ва шавқатини, чексиз ҳамласи, кучу қувватини ошқора кўришгач, улар-

нинг тоқати ва қарори ўрнидан кўчди. Сабрнинг хирмани тоқатсизлик ели билан соврилди. Хавфу қўрқинч у фирқанинг кўнглини ҳадсиз-андозасиз истило қилди. Тўхтовсиз қалъа девори ва буржи устига келиб, илтижо қилдилар, ёлвориш кўлини узр айтиш этагига уриб, камоли ожизлик, синиклик билан паноҳ тиладилар. Сўнгра хоқон ҳазратнинг амирлари уларни шоҳона меҳрибончилик, хусравона марҳаматлар билан умидвор қилдилар, қалъа дарвозасини очиб, атоқли ҳадялар, қимматли тўхфалар билан чиқиб келдилар; қалъани ҳам таслим қилдилар. Шу куни юлдуз сонли сипоҳлар қалъага кирдилар. Баланд ҳимматли қадамларини ўша осмонга улашган қалъага кўйишдилар. Баланд даражага етган бошини нилий рангли осмон авжига, Жавзо буржига етказдилар. У гумном тоифадан, ёмон оқибатли фирқадан баъзиларининг бебурд вужудларига қаҳру ғазаб ўтини туташтирдилар ва уларнинг нопок вужуди тупроғини елга совуриб, нобуд қилдилар.

#### Н а з м:

Зўр филга пашша баробарлик даъвосини  
қилса,  
 У жонини елга беради, ҳақиқатда унинг жазоси  
шудир;  
 Ҳамд бўлсин Тангрига, унинг ваъдаси ростдир.  
 У ёрдам берди бандасига, яъни Мухаммадга,  
 Қочирди душман тўдаларини унинг  
аскарлари<sup>926</sup>.

Қачонки шижоат асарли амирлар ул қалъа ва шаҳарлар борасида кўнглини тинчитгач ва ҳеч бир томонда парокандалик қолмагач, ҳар бир қалъага ўз томонларидан лойиқ одамларни кўйдилар ва ҳар хил ғаниматларни олиб, қайтишга ирода билагини кўтардилар, Зулфигор султон шомлу, Мақсудбек жалойир ва булардан бошқа бир тўда қизилбош тоифалардан ихтиёр суратда ва куч ишлатиб бўлса ҳам тобе этиш ҳалқасига тортишган эдилар, уларни олиб қутли кўшинга қайтиб келиб, кўл ўпиш шарафига мушарраф бўлдилар. Хоқон ҳазрат чексиз иноят ва комил кароматларини улар хусусида сарф қилдилар, уларга қимматли инъомо эҳсонлар бердилар; баъзиларига туғ исоба<sup>927</sup> иноят қилди; асирларнинг кўпларига, жаҳондорлик маслаҳатига биноан, кечирим тў-

нини ёпти. Қўлда сақлаб туришга лойиқ бўлганларини баъзи амирларга топширди. Бу олий фатҳ ва қадрли зафарнинг тарихи атоқли фатҳлардан бўлишини умид қилинди. Бу воқеа рамазон ойининг охирида<sup>928</sup> воқеъ бўлди.

#### ИСЁНЧИЛАРНИНГ ИҒВОСИ БИЛАН ЖОНАЛИ СУЛТОННИНГ ҚЎЗҒОЛОН КЎТАРИШИ БАЁНИДА

Муборак нишонли хоқон ва шахзодалар Ҳирот томонга ғазот иродаси билан олий яловни кўтаришиб, Ҳирот қалъасини доира маркази нуқтасидек ўраб олиб камал қилиб турган бир пайтда Тошканд вилояти ва унинг ноҳияларида, Шохрухия ва Хўжанддаги бадавлат халқлардан бир фирқаси, бир тўдаси бузуқ фикрли, бебош бадасл одамлар билан бирликда, беҳуда ва бемаъни орзуларни қилишиб, Пискент мавзеида жамият қурдилар. Бир-бирлари билан аҳду паймон боғлаб, уни зўр қасамлар билан мустаҳкамладилар; кенгаш ва маслаҳат асосида иш бошладилар. Бир-бирларига ғоятда мувофиқ бўлишиб, нифоқ аралашмасдан комил иттифоқда турдилар. Қозоқ султонларидан Жонали султон эса суратда Бобо султонга озгина ўхшаганлигидан уни Бобо дейишарди, чунки Чингиз подшоҳлари коса тутиб подшоҳни давлат ва салтанат тахтига ўтказиш уларнинг расм-русумидан эди, шунчаки у бу ҳаёлий сўз ҳалқасидан бош тортиб, ўзини бу хавфли мақомдан узоқ тутса ҳам, уни ўз ихтиёрига кўйишмади. Сўзнинг қисқаси шулки, натижада мана бу воқеа рўй берди ва бу ходиса ошқора бўлди. Билгил, жаҳон аҳли фитна кўзғатишга мойилдир. Бу ходисанинг воқеъ бўлишини тўғри гумон қилдилар. Туркларнинг қавму қабилалари, уруғ-аймоқ йигитлари тўда-тўда бўлиб аскаргоҳ томонига жўнадилар. Охири улар жамиятининг сони ўттиз мингга етди; шону шавкати бениҳоят ортди. Улуғлари кенгаш қуришганларидан кейин қуйидаги мазмунли маслаҳат кўрдилар. Улар айтдики: «Биз бу ходисани Шохназар қорликка бориб ўртага ташламагунча бу иш илгари босмайди, чунки унинг мустаҳкам ақлига, зехнининг ўткирлигига ишонамиз; сўзининг тўғрилигига суяна-миз», дедилар. Шунга биноан, тилга олинган сипоҳ Пискент қишлоғидан Шохназар қорлиқнинг суюрғоли бўлган Хўжакент қишлоғига боришиб у билан учрашдилар; ўз ҳаёллари тахтасида рўй берган фикрни олдиларига кўйиб



ва андиша майдонида от суришиб ўз фикрларини изхор қилдилар. Шохназар қорлиқ замона тақозосига қараб у паришон аҳвол фирқалар билан бирлашишдан бош тортиб, уларга «Бу қандай бузуқ фикр ва қасодга учраган савдо! Сиёсат ва ҳукуматдорлик мансабининг у хунук ишга нима муносабати бор? У худо урган саросима аҳволнинг ихтиёр қилишига сабаб нима?» деди.

### Н а з м:

Эй пашша, бу Симурғ майдони сенинг  
жавлонгоҳинг эмас-ку?!  
Сен бу майдонда ўзингни кўрсатиб, бунча  
заҳмат чекасан?

Бу мазмундаги ҳикояларни ўртага ташлаб, манъ қилишга тиришди. Лекин бир жойга етказолмади, чунки душманлар унга ҳужум қилиб, уни ўзларига иттифоқдош қилдилар. Ўзбек султоннинг бирмунча ноиблари Шохназар қорлиқнинг олдига пул йиғиш учун келишган эдилар, уларни оёқдан йиқитдилар, бир-бирлари билан иттифоқлашиб, такаббурилик бошини Жавзо буржи авжига етқиздилар. Ражаб ойи аввалида<sup>929</sup> ирода отини жойидан қўзғотиб, зўр шавкат, чексиз жамият билан Ўзбек султон томонига жўнадилар. Бу воқеанинг воқеъ бўлишига биноан наввоб Ўзбек султон тўхтовсиз Исфандиёр султон учун Фарғонага ўғли Ҳазора султонни, Ахсикатга Ҳожибийни, Самарқандга Эшимбий жалойир ва Кенжа Алибийларни олиб келиш учун одам юборди. Бошқа бир кишини Ҳиротга, Зуҳал манзарали остонага юбориб, мазкур воқеа вуқуьидан хабар берди. У одам ҳайит ойининг охирида иззату иқбол қуббасига келиб, рўй берган воқеани, давлат арбоблари, хокон ҳазрат мулозимлари воситаси билан қуйидагиларни арз қилди: «Агар зафарли аскарлардан, уларга Тангрининг ёрдами бўлсин, бир тўдасини бу томонга тайин қилсалар, Тангри инояти, чексиз қудрати, хоҳиши ва шоҳлар шохининг ёрдами билан кучимиз етгунча ўч олиш, жанг қилишга ҳаракат қиламиз, имконият борича уларни дафъ қилиш йўлида саъй-ҳаракат қилиш қадамини қўямиз». Олий ҳазрат бу зўр воқеани эшитгач, давлатёр, саодатосор биродари Дўстим султон ходисаси туфайли, кина тўзони ғубори куёшдек нуруний кўнгилларида

бор эди, лекин уларни афвнинг тиниқ суви билан фазилатнинг сарчашмасидан пок қилди, ойдек нуруний қалбларига нақш этилган кудурат шаклини иноят қаламтароши билан тарашлашиб, уни чексиз меҳрибонлик оҳанги билан навозиш қилди. Қадрли нишонни, қимматли ёрлиғни муборак оқибатли биродарига юборди. У ёрликда, Суғд вилоятнинг ҳаммасини унга топширилган эди; аввал катта ўғли Пўлод султонни, ундан кейин Ёрмуҳаммад султонни Миёнколга юборган эди, агар бу воқеа рўй бергудек бўлиб, душман камали чўзилдиган бўлса, наввоб султон Тангри ёрдамига суяниб, ўз авлодлари ва яхши андишали сипоҳлари билан бирликда у эътиқоди бузуқ жамоалар, фитна-фасод қўзғотувчи тўдаларни дафъ қилишга киришишни ва ёғийлар ёвлиги асосини йиқитишни ва бунини олий ҳимматига рўқач қилишни топширди. Иттифоқо, салтанатга мансуб бўлган жаноб аскар тўплаб, душман томонга жўнамасидан, фатҳу зафар гўзалли мақсуд ойнасида жилвагар бўлди, умид саҳифасидан мурод нақши юз кўрсата бошлади. Шунга биноан, султон ҳам Миёнколда тўхтади. Отаси бисотини ўпиш шарафи билан мушарраф бўлган Пўлод султонни бир гуруҳ сипоҳи билан Дизах томонга жўнатди. Бу воқеанинг тафсили кайфияти шулки, қачонки душман чексиз жамият, сонун саноксиз кўпчилик билан Тошканд қалъаси теварагига келиб уни қамал қилди, муҳосара кунлари эса бир ойга яқин чўзилди, шижоатли султонларнинг келаётган хабари етди, ботир амирлар ҳам ёрдам беришга етиб келдилар, Ўзбек султоннинг сипоҳларига яхши кун туғилиб, бир қуввати юз бўлди. Шунчаликки, шаввол ойининг йигирма еттинчисида<sup>930</sup>, сешанба куни беш юз киши билан қуролланиб чиқиб, душман томонига от қўйди, юзларига қалқон тутиб, чақин шиорли қиличларини туғдек кўтариб от сурдилар. Сипоҳлар қалъадан чиққан ҳамон нусратли сипоҳларга қарши Чирчиқ суви лабига келган душманнинг қоровул аскарлари шикаст топди. Биринчи зарбада ўт шуқуҳли тўдалар яхшигина шикаст еб, саросима бўлган ҳолатда қочишга ва мағлубиятга юз қўйиб, ҳар бир фирқаси ҳар тарафга қочди. Шохназар эса ўз жамоаси билан Сайрам томонга қочди. Турсун дароз дўрмон мағлубият отини Қорасомон томонга қўзғотди. Иккинчи фирқа Қоратол томонига қочди. Мазкур ойнинг йигирма сакки-

зинчиси<sup>931</sup>, чохоршанба куни Андижон томондан наввоб Исфандиёр султон, Ахсикат ва Косон томондан Ҳазора султон, Соғарждан Эшимбий, Дизаҳдан Ганжиалибий зафар кўзғотувчи сипоҳлар, иззат ва мансаб эгаси аскарлар билан Тошкандга етиб келиб, Ўзбек султоннинг қўлларини ўпиш шарафи билан бахтиёр бўлдилар; душманнинг кетидан қувиш бобида кенгаш йўлини тутиб, иккинчи куни тўхтовсиз ҳаракатга келиб, манзилу марохилларни кесиб ўтиб, Сайрам атрофига борганда у бадбахт жамоанинг баъзисига етдилар. Икки томондан баҳодирлар бир-бирига қарши турдилар, саъй-ҳаракат қадамини илгари босдилар. Жуда кўп тортишувлардан кейин шодлик тонги мақсад бурчагидан тулуғ қилди. Муҳолифлар саросима бўлиб ва бир-биридан айрилиб, теварак-атрофга тўзишиб кетдилар, қочиш йўлини тутиб, Дашти Қипчоққа қараб қочдилар. Нусрат топган сипоҳлар ҳисобсиз ўлжалар, чексиз асбобу аслаҳаларни олиб қайтдилар. Қозоқ султонлари эса Ҳақназар султон<sup>932</sup> болаларидан Мунқатой султон билан Динмуҳаммад султон у пайтларда Дашти Қипчоқ атрофларида саросима ва саргардон бўлиб юришардилар, қачонки улар ёғийларнинг жамияти кўплигини эшитгач, у жамоаларга одам юбориб уларни чақирдилар, чунки Дашти Қипчоқ вилоятида шижоатда ҳеч кимса манзур бўлмаган султонлардек эмас эди. Уларнинг ҳам эътиборли бир бошлиғи йўқ эди. Булар тўхтовсиз уларнинг таклифига бўйин бериб, ирода қадамини султонлар томонига қўйдилар. Сиғнок<sup>933</sup> яқинига борган нифок аҳли қозоқ султонларига қўшилиб, итоат бошини фармонбардорлик ҳалқасига қўйишиб, Ўқиз тоғдан<sup>934</sup> зўр шуқух, ғоятда шавкат билан Ясси, Саброн томонига ирода жиловини бурдилар. Шу пайтда Амир султон авлодларидан Одил султон ва Ҳоди султонлар бу воқеадан илгари зафарнишон сипоҳлардан қочиб, қирғизлар ҳузурига<sup>933</sup> паноҳ тортиб боришган эдилар, улар Ҳусайнбий қирғиз ҳамроҳлигида саркашлик билагини баланд кўтаришиб, Фаркат ва Хўжакентга бостириб кирдилар. У атрофдаги кишлок одамларига пул юбориб, ўзлари томонига оғдирдилар. Наввоб Ўзбек султон юқорида зикр этилган султонларнинг кўзғолонидан хабардор бўлгач, ўзи қалъадан чиқиб, бир гуруҳ жонбоз баҳодирлар, жангчи суворийлар билан душман томонга тезлик билан жўнади. Итти-

фоко, у вилоятда Шохназар ва ўзга амирлар ва Тангриберди тотор Ўзбек султоннинг қалъадан чиққанини билиб саросима бўлиб, уларга қўшилиб келиб Ўзбек султон билан жанг қилишга юзланди. Лекин қарши туриб жанг қилиш рўй бермасдан аввал, у бебунёд душманларнинг кўнглига ғоятда қаттиқ ваҳм ва кўрқинч тушиб, тўхтовсиз жанг қилиш йўлидан оёқ тортдилар. Мағлуб бўлиб ва қочишни назарда тутиб, ҳар бири бир йўлни ихтиёр қилди. Ҳоди султон Ҳусайнбий билан яна қирғизлар ҳузурига борди. Одил султонни Тангриберди тотор ўша хунхор ва ҳалокат ўрнидан чиқариб, Дашти Қипчоқ сипоҳлари томонига олиб борди. Шохназар эса ўзга фитна кўзғотувчи амирлар билан бирга тобелик бошини фармонбардорлик доирасига суқиб, ошиқич суратда улуғ имом Хожа Аҳмад Яссавийнинг табаррук қадамжойлари ва муборак мақомлари бўлган Ясси атрофига келди. Қалъадаги одамлар мунофиқлик одатича, Одил султонни кўрғонга киргазиб олиб уни хотиржам қилдилар. Бу ходиса рўй бергандан кейин, Одил султонга амирларнинг ҳаммаси тобе бўлганлиги сабабли, Динмуҳаммад султон ва биродарининг дилида кина ғубори, кек сақлаш тўзони пайдо бўлди. Охири иш шу ерга бориб етдики, бири-биридан ғоятда кўркиб айрилдилар. Бир жойда бирга ётмайдиган бўлдилар. Шу орада олий ҳазрат хоконнинг иқболи ғайб оламидан ғаройиб бир шакл ва ажойиб бир ходисани кўзғотдики, у нарса ҳеч кимсанинг хаёлида ҳам йўқ эди. У нарса душманлар жамиятининг асосини вайрон қилди. Бу воқеанинг баёни шулки, амирларнинг хужуми ва тўпланиши билан Динмуҳаммад султонга озгина ғурурланиш, ўзига бино қўйиб, гарданкашлик қилиш рўй берди. Сўнгра у Манқит томондан у вилоятга келиб динпаноҳ хоконнинг олий остонасига илтижо қилган бир тўда сипоҳларга одам юбориб, уларни итоат қилиш йўлига бурди. Уларнинг қатталаридан қиз сўраб, бирмунча воқеалар юз берди. Уларнинг орзу-номуси пардасини йиртди. Қабоҳат, расволикка тортди. Шу ходисанинг пайдо бўлиши сабабли, уларнинг бошлиқлари Саброн хокими амир Эсонкелди ўторчи ва Наврўзбий қушчилар, душман Туркистонни тасарруф қилганига қарамай, қалъанинг атрофидаги работга келиб маҳкам жойлашиб олишган эдилар, буларнинг томонига киши юбориб, бу можаро-

ни ўртага қўйдилар. Юз тил билан таъкидлаб, «Агар биз йиғилишиб иттифоклашсак, душманлик камарини белга боғлаб, имконият борича уларни дафъ қилишга ҳаракат қиламиз. Уларнинг ифлос вужудидан ер юзи пок бўлгунича селдек жўш урамиз». Эсонкелди тўхтовсиз кучи еткунча сабронликларнинг отлик ва пиёдаларидан олиб ул жамоа томонига қараб юрди. Уларнинг бир кучи юз бўлди. Бу хабар фитначи султонлар қулоғига етгач, бахонасиз, ғоятда шавкат ва давлатмандлик билан, Динмуҳаммад султон ва Мункатой султон ва ул фитнанишон тўданинг иттифоқи билан Эсонкелдибий ва унинг иттифоқдош сипоҳлари устига келиб, қасд билагини баланд қўтардилар. Саброн ҳокими эса баҳодирлик жавшанини устига тортиб ва ботирлик дубулғасини бошига кийиб, бошқа баҳодирлар билан мукамал салоҳланиб, шижоат отини у жамоа устига сурди. Биринчи зарбада улардан кўп кишини ҳалокат тупроғига қорди. Икки томондан жангчилар олдинга ўтиб, ўқ отишга, қилич чопишга қўл қўтардилар, баҳодирлик йўлида ботирлик шевасида лозим бўлган нарсаларни бажо келтириб, мардоналикнинг додини бердилар. Шу қадар жанг бўлдики, конхўр Баҳром, яъни Миррих дили мийно рангли фалак авжида у жанг маъракаси хайбатидан титради; қуёш Жамшидининг юзи бағоят хавф билан сарғайди.

### Н а з м:

Ўқ-пайкондан фазони қоронғулик босди.  
Қуёш кўзи улардан хира бўлди.

Охири фатҳу зафар насими зафар асарли аскар юзига эди, қозоқ сипоҳлари тарқалиш йўлини тутдилар. Бу воқеа пайдо бўлганидан кейин Туркистон халқи ақли қисқалигидан Одил султонни олиб келиб уни қалъага киритган эдилар, Наврўзбий уни қувиб чиқарди. Уларнинг бу вилоятда қилган ишларидан пушаймон бўлишиб, уларни юпатишга ҳаракат қилдилар. Мазорларнинг шайхлари билан иттифоклашиб, Одил султонни ва унинг тобеларини тутишга қадам қўйдилар. У эса қарши туришга ожизлиги сабабли қочиб бориб мазор бошидаги иморатга кириб яширинди. Наврўзбий қушчи ва Эсонкелдибий ўторчи уни қамалга олдилар ва тўхтовсиз уни қўлга олиб,

ёмонликлар билан тўлган бошини кесдилар; унинг ифлос вужудидан ер юзини тозаладилар. Бу воқеа рамазон ойининг охирида<sup>936</sup> рўй берди.

Сўзнинг қисқаси, муборак рамазон ойи охирига етди. Хайит ойи иззату иқбол йўсини билан гўзал жамол кўрсатди. Улуғ ҳокон ва ҳурматли шахзода ҳар бирлари ўз ўрнида хайит намозини ўқидилар; хайит маросимларига ва у кунга муносиб мажлисларни ўтказишга машғул бўлдилар. Ҳокон ҳазратнинг катта мансабдорларидан тортиб, иззатли аскарларининг энг қуйи даражадагиларигача олий кийимлар билан сийлади ва уларнинг кадрини, даражасини баланд қўтарди. Бу вилоятда Қўлоб томондан бахту иқболли амирзода Дўстимбий арғуннинг юборган кишиси олий остонага келди ва баъзи амирларнинг воситаси билан тухфа ва тортиқларини тутди; олиб келган аризаларини арз иззатгоҳига еткизди. Мазмуни шулки, «Қирғиз сипоҳлари йўл кесиш, қон тўкишни одат қилишганлиги маълум. Улар муборак қўшиннинг даштдан (Олой даштидан) узоқ кетганлигини эшитиб, бу пайтни ғанимат билиб Қоратегин томондан Ҳисор вилоятига ўн маротаба келиб халқни талон-торож қилдилар, беҳисоб ўлжа, ҳисобсиз ғаниматлар олдилар; қуёш юзли, ой чехрали кизларни асир қилиб олиб кетдилар. Бизнинг кишиларимиз бу воқеадан хабардор бўлгач, тўхтовсиз, Тангри ёрдамига, соҳибқирон давлати қувватига суяниб, уларнинг қасдида чопдилар. Босқинчилар ҳали вилоят атрофида экан, уларга етишдилар. Икки томондан жанг отини кўзғотиб, ўқдонга қўл уриб, бири-бирига ҳужум қилдилар. Хуллас, икки ўртада қаттиқ жанг рўй берди. Кўп киши ўлди. Худога шукрлар бўлсинки, охири бахти қайтган фирқалар минг турли ҳаяжон билан мағлуб бўлиб, қочиш йўлини ихтиёр қилдилар ва келган йўлига қайтдилар. Улар ҳар бир нарсани ўз тасарруфига олган бўлса, улардан олиб ўз эгаларига етказилди», деди амир Дўстимбий. Бу аризанинг мазмуни ҳоконнинг шарафли қулоғига етгач, унинг таҳсинига тил очди. Дўстимбий учун Ироқнинг Бурокқа баробарлик қиладиган тўбичоқидан бир бошни подшоҳона саруполар билан юбориб, унинг кадри, мартабаси ва даражасини баланд қўтарди ва ўз баробарларидан устун қилди. Яна ўша вилоятда хайит ойининг охирида<sup>937</sup> Толи-

қон томондан Сулаймон султоннинг ўғли Маҳмуд султоннинг оталиғи Хуши оталиқдан киши келиб қуйидагиларни маълум қилди: «Бадахшон вилояти подшоҳларидан Шоҳ Низом муборак қўшиннинг Хирот тарафига кетганлигидан ва у вилоятда тўхтаганлигидан хабардор бўлгач, тўхтовсиз Бадахшон теварагидан жуда кўп халқни тўплаб, Толикон тарафга жўнади. Хушибий ҳам иш кўрган ботирлар, мақбул бўлган баҳодирлар билан унга қарши юрди. Толикон теварагида уларга етиб устига от қўйди. Тангри ёрдами, иктидорли хоқон давлатининг қуввати билан уларнинг жамиятини тарқатиб юборди. Шоҳ Низом мардонавор жанг қилиб, охирида қўлга тушиб, оёқ ўрнига бош қўйди». Хоқон ҳазрат унинг юборган кишисига иноят назарини солиб, чексиз лутфу марҳаматлар билан насибалантирди. Хушибий учун шоҳона совғалар юбориб, унинг қадди ва мартабаси поясини олий даражанинг авжига етказди. Худди шу кунларда насаби Али Муртазога етган амир Курайш Ҳиндистон элчилари билан Эрон, Турон ҳукмронларининг илтижогоҳи бўлган олий даргоҳга етиб келди. Хоқоннинг нури раъйига биноан элчилар фирқасининг келишидан огоҳ бўлгач, қози Ҳожи Муҳаммад, Мирзо Ҳайдар Муҳаммад мунший ва Ийбон шиғовуллар уларнинг ҳузурига чиқиб, иззат-ҳурмат билан олиб келишиб, ҳар бирини ўз мартабаси ва даражасига лойиқ жойга ва тартибли мақомга тайин қилдилар. Иккинчи куни Жамшид шуқуҳли хоқон ўз даргоҳининг хизматга бел боғланган хизматкорларига шоҳона мажлис, хусравона базм қуришни буюрди. Дарҳол Султон Хусайн мирзо мадрасасида мажлисга тартиб берилди. Искандари сонийнинг хонлик маснади, хоқонлик тахтини Мирзонинг қабри тепасидаги осмон равоқли пештоқнинг олдида ўрнатдилар. Иззат ва тамкинли хоқон шу қадар тартиб, зўр улуғворлик ва иктидор билан олтин нақшли тахти устида қарор топди. Иззату мансаб эгаси бўлмиш вазирлар, тўғри фикрли, саодат дастгоҳли амирлар ва ўзга зафарогоҳ аекарлар, ҳар бирлари ўз даражаларига лойиқ жойда ва ўз мартабасига муносиб мақомда турдилар. Иккинчи бир жамоа зардўзий чопонларни кийиб, хилма-хил дурру жавохирлар қадалиб зийнатланган қиличларини белларига осиб, оёқ устида хизматга қўл қовуштириб турдилар. Осмон нисбатли даргоҳ

дарвозабонлари ою куёш суратида кумуш чопган асоларини, миҳвар хатидек ОЛПРШ билан безалган таёқларини қўлларига тутиб, ақлу ҳуш қулоғини хоқон ҳазратнинг муборак башоратли ишоратларига тутиб турдилар.

### Н а з м:

Улар хаммалари лоладек дўппиларини қайтоки килиб бошларига кийишган,  
Ҳаммалари ғунчадек белларини этагигача  
сириб боғлашган эдилар.  
Муборак мажлис шу қадар безалдики,  
жаҳондийда осмон минг кўз билан унга назар  
солишда саросима ва саргардон бўлди.  
Тез айланувчи фалакнинг бутун гавдаси кулоқ  
бўлиб, унинг монанди ва ўхшашини эшитмаган  
эди.

Мажлис барпо бўлгач, Ҳаким Ҳумом ва Садри Жаҳон ва ўзга элчилар ул жаннат равзасининг рашки келадиган муборак базмга йўл олдилар. «Улар ўз подшоҳларига қилган кўриниш маросимларидек кўриниш килиб келсинлар, иззату икром ва таъзиму эҳтиром бажо келтирсинлар», деган жаҳон итоатли фармон содир бўлди. Шу фармонга биноан, Ҳаким Ҳумом зўр дабдаба билан у қароргоҳга йигирма етти марта салом қилди; элчилик шароитини, хизмат одобини бажо келтирди. Уларнинг салом бериши эса қўли орқасини ерга қўйиб, сўнгра бошини кўтариб, қарши туриб бош эгишдан иборат эди. Муборак палоснинг четига етишгач, одоб оёғи билан кириб, қўл ўпиш шарафи билан мушарраф бўлди. Келтирган мактубини арз иззатгоҳига еткизди. Мактуб мазмуни қуйидагича: «То фалак барқарор бўлиб, давлат пойдор бўлган муддатигача дўстлик ва муҳаббат тўхтамини, садоқат, бирлик қондасини ўзимизга лозим тутишга ҳаракат қилишимиз лозим. «Тангри сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам бошқаларга яхшилик қил!»<sup>938</sup>, деган оят мазмунига амал қилиб, меҳрибонлик йўлини, дўстлик равишини тутишни кўз олдида тутиб, улфат тўхтами, мувофиқлик интизоми барпо бўлишига ҳаракат қилсинлар, ҳеч бир киши шайтон васвасасидан холи эмас; агар унинг васвасаси рўй берса: «бу кунда сизлардан сарзаниш, койиш иўқ»^^ деган оят иўлини очиқ тутиш лозим. Агар шундай қилсалар дўстлар шод, душманлар хору мағлуб бўлғайлар.

## Н а з м:

Ваъдасида турмаган ул гўзалга дилимнинг ахду  
паймони бирдир.  
Тангри хакида мен дилимни бузиб сўзимни  
икки қилмайман, хидоятга тобе бўлганларга  
саломлар бўлсин!»

Ул улуғ подшоҳдан бу ҳазратга, яъни Абдуллахонга лойиқ бўлган қийматли ҳадя ва атоқли тухфаларни халқ сардори, хурматли амир Қулбобо кўкалтош воситаси билан хоқоннинг назарларидан ўтказиб, арзга тутиндилар. Ҳинд элчилари ўз мамлакатидан келтирган камёб нарсаларни хоқон ҳазрат шу мажлисда ва элчиларнинг кўзи олдида давлат арбобларига, ўзининг аъёнларига ва аскарларнинг юкори даражадагиларидан то тубан даражаларигача бахшиш қилди. Бу зўр ҳадя ва улуғ атолар билан уларнинг муборак кўнглини овлади. Бу билан катта-кичиклар турмушини фаровон қилди. Иккинчи куни Ҳиндистон элчилари сардор нишонли амир Қулбобо кўкалтош ҳамроҳлигида фалак асосли, Жамшид қудратли, Фаридун қувватли, замин уламон қахрамони шахзода Абдулмўмин султоннинг, Тангри давлатини давомли қилсин, даргоҳига боришиб, оёғ ўпиш шарафи билан мушарраф бўлиб, зўр хурматга, ниҳоятда иззату икромга эга бўлдилар. Қимматбаҳо нафис ва тоза нарсалар, лойиқ тухфалар ва тансуқ совғаларни шахзодага тортиқ қилдилар. Сўнгра улар шоҳона инъомлар, хусравона эҳсонлар билан мумтоз бўлишиб қайтдилар, шахзоданинг нуфузи давомли бўлсин. «Олий нишонли амирлар Ҳиндистон элчиларига тўй берсинлар», деган муборак фармон содир бўлди. Шу фармонга биноан давлат арбоблари, ҳазратга мансуб аъёнлар навбат билан дилкаш мажлислар, зебо ва гўзал базмлар курдилар; шодлик палосини солиб хурсандлик дастурхонини ёздилар, шавқу завқ, айшу ишрат эшигини очдилар, сабаби Ҳиндистон элчилари зафарнишон сипоҳларнинг ҳар бирига Ҳиндистоннинг тансуқ совғаларидан кўп миқдорда беришган эди. Уларга ҳам жуда кўп қийматли асбоблар, фахрли, елдек юришли отлар, чопқир ҳачирларни, олтин билан зийнатланган эгарлари билан, яшиндек еладиган ёки Буроқдек учадиган туяларни қатор-қатор қилиб совға қилдилар. Турк наслидан бўлган гўзал йи-

гитларни, нағмачи канизакларни ҳам эҳсон қилдилар. Зулқаъданинг охирларида<sup>940</sup> «Амир Қурайш жаноблари Ҳиндистон элчиларини олиб Бухоро дорилмулкига етказсин то Ҳирот фатҳи муяссар бўлиб қайтилгунча қозилар қозиси Нуриддин Муҳаммад улар учун бир дилкаш манзил ва зебо, гўзал мақом тайёр қилсин ва уларга вазифа, емак-ичмак тайин қилишга буюрсин, ҳамма катталар, шарафли зотлар уларни кутиб турсин», деган муборак ҳукм нуфуз шарафини топти. Бундан илгари: «Наввоб Ёрмуҳаммад султон Ўзбекхонга ёрдам бериш учун Тошканд ва Туркистон томонга борсин», деган фармон содир бўлган, ҳозирча ул жаноб боргани йўқ эди, «Султон ҳазрат кўшини билан Ҳиндистон элчилари қаватида Бухорога жўнасин», деган жаҳон итоатли фармон содир бўлди.

ОСМОН БИЛАН СЎЙЛАШГАН ҚАЛЪАНИ ЭГАЛЛАШ  
ҚАСДИДА ЗАФАР НИШОНЛИ ЖАНГЧИ  
СИПОҲЛАРДАН БИР ТЎДАСИ БИЛАН У ТОМОНГА  
ЖЎНАШИ БАЁНИДА

Парда орқасидан жаҳонни ёритувчи қуёшдек бу қиссанинг ой ёғдусидек шуъласи ақл эгаларининг тўғри фикрлари ойнасида ярқираб кўринди. Бунинг маънисини шулки, қаюю қадар котиби мўъжиз низомли каломида: «Биз ҳар бир нарсани ўз миқдорида халқ этдик»<sup>941</sup>, деди, султон ҳазратнинг умри узун бўлсин, жаҳондорлик ёрлиғи мамлакатгирлик фармони: «Мулкни хоҳлаган кишингга берасан»<sup>942</sup>, деган оят девонхонасида ёзилиб: «Дунёда уни сараладик»<sup>943</sup>, деган оят рақамининг умиди пешонасига, иззату иқболи юзига чекилиб, шодлик билан тўлган фармонидан: «Истаган кишингни азиз қиласан»<sup>944</sup>, деган оятнинг нуруний мазмуни ошқора бўлди. Улуғлик, бахтиёрлик нури пайдо бўлишининг ибтидоси хилофат ва қомронлик субҳи бошланишидан бошлаб, Тангри таолонинг амри ва ваҳийнинг таъзимини бажо келтиради, миллату ислом яловини баланд кўтаради, бидъат ва исён ўтини ўчиришга ҳаракат қилади. Тўғри фикрининг равшан нури ва порлоқ зиёси зулм ва фисқу фужур зулматини қуфру ширк қоронғулигида равшанлик соҳасидан, мустаҳкам, олий шариат саҳифасидан аритади. Шу яхши ният ва гўзал эътиқод баракотидан иззат ва шарафли қўшин қайси томонга ҳиммат билан юзини қўйса, у

томондан фатху нусрат гўзали юз кўрсатади. Бахту давлат келини ниҳоятсиз шавқ, муҳаббат билан фармони тутади.

Н а з м:

Агар у хар бир томонга зафарнишон  
кўшинини юргизса,  
Фатх гўзали тезлик билан уни карши олади.

Бебахона ҳаким, яъни Тангри, амри олий бўлсин, агар гоҳида улуғ нишонли кўшинини юриш вақтида тўхтаиб қўйгудек бўлса, матлуби ҳам юз кўрсатмаса, умиду орзулари юлдузи уни бахт матлаиға кўтарса-ю, аммо муроди юз кўрсатмаса, билмоқ керакки, албатта у бир маслаҳатга биноан бўлгандир, унинг хикмати кетидан пайдо бўлгандир. Муқаррар ва муайяндики, то бир киши мақсади ва матлаби кўрғонини очишга таважжух қилган пайтда машаққат тортмаса, захмат чекмаса, ҳеч бир важҳ билан муроди оёғини умидининг буржу борасига қўёлмайди ва олий давлат яловини фахрланиш қалъаси тепасига тиколмайди.

Н а з м:

То замонанинг жафосидан ёқут дили қон  
бўлмагунча,  
Жавохирфуруш олдида унинг кадри ортмайди.

Бу қиссанинг хулосаси шулки, қамал муддати беш ойга чўзилди, муборак зулҳижжа ойи туғилди<sup>945</sup>, Абдулмўмин султоннинг зафарнишон сипоҳларидан бир гуруҳ интиқомчи, найзадор, ханжаргузор йигитларки, агар улар хоҳласа қоронғу кечада чумоли кўзини, илон оёғини бир ипга тизарди, улар жумласидан баҳодирлик чўққисининг тез кўзғолувчи қоплони Ҳожи Мирзо қушчи, мардлик-мардоналик уловдори Қосим чухра окоси, жанг майдонининг яккатози Иброҳим ошқора иззату қудрат дуржининг қийматбаҳо гавҳари Муҳаммад Солих ўғлон, шижоат ва кинаворлик буржининг юлдузи Абдул кўрчи, жанг синоқчиси, зафарли баҳодир Арабтой, мардоналик тўқайининг арслони Узбек қушбеги, буларнинг ҳаммаси бир кечада йиғилишиб, фикр ва бир хилда хаёл кўзғашиб, қуйидаги қарорга келдилар: Кечаси қизилбошларнинг авбош ва бебок кишинлари ва соқчиларининг «огоҳ бўл!», «ҳозир бўл!» деган нолаю фарёди тонг отишга

якин тўхтаб ором олгач, мана шу пайтда шоту нарвонни қалъанинг буржу деворига қўйиб, мустажоб бўлган дуодек қалъа тепасига чиқишмоқчи бўлдилар. «Биз кечасини либос қилдик»<sup>946</sup>, деган оят мазмунича иттифоқо ғоятда қоронғуликдан қора кийим кийгандек бир кеча эдики, кўзнинг кўрар хиссини нарсаларни кўришдан, сезишдан маъзул қилган эди,

Н а з м:

Махшар кунидек қоронғи кеча эди.

У кечада ёритиб турган на сайёра юлдузлар ва на ой бор эди. Сипоҳнинг баҳодирлари ва шижоатли жангчилари, зафар дастгоҳли ботирлар, жанг талабгори бўлган интиқомчилар, Тангри инояти ёрдамига ишондилар, дин паноҳи бўлган ҳокон, Тангри сояси бўлмиш султоннинг давлати қувватига суяндилар. Зафар жанговари, қуёш хусравининг олтин таноби фируза рангли осмонга кўтарилмасдан, барқ нишонли тиғи осмон қалъаси ва Зухал кўрғонини ишғол қилмасдан аввал,

Н а з м:

Зафарли, жанговар турк қўмондонлари,  
Шавкатли ва зўр қувватли ботир баҳодирлар,  
Совут эгиларида,  
Пўлод дубулға бошларида, қилич белларида,

душман ҳаёти асосини йиқитиш қасдида темир тоғдек бўлишиб қалъага юз қўйдилар. Журъат этагини белига қистириб, шоту, нарвон талаб қилишиб ва шиддат билан хандақдан ўтиб, юқори томонга интилдилар. Ҳиммат қадамини илгари қўйиб, баланд нарвондан чиқиб, қалъа деворига улардан аввал қадам қўйган киши Иброҳим ошқора бўлди, чунки у доимо қудратли давлат ёрдамида эди, қалъадагиларга ошқора бўлиши шундан бўлдики, уларнинг тинчлигини асло у кўз олдига келтирмасдан, қиличини туғ қилиб, худди оч бўридек ўзини у галага ташлаб, олдига солиб сурди. Унинг кетидан иш кўрган ботир йигитлар жонсипорлик маросими ва жанговарлик лавозимини изҳор қилдилар. Тангри ёрдами ва инояти билан тоғ каклиги ва ов қушларидек у мустаҳкам қалъа устида учишди. Салавот ва такбир ғулғуласи олий осмон авжидан гирдак фалак

чўккисидан ошди. Жидду жаҳд қўлини жиход вазифаси адосига узатди. Йиртқич йўлбарсдек у коплон шуқуҳли тўдага юз қўйдилар. Қалъадагилар зафаршиор сипохлар, ботир аскарларнинг қалъа устига чиққанларидан хабардор бўлгач, шошилиб қолиб, саросимага тушдилар. Қоронғи кечада кучлари етгунча қуролланиб, жанг қилишга тайёрланиб, жангга қасд қилдилар. Душман кетма-кет ҳужумга ўтди. Ҳужумга ўтиб, ўзини сақлаш қасдида мудофаага жилов бурди; фатҳу нусрат умидида от сурди. Икки томондан баҳодирлар тўхтовсиз бир-бирига ташландилар, зўр фитнани қўзғаб, худди ғазабланган аридек, бир-бирига ёпишдилар. Шунчаки душман аскарлари совутга, ўққа, тўфанга, камону замбаракка қўл очса ҳам, атоқли йигитлар, қилич тортувчи ботирлар уларнинг ёғдирган ўқини ёмғир ўрнида кўрдилар. Душман ҳамласини елдек гумон қилиб, унга эътибор бермадилар. Яшиндек чакнайдиған қиличлар жанговарлар қўлида чакиндек чакнардди. Кўкрак ёрадиган найзалар Уқоби жанг маъракаси мардоналарининг камонидан парвозга келиб, фазо юзини қаноти билан ёпди.

### Н а з м:

Зафар ёри, нусрат шиори бўлган сипохлар  
Қалъа устига қадам қўйдилар.  
Ёқуту жавоҳир билан безатилган қиличини  
қинидан суғуришди,  
Қалқонни қўлига, булут орасидан чакнаған  
чақиндек ярқиллаган қиличини кафига  
тутдилар.  
Қалъа устидаги ботирларнинг кийган совути,  
Худди жилва учун тоғ устига чиққан  
коплондек кўринарди.  
Агар улар камонга қўл узатса, камон шавқидан  
кучоғини очарди.  
Сахар шамоли гул япроғидан ўтган  
баҳодирларнинг ўқи қалқонидан ўтди.  
Ботирлар ҳар икки томондан қўлига милтиғини  
олиб,  
Маст бўлган филдек етиб келдилар.  
У жангда милтиқлар шуъла сочиб,  
Аждаҳодек ҳар томонга ўк сочардилар.

У воқеада шон-шавкатли ва куч-қувватли йигитлар, наҳанг ҳаракатли ботирлар жанг расму-русумини номдорлик риоясини қўлдан беришмади. Душманга қарши туриш лавозимларига, жанг қилиш дақиқаларига эътибор бер-

масдан турмадилар. Лекин қалъа деворига ва буржигача чиқишда бирмунча санокли кишилар чиқиб тубандан ҳам баҳодирлар, ботирлар ҳозир бўлиб туришган эди, то булар йиғилгунча қалъа ичидагилар узлуксиз етиб келиб, кўпайишиб кетди. У ит сийратли, дев суратли, йиртқичлардан, хайвонга ўхшаған безбетлардан кўпини ўлдирдилар. Сўнгра у паст хоксорлардан бирмунчасини ғозийлар қиличи билан дўзах ўтига юборишгач, зафар асарли сипоҳ мақсадга етолмасдан, ноилоҳ, орқага қайтдилар. Қайтиш этагини белига қистириб, зафару нусрат билан ўз қароргоҳларига етдилар.

### КОЗИ АРАБНИНГ ОЛИЙ ОСТОНАНИ ЎПИШ УЧУН КЕЛИШИ БАЁНИДА

Бу вилоятда Бухоро томонидан шариат мансуби, ҳукумат мансабдори, ҳожатмандлар паноҳи, давлату дин низоми, накшбандийлар нисбатдори қози Араб олий даргоҳга келиб муборак палоснинг четига етишиб, ҳазрати олийларининг қўлини ўпиш шарафига мушарраф бўлди ва ғоятда шараф топди. Хоқон ҳазрат метин кетмон зарби билан қалъа остидан қовлаб боришни, қўли қаттиқ, тўхтамай қовлайдиған кишиларга буюрди. Кўшк томонидан: «Ихтиёрдин қалъаси тўғрисида, ер остидан бу олий қалъага йўл очишни химматларига рўқач қилсинлар», деб буюрди. Бу ишни саъй-ҳаракат билан тамом қилиниши қози Араб химмати қабзасига қўйилди. Олий фармонни маҳкам тутиб, қози Араб ирода камарини белига боғлаб, қасди қадамини талабга мувофиқ тамом қилиш тарафига қўйди, бу ишда ғоятда куч-қувватини изҳор қилиб, хизматкорликнинг додига етқизди.

### ҒАЗО ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲИ ВА БЕМАЗА БУЗУҚИЛАРНИНГ ТОР-МОР ҚИЛИНИШИ БАЁНИДА

Балоғат саҳифасининг файзбахш муҳаррирларига, фасоҳат дебодасининг қотибларига маҳфий қолмасинки, ҳар ишга кушойиш берувчи Тангри фатҳу зафари унинг: «Биз осмон эшикларини очдик»<sup>947</sup>, деган оятдан ва унинг асрори ва ҳикматидан бир нуқтадир. Қазою қадар асбобини сабаб қилувчи Тангрининг: «бўладиган ишларга Тангри ҳукм этади»<sup>948</sup>, деган

ояти унинг амри ва ишорати дарёсидан бир катрадир. Хоқон ҳазратнинг бахтли ва саодатли аскарлари чехрасини давомли давлат зийнати билан зийнатлангандир, фатҳу нусратли сипоҳини: «Агар фатҳ талаб қилсанглар, ҳақиқатда сизларга фатҳ келади»<sup>949</sup>, деган оят зийнати билан оройиш бериб, мурод мамлакатиди музаффар қилди. Бу сўз қандай яхши айтилганки,

### Н а з м:

Юлдузлар ихтиёрсиз фармонинг бандасидир.  
Осмон эса мажбуриятсиз фармонингга  
бойлангандир.  
Сенга осмон юлдузлари аскару, осмон  
аскароғингдир.  
Сенга шохлар, фаришталар дуоғўйу  
давлатхоҳдир.

Жаҳонга паноҳ бўлган боргоҳинг чамани: «кенглиги осмон ва ерча бўлган жаннат»<sup>950</sup>, деган оят унинг сифатидир. Ихлосли бандалар ихлоси ниҳолидан ва хос давлатхоҳлар иқболи гулшани билан нур, сафо, равнақбахш бўлди. Ва унинг фалакка шубҳа солувчи даргоҳининг забаржад<sup>951</sup> рангли гулшани соф ниётли чокарларнинг нуруний қалблари вафодор хизматкорларнинг тоза диллари чечаги билан зебу зийнат топти.

### Н а з м:

Униси харамиди ваҳшийлар, кушлар ором  
топти.  
Адолати жонибида инсу жон тинч ва осуда  
бўлди.  
• Осмон қиличи билан белини бўшатди.  
Замона камони гарданидан ипини йиғди.

Бу муқаддима тартибидан ва бу ҳикоя интизомидан мақсад шулки, ўша кунлари Беккошбийнинг одами фалак хашаматли даргоҳга келиб, ҳурмати вожиб хизматчилар воситаси билан, арз қилди: «Газо қалъасининг ҳокими Кенжа Али султон доимо муҳолифатчиликдан дам уриб, тўғри йўлдан оёқ тортиб, вилоят атрофига золимона қўл узатиб, келмоқда; ноҳия одамлари ундан қўрққанларидан қалъадан ташқарига қадам қўёлмайдилар. Қўрқинчлари шу даражага етганки, қалъадан чиқиб экин-тикинларини ҳам қиллол-

майдилар; дехқончилик асбобларини сошлаб, зироат қоида-қонунини тартибга солалмайдилар. Агар подшоҳона ҳиммат ҳаракатга келса, бир жамоа сипоҳларни бизнинг ёрдами-мизга юборсинлар; биз у ёмонлар пешвоси бўлган тоифанинг ёмонлигини дафъ этишга ирода қадамини қўямиз. Унинг тасарруфи қўлини вилоят соҳасидан қисқа қилишимиз муносиб қўринади». Бу ходиса воқеъ бўлиши ва воқеа пайдо бўлишига биноан, олий ҳазрат ўз аъёнларидан ва давлат арконларидан олий даражали, давлат ва ҳукумат мансубли, хашамат ва шавкат нисбатли, адолат иқтисобли<sup>952</sup>, иззату қудратли, мулк низоми амир Кучак ўғлон, Тангри унинг иззатини давомли қилсин, осмоннишон пойтахт олдида тиз чўкиб сохибқирон ҳазратдан мазкур қалъанинг фатҳ қилиш ишини ўзига ҳавола қилишини илтимос қилди. Фалак унинг ғуломи бўлган хоқон у саодатёр жанобнинг илтимосини қабул қилди ва бу хизмат рақамини унинг атоқли номига ва улуғ исмига ёзди ва ҳамма йигитларни у билан бирга бориб қалъани эгаллашга буюрди. «Сайидликка мансуб, рехтагар амир жанобларининг санъати бўлган камону раъд олиб, зўр шавкату ҳайбат билан ирода қадамини у томонга қўйсинлар», деган муборак фармон жорий бўлди. Фармонга биноан қўли очиклик ва эҳсонли Кучак ўғлон ҳамма йигитлари билан ҳамда зафарнишон сипоҳлардан Муҳаммад Али ўғлон, Тангриберди ўғлон, Султон Муҳаммад ўғлон, казою қадар қудратли Муҳаммад Замон ўғлон каби бир тўда сипоҳлар отларини тақимларига олиб, жанг олот ва асбобларидан қалъанинг фатҳига, шаҳарнинг тасарруф қилишга даркор бўладиганларини олиб, жўнашдилар.

### Н а з м:

Кўзғолди ҳурматли амир Кучак ўғлон  
Отига миниб Газо томонга.  
Белига осилган пўлод қиличи,  
Безалган ёқутдан, лаълу жавҳардан.  
Гул рангли қалқони осмон қуббаси,  
Куёш шуъласи, шафақ нуруми;  
Бўйнига осилган камони унинг,  
Қанотин ёйган Ҳумо қушими;  
Найзаси эса офат кўзғатар,  
Шакар ўрнига доим қон тўқар.  
Унга қўшилган асил йигитлар,  
Кора кўзlidir, жонлар офати,



Хаммасин киприги офати замон,  
Хар бир томонга ундан ўқ ёғар.  
Кифтида қалкони шўх гўзаллардир.  
Қавс камон каби ранг-баранг тутган,  
Агар от устида жилва қилсалар,  
Баланд тоғ устида кўринган ўтдир.

Олийнасаб хокон амри билан шаҳидлар сайидаси Гавҳаршод оға масжидида рехтагар амирнинг қўйган тўпиданким, хар бирига Бухоро вазни билан уч ботмон тош ишлатиларди, у худди оғзини очиб заминунга ўт сочиб турган аждаҳо эди, уни занжир билан тортиб, чексиз бир жамият, зўр бир сиёсат, ғоятсиз савлат билан жўнаб, ул осмоннишон қалъанинг тагига етдилар. Ва у шундай қалъа эдики, уч томони сахийлар кафтидек очиқ эди. Баландлиги шу даражада эдики, хаёл куши унинг чўққисига етишдан ожиздир ва андиша элчиси унинг буржларига кўтарилишдан саросимада қолиб, ҳайрон эди. У қалъа девори теварагида жуда чуқур хандақ қазилган бўлиб, унинг хар жой-хар жойидан жумжума кудук қазилган эди.

#### Н а з м:

Деворининг боши осмондан ошган,  
Кунгираси куёшга бош тираган,  
Осмон шунча қадри билан этагида ётган бир  
тўда тупрок,

Фалак боши ундан эзилган,  
Эшиги эса жимжима ёқутли эди.  
Қаттиқликда Бесутундан сабоқ оларди.  
Унда ётган қоплонлар устин оёқли эди.  
Тоғ атрофини денгиз ўраб олгандек кўринарди.  
Қалъа теварагида қазилган хандақ,  
Баландликда боши осмондан ошиқ эди.  
Кечада Зухал юлдузи эшигида посбонлик  
қиларди,

Хар бир бурждан бош кўрсатган кўза эмасдир,  
Балки улар баҳодирлардир, девор устида,  
Наргисдек ҳамма вужуди кўз бўлиб сақлайди  
тун бўйи туриб постида.

Кўмилиб совут темир либосга,  
Туради постида кўзини тикиб.

«Бекойбий ҳам қалъани фатҳ қилишда гўзал сифатли фикридан амир Кучак ўғлон билан биргаликда эхтимом кўрсатсин, унинг тўғри топган, маслаҳат кўрган ишидан асло четга чикмасин», деган мазмунда муборак фармон содир бўлди. Олий фармонни тутиб Бекойбий

тўхтовсиз ғурийлар ичидан чиқиб, адоватдан, нифокдан холи бўлган иттифоклик билан ул мустаҳкам қалъа теварагига динга нусрат бериш йўлида ғазаб, кина яловини тикди. Бу танг жаҳондан сурнай, карнай овозини яшил осмон, мийно ранглик фалак чўққисига кўтариб, сурон солди; зўр жидду жаҳд билан эхтимом қилиб, ўзининг олий ҳиммати юзига қалъа фатҳини рўқач қилди. Қалъадаги кишилар эса қизилбош тоифасидан ва йиғинди бебок халқлардан эдилар, ким бўлишдан қатъи назар, ўқ отишда мохир, нафтбозликда нодир бўлишган эдилар. Отилган ўқ етадиган ерда кимдаким қалъадан ташқарида кўринса, энг хунхор ва ўт сочувчи милтиқ ўқи билан унинг бошидаги сочини учирай эдилар. Улар тўхтамасдан қалъа атрофидаги ҳамма шикаст-рехталарини қилардилар. Қалъани маҳкам сақлашга, девору буржини сақлашга юз ўғирдилар. Қалъанинг хар бир кунгираси кетига бирмунчадан кишини тайин қилдилар ва совутхоналарга кучли ўқ отувчиларни қўйдилар. Агар сиртдан халқ қадам қўядиган бўлса, уларни ўлим таъсирли ўқ ва милтиқ захми билан олддан кўтариб ташлардилар. Шу ҳолатда бўлиб туришга қарамай иззатли ва иқболли амир «Куч-қувватли ботирлар, қаттиқ қўлли жангчилар қалъанинг ҳамма тарафидан тешик қовлаб, хандақ сувини тешикдан ташқарига чиқариб ташласинлар», деб буюрди. Шунга биноан у фил танли, йўлбарслар йўлбарс овлаб, филга ташланадиган қоплонлар тўхтовсиз тешик қовлашга юз қўйишиб, сувни хандақдан чиқариб тозаладилар. Унинг суви чашмадан қайнаб чиққанлигидан, сув чашма кўзидан қайнаб чиқиб, борган сари ортди. Уни тўхтатишга асло илож топаолмадилар. Аммо, қалъанинг фатҳида, буржу бурси эхтимолида сўзсиз жидду жаҳд кўрсатдилар. Қалъа фатҳи тўғрисидаги муҳим ишларни тайёрлашда, кўпчилик мақсадининг интизомида бир дақиқани ҳам риоясиз қўймадилар. Амир Бекойбий одамларни йиғиб, қалъа муқобилига баланд бир тепалик ясашни буюриб, ундан кўнглини тинчитди. Унинг устидан туриб отишга кучли ўт отувчилар, нафтбоз ва милтиқ отувчиларни тайин қилди, чунки уларнинг отган ўқи учи билан тўхтамасдан қалъа устидаги қузатувчиларнинг кўзини қон билан бўядилар. Милтиқ, тўп, замбарак ўқлари уларнинг кина билан тўлган кўкракларидан совут шаклида туйнукчалар очди.

### Н а з м:

Ботиру баходирлар юкори ва пастдан туриб,  
Турклар мижгонидек бири-бирига кина  
  тутардилар.  
Уларнинг ҳаммаси устига совут, бошига  
  дубулға кийган,  
Санубар шаклидаги ботирлар эдилар.  
Икки томонда турган баходирлар белини  
  маҳкам боғлаб.  
Кўлига қилич, ўқ, найза тутишган эдилар.  
Баробар очилиб-ёпилиб турган гўзаллар  
  мижгонидек,  
Пастдан баланддан баробар саф тортидилар.

Эртадан кечгача, кечдан тонг ёригунча икки томондан жангу жадал ўти ғоятда алангаланиб, шуъла урарди, шаҳар олувчи баходирлар ҳамласи, «ушла!», «тут!» деб солган суронининг садоси каттаю кичик, ёшу қарининг кўнглидан сабру қарорини олди; тўплардан барқдек отилган ўқ у мустаҳкам қалъа девори буржини ерга қулатди. Аммо қалъадаги халқ сўйилган киши ҳаракатидек ҳаракат қилиб, вайрон бўлган буржлар таъмирига уринардилар. Сомон тўлатилган қанорларни ва хўлланган наматларни осилтириб, у билан дафъ қилиш хаёлини қилишарди.

Шу вилоятда улуғлар кўзининг нури Абулғозий Абдулмўмин султон сайру шикор қилиш, қарчиғай, лочин солиш учун Газа қалъаси яқинига етиб келди. Олийнишон Кучак ўғлонга хос иноятига биноан, у билан бирга қалъа девори томонига юзланди. Қалъадаги халқ Искандар шиорли султоннинг келганидан хабардор бўлгач, тўхтовсиз узр айтиш қўлини унинг тавба-тазарруъ этагига уриб, султонга лойиқ пешкашлар, мувофиқ тухфалар билан бирмунча бош яшин асарли тўбичокларни, ёқут ва жавохир билан безалган турли инжу, дурлар қадалган олтин эгарлари билан, қалъадан чиқариб султонга юбордилар, гуноҳларидан, хатоларидан афв сўрадилар, итоат қилишни изҳор қилдилар. Султон ҳазрат эса бу назм мазмунича,

### Н а з м:

«Одам Ато замонасидан бошлаб подшо  
  давригача,  
Улуғлардан кечириш ва кичиклардан гуноҳ  
Содир бўлиб келган», деди.

Ва ёвлашганлар жаримасига афв рақамини  
тортди.

Замона тақозосига биноан, қалъани Ганжи-али султонга бахш этди. Юқорида тилга олинган тухфалардан бир қисмини олий даргоҳга юборди, қолганини эса Кучак ўғлон жанобларига топшириб, уни ҳар хил меҳрибончиликлар билан сийлади. Кучак ўғлон у жойдан комёб, комрон бўлиб, ирода яловини кўтариб, бахту давлатга яқин, иззату саодатга ҳамнишин бўлиб, жаҳон мартабали лашкаргоҳга жўнади. Етиб боргач, палос ўпиш шарафи билан мушарраф ва шоҳона иноят, хусравона атолар билан мумтоз бўлди. Қадри ва мартабасининг даражаси осмон авжидан ошди. Бундан илгари Ҳирот қалъаларидан маҳкамлигида машхур, мустаҳкамликда маълум бўлиб, халқ оғзига тушган Нийрату қалъаси эди, чунки унинг биноси тоғ чўққиси устига қурилган бўлиб, шунчалик баланд эдики, боши тез айланувчи осмон авжига етарди; ҳамма тарафидан буржу борулари уни салобатли қилиб кўрсатарди. Унинг жанубида бир тоғ унга туташган бўлса ҳам, аммо баландликда ундан ўтарди. У жойда биргина айланма йўлдан бошқа йўл йўқ эди. У қалъанинг айланасида жарлик бўлганлиги сабабидан аскар тушиб, осмон асарли чодирларни ўрнатиш қийин эди. Ўтмишдаги подшоҳлар олтин, қумуш, молу манол сақлаш учун у жойга қалъа солишган ва тураржойлар қуришган. Унга мустаҳкам дарвоза ҳам қуришган, сув сақлаш учун тошдан ховузлар бунёд этишган эдилар. У қалъанинг истехкоми шу қадар эдики, қимдаки у қалъага оёқ қўйса, гарданкашлик ҳавоси унинг бошига тушарди. Бу муқаддималар таҳрири ва бу хикоялар тасвиридан мақсад шулки, вилоятдаги убехлик кишилардан бир тўдаси келиб, қалъа ҳокими Шохмурод булуждан тўлиқ шикоят қилишди. Арзгоҳга келиб туриб қуйидаги мазмунда арз қилишди: «Аскарлардан бир тўдаси ғалла сўраб келишган эди, мазкур Шохмурод булуж энг шижоатли, донгдор, ботир кишилардан бир тўдаси билан кишлок ўртасига келиб, талон-торожга қўл чўзди; фуқародан баъзисини интиқом ханжаридан ва эҳтимом қиличидан ўтказди ва бошқа бир гуруҳини асир қилиб қўлга туширди. Жонли моллардан у атрофда ўтлаб юрган туя, қўй ва булардан бошқа чорваларни ғанимат билиб, талаб кетди». Иккинчи

марта яна улар куйидагича арз килдилар: «Нийрату қалъасининг атрофига паноҳ тортиб келиб жойлашган одамлар бор. Улар у қалъага суяниб ва унинг мустақкамлиги билан ғурурланиб, ҳамиша бошини саркашлик ёқасидан чиқариб, мусулмонларга таарруз қиладилар, келадиган-кетадиганларга зиён-заҳмат етказадилар. Бу ногўғри йўлдан қайтмайдилар. Бу ҳодиса такроран воқеъ бўлди». Убёҳ булуки<sup>953</sup> эса султон жанобларига тааллуқли эди. Шунга биноан султон дарҳол ўзига «хос сипоҳлардан баланд даражали Абдулбоқибий, давлат рукни Шохмуҳаммадбий олачопон ва Қудошбий дўрмон, Оҳан Пўлод кипчоқ ва бир тўда кипчоқ кишиларини бирга олиб, Нийратуга жўнасинлар, агар унинг яқинига боролмасалар, одамлар бориб-келиб турадиган йўл билан қалъа ўртасидаги жойда туриб қалъадаги халқ ахволидан, савдогарлар ҳолидан ҳабардор бўлиб турсинлар», деб буюрди. Фармонга мувофиқ ўша уч амир ирода юзини йўлга буриб, ҳиммат қадамини давлат душманлари томонига қўйди. Йўлда у лаънати фожирлар, динсиз кофирлар «Убёҳдан олган молу манолларни олдиларига солиб кетаётибди, ҳозирча қалъага етганларича йўқ», деган гапни эшитгач, Абдулбоқибий баҳонасиз дарҳол ғоятда ҳашамат ва давлатмандлик билан ҳаммадан илгари жўнаб, тезликда етиб бориб, уларнинг йўлини тўсди ва маҳкам туриб, мардоналик тўбичоғини ўрнидан қўзғатиб, душманга ташланди. Чақин шиорли қиличини туғ қилиб тутиб, аждаҳо кирдорли найзасини баланд кўтарди; журъат қулочини ёзди. Душман биринчи хужумдаёқ унинг ҳамласига чидаб туролмасдан ўзига яқин турган тоққа қочди. Амирлар уларнинг кетидан етиб бориб, уларни ўша ерга қамади. У адоватли фирқадан ўч олишга ғазаб ва интиқом камарини белига боғлади. Улар у ерда озик-овқатсизликдан куч-қувватидан айрилиб, ноилож пастга тушиб, қўлини камандга, ғавғоли бошини бандга топширдилар. Абдулбоқибий эса бир гуруҳ сипоҳлар билан Нийрату томонга жўнади, Шохмуҳаммад олачопон қизилбошлар, форс ва бошқа кишилардан саксон кишини олиб баланд остона томонига жилов бурди. Муборак одатли ҳазрат асирларни ўтқир қиличдан ўтказишга, у бепокларнинг ифлос вужудидан замона сакхифасини тозалашни буюрди. Султон ҳазрат Шохмуҳаммадбийни ўз пойтахтида сақлади,

Абдулбоқибийни эса Нийрату қалъаси қамалига тайинлади. У тадбирли зот осмонмонанд кўрғон муҳосарасига таважжуҳ қилди. Шохмурод ҳарбий силоҳлар билан салоҳланган пиёда ва савора зўр бир жамият билан қалъа ичидан чиқиб, жанг қилишга тутинди. Фатҳ асарли амир Абдулбоқибийнинг у пайтда кишиларининг қўпи пиёда, отидан ажраган эди, ёлғиз Қудошбий дўрмоннинг ихтиёрида ўн иккитагина кишидан бошқаси отлиғ эмас эди, улар ботирлик қадамини қўйди, шижоат қувватини очиқ кўрсатди. Аждаҳо нишонли найзасини байроқ қилиб, интиқом қиличини кўтариб душманга юзланди. Ўқ ва қиличнинг кетма-кет етқизган зарбидан булутдан кўринган яшин ва чақин шуъласидек ўтни уларнинг қарори ва саботи қалбига отди ва уларнинг жамияти асосини бузишни ҳиммати юзига рўқач қилди.

### Н а з м:

Давлатга қувват беришда ариллаган  
йўлбарсдек бўлиб,  
Душман билан жанг қилиш йўлида далир  
эдилар.

У томондан муҳолиф қарши чиқиб мудофаага қўл узатди, жуда зўр ҳаракат билан мардоналикнинг додини берди. Шу қадар жанг қилишдики, бир неча маротаба икки томон бир бирига хужум қилиб, жойидан қўзғатишга қодир бўлмадилар. Душман илгари ўтиб турган пайтда Қудошбий дўрмонни отдан улоқтириб ташлашган эдилар. Абдулбоқибий озгина жамият, қўп умид остида бир тўда зафар асарли сипоҳлар билан у маккорларга ҳамла қилди. У бефойда ҳаракат қилувчи хоксорлар ҳалокатга учрадилар ва улардан қўпи отлар оёғи остида поймол бўлди. Хавфу хатар қўлида эзилдилар.

### Н а з м:

Жанг қасдида қилич кўтаргач,  
Душман конидан ер лоларанг бўлди.

Улардан бир тўдаси қўлга тушди ва бирмунчаси пиёда, отлиқ қалъага ва тоққа қочишга юзланди. Тадбирли амир Абдулбоқибий асирларни, бирмунча бош тўбичоқ ва ўзга ас-

бобу олотлар билан, халқ хожаси Абдулмўмин султоннинг даргоҳига юборди, ўзи эса султоннинг буйруғига биноан келган жойида тўхтаб турди, чунки у қалъа тагида туриб, халқни сақлашга ҳиммат камарини боғлаган эди. Келиб кетадиганларнинг ҳеч бирига зарар етмади.

Сўзнинг қисқаси, асирлар султоннинг олампаҳо даргоҳига келтирилди. Султон ҳукмига биноан уларни қиличдан ўтказдилар. Абдулоқибий ҳақида подшоҳона марҳаматлар изҳор қилинди. Унинг мартабаси ва даражаси баланд кўтарилди.

У МУСТАҲКАМ ҚАЛЪАНИНГ ФАТҲИ ИРОДАСИДА  
ЗАФАР ШИОРЛИ БАҲОДИРЛАРДАН БИР ТОИФАСИ  
БИЛАН МУҲАММАД БОҚИБИЙНИНГ ТАВАЖЖУҲ  
ҚИЛГАНИ БАЁНИДА

Ақли, идрокли зотларнинг қуёш таъсирли кўнгиллари ва нуроний хотирларига осмон ўртасидаги қуёшдек равшан ва ошқор бўлсин ва махфий қолмасинки, оламини яратувчи Тангри, унинг неъматлари узлуксиз бўлсин, Жамшид ҳашаматли ҳоконни аввал яратишда ҳокон давлати пешонасига: «Биз сенинг учун ошқора фатҳни ато қилдик»<sup>954</sup>, деган оятни туғро қилди. «Саодат ёрлиғи унвонини Тангри сенга зафар билан ёрдам йўллайди»<sup>955</sup>, деган оят мазмуни билан тўлиқ зийнатлади. Лекин бир маслаҳат сабабли гоҳида фатҳу зафарли аскарнинг, замон тақозосига биноан, умиди, орзуси юлдузи ҳайрат водийсида қуяди, сўнгра душман билан жанг қилган пайтида комил зафар ва тўлиқ ғалаба билан бахтиёр бўлади. Бу сўзни қандай яхши деганлар:

Н а з м:

То ғам емагунча инжунинг кадри ортмади,  
То лаъл жигарини қон қилмагунча баҳоси  
ошмади.

Бу ҳикоятлар тасвири ва бу ривоятлар таҳриридан мақсад шулки, Абдулмўмин султоннинг зафарпаҳо сипоҳларидан бир гуруҳи таважжуҳ юзини қалъа томонга қўйишган эди, зўр жидду жаҳд билан иродаси яловини осмон интизомли қалъа устига кўтарди. У юкорида баён этиб ўтилди. Хоннинг зафар асарли аскарларидаги интиқомчи йигитлар ва жонбоз

баҳодирларнинг жамияти томири доимо ҳаркатда эди, агар вақт топар эканлар нарвон, шотуларни қалъа деворига қўйиб, юқорига чопардилар. Қачонки, сафар ойи<sup>956</sup>, хайрли бўлсинки, у зафар билан тамомлансин, юз кўрсатиб пардани юзидан кўтаргач, муборакнишон ҳокондан қуйидаги жаҳон итоат этган ҳукм содир бўлди: «Шу пайтда навбатба-навбат, кеча-кундуз халқ ўз мурчилларидан салоҳланиб туриб сурон солсинлар. Агар вақт тақозо қилса, қалъа фатҳини ҳимматларига рўқач қилсинлар». Бу фармон содир бўлгач, бунга қўшимча у шижоат қутисининг гавҳари, ботирлик буржининг юлдузи, иззатли ва қудратли амир Муҳаммад Боқибий дўрмон эшик оқоладан бир тўдаси билан, бир фикрга келиб, маслаҳатлашди. Ҳаёл қувватидан қуйидаги маъни юз кўрсатди. «Бизнинг ишимиз одамгарчилик расму русумидан, мардоналик йўли ва ҳамиятидан ғоятда узокдир, чексиз четда қолишдир, чунки биз бу чўзилган муддатдан ва узун замондан буён умримизни мурчил сақлашга сарф этиб келамиз. Ҳамиша у ғазабга гирифтор бўлган гуруҳларнинг мудофаасига, манъига эҳтимом қилиб, кундузни кечага ва кечани кундузга айлантирамиз. Энди муносиб ва лойиқ иш шундай кўринадики, ҳар нима бўлса ҳам жондан кўнгили узиб, ширин жонни йўқ ўрнида кўриб, Фарходдек бу тоғ каби қалъанинг белига маҳкам қўл урайлик, журъат оёғини бу олий кўрғон тепасига қўйиб, баҳодирлик тантанаси овозини мунаққаш осмон тосига ташлайлик. Бизнинг хоҳиш ва тадбиримиз Тангри тақдирига мувофиқ рўй берса, «Кўнгили боғлаган умидимиз нақши муродимиз тақозосича юз кўрсатса, ажаб эмас», деган фикрга қарор бериб, сафар ойининг иккинчисида<sup>957</sup>, панжшанба куни пешин намози олди-дан иззатли ва тамкинли амирзода Муҳаммад Боқибий бошидан оёғигача совут, қалқон остида ғарқ бўлган, жиба, жавшан кийган, олтин ҳал билан зийнатланган, жаҳонга оро берган ва қуёшдек ярқиллаган дубулғани бошига қўйган, уч парли камонни елкасига осган, бир неча пай ўқни белига жойлаган лаълдек, гул шоҳи шаклидаги қалқонни кифтига қўйган, чақиндек чақнайдиган қиличини туғ қилиб кўтарган, қуёшдек ярқирлаган аждаҳонишон найзаларини белларига кўтаришган ғазабли ва интиқомли сипоҳлар ҳамроҳлигида, улар жумласидан Муҳаммад Боқибий ва ушбу китобда

бир неча марта улуғ исмлари ва атоқли номлари ёзилиб ўтган сипоҳлардан жаноб Муртазо Алига нисбатли сайидлардан Сайид Отойи авлоди Юсуфхожа ва унинг биродарлари Хисомхожа, Исмоилхожа, Раҳмонқулихожа, Абдуррахмонхожалар, мардлик-мардоналик тўқайининг йўлбарси Тошимбий, бу зот эса умри бўйи ҳамма жойда шижоат ва девоналик билан танилган эди, баҳодирлик уловдори Надир қўрчи, донишмандлик майдонининг қоплони Палаҳмон мирзойи мирзобоши, ботирлик водийсининг яккатози ва دادили Муҳаммадёр мирзойи мирзобоши, жангчи йигитлардан ҳам бирмунчалари, найзодор амирзодалардан Булужбий қушчи ўз авлодлари билан, Булуж мирзо, Фармонбий қушчи авлодидан Абдол мирзо, Турдикахоннинг ўғли Муҳаммадқули мирзо қушчи, Болта мирзо жалойир, Қутлуғ мирзо жалойир ва булардан бошқалар, ҳаммаси ўттизга яқин интиқомчи сипоҳлар, барчаси зафарогоҳ баҳодирлар эдилар, уларнинг ҳар бири худди камон шаклида пешонасига ажин тушириб, қошини чимириб, жон олувчи ўқини камон ипига қўйиб, туриб отардилар, ўқ захми билан қаламни Аторуд бармоғига тикарди, ўткур қилич шуъласи, ўтсочар пайкон чақини билан Суҳайл қўкрагини, Миррих дилини осмон устида куйдирардилар, булар душманинг ҳужуми ва издиҳоми аритмасдан этакларини белларига қистириб, журъат қадамини катта қўйиб, шоти ва нарвонни осмоннишон қалъа деворига қўйдилар. Қибла томондаги дарвозага ёпишган Тўбичок дарвозаси, шубҳасиз, такаллуфсиз баландлиги шу миқдорда эдики, фалак кўрғонининг посбони агар томоша кўзини у томонга очса, шаксиз юлдуздек кулоҳи бошидан тушарди,

#### Н а з м:

Баландликда боши фалакдан ошган,  
Уни кўришда фаришта кўзи ҳам хиралашган,  
Агар фалак унинг буржиги қараса,  
Юлдуздек бошидан кулоҳи тушган;

қўйилган нарвонлардан югурганларича юқорига чиқдилар. Нарвон бошида Надир қўрчи ўз қишилари билан турди. Баланд даражали Муҳаммад Боқибий хитоб қилиб, сўзга тил очиб: «Маълум бўлсинки, менинг турадиган жойим шу жой бўлади, бу хатарли мақомда тўхта-

шимга назар солсинлар», деди. Муҳаммад Боқибий бурж томонга юрди ва у жойга бориб тўхтаб турди, баҳодирларни, улар қайси жойдаки қизилбошларнинг келадиган йўли бўлса, шу жойга қўйди. Душманлар ва муҳолифларни йўқотишга қасд қилиб, бўладиган жойларнинг ҳар бирига жангчиларни юборди.

Иттифоқо, ўша куни Алиқулихон ҳамма қизилбошларни чақириб, шаҳар боғида кенгашмоқда эди. Зафар асарли аскарнинг чиқишидан хабардор бўлгач, ғоятда саросима бўлиб, шошганидан яланг оёқ ҳолда отга миниб дев суратли, шайтон тусли, ҳаммаси найзодор, қиличгузор, ўт сочувчи тўфангчилардан иборат бўлган кўпчилик халқ билан нусрат асарли сипоҳлар дафъига мутаважжих бўлди. Шунингдек, жасоратли туркманлар ҳам ғоятда мағрурликларидан ҳамма томондан кетма-кет узилмасдан улуғ сифатли сипоҳлар дафъига юз қўйдилар. Зафарасар лашкар уларга қарши уч томондан ҳужумга киришди. Бир томондан Исмоилхожа, Тошим девона, Надир қўрчи, Арабтой баҳодир, Абдуррахмонхожа ва Булуж мирзо қушчи, иккинчи томондан Палаҳмон мирзо, Жонмуҳаммад хофиз баҳрин, Болта мирзо жалойир, Қутлуқ мирзо жалойир, яна бир томондан Шерафкан мирзо ва Муҳаммадёр қорлиқлар ўқ, қиличга қўл узатдилар. Биринчи зарбада душманлардан кўпларини замона саҳифасидан супириб ташладилар. Муҳаммад Боқибий эса ўқу камонни елкасидан қўлига олиб, ўз муқобилига келган гуруҳларга ҳужум қилиб, бир қанчаларини оёқдан йиқитди. Ҳар замон ҳар замон фасоҳатли баёнотга тил очиб, ўз қишилариини жанг қилишга тезлатарди.

Сўзнинг қисқаси, икки ўртада қаттиқ жанг, зўр корзор рўй берди. Шу даражага бориб етдики, қон ичувчи Миррих мийно рангли фалак авжида туриб у жанг хайбатидан титради. Қуёш Жамшидининг ранги у воқеа зарбидан сарғайиб кетди. Ўша куни қудратли жонсипор баҳодирлар у жанг ва корзор маъракасида шу қадар жанг қилдиларки, ўша куни совутдан ва ўтқир қиличдан айрилган йигитлар ҳолига кўзлар қон йиғлади. Камон шаклида айланиб, ҳар томондан ўқ ёғиб турарди. Аммо қалъа ташқариси сипоҳларида қалъага чиқиш хаёли йўқ эди. Қалъага чиққан саноклигина қишиллардан бошқалари чиқмаган эдилар. Ичкарида қизилбошлар зафарасар аскарларнинг итти-

фоксизлигидан хабардор бўлгач, ҳамма мўрчиллардаги аскарлари сипоҳларнинг чиккан жойига йиғилиб келдилар. Шунга биноан, ҳам вақт тақозосига кўра Муҳаммад Боқибий бирмунча номлари айтилиб ўтган сипоҳлар билан қалъадан чиқдилар, бирмунчалари ярадор бўлиб у жойда қолди. Улардан Палаҳмон мирзо, Тошим баходир, Ҳисомхожа, Болта жалойир, Қутлук жалойир, Абдол мирзо кушчи ва булардан бошқа ўн-ўн икки киши қилич ва ўқ зарби билан у зиёнкор тўдалардан кўпини жанг пайтида «ушла!», «тут!» вақтида ўлдирдилар. Узлари ҳам ўлимнинг ёқимсиз шарбатини тотиб, шаҳидлик шарафи билан мушарраф бўлдилар.

### Н а з м:

Бу кора рангли сандалиий саройда  
Гоҳида мотам, гоҳида тўйдир.

Бу ходисанинг вуқуъи шуҳрат топгач, шайхулислом Аҳмад Жом авлодларидан валоят мансуби шайх Абдулҳақ Зиндафил Жомийки, бир умр ўзига хос валоят билан танилган зот эди, бу воқеа пайдо бўлишини эшитди, ул зотнинг дили жаҳон ифлослигидан мусаффо эди, ғайб оламидаги махфий ходисалар унинг очик қалби назарида жилва қиларди, олий даргоҳга одам юбориб айтди: «Қамал кунлари ўн ойга етмагунча ҳеч бир сабаб билан бу қалъа фатҳ бўлмайди». Шу сўзга биноан соҳибқирон ҳазрат: «То мазкур кунлар ўтмасдан, ҳеч кимса қалъа деворига юз қўймасин», деб буюрди. Шайх ҳазратнинг айтганлари тўғри келиб, ҳақиқатда деганларидай бўлди ҳам тезликда рўй берди. Бу вилоятдаги бир жамоа олий ҳазратга қуйидаги мазмунда арз қилди: «Хокистар буржи томонидаги хандақнинг суви жуда кўп; қалъадаги одамлар сувни шу жойдан оладилар». Шунга биноан ҳокон ҳазрат ҳукм қилди: «Халқ етакчиси Қулбобо кўкалтош, қози Араб Нақшбандий, Абдуссамадбий қорачопон баходир ва бошқалар у жойга бориб ва мулоҳаза қилиб кўрсинлар. Агар хандақдан сувни тортиб олишнинг иложи бўлса, шунга киришсинлар». Фармонга биноан амирлар шу можаро устида турган пайтларида, нақобатга мансуб Юсуфхожа нақибни ўзларига ҳамроҳ қилиб у жойга олиб келишган эдилар, азалда ёзилган ажалнинг вақти келган экан,

шу кечада шу жамият ичида қалъа девори устидан отилган милтиқ ўқи у жанобга келиб тегди ва иккинчи куни ўша жароҳат билан ҳаёт омонатини ўлим талабгорига, яъни Азроилга топшириб, асл қароргоҳига мутаважжих бўлди, унга Тангрининг раҳмати бўлсин! Бу мудҳиш воқеа ҳоконнинг шарафли қулоғига етгач, жуда тангдил бўлиб қайғурди. Иккинчи куни Тангри ёрлақагурнинг жасадини Гавҳаршод оғо жомеъ масжидига олиб бордилар, Искандар фармонли ҳазрат хон аркони давлат ва мамлакат аъёнлари билан у жаннат нишонли мақомга ташриф буюриб ва у ғуфронпаноҳнинг жанозасини ўқиб кўнгил бўшатди. Шу куни халқ бошлиғи Қулбобо кўкалтош муборак оқибатли ҳоконнинг амрига мувофиқ унинг жасадини хушбўй нарсалар билан муаттар қилиб, булғорий матога ўраб ва тез юрадиган туяга юклаб Бухорога жўнатди.

ШИЖОАТНИШОН ЖАНГЧИ СИПОХДАРДАН БИР  
ЖАМОАНИНГ УЛ ОСМОН БИЛАН ТУТАШГАН  
КАЛЪАНИ ИШҒОЛ ҚИЛИШ ҚАСДИГА ЮЗ ҚЎЙИШИ  
ВА РАҲМОНҚУЛИ ЧУХРА ОҚОСИНИНГ, УНГА  
ТАНГРИНИНГ РАҲМАТИ БЎЛСИН, ШАҚИД БЎЛИШИ  
БАЁНИДА

Хайру зафар билан тамомлангур сафар ойи охирига етди<sup>958</sup>, жаҳон оройиш берувчи рабиъ ул-аввал ойи туғилди<sup>959</sup>. Ҳокон ҳазрат амри билан Али султон буржи қаршисида, олий қалъа тўғрисида баланд тепалик қурилиши охирига етиб тамом бўлди. Аждаҳо шиорли тўп, тимсоҳ шаклли замбаракни тепа устига чиқариб, отишга тайёрлаб қўйилди. У пайтда кетма-кет отилган ўқ, тўхтовсиз отилган тошлар зарбидан, қалъанинг асоси эскиб тўкилиб қолган эди, деворлари эса ари уясидек тешик-тешик бўлиб кетди. Ўша буржни сақловчилар халқ бошлиғи Қулбобо кўкалтош, амир Наврўзбий парвоначи, ўнг тараф эшик оқолари эдилар, амирлардан, зафарасар баходирлардан яқдил, интикомчи совутпўш йигитлардан бир жамоаси, яъни Бакирхожа, Хубби Али баходир мўғул, Ийбон ва шайх Камол кабилар, садоратнишон Юсуфхожага тегишли қолмоқлар ва булардан ўзгалар жондан кўнгил узиб, ҳаёт сувидан қўл ювиб, кун ўртасида, киначи душманлар ўз ўрнида бош қўйиб, хорлик ёстуғида ухлаб ётган пайтда қалъага ташландилар. Тўхтовсиз қалъа белига қўл уриб, у

вайрон бўлган бурждан юкори чиқишдилар, тор жонибдан сурнай овозини яшил осмон авжига кўтариб, замину замонга ғулғула солдилар ва биринчи зарбидаёқ у бурж нигоҳбонларидан бир гуруҳини таркатиб юбордилар. Душманлар зафаршиор сипоҳларнинг чиққанидан хабардор бўлгач, тўхтамасдан, ҳаммаси саросимага тушиб, ночор, жангу жадал йўлини тутиб, пиёда ва савора бўлиб, ҳамма томондан қалъа сари чопиб, жангу жадал қасдида у зафарнишон аскар томонига жилов бурдилар.

### Н а з м:

Қалъа ичидаги кина кўзғотувчи аскарлар,  
Ғолиб сипоҳнинг қалъага чиқишидан огоҳ  
бўлгач,

Ҳар томондан саросимага тушдилар.  
Саросима бўлган ҳолатда жанг қилишга  
киришдилар.

Хуллас, осмон таъсирли аскарлар қалъа фатҳида шу қадар эҳтимом қилишни ўзларига лозим тутдиларки, ҳар хил ҳаёл ва ҳар турдаги тадбирлар қалъани олишда ишлатиладиган бўлса, уни қамал қилиб ботирлик рақамини ёздилар.

У малъун фирқалар ҳам фитна ва кина устида туриб буржу боруларни сақлаш шароитини, жазм ва эҳтиёт лавозимини риоя қилишган эдилар. Мардоналик, шижоат, комил эрлик, ботирликни қалъадорлик шеvasида бажо келтирдилар. Айникса ботир аскарлардан бир жамоаси қалъа вайрона бўлган ер устидан чиқишган эдилар, давлат таянчи Қулбобо кўкалтош, Наврўзбий парвоначи жавшанни устига кийиб, одамларни жанг қилишга қизиқтириб турдилар. Душман эса ҳамма томондан хужумга ўтди, куч кўрсатиб, баҳодирона ҳаракат қилиб, мардоналикни ўрнига қўйди. Бир жамоа монелик кўрсатиш этагини мудофаа белига қистириб, қалъа устига чиққан эдилар, уларни суриб сиртга чиқардилар. Виложта салтанат мансуби бўлган Абдулмўмин султон бу воқеа сабабли ирода оёғини давлат узангисига қўйиб, ўз мурчиладан отига миниб, химмат қулочини мулку миллат душманлари томонига ёзди. Жангчи ва марди майдонлар ҳаракатини кузатиш учун халқ бошчиси Қулбобо кўкалтош мурчилига бориб туриб, «Ул шижоат тўқайининг йўлбарслари, ботирлик дарёсининг

тимсоҳлари илгари бориб ва хандақдан ўтиб, жангу жиҳоднинг додини берсин, ўша кибру ўжарлик билан тўлган тоифа ва у йўлдан адашган фирқа ва у девсурат жамоанинг гуноҳи жазосини кучоғига қўйсин», деб буюрди. Султоннинг амрини тутиб, зафарнишон сипоҳлар, иззату қудратли аскарлар кетма-кет келиб мукамал куролландилар, ранг-баранг, худди ўқ-ёйдек қалқонни билагига ташлаб, чакиндек қилчини елкасига туғ қилиб кўтариб хандақдан ўтдилар. У томондан тошюрак, қаттиққўл қайсарлар милтиқларини қўлга олиб рўбарў туриб ўт очдилар, илохий қазосига тўғри келиб, сипоҳлардан кўп кишини ўлдирдилар. Ўша қуни жанг бисотининг шериклари жанг майдонида филга ташланувчилар пиёда бўлиб, душман томонига юз ўғирдилар, мардоналик мансубасини кўзғатиб, душманликни тезлаштирдилар. Мурод сокқаси таъхир шашдари-<sup>на</sup> 9бо тушлб, фатҳу қушод шакли юз кўрсатмади. Умид нақши ва ҳисоб никоби юзи олдидан кўтарилмади. Охири ботирлик қўлини жанг этагидан ва оёғини таъну зарб йўлидан тортдилар ва ирода яловини қайтиш томонига кўтардилар. Зафар асарли аскарларнинг жангдан қайтишига қатта сабаб шу бўлдики, ўнг қўл эшик оқолари ўша қуни вайрон бўлган буржга юз қўйишган эдилар, мардлик ва мардоналик уловдори Раҳмонқули чухра оқоси ҳам ўнг томон йигитлари билан уларнинг ёрдамига мусаллаҳ бўлиб, ўзининг мурчиладан кўзғолиб, қалъа деворига мутаважжих бўлган эди. Иттифоқо, тақдир тақозоси билан, юкоридан туриб милтиқдан отилган ўқ тўғри келиб тубанда турган гўзал сифатли зотга тегди. Кечаси тун бўйи ҳам кундузи то пешин намози пайтигача Тангри номини баланд талқин қилиб, ҳаёт омонатини ўлим талабгорига топширди. Бу нопойдор манзилдан, эътиборсиз марҳаладан дорилқарор томонига кўчди. Жума қуни Тангри ярлақагурнинг жасадини Гавхаршод оғанинг олий масжидига олиб борилди. Аъло ҳазрат ҳаётда меҳрибонлик ва ниҳоятда шафқату марҳамат билан келиб жаноза намозини ўқидилар, дурдонадек ёшлари юзлари саҳифасига оқиб, диллари эзилиб турди. Жамшид ҳашаматли хоконнинг фармонида биноан халқ сардори, хурматли амир жаноблари марҳумнинг жасади солинган тобутни елдек юривчи, яшиндек ўтувчи туяга маҳкамлаб ортдилар, кўп халқ ва ёшу қарилар иштироки

билан ўзининг хилхонаси бўлган Насаф Косони тарафига жўнатди. Бу хусусида кўнглини тинчитган, кўп вақт, узун муддатдан бери Искандаршиор подшоҳ сайру шикор томошаси учун отга минмаган эди, бу ғариб воқеа содир бўлгач, кўнглидаги малолатни кеткизиш, чарчокни чиқариш учун Ҳумо мисол отига минди ва шикор иродаси билан қарчиғай, шунқор, чарх, лочинни кўп микдориди олиб, кўзғолиш яловини Ғуриён тарафга қараб кўтарди. Бир неча кун у кўнгилочар ноҳияда сайд қилиб, кўп ойлар саҳро ва биёбонларни сайд қони билан бўяди. Бу вилоятда ғайб пардасидан бир ҳолат рўй берди. У эса кўнгили очилишига, хурсандликка сабаб бўлди. Бу воқеа қуйида ёзилади.

ҲИРОТ ШАҲРИНИНГ, ТАНГРИ УНИ ОФАТЛАРДАН  
САҚЛАСИН, ТАНГРИ ЁРДАМИ ВА НИҲОЯТСИЗ  
КЎЛЛАШИ БИЛАН ФАТҲ ЭТИЛИШИ ВОҚЕАСИ  
БАЁНИДА

Вақтики қамал кунлари тўққиз ойга яқин чўзилди, қалъадаги сипоҳлардан кўплари бу бебақо манзилдан кўчиб, ҳалокат уйига етдилар, у ўзига ишонган фирқадан саноклигигиналари ҳаёт бандида боқий қолдилар. Қилич чопувчилар зарбасидан, қалъа бузувчи тўплар шиддатидан кўрғоннинг девори, бахтиёр султон муқобилидаги буржи тубигача вайрон бўлиб, душман давлати ер билан яксон бўлди. Ҳирот ҳокими Алиқулихон мансабдорлик кибри, аскар ва сипоҳи кўплиги ғурури беҳудлигидан ўзига келиб, ҳимоясизлигини англагач, бу ҳодисадан қутулиш йўлининг бекиклиги, халос бўлиш асбобининг йўқлигини сизди, нажот кемаси, ҳаёт сафинаси яқин орада фано гирдобига ғарқ бўлишига кўзи етди. Шунга биноан, ожизлик, музтарлик кўлини хавфсизлик, эминлик этагига маҳкам урди, душманлик, саркашлик қилиш йўлидан тортди, кенгаш йўлини тутиб, «гуноҳларига иқрор бўлдилар»<sup>961</sup>, деган оят мазмунича, гуноҳларига иқрор бўлди, номувофиқ амаллари ва кирдикорларига узр айтиб, имом хонадонини восита қилиб, Муртазо Алига нисбати бўлган Мир Асад жаноблари шафқати этагига осилди. Ўзининг Ғулом Ҳусайн номли кишисини юбориб, ул зотни муборак сифатли ҳокон ҳазратга восита қилиб, гуноҳини ва хатоларини сўрашни илтимос қилди. Ҳазрати хон гуноҳи саҳифасини

афв тиниқ суви билан ювиб, гуноҳидан кўз юмишга буюрсалар, қалъа калидини бахтиёр ўринбосарларига топшириб, Ҳирот мулкидан умид узиб, бутун ҳасрат билан қайси бир жойни буюрсалар ўша томонга кетишини маълум қилди. Унинг хоҳиши Абдулмўмин султон томонидан қабул имзоси билан имзолангач, олий давлат арбоблари ва ҳамма амирлар, улар жумласидан сайидлик маржаъи, ҳидоят мансуби сайид Ҳожихожа Накшбандий, давлат арбобларининг пешвоси, муборак хулқли ва раъю тадбирли, равшан кўнгилли амир Жон Алибий, Шохимбий арғун, Абдуссамадбий кенагас ва халқ сардори Қулбобо кўкалтош ва ўзга амирлар валиликка мансуб Мир Асаднинг хонадонига келишиб кенгаш қилдилар. Воқеа суратини ёзиб, олий ҳазратга хабар юбормокчи бўлиб турганларида тўсатдан олий мансабли ҳокон тарафидан киши келиб олий нишонни топширди. Унинг ичида шайх Абдулҳақ ҳазратдан ҳам бир хат бор эди. Фармоннинг мазмуни шулки, ҳеч бир киши сулҳдан сўз очмасин, қандай бўлса ҳам сулҳ йўлига юрмасин. Чунки шайх ҳазрат ўз хатида: «Янги ойнинг бешинчисида»<sup>962</sup> қалъа фатҳи рўй беради, қизилбошлар, тамоми катта-кичик қатли омм қилиниб, оёқ ўрнига бош қўяди. Мен ўз қонимни Фаридун сифатли ҳокон ҳазратга назр қилдим», деган. Шунга биноан давлат арбоблари Ҳирот волийси Алиқулихоннинг элчи қилиб юборган кишисига олийшаън хон ҳазратнинг олийнишон фармони мазмунини ва ирфон арбобларининг пешвоси шайх Абдулҳақнинг мактубини ўқиб эшиттирдилар ва шу мазмунда жавоб мактубини ёзиб, уларни мақсадига етказмасдан қуруқ қайтардилар.

Н а з м:

Жаҳон соҳасига фатҳ яловини кўтардик,  
Ҳамма томонга фатҳ овозасини таркатдик.  
Тангри фазлидандир бизга ғайбдан  
Гоҳида нусрат хушхабари, гоҳида фатҳ нидоси  
етади.

Фазилатли одам болаларининг кимё асарли қалбларига, жаҳон доноларининг пок кўнгилларига махфий қолмасинки, йўқликдан вужудга келишлик аввалида, улуғлик, бахтиёрлик субҳи асари билинишида, иззат ва жаҳондорлик куёши тулуъи бўлишида илоҳий тавфиқ-



лар, чексиз гўзал ёрдамлар баракоти, Тангрининг ниҳоясиз инояти, ғоятда марҳамат билан «жаҳонда уни ихтиёр қилдик»<sup>963</sup>, деган оят рақамини Абдулмўмин султон ҳазратнинг давлати пешонаси, бахти чехрасига ёзилган. Султон жанобнинг иззату иқбол саҳифасининг шавкати, донгдорлигининг нуроний туғросини «ихтиёр қилдик, уларни йўлладик тўғри йўлга»<sup>964</sup>, деган оят билан зийнатлаган. «Тангри хоҳлаган кишига ёрдам беради, у азиз ва раҳмдил»<sup>965</sup>, деган оят нишони билан нишонлади. *Машийят иншийси* бўлган Тангри «хоҳлаган кишига ўз мулкини беради»<sup>966</sup>, деган ваъдасига биноан, фармонбардорлиги лозим бўлган султонлик унвонини: «Эй Тангри, хоҳлаган кишининг азиз қиласен», деган оят зийнати билан зийнатлади. *Тақдир осмонининг муҳаррири* жаҳон тутиш борлигини, шаҳар олиш фармонини: «Тангри хоҳлаган кишининг ўз ёрдами билан қувватлантиради»<sup>968</sup>, деган оят мазмуни билан музайян қилади. Атолар берувчи Тангри, ўз иродаси тақозосича, мақсад эшигини унинг юзига очди. Яратувчи Тангрининг қудрати, Парвардигорнинг бадиий фазли унинг истаган матлуби нима бўлса кучоғига қўйди. «Бу — Тангримнинг фазлидандир»<sup>969</sup>. Бу муқаддималар таҳриридан ва бу ҳикоятлар тасвиридан мақсад шулки, жаҳонга оро берган рабиъ ул-охир ойи<sup>970</sup> жаҳон аҳлига юз кўрсатиб, юзидан парда қўтаргач, душанба кечаси ойнинг учинчисида<sup>971</sup> зафарогоҳ Абдулмўмин султон сипоҳларнинг катталаридан кўпини чақириб, қалъани олишга таважжух қилиш тўғрисида кенгаш йўлини тутиб, маслаҳат қонунини ихтиёр қилди. Ҳаммалари иттифоқ бўлиб, камоли иттифоқликлари юзасидан иззатгоҳида арз қилдилар. «Лойиқ ва мувофиқи шулки, жангчи совутпўш, яқдил йигитлар ҳам бу кечада қалъа томонига юз қўйсинлар, химмат этагини белларига қистириб, ирода жиловини қўлдан бермасинлар. Чунки бу муддатгача шайх ҳазратнинг сўзини риоя қилиб, қалъанинг фатҳи кечиктириш гирдобига тушиб келган эди. Соҳибкирон султондан: «Ҳар бир кунгира муқобилида жангчи йигитлардан бир тўдаси ва ҳар бир бурж тўғрисида қилич чопувчи баҳодирлардан бир гуруҳи саф тортиб турсин. Ҳам шу кечада сахар нағораси пайтида, бошидан оёғигача совутга ва дубулғага ғарқ бўлган эрлар мардлик этагини белига қистириб, жидду жаҳд қилсинлар. Қудрат қўлини саъй-ҳаракат енги-

дан чиқариб, қалъа томонга юз қўйсинлар», деган итоати лозим бўлган фармон содир бўлди. Шунинг учун зафарнишон сипоҳ бу муҳим ишнинг имзоси тадбирида қудрат ўқидек мунтазир бўлиб қалъа фатҳига тутиндилар, чунки замона ходисаларида кўп ишлар ёрдамчисиз рўй бермайди. Ҳаммалари қалъани олишга таважжух қилдилар, жангу жадал ўти ҳар томонда аланга олди. Ут ёғдирувчи тўплар шарорасидан жанг гулзорида оташин гуллар очилди. Жаҳонга ғавғо солувчи тўп наҳанги ва кўк кўкраги услубидаги тўп аждаҳоси душман ҳалокатига, қалъанинг туб томири билан кўпоришга оғиз очди. Яшин каби тошнинг кўп ёққанлигидан қалъадаги халқ дўзах аҳлидек ўт ичида қолиб паришонхол бўлди.

### Н а з м:

У жангда душманлик ўти алангаланган пайтда  
 Қалъанинг ичи ўт билан тўлган манқалга  
ўхшади.  
 Қалъадаги халқнинг ҳаммаси паришон бўлиб,  
 Дўзах аҳлидек ўт ичида қолди.  
 Қалъадаги халқ тўплардан отилган тошлар  
зарбидан  
 Асхоби филга ўхшаб хору тубан бўлди.  
 Шундай зўр қалъа ўт туташиб вайрон бўлди,  
 Гўё у жилваланиш тобишидан қуйиб тўкилган  
туз тоғидан нишон берарди.

Қалъа ичидаги халқ зафар асарли сипоҳларнинг ҳужумидан хабардор бўлгач, ҳамма томондан кетма-кет узилмасдан ўз мурчилини қўйиб, уларнинг дафъига чопдилар. Икки томондан гулдурос билан отилган тўплар ботирлар жамияти хирманига ўт туташтирди. Отилган ўқлар уқоби камон ошёнасидан учиб, баҳодирлар миясига уя солди. Бошни ёрадиган пайконлар душман дубулғасини бошига тикди. Тўпу тўфанларнинг ўти нафт, замбарак олови душман жангчилари дилини қуйдирди.

### Н а з м:

Қалъа ичидаги сипоҳ дадиллик билан келди.  
 Улар худди жанг қилиш пайида йўлбарс  
қийфасида келдилар.  
 Агар бир тўқайга йўлбарс жойлашган бўлса,  
 У тўқайдан фойдаланиш мушкул бўлади.  
 Агар боғбон боғ атрофида нифоқ сақлаб турган  
бўлса,

У боғ гулларида димоғ муаттар бўлмайди.  
Сен у тўқайда далирлик билан жавлон урма,  
Чунки у нахангнинг жойи йўлбарснинг  
маконидир,  
Агар тустовукнинг умри тугаган бўлса,  
У дон умидида тузокка бориб илинади.  
Агар парвона ўзини шамъга урса,  
Парвона куйиб тугайди, шамъ эса ўрнида  
тураверади.

Шу пайтда икки томондан баходирлар бир-бирига осилишган, ғазабланган аридек баробар аралашган эдилар. Ҳазрат султон Абдулмўмин Тангри иноятига ишониб, субҳон футухига суяниб, қалъа девори тагига келиб одамларни жангга рағбатлантирди. Шоҳона марҳаматлар, чексиз навозишлар билан умидворлигини орттирди. Нағорачилар зўр салобат билан нағора чалдилар, сурнайларнинг садоси, жаложуллар овози, қўнғироқлар товуши бу танг жаҳонда Хулкар чўққисига, яшил фалак авжига кўтарилди, осмон қулоғини кар қилди. Бу воқеа зуҳуридан кейин шукухли аскарнинг зўрлик қуввати минг даража ортди. Бу томондан аввал қалъа девори устига қадам қўйган Оллоҳдод оталиқ керойит эди. Иккинчи томондан Худойназар қўнғирот ва ўзга сипоҳлар қадам қўйдилар, дин паноҳи бўлган шахзода давлатининг авжидек қалъа девори устига чиқдилар. Зафарнишон аскарларнинг найзалари душманлар жонига қўл чўзди. Ғалабага мансуб муборак ялов коматига «аниқки, улар Тангри ёрдамига эга, аскарларимиз эса ғалаба қозонувчилардир»<sup>972</sup>, деган оят шамоли эсиб хилпирай бошлади.

Қизилбошларга ишнинг кетиши жангнинг боришидан маълум бўлди. Чунки у бахту иқбол билан безанган, мушкин яловнинг кокилини тараган Тангри инояти дояси экан ва у давлат найзаси парчамига тароқ урган валилик қўли экан деб билдилар. Чунки йўлбарс панжасига панжа уриш, тоққа қарши туриш билан баробарлик қилишга уларнинг қуввати ва қудрати етмас эди.

### Н а з м:

Тоққа баробарлик қилиш, ғазабланган  
йўлбарсга панжа уриш  
Беҳуда андиша ва муҳол фикрдир.

Шунга биноан тезликда «бу жамият шикаст топади ва орқасига қайтади»<sup>973</sup>, деган

оят мазмунини амалга ошириб, «у гуруҳдан Бадр мавзесида»<sup>974</sup> шикаст еган ожиз аскарлардир»<sup>975</sup>, деган оятни дастуруламал қилиб, қочишни энг яхши ирода деб таниб, қочиш томонига юз қўйдилар. У сармоясини қўлдан берган тоифанинг кўпи ҳаёти юлдузи, нажоти ахтарини заволга учириб, нуқсонхонасига қайтганини кўрди. У ўз куч ва қувватини йўқотган, жинояти зўр бўлган қавмнинг кўпчилиги «у ҳолатда на васият қилишга, ва на оиласига қайтишга қодир бўла олмадилар»<sup>976</sup>, деган оят мазмунича, ўрганган маконига қайтишдан ва ўз ахдига етишишдан ноумид бўлиб: «бас, тотди ўз ишининг азобини»<sup>977</sup>, деган оят мазмунича, фано соқийси қўлидан ўз қилмишининг азобини тотди.

### Н а з м:

Қалъа девори устидан мурод қуёши тулуъ  
килди,  
Халқи устига шундай ажойиб шомнинг тонги  
отдики,  
Ҳиротда паришон бўлиб сочилиб юрган  
халқлар қайта йиғилдилар.  
Миллатдошлар қаттиқ азобдан қутулдилар.  
Зулм зулмати мамлакат фазосидан кўтарилди.

Подшоҳ яловининг ой нишони у жойга етгач, Алиқулихон, Нурали султон ва у паришон фирқалардан бошқа бир жамоаси қалъанинг бурж-боруси тепасидан ошиб тушиб, тўсатдан қочишга юз қўйдилар. Қалъанинг юқорисидаги машҳур Ихтиёриддин қалъасини қочиб боришларига паноҳ жой килдилар. Қалъани олиш учун ҳар бир жойдан мурчил тутиб турган зафар нишонли аскарлар қалъа деворига нарвон, шоту қўйишиб ва у жойдан юқорига чиқиб, ўзларини қалъа ичига отдилар. Қалъа ичидаги қизилбош ва ўзга халқлар бирин-кетин чопишиб, қутурган итдек уйма-уй қочишди. Жанг майдонининг баходирлари уларнинг етим-есирлари ва бебошларини тўхтаб туриб қалтак билан, тош билан уриб ўлдирдилар. Шу қадар бўлдики, Ҳирот шаҳрининг кўчаларидан сув ўрнига қон сели окди. Қиёмат ғавғоси, маҳшаргоҳ ғулғуласи баходирлар кўз олдида ошқора бўлди. Қалъадаги халқ қайси томонга қочиш учун жилов бурсалар, у томонда нажот ва халос йўли бекитилган эди. Чунки зафар нишонли аскарлар ки-

риш-чиқиш йўлини маҳкам сақлашга собит эдилар. Иложсизликдан: «ташқарига чиқишга йўл бўлурми?»<sup>978</sup>, деган оят мазмунича, у бефойда ҳаракатдаги хоксорлардан кўпи ўткур қилич шуъласи билан оёғидан йиқитилди ва уларнинг кўпчилигини ўтсочар найзалар аждаҳосига ем қилинди. Нусратнишон аскарларнинг сардорлари қамал пайтида вужуди анжомини фано елига топширган эдилар. Ғазаб қахрамони ҳазрат Абдулмўмин султон шаҳар халқининг ҳаммасини қатл этишга фармон берди. Интикомчи сипоҳлар олий мансаб султоннинг фармонига бош қўйиб, жидду жаҳд камарини итоаткор қўли билан белга боғладилар ва талон-торожга қўл узатишиб, эҳтимом қанотини интиқом қўли билан ёзиб юрдилар. Ажалнинг тиниқ суви катта-кичик, ёшу қарининг жон матоини тупроқ баҳосида сотди, ғазаб ва саркашликнинг алангаланган ўти жанг шуъласи шарораси эру хотинларни кўча-кўйларда куйдирди.

#### Н а з м:

Ишқнинг ўти куйдирди ҳар бир ҳўлу курукни,  
Сахрога ўт туташса куйдиргуси шу хилда.

Сўзнинг қисқаси, Абдулмўмин султоннинг эҳтимомини билан қалъанинг муборак фатҳи рўй берди. Зафарасарли бахт юлдузи бу фируза манзарали қалъа бурчагидан тулуъ қилди. Султон ҳазрат Тангрига шукрона қилиш вазифаси адосидан кейин шу нағма билан тараннум ва бу тарона билан такаллум қилди.

#### Н а з м:

Иқболнинг замонага ташлаган шуъласи қандай  
партавдир?  
Султон давлатининг кўкка кўтарилган  
ғулғулуси қандай ғулғуладир?

Бу эса Тангрининг бир атосидирки, замин  
замон гарданига эмну омон тулуъ қилди,

#### Н а з м:

Бу эсан ҳид мушқ ҳидими, ё жаннат насимими?  
Омонлик ҳидини жон бурнига етказди.

Бу фатҳнинг кушойиши икки жаҳон футу-  
хотининг дебчаси эканлиги ва иккала шараф-

ли ҳарамнинг олий остонасини мусаххар қилиш муқаддимаси бўлганлиги шаксиздир. Тангрининг гўзал тавфиқи ва хилофатпаноҳ ҳазратнинг берган қуввати баракоти билан мурод гўзали ғайб бурчагидан яхши ҳолатда юз кўрсатишида шак-шубҳа йўқдир. Тангри марҳаматидан ва чексиз қимматли бахшишларидан умид шулки, бу давлатнинг гулзори кундан-кун ўсиб, у подшоҳлик баҳорининг соҳиб қадрини «ул одамларки имон келтириш яхшилиги билан яхшилик барпо қилиб, ортиқча амали солихлар ҳам қилдилар», деган оят чашмасидан сероб бўлиб яшнади. Бахту, иқболнинг кутли юлдузи «уларгадир хоҳлаган нарсалари жаннатда, бизнинг олдимиздаги ундан ҳам ортиқдир»<sup>979</sup>, деган оят мазмунича, жаҳонни ёрутвчи бўлди.

#### Н а з м:

Эй султон, бу кўрган даражаларинг ҳали  
оздир.  
Кўп ишларни келажакда кўрасан, тақдирда  
ёзилган.

Бу кўрганларинг саҳар натижасидир,  
Давлатинг тонги отишини кўзлагин.

Фатҳу зафар гўзали юзидан ниқобини кўтаргач, комёб Абдулмўмин султон зафар нисбатли сипоҳлар билан шаҳар боғига, давлат марказига, мансаб ва ҳашамат қароргоҳига ва илгариги хоқонлар пойтахтига қараб жўнади. Давлат арбоблари, мамлакат аёнлари шафоатига биноан султон ҳазрат: «Аскарлар талон-торождан қўл тортиб турсинлар, вилоятни бундан ортиқ вайрон қилиб, макон ва масканларни хароб этишга қасд оёғини кўймасинлар», деб буюрди. Халқ сардори Қулбобо кўкалтош жаноблари ва Абдуссамадбий, Наврўзбий парвоначи, Мухаммад Боқибий ва бошқаларга буюриб, деди: «Қалъа девори тагига бориб, аввал уларга омонлик бериб, сўнгра уларни итоат қилишга чақирсинлар. Агар фармондан бош тортсалар қорағозий ва жаҳонгир отли тўпларни қалъа бузиш учун дарвоза муқобилига кўйсинлар». Фармонга биноан, ботирлар, амирлар Ихтиёриддин қалъаси девори остига қараб чопдилар. Халқ сардори ҳурматли Қулбобо кўкалтошга: «Чақир, эй пайғамбар, халқларни раббим йўлига ҳикмат ва яхши насиҳатлар билан»<sup>980</sup>, деган оят тақозосича, ҳикматли панду насиҳатга, давлат ва иқбол ил-

ҳомчисининг таржимони бўлган фасохатли тилини баёнотга очди. Уларга хитоб мақомида туриб қалъани ўзига паноҳ қилган жамоани Муҳаммаднинг, унга Тангрининг раҳмати бўлсин, қувватли динининг тўғри йўлига даъват қилди. Унинг нуруний насихати ва иршоиди баракотидан ҳидоят нури тавфиқ даражасида улардаги ҳар бир киши қоронғи қалбининг уйига нур сочди. Улар умри бўйича пайдо бўлган шиъалик йўлини тутиб, энг ёмон бидъатларга берилган эдилар. Пайғамбарнинг: «Тангри билан қасамёд қиламан, пайғамбарлар, расуллардан кейин Абубакрдан афзалроқ бўлган ҳеч бир кишининг устида қуёш чиққан ва ботган эмас», деган муборак ҳадиснинг мазмуни ҳазрат Сиддиқнинг<sup>981</sup> афзаллигига очик далил эканлигига тасдиқ қилдиларки, улар умри бўйича: Пайғамбар, Тангри раҳмати ва саломи унга ва олу асҳобига бўлсин, шариатига тобе, ханафия миллатига итоатли бўлишининг тўғри йўлидан ташқарига қадам қўйиб, эгри йўлга юришган эдилар. Фил шаклли отларидан тушиб юзларини итоат бисотига сурдилар. Зафарогоҳ сипоҳларнинг куч-қуввати ва ботирлигидан мот бўлиб, ожизлик, мискинлик саҳросида кездилар. Абдулмўмин султон фармонини тутиб, суннат ва жамоат аҳли кийимида ўзларини кўрсатдилар. Мазкур ойнинг бешинчисида<sup>982</sup>, чаҳоршанба куни Ихтиёриддин қалъасини бахтиёр султонга топширдилар, Алиқулихон мўътабар кишиларидан эллик киши билан чиқиб, бандалик халқасини қулоғига тақиб, итоат ва бўйсунуш ридосини елкасига ташлаб, олий мансабли амирлар, зафар асарли сипоҳлар ҳамроҳлигида дин паноҳи султоннинг оёғини ўпишга жўнади. Бориб шаҳар боғига киришгач, амирлардан Ёрийбий келиб, Аликулихоннинг белидаги ханжарини ечиб олиб, «Чингиз подшоҳларининг кўринишига келган кишининг қурол билан кириши уларнинг қоида-қонунида йўқ», деди. Булардан бошқа қуроли бор қизилбошларнинг ҳам қуролларини ечиб олдилар. Иттифоқо, азиз ва олий шаҳзоданинг фалак асарли аскарларидан бир тўда ботир ёш йигитлар «душмандан қуролини олиш, уларнинг ўлдиришга ишорат», деб гумон қилиб, тўхтамасдан қўлларини қилчу болтага, найзаю ханжарга урдилар. Бир соат ичида уларни ҳаммаси номини ҳаёт саҳифасидан ўлим қаламтароши билан ўчирдилар. Қалъада қолган қизилбошлар, бебок авбош-

лар бу воқеа пайдо бўлганидан кейин саросима бўлиб, шошилганидан беихтиёр қалъа девори тепасидан ўзларини ерга отдилар. Қалъа сиртида турган кишилар пойлаб туришиб, ҳар бир тушганини нопок вужудидан тушган жойини тозалаб турдилар.

Сўзнинг қисқаси, ўша куни қатли омм рўй берди. Шайх ҳазратнинг айтгани ҳақиқати билан зоҳир бўлди. Ойнинг олтинчиси<sup>983</sup>, панжшанба куни Сулаймон мансабли хоқон қалъа фатҳидан хабардор бўлгач, комёб ва комрон бўлиб, Ғуриён томонидан Ҳиротга жўнади. «Шаҳардаги султон жасаддаги жон каби», деган ҳикмат мазмунича, у вилоятнинг тахтгоҳи бўлиб келган боққа бориб қарор топди. Дин паноҳи бўлган шаҳзодани чақиртириб, қалъа фатҳи хусусида эҳтимом этганлиги ва жангу жадал сўнгида қалъани фатҳ этганлиги билан табриклади. Орзу-умидлар гули Тангри инояти билан очилди. Ойнинг еттинчиси<sup>984</sup>, жума куни дин паноҳи подшоҳ Хатлон, Қундуз, Бағлонни, Бадахшон вилоятини ва Балх дорилмулкани ҳамма табаа ва туманлари билан, то Мурғоб дарёси қирғоғигача, зафар нисбатли султонзодага, яъни Абдулмўмин султонга инъом қилди. Шоҳона иноятлар, хусравона атолар билан шаҳзода созини навозишга келтириб, вилоятлар ҳаёлотини жиловини унинг кифоятли қафтига, донишмандлик қабзасига қўйди.

Шу куни бу мусаввада эгаси юз, ё мундин ортик ёки кам байтни ўз ичига олган қалъа фатҳи ва вилоят фатҳи табригини ва муборакбоди хусусида ёзилган қасидани вилоят фатҳи таърихини ўз ичига олган қитъани подшоҳ мулозимларига тутди. Одатда тўғри ва лойиқ сўзлар шоҳга тез етади. Искандарнишон хоқоннинг олий қулоғига етиб, фахрли саруполар ва ҳар жинс нарсалардан жуда кўп инъом қилиш билан бу фақир ўз баробарларидан ва замондошларидан мумтоз бўлди. Фахрланишда боши фалак авжидан, ою кун чўққисидан ошди. Шу куни жаҳонни ёритувчи хоқон кенгаш ва маслаҳат одоби, машварат риоясини бажо келтиргандан кейин, ўзининг ишончли кишиларидан бири, халқ сардори хурматли амирни, яъни Қулбобо кўкалтошни Ҳиротга нойиб қилиб қўйиб, ирода юзини Муса ар-Ризонинг<sup>985</sup> муқаддас машҳади, унда ором олган зотга Тангрининг саломи ва таҳияси бўлсин, жойлашган вилоятга, яъни Маҳшадга қўйди. Жамшид нисбатли султоннинг, яъни



Ҳижрии иилнинг туккиз юз тўқсон бешинчи  
йилда,  
Хирот қалъасининг фатҳи учун аскар тортидинг.  
У қалъанинг олий девори айланасида,  
Гўёки Пайғамбар Хайбар қалъаси айланасида  
саф тортгандек саф тортардинг.  
Сипохларинг, аскарларинг у мустаҳкам  
қалъа айланасида,  
Ой айланасини ўраб олган ҳоладек ўраб олди,  
Қалъа ичида эса хийлагар, ит сийратли саркаш  
шиъалар,  
Ва бирмунча кофиркирдорлар жойлашган  
эдилар.  
У шундай шукухли қалъа эдики,  
Гўё у коплонлар қароргоҳи бўлган тоғ эди.  
Унинг деворлари авжида машъаллар,  
фонуслар,  
Худди кечалари осмон устида юлдузлар шуъла  
сочиб тургандек шуъла сочиб турарди.  
Осмон томонига ғубору гард кўтарилгач,  
Девори остидан Хокистар буржидек  
кўринарди.  
Бу қалъанинг фатҳи кечикиб кетди, деб азият  
чекма,  
Тангри юзинга ғайбдан эшик очади.  
Бу кунда осмон сенинг номинга беш вақт  
созин чалмоқда,  
Душманларинг эса шашдар соккасидек,  
Қайси томонга қочишини билмай ҳайратда  
қолган.  
Ажойибки, шукуҳинг осмонга шу қадар  
кўтарилганки,  
Унинг ҳайбатидан осмондаги йўлбарс<sup>987</sup> ҳам  
тўхтаб туради.  
Агар жанг учун устинга совут кийсанг,  
Қоплон сенга қандай қилиб рўбарў бўлаолади?  
Сенинг тез етувчи ва жон олувчи ўқинг,  
Жон овлайдиган қорақушдир, умр Хумосига  
лочиндир.  
Ўқинг пайкони олмосдан бўлгач,  
Йигит киндиги хавфдан ўзига ўралса таажуб  
эмас.  
Кифтингдаги қалқонинг лола ранглидир,  
Гўё у гул шоҳи бошида очилган нилуфар  
кабидир.  
Куёшдан бош кўтарган нур шуъласидек,  
Олтин дубулға бошингда сенга шахпардир.  
Олтин камар боғлаб белинга оро берсанг,  
Белинг билан камаринг мим ҳарфидек тугун  
бўлиб кўринади.  
Отинг туёғи душман қонидан рангин бўлгач,  
Олов рангли гулдек оташин бўлиб кўринади.  
Жанг куни жанг майдонида жавшан кийган  
жангчилар,

Темир девор каби саф тортишиб турдилар.  
Карнай, сурнай овози бу тангу тор жаҳонда  
баланд кўтарилди,  
Гўё маҳшар кунида сур тортилгандек бўлди.  
Нағора хурушга келиб, нағора наъра  
тортганда,  
Жанг майдони, тоғу тошлар, зилзилага келди.  
Ансорлар<sup>988</sup>, саҳобалар Пайғамбарни ўраб олиб  
турганларидек,  
Сипохлар сенинг атрофингда доира шаклида саф  
тортиб турдилар.  
Уларнинг хаммаси қилич жавҳари, темирга  
ғарқ бўлгандек,  
Пўлоду жавшан остида пинҳон бўлган жавҳар  
эдилар.  
Жанг пайтида улар девоналарча темир  
жонлилардирлар<sup>989</sup>.  
Интиқом олиш пайтида хаммаси пўлодпўш,  
жавшандор эдилар.  
Улар ҳунар кўрсатувчи, қалъа бузувчи эдилар.  
Далир, саркаш, ўткир саф йиртувчи  
баҳодирлардир,  
Қорақуш<sup>990</sup> бошидан ўрин олган қалқон  
қўлларидадир.  
Жанг кўзғолонини кўтарган жангчилардек етиб  
келиб,  
Душманга найза уриб, сарзаниш қилдилар.  
Дастасидан то учигача ханжар урувчилар,  
Душман бошига қилич, болта етишгач,  
Дубулға, қалқонлар хаммаси тупроққа  
қорилди.  
Хаммага маълумдирки, жанг вақтида душман,  
Шиша соатдек остин-устин бўлиб кўринади.  
Найзаси ниҳолида боғланган қонлар  
Жанг майдони боғида арғувон шохидек бош  
кўтарди.  
Табиат эгалари, ҳунар ахллари юзига  
ўтирганидек,  
Туғлар, яловлар ой нишонлари юзига чанг  
ўтирди.  
Жанг майдонида йиқилиб ётганлар мотамида,  
Карнай йиғловчи бўлди, нағора фиғон кўтарди.  
Туғ анбарафшон сочини ёйди,  
Совут кўзларидан қонли ёшини юзига тўқди.  
Эй фалакжаноб ҳокон, сенинг тавсифингга тил  
очаман,  
Чунки сенинг кадринг даражаси фалакдан  
ортиқдир.  
Мен сенинг мадҳинг шавки билан тавсифингда  
машғулмен,  
Худди мен ўт устидаги уддек, сувга тушган  
шакардекман.  
Агар қалбим заиф, танам ориқ бўлса ҳам, шунга  
карамай,

Неча йиллардан буён сенинг мадҳинг ва  
тавсифингни ёзаман.  
Сенинг мадҳингни бу китоб саҳифасига ёздим,  
Агар Аторуд буни кўриб мени мадҳ этса  
лойикдир.  
Сенинг базмингни, жангларингни бир китоб  
килиб ёздим,  
Чунки бу билан шараф ва иззат топиш умиди  
менда бордир.  
Бу китобга мен ҳар хил дилкаш сўзларни дарж  
қилдим,  
Ҳамма дилбар нукталарни мен унга йиғдим.  
Агар сенинг марҳаматинг менга етиб турса,  
Ҳар икки йилда қутидаги дурдек бир китобни  
тайёрлагум мен.  
Фикр дарёсидаги тоза дурларни ипга тизаман,  
Ҳар вақтда сенинг мадҳинг ва тавсифингни  
сўзлаганимда,  
Умрим абадий бокий бўлса, хоқон мадҳини  
килаверсам,  
Шу тартибда маҳшаргача танда жоним тирик  
турса деган хаёлга бораман.  
Восита қиламан улуғ Тангримники,  
Ҳеч бир кишининг ундан бошқа худоси  
йўқдир.  
Пайғамбар руҳи ҳурматиданки, удир  
инсонларнинг афзали,  
Яна саҳобалар афзали бўлган Абубакр Сиддик  
сидқининг соди ҳурматидан,  
Умар исмининг мими атосининг айни умароси  
ҳурматидан,  
Икки нур эгаси бўлган имом, яъни Усмон  
сарватининг ҳурматидан,  
Ҳайдарнинг<sup>991</sup> валояти ёси ҳикмати, хоси  
ҳурматидан,  
Таййиб Тоҳир авлоди ва асҳоби ва улуғ  
тобейнлар ҳурматидан,  
Пок қалбли авлиёлар маърифати нури  
ҳурматидан,  
Мен фалак гардиши дастидан нолдек<sup>992</sup>  
заифмен,  
Менинг заифлигимга сабаб дунпарвар  
замондир.  
Менинг танг дилим ғунчадек ўзига-ўзи ўралиб,  
Лоладек дилида доғ билан ожиз ва музтар  
бўлиб қолгандир.  
Сенинг комил марҳаматингдан бу банда  
умидвор бўлиб,  
Лутфингдан умид тутиб эшигинга келди.  
Бахт-саодатдир, агар мени асрдошларимдан  
мумтоз қилсанг,  
Ҳосидлар ҳасадидан ва рашкидан кўру қар  
бўлсалар,  
Қандай давлатдирки мени, сенинг давлатингда  
сарфароз бўлсам,

Замона мени асрдошларим устидан сарвар  
килса.  
Камоли лутфинг ва караминг билан  
марҳаматинг Хумоси  
менинг бошимга қанот ёзишининг пайти келди,  
Чунки нуроний шуъла тамом куёшдан етади.  
Доимо хушбўйлик анбар табиатидандир.  
Лутф булути инжу, дурдан бошқани тўкмайди.  
Саховат дарахти карамдан ўзга мева бермайди,  
Эй Наҳлий, бундан кўп бехудагўйлик килма.  
Замон шаҳаншоҳи ҳақиқа дуодан бошқа сўз  
очма,  
Тупроқ қорамтир, сув тиниқ бўлиб, шамол тез  
ўтиб турган, оташ қуйдириб турган муддатда.  
Фалак сенга банда, янги ой қул бўлсин.  
Жаҳон мутеъ, замон ёрдамчи, осмон  
фармонбардор бўлсин,  
Иккинчи қасида: Жамшид қадри шаҳаншоҳ  
Абдуллаҳондир,  
У Искандар нажодли, Фаридун шавкатли,  
Жанг пайтида у саф йиртувчидир,  
Шоҳлардан унингдек саф йиртувчини  
кўрмадим.  
У дилбанд фарзанди шаҳзода ҳамроҳлигида  
Ҳирот фатҳи учун биёбон қумидан кўп аскар  
тортди,  
Бу шаҳзодадек ноёб гавҳар жаҳон подшоҳлари  
ҳазинасида йўқдир.  
Хайбарда Пайғамбар атрофида саф тортиб  
турганларидек саф тортиб турдилар,  
Жамшид нишонли, муборак талъатли,  
Фаридун шавкатли хоқон  
Ҳар бир вилоятдан бир қалъа пайида аскарни  
кўзғотди,  
Ҳар бир шаҳардан аскар олиб жўнатди,  
Осмоннишон Ҳирот қалъасига гўзаллар  
кўзидек кофирлар жойлашган эдилар.  
У шундай зўр қалъа эдики, осмон унинг  
этагида бир ховуч тупроқ, ё қўлдек кўринарди.  
Унинг теппасида тун бўйи машғал ёниб.  
турарди.  
У машғаллар худди осмондаги юлдуздек  
кўринарди.  
У қалъа ердан осмонгача бош тортган бўлса  
ҳам,  
Ҳирот қалъасини ўн ой деганда мусаххир  
килди.  
Акл шошганидан унинг фатҳи таъриҳида  
«Муборак бод шаҳри Ҳирий» деди.  
Яркираган машғаллар у қалъа устидан  
осмондаги юлдуздек шуъла сочарди,  
Хон иқболи билан басталик кўтарилиб, ғайбдан  
хон юзига эшик очилгач,  
Акл ночор қалъа фатҳи таъриҳида «Муборак  
бод шаҳри Ҳирий»<sup>993</sup> деди.

Хокон халқ олимлари, хурмати вожиб бўлган фозилларга арз етказди. Бу аризанинг сабаби шу эдики, ўша вақтда фалак ҳашаматли хокон, муборак оқибатли шахзода Хирот вилоятини фатҳ этиш ва бошқа қалъаларни ўз тасарруфига олиш учун эҳтимом кўрсатишга қадам қўйгач, у залолат аҳллариининг ахволидан ва мазҳабида ҳаддан ошган ишларидан хабардор бўлди. Сўнгра Мовароуннаҳрга, хусусан олий давлат маркази Бухоронинг имом ва уламоларига фармон юбориб, улардан «Хирот дорилҳарб<sup>994</sup> эрурми ё эмасми?», деб фатво сўради. Қозиюл-қуззот кози Нуриддин жаноблари имомлар ва уламоларни, дарс ва фатво мутасаддийларини ўз уйига йиғиб, хокон ҳазратнинг сўраган фатво суратини уларнинг назаридан ўтказди. Бу мавзудан хабардор бўлганларидан кейин фатво ёзиб хокон ҳазратга юбордилар. Олий ҳазрат хокон бу варақлар кораловчисига, яъни бу китобнинг ёзувчисига у фатво суратини бу воқеалар этагига ёзишни буюрди. Бухоро имомлари ёзган фатвонинг айна ўзини бу ерга ёзилди. У фатво сурати будир: «Тангри таолонинг олий зикрини айтган ҳолатимизда ислом имомларининг, Тангри уларнинг ҳаммасидан рози бўлсин, бу масалада фатволари нимадур? Бадқирдор кофирлардан, қизилбош деб машҳур бўлган тоифалардан бир жамоаси етмиш йил, балки ундан ҳам ортиқ муддатдан бери ислом шаҳарларидан бўлган бир шаҳарни истило қилган бўлса, аҳли суннат ва жамоат мазҳабини тамоман эътибор назаридан чиқариб, шиъаларнинг ёмон йўлларини ошқора қилиб, қози, мухтасиб ва ҳокимлари ҳам шиъалардан бўлган бўлса, шайхайн, яъни Абубакр ва Умар ва Ойшайи сиддиқа ҳазратларини, Тангри улардан рози бўлсин, ҳақорат қилиб, улар лаънат ўқиса, у шаҳарнинг халқи, агар кофирлар вақтида туғилган бўлиб, юқорида айтилган ишларда уларга мувофиқ йўл тутган бўлсалар, мутиъ никоҳики, уламо иттифоқи билан ҳаром ва ботилдир, уни ҳалол деб эътиқод қилсалар мўминлардан ҳеч бири ва исломият давридаги зиммийлар улардан ўз жонига омонда бўлмаса, балки уларнинг ўзи ҳам буларнинг ичида бўлмаган тақдирда олий ҳазрат, жаҳон халифаси, замон соҳибқирони, ислом подшоҳи, Тангрининг халқ устидаги сояси, дин паноҳи, Тангри йўлида жиҳод қилувчи мужоҳид, Тангри мулкани ва салтанатини абадий қилсин, улуғ хо-

конга шариатда у кофир, фожир жамоалар ва уларга юқорида мазкур бўлган ишларда мувофиқ кишилар билан жанг қилиш фарз бўладими, ё йўқми? Агар бу шаҳар дорилҳарбга муттасил бўлса, Имоми Аъзам<sup>995</sup>, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад<sup>996</sup>, Тангри уларни раҳмат қилсин, ҳазратлари иттифоқи билан дорилҳарб бўладими? Агар хокон олдиларида шу шаҳарда бир киши мусулмон бўлиб, юқорида мазкур бўлган ишларда уларга мувофақатчилик қилмаса, унинг қони, моли шаръан сақланиб, унга тегиш ғайри жоиз бўладими? Агар ислом аскарлари у жамоаларни ўлдирса ғозий бўлиб, ўлган кофирлар мурдор ҳолида дўзахга тушишга ҳақли ва унда абадий қоладими? Агар ислом аскарларидан ўлдирсалар улар шаҳид бўлиб, жаннатга тушишга ҳақли бўлиб, унда абадий бўладими, шароитлари билан, ё бўлмайди? Шуларни баён қилинглар. Агар баён қилсанглар ажру савоб топасизлар, савоб бўлади. Фатвога ёзилган масалалар ечими қуйидагича: Имоми Аъзам, Тангри уни раҳмат қилсин, айтганлар: «Дорулислом<sup>997</sup> дорилҳарб бўлмайди. Илло, мушриклик аҳкомларини у жойда ижро қилинса, ёки дорилҳарбга муттасил бўлиб, иккаласининг ўртасида мусулмонларнинг бошқа шарҳи бўлмаса ва унда истиқомат қилиб турган биронта ҳам мусулмон бўлмаса, ёки имони аввал билан омон берилган зиммий бўлмаса, бу ҳолатда дорилҳарб бўлади. Агар шу уч шарт мавжуд бўлмаса, шаксиз дорилҳарб бўлмайди. Дорулислом шунда дорилҳарб бўладими, агар дорилҳарбга муттасил бўлиб, иккаласининг ўртасида ислом шаҳарларидан бири бўлмаса ва у шаҳарда биронта туриб қолган мусулмон ёки омони аввал билан омон берилган зиммий бўлмаса ва унда кофирлик аҳкомлари ошқора юриб турган бўлса, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг, Тангри иккаласининг раҳмат қилсин, наздида куфр аҳкоми жорий бўлиб турганлиги сабабидан дорулислом дорилҳарб бўлганидек, ислом аҳкоми жорий бўлиб турганда дорилҳарб дорулислом бўлади. Кимда-ким дорилҳарбда исломни қабул қилиб мусулмон бўлса, у ўз жонини, ёш болаларини, ўзи билан бирга бўлган молини ва ўзгаларга омонат қўйган молини, хоҳ у молни мусулмон қўлида қўйган бўлсин, хоҳ зиммий қўлига қўйган бўлсин, сақланади. Бу масалалар «Шарҳи виқоя» ва «Ҳидоя»<sup>998</sup> дан олингандир».



Бу ёзилган фатвога караганда, Хуросон вилояти Имоми Аъзам ва Имомайн наздида дорилхарбдир, бунда ҳеч хилоф йўқдир. Бу саҳифалардаги кўчирилган фатво айнан парҳезкорлар зубдаси, муфтийлар пешвоси бўлган жанобнинг хатларидандир. Мавлоно Муҳаммад Амин нақл этган бу ривоятга имзо чеккан уламоларнинг номлари куйидагича: 1. Хожа Хурд Азизон. 2. Мулла Мир Косагароний ҳазрат. 3. Охунд мулла Поянда Миёнколий. 4. Мулла Мир Носир ҳазрат. 5. Амир Садриддин Муҳаммад ал-Хусайний. 6. Хожа Муҳаммад Тоҳир ҳазрат. 7. Мулла Муҳаммад Амин муфтий. 8. Мулла Нуриддин муфтий.

#### БУ МУБОРАК АНЖОМЛИ КИТОБНИНГ ХАТМИ ВА ХАЛҚ ЭГАСИ ХОҚОННИНГ ФАХРЛИ ТАРИХИ ИТМОМИ БАЁНИДА

Замон суҳандонларининг қуёшдек нуроний кўнгиллари, кимё таъсирли нуктапарвар хотирларига маълумдирки, уларнинг сўзлари фасоҳат китобининг саводи, нафосатли баёнлари балоғат илми саҳифаси аҳлининг зебу зийнатидир. Очик ва равшан бўлсунки, бу бир кўнгилочар дебочадирки, боблари ва фасллари-нинг мундарижаси қимматли асарларининг порлик инжулари билан музайяндир. Ва бу жонга оромбахш этувчи нусхадирки, унинг асли ва бориб туриладиган жойи муборак оқибатли ҳазратнинг донгдор ва олий хабарлари билан тартиб берилган ва тузилгандир. Ва бу бир сабзордирки, сўз райҳонлари, маоний чечаклари билан яшнаган, назокат ва латофатни ўзида тутгандир ва бу бир боғдирки, ҳар хил тоза гуллар, ҳисобсиз ранг-баранг мевалар ва яшнаган сабзаларни ўз ичига олгандир. Фахрли сўзлар инжуларини тизувчилар пок қалбли хоқоннинг гўзал асарларини замона саҳифасига ёзади, олтину кумуш билан зафарли давлат биносини ораста қилади. Ою йиллар варақларини улуғ ва олий даражаларга етиш дуосининг олтин ҳали билан безаб зийнатлайди. Хоқон ҳазратнинг турли мадҳиялари ва ҳар фандаги васфиялари билан бу тарих ораста қилинди, ажойиб ва ғаройиб ташбихот ва нодир ва гўзал истиоралар билан безалди. Ҳеч бир равшан табиатдан бунингдек қуёш талъатли гўзал жилва кўрсатмаган, ҳеч бир покиза фаҳм фикр гўшангасидан бунингдек ой юзли, Зухра пешонали маҳбуб юз кўрсатмаган. Шунинг

учун камол арбоблари хомасининг забони, фазлу фазойил эгалари қаламининг тили бу мислсиз зафарнома таҳсинида холлари етгунича бу сўз билан тараннум қилмоқдалар.

Б а й т:

Бу бир китобдирки, агар буни ўзга китоблар  
кўрса,  
Сен бу гўзалликни Уммулкитебдан олдингму?  
дегайлар.

Гўё у тун бўйи булут қатраларини эмиб  
чикиб, яшнаб турган гўзал бокка ўхшайди.

Б а й т:

Бу фасоҳат билан тўлган ишқ нуктаси,  
Малоҳатли бўлиб кўринган дўстнинг  
чехрасидир.  
Унинг хурсандлик шодлиги жонга бадал,  
Нашоти, роҳати дилга бадалдир.

Доимо саркашлик оти жиловини инсоф томонидан ва адолат йўлидан буриб келмакда бўлган ва бузукчилик билан тўлган душманнинг ёмонлиги, ҳасадчилар таънига биноан ўз-ни билмасликка олиш оти қадамини ғофиллик, мусолаҳакорлик ва жохиллик майдонига бостиради, нутқ тўтиси хол ойнасида малол рангини, табиат булбули қалби гулзорида лола мисол увол доғини кўради.

Н а з м:

Бу кунда замона мизожи айниди,  
Фазлу камол бозори касод бўлди.  
Фалакдан минг йиллаб етган кулфатни дилда  
тутама,  
Унинг устига ҳасадчининг таънаси менга  
ортикчадир.

Бу журъат бу беқадрнинг қудратидан келмаган ва хаёли лавҳасида китоб муҳаррирининг шикастабаён қаламидан бунингдек кўнгилга макбул нусха таҳрир шаклини ва тасвир нишонасини тобиши юз кўрсатмаган эди. Лекин холис хоқон ҳазрат давлати номига, улуғ Тангри иноятига биноан бунингдек зўр совға ва улуғ ато мени фахрлантириб сарфароз қилди. Тангрига ҳамд ўлсинки, бу кунда ушбу муборак интизомли китобдан биринчи мақола

тамом бўлди, хатм бўлиш зийнати ўзига қабул қилди. Иқбол гулшанининг булбули ғунчадек оғзини кулгуга очди, орзу-умидлари чаманининг тўтиси гули савсар каби тилини ваъда билан беади. Яқинда бу кўнгилни ўзига тортадиган мажмуа, гўзал, зебу зийнатли санъат жаҳон аҳлининг маҳбуби ва матлуби бўлади. Муборак мақоматнинг кундан-кун ортиб турган донги ва воқеалар овозаси тамом ер юзига машхур бўлади. Агар хоқон давлатининг иқболи даврида, соҳибкирон ҳазрат саодати замонида бу авроқни жамловчининг ҳаёт ўти ўчмаса, вужуди кемаси ходисаларнинг кучли елига тўкнашиб чайқалмаса, давлат тарихи шу тартиб ва шу йўлда баён оламида зоҳир бўлади. Иккинчи мақолага шуруъ қилганда ибрат низоми, истиора интизоми аввалгига нисбатан тартиб силкидан тушмайди. Сўз ниҳоли маоний чечаклари билан гуллаб-яшнади. Нутқ дарахти гўзал сўзлар меваси билан мевадор бўлади.

### Н а з м:

Сенинг кўнгилочар мадҳинг чаманида туриб,  
Мадҳинг, тавсифинг, шукринг ва  
дуойингдаман.  
Хотирам эса у чаманнинг мевадор дарахти,  
Унинг шохи баргу мева билан тўлади.

Тангрининг чексиз карамидан умид шулки, бу бир жонпарвар таълиф кўнгилёзар таснифдирки, фазлу ҳунар эгаси бўлмиш хоқон номидан шараф қозонади. Агар хоқоннинг нуруний назаридан, кимёасар мутолаасидан ўтса, лутфу қабул обрўсини ва хоқон илтифотини топади. Иззат шуъласи шараф равшанлиги партави унга тобиш қилади. Тангри таоло жаҳонкори асосини қуриб, олий авжга етказганидан ва бу борлиқ фасод жаҳони қаддини баланд кўтарганидан буён азалий ҳикмати тақозоси ва зоил бўлмайдиган иродаси иқтисоси шу бўлдики, жаҳон мамлакатлари ҳеч бир вақт эгасиз бўлмайди. Жаҳон ҳеч бир пайтда бир жаҳонгирнинг ҳокимиятисиз кун кечиролмайди. Ҳар бир даврда Тангри инояти бир қавмнинг холига яқин ва умидларига йўлдош бўлиб, уларга фармонраво халқпарвар додхоҳ бир подшоҳни ато қилади. Унинг замонида эса жаҳон ободонликка юз қўяди. Шаҳарлар, вилоятлар маъмур бўлиб, у жойларга халқлар жойлаша-

ди. Худога шукр, бу кунда умуман рубъи маскун халқлари, хусусан Мовароуннаҳр халқи кўп-кўп шукр айтишлари лозим.

### Б а й т:

Шукр этиш лозим жаҳон халқига,  
Бўлди хоконким жаҳон аҳлига шох.

Чунки бемонанд маликулмулк Тангри кунфаякун маснуъасининг сонийи рубъи маскун калидини, «улуғдир ул зотки, мулк унинг қудрат қўлидадир»<sup>999</sup>, деган оят мазмунича, ҳазрат Одам ўғил-қизларининг фармончиси ва жаҳон худосининг қудрат қабзасидадир. Тангрининг субҳоний раҳмати нишонидандирки, халқ подшоҳи мусулмонлик маросимини тирилтиривчиси, адолат, инсоф қуёшининг матлаъи, халқлар ва шаҳар ахилларининг ҳомийси, зулму ситамни кеткизувчиси, ислом қўмақчиси, мусулмонлар додхоҳи, дин, дунё, ҳақлик тарафдори Абулғозий Абдуллахондир.

### Б а й т:

У адолат авжининг қуёши, Жамшиднишон подшоҳдирки,  
Унинг мажлиси шамъи дудидан қуёш  
мунаввардир.  
У шундай жаҳонгир подшоҳки, унинг шарафли  
вужуди  
гавҳари билан ер қуёшга фаҳр қилади.  
Агар унинг қалби равшанлиги фалакка партав  
солса, иккинчи марта қуёш тутилмайди.

Жаҳон бунёдининг ободонлигига, даврон маҳсулотига адолат ва меҳрибонлик йўли билан, комил ҳайбат ва сиёсат тартибида оройиш бергач, унинг қутлуғ асри мамлакатлар жиловига эга бўлади. Адолати бинокори мусалласа хокни шу қадар тарбият қиладики, то қиёматгача вайрон бўлмайди. Фикрининг ҳокими жаҳон чорбозорини шундай ўз забтига оладики, асло у ўзгармайди. Бу даврда Тангри таолонинг бандаларидан хушнудлиги ғоятда зоҳир бўлмоқда, лутфу раҳмати асари жаҳон халқига очикдан-очик билинмоқда, чунки Пайғамбар Мустафога мансуб сийрат, Алига мансуб хислатларни ўзига жамъ қилган хоқон ҳазратнинг азиз вужуди жаҳондорлик салтанати тахтини ораста қилди. Масалан, дину давлат қоида-қонунини, мулку миллат биноси асосини

курди. Фармонраволик, жаҳонгирлик маросимларини тақдим этди. Мамлакат ишларининг тадбирини, бандалар маслаҳатининг интизомини тузди. Ислоҳ доирасини мустаҳкам сақлаб, хосу омм аҳволини билишда тўғри текширишни етарли даражада кўзда тутиб, уларга диққат назари билан қаради. Ҳақиқатан, бу кунда даврон чаманида, замона гулшанида, саодат гулзорида бу рангда бир гул очилмади. Улуғлик ариғида бу янглиғ яшнаган сарв қад кўтармади. Унинг вужуди жавҳарини Тангри ижод қутисидида охириги замондаги икки ораликда омонат сақлаб келган унинг унсури гавҳарини *Ибдоъ қутисидида* жабр дафъи ва зулм рафъи учун охириги замонга сақлаб қолдирган.

Б а й т:

Илоҳо, у то жаҳонга обу рангдир,  
Фалакка, даври оламга дарангдир.  
Олиб ул баҳра иқболу бахтдан,  
Оёғи тушмасин олтин тахтдан.

Ҳикояда келтиришларича, Фузайл Абъз, у кишига Тангрининг раҳмати бўлсин, айтган: «Агар менинг тамоми умримда биргина дуойим мустажоб бўладиган бўлса, уни мен замонанинг подшоҳига нисор қилардим, чунки жаҳон ишларининг низоми, одам болалари ижтимоий умидларининг интизоми унинг марҳаматли вужудига боғлиқдир. Унинг меҳрибонлиги паноҳида, ҳимояси остида мазлум зулмдан қутулади».

Илоҳо, унинг салтанати асосини, мамлақати арконини то қиёмат қойим бўлгунча давомли қилгин! Унинг ва жаҳон шахзодасининг муборак соясини жаҳонга ва рубъи маскун устига етқизгин, токи барча халқлар унинг адолати ва омонлиги соясида ҳаёт кечирсинлар. Хотиржамликда давлатга дуоғўй бўлиб, кенгчилик аҳволда, тинч ҳолатда истиқомат қилсинлар.

Эй Тангри, дуойимни ижобат қил!

(*Омиин, ё Раббул оламийн.*)



£ 3 P ? ^

## ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

«Абдуллономатинг иккинчи китобида Мовароуннаҳр ва Дашти Кипчоҳда ҳарийб тўрт йил (1579—1583 йиллар) ичида бўлиб ўтган сиёсий воқеалар ҳамда Абдуллахоннинг Бадахшон, Кўлоб ва Ҳиротни бўйсундириши билан боғлиқ воқеалар (1584—1588) ҳақида батафсил ҳикоя ҳилинади.

Маълумки, Абдуллахон 1567—1576 йиллари, оғир курашлардан сўнг, Мовароуннаҳрни батамом бирлаштириб, марказий давлат аппаратини мустаҳкамлаб олган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, 1579 йил ноябр ойи ўрталаридан бошлаб, Сирдарёнинг шимолий тарафидаги ерларни, хусусан, Тошкент, Туркистон, Саброн ва Сайрам вилоятларини ҳам Бухоро хонлигига бўйсундириш учун кураш бошлади. Бу кураш ҳарийб тўрт йилга чўзилди ва шу давр ичида Абдуллахон бу ўлкаларга олти марта ҳарбий юриш қилди. Абдуллахон ҳўшини юҳорида ҳайд қилинган вилоятларни бўйсундириш билан кифояланибгина қолмади. У ўз раҳиблари шайбонийлардан Бобоҳон, Бўзахўр султон, Дарвиш султон ва бошқаларни Улугтоғ (Улутау)га-ча таъҳиб қилиб борди ва охири ҳозоҳ хонлари Шигойхон ва Таваккал билан иттифоҳ тўзиб, улар устидан тўла галаба ҳозонишга муваффақ бўлди.

1584—1588 йиллар ичида эса шайбонийлар Бадахшон, Кўлоб ва Ҳирот вилоятларини ҳам ўз давлати таркибига киритиб олишди. Иккинчи китобда шу воқеалар тўла тафсилотлари билан зикр қилинади. Ундан ташқари, Бухоро хонлигининг Шарҳий Туркистон ва Ҳиндистон билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳамциммати маълумотлар келтирилади.

Маълумки, Хофиз Таниш сарой шоири ва тарихчиси эди. Шунинг учун ҳам у валинеъматни Абдуллахоннинг ана шу юришларини зўр кўтаринкилик билан тасвирлаган. Бу урушларни эса мамлакатда осойишталик ўрнатишга қаратилган ҳаракат деб тавсифла-

ган. Лекин асарда баён этилган воқеаларни диққат билан ўқир экансиз, муаллифнинг бу урушлар меҳнаткаш халққа беҳисоб азоб-уқубатлар етказганини кўрсатиб беришга ҳам ҳаракат қилганини кўрасиз. Асарда бўйсунмаган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг қириб ташланиши, молу мулкининг талон-тороғ ва горат қилиниши каби фактлар кўп учрайди. Умуман, асарда халқимизнинг узоқ ўтмишдаги, зўравонлик ҳукм сурган замонларда қандай кун кечирганлиги зўр маҳорат билан тасвирлаб берилган.

«Абдуллономашинг Содиқ Мирзаев таржимасига асос бўлган нусхаси (Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқишунослик институти, инв. № 2207) тўлиқ бўлмай, 1583 йил воқеалари билан тугалланган, ваҳоланки, асарнинг Санкт-Петербург, Боку ва Душанбада сақланаётган нусхалари 1584—1588 йиллар воқеаларини ҳам ўз ичига олади. Асарнинг 1584—1588 йилларда Бадахшон, Кўлоб ва Ҳиротнинг Бухоро хонлигига қўшиб олиниши, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг ана шу йиллар ичидаги ижтимоий-сиёсий аҳволини ўз ичига олган қисми Санкт-Петербург ва Боку нусхалари асосида араб ва форс тилларининг билимдони Юнусжон Ҳакимжонов тарафидан таржима қилинган.

Асарнинг С.Мирзаев таржима қилган қисми иккинчи китобнинг бир қисми билан тугайди. Шу қисмни нашрга тайёрлашда марҳум А.Жувонмардиев ва илмий ходима М.Хўжаевалар иштирок этгандилар. Таржимонларнинг асар устида қилган кўп йиллик катта меҳнатларини яна бир бор ҳайд қилиб ўтмоқ лозим. Олимлар бу билан мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасини Ўрта Осиё ва қўшни хорижий Шарқ мамлакатларининг XVI асрдаги тарихи бўйича муҳим манба бўлган бу асар билан яқиндан таништиришидек шарафли ишга катта улуш қўшдилар.

Академик **Б.АХ.МЕДОВ.**

## ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> **Насх хати\*** — диний ва илмий китобларни, шунингдек, унвон ва сарлавҳаларни ёзиш учун ўрта асрларда қўлланилган хат тури.

<sup>2</sup> **Дашти Қипчоқ** — ҳозирги Қозоғистон худуди ва Жанубий Русия ерлари XI асрдан бошлаб нгу худудда кўчиб юрган қипчоқ қабилалари номи билан шундай аталган.

<sup>3</sup> **Ясси ва Саброн — Ясси** — ҳозирги Жанубий Қозоғистон худудида жойлашган Туркистон шаҳри; **Саброн (Соврон)** — Туркистоннинг шимолий тарафида, ундан 35 километр масофада жойлашган йирик ўрта аср шаҳри.

<sup>4</sup> **«Рамазон ойининг охирида...»** — ҳижрий 987/ милодий 1579 йил ноябр ойининг ўрталарида.

<sup>5</sup> Куръон, 5/99: яъни «Оли Имрон» сурасининг 99-ояти. Бундан буёғига муқаддас китоб суралари ва тегишли оятларнинг рақамигина келтирилади.

<sup>6</sup> Куръон, 26/80.

<sup>7</sup> **Нўюн (нўён)** — (мўғ. — шахзода, улуғ амир) — XII—XV асрларда, қисман XVI—XVII асрларда ҳам, Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда туман, яъни ўн минг кишилик кўшинга бошчилик қилган шахзода ва амирлар шу ном билан аталган.

<sup>8</sup> **«Шаввол ойининг охирларида...»** — 987/1579 йил декабр ойининг 16—19 ларида.

<sup>9</sup> **«Шавволнинг саккизинчиси, шанба куни»** — 987/1579 йил 29 ноябр куни.

<sup>10</sup> **Абубакр Саъд** — XVI асрда катта нуфузга эга бўлган Жўйборий хожалардан.

<sup>11</sup> **Али Сулаймон кўприги** — ўрнини аниқ белгилаб бўлмади. Жўйборий хожалар архивида сакланаётган баъзи маълумотларга қараганда, бу кўприк Бухоро — Қасри Орифон йўлида, Шохруд устида жойлашган.

<sup>12</sup> **Хожа Нақшбанд** — Нақшбандия тариқатининг асосчиси ва пири. 718/1318 йил Бухоро теварагидаги Қасри Орифон кишлоғида туғилган; Хожа Муҳаммад Бобо Сомосийнинг халфаси; 791/1389 йил вафот этган.

<sup>13</sup> **Хожа Даргир** — Бухоронинг шарқий тарафида, Хожа Баҳоуддин мазори билан Когон ўртасида, Хожа Якшанбага яқин қадамжой. Ҳозир «Когон» жамоа хўжалиги ўрамида бўлиб, элда Хожа Даргир номи билан машҳур.

<sup>14</sup> **Ибодулла султон** — Бухоро хони Абдуллахон II (1583-1598)нинг иниси; 1576-1586 йиллари Самарқанд хокими.

\* Иккинчи китобга изоҳлар биринчи китоб (*Х.офиз Таниш ал-Бухорий*. «Абдуллонома» («Шарафномаи шохий»), Биринчи китоб. — «Шарқ», Тошкент, 1999.)га изоҳларни заруратан такрорлаган ҳолда қисқа, кўшгичча янги, ашқлаштирилган маълумотлар бериш асносида тартибланган. — *Муҳаррир*.

<sup>15</sup> **Абулфатх Исфандиёр султон ва Суюнчмуҳаммад султон — Исфандиёр султон** Жонибек султоннинг саккизинчи ўғли. Абдуллахон II нинг амакиси; **Суюнчмуҳаммад султон** эса Шайбонийхоннинг ўртанча ўғли.

<sup>16</sup> **«Зулқаъда ойининг ўртасида...»** — 987/1580 йил январ ойи бошларида.

<sup>17</sup> **«Қачонки Тангри қазою қадарни унга етишни истаса, оқиллардан ҳам ақлини олади»** — ҳадис.

<sup>18</sup> **«Мулоҳазасиз тузилган нарсалар воқеъ бўлади»** — ҳадис.

<sup>19</sup> Куръон, 16/92 га ишора.

<sup>20</sup> **Кайхусрав** — Эронзаминда ўтган кайёнийлар сулоласидан иккинчи подшоҳ (батафсил қаранг: «Мажмуъ ал-фасихий», 20 — 21).

<sup>21</sup> **«Мазкур йилнинг зулқаъда ойи охирларида...»** — 987/1580 йил январ ойи ўрталарида.

<sup>22</sup> **Кайвон** — Зухал (Сатурн) сайёраси.

<sup>23</sup> Миёнколнинг машҳур кишлоқларидан бўлган бу жой аслида **Сарипули бегим** аталган.

<sup>24</sup> **Шибиргон** — ҳозирги Афғонистон худудида, Мазори Шариф билан Андхуд ўртасида жойлашган қадимий шаҳар.

<sup>25</sup> **Қоклик** — бу жой аслида «Қўриқи Қоклик» деб аталиб, Қарши билан Самарқанд оралиғида, Самарқандга яқин бир мавзе бўлган.

<sup>26</sup> **Айбакшоҳ** — Тохаристон (ҳозирги Шимолий Афғонистон) шаҳарларидан; Балх — Хиндистон қарвон йўлида жойлашган.

<sup>27</sup> **Қорлик (қарлуқ)** — қадимий турк қабилаларидан; XV асрдан ўзбеклар таркибига кирган.

<sup>28</sup> **«Зулҳижжа ойининг аввалида, душанба куни»** — 987/1580 йил 19 январ куни.

<sup>29</sup> **Қўли Моғиён (Қўли Моғок)** — Самарқанднинг ғарбий тарафида, ундан тахминан икки шаръи (4 километрга яқин) масофада жойлашган хушманзара жой.

<sup>30</sup> **Уқоб юлдузи** — Конопус.

<sup>31</sup> **«Панжшанба куни»** — зулҳижжа, 987/1580 йил 21 январ куни.

<sup>32</sup> **Уғруқ (укруқ** деб ҳам юритилади) — ҳарбий юришлар вақтида хон, подшоҳ ва султонларнинг оила аъзолари ва уларнинг анжомлари, шунингдек, зарур захира ортилган махсус қарвон.

<sup>33</sup> **Боғи майдон** — Мирзо Улуғбек барпо қилган боғ; Қўҳак тепалигининг ғарбий тарафида жойлашган.

<sup>34</sup> Куръон, 2/30.

<sup>35</sup> Куръон, 12/78.

<sup>36</sup> Куръон, 92/5-6.

<sup>37</sup> Куръон, 9/60.

<sup>38</sup> **«Ойнинг бешинчиси, жума кечаси»** — зулҳижжа, 987/1580 йил 23 январ кечаси.

<sup>39</sup> **Кусам ибн Аббос** — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси; ривоятларга кўра 56/676 йили Самарқандда ўлдирилган.

<sup>40</sup> **«Ойнинг еттинчиси, якшанба куни»** зулҳижжа, 987/1580 йил 25 январ куни.

<sup>41</sup> **Накиб** — хонга яқин турган олий мансабдор. XVII асрдан — козиаскар, яъни ҳарбий судья.

<sup>42</sup> Бу байтда Бухорода улуғ меҳмон учун тайёрланадиган «ситора палов» деб аталадиган бир тур паловга ишорат қилинади. Бу махсус палов қуйидаги тартибда тайёрланган: тухумни пўчоғи билан сувда пишириб, сўнг уни пўстлоғидан тозалаб, ҳар бири пиширилган қиймага ўралган ва ёғда қовуриб олинган. Палов эса алоҳида қозонда тайёрланган ва табаққа сузилгач, тухум ўралган қиймаларни ўртасидан бўлиб, ички томонини тепага қилиб, палов устига териб қўйилган. Шунда табақдаги палов гўё бир гумбаз шаклида бўлиб, қийма ичидаги тухум парчалари осмон гумбазидаги юлдузларни эслатган.

<sup>43</sup> **Музаъфар** — заъфарланган. Бухорода пишириладиган «софаки» аталмиш бир хил палов. Уни табаққа сузиш олдидан устига заъфар сувини сепиб аралаштирганлар. Ош сузилгандан кейин, гуруч доналарининг бири оқ, бири сарик товланиб, хўранданин рағбатини келтирган. Мана шундай паловни «музаъфар палов» ёки шунчаки «музаъфар» атаганлар.

<sup>41</sup> Бу ерда **«қонун»** лафздан икки маъно назарда тутилади: бири Абу Наср Фаробий ихтиро қилган мусиқа асбоби, иккинчиси эса Ибн Синонинг «Ал-китаб фи-т-тибб» асари назарда тутилади. Бу жойда қонун аталмиш мусиқий асбоб ҳақида сўз боради.

<sup>45</sup> **Эшик око** — ўрта асрларда, хусусан, XV—XVII асрларда хон, подшоҳ саройидаги катта лавозимдаги мансабдор. Унинг зиммасига қабул маросимларини уюштириш топширилган.

<sup>46</sup> **Чухра окоси (чухра боши)** зодагонларнинг болаларидан олиниб тарбияланган махсус ҳарбий бўлинманин бошлиғи.

<sup>47</sup> **«Зулҳижжа ойининг саккизинчиси, душанба куни»** — 987/1580 йил 26 январ куни.

<sup>48</sup> **Жавзо (Жавзо буржи)** — Шарқ мумтоз астрономиясида ўн иккита осмон буржининг учинчиси; май—июн ойига тўғри келади. Қуйрукли юлдуз (Орион) ҳам шундай аталган.

<sup>49</sup> **Найсон булут** — найсон қадимий Сурия тақвимида март—апрел ойи. Бу ерда шу ойлarda тез-тез ёғиб турадиган ёмғир назарда тутилади.

<sup>50</sup> **Далв буржи** — «буржи об»га киради; тақвимда ўн биринчи ой (январ).

<sup>51</sup> **Хулқар** — Сурайё; Савр (ўн икки буржнинг бири) юлдуз туркумида жойлашган тарқоқ юлдуз тўдаси.

<sup>52</sup> **«Ваш-шамс» сураси** — Қуръони қаримнинг 91-сураси. Бу ерда шу суранин 1-оятига ишора.

<sup>53</sup> **Фалак турки** — бу ерда Миррих (Марс) сайёрасига ишора.

<sup>54</sup> **Чоршанба мавзеи** — Самарқанд атрофида, Қорасув (Сиеб) бўйида жойлашган қишлоқ.

<sup>55</sup> **Мавлоно Ҳожаги Қосоний** — Нақшбандия тариқатига мансуб бўлган ўрта осиелик машҳур шайх (вафоти тахминан 1548/1549).

<sup>56</sup> **«Ойнинг ўн учинчиси, шанба куни»** — зулҳижжа, 987/1580 йил 3 феврал куни.

<sup>57</sup> **Мулла Худойдод мазори** — Самарқандга қарашлик тарихий Шероз туманининг Газира қишлоғи-

да жойлашган. Мулла Худойдод Махдуми Аъзам Қосоний Даҳбедийнинг замондоши бўлиб, Абу Тохир-хожанин маълумотларига кўра, 939/1553 йили вафот этган.

<sup>58</sup> **«Душанба куни»** — 987 йил 5 зулҳижжа/1580 йил 5 феврал куни.

<sup>59</sup> **Бедана кўриғи (Бўдана кўруғи)** — Самарқанддан 35 километр чамаси масофада, ҳозирги Жомбой ва Булунғур туманлари орасида.

<sup>60</sup> **«Шанба куни»** — 987 йил 20 зулҳижжа / 1580 йил 10 феврал куни.

<sup>61</sup> **Кўкғумбаз** — Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги иккинчи манзил.

<sup>62</sup> **Илон ўтти (Йилон ўтти)** — Қоратоғда, Жиззах билан Янгиқўрғон (ҳозирги Ғаллаорол туманининг маркази) оралиғидаги дара.

<sup>63</sup> **Бўрқлик қарлуқ** — аниқ ўрнини белгилаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қараганда, бу жой Илонўтти билан Жиззах оралиғида, Жиззахга яқин манзиллардан бўлган.

<sup>64</sup> **Баҳром** — Эронзаминда ҳукмронлик қилган сосонийлар сулоласидан Баҳром Гўр (421—439); Шарқ дostonлари кўпчилигининг қахрамони. Бу ерда Мир-бих (Марс) сайёрасига ишора.

<sup>65</sup> **«Мухаррам ойи аввалида, душанба куни»** — 988/1580 йил 17 феврал куни.

<sup>66</sup> **Қоратол** — Ясси (Туркистон) ёнида, Сирдарёнинг бўйида жойлашган мавзе.

<sup>67</sup> **«Мухаррам ойининг панжшанба кунида...»** — 988/1580 йил 20 февралда.

<sup>68</sup> **«Ҳилол қаби чанғали билан...»** бу ерда қарчиғай панжасини янги кўринган ойга ўхшатилаётди.

<sup>69</sup> **«Раъй шижоатлилар шижоатидан олдиндир»** — хикматли сўз.

<sup>70</sup> Қуръон, 24/35.

<sup>71</sup> **Соғарж** — шу номли Бухоро туманининг маркази. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан Душанба кўрғон деб аталган.

<sup>72</sup> **Санги яда** — қадимги замонларда ва ўрта асрларда туркий халқлар орасида об-хавони ўзгартириш, хусусан ногаҳон қор ва ёмғир ёғдириш учун қўлланилган махсус «сеҳр» тоши.

<sup>73</sup> **Кайёнийлар** — Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган сулола.

<sup>74</sup> **«Ойнинг йигирма саккизинчиси, шанба куни»** — муҳаррам, 988/1580 йил 28 март куни.

<sup>75</sup> **Поянж Мухаммад султон** — Кўчқинчixon наслидан; Абдуллатифхоннинг набираси; Гадоёхон номи билан машҳур бўлган Мухаммад Иброҳим султоннинг ўғли.

<sup>76</sup> **Тил олиб келиш** — душманнинг умумий аҳволини аниқлаш мақсадида унинг қароргоҳига аскар юбориб, улардан биронтасини тутиб олиб келиш расми.

<sup>77</sup> Қуръон, 4/128.

<sup>78</sup> **Гупсар** — дамланган меш. Қадим замонлардан бери катта сувлардан сузиб ўтиш учун ишлатилган.

<sup>79</sup> Қуръон, 38/26.

<sup>80</sup> Қуръон, 12/76.

<sup>81</sup> Қуръон, 12/90.

<sup>82</sup> **«Худо тақво қилувчилар биландир»** — хикматли сўз.

<sup>83</sup> **Шохрух мирзо** — теурийлардан Иброҳим мирзо ибн Сулаймоншоҳнинг ўғли; 983/1575 йили Ба-

дахшон тахтига ўлтирган ва ўн йил ҳукмронлик қилиб, 993/1584 — 85 йили, Абдуллаҳон Бадахшонни тамоман ўзига тобе этгандан сўнг Ҳиндистонга, Акбаршоҳ ҳузурига қочиб бориб, 1016/1607 — 08 йили ўша ерда вафот этган.

<sup>84</sup> **Зафар қалъаси (Қалъайи Зафар)** — Ҳисори Шодмон қалъаси.

<sup>85</sup> **Муҳаммад Ҳаким мирзо** (1544—1585) — темир-рийода; Кобул подшоши.

<sup>86</sup> **«Сафар ойининг ўн биринчиси, якшанба кунида...»** — 988/1580 йил 29 март куни.

<sup>87</sup> **«Ойнинг йигирма биринчиси, чаҳоршанба куни»** — сафар, 988/1580 йил 10 апрел куни.

<sup>88</sup> Куръон, 11/88.

<sup>89</sup> **Қўработ** — ўрнини аниқлаб бўлмади. Баён қилинган воқеаларга қараганда, Афшин тарафидан (IX аср) қурдирилган Худойсер работи (Жиззахдан бир фарсах масофада) бўлса эҳтимол.

<sup>90</sup> **Ёйилма** — ўрнини аниқлаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қараганда, бу мавзе Жиззах билан Сирдарё оралиғида бўлган.

<sup>91</sup> **«Панжшанба куни»** — сафар, 988/1580 йил 9 апрел куни.

<sup>92</sup> **Бешиқликтепа** — ўрнини белгилаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қўра, бу мавзе Жиззах билан Сobot оралиғида бўлган.

<sup>93</sup> **«Сафар ойининг йигирма тўртинчиси, якшанба куни»** — 988/1580 йил 13 апрел куни.

<sup>94</sup> **Учтепа** — Жиззахдан 10 км шимоли-шарқда жойлашган қишлоқ. Бу мавзе XIX асрда ҳам мавжуд бўлиб, Самарқанддан Тошкентга борадиган йўл устида жойлашган олтинчи манзил ҳисобланган.

<sup>95</sup> **«Сафар ойининг йигирма бешинчиси, душанба куни»** — 988/1580 йил 14 апрел куни.

<sup>96</sup> **Шовот (Шобот)** — эски Сobot. Самарқанд — Усрушона (Ўратепа) — Хўжанд йўлидаги бешинчи (Зоминдан кейин) манзил. Зомин билан унинг оралиғидаги йўл 2 фарсах атрофида.

<sup>97</sup> **«Сешанба куни»** — сафар, 988/1580 йил 15 апрел куни.

<sup>98</sup> **«Чаҳоршанба куни»** — сафар, 988/1580 йил 16 апрел куни.

<sup>99</sup> **Жанговар** — Хавос — Ўратепа ўртасида жойлашган қишлоқ; ҳозир Зафаробод деб аталади.

<sup>100</sup> **«Панжшанба куни»** — сафар, 988/1580 йил 17 апрел куни.

<sup>101</sup> **Кизилий** — Ўратепанинг кунботар тарафида, шаҳардан бир фарсах масофада жойлашган мавзе.

<sup>102</sup> **«Рабиъ ул-аввал ойи»** — ҳижрий 988/1588 йил 16 апрел — 15 май.

<sup>103</sup> **«Жума куни»** — ҳижрий 988/1580 йил 18 апрел куни.

<sup>104</sup> **Фушбекормон мавзеи** — ўрнини аниқ белгилаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қараганда, бу жой Ўратепа билан Сирдарё оралиғида бўлган.

<sup>105</sup> **Баҳри аҳзар** — Яшил денгиз; Ўртаер денгизи.

<sup>106</sup> Куръон, 55/19.

<sup>107</sup> **Албуруз тоғи** — Кавказдаги энг баланд тоғ. Шарқ мумтоз адабиётида, хусусан жуғрофий ва космографик асарларда унинг тизмалари жанубда Ҳижоз ва шарқда Балғача чўзилганлиги айtilган.

<sup>108</sup> **Таҳамтан** — луғавий маъноси: баҳодир, паҳлавон. Бу ерда «Шохнома» қаҳрамонларидан Рустам назарда тutilади.

<sup>109</sup> **Шаҳоб** — луғавий маъноси: ўт, олов ёлқини,

ҳавода ялт этиб ўтадиган шуъла. Бу ерда учар юлдуз; метеор.

<sup>110</sup> **Исрофил** — тўрт қудратли фариштадан (Азроил, Жаброил, Микофил, Исрофил) бирининг исми. Мукулмонлар эътиқодича, у осмон қарнайининг қўриқчиси бўлиб, қиёмат куни қарнайни бир марта дамлаганда ердаги бор тирик махлук ўлар, иккинчи бор пуфлаганда, ўликлар қайта тирилар экан.

<sup>111</sup> **Устурлоб** — астрономлар ишлатадиган махсус асбоб; астролябия.

<sup>112</sup> **Нафтбозлик** — нефтни ёндириб отиш. У қўпинча қамал жанглари вақтида қўлланилган.

<sup>113</sup> **Масихо** — Исо пайғамбар назарда тutilади.

<sup>114</sup> Куръон, 24/40.

<sup>115</sup> Куръон, 31/31.

<sup>116</sup> Куръон, 2/50.

<sup>117</sup> Куръон, 11/48.

<sup>118</sup> **Яъс имон** — тамом ноумидликка тушганда келтириладиган имон.

<sup>119</sup> **«Якшанба куни»** - рабиъ I, 988/1580 йил 20 апрел куни.

<sup>120</sup> **«Душанба куни»** — рабиъ I, 988/1580 йил 21 апрел куни.

<sup>121</sup> **Мавлоно Лутфуллоҳ** — Нақшбандия тариқатига шайх қўзга қўринган намоёндаларидан (979/1571 йили вафот этган).

<sup>122</sup> Куръон, 49/9.

<sup>123</sup> Куръон, 27/34.

<sup>124</sup> **«Сешанба куни»** - рабиъ I, 988/1580 йил 22 апрел куни.

<sup>125</sup> **Оталиқ** — хон, подшоҳ саройидаги энг юксак лавозим. Бу лавозим эгаси аслида шахзодаларнинг тарбиячиси ҳисобланган ва улар балоғатга етгунга қадар уларнинг улусини бошқариб турган. Улар хон қўтарилгандан кейин ҳам зўр нуфузга эга бўлиб, хонликнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаганлар.

<sup>126</sup> **Охангарон суви** — Сирдарёнинг ўнг қирғоғи, Охангарон дарёси.

<sup>127</sup> **«Чаҳоршанба куни»** — рабиъ I, 988/1580 йил 23 апрел куни.

<sup>128</sup> **Шохрухия қалъаси** — Охангарон дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган жойида бўлган шаҳар; қадимги Банокат.

<sup>129</sup> **Озуқа** — қўшин учун, жангчилар ва от-улов учун харбий юришлар вақтида жамғариладиган озик-овқат.

<sup>130</sup> **«Рабиъ ул-аввалнинг еттинчиси, панжшанба куни»** — 988/1580 йил 27 апрел куни.

<sup>131</sup> **Кабарнокат суви** — ўрнини аниқ белгилаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қараганда бу сув Пискент атрофида бўлган.

<sup>132</sup> **«Ойнинг саккизинчиси, жума куни»** — рабиъ I, 988/1580 йил 28 апрел куни.

<sup>133</sup> **Шаробхона суви** — Тошкент—Чимкент оралиғида, Тошкентдан 70 километр масофада жойлашган кичик қишлоққа Каласдан чиқарилган арик.

<sup>134</sup> **«Ойнинг тўққизинчиси, шанба куни»** рабиъ I, 988/1580 йил 29 апрел куни.

<sup>135</sup> **Элбеш қўли** — аниқ ўрнини белгилаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қараганда, бу қўл Тошкентнинг шарқи-шимолий тарафида бўлган.

<sup>136</sup> **«Душанба куни»** — рабиъ I, 988/1580 йил 1 май куни.

<sup>137</sup> «**Ойнинг ўн бешинчиси, душанба куни**» — рабиъ I, 988/1580 йил 1 май куни.  
<sup>138</sup> «**Сешанба куни**» — рабиъ I, 988/1580 йил 2 май куни.  
<sup>139</sup> «**Чаҳоршанба куни**» — рабиъ I, 988/1580 йил 3 май куни.  
<sup>140</sup> **Хусрави Парвиз** — Қадимги Эроннинг сосонийлар сулоласидан бўлган подшоси (332— 342).  
<sup>141</sup> «**Панжшанба куни**» — рабиъ I, 988/1580 йил 4 май куни.  
<sup>142</sup> «**Ойнинг ўн бешинчиси, жума куни**» — рабиъ I, 988/1580 йил 1 май куни.  
<sup>143</sup> «**Ўн олтинчиси, шанба куни**» рабиъ I, 988/1580 йил 2 май куни.  
<sup>144</sup> **Калас суви** — Сирдарёнинг ўнг ирмоғи.  
<sup>445</sup> «**Рабиъ ул-аввал ойнинг йигирманчиси, чаҳоршанба куни**» — 988/1580 йили 6 май куни.  
<sup>146</sup> **Сайид Ота** — тошкентлик машхур шайх Занги Отанинг халфаси бўлиб, умрининг охирида Оролга (Хоразм) кетиб қолган ва ўша ерда 691/1291 — 92 йилда вафот этган.  
<sup>147</sup> «**Ойнинг йигирма учинчиси, жума куни**» — рабиъ I, 988/1580 йил 9 май куни.  
<sup>148</sup> **Қорақамиш кўриғи** — Тошкентнинг ғарби-шимолий тарафида жойлашган мавзе.  
<sup>149</sup> «**Якшанба куни**» - 25 рабиъ I, 988/1580 йил 11 май куни.  
<sup>150</sup> **Мавлоно Ҳайдар Муҳаммад мунший** — Абдуллахон II нинг шахсий котиби.  
<sup>151</sup> «**Жаҳон хожазодаси**» — бу ерда Жуйборий хожалардан Хожа Саъд (1532—1589) назарда тутилади.  
<sup>152</sup> «**Якшанба куни**» — 149-изоҳга қаранг.  
<sup>153</sup> Куръон, 55/7.  
<sup>154</sup> **Хаварнак** — ривоятларга кўра, сосоний хукмдор Яздигард I (399—420)га қарам бўлган Яман подшоси Нуъмон ибн Музирнинг амри билан сосоний шахзода Баҳром Гур (Варахран — V; 421—438) учун Яманда қурдирилган мухташам қаср.  
<sup>155</sup> Куръон, 19/57.  
<sup>156</sup> **Мурчил** — қамал пайтида қалъа деворига қараб қовланадиган зовур. Одатда у хужум қилувчи тарафидан қурилган.  
<sup>157</sup> **Фалак қалъасининг еттинчи айвони** — «еттинчи осмон»дан киноя. Муслмон астрологларнинг фикрича, унда Қайвон, яъни Сатурн сайёраси подшоҳлик қилар эмиш. «Еттинчи осмон» Шарқ мумтоз адабиётида Қайвон айвони деб аталган.  
<sup>158</sup> **Сарқуб** — қалъа атрофидан туриб, қалъадевори орқасидаги душманни кузатиш ва уни ўққа тутиш мақсадида тупроқ ва тошдан тикланган сунъий тепалик.  
<sup>159</sup> Куръон, 85/1.  
<sup>160</sup> Куръон, 78/22.  
<sup>161</sup> **Хокрез** — қалъа девори остига ўйилган ўрлик; мудофаа иншооти.  
<sup>162</sup> **Обқанд** — қалъа атрофига чуқур ва кенг қилиб ўйилган ва душман аскарларининг ўтишини қийинлаштириш мақсадида сув тўлдириб қўйилган чуқурлик; махсус мудофаа иншооти.  
<sup>163</sup> «**Ойнинг йигирма бешинчиси, душанба куни**» — рабиъ I, 988/1580 йил 11 май куни.  
<sup>164</sup> «**Ойнинг йигирма еттинчиси, чаҳоршанба куни**» — рабиъ I, 988/1580 йил, 13 май куни.  
<sup>165</sup> **Имом Шофезий** — ҳазрат Имом Абу Абду-

лоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн ал-Аббос ибн Усмон ибн Шофез ибн ас-Соиб ал-Қурайший ал-Маглабий (767 — 815); сунний мазҳаби асосчиларидан.

<sup>166</sup> «**Рабиъ ус-соний ойнинг охирида, шанба куни**» — 988/1580 йил, 18 июн куни.

<sup>167</sup> «**Душанба куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил, 23 май куни.

<sup>168</sup> «**Ойнинг еттинчиси, шанба куни**» рабиъ II, 988/1580 йил 23 май куни.

<sup>169</sup> «**Ойнинг саккизинчиси, якшанба куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил 24 май куни.

<sup>170</sup> «**Панжшанба куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил тахминан 19 ёки 26 май куни.

<sup>171</sup> «**Ойнинг ўн биринчиси, чаҳоршанба куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил 25 май куни.

<sup>172</sup> **Искандар баҳодирхон** — шайбонийлар сулоласидан; Бухоро хони (1563—1583).

<sup>173</sup> «**Жума куни**» - рабиъ II, 988/1580 йил 29 май куни.

<sup>174</sup> «**Шанба куни**» - рабиъ II, 988/1580 йил 30 май куни.

<sup>175</sup> «**Душанба куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил 2 июн куни.

<sup>176</sup> **Рехтагар** — маъдан эритувчи.

<sup>177</sup> Бу ерда нефтни ёндириб отувчи қурилма хусусида сўз боради.

<sup>178</sup> «**Ойнинг ўн тўққизинчиси, чаҳоршанба куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил 6 июн куни.

<sup>179</sup> **Суғд** — Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта оқими атрофида (то Бухорога қадар) жойлашган тарихий вилоят. Унинг шарқдан ғарбгача узунлиги, араб жуғрофия олимларининг кўрсатишича, 36 фарсах бўлган. Истахрийнинг ёзишича, Суғдни 8 кунда босиб ўтиш мумкин бўлган; маркази Самарқанд шаҳри.

<sup>180</sup> «**Ойнинг саккизинчиси, жума куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил 24 май куни.

<sup>181</sup> «**Рабиъ ус-соний ойнинг йигирма олтинчиси, панжшанба куни**» — 988/1580 йил 12 июн куни.

<sup>182</sup> «**Ойнинг йигирма еттинчиси, жума куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил 13 июн куни.

<sup>183</sup> **Талош суви** — Талас дарёси. Унинг боши Александр чўққисида бўлиб, охири Мўюнқум қумларига тугайди; узунлиги 458 километр.

<sup>184</sup> «**Ойнинг йигирма еттинчиси, шанба куни**» — рабиъ II, 988/1580 йил 14 июн куни.

<sup>185</sup> **Тўпчибоши** — хон замбаракчилари (артиллерияси)нинг бошлиғи.

<sup>186</sup> Куръон, 22/1.

<sup>187</sup> «**Жумод ул-аввалнинг тўртинчиси, жума куни**» — 988/1580 йил 22 июн куни.

<sup>188</sup> «**Олти тарафдан**» — Тошкент қалъасининг олти тарафидан дейилади. Ўша вақтда ва хатто Тошкент Русия кўшинлари тарафидан босиб олинган вақтда ҳам, гпаҳарнинг ўн иккита дарвозаси бўлган: Қиёт, Турк, Ўзбакон, Найман, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Сағбон, Кўкча, Камолон, Бешоғоч, Дуғлат, Қангли.

<sup>189</sup> Куръон, 25/56.

<sup>190</sup> Куръон, 3/159.

<sup>191</sup> **Санж** — мусика асбобларидан бирининг номи; бир-бирига уриб товуш чиқарадиган маъданий ликоплар.

<sup>192</sup> **Фалак шери** — ўрта аср Шарқ поэзиясида Миррих (Марс) сайёраси нгундай аталган.

<sup>193</sup> Куръон, 2/187 га ишора.

<sup>194</sup> Куръон, 48/1.



<sup>195</sup> **Наввоб хоконга**, яъни Абдуллахонга. Гарчанд 1557 йилдан буён бутун ҳокимият унинг қўлида бўлса-да, лекин отаси Искандархон 1583 йилга қадар расман хон ҳисобланган.

<sup>196</sup> **Давлатхона** — хон, ҳоким маҳкамаси.

<sup>197</sup> **«Шанба куни»** - жумод I, 988/1580 йил 19 июн куни.

<sup>198</sup> **Ширзо** — Тошкентнинг ҳозирги Қўйлик мавзеи ёнида жойлашган қадимий қишлоқ.

<sup>199</sup> **«Якшанба кунн»** — жумод I, 988/1580 йил 20 июн куни.

200 **«Душанба куни»** — жумод I, 988/1580 йил 21 июн куни.

<sup>201</sup> **Работак** — аниқ ўрнини белгилаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга кўра, бу мавзе Жиззах атрофида бўлган. Ҳозирги Равот қишлоғи бўлса эҳтимол.

<sup>202</sup> **«Сешанба куни»** — жумод I, 988/1580 йил 22 июн куни.

<sup>203</sup> **«Чаҳоршанба куни»** — жумод I, 988/1580 йил 23 июн куни.

<sup>204</sup> **«Сешанба куни»** — жумод I, 988/1580 йил 29 июн куни.

<sup>205</sup> **«Жўйи мирзо»** — аслида «Жўйи мурда» ёки «Жўйи маййити».

<sup>206</sup> **«Якшанба куни»** — жумод I, 988/1580 йил 3 июл куни.

<sup>207</sup> **Навкандий мавзеи** — Шохрухия билан Ўратепа орасидаги бир қишлоқ.

<sup>208</sup> **Чорсада** — ўрнини аниқ белгилаб бўлмади. Тоғ қишлоқлари «сада» деб аталган. Шунга қараганда, Хўжанднинг ғарби-шимолий тарафида, Туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағрида жойлашган қишлоқлар шу ном билан аталган бўлса эҳтимол.

<sup>209</sup> **«Ойнинг йигирма биринчиси, душанба куни»** — жумод I, 988/1580 йил 5 июл куни.

<sup>210</sup> **«Ўн иккинчи жумод ус-соний, душанба куни»** — жумод II, 988/1580 йил 25 июл куни.

<sup>211</sup> **«Ойнинг ўн учинчиси, шанба куни»** жумод II, 988/1580 йил, 26 июл куни.

<sup>212</sup> **«Ойнинг ўн тўртинчиси, чаҳоршанба куни»** — жумод II, 988/1580 йил 27 июл куни.

<sup>213</sup> **«Ражаб ойининг охирида»** — 988/1580 йил 10 сентябрда.

<sup>214</sup> **«Мазкур ойнинг охирида, жума куни»** ражаб, 988/1580 йил 13 сентябр куни.

<sup>215</sup> **«Мазкур ойнинг йигирманчиси, жума куни»** шаъбон, 988/1580 йил 2 октябр куни.

<sup>216</sup> **«Мазкур ойнинг саккизинчисида...»** шаъбон, 988/1580 йил 29 сентябрда.

<sup>217</sup> **Кўчабанд** — мудофаа жанглари вақтида душман қўшинини ўтказмаслик мақсадида кўча бошига қурилган махсус тўсик; баррикада. Бундай тўсик хон уғруқи атрофида ҳам қурилган.

<sup>218</sup> **«Шаъбон ойининг аввалларида...»** — 988/1580 йил 5 сентябрда.

<sup>219</sup> **«Рамазон ойининг охирларида...»** — 988/1580 йил 8 ноябрда.

<sup>220</sup> **«Шаввол ойининг охирида...»** 988/1580 йил 7 декабрда.

<sup>221</sup> **«Зулҳижжа ойининг охирларида...»** — 988/1581 йил 4 февралда.

<sup>222</sup> **Зардак дашти** — ҳозирги Афғонистоннинг ғарби-жанубида, Фарах вилоятида.

<sup>223</sup> **«989, муҳаррам ойи охирларида...»** — 1581 5 — 6 мартда.

**«Жума куни»** — муҳаррам, 989/1581 йил 6 март куни.

<sup>225</sup> **«Рабиъ ул-аввал ойининг йигирма биринчиси, якшанба куни»** — 989/1581 йил 26 апрел куни.

<sup>226</sup> **«Рабиъ ус-соний ойининг охирида...»** 989/1581 йил 2 июнда.

<sup>227</sup> **Садрлик** — вақфлар масаласи билан шуғулланувчи мансабдор.

<sup>228</sup> **Мушриф** — хон тарафидан эътиборли ва имтиёзли кишиларга қилиб туриладиган турли ҳадяларни ҳисоб-китоб қилувчи мансабдор.

<sup>229</sup> Куръон 14/7.

<sup>230</sup> **«Мазкур ойнинг охирларида...»** — рабиъТ!, 989/1581 йил 2 июнда.

<sup>231</sup> **«Жумод ул-аввал ойининг аввалларида...»** — 989/1581 йил 3 — 5 июнда.

<sup>232</sup> **Алиобод** — Самарқанд туманларидан Суғди калон таркибига кирган, лекин XVI асрда ундан ажратилган қишлоқ. Самарқанд — Жиззах йўли устида жойлашган.

<sup>233</sup> **Исфара** — Сирдарёнинг сўл соҳилида жойлашган ўрта аср шаҳри. Ҳозир Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятига қарайди.

<sup>234</sup> **Хирож** — ер солиғи; у замон ва вақтга қараб ҳар ерда ҳар хил бўлган. Кўпинча ҳосилнинг учдан бир қисмини, баъзан эса ярмини ташкил этган.

<sup>235</sup> **Арқуқ ва Кўгон** — **Арқуқ** — Сирдарёнинг сўл соҳилида, ундан бир фарсах масофада жойлашган катта ўрта аср шаҳри; Кўгоннинг аниқ ўрнини белгилаб бўлмади. Воқеа баёнига қараганда, у Арқуқдан бир кунлик масофада жойлашган.

<sup>236</sup> **Аймоқ (уймоқ)** — уруғ, қабила.

<sup>237</sup> **Азрак** — аниқ ўрнини белгилаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қараганда, Окқўрғон (Сирдарёнинг сўл соҳилида, Тошкент билан Ясси орасида жойлашган)га яқин мавзе.

<sup>238</sup> **Окқўрғон** — Сирдарёнинг сўл соҳилида Арқуқ билан Тошкент ўртасида бўлган қадимий шаҳар.

<sup>239</sup> **Ўзганд** — Сирдарёнинг сўл соҳилида, Сифноқ (Суноқ ота) билан Жанд оралиғида жойлашган йирик ўрта аср шаҳри.

<sup>240</sup> **Қумқон** — ўрнини аниқлаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қараганда, у Ўзганд атрофида жойлашган.

<sup>241</sup> **Курна** — Тошкент музофотидаги Курна сойи бўлса керак.

<sup>242</sup> **Олатоғ (Олатау)** — Тяньшань тоғ тизмаларидан бўлиб, унинг охири Сайрамга келиб туташган.

<sup>243</sup> **«Кузнинг охирларида...»** — 989/1581 йил 27 октябр — 27 ноябр ойи охирларида.

<sup>244</sup> **«Рамазон ойининг ўртасида...»** — 989/1581 йил 13 октябрда.

<sup>245</sup> **Мискол** — оғирлик ўлчови, 1,37 дирҳамга тенг олтин пул. 1 мискол XVI—XIX асрларда Бухоро хонлигида 4, 8, баъзан 5 грамм оғирликда бўлиб, 6 тангага тенг бўлган.

<sup>246</sup> **«Мазкур ойнинг олтинчиси, жума куни»** — шаввол 989/1581 йил 14 ноябр куни.

<sup>247</sup> **«Зулқаъда ойининг охирида...»** — 989/1581 йил 6 декабрда.

<sup>248</sup> **«Манкит томондан...»** — Манғит улуси томондан. Ўрта асрларда бу улус Эмба билан Тобол дарёлари оралиғида бўлган.

<sup>249</sup> Куръон, 49/9.

<sup>250</sup> Куръон, 3/128.

<sup>251</sup> «**Шу ойнинг аввалларида...**» — зулкабада, 989/1581 йил 8-10 ноябрда.

<sup>252</sup> **Тур тоғи** — Арабистондаги Тур тоғи. Кўпинча Тури Сино деб аталади.

<sup>253</sup> **Айн ул-якин** — бирор ходисани кўз билан кўриб, аниқ билиш.

<sup>254</sup> **Жазаба** — зикру самоъларни адо қилиш вақтида ўзини билмай қолиш даражасига етиш холати.

<sup>255</sup> **Жунайд Бағдодий** — асл исми Абулқосим ибн Муҳаммад аз-Зужжож; машхур суфий шайх Жунайд Бағдодий. Асли ниҳовандлик бўлиб, Бағдодда истикомат қилган (298/910 йилда вафот этган).

<sup>256</sup> **Жадий буржи** — мумтоз астрономияда осмон буржларидан бири.

<sup>257</sup> «**Зулҳижжа ойининг йигирма иккинчиси, жума куни**» — 989/1582 йил, 19 январ куни.

258 г.г. <sup>авғон</sup> — <sup>ўп</sup> копток; ўтмишда Шарк халқлари ўртасида машхур бўлган спорт ўйинларидан бири (гуй ва чавгон).

<sup>259</sup> Хадис.

<sup>260</sup> Хадис.

<sup>261</sup> Куръон, 21/4 га ишора.

<sup>262</sup> Куръон, 48/27.

<sup>263</sup> **Илм ул-якин** — тасавурида бирор ходисани олдиндан кўра билиш илми.

<sup>264</sup> **Куфин** — Миёнкол шаҳарларидан (қишлоқларидан); Кармана яқинида.

<sup>265</sup> «**Мухаррам ойининг аввалидан то ярмигача...**» — 990/1582 йил 26 январдан — 1582 йил 11 февралгача.

<sup>266</sup> **Унсурлар** — аносири арбаъ, яъни тўрт унсур: сув, тупроқ, ўт ва ҳаво. Шарк мумтоз фани, хусусан космографияга оид асарларда бутун мавжудот ну тўрт унсурдан таркиб топган дейилади.

<sup>267</sup> Хадис.

» **Маҳок** — ой охири; эски ой билан янги ой кўриниши ўртасидаги давр.

<sup>269</sup> «**Сафар ойининг охирларида...**» — 990/1582 йил 20 — 25 март.

<sup>270</sup> **Дабур** — одатда ғарбдан шаркка қараб эсадиган шамол.

<sup>271</sup> **Боғистон** — Нақшбандия тариқатининг етакчиларидан Хожа Убайдуллох Аҳрор (1404—1489) туғилган қишлоқ. Ҳозир Чорвоқ (Чорбоғ) сув омбори (Тошкент вилояти) остида қолган.

<sup>272</sup> «**Маймун йили, етти юз тўқсон тўртинчи ҳижрий тарихида**» — 1392 йил январ ойида.

<sup>273</sup> «**Рабиъ ул-аввал ойининг иккинчиси, душанба куни**» — 990/1582 йил 27 март куни.

<sup>274</sup> **Испижоб** — Сайрамнинг (ҳозирги Жанубий Қозоғистон вилоятида) ўрта асрлардаги номи.

<sup>275</sup> Куръон, 65/3.

<sup>276</sup> «**Ойнинг тўртинчиси, чаҳоршанба куни**» рабиъ I, 990/1582 йил 29 март куни.

<sup>277</sup> Куръон, 7/58.

<sup>278</sup> **Каҳқашон** — Сомон йўли.

<sup>279</sup> Куръон, 2/286.

<sup>280</sup> Куръон, 3/128.

<sup>281</sup> Куръон, 4/35 га ишора.

<sup>282</sup> Куръон, 5/118 га ишора.

<sup>283</sup> Куръон, 3/134.

<sup>284</sup> **Зол ўғли Рустам қиссаси** — **Рустам** сеистонлик қаҳрамон Золнинг ўғли. Рустам ҳақидаги қисса.

<sup>285</sup> Куръон, 3/128.

<sup>286</sup> **Ажузчи** — йўл кўрсатувчи.

<sup>287</sup> «**Ойнинг ўн биринчиси, чаҳоршанба куни**» рабиъ II, 990/1587 йил 6 апрел куни.

<sup>288</sup> «**Ойнинг ўн иккинчиси, панжшанба куни**» рабиъ I, 990/1582 йил 7 — 8 апрел куни.

<sup>289</sup> **Ёқонкент** — Сирдарёнинг шимолий тарафида Бурулдой сойининг Арисга қуйиладиган жойида ўринлашган қадимий мавзе.

<sup>290</sup> Куръон, 13/38.

<sup>291</sup> **Қорасомон** — Ариснинг сўл соҳилида жойлашган мавзе. Қораспан деб ҳам аталади.

<sup>292</sup> **Уйшун (усун)** — бу туркий қабила қадимдан маълум бўлиб, XV асрдан ўзбеклар таркибига кирган.

<sup>293</sup> «**Ойнинг ўн тўртинчиси, шанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 9 — 10 апрел куни.

<sup>294</sup> **Бўғон суви** — Қоратовнинг ғарби-жанубий ёнбағридаги йирик сой. У тоғдан тушадиган иккита сув: Катта Бўғон ва Бола Бўғоннинг қўшилишидан ҳосил бўлган.

<sup>295</sup> «**Ойнинг ўн бешинчиси, якшанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 9—10 апрел куни.

296 «**Ќаёл ва Арслонликдан ўтиб, Туркистонга қарашлик Айқон мавзеига тушди**» — **Чаён ва Арслонлик (Аристанди)** Қоратовнинг жанубий ёнбағридан оқадиган сойлар; **Айқон** — Ясси (Туркистон)га яқин, унинг шарки-жанубий тарафида жойлашган қишлоқ.

<sup>297</sup> «**Ойнинг ўн олтинчиси, душанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 10 — 11 апрел куни.

<sup>298</sup> «**Ойнинг ўн еттинчиси, сешанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 11 — 12 апрел куни.

<sup>299</sup> «**Ойнинг ўн саккизинчиси, чаҳоршанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 12—13 апрел куни.

<sup>300</sup> **Жоникўрғон кўруғи** — ўрнини аниқ белгилаб бўлмади. Баён этилган воқеаларга қараганда, бу жой Саброн ёнида, ну номдаги қишлоқ атрофида жойлашган.

<sup>301</sup> «**Ойнинг ўн тўққизинчиси, панжшанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 13 апрел куни.

<sup>302</sup> «**Ойнинг йигирманчиси, жума куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 14 апрел куни.

<sup>303</sup> **Қудрат ул-айн** — «айн»нинг 18 маъноси: кўз, кўриш, олтин ва ҳоказо бор. Бу ерда инсонга билманини кўрсатувчи Оллоҳга ишора.

<sup>304</sup> «**Ойнинг йигирма иккинчиси, якшанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 16 апрел куни.

<sup>305</sup> «**Ойнинг йигирма учинчиси, душанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 17 апрел куни.

<sup>306</sup> «**Ойнинг йигирма тўртинчиси, сешанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 18 апрел куни.

<sup>307</sup> **Сариксув** — Жомон Сарису (Шўр Сарису) ва Жақши Сарису (Ширин Сарису) сувларининг бириктишидан ҳосил бўладиган дарё, Чу дарёсининг ғарбий тарафида, қум орасида йўқолади.

<sup>308</sup> «**Ҳимматнинг баландлиги имондандир**» — хикматли сўз.


<sup>309</sup> «**Киши ҳиммат қаноти билан учади**» — хикматли сўз.

<sup>310</sup> «**Ойнинг йигирма бешинчиси, чаҳоршанба куни**» — рабиъ I, 990/1582 йил 21 апрел куни.

<sup>311</sup> **Улуғтоғ (Улуғтау)** — Сариксув дарёсининг шимолида, ҳозирги Қозоғистон Республикаси Қарағанда вилоятининг ғарбий тарафида жойлашган баландлиги 1134 метрлик тоғ.

<sup>312</sup> Куръон, 74/50-51.

а # ? <<



<sup>313</sup> Куръон, 3/159.  
<sup>314</sup> **Гулгун** — гул тусли; Фарходнинг маъшукаси Ширинга берилган нисбат. Бу ерда жуда чиройли ва чопқир от маъносида келган.  
<sup>315</sup> **Сом Наримон** — Қадимги Эроннинг пешдо-дийлар сулоласидан Фаридун ва Минучеҳр замонида ўтган ва Захҳок Тозийга қарши курашда қахрамон-лик кўрсатган Сом ибн Наримон.  
<sup>316</sup> **Хитой** — бу ерда қабила маъносида.  
<sup>317</sup> **«Ойнинг йигирма олтинчиси, панжшанба куни»** — рабиъ I, 990/1582 йил 20 апрел куни.  
<sup>318</sup> **Учкўнгур** — Сариксув дарёси бўйида. Балтум Туронғу сойининг юқори оқимида жойлашган жой.  
<sup>319</sup> **Абулхайрхон** — шайбонийлардан, кўчманчи ўзбеклар давлатининг (1428—1468) асосчиси.  
<sup>320</sup> Куръон, 28/7.  
<sup>321</sup> Куръон, 15/55.  
<sup>322</sup> **«Ойнинг йигирма еттинчиси, жума куни»** рабиъ I, 990/1582 йил 21 апрел куни.  
<sup>323</sup> **Қорахўжа (Чет Қорахўжа)** — Сариксув бўйи-да, Учкўнгурдан сал юқорирокда жойлашган қадимий жой.  
<sup>324</sup> **«Ойнинг йигирма саккизинчиси, шанба куни»** — рабиъ I, 990/1582 йил 22 апрел куни.  
<sup>325</sup> **Илончук** — Илончик дарёси, Оккўлга келиб куйилади.  
<sup>326</sup> **«Ойнинг йигирма тўққизинчиси, якшанба куни»** — рабиъ I, 990/1582 йил 24 апрел куни.  
<sup>327</sup> **«Рабиъ ус-соний ойининг аввали, душанба куни»** — 990/1582 йил 25 апрел куни.  
<sup>328</sup> **«Ойнинг иккинчиси, сешанба куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 26 апрел куни.  
<sup>329</sup> **Толмос (Толмос ота)** — Сариксув воҳасида, дарёнинг сўл қирғоғида жойлашган ва Қорахонийлар (X аср) давридан қолган макбара; Сурғут кишлоғи-дан 25 километр жанубда жойлашган.  
<sup>330</sup> **«Ойнинг учинчиси, чаҳоршанба куни»** рабиъ II, 990/1582 йил 27 апрел куни.  
<sup>331</sup> **Бўлғон она** — бу ҳам Қорахонийлар давридан қолган макбара; Кенгир сувининг сўл соҳасида, унинг Сариксувга куйиладиган жойига яқин.  
<sup>332</sup> **«Онҳазрат баронғор, жавонғор, ғул, хировуларни оро бериб, Чингиз расмича ясол тузиб...»** — ўрта асрларда Туркистонда армияни жанговар сафга тузиш (ясов, ясол); **баронғор** ва **жавонғор** — кўшиннинг ўнг ва сўл қанот (фланг)лари, ғул — марказда борувчи қисм (авангард); **хировул** — кўшиннинг илғор қисмига ёрдам тариқасида ажратилган махсус ҳарбий қисм.  
<sup>333</sup> **Қудсийлар** — пок, муқаддас кишилар, буюк уламо ва тарикат етакчилари.  
<sup>334</sup> **«Жўчихон мазори»** — ҳозирги Жезказғандан (Қозоғистон) 45 километр шимоли-шарқда жойлашган.  
<sup>335</sup> **Кайковус** — Қадимги Эрон қайёнийлар сулоласига мансуб подшоҳ.  
<sup>336</sup> **«Ойнинг тўртинчиси, панжшанба куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 28 апрел куни.  
<sup>337</sup> **Кандирлик** — Улуғтоғда ҳозирги Тўрғай ва Оқмулла вилоятлари чегарасидаги сой; Қанғир сойи. Яна бир Кандирлик ҳам бўлиб, уни Терас Кандирлик деб аталади. **Терас Кандирлик** — Жезди сойи (Кандирликнинг ўнг ирмоғи).  
<sup>338</sup> **«Ойнинг бешинчиси, жума куни»** рабиъ II, 990/1582 йил 29 апрел куни.

<sup>339</sup> **Саройли ва Туройли** — Ғарбий Қозоғистонда, Қора Кенгир (Кунгир) дарёси бўйида жойлашган қатта ўрта аср шаҳри. Саройлининг харобалари ҳозир ҳам мавжуд.

<sup>340</sup> **Сунбула ва Жавзо** — май (Жавзо) ва август (Сунбула) ойлари.

<sup>341</sup> **Бусҳоқ** — бир шоир исми. Таомларни бир-бирига мунозара қилдирган девони бор.

<sup>342</sup> **«Мазкур ойнинг бешинчиси, жума куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 29 апрел куни.

<sup>343</sup> **«Мазкур ойнинг олтинчиси, сешанба куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 1 май куни.

<sup>344</sup> **«Ойнинг еттинчиси, якшанба куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 9 май куни.

<sup>345</sup> **«Ойнинг саккизинчиси, душанба куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 3 май куни.

<sup>346</sup> **«Шундай ишни... Амир Темур кўрагон... ҳам қилган эди»** — бу воқеа 793 йил жумод ул-аввал ойининг 23-куни (1391 йил 29 апрел куни) содир бўлган эди. Амир Темур армияси Олтин Ўрда хони Тўхтамыш устидан ғалаба қилиб, Улуғтоғда тўхтаган ва ўша куни Соҳибқирон тоғнинг баланд чўққисига харсанг тошлардан баланд бир бино қурдириб, унинг деворига шу ғалаба таъриhini уйғур ёзувида чектирган эди.

<sup>347</sup> **Сулам ва Тур лашкарлари** Сулам ва Тур Қадимги Эрон пешдодийлар сулоласидан бўлган Фаридун (Афридун)нинг ўғиллари. Ривоятга кўра, Сулам — Ғарб мамлакатлари ва Тур — туркий халқлар, яъни Шарқ мамлакатларининг подшоҳи бўлган. Бу ерда кунботар, яъни қоронғу тушиши ва кунчиқар, яъни тонг ёриши ва кун чиқишидан киноя.

<sup>348</sup> **Жирга** — ов қилинадиган ерни ўраб олиш.

<sup>349</sup> **«Сулаймон шамолга минди»** афсонавий пайғамбар Сулаймоннинг гўё Бурокка (учар отга) миниб, меърожга чиққанидан киноя.

<sup>350</sup> **Сандон** — темирчи ва заргарлар ишлатадиган махсус асбоб.

<sup>351</sup> **Хавосил** - жиғилдони қатта бир қуш.

<sup>352</sup> **Совуксув** — Ғарбий Қозоғистондаги ҳозирги Тўрғай дарёси.

<sup>353</sup> **Ибир-Сибир** — Сибирнинг қадимий номи. У Шарқ манбаларида кўпинча шу ном билан аталган.

<sup>354</sup> **«Мазкур ойнинг йигирма бешинчиси, панжшанба куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 20 май куни.

<sup>355</sup> **«Жумод ул-аввал ойининг олтинчи кунида...»** — 990/1582 йил 29 май куни.

<sup>356</sup> **«р.биъ ус-соний ойининг йигирма бешинчиси, панжшанба куни»** — 990/1582 йил 19 май куни.

<sup>357</sup> **«Мазкур ойнинг йигирма олтинчиси, жума куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 20 май куни.

<sup>358</sup> **«Ойнинг йигирма еттинчиси, шанба куни»** ~ рабиъ II, 990/1582 йил 21 май куни.

<sup>359</sup> **«Ойнинг йигирма саккизинчиси, якшанба куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 22 май куни.

<sup>360</sup> **«Ойнинг йигирма тўққизинчиси, душанба куни»** — рабиъ II, 990/1582 йил 23 май куни.

<sup>361</sup> **«Ойнинг охири, сешанба куни»** рабиъ II, 990/1582 йил 24 июн куни.

<sup>362</sup> **«Жумод ал-аввал ойининг аввали, чаҳоршанба куни»** — 990/1582 йил 24 май куни.

<sup>363</sup> Куръон, 55/19 га ишора.

<sup>364</sup> **«Ойнинг иккинчиси, панжшанба куни»** — жумод I, 990/1582 йил 25 май куни.

<sup>365</sup> «**Ойнинг учинчиси, жума куни**» жумод I 990/1582 йил 26 май куни.

<sup>366</sup> «**Ойнинг тўртинчиси, шанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 27 май куни.

<sup>367</sup> «**Ойнинг бешинчиси, якшанба куни**» жумод I, 990/1582 йил 28 май куни.

<sup>3,8</sup> «**Ойнинг олтинчиси, душанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 29 май куни.

369 **Сузоқ** — Қоратаунинг шимолий ёнбағирларида жойлашган қадимий улкан шаҳар.

<sup>370</sup> «**Ойнинг саккизинчиси, чаҳоршанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 1 июн куни.

<sup>371</sup> «**Ойнинг тўққизинчиси, панжшанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 2 июн куни.

<sup>372</sup> «**Ойнинг ўнинчиси, жума куни**» жумод I, 990/1582 йил 3 июн куни.

<sup>373</sup> **Йилон ота** — Илон отага яқин мавзелардан; Сарисув бўйида жойлашган.

<sup>374</sup> «**Ойнинг ўн биринчиси, шанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 4 июн куни.

<sup>375</sup> «**Ойниш ўн иккинчиси, якшанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 5 июн куни.

<sup>376</sup> «**Ойнинг ўн учинчиси, душанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 6 июн куни.

<sup>377</sup> «**Ойнинг ўн тўртинчиси, сешанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 7 июн куни.

<sup>378</sup> Куръон, 35/34.

<sup>379</sup> «**Ойнинг ўн олтинчиси, панжшанба куни**» жумод I, 990/1582 йил 9 июн куни.

<sup>380</sup> Куръон, 17/15.

<sup>381</sup> Куръон, 6/158.

<sup>382</sup> **Ҳолу мало** — суфийларда бўладиган ҳаяжонланиш кайфияти. Ал-Мухосибийнинг (234/857 йили вафот этган) айтишича, бу кайфият инсоннинг ўз хоҳиши билан эмас, балки Оллоҳ инояти билан пайдо бўлади.

**эв Сузоқ** — 369-изоҳга қаранг.

<sup>381</sup> **Наввоб** (ноибнинг кўплиги) — хоннинг ўринбосари; валиаҳд.

<sup>385</sup> **Оққўрғон** — Саброн билан Сузоқ ўртасида бўлган қадимий шаҳар.

<sup>386</sup> «**Ойнинг йигирма бешинчиси, панжшанба куни**» — жумод I, 990/1582 йил 18 июн куни.

<sup>387</sup> Куръон, 33/62.

<sup>388</sup> Куръон, 65/7.

<sup>389</sup> Куръон, 2/216.

<sup>390</sup> Куръон, 96/6-7.

<sup>391</sup> **Жигдалик** — археологик хариталар ва бошқа адабиётларда аниқ маълумот учратмадик. Абдулла-хоннинг Улуғтоғ юриши (1582 йил) баён қилинган жойда талқин қилинган воқеаларга қараганда, бу мавзе Саброн (Соврон)нинг ғарби-шимолий тарафида, Қоратаунинг жанубий ёнбағрида, Оксумбадан бир кунлик масофада бўлган.

<sup>392</sup> **Оққўл** — баён этилган воқеаларга қараганда, Қорақудукдан (Чалқар қўлининг ғарб тарафида) ўн кунлик масофада жойлашган; унга Йилончиқ сойи келиб қўшилади.

<sup>393</sup> «**Жумод ул-аввал ойининг охирларида...**» — 990/1582 йил 20-21 июлларда.

<sup>394</sup> «**Жумод ус-сонийнинг ўнинчиси, сешанба куни**» — 990/1582 йил, 3 июл куни.

<sup>395</sup> Хикматли сўз.

<sup>396</sup> **Ҳарбак** — уруш асбоби; темир пичок.

**эв! «р а ж а б ойининг биринчи кунида...»** 990/1582 йил 22 июл кунида

«**Ва лам язали**» абадий, бардавом; Оллоҳнинг номларидан бири.

<sup>399</sup> Куръон, 94/5-6.

<sup>400</sup> Куръон, 65/7.

<sup>401</sup> Куръон, 3/194 га ишора.

<sup>402</sup> Куръон, 94/5.

<sup>403</sup> Хадиси шариф.

<sup>404</sup> Хикматли сўз.

<sup>405</sup> **Тура (Чимги Тура)** — хозирги Тюмен шаҳри.

<sup>406</sup> Куръон, 75/10.

<sup>407</sup> Бу ерда сўз ўйини: «хомхаёл билан юрган» димоқчи.

<sup>408</sup> Куръон, 11/43 га ишора.

409 «**р а ж а б (5 ойининг ўн еттинчиси, шанба куни)**» — 990/1582 йил 8 августда.

<sup>4,0</sup> **Офаринкент** — Қорадарё ва Окдарё оралиғидаги оролнинг юқори қисмида жойлашган шу номлик вилоят маркази.

<sup>111</sup> **Фалак муншийси** — Аторуд (Меркурий) сайёрасига ишора. У Шарқ мумтоз поэзиясида фалак котиби номи билан юритилади.

<sup>412</sup> **Тавочи (товочи)** — кичик лавозимдаги ҳарбий мансабдор; зиммасига асосан қўшин тўплаш юкланган.

<sup>413</sup> **Тура** — уруш қуроли, одам бўйи баробар қилиб ясалган қалқон.

<sup>414</sup> **Ажром** — осмон жисмлари; етти сайёра: Кайвон ёки Зухал (Сатурн), Аторуд (Меркурий), Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер), Зухро (Венера), Шамс (Қуёш), Моҳ (Ой).

<sup>415</sup> Куръон, 20/102 га ишора.

<sup>416</sup> **Шохбурж** — қалъанинг энг баланд ва катта буржи.

<sup>417</sup> **Араз** — бирор буюм ёки нарсанинг кейин пайдо бўлган вақтли сифати; жавҳар сўзининг қаршиси.

<sup>418</sup> **Баҳмон** (Баҳмон ибн Исфандиёр ибн Гиштосб) — Қадимги Эрон кайёнийлар сулоласидан олтинчи ҳукмдор.

<sup>419</sup> **Навдар** — Минучехр ўғилларидан бирининг номи.

<sup>420</sup> «**Биринчи марра**» — қўшиннинг олдинги сафи; биринчи эшелон.

<sup>421</sup> **Бесутун (Бехистун) тоғи** — Эронда, Ҳамадон билан Ҳилвон оралиғидаги баланд тоғ; Ҳамадондан унғача бўлган масофада тўрт мархала, яъни тўрт кунлик йўл.

<sup>422</sup> **Сарой ва минглар** — ўзбек қабилаларидан.

<sup>423</sup> «**Кўп одамларни ўлжа олиб қул қилдилар**» — ўрта асрларда ҳукм сурган конун-қоидага биноан урушда асир олинган кишиларни ўлжа тариқасида аскар бошлиқлари ва жасорат кўрсатган жангчилар ўртасида тақсимлаб олинар ва улар «бардэ» (тутқин, қул) деб эълон қилинар эдилар.

<sup>424</sup> **Хўжанд суви** — Сирдарёнинг ўрта оқими шу ном билан аталган.

<sup>425</sup> Куръон, 26/80.

<sup>426</sup> «**Ражаб ойининг охирида...**» — 990/1582 йил 18 — 20 августда.

<sup>427</sup> Куръон, 5/54.

<sup>428</sup> Куръон, 35/54.

<sup>429</sup> «**Кимки дўстига чоҳ қовласа, унга ўзи туши-пш мукаррардир**» — хикматли сўз.

<sup>430</sup> Куръон, 2/216 оят.



<sup>431</sup> «Ишлар ўз вақтларига боғлиқдир» — ҳикматли сўз.

<sup>432</sup> Куръон 7/23.

<sup>433</sup> Куръон, 49/9.

<sup>434</sup> «Шаъбон ойининг иккинчиси, чаҳоршанба кунини» — 990/1582 йил 22 август.

<sup>435</sup> Фарқад юлдузи — Кичик Айиқ юлдузи туркумига кирган икки ёруғ юлдуздан бири.

<sup>436</sup> Хитой ва Хўтан лашкари — сўз ўйини; тонг ёриши, қуёш чиққан паллага ишорат.

<sup>437</sup> Хатти найзаларнинг парчами — хатти найзаси — тўғри найза. Яманда шу номлик жойда кашф этилгани учун шундай аталган.~Парчам — 'байроқ боғланган ёғоч учига осиладиган ипақдан кокилга ўхшатиб ишланган попуқ. Мўғул ва турк кўчманчилари байроққа унинг ўрнига хўкиз думини боғлаганлар.

<sup>438</sup> «Вақт ўтгач, тайёргарлик наф бермайди»

мақол.

<sup>439</sup> «Қазо келса, мақсад йўли танг бўлади»

мақол.

<sup>440</sup> «Яна шаъбон ойининг бошларида...» — 990/1582 йил 21—25 августда.

<sup>441</sup> «Тангрига ёпиш-у ордан сақлан» — ҳикматли сўз.

<sup>442</sup> Аҳлуллоҳлар Тангри аҳллари, яъни суфийлар.

<sup>443</sup> Баргрез — хазонрезги даври, яъни кеч куз палласи.

<sup>444</sup> «Шаъбон ойининг охирларида...» 990/1582 йил 15 — 17 сентябрда.

<sup>445</sup> Сув буржи (буржи об) — Жадий (декабр), Далв (январ) ва Хут (феврал) ойлари, яъни ёғингарчилик мавсумидан иборат тўртинчи бурж (фасл).

<sup>446</sup> Сассикқўл — ўрнини аниқ белгилаб бўлмади. Асарда талкин этилган воқеаларга караганда, у Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, Арқуқнинг рўбарўсида жойлашган.

<sup>447</sup> «Рамазон ойидан ўн кун...» 990/1582 йил 28 сентябр.

<sup>448</sup> «Темир кобуқ» — Иштихонга қарашли мавзе; кадимги Бойканд (Пойканд).

<sup>449</sup> Икжоб (Окжоб, Окқоб) дарёси Нурота тизмаларида; Окқоб дарасида Банди Абдуллахон жойлашган.

<sup>450</sup> Нур макоми — машхур Нурота қасабаси.

<sup>451</sup> Хожа Абдували Порсо — Балхда истикомат қилган асли бухоролик машхур уламо Хожа Абу Наср Порсонинг (954/1537 йил вафот этган) ўғли.

<sup>452</sup> Ҳазрат Азизон — Абдуллахон II нинг пири ҳазрат Қосим шайх (986/1578 йили вафот этган); даҳмаси Карманада.

<sup>453</sup> Куръон, 2/269.

<sup>454</sup> Куръон, 96/5.

<sup>455</sup> Хожа Муҳаммад Тоҳир (XVI асрнинг иккинчи ярми) — бухоролик машхур ҳадис олими.

<sup>456</sup> «Рамазон ойининг охирларида...» — 990/1582 йил 25 — 27 октябрда.

<sup>457</sup> «Йиди рамазон ойининг бошида...» 990/1582 йил 19 сентябрда.

<sup>458</sup> Куръон, 4/2 ва 6 га ишора.

<sup>459</sup> Куръон, 6/83.

<sup>460</sup> «Қухлуд жавоҳир» — тешилмаган марварид ва жавоҳирларни аралаштириб ун бўлгунча янчиш билан тайёрландиган бир хил сурма. У кўз оғриқларига даво бўлади, шунингдек, кўзни равшан қилади.

<sup>461</sup> Жонибийга, яъни Абдулмўмин султонга.

<sup>462</sup> Куръон, 24/35.

<sup>463</sup> Захҳок — кадимги форс дostonларида, хусусан «Шохнома»да баён этилган ва ривоятларга кўра, Эронзаминга бостириб келган ёзув подшоҳ (Захҳоки Тозий). Аслида, пешдодийлар сулоласининг тўртинчи вакили Шаддод наслвдан бўлмиш Захҳок ибн Мурдас.

<sup>464</sup> Куръон, 42/23.

<sup>465</sup> «Менга хос Тангри билан» Куръон оятлари оид иборат.

<sup>466</sup> Абдуллатифхон — шайбонийлардан. Тарихда шайбонийлардан иккита 'Абдуллатиф' ўтган: 1) 'Абдуллатифхон (Кўчкинчixonнинг ўғли; 1540 — 1551 йилларида Самарқанд хоқими; 2) Наврўз Аҳмад (Барок)хоннинг набираси; Бобохоннинг ўғли. Бу ерда иккинчи Абдуллатиф хусусида сўз боради.

<sup>467</sup> «Ёзнинг охирларида, шаввол ойининг ўрталарида...» — 990/1582 йил 12 ноябрда.

<sup>168</sup> «Зулқаъда ойининг аввалларида...» 990/1582 йил 27 — 29 ноябрда.

<sup>ш</sup> Пирмуҳаммадхон — шайбонийлардан, 1456—1566 йиллари Балх хони.

<sup>470</sup> Шох Таҳмосп — Эронда ҳукмронлик қилган сафавийлар (1602 — 1723) сулоласидан чиққан иккинчи ҳукмдор (1524-1575/76).

<sup>471</sup> «Тўққиз юз саксон тўртинчи йил аввалларида...» — 1576 йил 1—3 апрелларда.

<sup>472</sup> Исмоил мирзо — сафавийлар сулоласининг учинчи ҳукмдори (1576—1578).

<sup>473</sup> Имомия мазҳаби — шиъа мазҳаби.

<sup>474</sup> Бу ерда «ўн икки имом» таърих моддасидир. «Имом» сўзидан чиққан тарих моддаси (82)ни ўн иккига кўпайтирилса, 984/1576 келиб чиқади. Шиъалар эътиқод қилган бу имомлар қуйидагилар:

1. Али ибн Абу Толиб (661 йил ўлдирилган).
2. Ҳасан ибн Али (669 йил вафот этган).
3. Хусайн ибн Али (680 йил ўлдирилган).
4. Зайнобиддин (713 ёки 714 йил вафот этган).
5. Муҳаммад Боқир (732 йил вафот этган).
6. Жаъфар Содик (765 йил вафот этган).
7. Мусо Козим (799 йил ҳибсда ўлган).
8. Али Ризо (818 йил захарлаб ўлдирилган).
9. Муҳаммад Тоқий (834 йил вафот этган).
10. Али ан-Ноқий (868 йил ҳибсда ўлган).
11. Ҳасан Аскарӣй (873 йил вафот этган).
12. Муҳаммад Маҳдий (874 ёки 878 йил бедарак йўқолган).

<sup>475</sup> «Шох рафт» ибораси харфларининг қиммати абжод ҳисобида 986 (1578 йил)ни беради.

<sup>476</sup> «Тўққиз юз саксон бешинчи йил охирларида...» — 1578 йил феврал ойида.

<sup>477</sup> «Муҳаррам ойи, тўққиз юз тўқсон биринчи йили...» — 1583 йил 25 январ — 24 феврал.

<sup>478</sup> Куръон, 78/10.

<sup>479</sup> «Мадинатур-рижол» — эрлар шаҳри; Термизга берилган сифат.

<sup>480</sup> «Муҳаррам ойининг охирларида...» 991/1583 йил 20 — 23 февралларда.

<sup>481</sup> «Шаҳодат калимаси» — «Оллоҳнинг яққаю ягоналигига ва Муҳаммаднинг унинг бандаси ва элчиси эканлигига иқроман», дейиш.

<sup>482</sup> «Зулҳижжа ойининг охирларида...» 991/1583 йил 14 — 15 декабрда.

<sup>483</sup> «Бизлар Тангрининг бандасимиз ва унинг то-

мониға қайтамыз» — Куръон, 2/156 ва бошқа шу мазмундаги сураларга ишора.

<sup>484</sup> «Сафар ойида...» - 991/1583 йил 24 февралдан 24 мартгача.

485 «р биъ ул-аввал ойининг бошида...» 991/1583 йил 25 мартада.

«**Ху**т буржи — Куёш ҳаракати бўйича балик шаклида тасаввур қилинган 12-чи бурж. «Буржи об»нинг учинчи ойи, яъни феврал.

<sup>187</sup> **Жўйи Зар** — Бухоро ариқларидан.

<sup>488</sup> **Арасту** — машхур юнон файласуфи ва олими Аристотел (мил. аввалги 384 — 322).

<sup>489</sup> **Букрот** — қадимги юнон тиб олими (мил. аввалги 460 — 377).

<sup>490</sup> Куръон, 26/80.

<sup>491</sup> «**Куёш Жамшиди азимат жиловини Саъд акбар хонасидан шараф буржи томонга бурди**» Саъд акбар, яъни Муштарий (Юпитер) сайёраси. **Шараф буржи** — Саъд акбарнинг тулуъ бўлган вақти. Бу ерда эрталаб кун чиққан вақтга ишора.

<sup>492</sup> **Кўрчи** — қуролдор; нуфузли қабила вакилларида тузилган махсус ҳарбий қисм жангчиси; гвардиячи. Амир Темур замонида экинзорларни кўриқловчи ҳарбий қисм жангчиси; XVI асрда ва ундан кейин хон ўрдусини кўриқлаб турувчи махсус ҳарбий қисм жангчиси.

493 «р биъ ул-аввалнинг бошларида...» — 991/1588 йил 25 — 30 мартларда.

<sup>494</sup> **Султон Муҳаммад харбанда** — сафавийлар сулоласидан тўртинчи ҳукмдор (985/1578—1587). Аслида Худобанда тахаллуси билан юритилган, лекин сунна мазҳабидаги ҳукмдорлар ва муаллифлар камситиш мақсадида уни «харбанда» деб атаганлар.

495 «р биъ ул-аввал ойининг ўртасида...» — 991/1583 йил, 9 апрелда.

<sup>496</sup> Куръон, 48/1.

<sup>497</sup> «**Мамлакатлар иқлимларини очдик**» ибратли сўз.

<sup>498</sup> **Фарроҳин** — Систоннинг машхур шаҳарларидан.

<sup>499</sup> **Керак ярок (керак ярокчи)** — хон ва оиласининг эҳтиёжи учун зарур мол ва буюмларни сотиб олиб келувчи мансабдор.

<sup>500</sup> «**Қалмоқ қушт**» харфларининг қийматидан абжод ҳисобида 991 (1583) йил келиб чиқади.

<sup>501</sup> «**Мазкур санада, жумод ул-аввал ойининг аввалларида**» — 991/1583 йил 23 — 25 майларида.

<sup>502</sup> **Қозиюл-қуззот** — қозикалон, бош қози; олий судья.

503 «**Чаҳоршанба кечаси**» — жумод I, 991/1583 йил 28 май кечаси.

<sup>504</sup> «**Сарвари содоти жаҳон**» — харфларнинг қиммати абжод ҳисобида 991/1583 йилни беради.

<sup>505</sup> **Нақбо** — уч тарафдан турадиган шамол.

<sup>506</sup> «**Жумод ул-аввал ойининг йигирма иккинчиси, душанба куни**» — 991/1583 йил 14 июн куни.

<sup>507</sup> Куръон, 27/15.

<sup>508</sup> **Шайх Маслаҳат** — Хўжандда XIII асрда ўтган йирик уламо Шайх Муслиҳиддин. Унинг мазори халқ ва ҳукмдорлар тарафидан жуда қадрланган. Шарафиддин Али Яздийнинг хикоя қилишича, Амир Темур 1390—1391 йилнинг қиш фаслида Тўхтамишга қарши қўшин тортиб борганда, Тошкентдан Хўжандга махсус бориб, Шайх Маслаҳат мазорини зиёрат

қилган ва мазорга 10 минг динор назру ниёз берган. Ривоятларга қараганда, Шайх Саъдий отаси билан Хўжандда истикомат қилган ва 12 яшар чоғида шаҳарга бостириб келган Чингизхоннинг мушкул саволларига жавоб қилиб, уни омон сақлаб қолган эмиш. Лекин Шайх Саъдий Шерозда ўтган ва ўша ерда дафн қилинганлиги маълум. Аммо у умри бўйи 30 йил саёхат қилган ва Арабистон, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Қошғарга борган.

<sup>509</sup> Куръон, 28/88.

<sup>5,0</sup> Куръон, 28/88 га ишора.

<sup>511</sup> Куръон, 28/88 га ишора.

<sup>512</sup> Куръон, 3/185.

<sup>513</sup> Куръон, 55/26.

<sup>3,4</sup> Куръон, 35/39.

<sup>515</sup> Куръон, 18/84.

<sup>516</sup> Куръон, 88/25.

<sup>517</sup> «**Тангри истаган нарчасини қилади ва истаган нарчасига ҳукм қилади**» ҳикматли сўз.

<sup>518</sup> Куръон, 8/42.

<sup>5,9</sup> Куръон, 13/38.

<sup>520</sup> Куръон, 4/39.

<sup>521</sup> «**Жумод ус-соний ойининг аввалларида, чаҳоршанба кечаси**» — 991/1583 йил 22 ёки 29 июн кечаси

<sup>522</sup> Ҳадис.

<sup>523</sup> **Тавҳид калимаси** — «Ло илоҳа илаллоҳу, Муҳаммад расулилоҳи», яъни «Ундан бошқа Тангри йўқ, Муҳаммад унинг элчисидир», дейиш.

<sup>524</sup> Куръон, 89/27-28.

<sup>525</sup> Ҳадис.

<sup>526</sup> Куръон, 76/8.

<sup>527</sup> Куръон, 2/156.

<sup>528</sup> **Нух** — пайғамбар. Дин тарихига кўра, у Одамдан 1742 йил кейин дунёга келган; унинг уч ўғли: Сом, Ёфас ва Хом рубъи маскунга, яъни оламнинг инсон яшайдиган тўртдан бир қисмига ҳукмронлик қилганлар.

<sup>529</sup> **Қайсар** — Рум (Византия) подшолари шундай аталганлар.

530 р\_и\_д\_о\_ — шайхлар елкасига ташлаб юрадиган чойшабга ўхшаш либос, дарвишларнинг уст кийими.

<sup>531</sup> «**Муштарий олтинчи осмонда туриб...**» — **Муштарий** — Юпитер сайёраси; мумтоз астрономияда уни олтинчи осмон подшоси деб аталади.

<sup>532</sup> «**Куёш тўртинчи осмонда...**» — мумтоз астрономияда тўртинчи осмон подшоси.

<sup>533</sup> **Зоҳир** — Куръон ва ҳадисни қандай ёзилган бўлса шундай тушуниш; уларнинг яширин маънолари ҳам борлигини инкор қилиш. Бу оқимнинг (зоҳирийлар) асосчиси Довуд ибн Али ал-Исфохоний бўлиб, у кўпинча аз-Зоҳирий тахаллуси билан машхур.

<sup>534</sup> **Ботин** — зоҳир ва зоҳирийларнинг акси.

<sup>535</sup> «**Бола ота-бобосига ияради**» — ҳикматли сўз.

<sup>536</sup> Куръон, 38/72.

<sup>537</sup> **Тавҳид** — Тангрини битта, ягона деб билиш.

<sup>538</sup> **Кулзум (Баҳри кулзум)** — Қизил денгиз.

<sup>539</sup> Куръон, 4/98.

<sup>540</sup> Куръон, 14/27.

<sup>541</sup> Куръон, 22/41.

<sup>542</sup> «**Нкки тўққиз**» — қадимий турк ва мўғул одати. Бунга кўра амир ва ҳокимлар хон, подшоҳга тортиқ қилганларида бир хил нарсадан тўққизтадан топширганлар. Бу ерда ҳар бир нарсадан бир жуфтдан топширилганига ишора.

<sup>543</sup> **Хотам** — «Хотам Тойи» номи ва саховати билан машхур бўлган араб тойи қабиласининг бошлиғи ва шоир Абу Али ибн Абдуллоҳ Саъд. У сахийлик ва кўли очиклик билан шухрат топган.

<sup>544</sup> Куръон, 27/15.

<sup>545</sup> Куръон, 46/19.

<sup>546</sup> «**Шабъон ойининг ўртасида...**» — 991/1583 йил 4 сентябрда.

<sup>547</sup> Куръон, 13/17.

<sup>548</sup> Куръон, 68/1.

<sup>549</sup> Куръон, 2/30.

<sup>550</sup> Куръон, 2/31.

<sup>551</sup> Куръон, 36/82.

<sup>552</sup> Куръон, 39/9.

<sup>553</sup> Куръон, 58/11.

<sup>554</sup> Хадис.

<sup>555</sup> Хикматли сўз.

<sup>556</sup> «**Киши химмати қаноти билан учеди**» — хикматли сўз.

<sup>557</sup> Куръон, 48.

<sup>558</sup> **Мир Сайид Шариф Журжоний** тибб ва грамматикага оид бир қанча асарлар ёзган хоразмлик олим Исмоил ибн Хусайн ал-Ҳасаний ал-Журжоний (1137 йил вафот этган).

<sup>559</sup> **Мулла Саъуддин Тафтазоний (Саъуддин Масъуд ибн Амир)** — йирик тафсир, фикҳ ва ақоид олими. Нисо атрофидаги Тафтазон қишлоғида 742/1322 йилда туғилиб, 792/1390 йили Самарқандда вафот этган. Уз даврида Амир Темурнинг зўр ҳурмат ва эътиборини қозонган. У юкорида зикр этилган илм соҳалари бўйича ўндан ортик асар ёзган.

<sup>560</sup> Куръон, 18/65.

<sup>561</sup> Куръон, 40/64.

<sup>562</sup> Куръон, 17/70.

<sup>563</sup> Куръон, 5/97.

<sup>564</sup> Куръон, 3/97.

<sup>565</sup> Куръон, 24/55.

☞ **у с у л ва калом илми** — «усул илми» йирик мутасаввуф ва олим Муҳаммад ибн Муртазо Мулла Мухсини Файз тарафидан кашф қилинган. «Калом» эса IX аср охирида ўтган мутазаллий Абулхасан Ашъорийга (936 йил вафот этган) мансубдир.

<sup>567</sup> **Абубакр Сиддик** — хулафойи рошидиндан бўлиб, 11/632 — 13/634 йиллари халифалик қилган.

<sup>568</sup> **Саҳих оятлар** — очик, ошкор ва тўғридан-тўғри айтилган оятлар.

<sup>569</sup> «**Фатҳ**» сурасининг биринчи ояти («**Биз сенга зоҳир ғалаба бердик**») Куръон, 48/1.

<sup>570</sup> Куръон, 48/1.

<sup>571</sup> **Макка фатҳи** — бу воқеа, яъни Макка фатҳи 9/630 йили Расулуллоҳ ва унинг саҳобалари: мадиналик «мўминлар» ва бадавий «мусулмонлар» тарафидан амалга оширилган.

<sup>572</sup> «**Мутаввал**» — араб грамматикасида маъоний, бадеъ ва баённи шарҳловчи китоб. Машхур қомусий олим Саъуддин Тафтазонийнинг қаламига мансубдир. Бу асар жуда кўп қўлёзма фондларида мавжуд (масалан, қаранг: Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, инв. № 10354). Асар 748/1347 йилда ёзилган.

<sup>573</sup> **Мушаббах** — ташбих қилинган, ўхшатиш.

<sup>574</sup> «**Мушаббихун бих**» — маълумки, Оллохнинг Куръонда ҳам келтирилган бир қанча сифатлари бор: «олим», яъни ҳамма нарсани билувчи, «басир», яъни кўрувчи, «самеъ», яъни эшитувчи. «Мушаббихун

бих» шу сифатларни том маъноси билан тушунганлар. Бу оқим ислом тарихида «мушаббиха» аталган.

<sup>575</sup> «**Биринчи мақола тамом бўлиб эди**» «Абдуллонома»нинг Абдуллоҳон II расман тахтга ўтказилган (1583) йилгача бўлган даврини ўз ичига олган қисмига ишора.

<sup>576</sup> **Сулаймоншоҳ** — темурийзода; Султон Увайс мирзонинг ўғли; Бадахшон волийси (1527 — 1581).

<sup>577</sup> **Балх** — ҳозирги Шимолий Афғонистондаги қадимий ириқшаҳар. Қадимий Бохтар, Бактра.

<sup>578</sup> **Авлиёлар шоҳи** — ҳазрат Али; ривоятларга кўра, у Балхнинг Хожа Ҳайрон қишлоғи (ҳозирги Мазори Шариф)да дафн қилинган. Аслида эса Қуфада ўлдирилган (661 йил) ва ўша ерда дафн этилган. **Соҳибқирон** — икки саодатли юлдуз: Муштарий ва Зухра бир-бирига яқинлашган пайтда туғилган ўғил. Шарқ анъаналарига кўра, у бахтли ва қудратли подшоҳ бўлган.

<sup>579</sup> **Искандар** — Шарқ адабиётида Искандар Зулқарнайн номи билан машхур бўлган македониялик подшоҳ (милоддан аввалги 336 — 323 йиллар).

<sup>580</sup> **Хутба** — одатда жума намозида имом хатиб ёки бошқа бирон олий мартабали рухоний тарафидан қилинадиган диний ваъз — насиҳат. Подшоҳ, тахтга ўлтириганда ҳам хутба ўқилган.

<sup>581</sup> **Мўғулистон (Жете)** — Чифатой улусининг шарқи-шимолий қисми XIV аср ўрталаридан шу ном билан аталган.

<sup>582</sup> **Насаф** — ҳозирги Қашқадарё воҳасини ўз ичига олган тарихий вилоят; ўрта асрларда Нахшаб деб ҳам атаган.

<sup>583</sup> **Хожа Саъуддин Хожа Калон Жўйборий** (Бухоро) хожаларидан Хожа Саъд (1531 — 1589); Хожа Муҳаммад Ислом (1493 — 1563)нинг ўғли; Жўйборий хожалар қатта ер-сув ва мол-мулкка эга бўлиб, Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қатта нуфузга эга бўлганлар.

<sup>584</sup> **Подшоҳ** — шайбоний Абдуллоҳон II (1533 — 1557/1583 — 1598) назарда тутилмоқда.

<sup>585</sup> «**Муҳаррам ойининг олтинчиси**» — 1584 йил 19 январ.

<sup>586</sup> **Ажам** — араб бўлмаган мамлакатлар ва халқлар. Бу ерда Эрон ва эронликлар назарда тутилди.

<sup>587</sup> **Дайлам** — Гилон вилоятининг тоғлик қисми.

<sup>588</sup> **Мархала** — бир кунлик йўл; бир кунлик йўл босгандан кейин тўхтайдиган манзилгоҳ.

<sup>589</sup> **Чин** — Шарқ манбалари ва мумтоз адабиётда Шимолий Хитой шу ном билан аталган.

<sup>590</sup> Куръон, 48/23.

<sup>591</sup> **Афридун (Фаридун)** — Қадимги Эрон пешлодийлар сулоласига мансуб бешинчи ҳукмдор.

<sup>592</sup> **Жамшид** — Қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳларидан.

<sup>593</sup> **Қудсий** — пок, муқаддас. **Қудсий сифат** — фаришта сифат.

<sup>594</sup> **Шайхулислом** — мусулмон жамоаси бошлиғи.

<sup>595</sup> Куръон, 19/6.

<sup>596</sup> **Ҳарис** — ер хайдовчи; дехқон.

<sup>597</sup> Абдулмўмин султоша Балх мамлақати 1582 йили инъом қилинган.

<sup>598</sup> **Сайид ал-мурсалин** — Муҳаммад пайғамбар.

<sup>599</sup> **Хонақоҳ** — дарвишлар тўхтаб, зикр-самоъ тушадиган жой.

во **Одам Ато** — одамлар отаси; ривоятга кўра биринчи одам бўлиб, инсоният ундан ва Момо Ҳав-водан тарқалган экан.

<sup>601</sup> **Жаннатул-хулд** — абадий жаннат.

<sup>602</sup> **Хосу омм** — хослар, яъни сайланганлар ва омма, яъни оддий халқ; **хос** — ҳокимиятга тегишли одамлар; аслзодалар.

<sup>183</sup> **Сиёвүш** — Қадимги Эрон шахзодаларидан.

<sup>и</sup> **Саропарда** — сарой пардаси: катта парда, подшоҳ чодирини иккига ажратиб турган парда.

<sup>eo5</sup> **Асфиёлар** — қалби пок валийлар.

<sup>606</sup> **Али ибн Абу Толиб** — тўғри йўлдан борувчи халифалардан тўртинчиси (656 — 661); пайғамбаримиз Мухаммад Мустафонинг куёви.

<sup>607</sup> **Кундуз** — Тохаристоннинг катта вилоятларидан ва унинг марказий шаҳри Балхнинг кун чиқиш тарафида, Бадахшон ва Кўлоб йўлида жойлашган. **Ғур** — Ҳирот билан Ғазна ўртасида жойлашган, Ҳиротга қарашли вилоят.

<sup>608</sup> **Кохмард** — Балх хонлигига қарашли Ҳазора-жотдаги вилоятлардан. Қадимда Бомийенга қараган. Балхнинг жанубида, Кобулга олиб борадиган қарвон йўлида жойлашган.

<sup>609</sup> «**Сафарнинг олтинчисида...**» хижрий 992 йил /1584 йил 18 февралда.

<sup>6,0</sup> **Сурон** — жанговар ҳайкирик; жангга чақирик.

<sup>611</sup> **Муштарий буржи** — Юпитер сайёрасининг арабча номи.

<sup>612</sup> **Ҳамал буржи** — Жадий буржи; март — апрел ойларига тўғри келади.

<sup>613</sup> **Толкон (Толикон)** — Амударёнинг сўл соҳилида, Балх — Бадахшон йўлида жойлашган. Тохаристон шаҳарларидан бири. Балхдан Толконгача 6 кунлик йўл.

<sup>614</sup> **Кушо-куш** — қадах кўтаришга хитоб.

<sup>615</sup> **Хайбар** — Афғонистон билан Покистон ўртасидаги сўкмок.

<sup>616</sup> **Уқоб** — қора тусли бир куш. Бу ерда тезучар ўқдан киноя.

<sup>617</sup> **Қамардаги мимдек** — оғзи кичик ва чиройли маъносиди.

<sup>6,8</sup> **Тўртинчи фалак** — тўртинчи қават осмон гум-базидек гўзал маъносиди.

<sup>6,9</sup> **Арханг (Арханг сарой)** — Амударёнинг сўл соҳилида дарё билан туташ вилоят; Тохаристонга қараган. XVI асрда Ҳазрат Имом номи билан машхур бўлган.

<sup>620</sup> **Шайх Халилуллоҳ** — бадахшонлик йирик шайх. Қабри Варсагда.

<sup>621</sup> **Шайх Ҳусайн Хоразмий** — кубравия тариқатининг кўзга кўринган шайхларидан. Шу тариқатнинг асосчиси Нажмиддин Кубронинг авлодларидан, Алишер Навоий унинг 839/1435 йили вафот этганлигини айтади.

<sup>622</sup> **Кишм** — Тохаристоннинг қадимий шаҳарларидан; XVI—XVII асрларда марказий шаҳарлардан бири, маъдан конларига бой жой.

б> **Чухра оқоси** — хон (подшоҳ) махсус кўриқчилари бошлиғи.

<sup>624</sup> «**Мазкур ойнинг ўн олтинчисида...**» — хижрий 992 йил сафар ойининг ўн олтинчисида, яъни милодий 1584 йил 28 февралда.

<sup>625</sup> Куръон, 7/23.

<sup>626</sup> **Оталик** — 125-изоҳга қаранг.

<sup>627</sup> **Ардавон** — Қадимги Эронда ўтган афсонавий

бир подшоҳ номи; Қадимги Эроннинг бир вилояти номи.

<sup>128</sup> **Қалъайи Шохназар** — Тохаристон шаҳарларидан. XVI—XVIII асрларда Балх хонлиги тасарруфида бўлган.

<sup>629</sup> **Ўзбек султон** — шайбоний Жонибек султон авлоди. Кўп йил Ҳисор, Тошкент ва Фарғона вилоятларини идора қилган.

<sup>630</sup> **Ҳисори Шодмон** — Самарқанд ва Кешнинг жанубида, тоғ устида жойлашган мустақил қалъа. Ҳисор вилоятининг маркази вайроналари ҳозирги Душанба шаҳрининг ғарбий тарафида. Ҳисор вилояти қадимда Чағониён (Сағониён) деб аталган.

<sup>631</sup> **Ясовул** — Чингизхон ёсосининг бажарилишини кузатиб турувчи мансабдор; хоннинг топшириқларини бажариб турувчи кичик амалдор.

<sup>632</sup> **Маҳрам** — яқин дўст, сирдош. Олий ҳукмдорнинг яқин кишиси.

<sup>633</sup> **Баҳорак** — Бадахшон қишлоқларидан.

<sup>634</sup> **Катур (Катвар)** — Афғонистоннинг тоғлиқ қисмида, Кўкча дарёсининг юқори оқимида, Варзи дово-нига чиқаверишда жойлашган катта вилоят.

<sup>635</sup> **Тирсак, Ҳўст, Фархор вилоятлари** — Бадахшон ўрамига кирган вилоятлар.

<sup>636</sup> **Соли сарой** — Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган жой. Ҳозирги Сурхондарё вилоятига қарашли Сарой қишлоғи.

<sup>637</sup> **Оқсарой** — Тохаристоннинг машхур жойларидан.

<sup>638</sup> **Бақлон (Бағлон)** — Тохаристон шаҳарларидан, бир неча вақт унинг пойтахти бўлган.

<sup>639</sup> **Жалолуддин Акбар подшоҳ** — бобурийлар сулоласига мансуб Ҳиндистон подшоси (1556—1605 йилларда ҳукмдор).

<sup>и</sup> **Андароб** — Тохаристон қалъаларидан; Балх билан Кобул вилояти ўртасида, Кобул вилояти худудида жойлашган ўрта аср шаҳри. Балх — Кобул — Ҳиндистон қарвон йўли устида жойлашган.

<sup>641</sup> **Хинжон** — Бомийенга қарашли тоғли вилоят; Хиндикуш довоининг шимолий тарафида, Балх — Ҳиндистон қарвон йўли устида жойлашган. Ундан довогача бир кунлик йўл.

<sup>642</sup> **Норин** — Тохаристонга қарашли жой.

<sup>643</sup> 607-изоҳга қаранг.

<sup>644</sup> **Биринчи осмон** — етти осмон табақаларидан биринчиси.

<sup>645</sup> **Қорақўл** — Бухоро хонлигига қарашли шаҳар. Бухородан Қорақўлгача масофа 70 километр атрофида.

<sup>646</sup> **Қоровул** — қўшиннинг ўнгу сўли ва олдида борувчи кўриқчи харбий қисм; хон ўрдасининг кўриқчиси.

<sup>647</sup> **Сурайё буржи** — олти юлдузнинг жамидан иборат бўлган бурж; Ойнинг учинчи манзили.

<sup>648</sup> **Сидратилмунтаҳо** — мусулмонлар этикодига кўра, «еттинчи осмон»да ўсадиган бир дарахт номи.

<sup>649</sup> **Қулзум дарёси** — дешиз; Қизил денгиз.

<sup>650</sup> **Кўкча дарёси** — Афғонистонда Хиндикуш тоғларининг шимолий ёнбағридан бошланадиган дарё.

<sup>651</sup> «**ч...** захми» ибораси харфларининг киймати абжад ҳисобида хижрий 992 (милодий 1584)ни беради.

<sup>652</sup> **Таҳлил** — ҳал қилиш; бирон илмий масалани ечиш; «Ло илоҳа иллоллоҳ» дейиш.



<sup>653</sup> **Такбир** — кўпайиш, ортиш; Оллоху акбар (худо улуғдир) дейиш.

<sup>154</sup> **Хатги найзалар** — Арабистон яриморотида жойлашган Хатт номли бир жойда тайёрланган найза. Тегишли изоҳларга қаранг.

<sup>655</sup> **Аймон водийси** — Яман водийси.

<sup>656</sup> **Русток** — Тохаристон шаҳарларидан; Балх — Кошғар қарвон йўлида, тоғликлар орасида жойлашган вилоят.

<sup>657</sup> **Истимолатнома** — яхши сўз билан юмшатиб ўзига мойил қилиб олиш мазмунида ёзилган мактуб.

<sup>658</sup> **Имом мавзеи** — Амударёнинг сўл соҳилида жойлашган Ҳазрат Имом вилояти.

<sup>659</sup> **Кўлоб** — Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган вилоят; қадимда Хутталон (Хатлон), XVI асрдан Кўлоб номи билан маълум; XVI — XVIII асрларда Балх хонлиги таркибига кирган. Ғарбда Вахш ва Кубодиён, шарқда қирғиз ерлари билан туташ.

<sup>660</sup> **Кўкча суви** — Кўкча дарёси.

<sup>661</sup> **Оли Або** — беш улуғ зот: Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо, Ҳазрат Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусан.

<sup>662</sup> Қуръон, 33/33.

<sup>663</sup> **Сомончи йўли** осмонни қатта айлана бўйлаб ўраб олган, юлдузлар тўпламидан ташкил топган ёруғ йўл.

<sup>664</sup> **Кандона** — саримсоққа ўхшаш бир хил сабзавот.

<sup>6135</sup> **Арғувон (арғавон)** — қизил гуллайдиган бир нав дарахт.

<sup>666</sup> **Кайюмарс** — Қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи.

<sup>667</sup> **Минучехр** — Қадимги Эрон пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳ.

<sup>668</sup> **Қоф тоғи** — афсонавий бир тоғ; афсоналарга кўра, гўё у ер юзини ўраб олган эмиш.

<sup>669</sup> **Уммон дарёси** — Уммон денгизи. Ўрта асрларда Ўртаер денгизи шундай аталган.

<sup>670</sup> «р. биъ ус-сонийнинг ўртасида...» 992/1584 йил 28 мартда.

<sup>671</sup> **Субҳи содиқ** — чин тонг.

<sup>672</sup> **Табира** — қатта нағора.

<sup>678</sup> **Исрофил сури** — фаришта Исрофил қарнайи.

<sup>674</sup> **Исфандиёр** — Қадимги Эрон қайёнийлар сулоласига мансуб подшоҳ; Гиштоспнинг ўғли.

<sup>675</sup> **Жавшан** — яхлит темирдан ясалган нимча.

<sup>676</sup> **Савмаа** — насронийлар ибодатхонаси.

<sup>677</sup> **Меҳимиз** — тепалашув.

<sup>678</sup> **Паркор** — циркуль.

<sup>679</sup> **Мажарра** — сиёҳдон.

<sup>680</sup> **Сомон фонуси** — Сомончи йўли юлдузлари.

<sup>681</sup> **Ўқ пайкони** — пўлатдан ясалган ўқ учи.

<sup>682</sup> **Зухал юлдузи** — Сатурн сайёраси.

<sup>683</sup> **Завора** — Рустамнинг шижоатда машҳур биродари.

<sup>684</sup> **Мунтакат ул-буруж** — осмонда ўн икки буржни ўз ичига олган доира. Луғавий маъноси: буржлар камари ёки буржлардан ясалган камар. Бу доира муаддил ун-наҳор доирасини кесиб ўтган учун шу ном билан аталган.

<sup>685</sup> **Муаддил ун-наҳор** — бутун фазони шарқдан ғарбга қараб тўғри икки бўлакка ажратиб турган маҳум бир доира; мумтоз астрономия таъбирига кўра, Қуёш бу доира тепасига келганда 90 градусга фарқли тарафларда кеча ва кундуз баробарлашад.

<sup>686</sup> **Асадбуржи** — осмонбуржларнинг бешинчиси; июль — август ойларига тўғри келади. Шер (асад) шакли тасвирланган учун шу ном (Асад) билан аталади. ш «р. биъ ус-соний охирида...» — 992/1584 йил 10 майда.

<sup>688</sup> **Ҳола** — ой қўрғонлагани.

<sup>689</sup> **Юз** — палангдан кичикроқ ов ҳайвони.

<sup>690</sup> **Озарбайжон нусхасида:** «Дину дунё кутби Хожа Калоннинг, Тангри ул зотнинг улуғлиги соясини чўзсин, Имом мавзеига ташриф буюриши (ва) осмон ҳашаматли хоқоннинг ул улуғлар фаҳрининг ташриф буюриши ҳурмати учун зўр зиёфат тайёрлашининг воқеаси».

<sup>691</sup> **Тош (фарсанг)** — 6 — 7 километрга тенг масофа ўлчови.

<sup>692</sup> **Кудсий даражали** — муқаддас даражали; дин ва тарикат пешволарига берилган фахрли ном.

<sup>693</sup> **Хўст** — Тохаристон шаҳарларидан.

<sup>691</sup> **Амир Қулбобо** — Абдуллахоннинг эмишган биродари; давлатнинг юқори мансабида турган нуфузли шахс.

<sup>695</sup> **Ухравий бошқа; ухравий мурод** — охират тилаги.

<sup>696</sup> **Аҳмади Жом** (1049 — 1142) — машҳур муҳаддис, суфий шоир.

<sup>697</sup> Қуръон, 3/134.

<sup>698</sup> **Имом Муслим** — машҳур муҳаддис. Абулхусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Найсабурий (819 йил туғилган). «Ал-Жомий ас-Саҳих» китоби муаллифи.

<sup>699</sup> «Тоҳа» ва «Ёсин» — Қуръони қаримнинг 20-ва 36-жалила суралари.

<sup>700</sup> **Байт ул-маъмур** — обод уй; ривоятга кўра, тўртинчи осмонда жойлашган ва Каъбага ўхшаган бир муқаддас масжид номи.

<sup>701</sup> **Қарбало дашти** — Қарбало (Ироқ)даги Фурот дарёси водийсида жойлашган даштлик.

<sup>702</sup> Қуръон, 14/37.

<sup>703</sup> Қуръон, 30/24.

<sup>704</sup> **Жуфти гов** — ер ўлчови; бир жуфт хўкиз ёрдами билан экиладиган ер.

<sup>705</sup> Қуръон, 9/19.

<sup>706</sup> **Убайдуллоҳ ибн Зиёд** — халифа Муовия (660—680)нинг буйруғи билан 674 йили Мовароуннаҳрга биринчи бўлиб кирган араб қўшинига бошчилик қилган саркарда.

<sup>707</sup> **Язид** — умавия сулоласидан чиққан иккинчи халифа (680-683).

<sup>708</sup> **Соли сарой** — тегишли изоҳга қаранг.

<sup>709</sup> **Султон Санжар** — салжукийлар сулоласидан чиққан машҳур ҳукмдор (1118 — 1157).

<sup>710</sup> **Афросиёб** — Турон ва туркларнинг қадим подшоҳи. Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сининг қаҳрамонларидан.

<sup>711</sup> **Жез хумлар** — қарнайлар.

<sup>712</sup> «Жумод ул-аввал (ойининг) ўртасида...» — 992/1584 йил 25 майда.

<sup>7.3</sup> **Эшик оқоси (эшик оғаси)** подшоҳ (хон) саройбони; қабул ишларига мутасаддий бўлган мансабдор; сарой министри.

<sup>714</sup> **Ҳожийул-ҳарамайн** — мусулмонларнинг икки муқаддас шаҳри Макка ва Мадинани зиёрат қилган киши.

<sup>715</sup> **Зоҳид** — дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шахс.



<sup>716</sup> **Настарин** — хуш исли оқ бир гул.  
<sup>717</sup> **Казою қадар** — тақдир тақозоси билан тўсатдан юз берган ҳодиса.  
<sup>718</sup> **Корабағир (қора бугра) тўплар** нафтни ёндириб отувчи махсус мосламалар: «огнемёт».  
<sup>719</sup> **Бурғу** — карнайдан кичикроқ, дастаси қалта чолғу асбоби. У кўпинча уруш вақтида ишлатилган.  
<sup>720</sup> **Мизроб** — танбур чертиладиган тирнок; нохун; зарб уриш, чертиш.  
<sup>721</sup> **«Жумод ус-сонийнинг йигирма бирида...»** — 992/1584 йил 1 июлда.  
<sup>722</sup> **Жата (Жете)** — Чигатоё улуси иккига ажралиб кетгандан кейин (XIV аср) унинг шарқи-шимолий қисми (Етгисув ва Ила водийсидаги ўлкалар, Тяньшань атрофидаги ерлар ва Кошғар) шу ном билан (босқинчи, талончи, хунхўр) аталадиган бўлди. Жата давлати тарихда Мўғулистон номи билан ҳам маълум.  
<sup>723</sup> **Арқони давлат** — давлат устунлари: кўзга кўринган амирлар, давлат арбоблари ва нуфузли уламо.  
<sup>721</sup> **Ҳазора султон** — шайбонийлардан.  
<sup>725</sup> **Таноб** — ҳар тарафи 60 газдан иборат бўлган ер ўлчови.  
<sup>725</sup> Бу ерда **«Замон хони Абдуллахон»** ибораси абжад ҳисобида 992 ни беради. Демак, Кўлоб қалъасининг фатҳи 992 (1584) йили содир бўлган.  
<sup>727</sup> **«Фатҳи вилояти Кўлоб»** ҳам бу ерда таърих моддаси бўлиб, харфларининг қиймати абжад ҳисобида 992 ни беради.  
<sup>728</sup> **«Ражаб оий»** — 992/1589 июл — август.  
<sup>729</sup> **«Шаъбон оий»** — 992/1584 йил июн — июл.  
<sup>730</sup> **Ҳол арбоблари** — суфийлар.  
<sup>731</sup> **Жўғдон** — кўз косаси.  
<sup>732</sup> **Қуръон**, 17/87.  
<sup>733</sup> **Динмухаммад султон** — шайбонийлардан; Балх хоқими (1566-1572).  
<sup>734</sup> **Хиндикуш довои** — Бомийёнга қарашли Хинжондан бир кунлик масофада шу номли тоғда жойлашган доvon.  
<sup>735</sup> **Қуръон**, 2/249.  
<sup>736</sup> **Ҳижо** — харфларни айрим-айрим ўқиш; сўз бўғини.  
<sup>737</sup> **Зухра** — Чўлпон юлдузи; Венера. Мумтоз адабиётда осмон созандаси.  
<sup>738</sup> **Искандари соний** — иккинчи Искандар, яъни Абдуллахоша берилган фахрий ном.  
<sup>739</sup> **Дторуд** — Меркурий сайёраси. Афсоналарда айтилишича, ёзувчилар хомийси, фалак котиби.  
<sup>740</sup> **«Рўза оий»** — ҳижрий 992 йил рамазон оий 1584 йил 6 сентябрдан 6 октябргача давом этган.  
<sup>741</sup> **«Тўртинчи рамазон...»** — 1594 йил 9 сентябр.  
<sup>742</sup> **Зоҳирий** — кўриниб турган, очиқ-ошқора; бо-тиний (ички томон, кўнгил)ниш зидди.  
<sup>743</sup> **Фағфур** — Хитой императори.  
<sup>744</sup> **Михвар хатти** — айланадиган нарсаларнинг ўқи.  
<sup>745</sup> **Руммоний ёкут** — тўк қизил ёкут.  
<sup>746</sup> **Найсон булут** — баҳор булуту.  
<sup>747</sup> **Исмоил Сомоний** — сомонийлар сулоласи (819—1005)га мансуб машҳур ҳукмдор (892—907).  
<sup>748</sup> **Хатт** — янги ўсган мўйлаб.  
<sup>749</sup> **Оби ҳайвон** — ҳаёт суви.  
<sup>750</sup> **«Мулки Сулаймон гирифт»** — таърих моддаси; харфларнинг қиймати абжад ҳисобида 992 ни

ҳосил қилади. Таърих шартига кўра ёзилган, қўлёзма «ғалат»и бор; «Мулки Сулаймонро гирифт» тўғри бўлади. — *Мухаррир*.  
<sup>751</sup> **Муғаннийлар** — ашулачилар, созандалар.  
<sup>752</sup> **Қуръон**, 56/21.  
<sup>753</sup> **Қуръон**, 23/19.  
<sup>754</sup> **Қимматбаҳо хадя**.  
<sup>755</sup> **Муттако** — суюнчик.  
<sup>756</sup> **Ҳибба** — совға, инъом.  
<sup>757</sup> **Миллати байзо** — ислом; мусулмонлар.  
<sup>758</sup> **Қуръон**, 48/1.  
<sup>759</sup> **Қуръон**, 3/48.  
**Ў Мехржон** — Куёшнинг Мезон буржиги (сентябр оийга) кирган пайти; куз (ҳосил) байрами.  
<sup>751</sup> **Тийрамоҳ** — оийнинг кўрғонлаши; бахтсиз, толесиз.  
<sup>718</sup> **«Шаввол оийнинг аввалларида...»** — 992/1584 йилнинг 6—9 октябрида.  
<sup>763</sup> **«Баҳоул-ҳаққ вад-дин»** — Нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаларидан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Тегишли изоҳларга қараш.  
<sup>764</sup> **«Оийнинг ўн иккисида...»** — шаввол, 992/1584 йил октябр оийнинг 11-сида.  
<sup>765</sup> **Сиёк илми (илми сиёк)** — ўрта асрларда молия девонида амалда бўлган, ҳисоб-китобга оид махсус санок илми.  
<sup>766</sup> **«993 йил, муҳаррам оий»** — 1585 йил январ оий.  
<sup>767</sup> **«Муҳаррам ул-ҳарам оий»** 993/1585 йил январ оий.  
<sup>768</sup> **Кавс буржи** — 9-бурж, ўзбекча — Ёй, 21 ноябр — 21 декабрга тўғри келади.  
<sup>769</sup> **Зухду тақво аҳли** — дунё неъматларидан ўзини тортиб, шайхлик ва тақводорлик билан кун кечирувчи шахслар. Тегишли изоҳларга қаранг.  
<sup>770</sup> **Ху буржи** — осмоннинг ўн икки буржидан бири; ўзбекча — Балиқ, 21 феврал — 21 мартга тўғри келади.  
<sup>771</sup> **Баҳман** — бу ерда Куёш Далв буржида турган пайт.  
<sup>772</sup> **Нахшаб (Насаф)** — ҳозирги Қарши шаҳри.  
<sup>773</sup> **Синжоб** — олмахон пўсти.  
<sup>774</sup> **Эйвак ва қоқум** — пўсти ниҳоятда оқ ҳайвон.  
<sup>775</sup> **Зардак чўли** — Амударёнинг сўл соҳилида, Андхуд ва Фарёб оралиғида жойлашган чўл; хон кўриқхонаси.  
**• «—12 Рабиъ ул-аввалнинг охирида...»** — 993/1585 йилнинг 1 апрелида.  
<sup>777</sup> **Бобо Вали** — андхудлик шайх Бобо Вали соҳиб.  
<sup>778</sup> **Кубравия тариқати** — Нажмиддин Кубро (1145—1221) асос солган суфийлик тариқати. Ўрта Осиё ва қисман Эронда тарқалган.  
<sup>779</sup> **Ҳилолсимон** — янги туғилган ойма ўхшаган.  
<sup>780</sup> **«Жумод ул-аввал охирида...»** 993/1586 йил 28 июнда.  
<sup>781</sup> **Иқтоъ** — тожу тахт учун қилган қатта хизматлари учун шаҳзодалар, султонлар ва амирларга берилган инъом; ер-сув, вилоят.  
<sup>782</sup> **«Шаввол оий боши...»** — 993/1585 йил 26 сентябр.  
<sup>783</sup> **«Тўққиз юз тўқсон тўртинчи йил муҳаррам сафар, рабиъ ул-аввал ойларида»** 1585 йил декабр, 1586 йил январ, феврал, март ойларида.  
<sup>784</sup> **Қуръон**, 5/80.

<sup>785</sup> Куръон, 3/153.  
<sup>786</sup> Куръон, 4/97.  
<sup>787</sup> Куръон, 3/11.  
<sup>788</sup> Душмангудоз душманни эритувчи.  
<sup>789</sup> Куръон, 3/4.  
<sup>790</sup> Нихованд — Эроннинг катта шаҳарларидан бири.  
<sup>91</sup> «Рабиъ ус-соний (ойи) охирида. 994, 1586 йил 22 апрелида.  
<sup>792</sup> Голия — мушку анбар ва кофурдан таркиб топган хушбўй нарса.  
<sup>793</sup> Шабдиз — Хусрави Парвизнинг қора тусли оти.  
<sup>794</sup> Куръон, 9/14.  
<sup>795</sup> Куръон, 3/126.  
<sup>796</sup> Куръон, 8/19.  
<sup>797</sup> «Жумод ул-аввал (ойи) бошида...» — 994/1586 йил 20 февралда.  
<sup>798</sup> Мискаб — дурни тешадиган бир асбоб.  
<sup>799</sup> Хола — бу ерда Ой ёки Куёшнинг кўрғонлаши, гардиш боғлаши.  
<sup>800</sup> Зиҳдон — камон солинган халта.  
<sup>801</sup> Симок Ромих — бир юлдуз номи.  
<sup>802</sup> Намруд — Иброҳим алайҳиссаломни ўтга ташлаган афсонавий подшоҳ.  
<sup>803</sup> Корун — катта бойликка эга бўлган шахс; мумтоз адабиётда катта бойликдан киноя.  
<sup>804</sup> Яжуж ва мажуж — афсонавий хунук башара, бахайбат, ваҳший бир халқ.  
<sup>805</sup> Кофур — бағоят оқ ва хушбўй бир модда; камфора.  
<sup>806</sup> Каррубий макруматли — фаришта сифатлик.  
<sup>807</sup> Мужтабо — сараланган, танлаб олинган, мумтоз.  
<sup>808</sup> Хошимийлар хонадони — хазрат Пайғамбар хонадонига мансуб бўлган азизлар.  
<sup>809</sup> Сиддиқийлар сулоласи — халифа Абубакр Сиддиқ разийаллоҳи анху (632—634) авлоди.  
<sup>810</sup> Фаррухийлар сулоласи — Ҳиндистоннинг Деканида 1370—1601 йиллари ҳукмронлик қилган сулола.  
<sup>811</sup> Хожа Али Порсо — Хожа Муҳаммад Порсо (1419 йил вафот этган)нинг авлоди.  
<sup>812</sup> «Жумод ус-соний ойи охирида...» — 994/1586 йил 17 июнда.  
<sup>813</sup> Жогирлик — Ҳиндистонда феодал ер эгаллиги тури; суюрғолнинг синоними.  
<sup>814</sup> Хожа Абу Наср Порсо — бухоролик машҳур илоҳият олими Хожа Муҳаммад Порсонинг ўғли. Тегишли изоҳларга қаранг.  
<sup>815</sup> Шақиқи Балхий — балхлик машҳур шоир (777 йили ўлдирилган).  
<sup>8, с</sup> Султон Аҳмад Хазравия — балхлик машҳур шайх ва олим (854—55 йил вафот этган).  
<sup>817</sup> Таваккал султон — қозоқ хони (1586—1598).  
<sup>818</sup> Дўстим султон — шайбонийлардан; Наврўз Аҳмад Барокхон (1552—1556)нинг ўғли.  
<sup>819</sup> «(Хоқон хазрат) Андижон юришидан қайтган пайтда» — Абдуллахон II нинг Фарғона устига юриши 1583 йили содир бўлган.  
<sup>820</sup> Шаробхона — Тошкентнинг шимолий тарафида, ҳозирда Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бўлиб турган мавзе.  
<sup>821</sup> Сайрам — Тевалик ва Сайрамсой оралиғида, Буюк Ипак йўли устида жойлашган қадимий шаҳар.

Қадимда Испижоб деб аталган.  
<sup>822</sup> Хамал буржи — мумтоз астрономияда осмон буржларидан бири. Куёш унга март ойида қиради. У қўй шақлида тасаввур этилган.  
<sup>823</sup> «Ражаб ойи» - 994/1586 йил 18 июн - 18 июл ўртаси.  
<sup>824</sup> Қумоши — бир нав ипакли кийим.  
<sup>825</sup> Куръон, 12/6.  
<sup>826</sup> Куръон, 77/28.  
<sup>827</sup> Куръон, 9/121.  
<sup>828</sup> «Шаъбон ойининг аввалида...» 994/1586 йил 18 июлда.  
<sup>829</sup> Пешовар — Покистоннинг шимоли-ғарбий тарафида жойлашган вилоят ва шаҳар.  
<sup>830</sup> Куръон, 61/11.  
<sup>831</sup> Дакан шаҳри — шу номли вилоятнинг бош шаҳри (Ҳиндистон).  
<sup>832</sup> Хамдуллоҳ Муставфийи Қазвиний — эронлик машҳур тарихчи ва жуғрофия олими (1281—1349).  
<sup>833</sup> Куръон, 67/5.  
<sup>834</sup> Батлимус — машҳур юнон мунажжими ва жуғрофия олими Птолемей (милодий II аср).  
<sup>835</sup> «Ҳижрий 662 йил, 28 рамазон...» — милодий 1264 йил 24 июлда.  
<sup>836</sup> Тибат — Осиёдаги тоғлик мамлакат.  
<sup>837</sup> «Йигирма иккинчи зулҳижжагача» — 662/1264 йил 16 октябргача.  
<sup>838</sup> «Шахзода Барок» — Чиғатой улусининг олий ҳукмдори Барокхон (1260—1271).  
<sup>839</sup> Ибодулла султоннинг бир гуруҳ фитначилар тарафидан ўлдирилиши назарда тутилади.  
<sup>840</sup> Куръон, 2/184.  
<sup>841</sup> Куръон, 2/185.  
<sup>842</sup> Мушриф — давлат назоратчиси.  
<sup>843</sup> Куръон, 31/17.  
<sup>844</sup> Куръон, 2/156.  
<sup>845</sup> Маржиъ — қайтиб бориладиган жой, мурожаатгоҳ; Каъба.  
<sup>846</sup> «Шаъбон ойи аввалида...» 994/1586 йил 18 июлда.  
<sup>847</sup> «Ҳайф Искандархони» таърих моддаси бўлиб, харфларининг қиймати 994 ни беради.  
<sup>848</sup> Бубай султон — шайбонийлардан; Шох Будоғ султоннинг набираси; Хўжа Муҳаммад султоннинг иккинчи ўғли. ч,  
<sup>849</sup> Куръон, 16/127.  
<sup>850</sup> Куръон, 38/117.  
<sup>851</sup> «Рамазоннинг ярмида...» — 994/1586 йил 30 августда.  
<sup>852</sup> «Шаввол ойининг аввалида...» - 994/1586 йил 15 сентябрда.  
<sup>853</sup> «Шаввол ойи ярмида...» 994/1586 йил 1 октябрда.  
<sup>854</sup> Куръон, 56/20.  
<sup>855</sup> Куръон, 56/21.  
<sup>856</sup> Бу ерда сўз теурийзодалар, оға-ини Султон Аҳмад мирзо (Самарқанд ҳокими; 1454—1494) билан Умаршайх мирзо (Андижон ҳокими; 1454—1494) ўртасида 1485 йили Хавосда юз берган низо ва унинг Хожа Убайдуллоҳ Ахрор аралашуви билан ечилиши ҳақида боради. Тошкент ҳокими чиғатойий Султон Маҳмудхон (1508 йил ўлдирилган) бу курашда Султон Аҳмадхон тарафида турган.  
<sup>857</sup> Поянда Муҳаммад султон — шайбонийлардан

Жонибек султоннинг учинчи ўғли; Абдуллахон II нинг амакиваччаси.

<sup>858</sup> **Бобур Муҳаммад султон** — шайбонийлардан.

<sup>859</sup> **Кубодиён** — Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган вилоят; XVI—XVIII асрларда Балх хонлиги тасарруфида бўлган.

<sup>860</sup> 639-изохга каранг.

<sup>861</sup> **Кизилбошлар** — шиъа мазҳабидаги Эрон ва Озарбайжон аскарлари. Қалпоғига ўн икки имом шарафига тўқ кизил лента боғлаганлари учун шундай аталганлар.

<sup>812</sup> Куръон, 3/96.

<sup>863</sup> Куръон, 22/29.

<sup>III</sup> Куръон, 3/97.

<sup>81B</sup> «**Ҳижрий 995 йил, муҳаррам ойи боши**»

1586 йил 12 декабр.

<sup>81C</sup> «**Мазкур ойнинг охирида...**» 1587 йил 10 февралда.

<sup>817</sup> «**Рабиъ ул-охирнинг ўртасида...**» — 995/1587 йилнинг 25 мартида.

<sup>868</sup> «**Зулҳижжанинг охирида...**» — 995/1587 йил 1 декабрда.

<sup>819</sup> «**Ҳутнинг охирида...**» — март ойининг охирида.

<sup>870</sup> Куръон, 8/65.

<sup>871</sup> Куръон, 2/27.

<sup>872</sup> **Ҳижоз** — Арабистоннинг ғарби-шимолий қисми; Макка ва Мадина жойлашган ҳудуд.

<sup>873</sup> ч <sup>с</sup> ч <sup>а</sup> к <sup>т</sup> у — Балхга тобёъ шаҳар ва вилоят; Балх ва Ҳирот ўртасида, қарвон йўлида жойлашган.

<sup>874</sup> Куръон, 15/19.

<sup>875</sup> Куръон, 22/1.

<sup>871</sup> Куръон, 2/261.

<sup>877</sup> Куръон, 42/20.

<sup>878</sup> Куръон, 4/95.

<sup>879</sup> Куръон, 3/97.

<sup>880</sup> Куръон, 22/29.

<sup>881</sup> **Исфандиёр султон** — шайбонийлардан; Жонибек султоннинг ўғли, Абдуллахон II нинг амакиси.

<sup>882</sup> «**Рабиъ ус-соний охирида...**» — 995/1587 йил 8 апрелда.

<sup>883</sup> «**Жумод ул-аввал ойининг охирида..**» — 995/1587 йил 6 июнда.

<sup>884</sup> «**Жумод ус-соний ойининг аввалида.**» — 995/1587 йил 9 май.

<sup>885</sup> **Кубод** — Қадимги Эрон подшоши.

⌘ **Маручоқ** — Мурғоб вилоятига қарашли катта қишлоқ.

<sup>887</sup> **Парвиз** — сосонийлар сулоласига мансуб Хусрави Парвиз (332 — 342) назарда тутилади. Кўпинча Нуширвони Одил номи билан машҳур бўлган. Тегишли изоҳларга каранг.

<sup>888</sup> «**Мазкур ойнинг ярмида...**» — ҳижрий 995 йил жумод ус-соний ойининг ўртасида / милодий 1587 йил 23 майда.

889 «**Туркманларнинг**» — бу ерда кизилбошлар назарда тутилади.

8% «**р а ж а б ойининг аввалида...**» 995/1587 йил 7 июнда.

<sup>891</sup> **Соқи солмос** — Ҳиротга қарашли манзилгоҳ.

<sup>892</sup> **Бактар** — темирдан ясалган ва усти баҳмал билан қопланган уруш қуроли.

<sup>893</sup> **Ардашер** — 224 йили сосонийлар давлатини тузган Ардашер I (224 — 339)га ишора қилинади. Тегишли изоҳларга каранг.

<sup>894</sup> «**Ражаб ойининг иккинчиси**» — 995/1587 йил 8 июн.

<sup>895</sup> **Кўҳи Мухтор** — Ҳирот атрофидаги тоғ.

<sup>891</sup> **Хусайн мирзо кўрагон** — теурийлар империясининг кўзга кўринган намоёндаларидан Султон Хусайн Бойқаро (1438/1469-1506).

<sup>897</sup> **Панждех** — Мурғоб вилояти қишлоқларидан.

⌘ **Мироҳўр** — подшоҳ (хон) отхоналари мутасаддийси.

<sup>899</sup> Куръон, 16/90.

900 **Ботмон** — ўлчов бирлиги; бир ботмон тахминан 20 кг.га баробар бўлган.

<sup>901</sup> Куръон, 74/51.

<sup>902</sup> **Сабзавор** — Бохарзнинг шарқий тарафида жойлашган Ҳиротга қарашли вилоят.

<sup>903</sup> **Қандаҳор** — Ғазнининг ғарби-жанубида жойлашган; Зобулистоннинг марказий шаҳри; Ҳиндистонга олиб борадиган қарвон йўлларида бири устида жойлашган.

<sup>904</sup> «**Ражаб ойининг охирида...**» 995/1587 йил 5 июлда.

<sup>905</sup> «**Шаъбон ойининг аввалида...**» — 995/ милодий 1587 йил 6 июлда.

906 «**Булуж халқидан**» — Афғонистон билан Покистон оралиғида кўчиб юривчи халқ.

<sup>907</sup> Куръон, 2/286.

<sup>908</sup> Куръон, 2/249.

<sup>909</sup> Куръон, 30/5.

<sup>9,0</sup> «**Шаъбон ойи аввалида...**» — 995/1587 йил 7 июлда.

<sup>911</sup> «**Шаъбон ойининг ўртасида...**» 995/1587 йилнинг 21 июлда.

<sup>912</sup> **Аҳраман** — даҳшатли бир дев. Зардуштийликда қора қучлар тангриси Охуромайна.

<sup>9,3</sup> «**Барот ойининг иккинчи ярмида...**» — 995/1587 йилнинг 22 — 24 июлида.

<sup>914</sup> Куръон, 8/63.

<sup>915</sup> Куръон, 110/2.

<sup>916</sup> **Ғуриён вилояти** — Ҳиротга қарашли кичик бир вилоят.

<sup>917</sup> «**Барот ойининг охирида...**» — 995/1587 йилнинг 4 августидан.

<sup>918</sup> Ҳокимиятдан четлатилди маъносида.

<sup>919</sup> «**Рамазон ойининг аввалида...**» 995/1587 йил 5 августда.

<sup>920</sup> «**Рамазон ойининг охирида...**» 995/1587 йил 3 сентябрда.

<sup>921</sup> «**Рамазон ойининг ўртасида...**» — 995/1587 йил 20 августда.

<sup>922</sup> **Равофиз** — ислом йўлидан тойган, шиъа.

<sup>923</sup> Куръон, 3/154.

<sup>924</sup> Куръон, 48/3.

<sup>925</sup> Куръон, 48/3.

<sup>926</sup> «**Қочирди душман тўдаларини унинг аскарлари...**» — Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо сўзи.

<sup>927</sup> **Исоба** — кийим-кечак, от-улов қаби совға.

<sup>928</sup> «**Рамазон ойининг охирида...**» 995/1587 йил 3 сентябрда.

929 «**р а ж а б ойи аввалида...**» — 995/1587 йил 7 июнда.

<sup>930</sup> «**Шаввол ойининг йигирма еттинчисида...**» 995/1587 йил 2 октябрда.

<sup>931</sup> «**Мазкур ойининг йигирма саккизинчи куни-**

да...» — хижрий 995 йил шаввол ойининг 28 да / милодий 1587 йил 3 октябрда.

<sup>932</sup> **Хакназар султон** — козоқ султонларидан (XVI асрнинг иккинчи ярми).

<sup>933</sup> **Сигноқ (Суноқ ота)** — Сирдарёнинг ўнг соҳида жойлашган йирик ўрта аср шаҳри.

<sup>934</sup> **Уқиз тоғ (Уғуз тоғ)** — Ясси ва Сузоқ оралигидаги тоғ.

<sup>935</sup> **«Кирғизлар хузурига»** — Олой кирғизлари назарда тугилади.

<sup>936</sup> **«Рамазон ойининг охирида...»** — 995/ милодий 1587 йил 3 сентябрда.

<sup>937</sup> **«Хайит ойининг охирида...»** — хижрий 995 йил шаввол ойининг охирида, яъни милодий 1578 йил 2 октябрда.

<sup>938</sup> Куръон, 24/77.

<sup>939</sup> Куръон, 12/92.

<sup>940</sup> **«Зулқаъданинг охирларида...»** 995/1587 йил 1 декабрда.

<sup>941</sup> Куръон, 54/49.

<sup>942</sup> Куръон, 3/26.

<sup>943</sup> Куръон, 2/124.

<sup>944</sup> Куръон, 3/26.

<sup>945</sup> **«Зулҳижжа ойи тугилди»** — хижрий 995, яъни милодий 1587 йил ноябрнинг боши.

<sup>946</sup> Куръон, 73/6.

<sup>947</sup> Куръон, 54/11.

<sup>948</sup> Куръон, 8/43.

<sup>949</sup> Куръон, 8/19.

<sup>950</sup> Куръон, 37/21.

<sup>951</sup> **Забаржад** — оч писта рангли қимматбаҳо тош.

<sup>952</sup> **Иктисоб** — ҳисоб олиш, текшириш.

<sup>953</sup> **Булук** — ноҳия, туман. Ўша замонларда туман Хиротда шу ном билан аталган.

<sup>954</sup> Куръон, 48/1.

<sup>955</sup> Куръон, 48/3.

<sup>956</sup> **«Сафар ойи»** — 996/1588 йил январ ойи.

<sup>957</sup> **«Сафар ойининг иккинчисид»** — 996/ 1588 йил 2 январда.

<sup>958</sup> **«Сафар ойининг охири...»** хижрий 996/ 1588 йил 29 январ.

<sup>959</sup> **«Рабиъ ул-аввал ойининг биринчи куни»** 996/1588 йил 30 январ куни.

<sup>960</sup> **Шашдар** — нард ўйини.

<sup>961</sup> Куръон, 19/102.

<sup>962</sup> **«Ойнинг бешинчисид»** — рабиъ I, 966/ 1588 йил 5 феврал куни.

<sup>963</sup> Куръон, 2/124.

<sup>964</sup> Куръон, 6/87.

<sup>965</sup> Куръон, 30/5.

<sup>966</sup> Куръон, 22/248.

<sup>967</sup> Куръон, 3/25.

<sup>968</sup> Куръон, 14/4.

<sup>969</sup> Куръон, 27/40.

<sup>970</sup> **«Рабиъ ул-охир ойининг боши...»** — 996/ милодий 1588 йилнинг 29 феввали.

<sup>971</sup> **«Ойнинг учинчисид»** — хижрий 996 йил

рабиъ ул-охир ойининг учинчисид / милодий 1588 йил 3 мартда.

<sup>972</sup> Куръон, 9/2.

<sup>973</sup> Куръон, 54/45.

<sup>974</sup> **Бадр мавзеида** — Муҳаммад пайғамбар ва унинг тарафдорлари билан маккаликлар ўртасид каттиқ уруш бўлган (624 йил) жой.

<sup>975</sup> Куръон, 38/11.

<sup>976</sup> Куръон, 36/31.

<sup>977</sup> Куръон, 65/9.

<sup>978</sup> Куръон, 40/11.

<sup>979</sup> Куръон, 50/35.

<sup>980</sup> Куръон, 17/26.

<sup>981</sup> **Хазрати Сиддик** — тўғри йўлдан борган халифалар (хулафойи рошидин)дан биринчиси Абубакрга берилган нисбат.

<sup>982</sup> **«Мазкур ойнинг бешинчисид»** — хижрий 996 йил рабиъ ул-аввал ойининг бешинчисид / милодий 1588 йил 5 мартда.

<sup>983</sup> **«Ойнинг олтинчиси»** — хижрий 996 йил рабиъ ул-аввал ойининг олтинчиси / милодий 1588 йил 6 март.

<sup>984</sup> **«Ойнинг еттинчиси»** — хижрий 996 йил рабиъ ул-аввал ойининг еттинчиси / милодий 1588 йил март ойининг еттинчи куни.

<sup>985</sup> **Мусо ар-Ризо** — шиъаларнинг саккизинчи имоми (818 йил ўлдирилган).

<sup>986</sup> 834-изохга қаранг.

<sup>987</sup> **«Осмондаги йўлбарс»** — Асад буржиги ишора.

<sup>988</sup> **Ансорлар** — Муҳаммад пайғамбарни қўллаб-қувватлаган мадиналиклар.

<sup>989</sup> **«Хемир жонлилар»** — баҳодирлар дейилмоқчи.

<sup>990</sup> **Қорақуш** — бу ерда дубулға.

<sup>991</sup> **Хайдар** — халифа ҳазрат Алининг фахрий номларидан.

<sup>992</sup> **Нол** — камиш орасидан чиқадиган қилга ўхшаган нарса.

<sup>993</sup> **«Муборак бод шаҳри Хирий»** таърих моддаси. Ҳарфларининг қиймати абжод ҳисобида 996 ни беради. Бу Хирот шаҳрининг фатх этилиши тарихи (996/1588 йил)дир.

<sup>994</sup> **Дорилҳарб** — харб уйи, яъни уруш қилиб олиш мумкин бўлган шаҳар (қалъа), мамлакат.

<sup>995</sup> **Имоми Аъзам** — ханафия мазҳабининг асосчиси ҳазрат Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (699-767).

<sup>996</sup> **Имом Муҳаммад** — Имом Муҳаммад ибн Кас-талоний, XVI асрда ўтган машхур Миср олими.

<sup>997</sup> **Дорулислом** — ислом уйи; ислом динини ўз ихтиёри билан қабул қилган ва шу йўл билан талон-торож ва қирғиндан омон қолган шаҳар (мамлакат).

<sup>998</sup> **«Хидоя»** — Бурхонуддин Марғионий қаламига мансуб мусулмон қонунчилиги асосларига бағишланган муҳим асар.

<sup>999</sup> Куръон, 67/1.

£\$P?&\* >

ХОФИЗ ТАНИШ АЛ-БУХОРИЙ

АБДУЛЛАНОМА

(«ШАРАФНОМАЙИ ШОҲИЙ»)

*Иккичи китоб*

Тошкент  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
2000

Мухаррир: *Барнобек Эшпўлатов*  
Муъаллиф: *Хришид Зиёхоиов*  
Бадий муҳаррир: *Фируза Башарова*  
Техник муҳаррир: *Диаш Габдрахчанова*  
Саҳифаловчи: *Мастура Атхамова*  
Мусаххилар: *Жамила Тоирова, Позима Муҳамедиева*

Тершга 12.06.99 датушириди. Чопетишга 10.01.2000 да рухсат берилди. Бичими 60x90' / .  
«Петербург» гаршиураси. Офсетбосма. Шартлибосматабоғи 36,0. Нашриёт-ҳисобтабоғи 29,3.  
Адади 10.000 нусха. Буюртма^Ч» 4190. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

